

Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 6 (181)

2012 йил, июн

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТЕУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

www.jad.uz

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. **Истадим**.....3

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

А.С. ПУШКИН. **Ватан даъватига соламиз кулоқ**.....57

НАСР

Виктор АСТАФЬЕВ. **Ғамгин саргузашт. Роман**.....7

Ясунари КАВАБАТА. **Ойнинг акси. Хикоя**.....65

Генри Райдер ХАГГАРД. **Клеопатра. Роман**.....74

Карел ЧАПЕК. **Апокрифлар**.....122

Ким Ю ЖОН. **Занжабил гули. Хикоя**.....141

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Х. ДЎСТМУҲАММАД. **Жон Милтон ва Абдулла Кодирий**.....147

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ. **“Устози муаззам”**.....156

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Яннис МАРИС. **Нафақадаги хусусий изқувар. Роман**.....165

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САҢЪАТИ

Тарихда қолган саналар.....197


Унутилмас сиймолар.....199

Ойнинг муҳим воқеалари.....205

Тақвим.....207

Резюме.....208

ТОШКЕНТ
ИЮН



Бош муҳаррир:

Шухрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Мирпўлат МИРЗО
(бош муҳаррир ўринбосари)

Усмон ҚЎЧҚОР
(масъул котиб)

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Амир ФАЙЗУЛЛА

Назира ЖЎРАЕВА

Юлдуз ҚОШИМОВА

Алимурод ТОЖИЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ

Эркин ВОҲИДОВ

Абдулла ОРИПОВ

Иброҳим ҒАФУРОВ

Низом КОМИЛОВ

Муҳаммад АЛИ

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ

Муҳаббат ШАРАФУТДИНОВА

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

Шухрат ИМЯМИНОВА

Навбатчи муҳаррир Т. ҚАҲҲОР
Техник муҳаррир У. КИМ
Мусаҳҳиҳ Д. АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Н. ДАВЛАТОВА

Жаҳон адабиёти, 6. 2012

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №181

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 24.06.2012 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.

Жами 1630 нусха. 229 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«Жаҳон адабиёти» журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2012 й.

Алишер НАВОИЙ



Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ўз авлодларига ақл бовар қилмайдиган даражада адабий мерос қолдирди ва она халқи маданиятини жаҳоний даражага олиб чиқди. Унинг сеҳрли қаламидан тушган дурдоналар ҳеч қачон таҳрирга муҳтож бўлмас эди, шунинг учун ҳам уларнинг қораламаси йўқ, дейдилар. Бу ижод чамани ичида ғазаллар, дostonлар, насрий ва илмий асарлар мавжуд. Унинг ижодини дунёга олиб чиқиш авлодлар олдида турган қутлуғ вазифалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш, тарғиб этиш борасидаги кўрсатма ва йўл-йўриқлари, ғажасўрликлари бутун ижод аҳлига, хусусан, таржимонларга катта руҳ бағишламоқда, мадад бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси табаррук бир иш бошлади. Алишер Навоийнинг "Юз ғазали"ни жаҳоннинг хитой, япон, корейс, ҳинд, инглиз, немис, испан, француз, рус, араб, форс, италян, португал, украин тилларига таржима қилдириш ва уларни аслият билан биргаликда нашр этиш ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Қуйида буюк бобомиз қаламига мансуб машҳур "Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим" деб бошлангувчи ғазалининг рус тилига таржимаси, насрий баёни ва умумий мазмуни ҳавола этилмоқда.

Муҳаммад АЛИ

Истадим

Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб соғиндим ёр эрур,
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.

Билмадим, олам элида йўқтурур мутлақ вафо,
Ваҳқи, умре улча йўқтур соғиниб бор истадим.

Улки топилмас башар жинсида, ваҳ, гафлат кўрунг,
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ишқингни кўнгул кўз бирла фош этмак не тонг,
Қалбу тардоманни чун мен соҳиб асрор истадим.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёрулуқ топмадим,
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим.

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим бу ғуссадин,
Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

“Жаҳон адабиёти” журнали таҳририяти ҳам бу табаррук лойиҳани қувватлаб, мазкур сондан бошлаб ҳазрат Алишер Навоий асарларидан айрим намуналарни аслиятда ва хорижий тилларда мунтазам бериб боришни режалаштирмоқда.

* * *

Искал всю жизнь, голотая кровь, любовь свою среди людей,
Искал я долго; чем сильнее, тем реже я встречался с ней.

Искал я преданную, но по ком скучал как по любви,
Пред кем я жертвовал душой, та предавала тем верней.

Не знал я, ято среди людей и вовсе преданности нет,
Искал, скучал столь долго я, ах, жизнь того едва ль длинней.

Среди людей нет места ей, ах! Я в невежестве своем
Искал ее на небесах, дождем рыдая, ей-же-ей.

Искал я тайну в тех глазах и в грешном сердце, что навзрыд,
Но разве диво, если в них чем глубже тайна, тем видней.

Я вместе с шейхом в келье той полоску света не нашёл,
И потому увы, в кабак служить спустился не по ней.

Эй, Навои, коль в скорби я столь одинок, тогда к чему
Искал, искал я сам себя как на беду в кругу теней?

Перевод Х.Исмайлова

Гўзал байтларининг насрий баёни

1. Бугун умрим давомида қийналиб дунё аҳли орасидан бир вафодор ёр изладим. Аммо бундай одам кам топилди, гарчи мен кўп истадим.
2. Кимники жоним фидо қилиб ёр деган бўлсам, аслида у менга вафо қилмади, мен эса вафодор ёр истаган эдим.
3. Билмадим, балки олам элида ҳеч ҳам вафо йўқдир, афсуски, мен бир умр вафо деб қидирибман.
4. Одам авлодида бўлмаган нарсани мен ғофил банда парийлар хайлида бор деб ўйлабман.
5. Ишқ сиррини кўнгил, кўз орқали фош этса ажаб эмас, чунки мен (нодон) бузуқ қалбни сирларимга эга этиб қўйибман.
6. Сўфийлар хонақоҳида шайх билан яшаб ёруғлиқ топмагач (кўнглим ёришмагач), майпарастлар кўчасидаги майхона пири ҳузурини истадим.
7. Эй Навоий, бу ғамлар ичида қийналиб бир ўртоқ топмадим, охири ўзимни ёлғизлик балосига гирифтор истадим.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоий девонларида замондан ва замон аҳлидан задалик кайфиятини ифодаловчи бир туркум ғазаллар бор. Шулардан бир нечтаси навоийшуносликка оид тадқиқотларда кўриб чиқилган. Ай-тиш жоизки, бундай ғоялар ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб", "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Ҳайрат ул-аб-рор", "Мажолис ун-нафоис" асарларида ҳам бор. Мавжуд тадқиқотларда бу ғоялар Навоий яшаган замоннинг нобоблиги, шоир билан давр орасидаги зиддиятларнинг инъикоси деб талқин қилинган. Албатта бу ҳам бор. Лекин масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, бундай ҳасратли фарёдлар, норозилик кайфияти фақат бир давр,

бир муҳит одамларининг дарду алами эмас. Бундай кайфият Навоийдан кейинги ижодкорлар асарларида ҳам қайта-қайта зуҳур этди ва умуман, дунё адабиётида турли даврларда, турли жанрларда ёзилган асарларда инсоннинг улуғворлигини кўрсатиш баробарида унинг ноқисликлари, тубан хислатларидан куйиниш, буни бўрттириб тасвирлаш, баъзан Навоийдан ҳасрат, алам оҳангида, баъзан ҳажв ва масҳара қилиш йўсинида кўрсатиб бериш бор ҳақиқат. Бу — инсоннинг инсонийлигини қайта тиклаш, огоҳлантириш даъвати аслида.

Иккинчи жиҳатдан, мазкур дардли ғоялар Навоий каби улур шахсларнинг кечинмалари ифодаси ҳам. Зеро, одам қанча буюк бўлса, унинг ҳаётга муносабати ҳам шунча теран ва залворли, қалби шунча нозик ва нажиб туйғуларга бой бўлади. У ўзига ўхшаган юксак дидли, қайноқ қалбли, маънавий олами бой, денгиздай беҳудуд ва гулдай нозик, наводай дилрабо дили бор одамларни кўмсайди, шулар билан суҳбат қургиси, дардини ёзгиси, яйрагиси келади. Навоий "ёр" деганда ана шундай буюк, комил инсонларни назарда тутган. Яъни ёр бу ерда ҳамдард, ҳаммаслак, ҳамкору ҳамният одам; туйғуси, қарашлари дилга яқин Дўстдир. Улур шоир ана шундай Дўст қидирарди. Бундай одамлар эса камдан кам. Кўпчилик шоирдан мадад истар, унга суяниб ишни битирар, ҳожатини чиқарар, ўзини яқин тутиб манфаатини кўзларди. Юзлаб одамлар Навоий ҳимояси соясида яшардилар, яхшилик, саховат ўрардилар, лекин ишлари битгач, уни унутардилар, яхшилик эвазига баъзан билиб, баъзан билмай ёмонликлар ҳам қилардилар. Бу эса шоир дилини огритарди. Ва, умумман, Навоий каби зотлар атрофида қанча одамлар парвона бўлмасин, улар ёлғизлик азоби ни чекардилар (афсуски, ҳозир ҳам шундай). Уни тушунадиган, руҳий мадад бўладиганлар кам эди. Балки бу ҳам бир қонуният, бир фожиали ҳолдир.

Шунда шоир гоҳ фалақдан, гоҳ ўз тақдиридан, гоҳ ёлғизлигидан нолиб шеър ёзарди, аламини асарлари қатига сингдирарди. Афсуски, аксарият Навоий каби буюк шахсларнинг зиддиятли, мураккаб ички дунёси ижод завқидан туғилган пўртанали руҳий парвозию озурда дилининг дардларини бирга олиб тушунмаймиз, бир ёқлама баҳо берамиз.

Ушбу ғазални ўқиганда ҳам реал инсоний кечинмаларнинг изҳори, шикоят ва ҳасрат оҳангининг шиддат билан оқиб келаётганига гувоҳ бўламиз ва бу дастлаб бизни руҳий тушқунликка сола бошлайди. Бироқ Навоий сўзларининг қудрати шундаки, унинг замирида вафо ва садоқат, яъни одамийлик хислатларини тиклашга даъват бор. Агар чин инсон бўлсангиз, ёрликни, дўстликни унутманг, деган фикр балқиб туради. Хуллас, Ҳаёт зиддиятлар, қарама-қаршиликлар тўқнашувидан иборат экан, табиийки, унда руҳий кўтаринкилик билан тушқунлик ҳолатлари ҳам мавжуд. Ва бу ижодкор шахсларда теранроқ намоён бўлади, чунки улар жамият кўзгуси, виждон алангасидирлар. Ушбу ғазалдаги тушқунлик замирида руҳий кўтаринкиликнинг афзаллиги, акс мазмуннинг ёруғлик ва беҳбудлик эканлиги шоёни ҳақиқатдир. Шу боис шоир умид билан: "олам элида мутлақ вафо йўқдир" бўлиб кўринса ҳам, "соғиниб бор истадим", дейди. Умидли дунё ҳикматини эсга олади, зеро улар абадий эмас, соғинч, умидворлик билан умрга маъно қўшиш, таскин, тасалли бериш яхшироқ. Бунинг устига, ана шу соғинч илоҳий ишқ сирри билан кишини боғлайди, чунки айни


ана шу сир руҳга қувват, дилга мададдир, буни хонақо шайхи ҳам англаши қийин. Шу боис лирик қаҳрамон дайр пири — илоҳий ишқ билан қалби тўлган орифни истаб, ошиқлар кўчасига боришни истайди.

Шу муносабат билан ғазалнинг бешинчи байтини ўқувчилар тўғри тушунишларини хоҳлардим. Бунда шоир *кўнғил*, *кўз*, *қалб* тимсолларини қиёслаб, ошиқ ҳолатидаги бир жиҳатни тасвирлаб берган, яъни ошиқ ишқини қанча яширмасин, у ошкор бўлади, чунки кўз билан қалбга ишониб бўлмайди, кўз кўрганини қалбга етказди, қалб эса ўзгариб турувчи, беқарор ва "бузуқи". Бунда араб тилидаги "қалб" сўзининг турфа маъноларни билдиришига ишора бор: қалбнинг бир маъноси юрак бўлса, яна бир маъноси — ўзгариб туриш ("қаллоб"), яна бир маъноси беқарорлик, ишониб бўлмайдиган нарса. Шу учун уни "бузуқи" ҳам дейдилар. Шундай экан, уни сирларга посбон қилиб қўйса, ошиқни не қўйларга солмайди, дейсиз?

Навоий бунда ҳам инсондаги хусусиятларнинг хилма-хиллиги, бевафоликларни таъкидлаб, ўз ёлғизлигини баён этишга имкон топган.

*Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор*

Виктор АСТАФЬЕВ



Виктор Петрович Астафьев XX аср иккинчи ярми рус адабиётининг йирик намояндаларидан бири. У 1924 йилда Красноярск ёнидаги Овсянка қишлоғида туғилган. Ота-онасидан эрта ажралгач, бобоси ва бувиси oilасида, сўнгга болалар уйида тарбияланган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Ёзувчининг "Қари дуб", "Довон", "Сўнгги таъзим", "Шоҳ балиқ", "Мунаввар юлдузлар", "Ғамгин саргузашт" каби қатор қисса ва романлари унга жаҳоний шухрат келтирди.

Ғамгин саргузашт

Роман

БИРИНЧИ БОБ

Леонид Сошнин хафақон, дилгир кайфиятда уйга қайтарди. У шаҳар чеккасидаги темирийўлчилар қўрғонигача узоқ йўл босиши керак бўлса-да, автобусга чиқмади. Ярадор оёғи оғриси оғрир, лекин пиёда юриш асабни тинчлантиради. Нашриётда ўзига билдирилган фикрларни чиғириқдан ўтказди, бундан кейин нима қилиш, қандай яшаш керак — ўйлаб кўради.

Сирасини айтганда, Вейск шаҳрида арзигулик нашриётнинг ўзи йўқ, унинг бир бўлими ишлаб турарди, холос. Нашриётнинг ўзини эса, кўчиришга мутасадди ўртоқларнинг фикрича, матбаа "салоҳияти" кучлироқ шаҳарга кўчиришганди. Лекин бу "салоҳият" — эски рус шаҳарларининг шалвираб қолган мероси — Вейскдагидан ҳам баттароқ эди. Босмахона панжара қопланган, узунчоқ деразали, инқилобдан олдин қурилган кулранг гиштин бинода эди.

Вейск босмахонасининг ҳарф териш бўлими ва босма машиналари жойлашган қисми аллақачон ер қаърига кириб кетган, шифтларга қаторлаштириб кундузги чироқлар ўрнатилган бўлса-да, бу ер жуда қоронғу, нам ва совуқ. Доим худди қулоқни батанг қилгудек чириллаш эшитилади, гўеки ер остига кўмиб қўйилган, секин ҳаракатга келувчи портловчи мослама ишлаб тургандай.

Нашриёт бўлими вилоят газетаси зўр-базўр ажратиб берган икки-та катак хонада жойлашганди. Бу хоналарнинг бирида тамаки тутунига чулганганича, ҳали телефонига ёпишиб, ҳали атрофга кул сочиб, маҳаллий маданият устунларидан бири — Сироквасова Октябрина Перфильевна ўтиради. У маҳаллий адабиётни олға ва ундан-да нарироққа ҳаракатлантира оларди. Сироквасова ўзини ҳамма нарсдан хабардор, ҳамма нарсани биладиган одам ҳисобларди. Гўё бутун мамлакат маданиятида бўлмаса ҳам, ҳарқалай, Вейскда иқтидор ва салоҳиятда унинг олдига тушадиган киши йўқ. У ҳозирги давр адаби-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

7

ёти тўғрисида ҳисобот ва маърузалар қилар, газета орқали нашриёт режалари билан ўртоқлашар, ана шу газеталарда Вергилий, Данте, Савонарола, Спиноза, Рабле, Гегел, Экзюпери, Кант, Эренбург, Юрий Олеша, Трегуб, Ермиловлардан ўринли-ўринсиз парчалар келтириб, Эйнштейн ва Луначарский руҳини безовта қилиб, жаҳон йўқсуллари доҳийларини ҳам ёддан чиқармай, ерли муаллифларнинг китобларига тақризлар ёзарди.

Сошнин китобининг тақдири аллақачон ҳал этилган эди. Тўпламга киритилган айрим ҳикоялар кичикроқ бўлса-да, марказий журналларда босилди. Улар ҳақида икки-уч марта тақриз, мақолаларда эслатиб ўтилди. Китоб беш йил навбат кутди, режага киритилди, тасдиқланди. Энди фақат таҳрир этиш, безаш керак эди, холос.

Сошнин билан иш юзасидан учрашувни роппа-роса соат ўнга белгиллаган Сироквасова нашриёт бўлимига ўн иккида кириб келди.

Тамаки ҳиди таратганча ҳарсиллаб, Сошниннинг ёнидан ўтар экан, хирқираб "кечирасиз" деди. Паст товушда сўкина-сўкина узоқ вақт бузуқ қулфда калит айлантирди.

Ниҳоят, эшик жаҳл билан ғирчиллаб очилди. Йўлакка кулранг, заифгина нур тушди. Ташқарида иккинчи ҳафтадирки, қорни бўтқага айлантирган, катта-кичик кўчаларнинг дабдаласини чиқарган майн ёмғир қуярди. Декабрь ойи бўлишига қарамай, дарёчада муз кўчиш бошланганди.

Оёғи симиллаб оғрир, елкасидаги янги яра ёндираб, устига-устак чарчоқ туфайли Сошниннинг уйқуси келарди. У тунлари ухлаёлмас, қоғоз ва қалам билан жон сақлаб, тонг оттирарди. "Хат-қалам васвасаси тузалмас касал экан-да", ўзича кулиб қўйди Сошнин ва пинакка кетди. Лекин бу орада девор тақиллаши тинчликни бузиб юборди.

— Галя, — деди Сироквасова калондимоғлик билан, — ҳалиги буюк зотни бу ёққа чақир!

Галя — машинистка, ҳисобчи ва яна қотиба ҳам эди. Сошнин у ёқ бу ёққа қаради, йўлакда ҳеч ким йўқ. Демак, "буюк зот" унинг ўзи экан-да?

— Ҳой, қаердасан? — Галя оёғи билан эшикни очиб, сочи калта қирқилган бошини йўлакка чиқарди: — Кирсанг-чи, чақиринишяпти.

Сошнин янги бўйинбоғини тўғрилади, кафти билан сочларини тузата бошлади. Болалигида қўшни аёллар, Лина хола тез-тез сочини силаб туришгани учун у шунга ўрганиб қолганди.

"Хотиржамлик, хотиржамлик керак!" деди ўз-ўзига Сошнин ва мулойимгина йўталиб қўйиб, сўради:

— Мумкинми, ҳузурингизга кирсам? — собиқ тезкор ходимнинг синчков нигоҳи Сироквасова хонасидаги ҳамма нарсани бир йўла илғай олди. Бурчакда қадимий ёғоч жавон, шаҳарда ҳаммага таниш, ҳамманинг жонига теккан қизғиш, жиққа ҳўл пўстин йўнилган ёғоч найзага қўндириб қўйилган. Пўстиннинг илгичи йўқ экан. Унинг ортидаги бўялмаган жавонда бирлашган нашриётда чоп этилган адабий маҳсулот териб қўйилган. Олдинда анча дид билан безатилган қалин муқовали совға китоблар.

— Ечининг, — Сироквасова эски жавонга ишора қилди, — илгаклари йўқ, миҳ қоқиб қўйилган. Ўтиринг, — у қаршисидаги ўриндиқни кўрсатди. Сошнин ёмғирпўшни ечгач, Октябрина Перфильевна униққан қоғоз жилдни худди этаги остидан олгандай илиб олиб, жаҳл билан олдинга ташлади.

Кўлёмалари солинган жилдни Сошнин зўрға таниди. Уни нашриётга топширигандан буён қоғоз жилд жуда мураккаб ижодий йўлни

босиб ўтганди. Собиқ тезкор ходимнинг нигоҳи яна шуни қайд қилдики, жилд устига чойнак қўйилган, унда мушук ҳам бирпас ўтирган, кимдир чой тўккан. Сироквасованинг ҳар қайсиси бошқа-бошқа ижодкор пуштикамаридан бўлган уч билағон ўғли жилдга тинчлик кабутари, юлдузли танк ва самолёт расмини чизишган.

Сошнин ўзининг биринчи ҳикоялар тўплами учун бу кулранг жилдни авайлаб-асраб қўйганини яхши эслайди. Ўртасига оқ қоғоз ёпиштирди, жуда янгилик бўлмаса-да, сарлавҳасини "Ҳаёт — ҳамма нарсадан қимматли" деб бўёқ билан чиройли қилиб ёзиб қўйди. Ўшанда шундай деб таъкидлаш учун унда ҳамма асос бор эди. У нашриётга кўнглида ҳали ҳеч қачон ўзи туймаган янгилиниш, яшаш, ижод қилиш, кишиларга фойда келтириш иштиёқи билан борганди. Ўлим чангалидан бир амаллаб қутулганлар, "у дунёдан қайтиб келганларнинг" ҳаммасида шундай ҳолат юз беради.

Жилд юзига ёпиштирилган оқ қоғоз кулранг тус олибди. Кимдир уни тирнабди, булар майлига, лекин қалбидаги байрамона кайфият, у нурли туйғулар қани?

У маҳаллий арақхўр мутафаккирлар йўл-йўлакай ёзган икки тақриз илова қилинган қўлёзмасини кўриб турарди. Бу арақхўрлар Сироквасовага тақризлар ёзиб бериб, пул ишлашар, милиция ҳаётини акс эттирувчи ижод билан мутлақо ишлари ҳам, дардлари ҳам йўқ, улар милицияни фақат хушёрхонада кўришарди.

Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамият учун инсонлар эътиборсизлиги нақадар қимматга тушишини Сошнин яхши биларди. Буни у бир умрга миясига жо қилиб олганди.

— Хў-ў-ў-ўш, демак, ҳаёт ҳамма нарсадан қадрлироқ, — Сироквасова тамаки сўрди, тутунга чулғаниб, тақризларни тез-тез варақлар экан, лоқайдлик билан дамба—дам такрорларди, — ҳамма нарсадан қимматли, ҳамма нарсадан қимматли...

— Мен беш йил олдин шундай деб ҳисоблардим.

— Нима дедингиз? — Сироквасова бошини кўтарди ва Сошнин унинг салқи ёноқлари, пала-партиш кўкартирилган қовоқларини кўрди. Яرمىси тўкилиб бўлган қошу киприкларда қора нуқтачалар қотиб қолганди. Сироквасова қулай энгил-бош — замонавий аёлларнинг ўзига хос коржомасини кийиб олганди: тез-тез ювиш ҳам, дазмоллаш ҳам шарт эмас.

— Мен беш йил муқаддам шундай фикрда эдим, Октябрина Перфильевна.

— Ҳозир-чи, ҳозир шундай деб ҳисобламайсизми? — қўлёзмани худди қарам қолдигидай титкилаётган Сироквасованинг бутун вужудидан, сўзларидан заҳарханда ёғилиб турарди, — ҳаётдан бездингизми, кўнглингиз қолдимми?

— Ҳали жуда унчалик эмас.

— Шунақа денг? Қизиқ! Қизиқ! Жуда яхши, таҳсинга лойиқ! Демак, ҳали унчалик эмас!..

"У ахир қўлёзмани эслолмаяпти! Бирор ишни илғаб олиш учун вақтдан ютмоқчи бўляпти-ку. Қани, қўлидан нима келар экан. Жуда қизиқ!"

Сошнин Сироквасованинг сўнги чала-ярим саволига жавоб бермай, кутиб турарди.

— Менимча, суҳбатимиз узоққа чўзилмаса керак. Бекорга вақт сарфлашга не ҳожат. Қўлёзма режага киритилган. Асарингизнинг у ер-бу ерини тузатиб, рисоладагидек қиламан, сўнгра рассомга топшираман. Ўйлайманки, ёзга бориб, биринчи босма маҳсулотингиз, айтиш мумкинки, фарзандингиз қўлингизга тегади. Албатта, қоғоз

беришса, босмахонага ҳеч бало урмаса ва режа қисқариб қолмаган тақдирдагина шундай бўлади. Лекин мен сиз билан келажакдаги ишлар хусусида гаплашмоқчи эдим. Матбуотга қараб баҳолайдиган бўлсак, сиз ҳамон зўр бериб ишляпсиз, шу куннинг мавзуида чиқишлар қиляпсиз, мавзуингиз ҳам муҳим — милиция ҳаёти!

— Инсон ҳаёти, Октябрини Перфильевна.

— Нима дедингиз? Ҳа, майли, бу сизнинг ишингиз. Лекин очикчасига айтадиган бўлсак, инсоний, боз устига умуминсоний муаммолардан ҳали жуда йироқсиз, иқтидорингиз етмайди! Гёте айтганидек: "Уннер айх бар ви дер химмель", яъни "Осмон янглиғ юксак ва йироқ".

Сошнин буюк немис шоирининг бунақанги сўзларини негадир эслай олмади. Афтидан, Сироквасова ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, Гётени ким биландир адаштирган ёинки нотўғри парча келтирмоқда эди.

— Сиз ҳали воқелик нима эканини тузукроқ ўзлаштириб ололганингиз йўқ, бусиз эса сизнинг милиция ҳаётидан олинган ҳикоячаларингиз, мени кечирасиз-у, янчилган бугдой бўтқасидай бир гап, — Сироквасованинг назарийчилиги тутиб кетди. — Наср оҳанги, мағзи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади — улар сиздан етти тош нарида. Бундан ташқари, доимо янгилашиб, ўзгариб турадиган, ҳаракатчан шакл-шамойил — форма ҳам бўлади.

— Форма нима эканини мен биламан.

— Нима дедингиз? — Сироквасова ўзига келди. Илҳомбахш дийдиё пайтида у кўзларини юмган, столдаги "буюк" фарзандлари чизган қораламалар, уч йил бурун мастлик оқибатида ўзини меҳмонхонада осиб ўлдирган, шу туфайли ҳамманинг оғзига тушган, ярим авлиёлар сафидан жой олган саёқ, саргашта шоирнинг фикимланган сурати кўришиб турган шиша юзини кулга тўлдириб ташлаганди. Кул Сироквасованинг этакларига, атрофга сочилган, устига-устак кўйлаги ҳам кулранг бўлганидан, бу аёл бошдан-оёқ кулга кўмилган, йиллар гарди остида қолгандай туюлар, шакли-шамойили эскирган ва яна икки-уч мурвати ишдан чиққан телевизордаги тасвирга ўхшаб кетарди.

— Формани биламан, дедим. Чунки форма кийиб юрганман.

— Мен милиция либосини назарда тутаётганим йўқ.

— Нуктадонлигингизнинг қадрига етмабман, маъзур тутасиз, — Леонид ғазаби қайнаётганлигини сезиб, ўрнидан турди, — агар сизга бошқа керагим бўлмаса, кетишга рухсат этсангиз.

— Майли, майли, — Сироквасова сал уялинқираб, суҳбат мавзуини бошқа томонга буриб юборди. — Ҳисобчи сизга бўнак ёзиб беради. Бир йўла олтимиш фоизини. Лекин бизда пул масаласи ҳар доимгидек чатоқроқ.

— Раҳмат. Кераги йўқ. Мен нафақа олиб турибман, ўзимга етади.

— Нафақа? Қирқ ёшда қанақа нафақа бўлиши мумкин?

— Мен қирқ икки ёшдаман, Октябрини Перфильевна.

— Бу эркаклар учун кексалик ёши эмас, айни қирчиллама пайтуку, — доимо нимадандир норози, нимадандир хуноб барча аёл зоти сингари Сироквасова ҳам ҳушёр тортди, тилёғламалик қила бошлади, заҳархандасини ярим ҳазил оҳангига айлантиришга уриниб кўрди.

Лекин Сошнин унинг гап оҳангидаги ўзгаришни, ўйноқиликни ҳазм қилолмади, таъзим бажо келтириб, нимқоронғу йўлакка чиқди.

— Бўйинингизни синдириб олмаслигингиз учун эшикни очиб турман, — қичқирди унинг ортидан Сироквасова.

Сошнин жавоб қайтармади. Ташқарига чиқиб, ўйма нақшлар билан безатилган айвонча остида бироз турди. Нақшларни бекорчилик-

дан ўзини қаёққа уришни билмаган, қўли югурик кимсалар сарғиш ширинкулчага ўхшатиб тимдалаб ташлашганди. Леонид иссиқ ёмғир-пўши ёқасини кўтариб, бўйинини ичкари тортди ва сассиз бўшлиқ қаърига қадам қўйди. У тамаддихонага кирганида, бу ернинг кундашундалари шовқин-сурон билан кутиб олиб, "сухбат"га тортмоқчи бўлишди. Сошнин бир қадах коньяк олди. Уни бир кўтаришда бўшатди ва оғзи қуруқшаётгани, кўкраги эса қизиб бораётганини ҳис этганича бу ердан тез чиқиб кетди. Елкасининг куйишиб оғриши шу иссиқлик туфайли йўқолгандай бўлди, оёқ оғриғига эса у кўниккан, тўғрироғи, тақдирга таъ берган эди.

"Яна ичсаммикан? Йўқ, керак эмас! — Бир қарорга келди у, — анчадан бери ичганим йўқ эди. Маст бўлиб қолишим мумкин..."

У қадрдон шаҳри бўйлаб қадам ташлар экан, хизматда ўрганган одатига кўра, ҳўл қалпоғининг айвончаси остидан атрофда нималар бўлаётганини кузатиб борарди. Йўлда машина кам, кўпчилиги тўхтаб турибди, одамлар жуда эҳтиёткорлик билан юриб боришади. Ҳосил бўлган яхмалак ҳаракатни эмас, балки ҳаётни ҳам тўхтатиб қўйган. Одамлар уй-уйларида ўтиришар, пана жойларда ишлашни афзал кўришарди. Осмондан эса ёмғир қуйгани-қуйган. Сув ирмоқчалар, дарё-чалардек оққанида ҳам бир нав эди. Рангсиз бу суюқлик пала-партишлик билан айланар, тешик-тўйнуқлардан қайта қуйиларди. Қор тагида пана бўлган ахлатлар, қоғоз ва тамаки қолдиқлари, ивиган кутилар, шамолда шалдираб турган елим қоғозлар яна юзага чиқиб қолганди. Қора заранг дарахтлари, кулранг теракларга қарға ва қарқуноқлар ёпишиб олишган. Уларнинг айримларини шамол учириб кетмоқчи бўлар, бечоралар шу заҳотиёқ бутоққа янада қаттиқроқ тирмашишар, амаллаб ўрнашиб олишгач, унлари ўчарди.

Сошнининг фикру хаёллари ҳам худди об-ҳаво сингари секин-аста гимирлаб турарди. Ҳа, фикрлар оқиб келмас, югургиламас, фақат гимирлаб турарди, холос. Бу ҳаракатда олис шуъла ҳам, орзу-умид ҳам йўқ, фақатгина бундан сўнг қандай яшайман, деган ташвиш бор эди.

Энди милицияда ишлаёлмаслиги ўзига аён эди. У ўрганиб қолган — ёмонликни тағ-томири билан йўқот, жиноятчиларга қарши кураш, кишилар осойишталигини таъминла, деган ақида темирйўлнинг боши берк изига ўхшаб қолди. Темир излар тугади, уларни боғлаб турган ёғочлар ҳам тамом бўлди, энди ҳеч қанақа йўналиш ҳам, йўл ҳам йўқ. Бу ёғи тап-тақир. Бошинг оққан томонга боришинг, жойингда айланиб юришинг ҳам мумкин. Агар буни ҳам истамасанг, боши берк издаги вақт ўтиши туфайли ёрилиб, шамолда қуриган, энди ёпишқоқлиги ҳам қолмаган охирги харига ўтириб, пинакка кет ёки бор овозинг билан бақир: "Ўриндиққа ўтираман-да, ўйлаб кўраман. сўққабошлар қандай кун кечирсин бу ёруғ дунёда..."

Сўққабошлар қандай кун кечирсин бу ёруғ дунёда? Ўзинг ўрганиб қолган иш, давлатнинг кийим-боши ва овқатинг бўлмагач, яшаш қийин, албатта. Кийим ҳақида ҳам, овқат ҳақида ҳам бош қотириш керак. Кир ювиш, дазмол босиш, овқат пишириш, қозон-товоқ ювиш учун жой ҳам даркор.

Бироқ энг муҳими бу эмас. Муҳими, узоқ вақт жиноятчилар ва жиноят қилмайдиганлар тоифасига ажратиб келинган халқ орасида ўзингни қандай тутишинг, қандай яшай олишингда. Жиноятчилар дунёси, ҳарқалай, унга таниш — ҳаммаси бир хил. Лекин бунисичи? Доимо ола-ғовур, ранг-баранг ҳаракатда бўлган бу қанақа дунё экан? Қаёққа кетяпти? Нима учун кетяпти? Улар нималарни орзу

қилишади? Таъблари қандай? "Оғайнилар! Мени ҳам ола кетинглар! Мени ҳам давраларингизга қўшинглар!" — дея Сошнин одатича шўхлик қилмоқчи ҳам бўлди. Лекин, афсуски, ўйин тугади. Ҳаёт ўзининг кундалик ғам-ташвишлари билан шундоқ рўпарага келди-қолди. Оддий кишиларнинг оддий кунлари қанақалиги эса маълум.

Сошнин олма сотиб олмоқчи эди. Лекин бозорнинг "Хуш келиб-сиз!" деган сўзлар эгри-бугри қилиб ёзилган дарвозаси ёнида қий-шанглаб, ўтган-қайтганга хиралик қилаётган Урна лақабли маст аёлни кўриб қолди. Аёллик қиёфаси қолмаган бу мавжудот ароқ ва тартиб-сизликларга кўр-кўрона, телбаларча интилар, бирорта тиши қолмаган, ўрадай қоп-қора оғзига нисбат бериб, уни "Урна" дейишарди. Бир вақтлар бу аёлнинг бинойидай оиласи — эри, болалари бор эди, темирийўлчилар маданият уйи ҳаваскорлик тўғарагида Мордасовага ўхшатиб қўшиқлар айтарди. Ҳаммасини ароққа тикди, сотиб ичди, бой берди ва Вейск шаҳрининг шармандаи шармисор, "диққатга сазовор кишиси"га айланди. Милициянинг энди унга иши йўқ, ҳеч қанақа жазо, қамоқ қор қилмай кўйган. Уни хушёрхонадан ҳам қувиб солишади, қариялар уйи эса қабул қилмайди. Чунки Урнанинг фақат афт-ангоригина қари кўринади. Жамоат жойларида у ҳаммада қасди бордай, ўзини шармандаларча, сурбетларча тутайди. Урна билан курашишнинг иложи ҳам, бирор чораси ҳам йўқ. У кўчаларда йиқилиб қолса-да, чордоқ ва ўриндиқларда ётиб юрса-да, ўлмайди, музлаб ҳам қолмайди.

*Оҳ, қувноқ кулгимнинг
Жазманлари доим топилар... —*

бўғиқ товушда куйларди Урна, аммо бу овоз ҳавога ҳам, совуқ бўшлиққа ҳам сингиб кетмас, табиат ўзининг шармандаи шармисор фарзандини бағридан ҳайдаб чиқарар, инкор этарди гўё. Сошнин бозорни ҳам, Урнани ҳам четлаб ўтди. Замину осмон ҳамон ўша совуқ томчилар, ўша совуқ оқим билан тўла, хирагина нурнинг, шуурсиз ернинг, соғинч ва андуҳнинг чеки йўқдай эди. Бирдан ана шу шуурсиз заминда жонланиш юз берди, гап-сўзлар, кулги қулоққа чалинди, чорраҳада хавотирлик билан машина ғийқиллади.

Тинчлик шоҳқўчаси бўйлаб, унинг қоқ ўртасидаги чизиклар ёқалаб бўйнига бўйинтуруқ илинган от секин юриб борар, олифтанамо қирқилган думини онда-сонда силкиб кўярди. От йўл ҳаракати қоидаларини билар ва тақаларини ўзига бино кўйган хотинчалар хориж этикчаларини қандай тақиллатишса, шундай тақиллатиб, "бетараф ер"дан кетиб борарди.

Эгар-жабдуғи, анжомлари қарашикли, тартибли жонивор ҳеч кимга, ҳеч нимага эътибор бермай, бамайлихотир ўз йўлида кетмоқда эди.

Одамлар отни хайрихоҳ назар билан кузатишар, юзлари ёришиб, жилмайишар, ортидан луқма ташлаб қолишарди. "Ҳасис ҳўжайинидан бош олиб кетяпти!", "Ўз-ўзини қазига топширмоқчи", "Йўқ, у хушёрхонага боряпти, у ер отхонадан иссиқроқ-да", "Бекор гап! Лавря-казакнинг жуфти ҳалолига эри қаердалигини хабар беришга кетяпти..."

Сошнин ҳам жилмайиб кўйиб, отни нигоҳи билан таъқиб этди — жонивор пиво заводи томон кетмоқда эди. Отхона ўша ерда. Отнинг эгаси пиво заводи аравакаши Лавря Казаков, халқ тилида Лавря-казак генерал Белов корпусида хизмат қилган қари гвардиячи, учинчи даражали "Шуҳрат", яна жуда кўп жанговар орден ва медаллар нишондори. У ҳозир ситро ва шунга ўхшаш алкоғолсиз ичимликлардан

дўконларга ташиб бўлиб, жанговар юришлар, замонавий шаҳар тартиб-қоидалари, аёлларнинг қутуриб кетгани-ю, эркакларнинг латтачайнар-мижғовлиги ҳақида ҳангомалашиб учун улфатлари билан доимий қўналғаси — Сазонтъевск ҳаммоми тамаддихонасига кириб олган, ақлли отини эса ёмғирда бўкиб, дийдираб турмасин деб, ўз оёғи билан пиво заводига жўнатиб юборган. Вейск милицияси ва фақат угина эмас, бутун ерли халқ пиво заводи араваси қаерда турганини кўришса, шу ерда Лавря-казак ҳангомалашиб, дам олаётганини билишар, бунга кўникиб қолишганди. Лавря-казакнинг оти эса жуда ақлли, ҳамма нарсани тушунади ва ўз ғамини ўзи ея олади.

"Мана, кўнгил ҳам бироз ёришди, расво об-ҳаво ҳам энди кишини унчалик эзмайди, — ўзича бир қарорга келди Сошнин, — кўникиш керак, Россиянинг шу ғўшасида туғилиб ўсдингми, энди кўникиш керак. Хўш, нашриётга борганинг-чи? Сироквасова билан суҳбат-чи? Э, қуриб кетмайдими? Бирор кун ишдан олиб ташлашди, вассалом! Китобнинг ўзи унчалик эмас-да! Биринчи китоб, содда, тақлидчилик руҳи билан суғорилган. Боз устига, беш йил мобайнида эскириб ҳам кетди. Кейингисини яхшироқ ёзиш керак. Эҳтимол, Москвада ҳам нашр этса, бўлар..."

* * *

Сошнин дўконга кириб, нон, булғор шарбати, бир шиша сут, агар шу қуруқшаган, кўкимтир бўйнидан узун, тирноқли панжалар чиқиб турган мавжудотни товуқ дейиш мумкин бўлса, товуқ сотиб олди. Нархи эса ғозники билан барабар. Лекин бу ҳам ўйлаб ўтиришга, афсусланишга сабаб бўлолмайди.

Угра пишириб, иссиғида ичиб олиш мумкин. Қарабсизки, яхши тушлиқдан сўнг, Архимед қонунига мувофиқ, иситиш батареясидан оқаётган томчиларнинг бир маромда чакиллаши, эски девор соати тақ-туқи, ёмғир шовуллашига қулоқ тутиб, бир-икки соат маза қилиб китоб ўқилади. Сўнгра эса туни билан ижод қилади. Ижод қиладими, йўқми, ҳарҳолда қандайдир, ўзига хос, тасаввур кучи билан яратилган оламда бир муддат яшайди.

Сошнин темирйўлчиларнинг янги мавзесидаги эски икки қаватли уйда яшарди. 7-рақамли уйни йиқитишни унутишганди. Сўнгра ана шу хатога сиёсий тўс бериш учун уни иссиқ сув, газ, оқава қувурларга улаб қўйишди. Ўттизинчи йилларда соддагина меъморчилик лойиҳаси асосида қурилган, қачонлардир ойнаванд роми бўлган, чайлачага монанд томи кулранг бу уй икки катта иморат ўртасида қисилиб қолган, итоаткорлик билан ерпарчин бўлиб турарди. Бу уй одамлар учун ўзига хос ёдгорлик, муҳими, бир давр белгиси, болалик хотираси ва яхши манзилгоҳ бўлиб хизмат қиларди. Замонавий мавзеда яшовчилар меҳмонларни ана шу ёғочдан қилинган, йўқсил уйни қоралаб йўл топишга ундардилар. "Шундоққина сариқ уйнинг ёнидан ўтгандан сўнг..."

Сошнин ўзининг қадрдон уйини яхши кўрармиди ёки уни аярмиди, билиб бўлмайди. Эҳтимол, ҳам яхши кўрар, ҳам аярди. Чунки, у шу ерда ўсиб-улғайган, шу уй ва ётоқхонадан бўлак ҳеч қаерда истиқомат қилмаган. Унинг отаси отлиқ аскар, генерал Белов қисмида Лавря-казак билан бирга жанг қилган, Лавря — оддий аскар, отаси — взвод командири бўлган. Отаси урушдан қайтмади. У отлиқ аскарлар қисми душман орқа томонига қилган юриш пайтида ҳалок

бўлган. Онаси Вейск бекати техника хизмати идорасида ишлар, шу уйнинг иккинчи қаватидаги тўртинчи хонадонда синглизин билан яшарди. Хонадон тўрт девори теппа-тенг икки хона ва ошхонадан иборат эди. Бир хонанинг икки деразаси темир йўлга, иккинчи хонанинг ҳар иккала деразаси ҳовлига қарарди. Бу хонадонни қачонлардир ёш темирйўлчилар оиласига беришган, онасининг синглизин, яъни Сошнининг холасини жияни чақалоқлигида унга қараб туриш учун қишлоқдан келган эди. Сошнин уни онасидан кўпроқ билар, яхши эсларди. Чунки, уруш йиллари идора хизматчиларини вагонларни бўшатиш, қор тозалаш, колхозларда ҳосилни йиғиб-тегиб олишга тез-тез сафарбар этиб туришар, шу боисдан онаси уйда камдан-кам бўларди. Бояқиш, ўша йиллари ҳолдан тойди ва уруш охирида кезларда қаттиқ шамоллаб, касал бўлди ва қазо қилди.

Бола холасини билан қолди. Лёня ёшлигида холасини Лина, деб чақирарди, шунинг учун бу ном хотирасига маҳкам ўрнашиб қолди. Лина хола онасининг изидан бориб, техника идорасида унинг ўрнини эгаллади. Ҳамма ҳалол кишилар каби улар ҳам қўни-қўшнилари суяниб, шаҳар ташқарисидики кафтдек ерга картошка экиб, мойнани зўрага етказишарди. Баъзан бирор янги нарса олишса, ёки байрам қилишга тўғри келса, пул етмай қолган пайтлар ҳам бўларди. Холасини турмушга чиқмади, бунга уриниб ҳам кўрмади. "Менинг Лёням бор, унга қарашим керак" деб такрорларди у. Лекин холасини қишлоқчасига мириқиб қўшиқ айтиб, рақсга тушиб дам олишни яхши кўрарди.

* * *

Шундай тоза, шўрпешона аёлни ким бу қўйга солди? Вақтми? Одамларми? Ёки енгилтаклик, кўр-кўрона тақлидчиликми? Афтидан, ҳар учаласини ҳам.

Ўша бекат, ўша идорада уни тўсин ортидаги алоҳида столга ўтқазишди. Сўнгра жуда баландга — темир йўл Вейск бўлимининг тижорат бўлимига кўтаришди. Лина хола уйга пул, мусаллас, озиқ-овқат олиб кела бошлади, жуда қувноқ бўлиб қолди. У энди ишдан кечикиброқ қайтар, олифтагарчилик қилар, у ёқ-бу ёғини бўяган бўларди. "Оҳ, Лёнка, Лёнка! Менга бир гап бўлиб қолса, сен ҳам адо бўласан, — дерди у баъзи-баъзида. Холасига жазманлари кўнғироқ қилиб туришарди. Лёня гўшакни олар, саломлашмай, кўполлик билан сўраб қоларди: "Ким керак?", "Лина керак эди?", "Бизда бунақасини йўқ", "Қанақасига йўқ бўлар экан?", "Шунақасига йўқ, вассалом!" Холасини гўшакни тимдалаб кўярди. "Мени, мени чақиринг...", "Э, ҳа, сизга Лина хола керакми? Шундай десангиз бўлмайдими, ахир!.. Марҳамат! Бемалол!" Шу тариқа холасини яна бироз қийнагач, гўшакни узатади. Бечора гўшакни маҳкам қисиб, гапира бошлади: "Нега кўнғироқ қилисан? Айтгандим-ку, сенга кейин, деб... кейин, кейинроқ! "Қачон, қачон", дейвериб безор қилдинг-ку!.." Кишининг ҳам кулгисини қистайди, ҳам жаҳли чиқади. Бояқиш холасини соддалиги, тажрибасизлигидан бехосдан валдираб кўяди: "Лёня мактабга кетсин, кейин..."

Лёня бўлса, аллақачон димоғдор ўсмирча бўлиб қолган, "Мен ҳозир ҳам кетишим мумкин, фақат қанча вақтгачалигини айтиб қўйсангиз бўлгани..." — дейди.

— Қўйсанг-чи, Лёня, — қизариб-бўзариб, кўзларини яширарди холасини, — идорадан кўнғироқ қилишяпти, сен бўлсанг, худо биларди, нима балоларни ўйлаяпсан?..

Бола холасини заҳарханда, нафратомуз нигоҳ билан куйдирар, адо қиларди. Айниқса, у ўзини унутиб, дабдала шиппагини ечиб, оёғини оғзига қўйиб, ўнинчи синф қизларига ўхшаб ноз-фироқ қила бошласа, полни супуриши керак бўлган йигитча, албатта, супурги билан холасининг оёғини тўғрилаб жойига қўяр ва дўрилдоқ товушда куйлай бошларди: "Иштиёқ, ҳаяжон, босилгин энди..."

Бу ажойиб аёл бир умр унинг учун яшади. Шу боисдан у холасини ҳеч кимга раво кўрмас, жуда қизғанарди. У ахир, замонавий болакай ва шунинг учун ҳам ниҳоятда худбин эди.

* * *

Вилоят ички ишлар бошқармасининг олис Карпатдан келтирилган кошинлар билан безатилган, лекин барибир чиройи очилмай, янада тунд тус олган биноси олдида, гилосранг "Волга"да чарм камзулча, куён терисидан тикилган телпак кийган шофёр йигит — Ванька Стригалев мудраб ўтирарди. У жуда қизиқ одам эди: йигит ҳеч нима ўқимай, нималарнидир хаёл суриб, машинада неча кеча-кундузлаб ўтира оларди. Сошнин бошқарма фарроши Паша тоға ва унинг дўсти, қария Аристарх Капустин билан балиқ овига борган пайтлари бўлган. Чоллар чакка соқол қўйган ёшгина йигит кун бўйи машинада уларни кутиб ўтирганидан ўзларини ноқулай сезишарди. "Сен, Ваня, лоақал, газетами, китобми ўқисанг бўларди"

— Э-э, ўқиб нима қиламан. Барибир, бир тийинлик фойдаси йўқ, — дерди Ваня ва ширингина ҳомуза тортиб, керишиб қўярди.

Мана, Паша тоғани олиб кўрайлик. У доим супургани-супурган. Қиради, қиртишлайди ҳам. Қорнинг ўзи йўқ, эриб кетган, у бўлса, сувни ҳам супураверади. Супур-сидир — бу Паша тоғанинг асосий иши эмас. Унинг ақлу ҳуши балиқ ови билан банд. Боз устига, хоккей ишқибози, фаррошликка ҳам ўз мақсадига эришиш учун жойлашиб олган. Паша тоғани ароқхўр, деб бўлмас, у онда-сонда ичиб турарди. Шу боисдан, пулини икки-уч бўлакка бўлишдан асраб қолиш учун, фаррош супургиси билан "ўз харажатларини" қоплаб турар, пенсиясини бус-бутун хотинига топширарди. У эса ҳисобкитоб, миннат-иллат билан унга "бозор пули" берарди. "Мана бу, Паша, сенга балиқ ови учун — беш сўм, мана бу уч сўм эса лаънати хоккейинг учун".

Ички ишлар бошқармасида ҳамон бир неча от ва кичик отхона сақланиб келарди. Отхона Паша тоғанинг дўсти Аристарх Капустиннинг қарамоғида эди. Улар қадрдон ва жонажон милициянинг "остини" ковлаб, бошқарма биносига туташ иссиқлик қувурларигача етиб боришди. Шу қувурларга от гўнги, тупроқ, ириган-чириган алламбалолар ташлаб, беркитиб қўйишди. Улар бу ўрада йил давомида шунақанги чувалчанглар етиштиришардики, бундай ажойиб хўрак учун қариялар доим эъзозда эдилар. Уларни хоҳлаган уловга, ҳатто, бошлиқларнинг машинасига ҳам жон-жон, деб ўтқазिशарди. Лекин бошлиқларнинг машинасида юришни Паша тоға ҳам, Аристарх Капустин ҳам хуш кўришмасди. Кундалик турмушда бошлиқлар ва хотинлари уларнинг меъдасига теккан. Шу боисдан, табиат қўйнида бутунлай озод, эркин бўлиб дам олиш, бошлиқларни ҳам, хотинларни ҳам унутишни истардилар.

Қариялар эрталаб соат тўртда кўчага чиқиб, музда чуқурча ўядиган анжомларига суянганча туришарди.

Тез орада машина тормоз берар, уларни асфальт юзидан ялаб олишарди, гүё. Кимларнингдир кўли қарияларни шундоқ кўтариб олиб, кишилар орасига тикиб кўярди. "А-а, Паша, А-а, Аристарх! Ҳали тириксанлар!" — овозлари эшитилар ва шу дақиқалардан бошлаб кўпни кўрган балиқчилар ўз қадрдонлари даврасида юракка ҳам, танга ҳам дам беришар, "ўз одамлари" билан фақат "ўз ишлари" хусусида чакчақлашардилар.

Паша тоғанинг ўнг кўли оқ чандиқлар билан қопланганди. Балиқчилар, нафақат, балиқчилар, балки, шаҳарнинг бутун жамоатчилиги Паша тоғанинг чандиқларига, унинг жангда орттирган яраларига нисбатан ҳурмат билан қарашарди, эҳтимол. Балиқчиларнинг аксарияти асабий. Улар сув ҳавзаларида тўлқиндай у ёқ, бу ёққа шалоплаб, музни ўйишади. Сўкиниб, аввалги балиқ овларини эслашади. Балиқларни қириб юборгани учун тараққиётни лаънатлашади ва бошқа ҳавзаларга бормаганларига пушаймон қилишади.

Паша тоға эса балиқчиларнинг бунақа тоифасидан эмас. У бир жойга ўрнашиб олиб, табиатдан эҳсон кутиб ўтираверарди. Ҳолбуки, у манаман деган балиқчидан қолишмас, ҳар доим уйига йўқни йўндириб, боридан бозор айлаб, шўрвага етадиган балиқ олиб келарди. Шундай пайтлар ҳам бўлардики, Паша тоға шарманка кути, қоп ва ички кўйлагини балиққа тўлдириб келар, ўшанда бутун бошқарма, айниқса, оддий ходимлар балиқ шўрвага тўйишар — чол ўлжасидан ҳаммага улашарди. Қария Аристарх Капустин бўлса, бироз қитмироқ. У балиқни ўз уйида, ромлар орасида қуритар, эўнг чўнтақларини тўлдириб, Сазонтьевск ҳаммомининг емакхонасида пайдо бўлар, қоқланган балиқ билан столни тарақлата бошларди. Шўртақкина газакнинг ишқибозлари доимо топилар, улар чолни текин пиво билан сийлардилар.

* * *

Паша тоға тўғрисида бўлмағур бир уйдирмани айтиб юришар, лекин қариянинг ўзи ҳам буни маъқуллагандек кулиб кўярди. Эмишки, Паша тоға муз тешигига тикилиб турар, ўтган-қайтган ҳар бир балиқчи, "Хўш, қалай, пўкак қимирляптими?" — дея хиралик қиларди. Паша тоға жим, саволларга жавоб бермайди. Лекин барибир уни ҳоли-жонига кўйишмайди. Охири, Паша тоға чидаб турулмайдди, лунжидаги тирик чувалчангларни тупуриб ташлаб сўкинади: "Сенларнинг қасофатингдан бутун хўрак музлаб қолади энди!"

Қайсидир йилнинг баҳорида Паша тоғанинг содиқ йўлдоши — Аристарх Капустиннинг қидир-қидир васвасаси тутиб қолди. Кечга томон Светлое кўлига қуюлувчи дарё жунбушга келиб, музларни парчалаб, лойқа тўлқинлар балиқларни кўлнинг ўртасига қараб ҳайдади. Айтишларича, оқшомдан деярли қоронғу тушгунча, чўртан илина бошлади, ерлик балиқчилар анча-мунча ўлжа соҳиби бўлишди. Лекин тонгга яқин лойқа сув чегараси ўзгарди ва балиқлар яна ортга қайтишди. Қаёққа кетишди, билиб бўлмайдди, Светлое кўлининг кенлиги ўн беш чақирим, узунлиги етмиш чақирим бўлса. Паша тоға ўз шериги Аристарх Капустинга зуғум қиларди. "Типирчилама. Ўтир бир жойда. Балиқнинг энг зўри шу ерга келади..." Лекин бир ерда ўтириш қаерда дейсиз? Шайтон йўлдан оздирган қария Аристарх Капустин кўл бўйлаб зир югурарди.

Паша тоға ярим кун Аристарх Капустинга ўпка қилди. Қармоқ билан битта-яримта дуркунгина балиқ тутди. Майда балиқчаларга ила-

кишиб, чўртанбалиқ икки марта қармоқ ипини узди. Паша тоға чўктир-мани муз остига тушириб, чўртаннинг жиғига тегди, авради ва илин-тириб олди... Ана сенга, эркалик оқибати! Сувости дунёсининг йирт-қичи муз устида шалолаб, атрофга сув сачратаяпти, оғзида узилиб қолган, майин хўракли қармоқ иплари, сурбет даҳан ясамага ўхшаган ялтироқ тишлар билан безатилган. Паша тоға чўртанбалиқнинг оғзидан хўракни олмайди. Бу шаллақи, безори, камбағал балиқчиларнинг ризқига кўз олайтириш нима эканини билиб қўйсин.

Тушга яқин пештоқига "мактаб-интернат" деб ёзиб қўйилган сокин ибодатхона дарвозасидан икки ўспирин — бири тўққиз, бири ўн икки яшар ака-ука Антон ва Санька чиқиб, қўлга келишди. "Охирги дарсдан қочиб келишяпти", — ўйлади Паша тоға, лекин болаларни қораламади. Улар ҳали бир умр ўқишади. Баҳорги балиқ ови эса байрамдай бир гап — лип этиб ўтиб кетганини билмай қоласан. Ўсмирлар ўша кун Паша тоға билан биргаликда катта фожеани бошдан кечирдилар. Болалар эндигина ўрнашиб ҳам олган эдиларки, уларнинг қармоғига катта балиқ илинди-ю, шундоқ муз тешигига етганда тушиб кетди. Балиқни тушириб юборган ўсмирларнинг кичкинаси эди. У аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади. "Зарари йўқ, йиғлама, — уни юпатарди Паша тоға, — ҳали бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлади! Ҳеч қаёққа кетмайди! Мана, сенга конфет ва шаҳарнинг тешиккулчаси!"

Паша тоға ҳаммасини олдиндан кўра билди ва ҳисоб-китоб қилиб қўйди. Пешинга бориб, дарё суви кўл лойқа қисмининг янада ичкарироғига силжийди. Лойқаларни оқизиб кетади ва катта "йиртқич" балиқ овига чиқади. Ваҳшийларча гумбурлатиб муз ўйиб, этикларни тапиллатиб, атрофни ҳақорат-дашном сўзлар билан ларзага солган балиқчилар тўдалари кўрқоқ ҳамда сезгир, болохонадор сўзларни ёмон кўрадиган бу балиқни "бетараф ер"га, яъни Паша тоға эрта тонгдан бери бирор оғиз ёмон гап айтмай, ўсмирчалар билан сабр-тоқат ила кутиб ўтирган ана шу жойга ҳайдайди.

Унинг ҳисоб-китоби ўзини тўлиғинча оқлади. Бардоши, камтарин каломи эвазига ҳар бири бир қадоқдан келадиган учта балиқ муз устида ётар, уларнинг ғамгин нигоҳлари осмонга қадалганди. Бундан ташқари, иккита катта балиқ қармоқдан тушиб кетди. Лекин Паша тоғанинг ҳасад нималигини билмаган қалбини қувончга тўлдирганлар, кичкина балиқчилар — Антон ва Санька эди. Улар ҳам ўзларининг милтиқ ўқидан ясалган чўктирмалари билан иккитадан катта балиқ тутишди. Кичкинаси қичқирар, кулар ва пўкак қандай қимирлагани, қанақа қилиб тортиб кетганини қайта-қайта ҳикоя қиларди. Ййиб кетган Паша тоға уни рағбатлантирарди: "Ана, кўрдингми, сен бўлсанг, йиғлаб ўтирибсан? Ҳаёт ўзи шунақа, баъзан илинади, баъзан илинмайди..."

Шундан сўнг фақатгина балиқчиларни эмас, балки кўл бўйида яшовчи бутун аҳолини ва Вейск шаҳрининг бир қисмини ҳайратлантирган, ларзага солган воқеа содир бўлди.

Шайтонми ёки балиқчилар пирими, йўлдан уриб, Паша тоға тарақлатиб, муз ўйиб ўтирмаслик учун болакайлар парма билан ўйган жойга сурилди. Майда, кўл балиғи овлашга мослаштирилган чўктирмасини энди туширган ҳам эдики, нимадир тарақлаб, шунақанги зарба бердики, Паша тоғадек тажрибали балиқчи қармоқни қўлида зўрға ушлаб қолди.

Нақ етти килою етти грамм келадиган каттакон судак — у кейинчалик дорихонадагидек аниқлик билан ўлчанди, — торгина муз тешигига тиқилиб қолди. Паша тоға ўзини қорни билан муз устига

ташлади-да, кўлини тешикка тикиб, балиқнинг ҳиқилдоғидан қисиб олди. "Ур!" — буюрди у ўсмирларга боши билан музўйгичга ишора қилиб. Болаларнинг каттаси сакраб ўрнидан турди. Муз ўйгични кўтарди ва қотиб қолди. Қанақасига "Ур!" Қанақа қилиб уради? Кўл-чи? Кўл нима бўлади? Шунда кўпни кўрган, чиниққан фронтчи кўзларини телбаларча ола-кула қилиб бақирди. "Ур! Уравер, урушда ҳам шундай пайтлар бўлган!" Бояқиш йигитча терга ботиб, музни ўя бошлади. Тезда қон қизил ипдай бўлиб, музни тешиб ўтди. "Чапга! Чапга! Ўрта-роққа! Ўртага ол! Ўртага! Ипини кесиб кўйма..." — команда бериб турарди Паша тоға. У шалпайиб қолган балиқни сувдан чиқариб, муз устига ташлаганда чуқурча қонга тўлган эди. Паша тоға шу заҳотиёқ оёқларини тапиллатиб, диконглай бошлади, додлаб юборди. Лекин тезда ўзига келиб, тишларини такиллатганича, сандиқчасини очиб, болаларнинг кўлига ароқ тўлдирилган флягани тутқазиб, карахт бўлиб қолган кўлини ишқалаш, ярани зарарсизлантиришга буюрди.

Ички ишлар бошқармаси ҳовлисида қаторасига икки кун намойиш бўлди. Ўртада турган Паша тоға кўлларини ёяр, бақирар, сакрар ва кўшиқ ҳам айтарди. Буларнинг ҳаммасини деразадан кузатиб турган Сошнин кинокамералардан фойдалана олмаслигига афсусланарди. Бу кинолента ажойиб томоша бўлиши мумкин эди! Учинчи кун деганда хўжалик ишлари бўлими бошлиғи Паша тоғани тиббиёт бошқармасига юборди ва у ерда жафокаш балиқчига "маиший шикастланганлиги" тўғрисида далолатнома беришди, яъни унга сариқ чақа ҳам тўланмайди. Шунда ҳамма ходимлар қаҳрамонни ҳимоя қилишга ўтиб кетдилар. Тиббиёт бошқармаси вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига кўнғироқ қилиб, адолатни қарор топтирдилар — "маиший" шикастланиш сўзи "жанговар" дея тузатилди.

* * *

Бутун тижорат бўлимини бирданига суд қилиб, қамаб юборишди. Лина хола жонига қасд қилди. Уни сақлаб қолишди ва суддан сўнг ахлоқ тузатиш колониясига жўнатишди. Уни жуда оз муддатга қамашди, лекин холаси ҳам, у билан бирга Лёня ҳам жуда кўп азоб-укубат, шармандагарчиликларни бошдан кечирдилар. Сошнин ўшанда вилоят ички ишлар бошқармасининг махсус мактабида ўқирди. Холаси ҳол-жонига қўймай, шунга кўндирганди: "Кийим-бош, овқати бепул, кўз-қулоқ бўлиб туришади, иши ҳам яхши — адолат учун кураш..." Холаси бир балога гирифтор бўлишини сезиб юрганини, шу сабаб жигаргўшасини яхшироқ ишга жойлаштириш ғамини еганини Лёня кейинроқ тушуниб етди. Сошнинни ўқув юртидан ҳайдашларига сал қолди. Идора хизматчилари, еттинчи ва кўшни уйларда истиқомат қилувчилар (бола уларнинг кўз ўнгида ўсганди) энг аввало, отасининг қуролдоши ва ўртоғи Лавря-казак унга қафолат беришди. Лавря-казак соч-соқолини қиртишлаб, атир сепди, бошмоқларини тозалади. Янги костюм кийиб, кўксига "Шухрат" орденлари, яна икки қатор нишон тақиб олиб, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ҳузурига борди ва у билан узоқ суҳбат қилди.

Кейин Лавря-казак ўз қадрдон отини эгарлади ва улар Лёня икковлон Лина холани кўриб келгани жўнадилар. Лина хола жанговар фронтчи олдида тиз чўкди ва ўшанда унинг жиёни, бўлғуси осойишталик посбони чеккага ўгирилиб, кўз ёшларини юта-юта, жиноятчиликка қарши курашишга, айниқса, гуноҳсиз кишиларни йўлдан

урадиган, уларнинг қалбини ногирон қиладиган кимсаларга шафқатсиз бўлишга қасам ичди. Лина холани авф туфайли озод қилишди. У кимёвий тозалаш бўлимига ишга кирди, уйда кир ювиб, оз-моз пул ишларди. Бояқиш доимо бурчак-бурчакларда суқулиб юрар, кундузлари одамлар кўзига кўринмасликка интилар, паст товушда гапирарди. Ўлиб қолганида эса Лёнянинг назарида, холаси тобутда ҳам ғужанак бўлишга, кўзларини, совун бужмайтирган қўлларини одамлардан қора ёпқич билан беркитишга уринаётгандек туюлди.

Ҳали Лина хола ўлмасидан бурун Сошнин махсус мактабни битирди. Олис Хайловск тумани участка нозири бўлиб ишлади ва ўша ерда уйланиб, хотини билан қайтди. Лина хола Лёнянинг ҳаёти изга тушаётганини кўриб, оз муддат хурсанд бўлиб юришга ҳам улгурди. Унинг Света исмли қизчасига энагалик қилди. Ўлаётганида эса неварасига мактаб ёшига етгунча қараёлмаслигидан, ёшларга жуда оз муддат ёрдам берганидан афсуслана-афсуслана кўз юмди.

Эҳ, бу ёшлар, бебошлар!.. Улар учун энг инсонпарвар Конституциядан сал четга чиқилса, алоҳида Фармон билан ётқизиб олиб савалаш жазоси жорий этилса эди. Бўз бола йигитни кишилар кўз ўнгида, кенг майдонда навжувон аёл, навжувон аёлни эса бўз бола роса саваласа....

* * *

Лина холанинг вафотидан сўнг Сошнинларнинг кичкина, ҳали унча мустаҳкам бўлмаган хонадони янада ишончли ва фидойи хола — Граня Мезенцеванинг кўлига ўтди. У Сошнинларга ҳеч қанақа хола-пола эмас, балки темир йўл ёқасидаги барча етимлар, хўрланганлар, ёрдам ва қаровга муҳтож бўлганларнинг қариндоши эди.

Граня хола машқ тепалиги ва унга туташ ерларда стрелкачи бўлиб ишларди. Стрелкачининг уйчаси шундоқ бекатдан чиқаверишда эди. Бу ерда қачонлардир қурилиб, сўнг унутилган, алаф қоплаган боши берк из ҳам бор эди. Қияликда бир неча жуфт занглаб ётган ғилдирак, икки ўқли вагон қолдиқлари, бир тўда ёғоч ётарди. Ёғочлар чириб кетгунча Граня хола бу ерга ҳеч кимни йўлатмади. Истеъмолчиларни кутди. Охири, ҳеч ким келмагач, хариларни арралар билан кичик бўлақларга бўлди. Атрофда тўда-тўда бўлиб юрган болалар бу ғўлаларни ўйнашар, улардан паровозлар ясашарди. Граня холанинг фарзанди йўқ эди. Шу боис, у бола тарбиясида махсус билим ва иқтидорга эга эмасди. Бор-йўғи болаларни яхши кўрар, уларнинг ҳеч бирини эркалатмас, ҳеч қайсисини урмас, сўкмас, кичкинтойларга худди катталардек муомала қиларди. Уларнинг табиатини билиб олиб, тизгинга солар, бу ишга замонавий маслаҳатгўй матбуотнинг таъкидларига қарши ўлароқ, педагогик истеъдод ва куч сарфлаб ўтирмасди. Граня хола атрофида эркаклар ва аёллар вояга етишар, темир йўл ишини ўрганиб, меҳнат тажрибасига эга бўлишарди. Стрелкачининг уйи жойлашган ғўша кўпчилик болалар, жумладан, Леонид Сошнин учун ҳам боғча, ўйин майдончаси, меҳнат мактаби, баъзилар учун эса қадрдон уй бўлиб хизмат қиларди. Бу ерда меҳнатсеварлик ва биродарлик руҳи ҳукмрон эди. Болакайлар таёқларни бир-бирига боғлаб, хари тўшашар, боши берк изда мурватлар очиб-ёпиб, қўллари билан шағал ташишарди. Улар байроқчаларни силкитиб, "дут-дут"лаб сурнай чалишар, стрелкани ўзгартириш, тормоз бошмоқларини ташиш ва ўрнатишда Граня холага

кўмаклашишарди. Темир йўл анжомлари ҳисоб-китобини юргизиш, уйча атрофини супур-сидир қилиш, ёз ойларида митти гуллар экиш, суғориш ҳам уларнинг иши эди.

Йўргакни булғайдиган, темир йўлнинг қаттиқ интизоми ва меҳнатига қобилияти бўлмаганларни Граня хола "ишга" қабул қилмас, унинг фақиргина уйчасида улар учун шароит йўқ эди.

Граня холанинг эри, Чича Мезенцев (бу қанақа ном, уни ким кўйганини ҳеч ким билмайди) темирйўлчилар маданият уйи қошида гўлаҳлик қилар, гўлаҳхонадан инқилоб ва диний байрамларда чиқар, чунки унинг туғилган куни Воздвиженъёга тўғри келарди. Граня хола темир йўл масъул ходими сифатида бир кеча-кундуз ўтказиб, ўн икки соатдан ишлар, ҳафта охирида икки кун дам оларди. У эрига бир кеча-кундузга етадиган озиқ-овқат ва яримта ароқ олиб борарди.

Вейск шаҳрида ўша Лавря-казак тарқатган латифа тилдан-тилга кўчиб юрарди. Чичанинг ёнига, иссиқ гўлаҳхонага маҳаллий ҳаваскорлик балетининг димиқиб кетган вакиллари кириб боришибди.

"Чича! Онангни сени!.. Ҳозир ташқарида қайси ой, қайси фаслтигини биласанми, ўзи?" "Февраль бўлса керак", "Июнь, июнь тугаб борапти! Сен бўлсанг, ўт қалаганинг-қалаган! Ҳатто, гир айлантира-миз десак, шерик қизчалар кўлимиздан сирғалиб тушиб кетишяпти".

Лёня темирйўлчилар кўргонининг барча йигитлари каби машинист бўлишга тайёрланар, биродарлари билан чўғда пиширилган картошка, "аччиқ олма", яъни пиёз билан туз ер, Граня холанинг мис чойнаги жўмрагидан арзон малина чойи ичарди. Чойнак жўмрагидан чой ичишни у яхши кўрар, одатини шу чоққача ҳам ташламаган ва бу оилавий жанжалларга сабаб бўларди.

* * *

Кунларнинг бирида темирйўлчилар маданият уйидаги иситиш батареялари совиб қолди. Истироҳат боғини ҳамда осмонни тутун билан қорайтириб турган мўри маданият уйининг оҳак билан оқартирилган орқа девори ёнида яққол кўзга ташланиб қолди. Ишлаб-ишлаб ҳолдан тойган қоқсуяк аёл Сочи қирғоғида ястаниб ётгандай, бинонинг орқа томони ҳаёсизларча очилиб қолди. Атрофда нимадир юз бергандек эди. Қандайдир ҳамма ўрганиб қолган бир чизги Вейск шаҳри манзарасидан ғойиб бўлганди. Мўридан ўрлаётган тутун тобора ингичкалашиб, охири тўхтаб қолди. Чича адо бўлди. Темирйўлчилар газетаси — "Сталин йўлланмаси" "Ажойиб меҳнаткаш" мақола-сида ёзганидек, "жанговар постида ҳалок бўлди". Кишилар бу мақоладан Чичанинг қачонлардир қизил партизан бўлганлигини, жанговар ордени ва гўлаҳликдан орттирган "Меҳнат зарбдори" нишони борлигини билиб олишди.

Чичани кўмишгандан сўнг Граня хола анча вақт карахт бўлиб юрди. У кир-чир бошмоқларини кийиб олиб, секин одимлар, ҳатто, қорачиқлари ҳам кўринмайдиган ёрқин кўзларини қишлоқча пешонабоғ билан паналаган, темирйўл қонун-қоидаларига хилоф бўлса-да, бу рўмолини ишда ҳам ташламасди. Машинистлар, поезд тузувчилар ва йўловчилар унинг ғамини рўйхотир қилиб, хатосини юзига солишмасди.

Лекин ғам-алам якка юрмас экан. Тепалиқдан тушиб келаётган вагондан тахта учиб кетиб, Граня холанинг бошига келиб тегди. Ўша,

тахталарни пала-партиш симбанд қилган, бошибузук, ароқхўр Вейск бекати пастқам бурчагидаги болалар чинқириғини эшитганда, қонга беланган аёлни пўлат излардан тортиб туширишга уринаётган боғча ёшидаги бир тўда кичкинтойларни кўрганда, эҳтимол, бир умр гуноҳини ювишга ҳаракат қилган, ўзи яхши ишлаган ва бошқаларни ҳам одатдагидек меҳнат қилишга ундаган бўлур эди.

Граня хола товукқа ўхшаб, бошини эгри тутар, ҳамма нарса ялтираб, кўзига иккита кўринарди. Темирийўлчилик ишига у энди яроқсиз эди.

Граня холанинг эри ўз моянасини ҳеч қачон, ҳеч нимага сарфламасди. Граня хола эридан қолган жамғармага темирийўлчилар қўрғони ҳовлисида қўшимча иморатлари бўлган уй сотиб олди. Бу уй Граня хола қачонлардир ишлаган боши берк изларнинг шундоққина ортида эди. Магадан олтин конларига жўнаб қолишни орзу қилган бекат дурадгорининг бу ҳовличасини Граня хола аллақачон кўз остига олиб қўйган эди. Тез орада Граня холанинг уйида жониворлар пайдо бўлиб қолди. Темир йўлда яраланган ит — Варька, қанотлари қирқилган қарға — Марфа, бир кўзи чиққан хўроз — Ундер, думсиз мушук — Улька. Уруш бошланиши олдидан Граня хола ўзининг Вяткадаги кадрдон қишлоғидан вагонга босиб, бир гунажинни олиб келди ва дугонасининг чалакам-чатти, йиғлоқи шеърлар ёзиб юрган жиянидан бу ажойиб жониворга ном топиб беришни илтимос қилди. Темирийўлчилар қўрғонининг безорилари бирор тузукроқ ном топишолмади. Уларнинг миясига нуқул бўлмағур, ҳаёсиз лақаблар келаверди. Оқибатда жонивор кадрдон қишлоғининг номи билан — Варакушка деб атала бошланди. Шу ном билан сигир бўлди, умр басар қилди.

Уруш йилларида Граня хола шу сигир орқасидан тирикчилик қилди. Эрга тонгдан кеч шомгача у учлари тугиб боғланган бўз парчасида сигирнинг тагига тўшаш учун ёғоч қипиғи ташир, йўл чеккалари, Вейка дарёси соҳилларидан ўт юлиб келар, унинг ҳеч қанақа бедазори йўқ эди. Шунга қарамай, Граня хола бутун қишга етадиган беда ғамлаб оларди. Унинг Варакушкаси жуда меҳрибон, ювош, ҳамма нарсани тушунадиган, агар таъбир жоиз бўлса, ватанпарвар сигир эди. Сутнинг кўп қисмини Граня хола яқин орадаги госпиталга — ярадорларга олиб борар, энди темир йўл уйчаси эмас, ҳовлиси атрофида ўралашиб юрган бир талай болакайларни сутга тўйғазарди. Граня холадан темирийўлчи қўшнилари, кўчириб келинганлар ҳам сут харид қилиб туришарди. Тушган пулга Граня хола нон карточкалари, яқин ўртадаги колхоздан сигир учун хўрда сотиб оларди. Варакушқадан бўлган бузоқчаларни сутдан ажралгач, бўйнига ип солиб, госпиталга олиб борарди. Урушдан сўнг, госпиталь ёпилгач, Граня хола темирийўлчилар касалхонасига бир қанча вақт сут етказиб турди, сўнгра сигирни ҳам ўша ерга элтиб берди. Оёқлари оғриб, қўл томирлари шишиб кетган Граня хола кучсизланиб қолди. Вақт-соати келиб, уни ҳам темирийўлчилар касалхонасига олиб кетишди. У ерда сал дам олиб, ўзига келгач, Граня хола ҳожатхона ва йўлакларни ювишга, касалхона кийимларини ямаш, дазмоллашга тушиб кетди. Уни касалхонанинг болалар бўлимида энагаликка қолдиришди. У боши берк излар ёнидаги уйини бировга сотдими, ёинки, бекат майдончасини кенгайтириш учун уйини бузишдими — буни Леонид билмайди. Ўшанда у Хайловскда ишлар, хизмат, спорт ва бир нозанин унинг хаёлини банд этган, Граня холани унутиб юборган эди.

ИККИНЧИ БОБ

Хайловскдан қайтганидан сўнг, кунларнинг бирида Сошнин темир йўл кўприги ортида, темирйўлчилар куни шарафига оммавий халқ сайли бўлаётган ерда милиция гуруҳи билан навбатчилик қиларди. Мўйсафид Вейка дарёси ёқалаб кетган ўтлоқларни, заъфарон толзорлару қонталаш бутазорларни сайл кунларида (бу ерда айтишлари-ча, табиат қўйнида базм пайтида) булғаб ташлашар, қирғоқдаги бутазорлар, яқин орадаги дарахтларни ёқиб юборишарди. Баъзан илҳом келиб, фикрлар ҳаволаб кетганда, пичан ғарамларига ўт қўйишар, кўкка ўрлаётган алангани кўриб севинишар, латта-путталарни чоратрофга сочишиб, шишаларни чил-парчин қилиб, ҳамма ёқни ифлос қилишарди. Бу "табиат қўйнидаги" маданий-оммавий бебошликнинг оддий бир кўриниши эди.

Ўша кунги навбатчилик унчалик серташвиш эмасди. Азалдан ўз қадрини билган темирйўлчилар кўнгилхушлик қилаётган металлургллар ёинки шахтёрларга нисбатан ўзларини анча сипо тутишарди. Улар оила-оила бўлиб байрам қилишар, битта-яримта ўткинчи бурнини кўтариб, "ғиринг-пиринг" деб қолса, тезда уни ҳовуридан туширишга кўмаклашишар, милиция хушёрхонага олиб кетмаслиги учун кўздан пана қилиш чорасини кўришарди.

Бир вақт Сошнин не кўз билан кўрсинки, яқин орада жойлашган кўл томондаги бутазордан чит қўйлаги йиртилиб кетган, дуррачасининг бир учини ерда судраган аёл чиқиб келяпти. Унинг сочлари паришон, пайпоқлари ергача тушиб кетган, бошмоғи лойга ботган, Сошнингга жуда-жуда таниш кўринган бу аёлнинг ўзи ҳам яшил сувўтларига беланганди.

— Граня хола, — аёлнинг истиқболига отилди Леонид, — Граня хола! Сизга нима бўлди?!

Граня хола ерга кулади. Леониднинг этакларини кучоқлаб олди:

— Оҳ, шармандалик, шармандалик! Оҳ, бу қанақа шармандалик!..

— Нима гап ўзи, ахир? Нима бўлди? — Сошнин гап нимадалигини англаётган, лекин бунга ишонгиси келмай, Граня холани сил-китмоқда эди.

Граня хола майса устига ўтириб, атрофга аланглади, кўйлаги кўкрагини тўғрилаб қўйди, сўнгра пайпоғини тиззасигача тортди-да, йиғини бас қилиб, шуурсиз сўз қотди:

— Ҳе, шу... Зўрлашди, билмадим, қайси гуноҳларим учун...

— Ким, қаерда? — шошилиб, деярли, шивирлаб сўради Сошнин, унинг овози бирдан синиқиб, қаёққадир йўқолганди. — Ким, қаерда? — У гандираклаб кетди, "оҳ" тортди, ўзини тутолмай, тўппончаси филофини йўл—йўлакай очиб, бутазор томон югурди. — Отиб ташлайман, отиб т-а-ш-л-а-й-м-а-н!

Леониднинг шериги уни қувиб етди, бармоқлари қалтираб, тепкини кўтаролмаётган қўлидан тўппончани зўрға тортиб олди.

— Нима бўлди сенга? Сен нима қилаётганингни биласанми ўзи?

Дарё ўзанида Граня холанинг кўзларига ўхшаш мевалари кўриниб турган қорақатнинг топталган буталари орасида тўрт шоввоз устмас-уст ётиб ухлашарди. Граня холанинг кўк хошияда дастрўмолчаси лойга қоришиб ётибди. Қишлоқда, қизлик пайтларида у ва Лина хола дастрўмолчаларига шунақанги кўк хошия тикишарди.

Кейин эса ўша тўрт шоввоз қаерда бўлганлари, ким билан ичганлари, нима қилганларини эслолмайдилар. Тергов пайтида тўрталаси ҳам йиғлаб, кечиришни илтимос қилишди. Темирйўл тумани судья-

си одил, халқпарвар аёл Бекетова зўравонлар, талончиларга жуда шафқатсиз эди. Чунки, ҳали болалигидаёқ, Белоруссия истило қилинганда, келгинди зўравонлар зулмини кўп кўрганди. У мишиқи шаҳватпарастларнинг учтасини саккиз йилдан қаттиқ тартибли қамоқ жазосига ҳукм этганда (тўртинчиси ҳамма айбни шерикларига тўнкаб, қутулиб қолди) тўртовлон янада қаттиқроқ йиғлашди.

* * *

Суддан сўнг Граня хола қаёққадир ғойиб бўлди. Афтидан, у кўчага чиқишга ҳам уяларди. Леонид уни касалхонадан қидириб топди. Граня хола қоровулхонада яшарди. Ҳаммаёқ чиннидай тоза, худди ўша стрелкачининг унутилмас уйчасидек шинам, озода. Идиш-товоқ, чойнакча, пардалар, дераза токчасида "Ванка-шалаббо" гули қирмизи товланиб турибди, ёронгул алангаланаётгандек. Граня хола Леонидни ўтиришга таклиф қилмади, лабларини қимтиб, кафтларини тиззалари орасига қисганча, маъюс бир аҳволда ўтираверди.

— Сен билан мен, Леонид, яхши иш қилмадик, — деди у ниҳоят, бемаврид ёрқин тортган кўзларини ердан узиб: Сошнин қотиб қолди, Граня хола бир умр уни Лёня дер, фақатгина қаттиқ хафа бўлган, бегонасираган лаҳзалардагина йигитнинг исмини тўлиқ айтарди.

— Нима қилибмиз?

— Ёш умрларни хазон қилдик. Бунчалик узоқ муддатли қамоққа улар бардош беролмайдилар. Бардош берганда ҳам, сочлари оқариб, бир аҳволга тушиб қолишади... Уларнинг иккитасининг (Генка ва Васьянинг) фарзандлари бор... Генканинг бир боласи суддан кейин туғилди.

— Граня хола! Граня хол-а-а! Улар сизни хўрлашди! Таҳқирлашди! Сизинг оқ сочларингни ҳам назарга илишмади-ку?!

— Хўш, нима бўпти?! Осмон узилиб, ерга тушибдимми? Ё мен ўлиб қолибманми? Бироз йиғлаб-сиқтардим. Алам қилади, албатта. Лекин бунақа жабру ситамларни энди кўрибманми? Чича, ўз эрим, йиқитиб олган пайтлар бўларди... Бунақа гапларни айтаётганим учун мени кечиргин. Сен энди катта одамсан. Милицияда ишлайсан, ҳар хил расвогарчиликларнинг кўпини кўргандирсан, эҳтимол... Чичанинг ҳирсини қондирмасам, белкуракни олиб, мени бино атрофида айлантриб, қувгани-қувган эди. Бу тирриқлар эса... эзғилашди, лойга булғашди... Лойни ювса, кетарди-ку, ахир...

Улар бир-бирларидан қочадиган бўлиб қолишди. Лекин Вейскдай шаҳарчада бир умр кўз-кўзга тушмаслигининг сира иложи йўқ. Бу ерда ҳаёт жуда тор доирада ҳаракат қиларди. Бир-бирлари билан кўришишдан анча олдин улар бу учрашувнинг муқаррарлигини ҳис эта бошлардилар.

Леониднинг барча ички аъзолари узилгандек бўларди. Йўқ, балки, улар ғужанак бўлиб, шундоққина кўкраги остида тугилиб қоларди. У жуда узоқдан илжая бошлар, бу ноўринлигини билса-да, оғзини йиғиштиришга, юзидан кулгини йўқотишга қурби етмасди. Бу табассум унинг юзига ёпиштирилган ҳам ҳимоя ниқоби, ҳам оқловчи бир ҳужжат эди. Худди давлат берган ич кийим ортига босилган тамғадай. Унинг нигоҳини илғаган Граня хола ерга боққанича, бошида калит ва болға белгиси ҳамон ўчмаган қалпоқ, эгнида темирйўлчиларнинг эски шинели, дабдаласи чиққан бошмоқларини шапиллатиб, ёнламасига сирғалиб ўтиб кетарди. Бу кийим-бошларнинг ҳаммасини Граня холага ҳали

темир излар бормаган, форма керак бўлмаган ёққа кетиш тараддудини кўраётган дугоналари беришган бўлса керак, дея ўйларди Леонид.

— Эртангиз хайрли бўлсин! — дерди Граня хола эрталабми, кечкурунми эканлигидан қатъий назар. Сошнин сезардики, агар Граня хола табиатан мулойим, камсуқум бўлмаганида, у билан саломлашиб ҳам ўтирмасди. Ва ҳар доим юзида бемаъни табассум билан қулоғигача богириб қоқилган михдай бўлиб, йўлкада турар экан, бу афтодаҳол аёлнинг ортидан югургиси, ҳаммага эшиттириб: "Граня хола, мени кечиринг! Кечиринг, бизларни!" — дегиси келар, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. "Хайрли эрта, саломат бўлсинлар!" — дерди у ҳазил оҳангида Штепсель ва Тарапункага тақлид қилиб Бу дақиқаларда у ўзини, украиналик чаққон қизиқчилару бутун эстрада вайсақиларини, барча ҳазил-мутойибани, адабиёт, хизмат, ёруғ жаҳон, дунёдаги ҳамма-ҳамма нарсани ёмон кўриб кетарди...

* * *

Идрок этиш мумкин бўлмаган нарсалар ва ҳодисалар қаторида у ҳали ҳеч ким охиригача тушунтириб беролмаган рус характери, адабийчасига, баландпарвоз қилиб айтганда, рус қалби аталмиш матоҳни англаш лозимлигини ҳис этарди... Бу ишни ўзи сезмаган ҳолда узоклашиб қолган, йўқотган энг яқин кишилари: Лина ва Граня хола, хотини билан қизи, билим юртидаги, мактабдаги дўстларидан бошлаш керак бўлади. Энг аввало, буни ўз-ўзига исботлаши, оқ қоғозга тушириши керак. Оқ қоғозда эса ҳамма нарса худди булоқ сувидагидек кўриниб туради. Ҳаммасини очиб ташлаш керак: бесўнақай суяклару махфий, кўримсиз жойларгача, ижоднинг ҳаракатлантирувчи кучи, унинг энг асосий сири бўлган ўша номаълум, идрок этилмаган туйғуни ақл кўзи билан кўриш керак, ўйларди Сошнин. Бутун умр бўйи дам олмасдан, сўнгги нафасгача "фикрлаш ва жафо чекиш" учун қанчадан-қанча куч, матонат, бардош керак бўлади. Эҳгимол, у охир-оқибат, ҳеч бўлмаганда, ўз-ўзига тушунтирар: нега руслар азал-азалдан аристонларни жуда аяшади-ю, кўпчилик ҳолларда ўзларига, қўшнилари — уруш ва меҳнат ногиронларига нисбатан лоқайд, совуққон бўлишади? Улар сўнгги бурда нонни ҳам аристонун қонхўрга, суяк-суягингни қарсиллатиб синдиргувчи муттахамга беришга, ҳозиргина қутуриб юрган, энди эса қўллари орқасига қайрилган ашаддий безориларни милициядан тортиб олишга тайёр турардилар-у, ҳожатхонада чироқни ўчиришни унутадиган қўшниларини кўришга кўзлари йўқ. Чироқ учун тортишиш шу даражага бориб етадики, улар касал кишига бир қултум сув беришдан ҳам бош тортишлари, унинг хонасига яқин йўламасликлари мумкин...

Жинойтчилар бундай оққўнгил халқ орасида тараллабебод, маза қилиб яшайди, улар азалдан Россияда шундай кун кечиришади.

Онадан туғилганига йигирма икки йил бўлган бир шоввоз ёшлар қаҳвахонасида ароққа тўйиб олгач, сайрга чиқди ва йўл-йўлакай уч кишини чавақлаб ташлади. Ўша куни Сошнин марказий туманда навбатчилик қиларди. У қотилнинг янгигина изига тушди ва ҳайдовчинини шоширганча уни қувиб етди. Лекин шоввоз — "қассоб" қочишни ҳам, яширинишни ҳам хаёлига келтирмасди. "Октябрь" кинотеатри ёнида тик туриб, музқаймоқ ялар, "иссиқ"дан кейин ўзини совутарди. Эгнида қарқуноқ, тўғрироғи, тўқ қизил рангдаги спортчилар камзули, кўкрагида қизил йўл-йўл из. "Қон! — ўйлади Сошнин, — қўллари камзулига артган-да, пичоқни кўкрак чўнтагига яширган".

Одамлар инсон қонига беланган "артист"дан қўрқиб, уни четлаб ўтишарди. У лабларида нафратомуз ханда билан музқаймоқни еб бўлади. Сўнг эса танлабми, танламайми, яна битта-яримтани сўйиб ташлайди.

Икки ўртоқ кўчага орқаларини ўтирганча темир панжарага ўтириб олиб, улар ҳам музқаймоқ ейишарди. Ширинликка ўч бу йигитчалар, нима ҳақдадир гаплашишар, хохолаб кулишар, ўтган-қайтганга тегажовлик, қизларга шилқимлик қилишарди. Уларнинг камзуллари, елкаси, қалпоқлари қимирлаганига қараб, тараллабедод кайфи-ятда эканларини англаш қийин эмасди.

Қассобга энди икки дунё баробар, уни қимирлатмай қўлга олиш лозим. Шундай зарба бериш керакки, қотил йиқиляётиб, девордан лат есин. Кўпчилик ўртасида унинг қўлларини қайира бошласанг, ўзими, ўртоқларими, орқангга пичоқ солиб қолишади. Сошнин юриб кетаётган машинадан туша солиб, панжарадан сакраб ўтди-да, бир зарб билан "қассоб"ни деворга парчинлаб, карахт қилиб қўйди. Ҳайдовчи икки қувноқ йигитчанинг ёқасидан олиб, панжарадан ағдарди ва ариқчага қапиштирди. Бу орада ёрдам етиб келди: милиция бандитларни боришлари лозим бўлган ёққа етаклаб кета бошлади. Гражданданлар норозилик билдириб, бир тўда бўлиб милицияни ўраб олишди-да, "бечора болалар"ни ўкситишга йўл қўймай, осойишталик побсонларини ҳақоратлай кетишди. "Нима қилишяпти бу ифлослар, маҳлуқлар, а?" — кенг костюм кийган, фақатгина қоқ суяклари қолган бир киши қалтираб, иложсизликдан ногиронлик ҳассасини йўлгага урганча жаврарди: "Об-бо, изқувар-ей! Мана сенга, милиция! Кўрдик қанақасига бизни кўриқлашар экан!..", "Бу яна куппа-кундузи, халқнинг кўз ўнгида!", "У ёқда уларнинг қўлига тушиб кўр-чи...", "Қанақа ширин бола! Жингалаксоч болакай! У ҳайвон бўлса, бояқишни боши билан деворга урди-я!"

Сошнин тишини-тишига қўйиб, жим турарди, лекин милицияга яқинда ишга келган ҳайдовчи чидаб туролмади: "Шу жингалаксоч боланинг қўлига тушсангиз эди! У тилларингизни ҳам, умрларингизни ҳам қисқа қилиб қўярди..."

Аллақачон пенсияга чиққан, лекин тирикчилик учун майда-чуйда ишларни бажариб юрадиган, денгиз пиёдаларининг собиқ команди ўша куни милиция бўлимида деворларни бўяётган эди. У бобоси, шимол балиқчиси умрида қанча балиқ тилган бўлса, ундан ҳам кўпроқ фашистни чавақлаган эди.

"Одамларни нега ўлдирдинг, ҳароми, чаёнвачча", — ҳорғин товуш билан сўради у "қассоб"дан.

— Ҳе, шундоқ, башаралари ёқмади менга! — бепарво жилмайиб жавоб қилди у. Собиқ жангчи чидаб туролмади, қотилнинг ёқасидан бўғиб олиб, ерга йиқитди.

"Оғрияпти! Уришга ҳаққинг йўқ! Қўйвор, қўйвор!" — дея бутун туманни бошига кўтариб бақираётган шоввозчани собиқ жангчи қўлидан зўрға ажратиб олишди. Сўнгра "қассоб" терговчига кўзларини маъсумона бақрайтирди: "Наҳотки мени отиб ташлашса? Наҳотки энг олий жазога ҳукм этишса?! Мен ахир, ўлдирмоқчи эмасдим..."

УЧИНЧИ БОБ

"Бўлди, бўлди! Бугунликча етар энди" — деди Сошнин ўз-ўзига, об-ҳаво айниганда чулғаб оладиган узундан-узоқ, гамгин хотираларидан қутулиш учун. Ва уларнинг рутубати, юкидан халос бўлишни

истаб, елкаларини силкитди. Юзини сийпалаб қўйиб, қадамини тезлатди. Унинг хонадони буғ билан иситилса-да, алмисоқдан қолган печка ҳам бор эди. Бу печка ажойиб бир иншоот бўлиб, Сошнин уни дўстлик ҳақи-хурмати куз пайтлари Лавря-казак келтириб берадиган ўтин билан қиздирарди. "Ҳозир печкани ёқамиз, ажойиб шўрва пиширамиз, аччиққина чой дамлаймиз. Бу ноқулай ҳаётни ҳам, расво об-ҳавою елкани куйдириб турган лаънати оғриқни ҳам жин урсин. Ўзи бундай олганда, умуман, ҳаёт ёмон эмас, баъзан омадинг чопади, баъзан чопмайди..." Сошниннинг кўз ўнгида супурги ушлаган Паша тоға, Лавря-казакнинг ўз қадр-қимматини сақлаган ҳолда уйига кетаётган оти пайдо бўлди ва у жилмайди. "Терговни билимдонлар олиб боради" фильмидаги қўшиқ оҳангида хуштак чалди, фақатгина милиционерлар эмас, балки аҳоли ўртасида ҳам оммалашган "Агар нимадир, қаердадир, негидир, содир бўлса..." қўшиғини хиргойи қила бошлади. Бу билан у афтидан, ўзи яшайдиган уй зинапояси остида шишани иситиш қувурига қўйиб олиб, мусаллас ичишга ҳозирланаётган уч улфатнинг жигига теккан эди. "Нега буларнинг ҳаммаси учта бўлиб юришади-а? Учликларнинг бундай фаоллигини нима билан изоҳлаш мумкин?"

Еттинчи рақамли уйнинг кўздан пана бурчаги — зинапоя остига янги уйлар, бекатдан келган суҳбат ихлосмандлари тўпланардилар. Улар ҳаммаёқни чўчкадай булғаб, тўполон қилар ва муштлашишарди. Қувурдан буғ чиқиб турар, унинг остидаги пол, дераза тахтаси чириб кетганди. Уч улфатнинг бирини Сошнин таниди — аввал маҳаллий, сўнгра пойтахтдаги "Локоматив" футбол жамоаси ўйинчиси. "Локоматив"нинг миси чиқиб, биринчи лигага тушгач, юртдош ўз футбол мартабасини туғилган шаҳрида давомаат эгтириш учун қайтиб келганди. Қўшнилари, биринчи навбатда Тутишиха кампир, нолирдилар: "Лёш, зина тагида тартиб ўрнатсанг-чи. Пиёғисталарни қувиб юбор. Уларнинг дастидан яшаб бўлмаяпти-ку!"

Лекин ишда ҳам у шунақанги қаланғи-қасанғилар билан пачакилашавериб, жонига теккан, бунинг устига асабийлашиш, муштлашиш, ёинки пичоққа рўбарў бўлишни истамасди. Унинг ёлғиз бошига бунақанги ғавғолар етиб ортади. Лекин барибир, бадмастларни бу ердан йўқотишга тўғри келади. Аҳоли талаб қилаяпти. "Аммо бугун таассуротлар керагидан ҳам ортиқча бўлди", — бир қарорга келди Леонид ва таниш турма сартарошининг сўзларини эслади: "Ҳамма безорию киссавурларнинг соқолини олишнинг имкони йўқ". У мажруҳ оёғини кўтариб, бўш қўлини панжарага тираганча ёшлиқдан машқини олган ҳаракат билан дарҳол зинанинг ярмига етиб олганда, ортидан овоз эшитиларди: "Ҳой, сен булбулигўё! Хиль, Эдуард! Саломни еб қўйдингми?"

"Ҳеч нарсани кўрмаяпман, ҳеч нарсани эшитмаяпман", — ўзича қироат қилди Сошнин ва оёғини судраб юқорига, халоскор гўшаси томон кўтарила бошлади. Бир—икки қадам ташлаган эди ҳамки, ортидан қувлаётганларни сезиб қолди.

Моҳир чолғучи ўз ноёб сози товушини қанчалик яхши билса, Сошнин ҳам ўз қадрдон уйи эски пиллапоялари товушини шунчалик яхши биларди.

Зиналар кучли, созланмаган тордек овоз беришарди. Буни Сошнин қулоғи билан эшитди, кураклари билан ҳис этди, ҳақиқий изқуварнинг курагида эса болалар уйида ўсган йигитчаникидек кўзлари бўлиши керак.

Уни олди очиқ почапўстин кийган пахмоқ, қора сочли йигит қувиб ўтиб, йўлини тўсди.

— Сендан сўраяпман, физкультурачи, саломни еб қўйдингми?

Почапўстинли олифтанинг ҳорғин, қизғиш кўзлари ёз сўнгидаги, қуёш нури етмаганидан хомлигича моғорлаётган мевага ўхшар, у оғзидаги сақични у ёқ, бу ёққа айлангирар, зина панжарасига суяниб олганди. Еттинчи рақамли уйнинг зиналари бунақанги тўс-тўполонлар учун эмас, балки кичкина, ориқ кишиларга мўлжалланган эди.

Лина холани кўмишга элтишаётганда тобутни шунақанги баланд кўтаришдики, марҳуманинг ўткиргина қирра бурни шипда чизиқ чизишига озгина қолди. Леонид оёқ оғриғи ва юрагини тилка-пора қилаётган хаёллардан афтини буриштирди.

— Салом, жанговар лочинлар, — деди Сошнин мутелик ва ҳатто, оз-моз хушомад билан. Лекин иш тажрибасидан яхши билардики, жангари "меҳмон"лар билан бундай оҳангда гаплашиш мумкин эмас. Аммо чарчаган, оёқлари қақшаб оғрир, уйда ёлғизгина ўтириб овқатлангиси, ётиб дам олиб, хаёл сургиси келарди. Зеро, елкани эзиб турган оғриқ тўхтаса, зора кўнгли бироз ёришса...

— Қанақасига биз лочинлар бўлар эканмиз? — совуқ нигоҳ билан унга бақрайди йигит ва сақични зина тагига тупуриб ташлади. — Нега кўполлик қиласан? — у почапўстин ёқасини очиб юбориб, кенгроқ, каттароқ бўлди ғўё.

"Қизиқ, бу тасқара пўстинни қаердан олдийкин? Ўзиям аёлларникига ўхшайдими-ей. Жуда қиммат бўлса кераг-ов", — қизишиб кетмаслик учун Сошнин ўзини чалғитишга ҳаракат қиларди.

— Қани, дарҳол кечирим сўра-чи, ҳайвон! — зина тагидан овоз берди футболчи, — жуда ўзингни йўқотиб қўйибсан! Одамни кўзинг кўрмайди!

Футболчининг ортида, юзида тутуруқсиз кулги, эркак деса эркакка, ўсмир деса ўсмирга ўхшамайдиган киши турарди. Юзи қарияларга монанд, қадди-қомати эса ўсмирникига ўхшайди. У она сутига тўймага; уқи боғча, мактаб, ҳаёт оёққа қўёлмаган, лекин аллақачон бузилиб улгурган. Ёмон йўлга кирган. Бўйнида кўк бўйинбоғ, ўзи ҳам кўм-кўк, юзида қони йўқ. Ҳозиргина эслаганимиз, "қассоб"га ташқи кўриниши билан сира ўхшамайди. Барибир, нимаси биландир, эҳтимол, балиққа ўхшаб лаб тишлаши, ўйловсиз ва даҳшатли хукмронлик туйғуси биланми, ўша қотилни жуда эслатиб турарди. Унинг кўкиш башараси, кўкимтир тақир бошига қараб, яқиндагина аристондан чиққанини Сошнин дарҳол англади. Бу чалажон анчадан бери бебошлик қилмаган, ароқ ичмаган, шу боис ўртоқларидан олдин маст бўлиб қолган. У барак уйларда дунёга келган. Она сутига қонмаган, нимжон, катта оғзини балиққа ўхшаб эгри қисиб ўтирганига қараганда, эсини йўқотар даражада асабий. Орқасига пичоғини беркитиб турибди. У қонсиз лабларини йиғиштиролмай, беихтиёр бир қўлини камзули чўнтагига тикди, қон ҳидини сезиб, бир қўли билан бўйинбоғини асабий торқилади. Бу саллона-мастона юрган дайдилар орасида энг хавфлиси — ана шу.

"Хотиржам бўл! — деди ўзига—ўзи Сошнин, — хотиржамлик керак! Иш пачава бўлади энди..."

— Хўп, ундай бўлса, майли, йигитлар, агар нима биландир ғашингизни келтирган бўлсам, кечиринглар.

— Ундай бўлса, майли, деганинг нимаси яна, — чакка соқол қўйган, почапўстинли олифтанинг бир боғ бедадай сочлари, бойваччалардек заҳархандаси Сошнингга, одамлар эътибори, овқатнинг мўллиги, раққосалар жилпанглашидан талтайиб кетган қўшиқчини эслатди. Ақлан ва шаҳвонан, ўз ёшларидан ўзиб кетган қизчалар ўша

рақс дастасида жуда "камтарин" кийимда — кафтдек иштончаларда рақс тушишар, шу бир қарич мато ҳам уларнинг ижодий имкониятларини бўғиб турар, қатъий, маънавий қарашларимиз бўлмаганда, шуларни ҳам ечиб ташлаб, узун оёқларини янада баланд кўтариб, "Бизнинг БАМга совғамиз" ўйинини кўрсатишган бўлур эди. Қўшиқчи бўлса, ўзининг мардона товуши билан қизларнинг жилпанглашига мослаб ҳирқирарди: "Сен менинг қўшиғимсан, куйимсан..."

Зинада турган, калтабинлар Худодек сиғинадиган қўшиқчига ўхшаб кийинган олифтага ҳозир ўткир ҳиссиётлар керак эди. Ҳаётдан баҳра олиш учун унинг бошқа ҳамма нарсаси етарли. Чиройли ўстирилган сочи — қаҳрамон шоир Давидовга ҳақоратомуз тақлид, кир-чир ҳошияли, башанг почапўстини, киндигида қалайи тутмаси ялтираб турган, атайлаб гижимлангандай чийдухоба шими, ёғ босган, моғор бўйинбоғи, қуриган дарахт пўстлоғига ўхшаш бўйини яққол кўрсатиб турган қирмизранг кир жуббаси — буларнинг ҳамма-ҳаммасидан, шоир айтганидек, жудаям унчалик эртанги бўлмаган ҳорғинлик, ювуқсизлик, мурдорлик уфуриб турарди. "Юзга қарамай қўйилдими, тамом, ҳамма бало шундан бошланади", — дерди Хайловск туман ички ишлар бўлими бошлиғи Алексей Демидович Ахлюстин. Ана шу одам ҳозир бирдан Сошниннинг ёдига тушиб кетди. Бу оққўнғил, ажойиб одам, қачон, қандай қилиб ва нега милицияга ишга келиб қолганини Леонид ҳеч тушунолмасди.

— Рисоладагидай, аниқ, равшан, тушунарли қилиб, кечирим сўра! "Шундай ноёб башарани дабдала қилишга тўғри келади, чоғи" — ўйлади Сошнин, — тўрхалтада сутли шиша, шарбат... Қонга-қон, жонга-жон! Аблаҳликни аблаҳлик билан енгиш керак, шундайми? Ҳа, шундай! Бироқ бунақада биз жуда чуқурлашиб кетамиз... Шу тасқараларни деб сутни нобуд қилишга кишининг кўзи қиймайди ҳам. Боз устига, тўрхалтадаги товуқ бечорага кишининг раҳми келади. Бусиз ҳам у ёруғлик кўрмаган, инкубаторда ўсган, бадани балоғат ҳаловатини билмаган. Келиб-келиб, шундай бокира, бегуноҳ қушча билан шунчалар бузуқ, суллоҳ башарага тушириб қолиш жоизмикан?.."

Сошнин ўзини чалғитиб, ич-ичидан келаётган титроқни босишга муваффақ бўлди. У олифта ташланиб қолгудек бўлса, кўриб туриш, пастдагиларни ҳам назардан қочирмаслик учун ним ўғирилди. Ва бундан сўнг нима бўлишини кута бошлади. Ҳаммадан кўпроқ футболчи уни ташвишга соларди. Биринчидан, ёши ҳам ўттиздан ошган, одам бўлиш, эркаклар қаторига кириш пайти етган, иккинчидан у Сошнинни таниши керак. Аммо футболчининг хотираси ёшлиқдан заиф, жонажон жамоасига қайтиш муносабати билан ароқхўрликдан бўшамаяпти, ҳозир туққан онасиниям танимаса керак. Эҳтимол, у Сошнинни милиция либосида кўргандир. Милиция либоси эса кишини ҳам, унга бўлган муносабатни ҳам кескин ўзгартиради.

Футболчининг қаҳр тўла нигоҳида бир муддатгина иккиланиш пайдо бўлди. "Локомотив" биринчи лигага тушгани, Москва чеккасига, Черкизовога суриб чиқарилгани, бу ерда шинамгина ўйингоҳ бўлишига қарамай, "қиттай-қиттай" илинжида шишани бекитиб юрган ишқибозлар сони икки юзтадан мингтагача зўр-базўр етиши, шундан келиб чиқиб, ҳурмат, мукофот, шон-шараф ҳамин қадар бўлиб қолгани учун у инсониятни ҳамон кечиролмасди. Бу ҳам етмагандек, у футболда ҳеч ким миннатдор бўлмайдиган касб эгаси — "ҳимоячи". Аристонни "тил усталари" таъбири билан айтганда, "чопқи",

"қирқувчи болта"... У жасур, ҳалол йигитлар — ҳужумчиларни дарво-за томонга ўтгани қўймайди, оёғига тепади, иштонини тортиб ту-ширади, ерга қулатади. Йиқилган рақибининг чинқирғидан ҳузур қилади.

— Ҳа, ҳа! — футболчи қийшиқ, оғир нигоҳи билан рақибини шо-ширар, эзарди. — Уйиндан ташқари ҳолатга ўтма! Бўлмаса, нақ ба-шарангга гол ураман!

— Уни ана шу башанг бўйинбоғига осиб қўяқолсак-чи?! — олифта улфатлари билан маслаҳатлашиб, Сошниннинг бўйинбоғини илиб олди-да, ҳазар қилгандай, нимдошгина ёмғирпўши ёқасидан чиқа-риб ташлади. Бўйинбоғ ҳам, унинг эгаси ҳам, бу шалоқ зинали, де-ворларининг оҳаги кўчган, ҳар ер-ҳар ерига миҳ қоқилган уйга сира ярашмас, агар буюк Петр саройидан бу меҳнаткаш ошёнга олтин шамдон келтирилса, худди шундай номутаносиблик кўзга ташлан-ган бўлур эди.

— Эҳтимол, керак эмасдир, йигитлар? — деди Сошнин қалтирай бошлаган бармоқлари билан бўйинбоғини қайтадан ёмғирпўш ости-га тикар экан, ҳамон босиқ, ҳатто, бироз ялинчоқ товушда.

— Нима керак эмасдир?

— Бунчалик сурбетлик қилиш, — Сошнин ахлат, тамаки қолдиқ-ларини супуриб, пастдаги эшик очилганини, Тутишиха кампирнинг юмалоқ бурни кўзга ташланиб, дум-думалоқ кўзлари ялтираганини кўриб турарди. Сошнин кўзларини бақрайтирган эди, кампир шоша—пиша эшикни ёпди.

— Нима дединг, сен нима деяпсан ўзи?! — футболчи ғазабдан бўзариб, зинадан баландлади. — Тепкичи! Офсайдчи! Мен сенга....

Аристонни ҳамон оғзини йиғиштиролмайдилар жиламай, лекин кулгуси энди ўрнидан кўзғолган, тизгинсиз эди. У афсус билан бош чайқар, "Ҳаммасига ўзинг айбдорсан. Кечирим сўрай қолсанг, бир еринг ка-маярмиди?" — дерди. У қўли билан тўсинни ушлаб, футболчи орти-дан борар, иккинчи қўли билан кўкрак чўнтаги тугмасини очиб, пичоқни олишга ҳаракат қиларди.

"Бундай бадқорлик уларнинг юрагига қандай, қаердан ўрнаш-ган?! Ҳар учаласи ҳам ўзимизнинг шаҳардан. Меҳнаткаш оилалар-дан. Ҳар учаласи ҳам боғчада қўшиқ айтган: "Кўм-кўк ирмоқчадан дарё бошланади, Дўстлик эса бир табассумдан..." Мактабда ҳам улар қўшиқ айтишган: "Бахт — бу қувончли парвоз! Бахт — бу дўстлик саломи... Бахт..." Олий ўқув юрти ёки ҳунар техника билим юртида "Дўст доим қайиқда жой бўшатишга, чўкадиган бўлсанг, чамбарак ташлашга тайёр туради..." Урушлар, истилолар нималигини билма-ган ажойиб, қадимий рус шаҳрида умуман олганда, уч киши бир кишига қарши турибди..."

— Тўхтанглар, йигитлар! — амр этди Сошнин.

Тутишиха кампир яна эшикдан бурнини чиқарди ва Сошнин яна унга кўзларини бақрайтирди. Хавфни жуда тез сезадиган маҳюус бир-дан ўгирилиб қаради, лекин ҳеч қанақа хатарни илғаёлмади, кампир эшикни беркитиб улгурганди. Бу орада Леонид тўрхалтани харига илди-да, пастдан ҳам, юқоридан ҳам ҳужум қиладиганларни кўрса бўладиган тарзда туриб олди.

— Оббо, азаматлар-ей! Учовлон бир кишигами? Бунинг устига, у кишининг ўзи чўлоқ бўлса! Эҳ, полвонлар, ботирлар! Иля Муромец, Микула Селянинович, Алёша Попович... Кучларингизни ҳам полвонлардек сарфласангизлар эди.

— Қандай қилиб?

— Ишда ўзингизни кўрсатиб.
 — Қанақа ишда?
 — Йўлларни тозалаш, ер қазिश.
 — Устимиздан қуляпсанми, ифлос! — ёниб кетди олифта ва пахмоқ ҳайвондек бўлиб, юқоридан қурбонига ташланди.

Сошнин сал эгилди ва олифтани устидан ошириб отди. Унинг тахминича, йигит шишадосларини зинадан қулатиши керак эди. Лекин у нимжон аристонинигина зинадан учириб ташлади. Футболчи эса йиқилмади, фақат ўзини йўқотиб қўйди. Леонид саёқларнинг ўзига келишига имкон бермай, бир сакраб футболчи ёнидан ўтди ва икки зарб билан олифтани ифлос полга ағдарди. Аристонини иситиш қувури томонга улоқтириб ташлади. У энди ўзини тутиб туролмасди. Доридармонлар, ҳолдан тойдирувчи навбатчиликлар, олишув, қочди-қувдилар, тунги ижод, яралар, томирларига қуйилган бировларнинг қони ва ниҳоят, қуриб кетгур Сираквасова ўз таъсирини кўрсатган, унинг асабини издан чиқарган эди.

У бўғиқ ҳирқираш билан мушт тушириб, футболчини деворга парчинлаб ташлади.

— Дўстларингизнинг ёнини олмайсизларми, номардлар, ўртоғингизга ёрдам беринг!

— Қанақасига у бизнинг дўстимиз бўлсин? У бизга дўст эмас! — жавради аристонининг орқасига бекиниб олган олифта. У ниманидир эслади ва қўйга ўхшаб маъраганча аристонининг елкасидан итарди:

— Геҳа, чавақла! Сўйиб ташла!

Геҳа итоаткорлик билан қўлини чўнтагига тикди, лекин пичоқни чиқаришига Сошнин имкон бермади, уйқу томирига қисқа зарба бериб, нафасини чиқармай қўйди. Аристони "оҳ" тортиб эгилгач, рўпарадан мушт тушириб, хира дераза томон улоқтирди. Аристони боши билан метин қувурга урилди, ели чиқиб кетган байрам шарига ўхшаб пишиллади ва кўм-кўк, пажмурда гавдаси ерда ғужанак бўлиб қолди.

Футболчи ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмай қўйди. Уни дўппослашнинг қизиғи қолмади. Сошнин шунақанги қутуриб кетгандики, энди ўзини тўхтатолмасди. У футболчини аристонининг устига улоқтирди. Леонид нимадир, дея ўкирар, кўзлари олмакесак терарди. Олифта ҳолсизланган, қўлларини осилтириб, кўзларини бақрайтирганча ерда ўтирар, ифлос бурчакка тикилмоқчи бўларди.

— Энди қилмайман, тавба қилдим, амакижон! Амакижон! — зорланарди у қўлтиғининг ости йиртилиб кетган енги билн юзини тўсганча. Кўп кийилганиданми, ёинки шунақа бўялганиданми, настарин тусини олган қўй териси кўзга ташланди. Бу тери худди ўйинчоқ айиқчадан ечиб олингандай эди ва Сошнинни ўзига келтирди. У кўксини тўлдириб бир-икки нафас олди, оғзидан қон аралаш сўлак оқиб ётган мишиқига ҳайрон бўлиб тикилиб турди. Сўнгра пўстинининг ёқасидан ушлаб, сичқонни қопқондан тортиб олгандай, бурчакдан суғуриб олди, эшикка қараб судради ва ортига бир тепиб, кўчага чиқариб ташлади.

— Қайтиб бу ерда қорангни кўрмай, тиррик!

Леонид ўзини қаерга қўйишни, нима қилишни билмай, зина ёнида узоқ вақт туриб қолди. Тутишиха кампир яна эшикни қия очди.

— Аллақачон шундай қилиш керак эди! Қачон қарасанг, саланглаб юришгани-юришган...

— Шу ерда фақат сен етмай турувдинг-да!

* * *

Күз олди қоронғулашиб кетди. У ҳамон заиф, бетоб эди. Айниқса, асаблари қақшаганди. Кўнгли алғов-далғов, нотинч, бу тасқаралар эса ўзларини ўтга уришди...

Леонид тўрхалтани эслаб, зинага чиқди. Тўрхалта ўша жойда осилиб турарди. У эгилиб пастга қаради. Иситиш қувури остида сувданми, қонданми қўлмақ ҳосил бўлганди, нимадир ялтираб кетди. Пичоқ! — ўйлади Сошнин. У зинадан тушиб, ханжарга ўхшатиб ишланган ўтмас чопқини ердан олди. Бу билан аристонининг бувиси ёки ундан ҳам каттароқ қариндошлари ёғоч ва сим қирқишган. Ҳақиқий ханжар яшаш ёки яширинча сотиб олишга аристони ҳали улгурмаган.

Сошнин уйига қайтиб, темирйўл милиция бўлимига телефон қилди. Махсус мактабда бирга ўқиган, собиқ ҳамкасби Федя Лебеда навбатчилик қилаётган экан.

— Федя, мен муштлашдим. Бир "қаҳрамон"нинг бошини иситиш қувурига уриб, ёрдим. Бирор қор-қол бўлса, излаб юрманглар. Бадкор — бу мен.

— Нима, жинни бўлдингми?!

— Уларни дўппослаш керак эди, Федя.

— Керак эди... Керак эди... Албатта, керак! Лекин ўша ифлосларни, деб ўзингни овора-сарсон қилишади-да!

* * *

Сошнин гўшакни илиб қўйди. Қўлларига назар ташлади, қўллари ҳамон қалтирарди. Жўмрак остида қўлларини юва бошлади ва шу қўйи пинакка кетишига оз қолди. Ҳорғинлик, беадад ғам ҳисси уни босиб келмоқда эди. У ёшлигидан шундай — хафа бўлса, қалби нимадандир ларзага келса, кўнглини оғриқ, норозилик эмас, балки юрак-юракни ўртаб юборадиган ғамгин соғинч ҳисси эгаллаб оларди. Барибир, у табиатан чўрткесар эмасди. Боз устига, аёллар тарбиясини олган. У милицияда эмас, онаси ва холасига ўхшаб, идорада ўтириб, қоғоз қоралаши керак. Агар жудаям милицияда ишлагиси келса, унда фақатгина фаррош Паша тоғанинг ўрнида ишлаб, супур-сидир қилиши мумкин.

Хўш, милиция учун, ҳарбий иш учун туғилганлар-чи? Улар нима иш қилишсин? Агар дунёда ёмонлик ва ёмонлик қилувчилар бўлмаганда, милициянинг ҳам, ҳарбийларнинг ҳам кераги бўлмасди. Азал-азалдан, асрлар оша бутун милиция, қамоқхона, божхона ходимлари — ҳамма-ҳаммаси инсониятнинг калтабинлиги оқибатида мавжуд бўлиб турибди. Соғлом ақл-заковат тантана қилганида, дунёда аллақачонлар қурол-яроғ ҳам, зўравонлигу зўравонлар ҳам бўлмаслиги лозим эди. Улар мавжудлигининг ўзиёқ ҳар қандай соғлом фикрни инкор этади. Бу орада қабоҳат қуроллари ҳалоқатли миқдор касб этди, ҳарбийлар бутун дунёда камайиш ўрнига кўпайиб боряпти. Аммо ҳарбий либос кийганлар ҳам бошқаларга ўхшаб, ер ҳайдашлари, экин экишлари, ўришлари, яратишлари керак эди. Суллоҳ ўғирлайди, ўлдиради, товламачилик, фирромлик қилади. Бу қабоҳатга қарши бир куч кўтарилади, лекин бу кучни ҳам яхшиликка хизмат қилади, деб бўлмайди. Чунки, яхши ниятли куч фақат яратиши, эзгулик бунёд этиши керак. Экин экмайдиган, ўрмайдиган, лекин нон, устига-устак мойли нон ейдиган, боз устига, жиноятчиларни боқадиган,

Ўғирлаб кетмасликлари учун уларни қўриқлайдиган, бу ҳам етмагандек, китобчалар битадиган куч — ўзини бунёдкор куч, деб аташ ҳуқуқидан аллақачон маҳрум бўлган. Уларга хизмат қиладиган маданият ҳам шундай аҳволда. Жиноятчилар, ҳуқуқбузарларга қарши кураш, саёқ, енгилтак аёллар ва эркаклар, турма ва каторгалар, қамоқдан қочишлар, чаққонлик билан одам ўлдиришлар ҳақида қанчадан-қанча китоб, кино, пьесалар яратилган... Тўғри, уларнинг орасида пайғамбарона башорат билан "Жиноят ва жазо" деб аталган китоб бор. Тинчлик ва эзгуликка қарши жиноят анча вақтдан бери содир этилмоқда. Унинг жазоси ҳам яқинлашиб қолган ва ҳеч қанақа милиция унинг олдини ололмайди. Ҳамма атомчилар қўлини орқага қайиришнинг ҳам, қамашнинг ҳам иложи йўқ. Ҳамма бадкорларни йўқотиб бўлармишми?!" Улар кўпчиликни ташкил этишади ва катта, яхши ҳимояланган куч ҳисобланишади.

Айрим донишмандлар учун қонун ва қонун бузишлар ўртасидаги чегара йўқолиб, у ягона муштга айланиб, тақдирга тан бериб, ўз қисматини иложсизларча кутиб ўтирган бечоралар бошига ёғилади.

* * *

Айтишадикки, одамни тушуниш — кечириш, демакдир. Лекин кимни, қандай тушуниш керак?! Кимнинг, қайси айбларини авф этмоқ даркор?

Бошлиқларга ялтоқланадиган, ўзини ноҳақ қамалган ҳисоблаб, фирромлик қиладиган, соқчилар олдида эса титраб-қақшайдиган, кечалари эски-туски игна топиб, томирларига ҳар қанақа бало-баттар юборадиган, эсни оғдирдиган даражада наша чекадиганлар... Йўқ, улар ҳақиқий жиноятчилар эмас. Ҳақиқий жиноятчи — бу Сошнин турмада кўрган ўрта ёшлардаги аристонни эди. У ўз дунёқараши ва ҳаётий дастури билан Сошниннинг кўзини мошдай очиб кўйди. Қадди-қомати келишган, қўллари кучли ўғрибоши зиммасидаги қамоқ муддатини "ҳалоллик" билан ўтамоқда эди. У озодликка чиққан заҳоти ўзининг асосий вазифасини бажаришга киришади. Магазинлар қулфини бузади, омборхона ва хонадонларни ўмаради, "қизиқроқ иш" чиқиб қолса, хазиначиларни талайди, олифта бойваччани ечинтиради. Хуллас, ишсиз қолмайди. Худди ўша ўғри, муттаҳам Сошнин ҳамроҳлигида турмага келган тарбиявий, насиҳатомуз руҳдаги журнал муҳбири устидан очикдан-очик кулган эди. Мухбир аёл бўлса, худди осмондан тушгандай, ҳамма нарсага ҳайрон бўлар, "қайта тарбияланган", ўз гуноҳини англаб етган, келажакда тоза, ҳалол яшашга интилаётганларга у жон—жон, деб ишона оларди. Улар билан муҳбир аёл "юрак"дан суҳбатлашарди.

— Мана, сиз, — деди у бамайлихотир ўтирган, ўз қадрини биладиган аристонига мурожаат қилиб, — сиз талончилик, хонадонларда ўғрилик қилгансиз... Бирор вақт ўз қурбонларингиз, сиздан жафо чекканлар тўғрисида ўйлаб кўрганмисиз?

— Ҳой, бошлиқ! — заҳарханда қилди аристонни Сошнинга мурожаат этар экан, — сен нега мени хафа қиласан? Мен нозиктаъб, нуктадон суҳбатдошни истайман.

— Сен жавоб беришингни бил. Бўлмаса, биз баҳона қиляпсан, деб ҳисоблаймиз.

— Мен-а?! Жавобдан қочарканманми?! Яна хафа қиляпсан, бошлиқ, — деди аристонни ва муҳбир аёл ёзиб олишга улгурсин учун дона-дона қилиб, юрагидаги гапларини айта бошлади, — қурбонлар

тўғрисида ўйлай олганимда мен ўғри эмас, врач, агроном ёки комбайнчи бўлардим. Ёзиб олдингизми? Хўп, сизга яна битта қимматли фикр ҳада этаман: мен ва менинг ишим бўлмаганида, уларга, — Сошнинни кўрсатди ва у бармоғи билан соқчилар, маданият уйи, ҳаммом, гараж, бутун кўрғонни кўрсата бошлади, — уларнинг ҳаммасига ейишга нон топилмасди. Улар мени кўз қорачиғидай асрашлари, ўғрилиқни ташламаслигим учун худога илтижо қилишлари керак...

Буни тушуниш мумкин. Шундоқ кўриниб-билиниб турибди. Уни "қайта тарбиялайдилар" ва у ўзини "қайта тарбияланган" қилиб кўрсатади. Лекин яқинда Вейскда фойдаланишга топширишга тайёр турган уйни тор-мор қилган ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларини тушуниш мумкинми ўзи?! Улар ўша уйда амалиёт ўташган, ишлашган, ўз қўллари билан ўз меҳнатларини йўққа чиқаришганини қандай изоҳлайсиз? Англияда бутун бошли шаҳарни вайрон қилиб ташлашганини Сошнин қаерданир ўқиганди. Тутунга бурканган саноат шаҳри Бирмингем яқинида йўлдош шаҳар барпо этишган. У ерда яшаш, нафас олиш жуда енгил эди. Мана шу шаҳарни ўз аҳолиси, устига-устак, фақат ёшлар вайрон қилишибди. "Нега бундай қиялпсиз?" дейишганда, "Билмаймиз", дея жавоб беришган.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Сошнин мактабда танлаб ўтирмай, ташналик билан жуда кўп китоб ўқирди. Сўнгра у мактабларда "ўтилмаган"ларга қўл урди. "Экклезиаст" гача етиб борди. Унинг немисча ўқишни ўрганганини, Ницшени мутолаа қилаётганини вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари билиб қолса борми?! Ницшени ўқир экан, шунга ишонч ҳосил қилдики, кимнидир, ниманидир, боз устига, улкан файласуф, ажойиб шоирни инкор этишдан олдин уни, албатта, яхши билиш, ижодини ўрганиш керак! Ана ўшандан кейингина унинг мафқураси ва назариясини инкор этиш, курашиш даркор. Курашганда ҳам кўр-кўрона эмас, кўриб-билиб, далиллаб курашиш керак бўлади. Рус олими, ахир, бекорга "Ниманидир, хоҳ у эҳтимоллик назарияси, хоҳ кўзиқорин бўлсин, синамай, билмай излаш асло мумкин эмас" демагандир. Ницше, гарчанд, кўполроқ бўлса-да, инсон табиатидаги қабоҳат ҳақидаги чин ҳақиқатни юзинг борми, кўзинг борми, демай айтиб берган. Ницше ва Достоевский, юпқа тери ва чиройли кийим-бошлар остига бекиниб олиб етиладиган, айри тишларини қайрайдиган йиртқич одам вужудининг қаерида пайдо бўлишини деярли аниқ айтиб беришди. Бу йиртқич жуда даҳшатли, у ўзини ўзи еб адо қилади. Буюк Русда эса инсон қиёфасидаги оддий дарранда бўлиб қолмай, жуда катта йиртқичдир. У кўпинча мутелик, масъулиятсизлик, айрим сара одамлар, тўғрироғи, ўз-ўзини шундай одамлар тоифасига қўшиб қўйганларнинг бошқалардан яхшироқ, тўқроқ яшаш, улардан ажралиб туриш, енгил-елпи кун кечиришга интилиши оқибатида пайдо бўлади.

Чамаси бир ой муқаддам, ақраб намгарчилиги пайтида қабристонга мурда олиб келишди. Ҳамма ерда бўлганидек, марҳумнинг уйида болалари, қариндош-уруғлари ғам-аламни унутиш учун тўйиб ичиб олишди, қабристонда яна ичишди — нам, совуқ, ғам. Кейин қабр тепасидан бешта бўш шиша топилди. Мусаллас тўла иккита шиша ҳам бор экан. Катта мояна оладиган меҳнатчилар орасида янги расм-

русум пайдо бўлибди. Бўш вақтни дабдабали, тўраларча ўтказиш етмагандек, энди дафн маросимлари ҳам серҳаражат, кимўзарга ўтказилади. Қабр тепасида пул ёндирилади, агар бир боғлам бўлса, айни муддао. Фоний дунёни тарк этувчи ортидан мусаллас тўла шиша улоқтиришади. Мабодо шўрлик нариги дунёда "бош оғриғи" қилгиси кеп қолса...

Мотамсаро фарзандлар шишаларни лаҳадга ташлашга ташлашди-ю, лекин падари бузрукворларини тупроққа топширишни унутишди. Тобутнинг ўзи қолиб, унинг қопқоғини лаҳадга қўйишди, тупроқ тортишди. Фарзанди қобилларнинг қай бири ўзини лой тепачага ташлади, овоз чиқариб йиғлаган, нола қилган бўлди. Гулчамбарларни қалаштириб ташлаб, вақтинчалик белги ўрнатишди-ю, марҳумни ёд этиш маросимига шошилишди.

Мурда янги костюмда, пешонасида гулчамбар, қоғоз гуллар орасида кўкариб кетган бармоқларида дастрўмолни маҳкам қисганча лаҳад ташқарисида ётарди. Орадан бир неча кун ўтди. Бояқиш ёмғирда шалаббо бўлиб кетди, тобут сувга тўлди. Қарғалар тобут ёғочига ўтириб олиб, майитнинг қайси еридан ейишни мўлжаллаб туришганда қабристон қоровулининг синашта кўзи фалокатни сезиб қолиб, дод-вой солган.

Хўш, бу нима ўзи?! Ҳамон ўша, ҳаммани ийдириб юборадиган, елгагай рус характерими? Ёки тушунмовчилик, табиат хатоси, носоғлом ҳолатми? Агар, шунақа бўлса, нега бу тўғрида лом-мим демаймиз? Нега биз қабоҳат ҳақида ўз ўқитувчиларимиздан эмас, балки Ницше, Достоевский сингари аллақачон мангу уйқуга кетганлардан яширинча ўрганишимиз керак? Мактабда гуллар, япроқлар, ким, нимани чанглатади, ҳаммасини ўрганамиз, табиат қўйнига сафар қилганда капалакларни қириб, гулларни синдириб, қизлар учун қўшиқ айтганмиз, шеър ўқиганмиз. У, товламачи, ўғри, зўравон, ваҳший бўлса, шу яқин орада, кимнингдир қорнида ёки бирор бошқа қоронғу жойда бекиниб олиб, ўз вақт-соати етиб келишини сабр-тоқат билан кутиб ўтирган. Ёруғ дунёга келгач, онасининг иссиққина сутидан бироз эмиб, йўрғакларни ҳўл қилиб бўлгач, боғчага қатнади, мактабни, институтни, дорилфунунни битирди. Олим, муҳандис, қурувчи, ишчи бўлиб етишди. Лекин булар унинг ўзлигини, асосини ташкил этмайди, булар юзаки нарсалар эди. Қўйлак ва рангли ич кийим, стуклик шаҳодатномаси, аъзолик чиптаси остида, қоғозлар, ҳужжатлар қаърида, ота-оналар, муаллимлар йўл-йўриқларини ўғитлари, ахлоқ нормалари панасида қабоҳат кутиб ётибди. Иш кўрсатишга тайёрланаяпти. Шундай қилиб, кунларнинг бирида мўри тўсини очилиб, қоп-қора қурумдан супурги минган қувноқ ялмоғиз кампир ёки инсон қийёфасидаги иблис чиқиб келади ва тоғларни толқон қила бошлайди. Энди бу иблисни ушлаш осон эмас, у яхши кишилар билан бирга курашишга тайёр бўлиб қолган. Энди унинг қўл-оёғини боғлаш, ароқ, пичоқ ва эркинликни тортиб олиш даркор. У бўлса супургини миниб олганича, осмону фалакда чарх уради. Кўнглига сиққан номаъкулчиликни қилади. Сен милицияда хизмат қилсанг-да, турли қонунқоидалар билан ўраб-чирмаб ташлангансан, ҳамма тугмалар ўтказилган, ҳаракат доиранг чеклаб қўйилган. Кўлингни чаккангга қўйиб: "Марҳамат қилиб, ҳужжатларингизни кўрсатсангиз" дейсан. У бўлса, башарангга қараб, қусиб юборади. Ёки қўйнидан пичоқ чиқаради. Унинг учун ҳеч қанақа меъёр, ҳеч қанақа ахлоқ йўқ. Ўзига ўзи эрк берган. Ўзи учун ахлоқ меъёрини белгилаган ва ўзи ҳақида йиғлоқи мақтанчоқ оҳангда ашула ҳам тўқиб қўйган: "Яна ҳар жумада бўлар учрашув, Таганка турмаси — қадрдон уйим..."

Японияда тартибсизлик қилаётган маст кишини полициячилар олдин ерга йиқитиб, кўлига кишан солиб, сўнгра у билан пачакила-шишни бошлашларини Сошнин аллақерда ўқиганди. Лекин Вейск шаҳри ер куррасининг бутунлай бошқа чеккасида, Японияда куёш чиқади, Вейскда эса ботади. У ерда бугун 18 даража иссиқ, эгатларда қишки сабзавот ўсяпти. Бу ерда икки даража совуқ, шунақанги ёмғир қуйяптики, худди бир асрдан бери ёғаётгандек.

* * *

Сошнин бошини жўмрак остида ҳўллади. Калласини силкитиб, ҳаммаёққа сув сачратди — буни тақиқлайдиган кишининг ўзи йўқ, тўла ва узил-кесил озодлик! У жўмракни бекитди. Товуқни қозонга солиб, ўт ёқди. Ўринга чўзилди-ю, шипга тикилди. Кўнгли ҳеч ёриша қолмасди. Елкаси, оёғи зирқираб оғрирди. "Ахир, майиб қилишлари, ўлдириб, зина тагига тиқиб кетишлари ҳам ҳеч гап эмасди... Бундайларнинг кўлидан ҳар иш келади..."

* * *

Сошнин Федя Лебеда билан шаҳарда навбатчилик қиларди. Худонинг марҳамати билан, шу куни машина ўғриси ҳам топилиб қолди.

Узоқ Шимолдан чўнтагини қаппайтириб қайтган "азамат" қувонганидан роса арақ ичиб, маст бўлган. Сўнгра кўнгли қахрамонлик кўрсатишни тусаб қолган: юк машинасини олиб қочган. Темир йўл бекати ёнида теракларни кесиб, гулзорга думалоқ тус беришган, ўртасига бешта ливан арчаси суқиб, гуллар ўтқазишганди. Вейск нозиктаъблари яратган "нафосат" касрига қолиб, қанча киши жабр кўрди. Рулдаги қочоқ айланмада машинани бошқаролмай, бекатни илиб кетиб, икки кишини майиб қилди, бирини будкага қисиб ўлдирди. Эси оғиб, ваҳимага тушди, кўзи ҳеч нарсани кўрмай қолди ва машинани марказий кўчадан тез ҳайдаб кетди. Чорраҳада ёш она-боланинг умрига зомин бўлди.

Қотилни бутун милиция, жамоат транспорти таъқиб қиларди. Уни шаҳар чеккасидаги ён кўчаларга, ёғоч иморатлар томон сиқиб чиқаришга ҳаракат қилишар, юк машинаси бирор деворга бориб урилишига умид борлашарди. Қочоқни Сошнин ва Федя Лебеда изма-из таъқиб қилиб боришарди. Уни бир ҳовлига қамаб олган ҳам эдилар. Қотил қум тўшалган майдончада гир айланиб, болалар ўйингоҳининг тит-питини чиқариб ташлади. Яхшиямки, ҳовлида болалар кўринмасди. Лекин ҳовлидан чиқаверишда қўлтиқлашиб, сайр қилиб юрган икки кампирни уриб кетди. Шалвираб қолган кампирлар қапа-лакка ўхшаб, кўкка парвоз қилиб, энгилгина қанотлари билан йўлкага ерпарчин бўлишди.

Патруль бошлиғи ҳисобланган Сошнин жиноятчини отиб ташлашга қарор қилди. Отиб ташлайман, дейиш осон! Лекин уни амалга ошириш жуда қийин. Ахир, тирик одамга қарата ўқ узишга тўғри келади. Аксарият ҳолларда биз "мен уни ўлдириб ташлардим" деймиз бепарво оҳангда. Лекин ҳақиқатда одам ўлдириш осон эмас.

Шаҳарда жиноятчига ўқ узишга ботинишолмади: атроф тўла одам. Мегафонга "Фуқаролар. Эҳтиёт бўлинглар! Рулда жиноятчи! Фуқаролар..." — дея қичқира-қичқира юк машинасини шаҳар ташқарисига

сиқиб чиқаришди. Тепаликдан ўтишди, шаҳарнинг энг сўнгги ёнилғи қуйиш шохобчаси ҳам ортда қолди. Шаҳар чеккасидаги қабристонга яқинлашишарди. Улар қабристон томонга қараб, даҳшатга тушишди. Тўртга бўлинган одамлар тўдалари тўрт марҳумни тупроққа топшириш ташвишида эдилар. Тўдаларнинг бирида тумонот одам, аллақандай, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган машҳур зот билан хайрлашишмоқда. Қабристондан беш километр узоқликда катта қурилиш майдончаси. Қотил бу ерда нима қаромат кўрсатишини ўйлашнинг ўзи даҳшат! Муттаҳам ўзини йўқотиб, машинани 100 километрдан ортиқ тезликда ҳайдамоқда эди.

— От! Отсанг-чи, ахир!

Федя Лебеда мотоцикл кажавасида ўтирар, қўллари бўш эди. Бунинг устига, у бўлинмада энг яхши мерган саналарди. Федя Лебеда итоаткорлик билан тўппончасини чиқарди, милга ўқ юбориб, кимга қарата отиш буюрилганини англамагандай, кетма-кет уч ўқни машина филдирагига парчинлади. Сошнин тишини қисганча, тезликни охиригача оширди. Улар машинага яқинлашиб, қувиб ўта бошладилар. Федя Лебеда тўппончани кўтарди, лекин шу заҳотиёқ қўлини иложсизларча туширди.

— Т-ў-х-т-а, тўхта! — бақирарди у, — тўхтасанг-чи, мараз! Янги қурилишда йўлингни тўсишади. У ерда пост бор!..

Ишни қурбонсиз якунлаш учун шериги охириги марта тавалло қилаётганини Сошнин унинг унсиз пичирлаётган лабларидан англаб олди.

— Қабристонга етиб борса, нима бўлади?! — Федя Лебеда ҳам Сошниннинг жавобини унинг лаблари қимирлашидан англади.

Китоб жиннилари (чаламуллалар) қўли тегмаган қоғозга ўхшаб оқариб кетган Федя Лебеда ўзи ўрганиб қолган тўппончани худди оғир тошдай кўтарди. Унинг лаблари титраб, оғзидан тупук сачрар эди.

— Ҳаракат қилиш, ҳаракат қилиб кўриш керак...

— Вақт йўк! — Сошнин жон-жаҳди билан машинани қувиб ўта бошлади. Қотил чап томондан ўтишга йўл қўймади. Қаттиқ силтаниш билан мотоциклни ён томонга ташлашди. Афдарилиб кетишларига оз қолди. Ўнг томондан қувиб кетишди. Кабина билан тенглашишди. Куруқ гапдан фойда йўқлигини билишса-да, иккаласи ҳам мегафонни нутиб, бараварига бақаришди:

— Тўхтат, тўхтат! Ўт очамиз!..

Гумбураб келаётган машина уларга ташланди. Мотоциклни темир пиллапоёси билан уриб кетди. Сошнин абжир ҳайдовчи эди, лекин унга нимадир бўлган эди. У чап оёғи билан мотоцикл педалини илиб олмоқчи бўлар, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. Қулоқлари шанғиллаб, еру осмон қизил тусга кира бошлади, олдинда кўмиш маросимига келганлар тум-тарақай бўлишди.

— От! Отсанг-чи, ахир!

Федя Лебеда икки ўқ билан жиноятчини нариги дунёга жўнатди. филдираклари дабдала бўлиб кетган машина гумбураганча яна бироз масофани босиб ўтди-да, тумшуғи билан нишабликка тиралиб қолди.

Сошнин мотоциклдан қулаётиб, нариги дунёга равона бўлган қотилнинг тўнг-қайсар энсасидан думалаб тушган зўлдирчани, кўплаб зўлдирчаларни кўришга улгурди. Бу зўлдирчалар оқими тезлашиб, қотилнинг бўйни, елкалари, онасинингми, севган қизинингми, мактублари билан тўлдирилган чўнтаклардан иборат камзулчаси қизил тус олди. Камзулчада одамларни ёнғиндан қутқазганлик учун берилган ёрқин рангли нишон ҳам кўриниб турарди. Энгил-бош ва чўнтаклар, ўриндиқ, елкага эгилган қайсар бош оғирлашар, алвон рангга бўялиб борарди.

Ётган ерида Сошниннинг томирлари тортишиб, томоғига аллақандай шилимшиқ нимарса тиқилди. Кўп ўтмай, у акашак, эзғиланган бир аҳволда, отиб ташланган қотил билан ёнма-ён ётар, ҳар икковларининг замбиллар остига оқиб, қўшилиб кетган қонлари шилпиллашига қулоқ тутарди.

* * *

Темирийўлчилар касалхонасининг тажрибали жарроҳи, ўзи ҳам темирийўлчилар кўрғонида туғилиб ўсган, мактабда "беш" олишга иқтидори бўлгани ҳолда, нуқул "уч" баҳога ўқиган Гришуха Перетягин қачонлардир шифокор бўлишга улгурган экан. Унинг сочлари оқарган, ҳаракатлари эринчоқ, хотиржам. Сошниннинг назарида, сал отиб ҳам олган эди, чамаси.

— Оёқ фақатгина тери ва томирга осилиб турибди. Кесиб ташлайми ёки сақлаб қолайми? Хўш, нима дейдилар, жаноби бошлиқ?!

— Ҳаракат қилиб кўр, доктор, — сўз қотди Сошнин ва хушомад билан қўшиб қўйди: — Қарз қиёматда қолмайди, Гришуха, — жарроҳнинг ҳайрон бўлиб қолганини кўриб, яна изоҳ берди. — Мен ҳам ахир, ўзимизнинг темирийўлчиларданман, Лина холанинг жияни бўламан.

— Эҳ-ҳа, — жонланди доктор, — Лёшкамисан, бўлмаса? Нега кўзимга бунчалик иссиқ кўринасан, десам... Ҳамонки, темирийўлчилардан экансан, боз устига, томирингда ўзимизнинг, вяткаликларнинг қони оқаётган бўлса, биргина томирча ҳам оёқни сақлаб қолиш учун кифоя қилади... Қарасам, юзинг жуда танишдек туюлди, — дерди Гришуха, ҳамшира ва энагага аллақандай имо-ишоралар қиларкан.

— Шундай қилиб, қарз қиёматда қолмайди, дейсанми? Оббо, сеней, қўлингга тушиб қолсак, уйга ҳам жавоб бермассан, ҳо, ҳо, ҳо...

Гришуха жарроҳ негадир Сошнинга наркоз бермади. Унга стаканни тўлдириб, тоза спирт қуйиб беришди. Доктор мижози ўлгудай маст бўлишини кутиб турди. У билан бироз валақлашди-да, ишга киришди. Операция пайтида Сошнинга яна бир мензурка спирт беришди. У спиртни муздай булоқ сувидек симириди. Ўрганмаганидан, томоғининг шиллиқ пардасини куйдириб ҳам олди ва анча вақтгача сўзи хириллаб юрди.

Гришуха Перетягин беморни кўздан кечириш пайтларида ўз-ўзидан, маҳоратидан мамнун ҳолда қадрдони билан ҳазиллашарди.

— Мен сени уруш пайтидагидек ямаб қўйдим. Шундоқ иссиғида шартшурт! Мана, кўриб турибсанки, туташиб кетди! Туташиб кетди, тушуняпсанми?! Ахир, биз, вяткаликларга наркоз бериш, қон қуйишнинг нима кераги бор? Наркоз зарарли. Қон заҳираси кам. Биз, вяткаликлар, эса кўпчиликмиз. Дарвоқе, менга қара, сен ҳақиқатан ҳам, сира тоза спирт ичмаганмидинг? Қўйсанг-чи! Менинг ихтиёримда бўлганида, сендақа нимжонларни милициядан қувиб солардим.

* * *

Сошнин узоқ даволанди. Ёлғизликда жуда кўп китоб ўқиди, немис тилини янада чуқурроқ ўрганишга киришди. Қоғоз қора қила бошлади. Аввалига у узундан-узоқ тушунтириш хатлари ёзди. Кейин билдиргига ўхшаган қисқагина қоғоз тайёрлаб олди-ю, ҳужумларни

ўша билан даф этиб юрди. Айниқса, терговчи Пестеревга гап тушунтириш жуда оғир бўлди.

— Сиз, милиция ходими, ўзини тутиб олган, етук киши, ёшгина гўдакка ўқ узишга қандай кўлингиз борди? — деди Пестерев қисик кўзлари тиғи билан Сошнинни тешгудай бўлиб, у аллақайси валинеъматига очикчасига тақлидан тишларини қисиб гапирарди. Патруль раҳбари Сошнин бўлганидан, Федя Лебеда изоҳномалар ёзишдан амаллаб халос бўлганди. Энди Сошнин ҳисоб бериши, азобланиши керак. Леонид аввалига ўзини тутиб турди. Пестеревга ниманидир тушунтирмоқчи бўлди. Лекин охир-оқибат қизишиб кетди.

— Ёшгина гўдак эмиш! Топдингиз норасидангизни! Ахир, ўша ёшгина, болали аёл учун!.. — Леонид кўзларини юмиб, ўтирилди. — Қиймаланган... лахта қон... лой ҳам қизил қонга бўялган... Мен унақаларнинг ҳар бирига, лекин сенга эса, зўр қониқиш билан сен учун бутун ўқдонни бўшатишдан тоймайман!

— Жинни! — ўзини тутиб туролмади терговчи. — Қаерда турганингни унутдингми? Сен ўзи, милицияга қандай келиб қолгансан?

— Ҳа, мен жинни бўлганим учун ҳам сен тараллабедод яшаб юрибсан! — Сошнинда ҳамон болалик хислатлари сақланиб қолган эди, у Антон Пестеревнинг елкасига қоқди, — бу сенга тукқан онанг эмас! Бу мурдадан, ҳамшаҳаргинам, эллик сўм билан қутулиб бўпсан! — у шундай деди-ю, ҳақиқат учун курашувчини ҳайрон қолдириб, чиқиб кетди. Пестерев шунчалар довдирадики, у Сошнингга телефон қилиб, нимага шама қилганини сўраб юрди.

Аслида, Тугожилино қишлоғидан бўлган Пестерев, ўзининг қадрдон қишлоғидан уч чақирим нарида — Полевки қишлоғида Сошниннинг қайнонаси Евстолия Сергеевна Чашина яшашини унутган эди. Бу аёл ҳамма тўғрисида, ҳамма нарсани биларди. Бутун борлиқ, бутун вилоят миқёсида бўлмаса-да, Хайловскда у билмаган, кўрмаган киши ҳам, гап ҳам йўқ эди. Сошнин қайнонасидан бундан тўрт йил олдин Тугожилино қишлоғида Антон Пестеревнинг онаси вафот этганини эшитган эди. Ҳамма фарзандлар дафн маросимида ҳозир бўлишди. Ҳатто, келинлар, куёвлар. Узоқ-яқин қариндошлар ҳам етиб келишди. Фақат кенжатай, энг сеvimли фарзанд Антондан дарак йўқ эди. У почта орқали дафн маросими учун эллик сўм жўнатиб, узундан-узоқ телеграммада ҳамдардлик изҳор этиб, бандлиги туфайли бормаслигини айтганди. Ҳақиқатда эса, у эндигина Белокуриха сиҳатгоҳидан қайтган, олган муолажалари чиппакка чиқишини истамас, ғам-алам асабини бузишидан чўчир, боз устига, қишлоқи "авом" хешу ақраболар билан учрашгиси йўқ эди. Ҳақиқатан ҳам, "авом" бўлмиш қишлоқи қариндошлари унинг эллик сўмини қайтариб жўнатишди. Ва шу сўзларни тўғригўйлик билан қўшиб қўйишди: "Шу пуллари билан қўшмозор бўл, ифлос, шарманда!"

* * *

Касалхонадан қўлтиқтаёқ билан чиқиб, бўш уйига келган Сошнин ўрнига чўзилди ва шу пайтгача ичишни ўрганмаганига афсусланди. Ҳозир айна пайти эди-да.

Уни кўргани Граня хола келиб турар, уйни тозалар, овқат пиширар, камҳаракатлиги учун Леонидни койирди.

У ўз-ўзини енгди, яна кеча-кундуз китоб ўқий бошлади. Ижод қилгиси келиб қолди. Ахир, тушунтириш хатлари ёзавериб, қўли анча

келишиб қолган эди-да! Ҳали ўзи унчалик идрок этмаган, лекин қизиқарли иш бўлган ижод уни анча овутиди.

У бундан аввал ҳам, ҳали мактабдалигидаёқ ёзиш-чизиш билан шуғулланганди. Бу ёш адабиётчининг оддий ва текис йўли эди. Мактаб деворий газетаси, махсус мактабдаги кичкинагина газета, мақолалар. Вилоят милиция газеталарида, сўнгра бошқа "юлқа" журналларда эълон қилинган ижод намуналари... "Семиз" журналларга кучи етмаслигини ўзи яхши биларди.

"Ёки Пашаникига кетсаммикан? Жуда зўр бўларди-да! — Эринибгина хаёл сурарди Сошнин, ҳеч қаерга кетмаслигини яхши билса-да. Қимирлашга, пастдан хат-хабарларни олиб келишга ҳам мадори йўқ. Лекин энг асосийси — истак, дейишади-ку...

Паша шунақа одамки, бутун дунёни саранжомлаб, эпақага келтиришга, қорнини тўйғазишга қодир. У ҳақда Пушкин шундай шеър тўқиганди: "Малика бўлсам эди, оламга ўзим якка, берардим тўймаърака..."

Дастлабки "жанг"дан сўнг, оила кемаси бир ёққа оға бошлагач, Сошнин вақтни бекор ўтказмаслик, саланглаб юрмаслик учун маҳаллий пединститутнинг филология факультети сиртқи бўлимига ўқишга кирганди. Факультет немис адабиётини чуқур ўрганишга мўлжалланганди. Сошнин ўзининг ўнлаб ҳамшаҳарлари билан бирга Лермонтов таржималарини буюк асл нусхалари билан солиштирар, тез-тез излаганлари — таржимадаги нуқсонларни топишарди. Вейсклик мутафаккирларнинг фикрича, Михаил Юрьевич немис маданиятига жиддий путур етказган. Пединститутда Сошнин биринчи мартаба "мақсадли қабул қилинган" деган сўзни эшитди. Бу сўзнинг маъносини педагогика фанлари Академиясидаги "даҳолар"ни истисно қилганда, мамлакатнинг бошқа фуқаролари охиригача англаб етишмайди ҳам. Аслини олганда, "мақсадли қабул қилинган" бу олий ўқув юртига имтиёзли суратда кирган ва ўқишни битиргач, қадрдон қишлоғига ишга қайтиши лозим бўлган талабадир. Қанча талаба, қандай қилиб, қадрдон қишлоғига қайтишини статистика яхши билади, лекин уялганидан ҳеч кимга айтмайди. Пединститутга туташ майдончада Сошнин городки ўйнарди. Стадион ўрнида қачонлардир атрофини баланд дарахтлар қоплаган, анвойи гуллари, балиқлари мўл бузрук ҳовузи бўлган. Тарихда ўз ўрнини йўқотган черков амалдорларига қарши кураш асносида дарахтларни йиқитишди. Балиқлар билан бирга ҳовузни ҳам кўмиб ташлашди. Лекин бу ўтмиш жуда яшовчан чиқиб қолди. У вақти-вақти билан ер қаъридан терак ёки гужум танаси билан ўзлигини ўғринча намоён қилиб, кўзлари ўткир воқеликка баҳор даракчиларини юбориб туради. Ҳар томонлама ривожланган бўлгуси ўқитувчилар бадан кўркамлиги, мускуллар таранглиги, фикр чанқоқлигини ривожлантириш мақсадида уларни оралаб машқ қилиб юришади. Сошнин оқсоқланиб қолганидан енгил мусобақаларга жалб этилди ва у зўр иштиёқ билан рандаланган қалтакчаларни отиб, ҳали "деразада турган кампирни", ҳали "илон" ёки "уйча"ни уриб йиқитарди. Кунларнинг бирида унинг нигоҳи қомати эркакларникидай, унчалик дилтортар бўлмаса-да, қип-қизил, соғлом юзли қизга тушди. Унинг калта қирқилган, сомонга ўхшаш сочлари юзига тушиб турарди. Қиз эски суяк тароғи билан сочларини тараб, орқага турмаклади ва бир вақтнинг ўзида шалварини еча бошлади. У бурун катакларини керганича нафас олиб, нимчаси тугмаларини узиб юборди. Йўл-йўлакай калта иштончасини кийиб, хуштак чалганича, чуқур нафас олди-ю, югуриш йўлкасига чиқиб, мусобақа бошлани-

шини қута бошлади. Бўлиқ сийналар таранглигидан қисқичи узилиб кетган сийнабанд кўртугун қилиб боғланганди. Ун яшар боланинг калласидай келадиган кўкраклар кучини шундай йўл билан ушлаб туришдан ўзга чора йўқ эди. Бу каллаларни қишлоқнинг илғор механизаторлари неча-неча марталаб эзғилаган бўлсалар-да, ёнай, деб турган бу қудратли кучни тизгинлай билмаган эдилар.

— Й-и-ех, шалдиروق зиёличалар, — дея ўқирди қиз, — талабаликнинг ёвғон шўрваси, тамаки ва тунги учрашувлар таъсирида юзлари кулранг-заҳил ёш спортчилар нафаслари бўғизларига тикқилганча у билан тенглашганларида. Қизнинг кўкси жунбушага келди. 42-андозали шиппак кийган оёқлари, бўлиқ сонлари ҳаракати тезлашиб, қадами бир таноб ерни қамрай бошлади. Унинг чеҳрасида илҳом, жангарилик намоён эди. Бузрук ҳовузи кўмилган ердан югуриб бораётган мишиқилар пашшадай тарқаб, ортда қолиб кетишди.

Финиш нималигини билмаган қиз унинг ёнидан ўқдай учиб ўтди. Агар қаршисида ўйингоҳ девори бўлмаганда, яна қасқларга кетиб қоларди, худо билади. Паша ана шундай қиз эди! Худонинг марҳамати билан унинг жисмига монанд фамилия насиб этганди — Силакова. Жуда кўп машқ қилган, спорт устаси ортда қолиб, шарманда бўлганлигини оқлаш учун кўзойнагини арта-арта шундай деди: "Бу табиий офатга ўхшаган аёлдан мен ўзиб кетган бўлардим, бахтга қарши кўзойнагим синиб қолди-да.." Паша Силакова машҳур спортчининг елкасига менсимайгина қоқиб, таклиф қилди: "Ундай бўлса, яна бир куч синашиб кўрмаймизми?"

Ўшандан бошлаб институтда машҳур кўшиқ юзага келди: "Мен бўтқа пиширардим, гуллар совға қилардим, сени ўлгунча севардим. Нақорат: Афсус, кўзойнагим терлаб қолди-да", "Мен фаннинг барча чўққиларини эгаллардим. Афсус, кўзойнагим терлаб қолди-да..."

Паша Силакованинг институтдаги ишлари ўйингоҳдагидек вадавонг эмасди. У Починкадаги мактабда ҳам илм билан ҳеч кимни қойил қилолмаганди. Паша колхоз фермасида ишлаб, меҳнат зарбдори, ҳурматли киши, кўп болали она бўлиши лозим эди. Лекин бутун умри, чиройи, ёшлиги, куч-ғайратини колхоз фермасига бахшида этган онаси институтга қабул бўлаётганлигини эшитиб, шундай деди: "Бор, қизим, олимпикка ўқи, кўп мояна оладиган бўласан. Одам қаторига кўшиласан. Менга ўхшаб бир умр гўнг титкиламайсан".

Паша Силакова олима бўлишни жуда-жуда истар, тунлари ухламас, фанларнинг кўплигидан, шахар маданиятидан боши айланарди. Лекин у ўзининг қишлоқча қувлиги, деҳқонча ақли билан мақсадга қандай етишиш мумкинлигини биларди. У қишлоқдан картошка, сут, гўшт олиб келар, хоналарни тозалар, филфакда ўқийдиган оқсуякларнинг кирини ювар, кийимларига дазмол босарди. Тамаки чекадиган, коньяк ва коктейлнинг, шаҳват ва шаҳватпарастликнинг фаҳмига етадиган оқсуяк қизлар Пашани мазах қилишарди. Институтда рус мумтоз адабиётидан дарс берадиган Пестерева хоним Пашани уй хизматчисига айлантирганди.

Эр-хотин Пестеревлар уй ишлари билан шуғулланишмас, тараллабедод умр кечиришарди. Улар теннис ўйнашар, қиш сувида чўмилишар, жамоа бўлиб, овга чиқишарди. Икковлари ҳам шахсий "Волга" рулини бир қўлда айлантириб, бир қўл тирсагини чиқариб, чапдастлик билан бошқаришарди. "Волга" ўриндиқларининг филофи аллақандай пахмоқ жониворнинг терисидан — Пестеревларнинг ўзлари "лама жунидан" деб изоҳ беришарди. Орқа ўриндиқларда бадавлат кавказликларга тақлидан, ола-була думалоқ тўп ётар, олдинги ойна-

да эса ўзига тинч, маданиятли кишиларникида бўлгани каби, оғзи бир таноб, қизил иштончали маймунча осиб қўйилганди... Ойнада "эспанио-уэрто командарос" деган ёзув бор.

Ҳали талабалик йилларидаёқ Вейск зигир комбинатининг директори қизига уйланиб олган Антон Пестеревнинг оиласи уч кишидан иборат бўлса-да, тўрт хонали уйи бор эди. Пестерев маҳаллий "хосхонадон" хўжайини ҳисобланар, кечқурунлари Вейск шахрининг олийнасаб казо-казолари унга кўнгил очишарди. Эр-хотин Пестеревлар хоналарнинг бирини ўзига хос бўлмага айлантиришганди. Бу ер қиморхона, арзон-гаров музейни эслатарди. Унинг деворларига ҳаёлий суратлар, сув парилари тасвири туширилган қимматбаҳо мис баркашлар, иккита чарх, бир жуфт бошмоқ, Сальвадор Дали расмларидан кўчирилган нусхалар осилганди. Оқшомлари японча радиодан "нариги томондан" олиб келинган мусиқали ёзувлар таралар, расм бўлган шоирлардан Висоцкий, Окуджава, Новелла Матвеева қўшиқларини эшитиш мумкин эди. Тоқчаларда Евтушенко, Вознесенский, Ахмадулина, Аполлинер, Дос-Пасос, Хименес, Ли Бо, Пикуль, Сименон, Апдайк китоблари. Улар орасида "Инжил"нинг инқилобдан олдинги нашри, тилла илгакли ибодатнома, "Игорь полки ҳақида қўшиқ"нинг совға учун чиқарилган нашри, Даль луғатининг жим-жимадор тўрт жилдлиги бор эди.

Пестерева хоним Паша Силакова ҳақидаги латифалар билан ўз меҳмонларининг кўнглини очар, у бунақа масхарабозликларни талабалар орасида ҳам қиларди.

— Х-ў-ў-ш, ёш дўстим, — дерди у қизни кўпчилик олдида тикка турғазиб қўйиб, унга худди эркак кишига гапиргандай мурожаат этар экан, — Николай Васильевич Гоголнинг тузатиб бўлмас хатолари ҳақида нима дея оласиз?

Паша Силакованинг дугоналари айтиб туриши туфайли тайёрланган жавоби тайёр эди:

— Черков раҳнамолари, уларнинг қолоқ ва манфур фалсафаси туфайли Гоголь қалбига жо қилинган таркидунёчилик кайфияти буюк рус ёзувчисини маънавий ҳалокатга олиб келмаслиги мумкин эмасди. Ана шу маънавий ҳалокат оқибатида Гоголь "Улик жонлар" асарининг иккинчи жилдини ёқиб юборади. Иккинчи жилд биринчисига нисбатан анча заиф эди ва унда Оптина саҳросининг ер ости йўллари, қоронғу бурчаклари, жангари қорағуруҳларнинг бошқа исловатхоналарида биқиниб юрган черков руҳонийларининг ириган нафаси шундоқ сезилиб турарди.

— Хўш, хўш? Сиз, албатта, иккинчи жилдини ўқиб чиққансиз ва шу боис, уни ишонч билан инкор этмоқчи бўлаяпсиз?

— Йўқ, ўқиганим йўқ. Буларнинг ҳаммасини қишлоқдалигимдаёқ адабиёт ўқитувчимиз Эда Генриховна Шутенберг ҳикоя қилиб берган эди. Ундан кейин қизлар ёдлаб олишимга кўмаклашишди.

— Ўқитувчингиз сургун қилинганлардан эдимиз?

— Ҳа, у кейинчалик тўғри йўлга кирган, ҳақ-ҳуқуқлари тикланганди. Унга, ҳатто орден ҳам беришувди.

— Эҳтимол, у хизмат кўрсатган ўқитувчи даражасига ҳам етишгандир?

— Ҳа, айтиш эсимдан чиқибди. У хизмат кўрсатган ўқитувчи ҳам бўлган эди.

— У, сиз, қишлоқ ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатган!

— Ҳа, зўр бериб, собитқадамлик билан ўргатган. Бу ишга жуда кўп куч сарфлаган.

— Хўп яхши, нима ҳам дердик?

Пестерева хоним юзида ним табассум билан томошани давом эттирар, талабаларни гувоҳликка даъват этар, оққўнгил Паша Силаковага "Пушкин замонасини талқин қилишни" таклиф этиб, бош қимирлатишлар, йўналтирувчи луқмалар билан уни керакли йўлга бошларди. Паша зўр илҳом билан буюк шоир ва ситамдийда ўралашиб қолган киборлар дунёси, ҳалокатли замонани фош этар, граф Бенкондорфни ердан олиб, гўрга урар, подшони, худди ароқхўр бригадирни колхоз йиғилишида танқид қилишгандек, аччиқ истеҳзолар билан аёвсиз савалар ва шундай хулоса қиларди: "Буюк шоирнинг жанг майдонида ҳалок бўлишдан ўзга чораси қолмагани", "Саройдаги фитнаю иғволар рус шеърияти машъалини сўндирди..."

— Уларнинг бошлаб адабини бердингиз-да! — бош қимирларди Пестерева хоним, — хўп, нимаям қилардик. Синов дафтарчангизни беринг. Ҳатто бизнинг институтда мумтоз адабиёт намояндалари хулқатворини ҳамма вақт бунчалар чуқур таҳлил этаверишмайди.

Сошнинг хотини Лерка (улар ҳозир расм бўлганидек, судсиз ажралиб қўяқолишган) Паша Силакова билан Починка мактабининг юқори синфларида бирга ўқишганди. Пашанинг дадаси ва бобоси туманнинг ярим ер майдонини шудгор қилишган, улар қазиган хандақлар, эр-хотин Пестеревлар кезиб чиққан сиҳатгоҳу сайёҳлик йўлларидан анча узунроқ. Институтда ана шундай одамларнинг фарзанди бўлган ажойиб инсонни хўрлаётганлари, бунинг устига, олима аёл қизни уй хизматчисига айлантирганини эшитиб, Лерка қутуриб кетди.

— Бу нима деган гап? — ўзини тийишга ўрганмаган Лерка бақирарди, — безориларнинг қўл-оёқларини боғлайсизлар! Ароқхўрларни хушёрхонага судрайсизлар. Булар эса, хўш, қачонгача янги оқсуяклар биз, қишлоқилар устидан кулишади?!

— Бақирмасанг-чи, худо хайрингни берсин! Ундан кўра, кел, қизни қандай қилиб қутқазिशни ўйлаб қўрайлик!

Пашани ҳунар-техника мактабига ўтказиб, тракторчиликка ўқитмоқчи бўлиб, бир қарорга келишди. Паша бўлса бор овози билан йиғлай бошлади: "Олим бўлмоқчиман! Бу ерни эплай олмасам, лоақал мактабгача тарбия билим юртига кўчира қолишсин..."

Сошнинг Пашанинг қўлидан ушлади-да, пединститут ректори Николай Михайлович Хохлаковнинг уйига бошлаб борди. Хохлаков жуда машҳур китобхон бўлиб, Лина хола қамоқдан қайтиб, иш топгунига қадар, унинг уйида супур-сидир қилиб юрган, ўша пайтлардан бошлаб, Сошнинг олимнинг кутубхонасида "ўтлаб" юрарди.

Николай Михайловичнинг қиёфаси кўпчилик профессорларникига ўхшаган: оғир карвон, сочлари оппоқ, гавдаси биров букчайган. Кенг чийдухоба камзул кийиб юради. Тамаки чекмайди, мусаллас ичмайди. Бутун бошли тўрт хонали квартира шиптигача чанг босган китоблар билан тўлдириб ташланган. Буларнинг ҳаммаси Леонид кутганидек, Пашада кучли таассурот қолдирди. Николай Михайлович қизга жуда ҳалол ва очиққўнгиллиги учун ҳозирги замон олимаси бўлолмаслигини, боз устига, қишлоқ тракторчилари унча-мунча олимдан кўп маош олишини тушунтирган. Паша ҳаммасига қўл силтаб, рози бўлди:

— Ҳамма ҳам олим доно бўлавермайди. Кимдир меҳнат ҳам қилиши керак-ку, ахир?! Хўш, ахлат соладиган челагингиз қаерда?

У этагини липпа уриб, яқиндагина тул бўлиб қолган профессор хонадонидagi мебель ва китоб жавонларини артишга тутинди. Қиз олимнинг уйини бошига қўтариб, хониш қиларди: "Мен! Сен! У! Улар! Биргаликда ҳаммамиз — бутун Ватан!.."

Билим юрти ётоқхонасида жой бўшагунча Паша профессорнинг уйида яшади. У Сошниннинг уйига ҳам онда-сонда келиб турар, ҳали остонадаёқ унга таъна тошларини ёғдирарди: "Вой-бў! Ҳаммаёқни булғаб, ҳаром қилиб ташлабсан-ку, акахоним!"

Билим юртида Паша яхши ўқиди. Бутун вилоятга маълум ва машхур спортчи бўлиб етишди. Диск ирғитишда барча маҳаллий рекордлардан ўзиб кетди. Ҳатто, худудий мусобақаларда, Москвада, СССР халқлари спартакиадасида иштирок этди. Сошнин спартакиададан қайтган Пашани зўрга таниди. Соchlари тилло рангга бўялган, қовоқ—киприклари кўм-кўк, жинси шим, Боярскийга ўхшаб "А-ля мушкетер" этикларини кийиб олган Паша лабига сигара қистирган ҳолда қадрдон диёрида пайдо бўлди. У қайнаб-тошган, йўлда учраган тўсиқни мажақлашга тайёр эди.

— Бизникиларни кўриб-билиб қўйинг! Эсга олинг! Биз қишлоқлар шундай қиламизки, филфакдаги чурвақалар — қаланғи-қасанғиларнинг оғзи очилиб қолсин!

"Эҳ-ҳе, — ғамгин тортиди Сошнин, — иш шундай кетаверса, қишлоқ яна бир яхши ишчидан ажралиб қолади, шаҳарда эса яна бир вайсақи сурбет кўпаяди". Яна ўша Николай Михайлович ва Лерканинг ёрдамида Сошнин Пашани Починковск туманидаги "Рассвет" давлат хўжалигининг марказий қўрғонига амаллаб жўнатишга муваффақ бўлди. Бу ерда Паша эркаклар билан бир сафда туриб, механизаторлик қила бошлади. Турмушга чиқди ва қаторасига кўчқордай уч ўғил туғди. У яна тўрт ўғлон туғиб беришни мақсад қилган. Лекин у туққан болалар она қорнидан Кесарев чоки ёрдамида суғуриб олинадиган нимжонлардан эмас.

— Менинг паҳлавонларим ерда ишлашади. Денгизда сузишади. Космосга учишади, — дейди нозик мавжудот, она ва аёл бўлган Паша "уф" тортиб, қўшиб қўяди, — ҳеч бўлмаса, биттагинаси Николай Михайловичга ўхшаб олим бўлолсайди...

— Сен мени ҳеч қаёққа олиб кетолмайсан. Ва мен ҳам эҳтимол, кетмайман, — ғўлдиради Сошнин ўринда ағанаб ётганича. У Хайловскка борадиган поезд ўтиб кетгани, у томонга энди эртагача автобусдан бўлак улов йўқлиги, бу об-ҳавода автобусда юришга жанговар яралари имкон бермаслигидан шод эди. Эртагами, ёки индингами, бу бошқа гап, ўзини қўлга олади-да, Пашаникига меҳмонга боради. Эҳтимол, қайнона-қайнотасининг уйига етиб олса, ажабмас. Починкадан Полевкигача бўлган масофа — қўл узатса, етгулик. Леркага телефон қилиш керак. Кўнғироқ қилмаганига ҳам анча бўлиб қолди. У дарров Леонидга бирор кор-ҳол бўлганини англаб олади ва бунга чидайди ҳам.

Демак, биз қайси масалада тўхтаб қолган эдик? Ҳаёт қарама-қаршилиқларигами? Нега одамлар бир-бирларини дўппослашади? Нақадар, оддий савол. Жавоби эса бундан ҳам оддийроқ: "Дўппослагиси келгандан кейин дўппослайверади-да.."

Хайловск туман ички ишлар бўлими бошлиғи, мутафаккир ва жангчи Алексей Демидович Ахлюстин бундай дер эди: "Ер юзидаги кишиларнинг ярмиси қонунбузар ёки қонунбузарликка тайёргарлик кўраётган кишилардир. Тенг ярмиси эса қонун бузилишига йўл қўймайдиган кишилардир. Ҳозирча мувозанат сақланяпти. Лекин бундан сўнг шундай вазият юзага келиши мумкинки, ўшанда ана шу мувозанат бузилади..."

— Леркага бўлса, барибир, кўнғироқ қилиш керак. У ўзи нима қилиб юрганини ким билсин?! — Сошнин қўлидаги соатни қачон-

лардан бери ювилмаган деразадан тушиб турган хира ёруғликка тутди. Тўрт ярим бўлибди. Лерка ишни соат олтида тугатади. Сўнгра Светкани олиш учун боғчага боради ва магазинга киради, у ёқ-бу ёқ қилгунча соат саккиз ярим бўлади. Бундан олдин телефон қилишни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади. Фақат ишхонасига телефон қилиш мумкин.

Лекин у ерда эса дорихона бекорчилиги, дори—дармонларнинг танани ҳам, ақлни ҳам карахт қилувчи ҳидидан безор бўлган аёллар ўтиришади. "Эринг!" — дея шивир—шивирга тушиб қолишади. "Пул қарз олмоқчидир", "Сенинг нозу фироқларингни кўмсаб қопти", "Боласини соғинган бўлса керак..."

"Эҳ, аёллар, аёллар! Кошқийди, сизларсиз яшашнинг иложи бўлса. Ана, шеър ҳам куйилиб келаяпти. Ўз-ўзидан! Худди Маяковскийга ўхшаб!"

Улмас Собакевичнинг қоматига ўхшаб кетадиган каттакон жавон эътиборни ўзига тортар, хаёлларини остин-устин қиларди. Ана шу жавон туфайли эр-хотин Сошнинлар охирги марта аразлашиб қолишганди. Тўғрироғи, жавон эмас, бир қаричча жой жанжалга сабаб бўлганди. Деразадан кўпроқ нур тушсин учун Лерка жавонни худди бир қаричга суриб қўймоқчи бўлди. Сошнин хотини эски уй, айниқса, мана шу жавонни жинидан баттар ёмон кўришини, суриб қўйганда, эски матоҳ титилиб кетиши, сўнгра уни ёқиб юбориш имкони туғилажагини билганидан шундай қилаётганини англади ва Лерканинг фикрига қарши чиқди. Қаршилиқ эса айрим оқибатларга олиб келишини у хизмат пайтида яхши тушуниб етганди. Бир зумда жанжал чиқди. Бақирёқ-чақирёқ, кўз ёшлари тўкилди ва ҳозирги сингари дилгир оқшомларнинг бирида Лерка боласининг қўлидан ушлаб, фармацевтика институтининг ётоқхонасига олиб кетди. Леониднинг болаликдаги ўртоғи, ҳозир катта бошлиқ бўлган Володя Горячевнинг ёрдами билан "бечора ёш болали она" меҳмонхонага ўхшаган уйнинг тўққиз метрли хонасига жойлашиб олди. Бу хонада ҳаёт кечириш учун ҳамма шарт-шароит: стол-стул, телевизор, ҳожатхона, жўмрак, ювинадиган жой, супурги, ўриндиқ бор эди.

Леонид бўлса, ўз хонаси "кенгликларига" қолиб, "озодлик" нашидасини суриб юрибди. Жавон худди қоядек бўлиб, ўз ўрнида турибди. "Бундан кейин ҳам шундай тураверади", — деди Сошнин деярли тантанали оҳангда. Қачонлардир буюк Пётр Россия ҳақида шундай деган эди.

Лерка ҳақидаги хаёллар унга тинчлик бермай, тобора қамраб борарди. Юрагига ғам оралади дегунча, кўз ўнгида Лерка ҳозир-нозир бўлаверади. Одам ҳам шунақа шилқим бўладими? Аёл, хотин, жуфти ҳалол, хоч, бўйинтуруқ, гарданидаги оғир тош, заминнинг оддий дардисари.

БЕШИҶЧИ БОБ

Махсус мактабни тугаллаганидан сўнг Сошнинни Хайловск шаҳрига ишга юборишди. Мўмин-қобил, асосан, қишлоқлик 15 минг аҳолиси бўлган бу туман маркази бошқаларидан фарқ қилмасди. Шаҳар саноатини ўрмончилик, зигир толасини қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил этарди. Шаҳарча чеккасидаги ип йигирув техникуми ва ўрмончиларнинг ҳудудий тармоқ дам олиш уйи марказ осойишталигини онда-сонда бузиб турарди. Баъзан (бундай пайтлар жуда кам бўларди) Хайловск ҳозирги замон тараққиёти акс садосидан ларзага келар, бу ларзалар, асосан, темир йўл орқали етиб келарди. Темир йўл ёқасида инқилобдан олдин ёғочдан қурилган Хайловск бекати қаққайиб турар, унинг саккизта йўли ҳам йилнинг ҳамма фаслида ёғоч хари-лар, тахта ва ғўлалар ортилган вагонлар билан тўлиб ётарди.

Бирдан Хайловскка казо-казолар серқатнов бўлиб қолишди. Аввалига вазифаси унчалик катта бўлмаган, вазмин, камгап кишилар келишди. Кейинчалик каттароқ амалдорлар, салобатли ва янада камсуқум, янада вазминроқлари кела бошлашди. Ҳамма иш саккизинчи йўлга бир неча вагон келтириб қўйиш билан якунланди. Бу вагонларда лейтенант бошлиқ бўлган қурувчи аскарлар яшай бошлашди. Жанговар гуруҳ уч ойдан сал кўп вақт мобайнида Хайловск марказида икки қаватли данғиллама меҳмонхона қуриб бериб ва икки-уч беванинг кўз ёшларини шашқатор қилиб, номаълум ёққа жўнаб кетди.

Узоқ вақт меҳмонхонада дам олувчилар, хизмат сафарида юрганлар яшашди. Кунларнинг бирида Хайловскка таниқли ихтирочи ташриф буюрди. У асли шу ерларнинг фарзанди эди. Ихтирочи фронтчилар "бер-бер" деб атайдиган автомат зенит тўпи ижодкори бўлиб, бу тўпдан ҳеч қасқа қочиб қутулиб бўлмасди.

Мана шу меҳмонхона туфайли Сошнин бутун Хайловск шаҳри ва унинг чор атрофига маълуму машхур бўлди-кетди. Хайловск шаҳри сокинлари, асосан, ўз уйларида яшашар, уларнинг меҳмонлари, қариндош-уруғлари ҳам дам олишга келганда шу уйларда туришарди. Меҳмонхона кўпинча Хайловск ёғоч маҳсулотларига кўз тиккан бадавлат вакиллар, ёз ойларида ўрмон саноати вазирлиги ёки "Қишлоқхўжаликмеханизация" тафтишчилари, серқуёш жануб неъматлари — помидор, гул, мевалар билан ҳувиллаб қолган бозорларни обод қилаётган Кавказ тоғлари фарзандлари, зигирни қайта ишлаш ва ёғоч чиқиндиларидан фойдаланиш бўйича илғорлар тажрибасини ўрганиш учун "хос"хона телефонларини узиб ташлаёзган маҳаллий матбуот журналисти ихтиёрида эди. Шоир ва рассомлар эса тўда-тўда бўлиб келишар, меҳмонхона ҳақини зўр-базўр тўлаб, "Таклиф ва мулоҳазалар" дафтарига ташаккурномалар ёзиб, ғаройиб расмлар чизиб, секин кўздан ғойиб бўлишарди. "Мутафаккирлар" кетишгач, фаррош аёллар каравотлар тагидан ручка, ён дафтарчалар, шеър битилган қоғозлар, шаҳодатнома ва шахсий ҳужжатлар топиб олишарди.

Янги бир босқичга қадам қўйилди. Ҳаёт ўз ўқи атрофида яна бир марта айланди ва меҳмонхонада олифталар яна ғимирлаб қолишди. Қарта ўйини бошланиб кетди. Гитара садолари қулоққа чалинар, тунлари аёллар чинқириғи, тишлар ғижирлаши, синган ойна товуши, ханжар овози эшитила бошлади.

Ҳар хил аристонча сўзлар қулоқни қоматга келтирарди. "Кабель. Демон. Угол. Бол. Индия. Бацильный. Духовой. Ёжик. Кучер. Шнифер" — тиканли симлар ортида, турма тахта каравотларида ижод қилинган бу сўзлар ботқоқлар ва ўрмонлар ортида тинчгина умргузаронлик қилган камсуқум хайловскликларни кўрқитарди.

Мана, кунларнинг бирида Хайловскка "Иблис" қадам ранжида қилди. У қўшни вилоятда инкассаторни мисранг билан уриб ўлдириб, қирқ минг сўм пул ва тўппончани олиб, қочиб қолган. "Қуролланган ва жуда хавфли" — ўрмон ходимлари маданият уйида шу номдаги кинофильм худди ўша пайтлар намоёиш қилинаётганди.

Бу фильм Сошнинга таъсир этди, деб бўлмасди. Йўқ, аксинча, жисман ва ақлан фаолиятсизлик жонига текканидан у бир қарорга келди: "Иблис"ни ўзим қўлга оламан! Бунақанги ҳақиқий каллакесар Хайловскка яна келадими, йўқми, худо билади!"

Вилоят жиноят қидирув бошқармасидан қўнғироқ қилиб, тезкор гуруҳ етиб боргунга қадар ҳеч нима қилмаслик, лекин жиноятчини кўздан қочирмасликни буюришди. Аммо "Иблис", ўз номи билан "Иблис". Бирдан осмону фалакка парвоз қилиб қолса-чи?!

Сошнин жуда нозик ишни амалга оширмоқчи бўлди. Ўшанда Хайловск шаҳри спортчилар билан тўлиб кетган, дам олиш уйи, меҳмонхона, техникум ётоқхоналарида одам тирбанд. Шаҳар кўк чалворлар, чет эл сўзлари ёзилган папоқлар билан лиқ тўла. Мусобақа ва эстафеталар, тўполон, одамларнинг кўпдиги айна муддао эди. Сошнин икки дружиначини ёрдамга чақирди. Ўзи фуқароча кийиниб, тушки овқат пайтида йиғма қаравот билан талончининг хонасига "жойлашиб" олди. Хонасига қайтиб келган бадкор нотаниш кишини кўриб, ранги оқариб кетди. Кўзни шамғалат қилиш учун техник мавзуда китоб ўқиб ётган ёш изқувар жиноятчига ўйлаб ўтириш учун бир дақиқа ҳам вақт бермай, қаравотидан сакраб туриб, ўзини таништирди:

— Инженер Зверев, — фамилиянинг мос келганини қаранг-а, — меҳмонхонада ҳамма ўринлар банд экан. Физкультура ва спорт. Доим тайёр! Кечирасиз, жой йўқлигидан хузурингизга жойлаштиришди.

Леонид кафтида "Иблис"нинг қўлини ҳис этиши биланоқ, маҳкам қисиб, қайириб ташлади. Талончи ҳатто, "воҳ" дейишга ҳам улгуролмади.

Вилоят жиноят қидирув бошқармасининг сочлари оппоқ бошлиғи Сошниннинг хатти-ҳаракатлари нақадар аҳмоқона эканлигини тушунтириб берди. Кичик шаҳарчада милиционерни ҳатто итлар ҳам фақат афтиданмас, ҳидидан дарров таниб олишади. "Мен самбочиман. Махсус мактабнинг бокс бўйича собиқ чемпиони!" — деди Сошнин. "Иблис" эркин кураш бўйича мамлакат чемпиони бўлса, сен буни билиб ўтирибсанми? Эҳтимол, у бутун спорт турлари, ҳатто, фигурали учиб бўйича ҳам чемпион бўлса, унда нима қилардинг? Сен ахир, унинг таржимаи ҳоли, кучи, аҳволи-руҳиясини ўрганганинг йўқ. Ҳақиқий каллакесар бўлганида борми, шўрингга шўрва тўкиларди. У сени киевлик қассобларга ўхшаб, нимталаб ташларди! Тобутда сал одамшаванда кўринишинг учун бўлақларингни йиғиб юришга тўғри келарди..."

Нима бўлганда ҳам, халқ унинг бу "қаҳрамонликлари"дан воқиф бўлди. Овозаларга қараганда, Сошнин эндигина фаолиятини бошлаган "гастролчи"ни эмас, балки икки тажрибали қотилни кўлга туширган. Улар тўппонча билан эмас, автоматлар билан қуролланишган экан. Бичиб-тўқишларича, Сошнин уларнинг бирини оёқ тагида ўралашмасин деб, фақат ўзигагина маълум бўлган усулни қўллаб, иккинчи қават деразасидан пастга ирғитган. Иккинчисининг танобини тортиб қўйиш эса унчалик қийин бўлмаганмиш.

Леонид вокзалда, Хайловск кўчаларида ортидан "Бу ўша!" — деганларини эшитиб қоларди. Нафақат техникум, балки четдан келган қизлар ҳам унга зўр қизиқиш билан тикилишар, қиёфасида қандайдир буюклик кашф этишар, шу боисдан поездлар ва автобуслар жадвалини, тамаддихона қачон очилишини, эртага об-ҳаво қандай бўлишини ҳам фақат ундан сўраб билишга ҳаракат қилишарди. Гапираётганда овозларига сирли, нозик тус бериб, кўзларини бўялган киприклар остига беркитишарди.

Сошнин Вейска кўнгироқ қилар, хатлар ёзиб, бошқа жойга, иложи бўлса, Хайловскдан узоқроқ ерга ишга ўтказишларини илтимос қиларди. Унга "ўйлаб кўрамиз" дейишганди. Лекин бу орада ёш қаҳрамон қуролланган талончидан ҳам баттарроқ бир балога гирифтор бўлди-қолди.

Лерка 22 ёшга кирган бўлса-да, ҳали бирор йигит билан дўстлашиб улгурмаганди. Унинг калондимоғлик уфуриб турган қиёфаси, танаси техник жиҳатдан ҳаддан ташқари "жиҳозланганлиги" сабаб, талабгорлар қиздан ҳайиқишарди.

Лерка бодомқовоқ, бутун бадани лўмбиллаган, кўкраги, думбалари зўр бериб қимирлар, қимирлагули ҳеч вақоси йўқ аъзолар ҳам жунбушга келарди. Лерка жуда тез, аниқ ва қисқа гапирарди. У дунёга шундай кўз билан қарардики, гўё ҳамма нарсани аллақачон англаб олган, ҳаммасини мактабда ўтиб бўлишган ва жаҳондаги бошқа ҳеч нима унинг эътиборига ноил бўла олмайди. Шунга қарамай, Лерка ўзига жуда бино қўйган, қўлларини ярим эгиб, бурама қўғирчоққа ўхшаб юрар, сочларига ақл бовар қилмайдиган шакл бериб турмаклар, ҳар хил кўйлақлар, шляпалар кияверарди. Сўнги пайтларда эса тор жинси шим кийиб, каттакон дуррачани томоғи тагидан боғлаб юрарди. Хайловск йигитлари Леркани "пари-пайкар" деб аташар, перронда унга ўхшаб ҳамма ерларини саланглашар, лекин қизнинг яқинига йўлашмас, усиз ҳам "жонон"лари етарли эди.

Янги товламачилар Леркани енгилтабиат қиз деб ўйлаб, унга амалий эътибор бердилар. Лерка Вейскда доришунослик бўйича ўқир, дам олиш кунлари Хайловскдан йигирма чақирим, жамоа хўжалигининг марказий кўрғони — Починкадан тўққиз чақирим нарида бўлган Полевки қишлоғига ота-онасини кўргани борарди. Қиз қадрдон қишлоғига бориш учун автобус кутаётганида "ўша олифталар" уни кўпчиликдан ажратиб олишди-да, девор тагига судраб бориб, "Союзпечать" дўкончаси ва саноат-ўрмон хўжалиги идораси оралиғида шимини еча бошлашди. Шим деганингиз эса жинсидан. Уни ихтиёрий суратда ечишнинг ўзи амримаҳол. Боз устига, қаршилиқ кўрсатиладиган бўлса, вақт ва тажриба талаб қилинарди. Мояна олиб, ароққа тўйган дарахт кесувчиларни тинчители билан тун бўйи овора бўлган Сошнин худди шу аснода ўрмон хўжалигидан қайтмоқда эди. У поезддан туша солиб, қизни безорилар қўлидан ажратиб олди ва милиция бўлимининг навбатчилар хонасига олиб кетди. Қизга узоқ вақт сув ичириб, зўрға ўзига келтиришди.

— Бекатда шунча одам турган эди! Совет кишилари, ҳаммаси ўзимизнинг одамлар, шу ерлик, лекин ҳеч ким ёрдамга келмади-я! Аблахлар! Ярамаслар! Уларнинг ҳаммаси аблахлар!.. — жазаваси тутиб қичқирарди Лерка.

— Жуда тўғри, уларнинг ҳаммаси ҳам пасткаш, аблахлар, буни ҳеч ким инкор этмайди, баҳслашмайди ҳам. Бекатдагилар ҳам, олифталар ҳам — бу ўз-ўзидан маълум — расво одамлар. Лекин Починкага қатнайди автотурар автобус аллақачон жўнаб кетди, навбатдагиси эса эртага, эрталаб бўлади. Нима қилиш керак?

— Уйқусиз тун ортда қолди, худога шукур, — Сошнин бўшашди, ёш вужуд истироҳат талаб қиларди. Шунақанги уйқуси келаяптики, ҳеч қўяверинг. Йўл милицияси бўлими ходими Брюзгин қизгинани навбатчилар хонасидан ҳайдаб чиқариши турган гап. Чунки, оғирлиги юз кило бўлган хотинининг рашки жуда ёмон. У эрининг садоқатини соат сайин текшириб туради. Вокзалдаги ўриндиқларда эса олифталарнинг дўстлари ва ўшаларга ўхшаганлар ялпайиб ётиб, "ўрмон хўжалигига ишга борсакмикан, ёки мамлакат ичкарироғига жўнасакмикан" дея ўй суришади. Улардан ҳар нарса кутиш мумкин. Сошниннинг Леркага раҳми келди. Уни ўзининг бўйдоқларга мос жиҳозланган хонасига таклиф қилди. Бу хона ёш милиция ходимига саноат-ўрмон хўжалиги ётоқхонасидан ажратиб берилганди. Сошнин чакмонини ерга тўшадди, камзулини бошининг тагига қўйди-да, ёмғирпўши билан ёпинди. Қизга эса арфадек товуш чиқариб турган каравотни кўрсатди ва бошини ёстиққа теккизиши биланоқ қаттиқ уйқуга кетди.

У кўзларини уйқудан очганида ҳайратли нигоҳ билан шуни илғадиди, ўша товуш чиқарувчи каравотда, зиғир чиқитлари билан тўлди-

рилган ёстикдан боши тушиб кетган бир нозанин ухлаб ётибди. У одамлар наздида ўзини кўз-кўз қилиб юрган кечаги қизга сира ўхшамасди. Қиз ярим юмуқ, қирмизранг лаблари билан текис нафас олар, дағал ва қўпол воқеликдан йироқ нарсаларни туш кўрарди, шекилли, шу боис нозик тукли юқори лабини енгил, орзуманд табассум чертиб ўтарди. Ҳам киприклари билинар-билинемас титрар, ёноқлари қирмизи тус олган, ҳеч қаери, ҳеч қайси аъзоси қимирламас, ҳаммаси сокин, чуқур ва қаттиқ уйқу оғушида эди. Парда ортидан уйқудаги қизга кўзни қамаштирувчи нигоҳ ташлаётган қуёш соҳибжамолга эркалик, шўхлик қилар, қитиқлаб қўярди. Куз пайти бўлишига қарамай, ёғоч чиқиндиларини аямай, уйни қишдагидай қиздиришарди. Терга ботган Лерка ўзининг олифтанамо шимини ечиб ташлаган, оппоқ тиззалари очилиб қолганди. Қуёш нури меҳмоннинг чиройли тиззаларида мушук боласидай эркаланиб ўйнарди.

Сошнин унинг устини ёпмоқчи бўлди. Лекин шу аснода қиз уйғониб қолса бўладими? У қўрқув тўла нигоҳ билан атрофга боқди. "Қаердаман, ўзи?" — деди. Қаердалигини дарров эслаб, жилмайди. Лабларини артди, бир муддат ўзини йўқотгандай бўлди, шекилли.

— Жонажон милиция ҳимояси остида жуда маза қилиб ухласа бўларкан, — деди у ва Леониднинг кечагина ҳаммомда яхшилаб ювилган сочларини тўзғитди. Сўнг шивирлаганча қўшиб қўйди:

— Худди ипақдай мулойим-а!

Бундай ҳолатда яхшилаб дам олган икки ёшдан нима кутиш мумкин! Тентакликдан бўлак ҳеч нима!

* * *

Шундан кейин Лерка шаҳар ва қишлоқ ўртасида тез-тез ушланиб қоладиган бўлди. Деярли ҳувиллаб қолган Полевки қишлоғида, ота-она кучоғида дам олиш кунларини ўтказишнинг Лерка учун қизиги қолмади. У ҳордиқнинг ҳам баҳридан ўтди. Ана шу вазиятда иш нима билан тугаши жоиз бўлса, ўшандай тугади ва ёшлар ўз гуноҳларига иқроор бўлиш учун Полевки қишлоғига бош эгиб келдилар.

Милиция хизмати тақозоси билан, Сошнин турли тоифадаги кишилар билан танишишга кўникиб қолган, уларни зум ўтмай унутаверарди ҳам. Лекин Полевкида иш бошқача эди. Евстолия Сергеевна Чашина лабларини қизартирди, янги йўл-йўл костюмини, капрон пайпоғи ва туфлисини кийди. Сошнин буларнинг ҳаммаси қандайдир байрам ёки туғилган кун шарафига бўлса керак, деб ўйлади. Маълум бўлишича, бу ташвишларнинг ҳаммаси ёшларнинг келиши туфайли экан. Евстолия Сергеевна пайт пойлаб меҳмонни боғчага бошлаб кетди ва ўзларининг иссиқхона, асалари, ҳаммом, қудуқларини бирма-бир кўрсатди. Ўша ернинг ўзида тўғридан-тўғри шундай деди: "Мен ўйлайманки, биз, зиёлилар бир-биримизни тушуна оламиз..."

Сошнин боғчада зиёлинамо киши кўринармикан, деб у ёқ-бу ёққа аланглади. Ҳеч ким кўринмагач, билдики зиёлилар бу — Леонид Викентьевич Сошнин ва Евстолия Сергеевна Чашина. Леонид бу сўзлардан жуда уялиб кетди. Айниқса, ушбу сўзлар шалвираб қолган қишлоқда айтилганидан уни баттар лолу гунг қилиб қўйди. У ўзича қасам ичди: энди ўлдиришса ҳам асал ароғидан ичмайди ва имконият туғилди дегунча милиция мотоциклни миниб, Полевки қишлоғидан қочиб қолади.

Евстолия Сергеевна меҳмоннинг кўрқиб қолганини ўзича баҳолади ва аёлларга хос меҳрибонликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб,

қизи жуда топилмас матоҳ эканини, унга бутунлай бошқа йўл, бошқа тақдир тайёрлаб қўйилгани, лекин ҳамонки, бўлмаган иш бўлибди, энди бошқа илож йўқлигини таъкидлай бошлади. Боз устига, йигит олижаноблик қиляпти, айтишларича, қахрамонлик ҳам кўрсатган эмиш. Демак, қизини унга ишониб топширса бўлади.

— Бу гапларни келиб-келиб, шу ерда айтиш керакми? — ғўлди-рарди "қахрамон йигит", — мен Маркел Тихонович хузурида гаплашишга тайёрман.

— Унинг бу ишга нима дахли бор?! — ҳайрон бўлди Евстолия Сергеевна. — Едирамиз, кийдирамиз, ҳалиям, бизга раҳмат айтиши керак.

Бўлажак қайнонаси илгари сурган бу узил-кесил фикрни Леонид қулоғига қуйиши, тушуниб етиши, четан девордан сакраб ўтиб, хайрмаъзурни насия қилиб, жўнаб қолиши керак эди. Лекин бу сенга Демонни йиқитиш эмас. Унда ҳаммаси жуда осон, бадкорни кўтариб ерга урасан, вассалом. Қимирлаёлмай қолади. Бугун эса у худди бўйнидан ип боғланган буқачадай Евстолия Сергеевнага эргашиб уйга кирди. Сўнгра эса қаттиқ қиздирилган лойсувоқ печ олдида туриб, қўлида бош кийимини айлантирганча ғўлдиради: "Демак, мен қизингизнинг қўлини сўрайман, — гап орасида ҳазил қилмоқчи бўлди, — оёғини ҳам сўрайман!" — ўзи эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган, авф сўрашга ҳуқуқи қолмаган кишига ўхшаб, юрагида аччиқ туйғулар билан ҳамон талмовсирарди. Тўғри-да, пешонангга тавқилаънатни ёпиштириб қўйишса, қаёққа борасан?! Унинг ёнини оладиган киши йўқ. Етимча. Не қўйга солмоқчи бўлишса, солаверишади.

* * *

Чашинлар хонадонида Евстолия Сергеевна ҳукмронлик қиларди. Суратлар, газета қирқимлари ва ўзининг ҳикоя қилишича, у жуда жўшқин ёшликни бошдан кечирган. Қизил дуррача боғлаб олиб, ташвиқот поездида қишлоқма-қишлоқ кезди. Тантанавор нутқлар сўзлади, ноз-карашмалар билан ҳамюртлари юрагига ғулғула солди. Хатога йўл қўйгани учун Хайловск зиғир фабрикасига, тўғрироғи, фабрикачасига касаба уюшмаси ходими сифатида ишга юборилди. Орадан кўп ўтмай, навбатдаги чақириққа биноан қадрдон қишлоғини қолақликдан қутқаришга келди. Қироатхона мудираси бўлиб ишлади. Уни жамоа хўжалигига раис этиб сайлаган пайтлари ҳам бўлди. Бу вақтга келиб, у ишлашни тамоман унутган, кўнглида меҳнатга иштиёқнинг ўзи ҳам йўқ эди. Шу боисдан уни кўп гапириш, маслаҳат бериш, қурашиш лозим бўлган, лекин жон койитишнинг ҳожати бўлмаган вазифаларда сақлашарди.

Сошниннинг қайнотаси — камсуқум, ажойиб инсон. Маркел Тихонович куёвини юрагига жуда яқин олди. Жигаргўшасини қамал пайтида йўқотиб қўйиб, ёши бир ерга бориб қолганда топиб олган ота-оналарга ўхшаб, бутун қалб ҳароратини унга бахшида этди. Маркел Тихонович агар ўғли бўлганда унга бериши лозим бўлган ҳамма-ҳамма нарсани куёвига тақдим этишга тайёр эди. Булар — чексиз муҳаббат, юрак кўри, қишлоқнинг назарга илинмас меҳнатига асқотадиган барча касб-ҳунарлар эди... Соғлом бўлса-да, аёллар срасида вояга етган, отасини зўрға эслайдиган Леонид ҳам бутун вужуди билан Маркел Тихоновичга интилди. Унинг юрагида жўш урган оталик туйғулари қадрига етди. Ва унинг истиқболига жуда тоза, нурафшон бир қалб очилди. Тақдир йигитни жонфидо инсон меҳрига сазовор этган эди.

Сошнин қайнотасини "дада" деб чақирар эди. Бу сўзлардан Маркел Тихонович ёғдай эриб кетар, чунки, куёви қайнонасини исми-фамилияси билан аташини яхши биларди. Маркел Тихонович уйдаги аёлларни "улар", "у", "онаси", "уларни", деб аташдан нарига ўтмас, хотинини ҳам, қизини ҳам ўз номи билан чақирришни истамасди. Жуда узундан-узоқ эди уларнинг номлари. Бунинг устига, у қизига ўзи истаган номни қўя олмаганди. Маркел Тихонович бувиси шарафига қизига Евдокия деган исм қўймоқчи эди. Лекин маданиятлилигидан қутуриб кетган хотини қизини Валерия деб атади. Энди Маркел Тихонович бу исмни оғзига олишни истамайди. Унинг фикрича, бу исм билан сигир ёки эчкини аташ мумкин, холос.

Маркел Тихонович ҳовлида уч кути асалари боқарди. Асаларилар бесаранжомлиги, оғзидан боди кириб, шоди чиқиши, доимо тамаки хиди анқитиб тургани учун Евстолия Сергеевнани ёқтиришмасди. У чорбоғда пайдо бўлди дегунча, чол липа дарахтлари тагидаги қутиларни очар, асаларилар Евстолия Сергеевнани ҳожатхонага ёинки, даҳлизга қувиб киритишарди. Маркел Тихонович ҳаммомда бир ўзи ювинар, беда ўримиға ҳам хотинини йўлатмасди. Пайҳон қилади, ҳўл қилиб юборади, кейин сигир уни оғзига ҳам олмайди. Чол ўтинни ҳам бир ўзи арралайди. Хотинининг "у ерим оғрийди, бу ерим оғрийди" деган оҳ-воҳларига қулоқ солмайди. Телевизордан Евстолия Сергеевна таъбири билан айтганда, "ҳаёсиз" кўрсатувларни томоша қилади ва тахмин қилиш мумкинки, ўзининг эркаклик вазифасини аллақачонлардан бери бажармай қўйган. Иззат-нафси оғриган жуфти ҳалоли уни пойлаб юради. Ўзининг айтишича, қари айғирни у бошқа аёллар билан "бузукчилик" қилаётганида ушлаб олганмиш...

— Менинг ҳар бир бармоғим бир ҳунар, Леонид. Раҳматли дадам, ёшлигимдан менга ҳамма ишни ўргатган, чунки, қишлоқда ҳунарсиз яшаб бўлмайди. Кўл силтаб, нутқ сўзловчи вайсақилар эса тикилиб ётибди! Урушда ҳам бировларнинг оёқ кийимларини ямардим. Бировнинг устарасини созлардим. Араванинг филдирагими, ўқими, бузилиб қолса, тузатиш қўлимдан келарди. Белкуракни териб, тезлаб берардим. Шўрва, бўтқа, картошка пишириш зиммамда эди. Отни ҳам ўзим қашовлаб қўярдим. Ертўлада сўри яшаш, ДЗОТнинг устини ёпишни ҳам уддалардим. Урушда, Леонид, қуруқ гапнинг қадр-қиймати бир пул. Чунки сен ҳаёт ва ўлим оралиғида турасан. Леонид, ишонасанми, йўқми, ихтиёринг, ротада мени Тихонович, деб аташарди. Бу қарилгим учунмас, йўқ. Ўшанда мен айна қирчиллама ёшдаги эркак эдим. Мени азбаройи ҳурмат қилганларидан шундай дейишарди. Ротада медални ҳам биринчи бўлиб менга беришган. Ўшанда ҳали олдинги маррага медалларни қопи билан олиб келишмасди... Умуман, менинг фикримча, Леонид, бизнинг давлатимизга вайсақи ва тўралар эмас, ҳалол, меҳнатқаш инсонлар керак. Менинг хотинимга ўхшаш вайсақилар гапириб-гапириб, қишлоқнинг қулогини қоматга келтиришди. Уруш ва оғзи шалоқлар қишлоқларимиз, далаларимиз ҳувиллаб қолишига сабаб бўлишди.

* * *

Икки эркакнинг аёлларникидан мустаҳкамроқ иттифоқини кўриб, Евстолия Сергеевна уларга ҳужум бошлади. Лекин куёв бир сўзли чиқиб қолди. У ўзини ва қайнотасини ҳимоя қила олди.

— Евстолия Сергеевна! Менга ва дадамга бўлган жамики эътироз-

ларингизни дўкон, кўча-кўйда эмас, уйда айтинг. Бундан буён менинг олдимда дадамни ерга урманг, ҳақорат қилманг, ажалидан бурун ўлишига имкон яратманг. У киши бўлмаса, сизлар бир ҳафта ҳам кунингизни кўролмайсиз.

— Сизлар деганинг ким у? Ким у сизлар деганинг?! — Чийилларди Лерка.

— Сен ва онанг.

— Унда сенинг нима керагинг бор, эрсан, ахир!

— Мен ҳам, сиз хотинлар ҳам, ҳаммамиз дадамнинг елкасига миhib олганмиз. Яқинда неварани ҳам унинг елкасига ўтқазсак керак.

Эркаклар ўрмонда ўтин арралаб, уни ташиб келтиришар, беда ўришар, баъзи-баъзида дарё камарларига қармоқ ташлаб, балиқ овлашарди.

— Бу нима деган гап ўзи! Ҳамма иш билан банд, менинг айғирларим бўлса, қирғоқда ўтириб, дарёни кўриқлашади, — бутун дунёга аюҳаннос соларди Евстолия Сергеевна, болалар челақчасини олиб, қирғоққа тушар экан. Ўзининг айтишича, катта челақни кўтаролмасмиш.

Маркел Тихонович сув оқизиб келган бало-баттарлар орасидан ярим қулочча келадиган ёғоч таёқчани ажратиб олди-да, ҳеч сўз демай, шу билан туширди. Туширганда ҳам шунақанги бошлаб туширдик, худди қиёмат қойим, охир замон бўлгандек, чор-атроф жимиб, қотиб қолди. Ўтлоқда юрган сигирлар ўтлашни бас қилишди, кўй-кўзилар тўпир-тўпир бир-бирларини босиб-итариб, тарқаб кетишди. Тушовлаб қўйилган, сағриси яғир колхоз оти чанқамаган бўлса ҳам, сувга лаб босди. Гўёки у ҳеч нарсани кўрмаяпти, эшитмаяпти. От жонивор, афтидан, тажрибали кўринарди.

Евстолия Сергеевна чор—атрофга қулоқ тутди, оғзини бир-икки марта қаппа-қаппа очди ва чийиллади:

— Ўлдирдинг-ку! Мени ўлдирдингми-а?!.. — у энди аюҳаннос солмоқчи ҳам эдики, Маркел Тихонович яна таёқ билан тушириб қолди.

— Мен тўрт маротаба яраланганман. Гвардиячи пиёда қисмда фашистларнинг додини берганман. Ғаладонда ўнта орден-медалим турибди! Сен бўлсанг, қуёвимнинг олдида мени ерга урасан!.. — шундай деганча Маркел Тихонович хотинини савалай кетди.

— Милиция!

Худди шу аснода Сошниннинг қармоғига балиқ илинган, у ўлжасини қирғоққа тортмоқда эди. Леонид қайнонасининг чинқирғига парво ҳам қилмади. У ҳозир хизматда эмас, балиқчилик ва куёвлик вазифасини бажаряпти. Боз устига, у ҳам барча совет кишилари қатори фақатгина меҳнат қилиш эмас, балки дам олиш ҳуқуқига ҳам эга. Конституцияда ҳам шундай деб ёзилган.

Азалдан ҳамма фронтчилар билан барча масалаларда ҳамнафас, ҳамфикр бўлган қишлоқ совети раиси, ўзи уруш кўрган кекса жангчи Евстолия Сергеевнанинг эри устидан ёзган далолатномасини олди-ю, у билан наридан-бери танишиб чиққач, шундай деди:

— Эринг сени шу кунгача уриб ўлдирмаганига ҳайронман. Мен бўлсам, никоҳнинг биринчи кечасидаёқ сендақа топилмас матоҳнинг абжағини чиқарардим-да, ўз ихтиёрим билан турмага бориб ўтирган бўлардим.

* * *

Ҳамма жонидан яхши кўрадиган набирача — Света бир муддат оилани бирлаштириб тургандек бўлди. Лекин Лерка қишлоқ қизи бўлса-да, вайсақи онаси унга ҳеч нарсани ўргатолмаган, болага, ўзига

ва эрига қарашга ҳам сира уқуви йўқ эди. У оддий ёвфон шўрвани ҳам пиширолмас, боласига бўтқа тайёрласа, албатта, муштдек-муштдек бўлиб қотиб қоларди. Кир ювса, деворларга сув сачратади, пол артса, ҳар ер, ҳар ерида ҳалқоб ҳосил бўлади. Каравот тағларида чанг қолиб кетади. Лекин Лерка ичакузди латифалар айтар, институт бадий ҳаваскорлик тўғарагига қатнар, саҳнадан Маяковский шеърларини қироат қилишга уста эди.

Лина хола тириклигида Лерка турмуш икир-чикирларини ўйла-масди. Хола қизчани қишлоқча кийинтириши, кир тоғорада чўмилтириб, сочини тап-тақир қилиб олиши, картошка, карам шўрва билан боқишига Лерка норозилик билдирса-да, бола тарбиясида иш олға силжиётган эди. Ҳали турмушга чиқмай умри хазон бўлган Лина хола қизча ажойиб инсон бўлиб етишишини, Сираквасованинг арзандагарига ўхшаб сурат чизиб, ашула айтгани, ҳеч бўлмаса, гимнастик машқ бажаргани учун мукофотлар олишини, у ҳақда газета-ларда ёзиб, радиодан гапиришларини жуда-жуда истарди. "Медицинада таъкидланишича, саломатлик инсон учун ҳамма нарсадан қимматлироқ. Кел, болани ҳеч бўлмаса, соғлом қилиб тарбиялайлик" дерди Леонид хотинига. "Бунга қандай қилиб эришамиз?" "Ишинг бўлмасин, буни Лина холага қўйиб берайлик. Мана, мени Лина хола тарбиялаган. Менда ҳеч қанақа касал йўқ. Ҳатто, тишим ҳам оғримайди. Демак, Лина холага ишонсак бўлади".

— Ҳўкиз! — дерди Лерка, — Ҳаётинг ҳам ўша ҳўкизларникидан фарқ қилмайди!..

Ҳаёт жуда ранг-баранг, қаерда топиб, қаерда йўқотишингни биллиб бўпсан. Кунларнинг бирида шаҳар ҳаммомида ювиниб, танлари, қалблари тоза бўлиб чиққан эр-хотин Сошнинлар бозорга кириб, Светага майиз, ўзларига эса эман бочкада тузланган Ветка бодрингидан харид қилмоқчи бўлишди. Леонид қўлини савол аломатига ўхшатиб букди. Рафиқаси чарм қўлқопли қўлини унинг тирсагидан ўтказиб олди. Чақ-чақлашиб кета бошладилар. Улар дам олиш кунларида мириқиб дам олиб, одамларга хайрихоҳ нигоҳ билан боқишарди. Лекин маҳаллий милициянинг ҳушёрликни унутган ходими "Хуш келибсизлар" деб ёзилган бозор дарвозаси тагида масту аласт Урна ўйинга тушиб, ашула айтиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олаётганини кўрмади. Урнанинг лабларига қизил, сочларига сарғиш ранг чапланган, сариқ ранг ҳатто, пешонаси, қулоқларининг орқасига ҳам ўтиб кетганди. Бадхоҳ — қувноқ Урна кўнгил ёзар, халққа текин томоша кўрсатарди. Урнани кўрган заҳотиёқ Сошниннинг фақат кўкраги эмас, ҳатто, қорни ҳам сиқилиб, мушт бўлиб қолди. Унинг бу "соҳибжамол"ни вокзалолди жинкўчалардаги "тўшак"лардан турғизган, ҳушёрхонага олиб борган, бозордан қувган, шаҳардан сургун қилган пайтлари бўлганди.

Урна жуда қаттиқ кек сақлайдиган, қасоскор қанжиқлардан эди. У эр-хотинни жуда узоқдан кўрди.

— А-а, мовий кўзлигим! — Урна худди Леркани илғамагандек Леонид билан омонлашди. — Мени унутиб қўйибсан. Бутунлай унутибсан. Мана шу бедавога мени алмаштирдингми? Уят! Яхши эмас! Сиз эркаклар ҳаммангиз бевафо, алдамчисизлар! — Леркага тамаки ва вино ҳиди бурқситиб нолиди: — Яхшилиқни билмайди бу бадкорлар! — ва битта-яримта сарғайган, чириб кетган тишларини кўрсатиб, "Биз қай-иқчада сайр этардик" оҳангида куйлай бошлади: "Бир вақтлар мен..."

Лерка қўлини эрининг тирсагидан тортиб олди, қўлқопини тушириб юборди, юзини беркитганича бозордан югуриб чиқиб кетди.

— Бу киши гишт заводидаги Муськага илакишиб қоптилар! — бақирарди унинг ортидан Урна, — қараб тур, ҳали бошингга сўзак-ни орттирасан!..

Уйда қиёмат-қойим бўлди.

— Аблаҳ, — қичқирарди хотини, — шунчалар аблаҳлигингни билмаган эканман! — Лерка шундай деди-ю, эрининг башарасига туширди. Леонид хотинининг қўлини қайириб, полга ўтирғизиб қўйди.

— Қўлингни яна бир қимирлатиб кўр—чи!.. Ҳе, сен пари-пайкардан ўргилдим!..

— Вой, вой, қўлимни синдирдинг-ку, ҳайвон!

— Вой, болажонларим, вой, азизларим!.. Сизларга нима бўлди? Нима воқеа юз берди? — уларнинг атрофида айланиб, жаврарди Лина хола.

* * *

Лина холанинг вафотидан сўнг Сошнинлар Светани тез-тез қўлидан иш келмайдиган бувиси ихтиёрига юбориб туришди. Яхшиямки, болақайнинг бувисидан бўлак бобожониси ҳам бор эди. У гўдакни маданият-паданият билан қийнамас, набирасини асаларидан кўрқмасликка, уларга тутун пуркашга, гул ва кўкатларни бир-биридан фарқлашга ўргатарди. Қизалоқ бузоқни ўтлатар, беда тўдалар, товуқ катагидан тухум олиб чиқарди. Бобо набираси билан кўзиқорин, мева тергани борар, биргалашиб дарёдан челақда сув ташишарди. Қишда қор курашар, четан атрофини супуришарди. Света ит, мушук билан ўйнар, деразадаги ёронгулга сув қуярди.

* * *

Лина хола қазо қилгач, Сошниннинг уйи ҳам, кўнгли ҳам ҳувиллаб қолди. Бу бўшлиқ ҳадеганда тўлавермади. Лекин физика қонуниятлари нуқтаи назаридан олганда, бўшлиқ албатта, нима биландир тўлиши керак. Охир-оқибат, бу бўшлиқни алам ва фироқ, қоп-қора ғам тўлдирди. Бундай зимистон эса ёмонлик ва қабоҳатнинг айни макони, илдиз отадиган жойдир. Хотинининг ҳар бир ҳаракати, қилиғи Сошниннинг ғашини келтирарди. Қозон-товоқ, майда-чуйда, эркак умуман эътибор бермаслиги лозим бўлган, ёинки, ҳазилга йўйса бўладиган масалада ҳам унинг жиғибийрони чиқарди. Ҳолбуки, Сошниндаги Лина ва Граня холалар табиялаган қизиқчилик ҳисси, сабр-тоқатлилиги учун уни мактабда ҳам, ишда ҳам ғоят қадрлашар, бояқишнинг бошқа бирор каромати йўқ эди.

Қурум босган қўрғон асрандиси, насл-насабининг тайини бўлмаган бу мавжудотнинг туну кун китоб ўқиши, устига-устак немисча китоб ўқий олиши, бу ҳам етмаганидек, ўзи ҳам яширинча нималарнидир ёзиб-чизиши Лерканинг фиғонини фалакка чиқарарди.

— Кўлида етти ўқли тўппонча, камари ортида занглаган кишанлари бўлган сен Лев Толстойни қаранг-у! — масхараларди Лерка.

— Яхшиси, тилингни тий, нозанин!

— Ахлат! Изқувач! Исковуч! Хўш, ҳурматли «ўтириб чиққан» мижозларингиз тилида сизларни яна қандай сўзлар билан аташарди?

Табиат Лерка хотирасини кўпчилик замонавий аёлларники сингари бадхоҳлик нуқтаи назаридан жуда бекаму кўст яратганди. Бадиий адабиёт таъкидлашича, ажойиб, гўзал ва расо аёллар сифатлари кўпчи-

лик хотинларга оз-оздан тақсимлаб берилган. Ёмон ва айёр хотин эса ҳар доим, ҳамма хотинларнинг вужудида яшайди. Эҳ, адабиёт, барибир, адабиёт-да! Ҳали ёлғон-яшиқ тўқийди, ҳали ҳақиқатни айтади. Лекин у қизлардаги шунчалар хуш хулқу донолик, гўзаллигу ақли расолик, улар хотин бўлгач, қаёққа йўқолишини тушунтириб берса экан?

Лерка билан ажралиб кетишгани ҳам яхши, ҳам тўғри бўлган экан. Бир-бирини қийнаб нима қилишади. Энди, мана, бу ёлғизлик оромидан ҳузур қил, кўнглингга сиққанича ўқи, чойнакнинг жўмрагидан чой ич. Кимнингдир қасдида, албатта. Жавоннинг ўрнидан силжишига сира йўл қўйма. Ҳеч қаёққа бормаслик, ҳеч кимни уйга таклиф қилмаслик мумкин. Полни ювса ҳам бўлади, ювмаса ҳам. Овқат пиширадими, йўқми, бу ҳам ўз ихтиёрида. Полда ялангоёқ юриб, бошни қашишнинг гашти ўзгача. Кечалари ҳеч кимдан яширмай, ҳеч кимдан уялмай, қоғоз қоралашга нима етсин? Ижоднинг сир сақланиши, ижод қилиш сирлари! Бу шундайин бир балойи азимки! Анчайин, мияда бир нарса ғимирлаб юради, бош суягини тирнаб, ҳар хил фикрлар билан уйқуни бузади, безовта қилади. Сошнин кунларнинг бирида бутунлай назоратсизликдан фойдаланиб, оқ қоғозга "ҳикоя" деб ёзиб қўйди. Аввалига кўрқиб кетди: у, ахир, Чехов, Толстой ёзган сўзнинг ўзини ёзиб қўйди-ку! Кейинчалик кўникиб кетди. Пари пайкар хотини унинг устидан кулар, мазах қиларди. У эса гуноҳ бир иш қилди ва қалби ширин-ширин ҳис-туйғуларга тўлиб кетди. Ҳам кўрқинчли, ҳам ташвишли эди.

Лавря-казак уни ўн яшар пайтида Вейка дарёсига ташлаб, "Агар яшашни истасанг, сузиб чиқасан" деганида ҳам ана шундай кўрқиб кетганди. У яширинча азоб-уқубатлари билан Леркани, Лерка уни унутганда дунёда яна битта оила бузилган, яна бир тирик етим кўпайган бўлар эди. Лекин у эндигина иштиёқ билан ишлай бошлаганида, бахтсизлик юз берди.

Лерка бутун хулқ-атвори билан онасига ўхшарди, деб бўлмайди. Унинг табиатида озгина бўлса-да, отасига ўхшашлик ҳам бор эди. Россияда асрлар оша давом этиб келган, бутун чоралар билан мустақамланган қоида — фалокат юз берганда инсонни ёлғиз қолдирмаслик кераклигини у яхши англади. Дунёда Маркел Тихонович Чашинлар бор экан, бу қоида доимо барқарор ва у миллатимизни янада мустақамлайверади.

Леониднинг бошига кулфат тушганда Лерка мисли йўқ фидойилик кўрсатди: аввалига, у эрига ҳайрат билан бақраяр, кейин эса ниманидир тушириб, ниманидир синдириб, куйманар, куйиб-пишарди. Гриша Перетягин эрининг оёғини тикиб бўлгач, Леонид сал ўзига келиб, у-бунинг фарқига борадиган бўлиб қолганда, Лерка шарт қўйди:

— Милициядан ижодий ишга ўтасан.

— Унда бизни ким боқади?

— Мен! — ўйлаб ўтирмай жавоб қилди Лерка. — Мен, ота-онам! Ўзинг яхши кўрган қайнотангнинг олдида ўтириб, ижод қилаверасан. Картошка етарли, гўшт, сут бор. Ёзувчига бундан ортиқ нима керак?

Леонид Лерканинг фидойилиги қадрига етди ва бунга жавоб сифатида ўзида кечира олиш ҳиссини туйди. Наҳотки, бахтсизлик ўзини ўзи тарбиялашнинг энг яхши воситаси бўлса? Улар бир-бирларини кечирдилар, ярашдилар. Лекин Леонид милициядан кетмади. Ҳар галгидай ҳазил билан қутулди: "Агар ҳамма ижодий ишга ўтиб кетавер-

са, ана унда қаланғи-қасанғилар дўконча ортига беркиниб ўтиришмайди. Куппа-кундузи, ҳамманинг кўз ўнгида аёлларнинг иштони-ни еча бошлашади".

* * *

Мана, йиқитишга мўлжаллаган, лекин худога шукурки, буюк қамровли қурилишлар соясида унутиб қолдирилган еттинчи уй ёш сўз санъаткорини ёмғир ва бўронлардан панага олди. Фақатгина хаёл суриш мумкин. Бир кун эмас, бир кун эски уйни янгисига алмаштириш вақти келади. Унга Лерка ва қизини жойлаштириб, оиласи олдидаги қарзининг бир қисмидан халос бўлиш мумкин.

Кўнглига ҳеч нима сиғмаган, хафақон кезларда у профессор Николай Михайлович Хохлаков совға қилган китобчани ўқирди. Ўқиганда ҳам "Инжил"ни ўқигандай, дуч келган еридан ўқиб кетаверарди. Шундоқ қўлини жавонга узатиб, китобни олади-ю, ўқий бошлайди...

"Ҳайҳот! Менинг кўзларим ҳаёт бахш этиб турган яккаю ягона нурдан маҳрум бўлдилар. Уларда фақат кўз ёшлари қолди. Сиз охиروқибат жўнаб кетишга қарор қилганингизни, мени тоқат қилишим жуда қийин бўлган айрилиққа маҳқум этганингизни эшитганимдан буён тинимсиз йиғлайман, фиғон чекаман. Бу андуҳ мени тез орада қабрга етаклайди".

"Мана, одамлар қандай умрибасар қилишган-а?!" — бошини қашиганди Сошнин бу китобни биринчи маротаба ўқиганида.

"Ҳамонки, ҳаётимни сизга бахшида этолмас эканман, бундай умр менга не даркор. Ҳаётга қайтишимга не ҳожат? Муҳаббатдан ўляпман, севги қурбони бўлаяпман, деган ўй менга тасалли беради..."

Шу ерга келганда у бўйинини қашлашни бас қилди, ҳайрон бўлиб бошини силаб кўйди. Роҳиба қизнинг севгилисига ёзган мактуби уни нотаниш, айни пайтда, дилгир ва ширин азоб, ғам сари етаклаётганини ҳис қилди. Муғомбирона руҳдаги эртакчанинг илоҳий таъсиридан қутулмоқчи бўлгандай елкаларини силкитди, бўлмағур фикрларни миясидан қувишга чоғланди. Ёшлигидан шунақа фикрлар оғушида эди... Лекин ҳозир-чи... Ҳозир андак қўполроқ, замонавий киши. Милицияда ишлаш — бу роҳибларнинг ҳар кунги беозор ташвиши эмас, кўзни анча қотириб қўяди. У Урнани керакли жойга олиб борган, тажрибасиз бўлса-да, Демон аталмиш каллакесарни зарарсизлантирган. Хуллас, ҳар хил икки пуллик воқеаю ҳодисалар билан уни қойил қолдириш мушкул. Леонид озгина бўлса-да, сўз сири ва сеҳрини англаб етганди...

"Сизни кўрмагунча, азоб-укубатдан халос бўлишим мумкинми, ахир?! Нимаям қилардим? Сизни шунча нозик туйғулар билан севишим эвазига менга берадиган мукофотингиз эмасми бу?! Лекин нима бўлса бўлди, энди сизни бир умр кутишга ва ҳеч қачон, ҳеч ким билан кўришмасликка аҳд қилдим. Ишонтириб айтаманки, сиз ҳам бошқа ҳеч кимни севмасангиз, жуда яхши иш қилган бўласиз... Алвидо. Умрбод мени севинг, янада кўпроқ азоб-укубат чекишга мажбур ва маҳқум этинг".

Шунчалар содда, ҳимоясиз сўзлар ёрдамида яратилган мусиқадан ҳузур қилиб, уларнинг мафтункор иродасига бўйсуниб, таслим бўлиб борар экан, ана шу болаларча валақлашга тўла-тўқис ишонди ва умрида биринчи марта сўз яратиш сир-синоат эканлигини ҳис этди.

Китобча беш мактубдан иборат бўлиб, ундан сўнг кимнингдир қўшимчалари, хатларга жавоблар, тақлидлар, шеърлар ва узундан-узоқ шарҳлар бор эди. Яхшиям, китобнинг орқасига қарамасликка, қалбида ўша оҳангларни сақлаб қолишга ақли етарди. Бу мусиқа уни ҳайратлантириб, қувонтирибгина қолмай, балки, замин узра, ана шу тўс-тўполон, бақириқ-чақириқларга тўла замонавий дунё узра баланд кўтарди. Уни уяляпти, деб бўлмас, вужудига, қалбига нимадир сиғмас, жавонга ўхшаб, нимадир ўрнидан силжиганди. Ўзингни қаерга урма, барибир, ўшанга ё хаёлинг билан ё чалворинг ортидан илашиб қоласан. Бир жумла тинчлик бермасди: "Шундай ажойиб қалбингиз бор экан, сиз қандай қилиб бахтли бўла оласиз?"

Собиқ тезкор ходимни кўрқув ва шунга ўхшаган туйғулар қамраб оларди. У қотиб қолар ва кўрқа-писа алангларди. Тушидами, ўнгидами қатъий бир қарорга келарди: дунёдаги энг ажойиб аёлни ташлаб кетган ўша французваччани топиб, гирибонидан ғиппа бўғиб, ибодатхонанинг сокингина ҳужрасига судраб келса-да, аёлнинг иссиқ-қина тиззаларига бурнини босиб, бундай деса:

— Сен ҳавойи, такасалтанг, севгининг қадрига ет! Дунёдаги барча нарсалар бунинг олдида икки пулга қиммат, бир зарра, холос!..

Давоми келгуси сонда



Александр Сергеевич ПУШКИН



Янги рус адабиётининг асосчиси Александр Сергеевич Пушкин 1799 йил 6 июнда Москвада таваллуд топди. Унинг отаси Сергей Львович рус аслзодалари авлодидан, онаси Надежда Осиповна эса Пётр Биринчининг қўлида тарбия кўрган Ҳабаш Иброҳим Ҳанбалнинг набираси эди.

Пушкин қисқа давр мобайнида адабиётнинг кўплаб йўналишларида қалам тебратиб, турли жанрларда бетакрор асарлар яратди. У шеъриятда ҳам, насрда ҳам, драматургияда ҳам баракали, сермахсул ижод қилди.

Пушкин ижоди рус адабиётида икки асрдан бери кенг ўрганиб келинмоқда. Шоирнинг ўлмас асарлари дунёнинг юзлаб тилларига таржима қилинган. Жумладан, Пушкин асарларини ўзбек ўқувчилари ҳам ўз тилларида суйиб ўқийдилар. Унинг деярли барча асарлари ўзбек тилига атоқли ўзбек шоирлари, адiblари томонидан таржима қилинган.

Ватан даъватига соламиз қулоқ

ДЕНГИЗГА

Алвидо, зўр қудрат — асов ғалаён!
Яшил тўлқинларинг сўнг дафъа суриб
Кўзларим олдида қайнайсан чунон,
Мағрур гўзаллигинг билан барқ уриб.

Ундовинг ғавғоли, шовқининг ғамли,
Қулоғим соламан сўнг қатла мен ҳам.
Гўёки пичирлар, чорлар аламли,
Хайрлашув пайти яқин дўст, ҳамдам.

Орзули бу кўнглим истаган қирғоқ,
Сенинг соҳилингда кезардим сарсон,
Кезар эдим сокит, туманли, чарчоқ,
Эзгу ниятларим қийнар эди жон!

Нақадар ёқарди бўғиқ овозинг
Ва теран садоли чақириқларинг,
Кечқурунги сукут ва ўжар нозинг,
Хаяжон, ғазабинг — бақириқларинг!

Балиқчининг енгил елкан кемаси —
Истасанг кўксингда сақланар омон,
Юзар тўлқинларда, йўқдек ваҳмаси,
Лекин сен бошласанг улкан ғалаён —
Фарқ бўлар кеманинг гала-галаси.

Мангу кетай девдим, бўлмади имкон;
 Ғамгин, ҳаракатсиз, кўнгилсиз қирғоқ,
 Сени шодиёна қутлай олмадим,
 Тизма тоғларингдан ҳатлай олмадим,
 Шоирона қочмоқ бўлгандим йироқ!

Сен кутдинг, чорладинг... мен кишандайдим.
 Руҳим қанотланди беҳуда, бекор.
 Қудратли орзуга мафтун бандайдим,
 Шу сабаб мен қолдим қирғоқларда зор.

Нимани аяйман! Қайга бу замон —
 Мен йўл солар эдим бепарво, беғам?
 Битта илинж сенинг гўшангда ҳамон
 Кўнглимга ҳайратлар солар дамбадам...

У битта қоядир, шон соғанаси...
 У ерда ухлайди совуқ уйқуда —
 Улкан хотиралар ҳаммаси.
 Наполеон ҳаёти сўнган ер шу-да!

У ерда азобда бўлди у ҳалок.
 Унинг орқасидан довул сингари —
 Ўзга даҳо учди, дилни айлаб чок,
 Ақлимизнинг ўзга бир ҳукмдори.

Кетди, эркинлик-чи, йиғлади йўқлаб,
 Қолдирди тожини жаҳонга, эсиз! —
 Шовқин сол, пўртана, уни улуғлаб,
 У сенинг қўшиқчинг эди-ку, денгиз!

Унда барқ урарди тимсолинг аён,
 Руҳан худди сендай яралган эди.
 Сендай теран, ғамгин, сендай паҳлавон,
 Сендай бўйинсунмас, зўр инсон эди.

Дунё бўшаб қолди... энди сен мени
 Қаён олиб чиқар эдинг, океан?
 Инсонлар тақдири ҳар ерда бирдир,
 Қайда фароғат бор бўлса, посбон —

Маърифат ё золим у ерда, аён...
 Яхши қолгил, денгиз! Унутмайман ҳеч
 Сенинг тантанали бу жамолингни,
 Қулоғимда турар, жаранглар ҳар кеч,

Ҳамиша тинглайман ғалаёнингни.
 Ўрмонлар ва жимжит саҳролар томон
 Ёрқин хотиралар ола кетаман.
 Қоялар, кўрфазлар, тўлқин ва сурон,
 Соя, жилоларинг эсда тутаман.

ПАЙҒАМБАР

Руҳий ташналикда ҳорғин, саргардон,
 Зулмат саҳросида кўп санқиб юрдим,
 Ҳам олти қанотли фаришта кўрдим —
 Икки йўл устида бўлди намоён.
 Енгил бармоқлари — енгил туш каби
 Кўзу кипригимга тўқиниб ўтди,
 Башорат нури-ла чарақлаб кетди —
 Сесканиб, кўз очган бургут қуш каби.
 Қулоқларимга ҳам тегиб ўтди у,
 Тўлди қулоқларга садо ва шов-шув:
 Туйдим мен — ларзада эди осмон,
 Малакларнинг баланд учишин кўрдим.
 Денгиз махлуқлари юзишар чунон,
 Водийларда кўкат сўлишин кўрдим.
 У менинг оғзимга ёпишди шу дам,
 Гуноҳкор тилимни суғуриб олди,
 Каззоб, сафсатабоз эди тилим ҳам.
 Жонсиз оғзим, очиб, ўрната қолди —
 Ҳикматлик илондан олиб заҳар тил,
 Қонли қўли билан дарров Исрофил.
 Қилич-ла сийнамни этиб чоку чок,
 Титроқ юрагимни юлиб олди у,
 Ёлқинланган қўмир чўғини шу чоқ
 Сийнаини порамга жойлай қолди у.
 Даштда ётар эдим мурда мисоли,
 Ваҳий тушди кўкдан — тангри мақоли:
 "Кўзғал, эй пайғамбар, менга қулоқ сол,
 Иродам-ла тўлиб ҳақлик таратгил,
 Денгизда, тупроқда айлан, айт мақол,
 Сўз айтиб инсонлар қалбин ёқа бил".

ГУЛ

Қуриган, ҳиди йўқ, унутилган гул —
 Китобни очаркан кўриб қолдим мен.
 Фалати хаёлга тўлди-да кўнгил,
 Паришон телмуриб, туриб қолдим мен:

Қаерда ва қачон, қайси баҳорда —
 Гуллаган? Узоқми? Ким узди экан?
 Ёт қўлми, танишми узган наҳорда?
 Нима учун бу ерга қўйилди экан?

Нозик бир висолнинг эсдалигими,
 Ёки шум айрилиқ — фироқ ёдгори?
 Ёки тинч саҳрода, ўрмон соясида
 Ёлғиз сайр, тамоша хотиралари?

Тирикмикан йигит, тирикмикан қиз?
 Шу пайтда уларнинг қайда гўшаси?
 Ёки шу қуриган — сўлғин, белгисиз
 Гул каби сўлдими ҳар иккаласи?

ИСТАК

Кунларим оҳиста судралиб ўтар;
 Мунглуғ кўнглим учун ҳар зум беомон,
 Бевақт севги дардин орттириб кетар,
 Тентак хаёлларим кўзғар ҳаяжон.

Аммо сукутдаман; чиқмас фиғоним;
 Йиғлайман; кўз ёшим менга овунчоқ,
 Қайғу панжасида қолган бу жоним
 Шундан аччиқ нашъа топади ҳар чоқ.

Ҳаёт дақиқаси! Учабер, майли,
 Беҳуда хаёллар, йўқ бўл зулматда!
 Азиздир ишқимнинг азобли йўли,
 Майли, ўлсам ўлай шу муҳаббатда.

ЭЛЕГИЯ

Мен яна сизники, эй ёш дўст-ёр,
 Туманли айрилиқ кунлари адоқ;
 Оғангизга такрор очдингиз кучоқ,
 Яна шўх даврада кўришдик дийдор.
 Сиз ҳамон бояги, дил бошқа бу чоқ;
 Қадрдон эмассиз унга сиз бироқ,
 Мен ҳам ўзгарганман... Шодлик палласи
 Ўтди кўз илғамас тор йўлдан бот-бот,
 Бутунлай тепамда бу тезоб ҳаёт
 Тонгларининг турар ғира-шираси.
 Хушчақчақлик бўлди кўнгилдан йироқ.
 Қизғончиқ қисматда бўлиб дарбадар,
 Дилдошлик, қаҳ-қаҳа, ором — ҳаммаси
 Унутилди; қолди дилимда қадар.
 Ёш бошимда ғамнинг сукут пардаси.
 Беҳуда сиз менга ҳазил сўз ташлаб,
 Мулойим ва дилкаш суҳбатлар бошлаб —
 Бўлмоқчисиз оғир уйқумни, бекор,
 Бари тамом, дилим ғам билан лиққа,
 Бахтиёр шўхликнинг муҳри ҳам сийқа,
 Оғир азобларни таратмоқ учун —
 Чакки келтирасиз менга тағин соз,
 Кечмиш орзулари сўндилар бутун,
 Туйғусиз торларда бўғилди овоз.
 Бари тамом бўлди: қолди фақат ғам!
 Менга кенг жаҳон тор, ёруғ кун қора,
 Кимсасиз, қоронғи ўрмонлар ора —
 Бораман; хуррамлик ёт менга бу дам;
 Музлади лаҳзалик қувонч изи ҳам.
 Куйдингиз, кечаги гул япроқларим!
 Гуллай олмадингиз бир ой ҳам тўлиб,
 Чопқиллаб ўтдингиз, шодлик чоқларим!
 Кетдингиз, кўз ёшим эрксиз тўкилиб,
 Тонг қоронғусида қоларман сўлиб...

Эй дўстлик! Сен мени унут, унутгил,
 Жимгина берайин тақдиримга тан.
 Кўй, қолсин изтироб, аламларда дил,
 Кўй, майли, хилватда йиғлай танҳо ман.

ЧААДАЕВГА АТАБ

Севги, умид, жимжит шон алдоқлари
 Эрмак бўлолмади бизга кўп замон,
 Ҳақиқатимиз овунчоқлари
 Гўёки туш, гўё тонгдаги туман;
 Аммо ёнар ҳали бизда иштиёқ,
 Ёвуз бу салтанат қилса ҳамки жабр,
 Қалбимиз талпинар бетоқат, бесабр,
 Ватан даъватига соламинг қулоқ.
 Ошиқ йиғит ширин висол дамани
 Зориқиб кутгандай, бўлиб нигорон —
 Муқаддас озодлик минутларини
 Ишонч-ла кутамиз энтикиб ҳамон.
 Ҳали эрк майлида ёнар эканмиз,
 Юрак ҳаёт экан номусга-шонга,
 Дўстгинам, ватанга жонни тикканмиз,
 Кўнгил орзулари фидо ўшанга!
 Ишон, шубҳа қилма, келар у замон,
 Балқар бахт юлдузи — дилбар ва порлоқ!
 Россия уйқудан уйғонар, инон,
 Шоҳлик вайронаси устига, ўртоқ,
 Ёзилажак бизнинг номлар, бегумон.

* * *

Сибирь конларининг тагида
 Мағрур сақланг сабот ва чидам.
 Ҳамган заҳмат кетмас беҳуда —
 Юксак ҳаёл, амалингиз ҳам.

Бахтсизликнинг содиқ синглиси —
 Умид қора чуқурда, инон,—
 Кўзғар ғайрат, қувноқлик ҳиссин,
 Келур орзу этилган замон:

Мушкул жазо инларингизга —
 Эркин товшим етган сингари,
 Пўлат қапқолардан ўтиб ичкари —
 Севги, дўстлик етади сизга!

Парчаланур офир кишанлар,
 Зиндон қулар ва эрк шодумон
 Пешвоз чиқар эшиқда у он,
 Қилич берур сизга, ёронлар.

Миртемир таржималари

* * *

Мен сизга ачинмайман, вафосиз севгиларда
 Беҳуда оқиб ўтган баҳоримнинг йиллари!
 Мен сизга ачинмайман, у оташин найларда
 Эҳтирос-ла куйланган, эй тунларнинг сирлари!
 Мен сизга ачинмайман, бевафо дўст, жўралар,
 Базмларнинг тожлари, даврада айланган жом.
 Мен сизга ачинмайман, хиёнаткор гўзаллар,
 Мени хаёл банд этган, хурсандчилик қилмас ром.
 Қайда, қайда қолдингиз, ёшликдаги орзулар,
 Ва қалбнинг соқитлиги эркалатган кезлари!
 Қани аввалги оташ, илҳом бахш этган завқлар,
 Келинг, келинг, муштоқман, баҳоримнинг йиллари.

....ГА

Эсимдадир ажиб дам ҳали:
 Кўз олдимда бўлдинг намоён,
 Пок гўзаллик даҳоси каби,
 Бир лаҳзалик хаёл, тушсимон.

Ғам, аламдан дилим ёнганда
 Тушларимда кўрдим чеҳрангни,
 Ҳаётдаги бўм-бўш суронда
 Келиб турди товшинг жаранги.

Йиллар ўтди. Исён бўрони
 Хаёлларим совурди дилдан.
 Ва унутдим дилбар садонгни,
 Ўчди азиз чеҳранг ёдимдан.

Қувғинликнинг чангида нурсиз
 Ғамга тўлиб кунларим ботди;
 Худо, илҳом ва кўз ёшисиз,
 Ишқ, изтироб, ҳаётсиз — оқди.

Мана, қалбга ошно бўлди най,
 Кўз олдимда бўлдинг намоён,
 Гўзалликнинг соф парисидай,
 Бир лаҳзалик ажиб тушсимон.

Руҳим яна уйғонди бу дам,
 Яна унда тирилди нажот:
 Яна дилда худо ва илҳом,
 Кўз ёшию муҳаббат, ҳаёт.

* * *

Агар сени алдаса ҳаёт,
 Сен ноумид бўлма ҳеч қачон.
 Ғамли кунга қилгин итоат,
 Хушнуд кунлар келади, ишон!

Қалб келажак ишқи-ла яшар;
 Бу кунимиз қайғу ва доғли:
 Бари оний, ўтишга шошар,
 Ўтган эса, ҳамиша тотли.

* * *

Қонимда ёнади орзу оташи,
 Сен менинг дилимга солдинг жароҳат;
 Бўса ол: шаробу болдан ҳам ширин
 Сенинг бўсаларинг бағишлар роҳат.
 Кел, меҳру севги-ла бошимга эгил,
 Беисён, оромда тин олсин жоним:
 Кувноқ кун ботгунча уфққа енгил,
 Куюлгунча туннинг туманлари жим.

Зулфия таржималари

ТУТҚУН

Ўтирибман қопқоронғу, тор зиндонда.
 Тутқунликда жўжа бургут ҳам ҳижронда —
 Ғамгин дўстим тишда қанот қоқмоқда,
 Қонли гўшт парчасин тишлаб тортмоқда.

Чўқиб-чўқиб ташлар, қарар мен томон,
 Қилгандек мен билан у аҳду паймон;
 Чақирар у, кўзларимга боқар тик,
 Гўё дерди: "Кел, биродар, учайлик!

Эркин парвоз этган қушмиз, уча қол!
 Мен билан сен қорли тоғларга йўл ол,
 Учайлик зангори денгизлар сари,
 Унда фақат мену шамол ўйнар сарсари".

* * *

Мен сизни севардим: севгим, эҳтимол,
 Қалбимда бутунлай сўнмаган ҳали;
 Севгим сизга энди келмасин малол;
 Ҳадди йўқдир хафа қилгали.

Гоҳо чўчиб, гоҳо рашк билан мен
 Севар эдим, сўзсиз, умидсиз;
 Ҳар киши севса ҳам мен каби севсин,
 Чин юракдан, самимий, чексиз.

Илёс Муслим таржимаси

* * *

Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,
Халқнинг келар йўлини майса-ўтлар қилмас банд;
У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга,
Александр қуббасидан ҳам баланд.

Йўқ, бутунлай ўлмайман — қалбим яшар лирамда,
Тупроғим-ла чиримай, яшайди у то абад,
То бирон шоир-поир қолар экан оламда,
Мени сира тарк этмайди шон-шуҳрат.

Овозим-ла чулғанур поёни йўғ улуғ Русь,
Ундаги барча эллар мени ёдлайди ҳар дам.
Мағрур славян насли, бугунги авом тунгус,
Фин халқию, даштлар дўсти қалмоқ ҳам.

Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,
Чунки рубобим билан эзгу ҳислар туғдирдим.
Шу ёвуз замонамда куйладим эркни мақтаб,
Хор-зорларга ачинмоққа чақирдим.

Тангри ҳукмидан чиқма, эй илҳомим париси,
Ранжида-хотир бўлма, тожу гулчамбардан кеч,
Лоқайд қабул этабер мадҳу тухмат барисин,
Аҳмоқ блан эса ўчакишма ҳеч.

Рамз Бобожон таржимаси



Ясунари КАВАБАТА



Атоқли япон ёзувчиси, француз санъати ва адабиёти мукофоти совриндори, Нобель мукофоти соҳиби Ясунари Кавабата 1899 йил Осаки шаҳри яқинидаги Акутагава қишлоғида таваллуд топган. Отаси зиёли, санъат ва адабиётга ишқибоз одам бўлган. У 2-3 яшарлик пайтларида бирин-кетин отаси ва онасидан жудо бўлади. Ёш Ясунари бувиси қўлида қолади. У 7 яшарлигида бувисидан, 15 ёшида бувасидан ҳам айрилади. Ёлғиз қолган етимни Осакада истиқомат қилувчи узоқ қариндошлари олиб кетишади. Шу боис Кавабата ўз асарларида етимлик мавзуга қайта-қайта мурожаат этади. Япон бадиий адабиёти Ясунари ижодига чуқур сингиб кетган, айни замонда замонавий адабиёт усулларидан ҳам эркин фойдаланади. Ижодкор ўз асарларида

матннинг тағмаъносига катта аҳамият қаратиб, асосий фикрни ошқора баён этмайди, уни "мағзини чақиш"ни ўқувчининг ўзига ҳавола этади. Ёзувчининг "Мингқанотли турна", "Қорли ўлка", "Қадимий пойтахт", "Тоғлар нидоси" романилари жаҳоннинг бир қанча тилларига таржима қилинади ва муаллифга зўр шухрат келтиради. Кавабатаниннг ўзи эса "Мэйдзин" романини ўзининг энг муҳим асари деб ҳисоблаган.

Я.Кавабата "Мингқанотли турна" романи учун Япония санъат академиясининг мукофотиغا, "Тоғлар нидоси" романи учун Нома мукофотиغا, "Туғилган ерим", "Оқишом" романилари учун эса Кикүти Кан нуфузли мукофотиغا сазовор бўлган.

Я.Кавабата 1972 йили оламдан ўтган.

Ойнинг акси

Бир куни Кёко уйнинг иккинчи қаватида тўшакка миҳланиб қолган хаста эрига ўз полизини қўл кўзгуси ёрдамида ҳам кўрса-тишнинг иложи борлигини фаҳмлаб қолди. Биргина шу "кашфиёт"-нинг ўзи эрига бутунлай янги ҳаёт эшигини ланг очиб берганди. Бундан бошқа яна анча-мунча воқеалар ҳам бўлиб ўтди.

Бу ўзи қанақа кўзгу эди? Бу, Кёко эрининг уйига ўзи билан олиб келган пардоз столи қутисидида сақланадиган кўзгу бўлиб, бари Кёконинг сепи эди. Пардоз курсиси ва кўзгунинг гардиши тут ёғочидан ясалганди. Кёко тўйдан кейинги дастлабки кунлари ундан орқага турмакланган сочини кўриш учун фойдаланиб турарди. Кимононинг энги тирсаккача сирғалиб тушиб, билаклари яп-яланғоч очилиб қолган пайтларда Кёко уятдан қип-қизариб кетгани ҳамон унинг ёдида сақланиб қолганди. Бу худди ана ўша кўзгу эди...

Кёко чўмилиб чиқиб, пардоз столи ёнига келиб ўтиргач, эри: "Сен эплотмаяпсан, қани, кўзгуни бу ёққа бер-чи, мен ушлаб тураман", — дерди ўшанда. Сўнг хотинининг қўлидан кўзгуни тортиб олардида, орқага турмакланган соч унга яхшироқ кўринсин учун кўзгуни ҳар томонга бура бошларди ва бу ишидан ўзи ҳам қойил қоларди. Буни Кёко эплотмаяпти, деб бўлмасди. Шунчаки у орқасида туриб олиб уни кузатаётган эридан ийманарди, холос.

Ўшандан буён унча кўп вақт ўтмаган, гардиши тут ёғочидан ясалган кўзгу ҳам ҳали эскириб улгурмаган бўлса-да, лекин орада бўлиб ўтган уруш, эвакуация, устига-устак эрининг оғир дардга чалиниб

қолгани ўз таъсирини билдирмай қолмаганди. Кёко энди озиб-ёзиб эрига бирров ўз полизини кўрсатаман деб ният қилганда кўзгунинг гардишларини чирк босиб, тўкилаверган упа-эликдан хира тортиб, доғ-дуғ босиб кетганди. Булар Кёкони кўпам ташвишга солмасди, тўғрироғи, у бунга унчалик эътибор бермасди чунки полизни бошқа кўзгу билан ҳам кўрса бўлаверарди. Лекин шу пайтгача уни қўлидан қўймай, бош томонида ҳамон авайлаб сақлаб келаётган эри, мажбурий бекорчилик сабабми ё беморларга хос жиззакиликми, хуллас кўзгунинг гардишини кирдан тозалаб, ойнани обдон ялтиратиб артишдан ҳеч эринмасди. Кёконинг кўзгуга дам уриб, уни астойдил артаётган эрига тез-тез кўзи тушиб қоларди. Кўпинча эрининг бундай иш билан машғуллигини кўргач, мана энди ёғочли гардишнинг кўз илғамас ёриқларига ҳам сил касалининг таёқчалари ўрнашиб қоладиган бўлди, дея хавотирга тушарди... Кёко эрининг сочини тараётганда камеля ёғидан фойдаланарди, эри бўлса сочини кафти билан силаб-силаб кўярди ва яна аввалгидек гардишни артишга тушиб кетарди, кўзгу бамисоли локлангидек ялтирарди, хира тортган пардоз столи эса ҳамон ўша-ўша жойида турарди.

Иккинчи бор турмуш қурган Кёко пардоз курсисини яна ўзи билан сеп сифатида олиб кетди.

Лекин эрини дафн этишда, унга қўшиб қўл ойнасини ҳам ёқиб юборди. Янги эрига бу ҳақда оғиз ҳам очмади. Энди пардоз курсисини гардишида камакур¹ нақши бўлган янги қўл кўзгуси безаб турарди.

Марҳум эрининг бармоқлари таомилда қандай бўйрилган бўлса, ўшандай кўкрагига чалиштирилган ҳолда тобутга қўйилди. Шу боис кўзгуни унинг қўли устига қўйишнинг иложи бўлмади ва Кёко кўзгуни марҳумнинг кўкрагидан пастроққа тушириб қўйди.

Сўнг Кёко кўзгуни унинг қорнига олиб қўйди-да:

— Доим кўкрагингиз оғрирди, ишқилиб кўзгу сизга оғирлик қилмаса бўлгани,— деди шивирлаб.

Шунинг учун Кёко кўзгуни юракка яқин бўлсин, деб уни аввал кўкрак устига қўйди, чунки эр-хотиннинг биргаликдаги ҳаётларида кўзгунинг хизмати алоҳида эди. Кёко эрининг қариндошлари кўзгу ҳақида билишларини хоҳламасди, шу боис уни хризантема гуллари билан беркитди. Дафн олови уни эритиб юборди. Кўзгу дуд босиб, сарғайиб кетган йўғон, эгри-бугри найчага айланди-қолди.

— Анави нима, шишамми? Яна нима бўлиши мумкин? — ажабланиб сўради қариндошлардан кимдир.

Гап шундаки, Кёко пардоз тўпламидан яна бир жажжигина кўзгуни олиб, қўл ойнасининг устига қўйиб қўйганди. Унинг орқа-ўнги бир хил тандзаку² шаклида бўлиб, Кёко уни ўзи билан тўй саёҳатига олиб кетишни орзу қилганди, бахтга қарши уруш бошланиб, орзулар яна ушалмай қолиб кетди. Кўз очиб кўргани ҳаётлигида ушбу кўзгудан фойдаланиш унга насиб этмади.

Унинг орзуларини янги эри рўёбга чиқарди. Кёконинг упа-элик тўплами эскириб, тўзиб бўлганди, шу боис у янгисини сотиб олди. Худди аввалгисидек кўзгуси боридан.

Саёҳатларининг илк кунда эри Кёкони бағрига босди-да:

— Сен ҳали ҳам бокира қиздексан. Боёқишгинам! — деди пичирлаб.

¹ Камакур нақши — буюк билан нақшнинг ўзаро уйғунлиги. — Ҳозирги ва бундан кейинги изоҳлар таржимонники.

² Танка услубдаги шеърлар битиш учун мўлжалланган чўзинчоқ китоб шаклидаги варақа.

Эрининг сўзларида истехзони эмас, кўпроқ кутилмаган севинчни пайқаш мумкин эди. Кёконинг қиз боладек кўриниши балки уни мафтун этгандир. Бироқ эрининг бу сўзлари унга оғир ботганди. У ғужанак бўлиб олди-да, йиғлаб-йиғлаб кўнглини бўшатди. Эри бу йиғи-сигини яна ўша қизларга хос тортинчоқликка йўйиб қўя қолди.

Кёко ўзига раҳми келганидан шундай кўйга тушаётганмиди, ё собиқ эригами, буни ўзи ҳам тушунолмайд гаранг эди. У буларнинг бирини иккинчисидан ажратолмай қолганди. Шунда Кёко ҳозирги эрига ноҳақлик қилаётганини, унга меҳрибонроқ бўлиши кераклигини англади-да:

— Ростдан-а!?! Наҳотки бунинг шунчалик яхши фарқига борсангиз?— деди қувноқлик билан. Бироқ тилига эрк бериб юборганини сизди-да, қип-қизариб кетди. Эрининг эса, аксинча, шодликдан кўзлари чақнаб турарди.

— Ўзи фарзанд кўрмагансан, шекилли, — деди у яна Кёконинг ярасини янгилаб.

Аввалги турмушида бошидан ўтказмаган, ҳозир эса бегона эркакка рўпара бўлганда дуч келган бундай кучли эҳтиросдан Кёко ўзини хўрлангандек ҳис этаётганди: аёл гўё кўнгил эрмагига айланиб қолгандек эди.

— Бироқ менда фарзандга ўхшаш кимдир бўлганди, — деди эътироз билдириб Кёко ва яна ўша заҳоти жим бўлди.

Хаста эрини ҳатто вафотидан сўнг ҳам дилида парваришлаб келатган Кёко уни ҳамон гўдак бола деб биларди.

"Эримнинг ўлиши шундоқ ҳам аниқ бўлиб турган бир пайтда нега энди мен у билан яқин муносабатда бўлишдан ўзимни тийдим?" — кўнглидан ўтказди Кёко.

— Мен Морини фақат поезддан турибгина кўришга муяссар бўлганман. — Янги эри Кёкони бағрига босди-да, хотини туғилган шаҳарни тилга олди. — Атрофи дарахтлар билан ўралган бу шаҳар чиндан ҳам ажойиб бўлса керак. Унга бежизга Мори деб ном қўйишмаган экан. У ерда неча ёшинггача яшагансан?

— Коллежни тугатгунча. Мажбурий хизматни эса Сандзёдаги ҳарбий заводда ўтаганман.

— Демак, сен Сандзё яқинида туғилган экансан-да! Нега бунчалик хушрўйсан, десам, гап бу ёқда экан. Сандзё гўзалларининг бари Этиго қишлоғида қўним топган деб бежизга айтишмас экан.

— Ошириб юбормадингизми? — деди Кёко қўлини кўкрагига қўйиб.

— Сенинг қўлларинг ҳам, оёқларинг ҳам гўзал. Мен сенинг бутун борлигингга мафтунман.

— Йўқ-йўқ, ундай деманг! — ҳаяжондан қўлини кўкрагидан олди Кёко.

— Башарти, боланг бўлганида ҳам, барибир сенга уйланган бўлардим, — деди эри пичирлаб унинг қулоғига. — Уни ўғил қилиб олардим-да, ўз фарзандимдек суйиб, катта қилган бўлардим. Агар қиз бўлганида, янаям яхши бўларди.

Афтидан, ўғли борга ўхшаяпти, хаёлдан ўтказди Кёко, борингки, унинг бу сўзлари ўз муҳаббатини ошкор этиш бўлганида ҳам, барибир, унга ўринсиздек туюлганди. Тўғрироғи, эри ўз ўғли билан Кёконинг учрашувини орқага суриш ниятида уни нақ ўн кун тўй саёҳати билан сийлаганди.

Эри асл чармдан ясалган сифатли сафар пардоз тўпламидан фойдаланарди. Бу тўпламни Кёконинг пардоз тўплами билан таққослаб

бўлмасди. Эриники унчалик янги бўлмаса-да, лекин пишиқ ва каттагина эди. У тез-тез саёҳатга чиқиб турар ва чамаси, пардоз тўпламини кўз қорачиғидай асраб-авайларди, тўплам ҳам ўзига хос асил буюмдек сақланганди. Кёко ундан гарчанд ёлчитиб бирон марта фойдаланмаган бўлса-да, оҳори кетган ўша пардоз тўпламини тагин ёдга олди. Кёко тўпладан эрига фақат кўзгунигина олиб берганди, холос ва яна ўша кўзгуни эрига қўшиб нариги дунёга кузатганди. Бу Кёко қабрга — қўл кўзгусининг устига қўйиб, сўнгги йўлга кузатган ўша ойна эди... Кўзгу ва эри оловда бир-бирлари билан қўшилиб, маҳкам бирлашиб кетди; аслида у ерда иккита кўзгу борлигини ҳеч ким пайқамади. Ёниб, ғалати тарзда яхлитлашиб кетган шиша парчанинг илгари кўзгу бўлгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади. Кёконинг ўзи эса буни ҳеч кимга билдирмади.

Бу икки кўзгуда акс этган оламлар шафқатсизларча ўтга ташлаб юборилаётганини Кёко ҳис этиб турарди. Эрининг танаси бир сиқим кулга айланиб улгурган бўлса-да, Кёко бу икки йўқотиш ўртасида бирон-бир тафовут борлигини сезмади. Бошда у полизини мақтанмоқчи бўлиб, эрига қўл кўзгусини тутқазди ва эри шу-шу ундан қайтиб айрилмади, лекин кўп ўтмай у кўзгуни қўлида узоқ ушлаб туролмайдиган бўлиб қолди. Бундай пайтларда Кёко ҳар сафар эрининг қўлларини, елкаларини уқалаб қўярди. Кейин Кёко эрига яна бир — ихчам ва енгил ойначани бериб кўрмоқчи бўлди.

Ҳозирча эрининг юраги уриб турган экан, бу икки кўзгу ёрдамида у нафақат полизни кўра оларди, балки энди унда ҳатто кўк ҳам, булут ҳам, қор ва олис тоғлар ҳам алайна-ошкор акс этиб турарди. Яна осмондаги ойнию ердаги дала гулларини ва кўчманчи қушларни ҳам кўришдан баҳраманд эди. Кўзгудаги ўша оламда одамлар йўлни кесиб ўтар, болалар боғда яйраб ўйнар эдилар.

Жажжигина кўзгу ўзида намоён этаётган бу бепоён ва ранг-баранг олам Кёкони лол қолдирганди. Кўзгу — ташқи кўринишинга оро беришинг учун асқотадиган бор-йўғи пардоз-андоз буюми, холос, инчунин, қўл кўзгуси, бу — бошқа бир кўзгуда мушкулингни осон қиладиган яна бир буюм... Ётиб қолган беморга эса табиат ва инсон унда тамомила янгитдан яралгандек намоён бўларди! Эрининг бош томонига келиб чўккан Кёко ҳам кўзгуга тикилди-да, эри иккови у ердаги тасвирларга қараб ўзларича хаёл сура бошлашди. Бора-бора Кёко чин олам қайсию акси қайси, уларни бир-биридан фарқ-лолмай қолди. Булар Кёко учун мавжуд икки алоҳида-алоҳида оламга айланиб улгурганди, боз устига кўзгуда кўринаётган ўша бошқаси ҳатто ҳақиқийдек туюла бошлаганди.

— Кўзгудаги осмон нуқрадек товланарди, — деди у; сўнг деразадан бошини чиқариб қаради-да, кўкка деразадан боқсангиз, у кул рангида, деб қўшиб қўйди.

Кўзгудаги осмонга қарасанг, кўнглинг равшан тортади. У ерда осмон чиндан ҳам порлаб турарди.

— Сиз меҳр қўйиб, уни ярақлагунча артиб-суртганингиздан балки у ҳам сизга шу тахлит ўз миннатдорчилигини изҳор қилмоқчи бўлаётгандир?

Эри осмонга қарамоқчи бўлиб, аста бошини бурди.

— Ҳозир осмон чиндан ҳам хира кул рангида. Дарвоқе, одамнинг, ё дейлик, итнинг ёки чумчуқнинг кўзи, нима, осмонни бир хил рангда кўради деб ўйлайсизми? Осмоннинг асил ранги қанақа ўзи, буни ким айтиб бера олади?

— Осмоннинг кўзгудаги ранги, унинг ўзи қандай кўрса, ўшан-

даймикан?.. — Кёко — "Икки нафис севги соҳиби уни қандай кўрсалар, ўшандай," — демоқчи бўлганди. Дарахт барглариининг кўзгудаги тасвири ҳақиқийсига қараганда янгироқ ва кўм-кўкроқ, оппоқ нилуфарлар эса яна ҳам ёрқинроқ кўринарди.

— Мана бу сенинг бошмалдоғинг изи. Унг кўлингники. — Эри кўзгунинг четига ишора қилди. Бундан нимагадир Кёконинг юраги шув этиб кетди ва кўзгуга дам урди-да, уни шоша-пиша арта бошлади.

— Кўй, артма. Биласанми, биринчи марта менга полизни кўрсатганинда, ўшанда ҳам кўзгуда бармоғингнинг изи қолганди.

— Буни сезмаган эканман.

— Сен эътибор бердингми-йўқми, мен энди бошмалдоқ ва кўрсаткич бармоғинг қандай из қолдиришини яхши биламан. Эҳтимол, тўшакка михланган беморгина ўзи учун азиз бўлган одамнинг бармоқлари аксини ёдда сақлаб қолишга қодирдир.

Улар турмуш қургандан бери эрининг боши деярли касалдан чиқмади. У ҳатто урушга ҳам бормаганди.

Эр-хотиннинг уйлари ёниб кетганди, энди улар Кёконинг танишлариникида ижарада туришарди. У пайтлар ҳали эри ишларди. Фақат бир ойдан сал кўпроқ ўз уйларида ва яна икки ойча танишбилишларникида яшаб юрганларида ҳам Кёко бирон марта эрининг оғриганини кўрмаганди.

Уруш охирлаб қолганда уни сафарбар қилишди. У атиги бир неча кун аэродромлардан бирида ер қазिश ишларида ишлай бошлади ва бирпасда суроби тўғрилиниб қолди-да, уйига қайтди. Худди шу куни уруш ҳам тугаганди. Шундан кейин эри қайтиб оёққа турмади ва Кёко уни қишлоққа, ота-онаси кўчирилган мамлакат ичкарисига олиб кетди ва ўз мол-мулкининг кўп қисмини эрининг буюмлари кетидан у ерга олдинроқ жўнатиб юборди.

У тоғда ихчамгина уйни ижарага олиб, даволанишни бошлади. Эр-хотиндан ташқари бу уйда мамлакат ичкарисига кўчирилган оила ҳам яшарди, модомики, уруш тугаган экан, эр-хотинлар яна тезда Токиога қайта қолишди. Кёкога боғда уч га уч кэн¹ ҳайдалган ер — ихчамгина полиз мерос қолганди.

Улар бу ерда, қишлоқда сабзавотларни деҳқонлардан сотиб олсалар ҳам бўларди, лекин мерос қолган полиздан воз кечишни замон кўтармасди, энди Кёко ҳар куни ер кавлар ва ўзи парваришлаган сабзавотларнинг қандай етилаётганини завқ билан томоша қиларди. Кёко полиз билан азбаройи эридан нарироқ бўлиш учунгина овунмасди. Шунчаки тикиш ва тўқиш унинг кўнглига урганди. Бунинг устига, полиздаги меҳнат эрининг соғайиб кетишига унда умид уйғотарди ва бу машғулот Кёконинг эрига бўлган муҳбатининг ўзига хос изҳори эди. Кёко шундоқ ҳам кўп вақтини эрига китоб ўқиб бериш билан ўтказарди. Яна бир гап: мана шу ҳол сабабми, ҳар ҳолда Кёко касал боқишдан чарчаганди ва у бари гўё қайтмас бўлиб кетаётгандек бир туйғуни ҳис этди. Полиздаги машғулот зора кўнглимга таскин берса, дея умид қиларди у.

Сентябрнинг ўрталарида улар тоққа кўчиб кетишди. Жазирамадан жон сақловчи шаҳарликлар бу ерларни тарк этишлари биланоқ, эрта кузга хос одатдаги совуқ ёмғир ҳам эзиб ёға бошлади. Бироқ бир куни оқшомолди қувноқ қушларнинг сайраши эшитилди-ю, осмон булутдан тозаланди. Кёко қуёш нурлари ёритиб турган полизга чиқди-да, сабзавотларнинг серсув баргларига тикилди. Сўнг у олис тоғ

¹ Бир кон 1.81 метргача тенг.

чўққилари устида сузиб юрган пуштиранг булутларга суқланиб қаради. У иккинчи қаватдан келаётган эрининг товушини дафъатан эшитмади ҳам. Эшитгач эса, қўлидаги тупроқни қоқиб-суқишга улгурмай, юқорига чопиб кетди.

— Овозим борича бақиряпман! Наҳотки эшитмаёган бўлсанг?

— Мени кечиринг, хаёл суриб қолибман.

— Полиз-молизингни йиғиштир. Бунақада ўлиб-нетиб қолишим ҳеч гап эмас. Кейин: сен ўзи қаердасан, нима билан бандсан, бундан ҳам беҳабар қоляпман.

— Қаерда бўлардим, полиздаман-да. У ерда бўлишим сизга ёқмаса, майли, бормай қўя қоламан.

Эри хотиржам тортди.

— Читтакнинг сайрашини эшитдингми? — У фақат шуни сўраш учун хотинини чақирганди. Эр-хотин шу тариқа гаплашиб турган эдилар ҳамки, яқин-атрофдаги ўрмончадан яна қушнинг сайрагани эшитилиб қолди. Оқшомги осмон узра дарахтзор аниқ-равшан кўри-на бошлаганди. Читтак овозини энди Кёко ёдида сақлаб қолганди.

— Келинг, қўнғироқча сотиб оламиз — ўшанда мени чақиришга қийналмайсиз. Ҳозирча бош томонингизга бирон-бир буюмни қўйиб қўяман. Керак бўлиб қолсам, буюмни деразадан ташлайсиз.

— Нима, иккинчи қаватдан пиёла ташланг демоқчимисан? Ўйлаб-ўйлаб топган гапинг шу бўлдимми?!

Шундай бўлса-да, эри Кёкога полизда ишлашни тақиқламади. Фақат тоғда бўладиган узундан-узоқ қаттиқ қиш тугаб, баҳор кириши билан Кёко кўзгу ёрдамида эрига ўз полизини кўрсатишни кўнглига тугиб қўйди.

Оддий бир кўзгу бемор эри учун ёш сарин ўсимликлар оламини қайта тиклаганидан Кёко беҳад шод эди. У ҳатто Кёко барглардан зараркунанда ҳашаротларни қандай олиб ташлаётганини ҳам кўриб турарди. Бироқ Кёко ҳашаротларнинг фарқига бормасди, шу боис уларни эрига кўрсатиш учун иккинчи қаватга олиб чиқарди. Шунингдек, эри хотинининг ерни қандай чопаетганини ҳам кўздан қочирмасди.

— Мен кўзгуда чувалчангларни кўрдим, — дерди кейин у Кёкога. Кўпинча кун ёнга келиб қолгандагина у бирдан юзига тушаётган қуёшнинг ёрқин нурини сезиб қоларди. Шунда Кёко бошини кўтарарди-да, эрининг тепадан туриб, кўзгуда унга "шайтон" тушираётганини кўрарди. Эри талабалик йилларидан бери сақлаб келаётган арзон матодан Кёко ўзига шолвор тикиб олишини буюрди. Кўк-оқ хол-хол гулли матодан Кёко ўзига тикиб олган шолворни кийиб, полизда ер чопганини томоша қилиш эрига ҳузур бағишларди.

Хотини эри кўзгудан уни томоша қилаётганини билиб турарди, бироқ баъзан иш билан чалғиб қолгандагина унутиб қўярди, холос. Мен ҳозир қанчалик ўзгардим-а, турмушга чиққан дастлабки кунларим қўлим тирсагимгача очилиб қолса, уятдан ўзимни қўярга жой тополмай қолардим, деб хотирларди Кёко ва юрагини ёқимли бир туйғу чулғаб оларди.

* * *

Япония урушда мағлубиятга учрай бошлаган пайтлар Кёко мутлақо пардоз қилмасди. Кейинчалик бемор эридан уялиб на упа суртди ва на бўёқ. У фақат иккинчи бор турмуш қургандан кейингина астойдил ўзига оро бера бошлаганди. Пардоз-андоз уни қанчалик очиб

юборишини энди у биларди. Чиндан ҳам Кёко борган сари соҳибжамол аёлга айланиб бораётганди. Биринчи куни иккови ёлғиз қолиб, Кёконинг чиройи уни мафтун этганда, у ҳозирги эрининг қанчалик оққўнгил инсон эканига амин бўлганди.

Кёко чўмилиб чиққандан сўнг ўзини кўзгуга солишдан энди уялмасди. Гўзаллиги ўзига аён бўлиб қолганди. Бироқ марҳум эри унга ҳамма ҳам фаҳмлай олмайдиган кўзгуда акс этган гўзалликни идрок эта олишни ўргатганди ва у ҳозир ҳам бу туйғудан мосуво эмасди. Кўзгуда кўринган гўзалликка шубҳа билан қараш у ёқда турсин, аёл кўзгуда чиндан ҳам ўзгача олам бор, деб ишонарди.

Ҳар ҳолда у, аввал ўзига, сўнг кўзгудаги аксига синчиклаб разм соларкан, дераза ортидаги кулранг осмон билан кўзгуда акс этган кумушранг осмон ўртасидаги тафовутчалик ўзгаришни сезмади. Балки гап бу ерда фақат масофада эмасдир. Бироқ тўшакка михланган хаста эрининг ғам-ғуссага тўла ҳаётининг бунда муҳим роли борлигидан кўз юмиб бўлмас. У қўл кўзгуда Кёкого диққат билан разм соларкан, полизда ишлаётган хотини унга шундай фариштадек кўриниб кетдики! Энди бу ҳақда Кёко ҳеч қачон билолмасди. Эри тириклигида эса, афсус, буни тушунмаганди.

Касалванд эри кўзгуда уни қандай кўрган бўлса, ўшандай Кёконинг ўзи, кўк рангли соябонгулларнинг кўзгудаги акси, оппоққина нилуфарлар, дала чеккасида ўйнаб юрган болалар, олисдаги қорли чўққилар устидан кўтарилиб келаётган тонгги қуёш... Кёко бир пайтлар ўзига ва марҳум эрига тегишли бўлган, уни қанчалик кўмсаган, усиз қийналган ўша ўзга оламни — бари-барисини хотирасида жонлантиришга ҳатто уриниб ҳам кўрмади. Аёл, янги эрининг тинчини ўйлаб, эҳтиросли орзулар огушида истаган лаҳзада ёпирилиб киришга шай турган бу туйғуни босишга уринарди; у ҳақда ўйлаганда, уни гўё бу ерларга еттиёт бегона, ўзга оламга тегишли, олисларда қолиб кетган алланималар деб ишонтиришга ўзини мажбур қиларди.

Бир куни май тонгида Кёконинг қулоғига радиодан ўрмон қушларининг сайраши чалиниб қолди. Эшиттириш тоғдан, аввалги эри вафот этган жойга яқин ердан олиб борилаётганди. У эрини хизматга кузатди-да, пардоз столидан қўл кўзгусини олди ва ундан тиниқ, ғуборсиз осмонга разм солди. Сўнг юзини кўриш учун кўзгуга қаради. Ва кутилмаганда ажабтовур ихтирони кашф этди: буни қарангки, одам ўз юзини фақат кўзгу орқалигина кўра оларкан, ойнасиз бунинг иложи йўқ экан. Кўзгунинг ёрдамисиз ҳам кўриниб турган ундаги юз, чиндан ҳам ўз юзи эканига аёл ҳақиқатан ишонч ҳосил қилиш учун энди у ҳар куни юзига қўлини теккизиб қўярди. Парвардигор нима учун одамни ўз афт-ангорини кўролмайдиган қилиб яратган экан?

"Мабодо инсонга шундай қисмат битилганида борми, у тамомила саросимага тушиб қолган бўларди, балки ақлдан ҳам озган бўлармиди?" — деб дилидан кечирди у.

Йўқ, тўғрироғи, инсон асли ўз юзини кўришдан маҳрум бўлиб дунёга келган. Бундан балки ниначи ё бешиктерватар баҳраманддир.

Инсонга юз бошқалар уни кўра олиши учун зарурмикан? Меҳрмуҳаббат ва истак уйғотишга ўхшаш...

У қўл кўзгунини бир четга олиб қўйди-да, бирдан пардоз столининг тут ёғочидан ясалган беагаи қўл кўзгусидаги комакур ўйма нақши билан мос келмаслигини пайқади. Аввалги кўзгу собиқ эри билан бирга оловда ёниб кетди ва пардоз столи гўё бевадек мунғайиб қолди. Кёконинг эрига биринчи марта тутқазган кўзгуси ҳам, кейинги их-

чамроғи ҳам унга нафақат яхшилик, балки бахтсизлик ҳам олиб келганди. Ахир у ҳар кун кўзгуда ўзининг юзини ҳам кўрарди, унга диққат билан разм соларди ва авж олиб бораётган дарднинг янги-янги аломатлари пайдо бўла бошлаганини, ёпирилиб келаётган ажалини ҳам ўша кўзгуда пайқаб улгурганди. Башарти кўзгу ёрдамида инсонни руҳий йўл билан ҳалок қилиш бор гап бўлса, унда Кёко бунга уддалади, дейиш мумкинмикин? Кўзгу ўзида аллақандай ёвузликни яшираётганини Кёко аллақачоноқ фаҳмлаганди ва эридан кўзгунини тортиб олмоқчи ҳам бўлганди, бироқ эри бундан узил-кесил бош тортганди.

— Сен ҳали мени кўриш бахтидан маҳрум қилмоқчимисан? — деганди у ўшанда, — ҳозирча тирик эканман, кўзим илғай олган ҳамма нарсадан завқ олишни истайман!

Эри кўзгуда мавжуд бўлган оламга ҳаёт бағишлаш учун ўз ҳаётини қурбон қилганди. Ёмғирдан сўнг ҳовлида ҳосил бўлган кўлмакда акс этган ойнинг кўзгудаги акси ҳам ҳатто унга завқ бағишларди. Ҳалигача Кёконинг юрагидан ўчмаган ойнинг акс тасвири ҳақидаги хотира ҳам — шунчаки акс тасвир холосмикин?

— Соғлом муҳаббат фақат соғлом одамдагина бўлади, — дер эди Кёконинг ҳозирги эри, у эса ҳар сафаргидек уялганидан бошини ирғаб қўя қолган бўлса-да, бироқ кўнглининг туб-тубида унинг гапларига қўшилолмасди. Бошда Кёко: касал эримга яқинлашишдан нега энди ўзимни олиб қочдим? — деб ўзидан ўпкалади. Бу барибир уни ўлимдан олиб қололмади-ку! Бундай ўй-хаёллар қайғули севги тарихини ёдга солиб юборарди, хўп, ёдга солганда-чи, дея ҳаёлидан ўтказди Кёко ва қалби шу заҳоти худди аввалгидек муҳаббатга лиммо-лим тўлди, сўнг ўзидан ёзғиришни бас қилди.

Ҳозирги эри-чи?.. Аёл муҳаббати наҳотки унга шунчалик жўн туюлса?!

— Шундай олийжаноб одам бўла туриб нега энди оилангиз билан ажрашгансиз? — сўради бир кун Кёко ундан. У индамади. Марҳум эрининг катта акиси қаттиқ туриб олиб, Кёкони кўндиргани учун ҳам ҳозирги эрига турмушга чиққанди. Турмуш қуришдан аввал улар тўрт ой учрашиб юришди. Ҳозирги эри ундан ўн беш ёш катта эди.

Кёко фарзанд кутаётганини билганидан сўнг жуда кўрқиб кетди. "Мен кўрқяпман, жуда кўрқяпман", — такрорларди у эрининг бағрига суйкалиб. Борган сари зўрайиб бораётган кўнгил айниши Кёконинг эхсонасини чиқариб юборганди. У бир қарасанг ҳовлига оёқяланг чопиб чиқарди-да, қарағай игнабаргини олиб чайнаб кетарди. Яна бир қарасанг ўгай ўғлини мактабга жўната туриб, унга иккиталаб қутичада нонушта ўраб берарди ва иккаласи ҳам нимагадир гуручли бўларди... Ёки бўлмаса, тўсатдан пардоз столининг тортмасидан кўзини узолмай қоларди, худди у шаффофлашиб, қутидаги гардиши камакур нақши билан безатилган кўл кўзгу гўё унга кўришиб тургандек туюларди. Бир кун тун ярмида уйғониб кетди-да, тўшакка ўтириб олиб, ухлаб ётган эрининг юзига узоқ тикилди. Ҳаётнинг нақадар ўткинчилигини эслаб ваҳимага тушди ва тунги кимононинг белбоғини ечди — балки, нияти эрини бўғиб ўлдириш бўлгандир. Яна бирдан кўз ёш қилишга тушиб қоларди. Эри уйғонарди-да, уни суйиб, юпатиб, кимоносининг белбоғини боғлаб қўярди. Гарчанд ёзнинг ўртаси, ҳатто тунлари ҳам иссиқ ва дим бўлса-да, Кёконинг бадани совуқдан увишиб, қалтирай бошларди.

— Кёко, яқинда она бўласан, эс-хушингни йиг, — овутомқчи бўларди эри уни елкасидан енгилгина қисиб.

Шифокор аёлни касалхонага ётқизиш кераклигини айтди. Кёко бундан бош тортди, лекин охири рози бўлди.

— Яхши, даволансам даволана қолай, бироқ рухсат берсангиз даволанишдан аввал юртимга бориб келсам, — илтимос қилди Кёко.

Эри уни ота-онасининг уйига элтиб қўйди.

Эртасига Кёко тоққа, аввалги эри билан яшаган ерга жўнаб кетди. Кёко бу сафар ҳам тоққа илгаригидек сентябр ойида борди, бироқ ундан ўн кун илгари — сентябрнинг бошларида. Поездда яна кўнгли айниб, Кёко азоб чека бошлади. У бу аҳволда ҳатто поезддан тушиб қолишига ҳам тўғри келишидан қўрқиб турганди. Нима бўлганда ҳам Кёко ўз манзилига етиб олди ва станцияда поезддан тушибоқ, тоза ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олди ва дарров енгил тортди. Гўё уни бошқариб турган шайтон васвасасидан бир зумда халос бўлгандек, ўзига келди. У тўхтади-да, қандайдир ғайриоддий туйғуни ҳис этди ва атрофдаги тоғларга назар ташлади. Тўқ зангори тоғ тизмалари ва тубсиз осмон янада тиниқроқ кўзга ташланиб турарди. Кёко борлиқ олам билан юзма-юз турганини шу лаҳзада ҳис этди. Кўзига қалқиб келган илиқ ёшни артди-да, ўзлари эри билан аввал яшаган уйларига йўл олди. Бугун ҳам ёддан чиқмайдиган ўша кундек кечки қизғиш шафақ пайти ўрмондан читтакнинг сайраши эшитилди.

Уйда кимдир яшарди — иккинчи қаватдаги деразага жимжимадор парда осиб қўйилганди. Уйга яқинлашишга журъати етмаган Кёко унга тикилди ва кутилмаганда оғзидан мана шундай сўзлар учиб чиқди:

— Башарти, бола сизга ўхшаб қолса-чи, унда нима қиламиз?

Гарчи шивирлаб айтган бўлса-да, бу сўзлардан ўзи ҳам ҳайратда қолди.

Сўнг хотиржам станцияга қайтди.

*Рус тилидан
Дилдора АЛИЕВА таржимаси*



Генри Райдер ХАГГАРД

Клеопатра

Роман¹

VI Б о б

Ушбуда Ҳур Моҳнинг бош қоҳинликка имтиҳондан ўтиши ҳақида; унга зоҳир этилган кароматлар ҳақида; марҳумлар салтанатида жойлашган шаҳарда бўлгани ҳақида; Англаб бўлмаснинг Даракчиси — Исиданинг кашф этилган сирлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Исида зиёратгоҳига ун чиқармай кириб бордик. Танобий уй қоронги ва бўм-бўш эди, шамдоннинг титроқ алангаси деворлардаги бўртма сувратларни ғира-шира ёритар эди. Сувратларда чақалоқ Ҳурни эмизиб турган Самовий Она Исиданинг турли тасвирлари берилганди. Қоҳин эшикни ёпди-да, қулфлаб қўйди.

— Сўнгги марта илтимос қиламан сендан, — деди у, — чиндан ҳам тайёрмисан, Ҳур Моҳ?

— Чиндан ҳам, — жавоб бердим мен, — чиндан ҳам тайёрман.

Қоҳин ортиқ ҳеч нарса демади, фақат қўлларини осмонга кўтариб дуо ўқиди, сўнг мени зиёратгоҳнинг ўртасига олиб борди ва бир пуфлаб, шамни ўчирди.

— Менга қара, ҳой Ҳур Моҳ! — деди у ва унинг овози қоп-қоронги танобийда бўғиқ акс садо берди.

Мен қоронғиликка тикила бошладим, аммо ҳеч нарсани кўрмадим.

Бироқ деворнинг ҳув юқоридаги токчасидан, маъбуданинг қутлук тимсоли жойлашган, кўздан яширин, фақат маъбудлар суйган бандаларигина кўришлари мумкин бўлган жойдан биров систр — тор чаляётгандек овозлар қулоғимга чалинди. Ҳузурбахш даҳшатдан лол қолганча мен куйнинг даромадию авжларига қулоқ солиб турдим ва бирдан — во ажабо! — тимсолнинг ўзини кўрдим, у тим қоронғиликда ёниб, кўзга аниқ-тиниқ ташланарди. У бошим узра парвоз қилар ва ундан майин жаранглаган сас тараларди. Кейин тимсол яқинлашди ва мен лавҳанинг бир томонига ҳаётдаги абадий туғилиш тажассуми Марҳаматли Она Исида, иккинчи томонига — барча туғилганларнинг ўлимга қайтиши тажассуми, Исиданинг самовий синглиси Нефтида ўйиб ишланганини кўрдим.

Сирли лавҳа бошим узра аста эгилар ва чайқалар эди, худди баланд осмонда афсонавий мавжудот рақс тушаётганга ўхшарди. Бир вақт тимсолни ёритиб кўрсатиб турган олов ўчди, тинғир-тинғир ҳам тўхтади. Танобийнинг олис тўри чарақлаб кетди ва кўзимни қамаштирган ёғду ичида, нақ рўпарамда бирин-кетин ҳайратомуз

Давоми. Боши ўтган сонда.

манзаралар кўрина бошлади. Мен ўз сувларини саҳро орқали олиб ўтиб, денгизга қуювчи қадимий Нилни кўрдим. Унинг соҳилларида маъбудлар шарафига қад кўтарган эҳромлар йўқ эди. Фақат Сихор дарёсининг ойнадай сатҳида эркин қушлар беғам сузиб юрар, яна аллақандай ғалати жониворлар қирғоқдан сувга ўзини отиб, бесўна-қайларча ҳопитар ва сувда тўзон кўтарар эди. Ливия саҳроси устида қуёш уфқ сари улугвор тусда иниб келмоқда, унинг ёғдусида дарё қондай қизғиш тусда товланарди; тоғларнинг учи унсиз осмонга бориб тақалган; аммо на тоғларда, на саҳрода, на дарёда одам зотидан ном-нишон кўринмасди. Шунда англадимки, одамлар пайдо бўлгунига қадар дунё қандай бўлганини кўряпман, ва юрагим бу оламнинг ёлғизлигидан орзиқиб кетди.

Манзара ғойиб бўлди, унинг ўрнида бошқаси пайдо бўлди. Яна ўша Сихор соҳиллари кўринди, қирғоқларда одамлардан кўра кўпроқ маймунларга ўхшаб кетадиган сертук мавжудотлар гала-гала бўлиб юрар эди. Улар муштлашиб, бир-бирларини ўлдирар эдилар. Ўт олдирилган қамиш чайқалар, гуриллаб ёнар, талончилар уларнинг ичидан душманларининг кўр-қутларини кўтариб олиб кетар эдилар. Эркин қушлар кўрқиб ҳавога кўтарилди ва учиб кетди. Мана бу махлуқлар бир-бирларининг нарсаларини ўғирлар, ваҳшийлик қилар, талон-торож этар, қийнар эдилар, тош болта билан уриб, болаларнинг бошини ёрар, мия ҳар томонга сачрар эди. Гарчи коҳин менга ҳеч нарсани тушунтирмаса-да, мен миллион йиллар муқаддам инсон Ер юзида энди пайдо бўлганида қанақа бўлган бўлса, шуни кўриб турганимни англадим.

Мана, янги манзара юзага келди. Яна қаршимда Сихор соҳиллари гавдаланди, бироқ энди у ерда худди эртақдагидек муҳташам шаҳарлар қад кўтариб турарди. Чор атрофда яшнаган чексиз ҳосилдор дала-лар ястанган. Шаҳар дарвозаларидан одамлар қандай бемалол кирсалар, шундай бемалол чиқиб юрибдилар. На посбон, на аскар, на қурол кўзга ташланарди, бу ерда донолик, фаровонлик, хотиржамлик ҳукм суради. Мен бу мўъжизага ҳаяжон билан боқар эканман, мусиқа қулогимга келиб урилди ва зиёратгоҳ ичидан ярқ-юрқ кийим кийган, ҳайратомуз чиройли бир киши чиқиб келди, аллақасқандир янграётган мусиқа остида қирғоқ бўйида жойлашган бозор майдони томон юриб кетди, у ерда фил суягидан ясалган тахтга чиқиб, дарё томонга қараб ўтирди; қуёш баркаши уфққа келиб урилиши ҳамон у улкан оломонни ибодатга даъват этди. Ҳамма иззу-эҳтиром ила бош эгди ва худди бир одам қироат қилаётгандек, дуо сўзлари равон янграб кетди. Бу манзарада менга Ер юзига маъбудлар ҳукмронлик қилган замонлар намоён этилганини англадим, бу эса фиръавн Менес¹ ҳукмронлигидан анча олдин бўлган эди.

Бир вақт манзара ўзгара бошлади. Ўша кўркам шаҳар, аммо одамлари бошқача – уларнинг башаралари очкўзлик ва ғабдан бурушиб кетган, юраклари яхшилик ва покликка нафрат билан тўла, ҳар дам, ҳар сонияда улар иллатга томон интилгани-интилган. Кеч тушиб қолган эди; хушсуврат, юзидан нур ёғилиб турган маъбуд тахтга ўтирди ва ҳаммани ибодатга чақирди, аммо издиҳомдаги битта ҳам одам саждага бош эгмади, ҳеч ким унинг айтганини қилмади.

– Сен жонимизга тегиб кетдинг! – қичқариқ овозлари келарди издиҳомдан. – Тахтга Ёмонликни ўтқазамиз! Буни ўлдирамиз! Ўлдирамиз! Кишанбанд Ёмонликни озод этамиз! Бизларга ўша подшо

¹ М е н е с – Қадимги Миср подшоҳларининг биринчи сулоласига мансуб шахс.

бўлсин! Яшасин Ёмонлик!

Хушсуврат маъбуд ўрнидан турди ва беозорлик билан қутурган оломонга узоқ қараб қолди.

– Нима истаётганингизни ўзингиз билмаяпсиз, – деди у охири, – модомики, у шунчалик кучли экан, майли, сиз хоҳлаганча бўла қолсин. Зеро, мен ўлиб кетганимда ҳам барибир узоқ азоб-уқубатлардан кейин менинг ёрдамимда яна Яхшилик Салтанатига йўл олгайсизлар!

У шу сўзларни айтиши билан жирканч бир дарранда оғзидан боди кириб, шоди чиққанча унга ташланди, маъбудни ўлдирди ва ваҳшиёна тарзда парча-буриш қилиб ташлади, юзидан нур ёғилиб турган бадан тилка-пора бўлиб кетди, кейин эса ҳалиги дарранда оломоннинг шодон қийқириқлари остида тахтга ўтирди ва ҳукм юргиза бошлади. Бироқ осмондан ранг-баранг қанотларини қоққанча, бир фаришта туша бошлади, у юзини рўмол билан ёпиб олганди ва фарёд уриб йиғлаган кўйи юзи нурли маъбуднинг танаси парчаларини тўплай бошлади. Сўнг ўзини парчалар устига ташлади, бироқ бир оздан сўнг бошини кўтарди ва кўзларидан шашқатор ёш оқиб, кўлларини осмонга узатди. Унинг кўз ёшлари ҳадеганда тинавермади ва бирдан унинг ёнида тиш-тирноғигача қуролланган бир жангчи пайдо бўлди, юзи туш чоғи ҳамма нарсага ёндириб кул қилувчи Ра маъбудининг чеҳрасига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Илоҳий қасоскор қаттиқ ҳайқирганча тахтни эгаллаб ўтирган даррандага ташланди, улар бир-бирига чирмашиб, жонҳолатда олишар эдилар. Охири абадий туганмас олишув ичида бир-бирига чирмашганча осмони фалакка чиқиб кетишди.

Манзаралар силсиласи тез-тез ўтиб борар эди. Мен шоҳлар ва турли халқларни кўрдим, уларнинг либослари ўзгарар, тиллари турлича жаранглар эди. Халқларнинг саногини билиб бўлмасди ва ҳар бири кимнидир севар, ёмон кўрар, курашар, азоб чекар, ўлар эди... Бахтли одамлар бармоқ билан санарли бўларди, яна шунча одамларнинг юзларига чуқур гам-қайғу ўчмас муҳрини босган, аммо бахт ҳам, қайғу ҳам шу қадар сийрак учрар эдики, қолган миллионлаб, миллиардлаб одамларнинг юзларида маъносиз итоат қотиб қолганди. Авлодлар ўзгараверди, хув баланд осмонда эса Қасоскор ҳамон ўшандай Ёвузлик ҳукмрони билан олишувда давом этарди, галаба гоҳ бир томонга, гоҳ бошқа томонга оғарди. Бироқ барибир ҳам биронтасининг қўли баланд келмас, уларнинг олишувлари нима билан тугашини билиш жуда қийин эди.

Менга намоёйиш этилган манзаралар Яхшилик ва Ёмонлик кучлари ўртасидаги буюк кураш ҳақида ҳикоя қилишини англадим. Яна шу нарса ни англадимки, бандаси бағритош ва муртад қилиб яратилган, аммо Арши аълодаги кучлар унга нисбатан хайрихоҳлик кўрсатганлар ва уни инсофли ва бахтиёр қилмоқ учун Ерга нозил бўлганлар, зеро, яхшилик бу бахт деганидир. Аммо инсон ўзидаги ёвуз табиатни қўлга ололмас эди ва биз Осирис деб атайдиган Яхшиликнинг ёрқин руҳи (гарчи унинг исми ҳаддан ташқари кўп бўлса-да) ундан юз ўтирганларнинг бағритошлиги сабабли ўзини қурбон қилди. Кейин Осирисдан ва бутун табиатга тириклик бағишловчи Илоҳий Онадан яна бир маъбуд туғилди, у, Осирис Аментида – Зулмат оламида бизни ҳимоя қилганидек, ер юзида ҳам бизни муҳофаза этиб турарди.

Осирис сирлари шундай кашф этиларди.

Кўз олдидан сирғалиб ўтиб кетаётган тасвирларга қараганимда шуурим бирдан равшанлашди. Осирисга бағишланган мистадиялар моҳияти кафанлари сириб олинган мўмиёли жасад каби яққол очилди ва донишмандлик маъноси менга икки карра икки тўртдай тушунар-

ли бўлиб қолди: унинг негизи — Гуноҳларни ювиш Қурбонлиги экан.

Манзаралар гойиб бўлди ва мени бу ерга олиб келган қоҳин яна сўради:

— Сенга намоёиш этилганларнинг маъносини англадингми, аё Хур Моҳ?

— Англадим, — жавоб бердим мен. — Саволингизга қараганда, унвон олиш маросими ниҳоясига етган кўринади, шундай эмасми?

— Йўғ-е, у энди бошланди. Ҳали олдинда узоқ йўл бор ва бу йўлдан бир ўзинг борасан. Ҳозир мен сени ташлаб кетаман-да, қуёш кўтарилганда қайтиб келаман. Бироқ мен сени яна бир марта огоҳлантириб қўяй: ҳали бошингга кўргуликлар тушса-да, сен омон қолишинг керак, бунга ҳар ким ҳам бардош беравермайди. Бутун умрим давомида фақат учта баҳодир бу оғир синовга ихтиёрий равишда рози бўлди, улардан биргинаси чидаб берди, қолган иккаласи эса эрталаб кўргани келсам, ўлиб ётган экан. Бу сўқмоқдан кўтарилишга мен ўзим ҳам ботинолмаганман. Бундай баландлик биздақаларга тўғри келмайди.

— Боринг, — деб жавоб бердим мен. — Юрагим билимга ташна. Мени ҳеч нима тўхтатолмайди.

Қоҳин кўлини бошимга қўйди, дуо қилди ва у чиқиб кетди. Унинг эшикни ёпгани, кейин шошмай ташлаган одимларининг акс садоси аста-секин тингани қулоғимга чалиниб турди.

Шунда самовий мавжудотлар тўлдириб турган ибодатхонада бир ўзим қолганимни ҳис этдим. Эҳромда ҳукм сураётган чуқур ва зимзиё қоронғулик каби, ҳамма нарсани сукунат қамраб олган. Ойни беркитган булут сингари сукунат тобора қуюқлашиб борарди. Бунақа қоронғиликни болалик вақтимда тун чоғи минора майдончаси — мезанада ибодат қилганимда кўрган эдим. Сукунат чўзила-чўзила юрагимга кириб борган ва у ерда қичқирмоқда эди: ахир бутунлай жимжитлик овози қонни музлатиб қўювчи фарёддан ҳам даҳшатлироқдир. Оғзимдан аллақандай сўзлар чиқди, аммо акс садо деворларга урила-урила аллақайларга учиб кетди — қулоқларим чиппа битиб, йиқилиб тушаёздим. Нималарни кўрар эканман бундай зимистон ичида? Наҳотки ҳозир ажалим етса, ўн гулимдан бир гулим очилмай, куч-қувватга тўлганда ўламанми? Синов қийин бўлади деб ботбот огоҳлантиришлари бежиз эмас экан-да. Мени даҳшат чулғаб олди, миямда фақат бир фикр чарх урарди — қочиш керак, ҳа, қочиш! Қочиш... — аммо қаёққа? Эҳром эшиклари қулфлог, мен тузоққа тушиб қолган эдим. Мен маъбудлар билан юзма-юзман, ўзим чорлаган самовий кучлар билан танҳоман. Йўқ, йўқ, менинг юрагим тоза, унда ёмонликдан асар ҳам йўқ. Улсам ҳам майли, аммо чидайман, чидайман, олдинда кутиб турган даҳшатга чидайман.

— Исида, Раҳмат сарчашмаси, Оналар онаси, Вафо маликаси, — деб муножотни бошлаб юбордим, — кел, ёнимга туш, менга мадад бўл, вужудимни кучга тўлдир, бирпас ёнимда бўл!

Бирдан нимадир содир бўлаётгандек ҳис этдим. Атрофимдаги ҳаво шовуллаб кетди, бамисоли лочин қанотларини куч билан қоққандай шамол турди. Бир жуфт ёниқ кўз вужудимни ўйиб юборгандай эди, кўрқинчли шатир-шутирдан ўтакам ёрилаёзди. Ёғду найзалари зимистон бағрини поралаб ташлади. Ёғдулар ялт-юлт қилиб, тинимсиз қўйилиб келарди, улар бир-бирининг устига минар, чалкашиб, гайб аломатларини ҳосил қилар, уларнинг қандай маъно англатишини эса билмасдим. Нурлар айланар ва тобора шиддатлироқ рақс тушар эди, ақл бовар қилмас аломатлар бир-бирига яқин келар, бирлашиб кетар, олов бўлиб ёнар, ўчар, яна ловулар ва охири

хаммаси шиддатли нурлар қуюнига айланиб, унинг на шаклини, на рангини ажратиб бўларди энди. Мен нурафшон баҳри муҳитда сузиб борардим, тўлқинлар пўртанаси бир кўтарилиб, бир тушарди, мени гоҳ юқорига улоқтирса, гоҳ тубсиз қаърига тортиб кетарди. Неча рангда товланиб чарақлаётган ёғдуларнинг охири кўринмасди ва мен ҳам жазава ичида нурга қўшилиб парвоз қилардим! Аста-секин ҳаво баҳри муҳитининг қайнаб турган тўлқинлари бир-бир тина бошлади. Сиртдан катта-катта кўлкалар югуриб ўтар, пастдан қоронғилик кўтарилиб келарди ва худди чексиз тун комидаги танҳо юлдуздай, ёғдуланиб ёнар эдим.

Аллақаерда момақалдироқдай гумбурлаб мусиқа янгради. Мусиқа зулмат багрини ёриб, яқинлашиб келарди ва зулмат аввалига мусиқа зарбидан енгил титраб кетди. Бироқ мусиқа тобора яқинлашиб келар, яқинлашган сайин худди тўлқинлардай осмонга сапчир, янада қудратлироқ, янада кучлироқ тус олиб, овози қулоқни қар қилгудек янграр эди, бир вақт тўлқин тўппа-тўғри менинг устимга отилди, бу катта қушлар галасининг қанотларини зўр бериб қоқиб, устимга ташланишига ўхшаб кетарди, атрофимда тўлқинлар ўқирар, қўрқанимдан ва шодликдан юрагим тарс ёрилгудек бўлар эди. Бироқ ҳаммаси ёнимдан ўтиб кетди, гумбур-гумбур овозлари тобора пасаяверди ва охири олис кенгликларга бориб, бутунлай ўчди. Яна бир неча марта мусиқа лаззатига ғарқ бўлдим ва ҳар гал у бошқача сурулда садо берарди. Гоҳ минглаб соатлар бараварига жиринглар; гоҳ сонсиз мис карнайлар ўкириги таралар; гоҳ дунёни лак-лак ноғораларнинг овозлари босиб кетарди. Ниҳоят, барча товушлар ҳам, уларнинг акс садолари ҳам тинди ва устимга яна сукунат бостириб келиб, бўға бошлади.

Тобора кучдан қолаётганимни, вужудимдаги ҳаёт чўғи сўнаётганини ҳис этмоқда эдим. Ажал яқинлашиб келарди ва бу ажалнинг оти — Сукунат эди. У юрагимга кириб олган ва уни муздек бир нимага тўлдирган эди, бироқ фикрим ҳали уйғоқ бўлиб, ҳамма нарса ни кўриб-билиб турар эдим. Тириклар салтанатини марҳумлар салтанатидан ажратиб турувчи чегарага аста-аста яқинлашиб келаётганимни билардим. Аста-аста дедимми? Йўқ, мен чегара томонга ўқдай учиб борардим. Эй маъбудлар, мени қўрқитманглар! Ибодат қилиш керак, ҳа, ибодат, аммо энди кеч эди, ибодат қилиш учун энди вақт йўқ эди. Даҳшат ўтиб кетди, бамисоли харсангтошдек, зилдек уйқу мени ерпарчин қилди. Мен ўлаяпман, ақл-хушимнинг охириги лаҳзасида миямдан “Ажалим етди”, деган фикр йилт этди ва мени йўқлик ўз комига тортиб кетди. “Мен ўлдим!” — деб ўйладим.

Ие, бу нима тагин— Мен ҳаётга қайтиб келаётган эдим, ҳолбуки анови олдинги ҳаёт ва манави, янгиси ўртасида катта жарлик бор эди, бутунлай бошқача ҳаёт эди бу. Мен яна эҳром зулмати ичида турибман, аммо зулмат энди кўзимни қамаштирмасди. Гарчи симсиёҳ бўлса-да, у кундузги ёруғдек тиниқ эди. Ҳа, мен тик турар эдим, тирик эдим, аммо энди мен аввалги одам эмас эдим, бу менинг руҳим эди, зеро, шундоқ ёнимда, ерда менинг ўлик заминий танам ётарди. Тинч, ҳаракатсиз эди, юзимда ғалати сўнгги хотиржамлик қотиб қолганди.

Қанча вақт шу алпозда турганимни ва жасадимга ҳайрат билан қараб қолганимни билолмайман, бироқ қўққисдан мени оловранг қанотлар ушлаб олди-да, шу қадар тез кўтариб, учириб кетдики, ортимиздан яшин қувлаганда ҳам етолмасди. Мен фақат юлдузлар шода-шода бўлиб тўкилиб ётган бўм-бўш оламларнинг тубсиз қаъри ичра пастга иниб бормоқда эдим. Биз чексизликнинг қоқ ўртасидан

тешиб ўтдик ва, афтидан, парвозимиз мангу давом этадигандек бўлиб туюлди, бироқ охири секинлаша бошладик ва мен тинч нур гумбази остида майин учиб юрганимни кўрдим, нур эртакнамо гўзал эҳромлар, саройлар ва уйлар узра тўкиларди, бундай гўзал манзара ердаги одамларнинг тушига ҳам кирмас эди. Улар аланга ва зулматдан яралган эди. Уларнинг учудаги найзалар шу қадар баланд эдики, қарасангиз, бошингиз айланарди, чор атрофда қийғос гулга кирган гўзал боғлар кўринарди. Мен вазнсизлик ҳолатида парвоз қилардим, кўз олдидаги манзара эса тинимсиз ўзгарарди; аланга зулматга айланар, зулмат ловуллаб аланга олар эди. Худди қимматбаҳо жавоҳирдай Марҳумлар Салтанатини тўлдирган нурни хира қилиб, камалаклар чарақлар ва қуйилиб келар эди. Дарахтларга кўзим тушди, япроқларининг шитир-шитирлари ёқимли наводай дилни янгратарди; гирдо-гирдимдан айланиб шаббода эсарди, унинг эпкени аллақасқлардан майин қўшиқ садоларини етаклаб келарди. Мен томон гўзал, сирли, шакл-шамойили билқиллаб оқиб турувчи мавжудотлар учиб кела бошлади ва мени пастга олиб тушиб қўйди, мен ҳам энди бамисоли ерда тургандай эдим, аммо ўзимизнинг аввалги еримизда эмас, балки қандайдир бошқа сайёрада тургандайман.

– Ҳузуримизга ким ташриф буюрди? — қутлуғ жунбишга келтирган Илоҳнинг овози келди.

– Ҳур Моҳ, — билқиллаб оқиб турувчи қиёфали мавжудотлар жавоб бердилар. — Абадий бўлган, Ҳозир Бор ва Бундан кейин ҳам бўладиган Илоҳанинг рухсорига кўз ташлаш учун Ердан чақирилган Ер ўғли Ҳур Моҳ ташриф буюрмиш!

– Дарвоза ва эшикларни ланг очиб қўйинглар! — амр этди илоҳнинг овози. — Кейин эса оғзини боғлаб, гапиролмайдиган қилиб қўйинглар, токи унинг овози самовий оҳангларга путур етказмагай, унинг кўзларини ҳам боғланглар, токи бандалар нигоҳига мўлжалланмаган нарсаларни кўрмасин ва Биру Бор турган даргоҳига элтинглар. Борақол энди, Ер ўғли; аммо кўзинг тўсилишидан олдин юқорига қара, шунда Ернинг сендан қанчалик узоқда эканини англайсан.

Мен бошимни кўтардим. Шаҳар узра чарақлаб турган сўнмас нур гардиши ортида қора тун ястаниб ётарди ва мана шу қоп-қора осмоннинг энг баланд жойида бир митти юлдуз милтилларди.

Кимнингдир қўллари оғзимга тегди ва мен гапиролмайдиган бўлиб қолдим, кейин қўллар кўзларимга тегди — мен кўр бўлиб қолдим. Дарвоза ва эшиклар охиригача ланг очилганини сездим ва мени Марҳумлар Салтанатига олиб киришди. Биз жуда тез учиб борар эдик, қаёққа — билмайман, бироқ кўп ўтмай оёқда турганимни сездим. Яна илоҳий овоз амр қилди:

– Унинг кўзидан қора боғични ечиб ташланг, оғзини очиб қўйинг, Ер ўғли Ҳур Моҳ кўрадиган, эшитадиган, тиниқ фикрлайдиган бўлсин, Абадий бўлган, Ҳозир Бор ва Бундан кейин ҳам бўладиган Илоҳа ибодатхонасида чуқур эҳтиром ила тиз чўксин!

Оғиз ва кўзларимга яна қўл текизишди ва мен яна кўрадиган ва гапирадиган бўлдим.

Вожабо! Мен қоп-қора мармар танобий уйда турардим, унинг шифти шунчалик баланд эдики, ҳатто уни ёритиб турган пуштиранг нурда кўзларим шифтнинг баҳайбат гумбазини базўр ажратар эди. Пастда тантанавор куй янграрди, девор ёқалаб узун бўйли, ловуллаган оловранг қанотли арвоҳлар турарди, оловнинг ёғдуси азбаройи кучлилигидан уларга қараб бўлмасди. Танобийнинг қоқ ўртасида чоққина, чорси меҳроб бўлиб, мен худди шу меҳроб олдида тик турган

эдим. Яна ҳалиги товуш янгради:

– Эй, Аввал бўлган, Ҳозир Бор ва Бундан кейин ҳам бўладиган Илоҳа¹, Сенинг номларинг шу қадар кўпки, ҳақиқий исминг нима-лигини билиб бўлмайди; Сен Вақтни ўлчагувчисан, оламлар ва уларда истиқомат қилувчи барча мавжудотларни Асровчисан; сенгача фақат Ҳеч нима бўлмаган фалакнинг волидасисан; Сен яратувчи, аммо сени ҳеч ким яратмаган, Нурафшон ҳаётсан; моддага чулганмаган Жонли шаклсан; Англаб бўлмаснинг Хоҳиш-иродасини Ижро этувчисан; галаёнлардан туғилган Тартибот Фарзандисан; Қўлингда тақдир тарозиси ва қиличини тутиб тургувчисан; Сендан ҳаёт тарқаладиган ва яна Сенга қайтиб келадиган Ҳаёт Манбаисан; тарихда содир бўлиб турган ҳамма нарсани ёзиб боргувчисан; Тақдирда битилган ёзувларни Ижро этгувчисан, ҚУЛОҚ СОЛ МЕНГА!

Сенинг хоҳиш-ироданг ила Ердан чорлаб келтирилмиш мисрлик Ҳур Моҳ меҳробинг олдида сенга мунтазирдир, унинг кўзлари кўради, қулоқлари эшитади, юраги очиқ. Ёлвораман, учиб, бу ёққа кел! Ўзингни намоён эт, эй Мингчеҳра! Жилвангни намоён эт! Овозингни тинглаш бахтига муяссар эт бизларни. Руҳинг бизга паноҳқор бўлгай. Сўзимни эшит, кўз ўнгимизда намоён бўл!

Чорловлар тинди, жимлик чўкди. Кейин сукунат ичида денгиз гувиллагандек бўлди. Гувиллаш ҳам тинди ва мен ўзим билмаган қудратга итоат этган ҳолда юзимни ёпиб турган қўлларимни туширдим ва тепага қарадим: меҳроб узра кичик бир қора булут тўпи сузиб юрарди, айти шу булут ичидан бирданига олов илон пайдо бўлди-да, яна булут ичига кириб, ғойиб бўлди.

Шунда нурга чулганган барча илоҳлар ва руҳлар мармар ерга йиқилишди ва баланд овозда муножот қила бошлашди; аммо мен уларнинг сўзларидан биронтасини ҳам тушунмадим. Қора булут тўпи – вожабо! – меҳробга келиб қўнди, олов илон менга томон чўзилди, айри тилчаси билан пешонамдан ялади-да, кўздан яширинди. Булут парчаси ичидан эса самовий майин, паст ва улугвор овоз эшитилди:

– Боринглар энди, мулозимлар, мени Ер ўғли билан танҳо қолдиринглар, Мен уни хузуримга чақирганман.

Камондан отилган пайконлар каби оловга чулганган руҳлар ва илоҳлар бирдан кўздан ғойиб бўлди.

– Қўрқма, ҳой Ҳур Моҳ, – деди овоз. – Мен ўша яхши билган Исида исмли Илоҳаман, бу исмни менга мисрликлар қўйган; мен ҳақимда яна бирор нарса билишга ҳаракат қилма – бунинг уддасидан чиқолмайсан. Зеро, мен – бутун борлиқман. Ҳаёт – менинг жоним, Табиат – менинг либосим. Мен гўдак кулгисимен, мен – ёш қиз севгисимен, мен – она бўсасимен. Мен – Англаб бўлмаснинг чақалоғи ва чўрисимен, у Маъбуддир, ёки Борлиқ оламнинг Буюк Қонунидир, ёки Тақдирдир, ҳолбуки мен ўзим Маъбуда ҳам, Тақдир ҳам, Қонун ҳам эмасмен. Ерда шамол эсганда ва баҳри муҳит гувиллаганда, сен менинг товушимни эшитаётган бўласан, юлдуз тўла осмонга қараганингда, сен менинг жамолимни кўрасан: баҳорда ҳамма нарсани гуллар қоплаганда, мен табассум қилган бўламан, Ҳур Моҳ. Зеро, мен – Тангри яратган Табиат моҳиятимен. Мен бутун жонли мавжудотга нафасим билан жон ато этганмен. Ой туғилганда ва ўлганда, мен ҳам туғилганмен ва ўлганмен; мен тўлқинлар билан кўтариламен ва улар билан биргаликда тушамен; қуёш кўтарилиб чиққанда мен осмонда турган бўламен; мен чақмоқ бўлиб ча-

¹ Маъбуда Исидага сифиниш эллинизм даврида кенг авж олган (ҳатто Рим империясида ҳам).

камен ва момақалди роқ бўлиб гумбурлаймен. Мен Тақдир, бошингга тушадиган бахт ва офат, барча улугликлар ва даҳшатлар, қашшоқликда жонсарақ бўлган барча ожизлигу итоатдирмен. Мен сенда бормен, Ҳур Моҳ, сен эса — менда борсен. Сени йўқликдан чақириб олган зот мени ҳам чақириб олган. Шу боисдан ҳам гарчи мен ҳар қанча қудратли бўлмай, сен ҳар қанча кам нарсага эга бўлма, — бундан заррача чўчима. Зеро, бизни ҳаётнинг умумий риштаси боғлаб турибди, бу шундай ҳаётки, у мана шу риштадан фалак орқали куёш ва юлдузларга, илоҳлар ва одамларнинг қалбларига томон оқади, бутун табиатни ягона бус-бутунликка бирлаштиради, у хоҳласа, абадий ўзгариб туради ва хоҳласа, асрлар оша тирноқча ўзгармай қолаверади. Мен бошимни қўйи солдим, тилимни қўрқув боғлаб қўйганди.

— Сен менга садоқат билан хизмат қилаётибсен, ўғлим, — давом этди ҳалиги босиқ ва майин овоз, — бу ерда, Аменти оламида мен билан учрашишни қаттиқ хоҳлар эдинг ва сен чинакамига мардона жасорат кўрсатдинг ва бу мушкул ишнинг уддасидан чиқдинг. Зеро, тақдир белгилаган муддатдан олдин жисм қобиғидан халос бўлиш ва бир соатга бўлса-да, руҳ қиёфасида мужассам бўлиш — фақат худодлар суйган бандаларгагина насиб этадиган жасоратдир. Мен ҳам, эй қулим ва ўғлим, сени бу ерда, Мархумлар Салтанатида кўришни жондидим билан истар эдим. Зеро, Маъбудлар уларни севганларни севадилар, бироқ маъбудларнинг севгиси теранроқ ва кучлироқдир, мен эса мендан узоқда бўлганларнинг амру фармони ижро этувчимен, бу ҳам менинг сендан, оддий бандадан узоқдалигимга ўхшаш бир нарса, мен — барча маъбудларнинг ҳукм-фармосидурмен. Шу боисдан ҳам, Эй, Ҳур Моҳ, мен сени ҳузуримга кел, деб амр этгандим ва шу боисдан сен билан гаплашиб турибмен, менга қалбингни очишингни истаймен, Абадшаҳрдаги эҳром дарвозаси минорасида кечган тунингда шундай бўлган эди. Ахир ўшанда мен сен билан бўлган эдим, Ҳур Моҳ, худди шу аснода миллиардлаб бошқа одамлар ҳам ёнингга бўлган эди. Кафтингга қўйганим нилуфар гули япроғи мана шу — сен муножот қилган нарсанинг аломати эди. Зеро, томирларингда неча минг йилликлардан бери менга хизмат қилиб келаётган фарзандларимнинг шоҳона қони оқмоқда. Борди-ю, душманларинг устидан зафар қозонсанг, шоҳларнинг қадимги тахтига ўтиргайсен, менинг ифлосланган эҳромларимни поклагайсен, қадимги замонларда бўлганидек, Миср аҳли менга беғараз ва чин кўнгилдан сифина бошлагайдир. Борди-ю, мағлуб бўлсанг, унда мангу барҳаёт руҳ, Исиди мисрликлар учун бор-йўғи хотирагагина айланиб қолгусидир.

Овоз тинди ва мен ниҳоят бор кучимни тўплаб сўрадим:

— Қани, менга айт-чи, эй саховатпеша зот, бу билан мени мағлуб бўласан, демоқчимисан?

— Мендан сўрама, — жавоб берди Овоз. — Сенга айтишим мумкин бўлмаган нарсани мендан сўрама. Балки, тақдирингда не кунлар борлиги менга маълумдир, балки келажагингни олдиндан айтишни истамасмен. Абадийят ҳукмдори дунёдаги ҳамма нарса навбатма-навбат ривожланишини кузатиб туради — ахир ер бағрига эндигина тушган ўсимлик уруғини гуллайсан деб шошира олмайди-ку. Вақти келадикки, гунчалар ўзи очилади. Билиб қўй, Ҳур Моҳ: мен келажагингни яратмайман — уни сен яратасан, у Борлиқнинг Буюк Қонуни ва Англаб бўлмас Қудратнинг хоҳиш-иродаси билан тугилади. Сенга эса танлаш эркинлиги берилган, сенинг голиб келишинг ё мағлуб бўлишинг, сенинг ироданг қувватига ва юрагинг поклигига боғлиқ. Ҳамма

огирлик сенинг гарданинга тушади, Хур Моҳ, – шон-шуҳрат юки ҳам, шармандалик юки ҳам. Нималар бўлиши менга эмас, сенга боғлиқ. Мен фақат олдиндан белгилаб берилган ҳукми ижро этурмен, вассалом. Энди эса гапимга қулоқ сол, ўғлим: мен сени ҳар доим паноҳимда асраймен, зеро, мен кимга ўз муҳаббатимни инъом этсам, уни абадий сарафроз қиламен ва берган инъомимни қайтариб олмаймен. Эҳтимол, сен қандайдир аҳмоқона ишлар қиларсен ва гоҳо ўзингни менинг ҳимоятимдан маҳрум бўлиб қолгандек сезарсен. Шу боис эсингда бўлсин: Борди-ю, енгсанг – Ерда ҳам, сизлар Аменти деб атайдиган мамлакат, яъни мана шу оламда ҳам сени буюк мукофот кутиб турибди; енгилсанг – бошинга даҳшатли жазо, бало-офатлар ёғилгай. Бироқ мен сенга тасалли бериб айтмоқчиманки, азобуқубат ва шармандалик абадий чўзилмайди. Софдил инсон агар буюк ишни барбод қилганидан афсусланиб, тавба қилса, агар юрагида тавбазарру ва пушаймон бўлса, у йўл топиб ола билади, бу йўл ўнқирчўнқир, тиконли, оғир бўлса-да, у шу йўл билан яна аввалги олий рутбасига кўтарила олади. Илоё олий Қудрат сенинг бундай оғир йўл кидириб излашинга имкон бермагай, эй Хур Моҳ!

Сенга яна бир гапни айтмоқчимен, жоним ўғлим: сен мени шу қадар чин дилдан севасанки, ердаги ёлгонлар ўрмонидан омон-эсон чиқиб олишга уриниб, қийналар экансен (бу ёлгонлар дастидан озмунча одамлар қирилиб кетмайди, зеро, улар баданни руҳ, меҳробни эса маъбуд деб биладилар), Кўп Қиёфали Ҳақиқат ҳалқасини топиб олдинг. Мен ҳам сени севамен ва умид қиламенки, сен Осириснинг оқ фотиҳасини олиб, менинг ёғдуларим оламига кириб, мен учун хизмат қиладиган кун албатта келгай; шу боис, сен Илоҳий Каломни эшитишга муяссар бўлгайсен. Шу Сўз билан одамлар мен, Исидани охират оламидан чақириб олиши ва жамолини кўриши мумкин. Ҳатто Англаб бўлмаснинг Даракчиси кўзи билан кўзлари тўқнаш келар – бу шу маънони англатадики, сен ўлиб, йўқ бўлиб кетишдан омон қолгайсен. Энди бу ёкка қара! Самовий овоз жим бўлиб қолди; меҳроб узра қора булут ўрлай бошлади, шакли ўзгарди, энди у чўзинчоқ кўринишга кирди, ёрқинлашди, чарақлади ва кўз ўнгимда ёпинчиқли аёлнинг тўлғонаётган қиёфаси пайдо бўлди. Унинг юрагидан яна олтин илон ўрмалаб чиқди ва туманли бошига чамбар бўлиб ўралди.

Шунда Овоз Илоҳий Каломни ирод этди ва барча пардалар сирғалиб тушиб, ҳавога сингиб кетди, кўз олдимда шундаин гўзаллик жилва қилдики, ҳатто уни эслаб, ҳушдан кетай дердим. Аммо кўрганларимни одамларга овоза қилишим ман этилганди. Ҳа, ўшандан буён талай вақт ўтди, бироқ ҳозир ҳам таққиқи буза олмайман, ҳолбуки йилномам келажак авлодлар учун сақланиб қолар деган умидда ўзим гувоҳи бўлган воқеалар ҳақида сўзлаб беришга ҳаққим йўқ эди. Шундай қилиб, ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган одамлар менга намоён этилган эди. Зеро, дунёда олий гўзаллик ва олий улуғлик мавжудки, уларни инсонларнинг тасаввур доирасига сиғдириб бўлмайди. Мен уларни кўрдим ва кўрганларимга чидаб туrolмадим, бу қиёфа абадий хотирамга муҳрланиб қолганини ҳис этиб, Буюк Калом абадий сўнмас акс садо бериб, қалбимда жаранглашини билиб, пешонамни ерга текказдим.

Тиз чўқар эканман, менга улкан танобий уй парчаланиб кетгандек ва девор бўлақлари атрофимда оловли тиллардай осилиб қолгандек туюларди. Кейин қудратли довул бостириб келди, коинотдан гувиллаган овоз таралди, миямдан бир фикр ўтди: бу Вақт оқимида оқиб келаётган дунёлар гувиллаши бўлиши керак... ва ҳаммаси кўздан

гойиб бўлди, мен ҳам йўқолдим.

VII Б о б

Ушбуда Хур Моҳнинг уйғониши, унга Юқори ва Қуйи Миср тожи кийдирилиши ва унга туҳфалар инъом этилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Уйғониб қарасам, Абадшаҳр эҳромидаги Исида ибодатхонасининг тош ери устида узала тушиб ётибман. Бошим узра менга унвон берилиш маросимини бошқарган кекса коҳин турарди, унинг қўлида шамдон бор эди. Мен томон эгилиб, юзимга диққат билан разм солди.

— Тонг отди, Хур Моҳ, сен иккинчи бор туғилдинг, сирли унвон бериш маросимидан ўтдинг ва қайтадан дунёга келдинг! — деди у охири... — Худога шукроналар айтамиз! Ўрнингдан тур, шоҳ Хур Моҳ... йўқ, бошингдан ўтганлар ҳақида менга ҳеч нарса сўзлама. Ўрнингдан тур, Марҳаматли Онанинг эркатой ўғли. Юр бу ёққа, эй олов орасидан омон ўтган ва зулмат баҳри муҳити ортида ётган нарсаларни кўрган зот, юр бу ёққа, қайта туғилган зот!

Мен ўрнимдан турдим ва ихраб-сиҳраб, жуда қийинчилик билан унга эргашиб, ларзага тушган ҳолда зим-зиё ибодатхонадан ёрқин тонг нурларига пешвоз чиқдим. Мен дарҳол яшаб келган хонамга йўл олдим, таппа ташлаб ётдим ухлаб қолдим ва энди ҳеч қанақа рўёлар уйқумни бузолмас эди. Кейинчалик биронта ҳам одам, ҳатто отам ҳам даҳшатли тунда нималарни кўрдиги ва маъбуда билан қандай гаплашдинг, деб сўрагани йўқ.

Сўзлаб берганим барча воқеалардан сўнг Буюк Она Исидага кўпроқ ибодатлар қилиш ва энди менда калити бўлган сирли маросимларни чуқурроқ ўрганиш учун ижозат беришларини сўрадим. Ижозат берибгина қолмай, менга сиёсатдаги назокатлар ва ҳийла-найрангларни ўргатиши, зеро, Мисрни барча бурчакларидан Абидосга мен билан учрашгани энг таниқли аъёнлар ва мансабдор шахслар хуфия тарзда келар эдилар ва барчалари Миср халқи Клеопатрадан нафратланиши ва мамлакатда содир бўлаётган воқеалар ҳақида сўзлар эдилар. Муддат яқинлашиб келарди, руҳим танимни бирмунча вақтга тарк этган ўша тундан роса уч ою, ўн кун ўтиб бўлган эди, яна яшашда давом этиб, бошқа оламларга кўчиб ўтганим ва Исида ҳузурда бўлганим, ундан кейин барча қонун-қоидаларга ва асрлар оша амал қилиб келинган расм-русмларга риоя этган ҳолда, гарчи гоят махфий тарзда бўлса-да, менга Юқори ва Қуйи Миср ҳукмдорлиги тожи кийдирилишига қарор берилган эди.

Тантанали маросимда иштирок этиш учун Мисрни уйғотиш ва халос этишни хоҳловчи фуқаролар ичидан энг юқори мансабдорлар ва обрўли шахслар Абидосга оқиб кела бошладилар, улар ҳаммаси бўлиб ўттиз етти нафар эди: ҳар бир номдан¹ биттадан ва номдаги энг йирик шаҳардан биттадан одам тўғри келган эди. Саёҳат учун улар қанақанги кийимлар кийиб олишмаганди — ким коҳин кийимида, ким тиланчи кийимида. Амаким Сепа ҳам келган эди — гарчи у сайёр табиб кўринишида сафарга чиқса-да, чийилдоқ овози унга панд берар эди, овозини ўзгартиришга минг уринмасин, кўнгилдагидек чиқмасди. Мен, амакимни ўзим сайр қиладиган анҳор қирғоғида учратганимда узоқдан билиб олдим, ҳолбуки қош қорайиб қолган ва у юзига каттакон қалпоқни бос-

¹ Н о м л а р — Қадимги Мисрда вилоятларни номлар деб атаганлар.

тириб кийиб олган эди, одатда шу касбдаги одамлар бошларига шундай қалпоқни илиб олар эдилар.

— Барча дарду балолардан асра! — унинг исмини айтиб салом берганимда, гумбурлаган овозда алик олиб, гапира кетди. — Наҳотки одам боласи ўз қиёфасини ўзгартириши шунчалар қийин бўлса, наҳотки ёлгон шунчалик тез билина қолса. Мени кўрганда табиб деб ўйлашлари учун озмунча меҳнат қилмаганимни билсайдинг — мана, кўриб турганингдек, мени ҳатто қоронғида танидинг!

Шундан кейин у то яёв юриб келгунимизча ҳаммасини бир бошдан бемалол ҳикоя қилиб берди, бусиз ҳам Нил бўйлаб изғиб юрган жосуслар чангалига тушмаслик учун шундай қилди. “Бироқ қайтишда барибир кемада сузишга тўғри келади, — деди у хўрсиниб уҳ тортаркан, — ёки бошқа биров қиёфасига кириб оламан, чунки сайёр табибга қўзлари тушди демагунча ёрдам сўраб мурожаат қилишади, мен эса табиблик илмидан беҳабарман ва Ано билан Абидос ўртасида озмунча халқ менинг жаҳолатим қурбони бўлиб кетмаганмикан, деган хавотирдаман”. У баланд овозда қаҳ-қаҳ уриб кулди ва ўз номини бутунлай унутган ҳолда мени кучоқлаб олди. У сохталикни удалай олмаётганди, ҳаддан ташқари самимий ва зеркишга тоқатсиз эди, ҳатто унинг эҳтиётсизлик қилаётганидан огоҳлантиришимга ҳам тўғри келди, акс ҳолда то Абидосга кириб боргунча мени кучоғидан бўшатишни хаёлига ҳам келтирмаётганди.

Охири кутилганларнинг барчаси тўпланиб бўлди.

Тантанали маросим кечаси бошланди. Эҳром дарвозалари қулфлаб қўйилди. Ичкарида Мисрнинг фақат ўттиз етти энг аслзода одамлари қолди, отам — олий қоҳин Аменемхет; менга Исида ибодатхонасига ҳамроҳлик қилган кекса қоҳин; энагам, кайвони Атуа, у эски удумга кўра, мени лой суртиш маросимига тайёрлаши керак эди; сирни сақлаймиз, деб муборақ онт ичган яна беш-олти қоҳин. Уларнинг барчалари буюк эҳромнинг иккинчи танобийсига тўпланишди; оппоқ либосга бурканиб олган мени эса деворларига Қадимги Мисрнинг илоҳи Сетгача ҳукм сурган етмиш олти фиръавн исмлари ўйиб ёзилган айвонида ёлғиз қолдиришди. Мен қоҳинлик кийимида тек ўтирардим, бир вақт олдимга ёниқ чироқ кўтариб, отам Аменемхет кириб келди ва қаршимда чуқур таъзим қилди, қўлимдан ушлади-да, каттакон танобий уйга бошлаб кирди. Танобийнинг улуғвор устунлари орасида бир қанча қандил-шамдонлар ёниб турарди, улар ҳайкаллар ва деворлардаги бўртма тасвирларни, бир қатор одамлар — зодагон аёнлару шаҳзодалар — шоҳ наслининг ён бутуқлари, зурриёдларини, ўймақори оромкурсиларда ўтирган ва менинг келишимга мунтазир олий қоҳинларни хирагина ёритарди. Мана шу ўттиз етти зотнинг қаршисида, етти ибодатхонага қаратиб тахт ўрнатилганди, тахт атрофини турли муборақ тимсоллар тутган қоҳинлар қуршаб олганди. Мен улуғвор танобийнинг ғира-шира бағрига қадам босиб киришим билан барча аёнлар ўринларидан туришди ва рўпарамда нафасларини ичга ютиб, таъзим бажо келтириб яна ўтирдилар. Отам мени тахт зинапоялари олдига олиб келди ва шивирлаб қаршисида тек туришимни буюрди. Кейин отам сўз бошлади:

— Сизлар, менинг таклифим билан тўпланган зотлар, аёнлар, олий қоҳинлар, Кеметлар мамлақати қадимги шоҳлар авлодларининг зурриёдлари, Юқори ва Қуйи Мисрнинг аслзода фуқаролари, кулоқ солинг! Қаршимизда — шаҳзода Хур Моҳ турибди, насл-насаби ҳуқуқи бўйича жабрдийда ватанимизнинг фиръавнлари меросхўри бўлмиш менким, ўғлимни ҳузурингизга ҳеч бир ғаразсиз, шароит

тақозосига бўйсунган ҳолда олиб келмишмен. У — илоҳа Исиданинг муқаддас, нозик сирларини билгувчи, мистарийлар муҳтасиби, меросий ҳуқуқи бўйича Мемфис яқинида қад қўтарган барча эҳромларнинг олий қоҳини, у Осирис шарафига адо этиладиган муборак расм-русмларни теран билгувчидир. Бу ерда ҳозир бўлганлар орасида унинг тўғридан-тўғри фиръавнларнинг ҳақиқий зурриёди эканига шубҳа қилувчилар борми?

Отам сукут сақлади ва амаким Сепа ўринидан туриб, деди:

— Йўқ, бизда заррача шубҳа йўқ, Аменемхет: биз унинг ажодлари шажарасини синчковлик билан текшириб чиқдик ва унинг томирида ҳақиқатан ҳам фиръавнларимиз қони оқаяпти, деган қарорга келдик, у ажодларининг қонуний меросхўридир.

— Бу ерда ҳозир бўлганлар ичида биронтасининг қўнглида, — деб давом этди отам, — маъбудларнинг хоҳиш-иродаси билан шаҳзода Ҳур Моҳ Осирис салтанатига етиб борганига ва илоҳа Исидида ҳузурида ҳозир бўлганига, синов шартларини тўла-тўкис адо этганига ва Мемфис яқинидаги пирамидаларнинг¹ олий қоҳини мартабасига ноил бўлганига шубҳа қилувчи борми?

Шунда бутун борлиқнинг Буюк Онаси ибодатхонасида ўша тунда мен билан бўлган қоҳин ўрнидан турди ва деди:

— Йўқ, Аменемхет, бизда шубҳа йўқ; унга унвон берилиш маросимини ўзим ўтказдим.

Яна отам сўзлай кетди:

— Бу ерда тўпланганлар орасида шаҳзода Ҳур Моҳни ношаръий ишлар қилишда ва куфрона хаёлларга боришда ва каззобликка йўл қўйишда айблаши, унга Юқори ва Қуйи Миср ҳукмрони тожини кийдиришимизга қаршилик қилиши мумкин бўлган одам борми?

Мемфислик қария ўрнидан турди, унинг ҳам томирларида фиръавнлар қони оқар эди, у бундай деди:

— Биз Ҳур Моҳ ҳақида ҳамма нарсдан воқифмиз, унда бундай иллатлардан ном-нишон йўқдир, о Аменемхет.

— Нима ҳам дердик, шундоқ бўла қолсин, — жавоб берди отам, — шаҳзода Ҳур Моҳ, Осирисда жилва қилган Нектанебнинг зурриёди, модомики шоҳ тожиги муносиб экан, биз унга тож кийдирганимиз бўлсин. Қани, кайвони Атуани чақиринглар, у бизга шаҳзода Ҳур Моҳнинг бешиги устида ўлим олдидан онаси нималар деганини айтиб берсин, аслида хотинимнинг оғзи билан бу гапларни маъбуда Хатхор ирод қилган эди.

Кайвони Атуа устунлар оралиғидаги қоронғиликдан аста чиқиб келди-да, мен тавсифлаган нарсаларни тўлқинланиб сўзлаб берди.

— Ана, ўз қулогингиз билан эшитдингиз ҳаммангиз, — деди отам, менинг марҳум хотинимнинг оғзи билан маъбудалар айтган гапларга иймон келтиргаймисиз?

— Иймон келтирамиз, о Аменемхет, — бир овоздан жавоб беришди йиғилганлар.

Кейин амаким Сепа ўрнидан турди ва менга мурожаат қилиб, сўзлай кетди:

— Ҳамма гапни эшитдик, эй олийҳазрат Ҳур Моҳ! Энди ўзингга маълумки, биз бу ерга сени Юқори ва Қуйи Миср шоҳи қилиб кўтариб, тож кийдиришга йиғилганимиз, зеро, сенинг олижаноб отанг Аменемхет сени деб тожу тахтидан воз кечди. Афсуски, бу маросим дабдабаю асъасасиз амалга оширилмоқда, чунки бу озмунча буюк воқеа саналмайди, биз уни жуда ҳам махфий тарзда ўтказишга маж-

¹ Ҳар бир пирамида — эҳромнинг ўз қоҳини — руҳонийси бор эди.

бурмиз, акс ҳолда барчамиз жон билан жарима тўлашимизга тўғри келади, аммо энг даҳшатлиси — биз учун ҳаётимиздан қимматли бўлган ишни йўққа чиқарган бўлур эдик. Аммо шу машаққатларга қарамай ҳозир қўлимиздан келганча ва имконимиз етганча бу қадимги муборак расм-русумларни адо этмоқдамиз. Биз нималарни мақсад қилганимизни билиб олиш ўзингга ҳавола, билганингдан кейин эса, агар ўйлаганларимиз сенга маъқул бўлса, энди сенга муносиб бўлган тахтга чиқиб ўлтургайсен, эй фиръавн, ва онт ичгайсен! Неча асрдурким, Кемет аҳолиси юнон босқинчилари оёғи остида эзилиб келмоқда, неча асрдурким, румоликларнинг¹ найзалари кўринди дегунча даг-даг қалтирайди, неча асрдурким, қадимги маъбудларимиз таҳқир ва ҳақоратлардан азоб-уқубатлар чекиб келмоқда, неча асрдурким, биз қулларча ночор ва аянчли ҳаёт кечириб келмоқдамиз. Аммо биз ишонамиз: халос соати яқин, жабрдийда ва мазлум Миср номидан, унинг айнан сени танлаган маъбудлари номидан, биз барчамиз илтижою таваллолар билан сенга мурожаат қиламиз, эй шаҳзода: қилични қўлга ол-да, халоскорларимизга раҳнамолик қил! Тингла! Йигирма беш минг жасур ватанпарвар бизнинг ишимизга садоқатини изҳор этиб, онт ичди ва фақат сенинг розилик билдиришингни кутиб турибди; сен биргина ишора қилсанг, бас, улар бараварига оёққа турадилар ва юнонларни қириб ташлайдилар, кейин эса уларнинг қони устидан сени тахтга ўтқизадилар ва бу тахт Кеметлар сарзаминида қадимий эҳромларимиз каби қилт этмай мангу қад ростлагай, румоликларнинг барча ёлланма аскарлари ҳам уни жойидан жилдиришга қодир эмаслар. Македонияли суюқоёқ Клеопатранинг ўлими эса бунга далолат бергай. Сенга берилган буйруққа итоат этган ҳолда уни сен ўлдиргайсен, Ҳур Моҳ, Миср фиръавнлари тахтини унинг қони билан ювгайсен!

— Эй умидимиз чароғи, наҳотки сен бизга “йўқ” деб жавоб берсанг? Наҳотки қалбинг Ватанга бўлган қутлуғ муҳаббат ила тўлиқ бўлмаса? Наҳотки сенга тутилган эрк шаробига тўлиқ паймонани ерга улоқтирсанг? Ёки азобларга маҳкум этилган қул каби ташналиқдан қийналиб ўлиб кетишни афзал биласанми? Ҳа, балки бизнинг дангаллик, таваккал билан тузган режамиз амалга ошмай қолар, ўшанда сен ҳам, биз ҳам бу шижоатимиз учун ҳаётимиз билан жавоб бергаймиз. Аммо, бу афсусланишга арзийдими, Ҳур Моҳ? Ҳаёт деганлари шунчалар ширин ва гўзалми? У бизни қачон эркалаб, ўйнатиб қўйибди? Таназул ва зарбалардан қачон омон сақлаб қолибди? Ҳар замонда бир милт этган севинчимиз эвазига ҳаёт бошимизга офату балоларни минг карра қилиб ёғдирмадими? Бу заминда нариги дунёнинг фазосини тўлдирган муаттар бўйдан нафас олиб хузурланаяпмизми? Ёки бутунлай нафас олмаслик шунчалар қўрқинчлими? Умид ва хотиралардан ўзга бу ерда бизнинг нимамиз бор? Бу ерда биз нимани кўраяпмиз? Қоронғилик ва шарпалардан ўзга ҳеч вақо йўқ.

Модомики шундоқ экан, юраги пок одам нима учун бизни осудалик кутаётган, хотиралар, воқеа-ҳодисалар комига фарқ бўлган, шарпалар намоеън этувчи нурга сингиб кетадиган жойга кўчиб ўтишдан чўчиши керак? Билиб қўй, Ҳур Моҳ: ўз ҳаётини асрлар давомида сўнмайдиган шараф зиёси билан безаган эркаккина чинакам буюк эркақдир. Ҳа, ажал ердаги барча болаларга даста-даста лолалар совға қилади, бироқ тақдир бу лолалардан қахрамонлик гулчамбари тўқиш имконини берган одамгина бахтиёрдир. Одам учун Ватани-

¹ Мил. ав. III асрдаёқ Рим империяси Ўрта Ер денгизида энг қудратли давлат эди. (Бир аср аввал — Македония ҳам шундай эди).

ни озод қилган ботирнинг ўлимидан чиройлироқ ўлим йўқ, чунки озод бўлган ватан қаддини ростлайди, кўрагини керади, бошини кўтаради, ўзини мағрур, кучли, эркин ҳис этади, узилган занжир бўлақларини золимнинг башарасига қараб отади: энди ҳеч қачон биронта ҳам босқинчи унинг гарданига қуллик тамғасини босолма-гай.

Хур Моҳ, сени Кемет чорлаяпти. Унинг чақиригига овоз бер, эй халоскор! Маъбуд Хур Сетга ташлангандек, сен ҳам ўзингни душман устига от, она диёрингни озод қил ва қадимги тахтингда буюк фиръавн бўлиб, унга ҳукмронлик қил...

— Бас, етар! — қичқирдим мен, аммо қудратли деворлар ва устунлар орасидан бўғиқ акс садо берган харсанглар гулдуриси овозимни босиб кетди. — Наҳотки мендан илтимос қилишлари, онт ичишлари зарур бўлса? Агар бисотимда юз умр бўлганда эди, уларнинг барчасини Ватанимиз Мисрга садқа этиб, ўзимни дунёдаги энг бахтли одам санамасмидим?

— Муносиб жавоб! — деди амаким. — Энди сен мана бу кайвони билан боришинг керак, у сенинг қўлларингни ювади, токи сен ҳокимиятнинг муборак тимсолларини қабул қилгайсен, сўнг хушбўй моддалар билан пешонангни мойлаб кўяди, шундан сўнг биз фиръавн тожини кийдиргаймиз.

Мен кайвони Атуа билан эҳромдаги оромгоҳлардан бирига бордим. У ерда пичирлаб ибодат қилган ҳолда Атуа олтин кўзани олди ва олтин чилопчинга қўлларимни тутқазиб, муборак сувда яхшилаб чайди, сўнг юпқа мато парчасини хушбўй мойга ботириб шимдирди-да, уни манглаймга бостириб қўйди.

— Яйра, Миср! Яйра, хужастафол шаҳзода, сен бизнинг ҳукмдоримиз бўлгайсан! — ҳаяжон билан такрорларди кампир. — Эй ҳумоюнсийрат йигит! Юз-кўзингдан шоҳона нур ёғилади ва ҳуснда ойни уялтирасан, қоҳин бўлиш сенга ярашмади, барча ҳусндор хотинларнинг оғзида шу гап; аммо маъбудлар хоҳласа, сен учун қоҳинларга нафс тийиқлигини жорий этувчи шафқатсиз қонунларни юмшатсанг, ажаб эмас, акс ҳолда фиръавнларнинг тухуми қурийди, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Худолар мендан сира марҳаматларини дариф тутмадилар, ахир энагалик қилдим, сени оқ ювиб, оқ тарадим, сени кутқариб қолай деб жондай неварамнинг умрини хазон қилдим! Эй шоҳ зурёди, суҳсурим Хур Моҳ, сен шон-шараф учун, бахт учун, муҳаббат учун туғилгансен.

— Бўлди қилинг, Атуа, — ранжиганнамо унинг гапини бўлдим мен, — мени бахтли деб айтманг, ахир келажагим қанақа бўлишини туш кўриб ўтирибсизми, мени муҳаббат рамзи деманг, муҳаббат билан қайгу ёнма-ён бўлади, билиб қўйинг: зиммамга бошқача, ундан кўра юксакроқ вазифа юклатилган. Худолар амри шундай.

— Нима десанг деявер-у, аммо муҳаббат севинчлари сенга муштоқ турибди, ҳа, ҳа, ишонавер! Муҳаббатга бунақа калондимоғлик билан муомала қилинмайди, ахир ўзинг муҳаббат туфайли дунёга келмаганмисан— Искандария эли бир мақолни жуда яхши кўришларини биласанми, а? “Учиб кетаётган ғоз тимсоҳнинг устидан кулибди, сувга кўниб ухлаб қолганида, тимсоҳ қаҳ-қаҳ уриб, унинг устидан кулибди”. Ана шунақа. Аёллар эса тимсоҳлардан кўра тозароқ бўлишади. Атрибисда¹ — тимсоҳларга сигинадилар — ҳозир уни Тимсоҳобод дейишади, аммо аёллар, болажоним, бутун дунёда муҳаббатга сигинади-

¹ А т р и б и с — тимсоҳ ҳам Қадимги Мисрда эъзозланар эди.

лар! Вой ўлмасам, бу ёқда мен нималарни валдираб ўтирибман, ахир у ёқда тож кийдирамиз деб ҳамма сенга маҳтал-ку. Ахир буни сенга каромат қилмаганмидим? Мана, Юқори ва Қуйи Миср ҳукмдори, тап-тайёрсан. Энди олға, шоввозим!

Оромгоҳдан чиқдим, бироқ нодон кампирнинг сўзлари миямга маҳкам ўрнашиб қолганди, агар нафсиламрини айтадиган бўлсам, гарчи ўзи эзма-чуриккина бўлса-да, кампиршо у қадар нодон эмасди.

Танобийга кириб келарканман, аъёнлар яна ўринларидан туришди ва таъзим қилишди. Ўша заҳоти отам менга яқин келиб, қўлимга Ҳақиқат маъбудаси Маатнинг тилла тасвири, маъбуд Амон-Ра ва хотини Мутнинг тилла чамбарлари, илоҳ Хонуснинг рамзини тутқазди-да, тантанавор оҳангда сўради:

— Ҳаётбахш Маат, қудратли Амон-Ра, Мут ва Хонус улуғлигини шафе келтириб онт ичасенми—

— Онт ичамен, — жавоб бердим мен.

— Кеметларнинг муқаддас замини, Сихор сувлари, маъбудларимизни шафе келтириб онт ичасенми, қадимги қонунлар асосида Мисрға ҳукмронлик қилишга онт ичасенми, унинг ҳақиқий маъбудларини ҳурмат қиламан, барча билан ва ҳамма нарсда адолатли иш тутаман, ўз мамлакатим ва халқимга зулм қилмайман, унга хиёнат қилмайман, римликлар ва юнонлар билан тил бириктирмайман, деб онт ичасенми, кофирларнинг санамларини изсиз йўқотаман ва ҳаётимни озод Кеметнинг гуллаб-яшнашига бағишлайман, деб онт ичасенми?

— Онт ичамен.

— Яхши. Энди тахтга чиқиб ўлтир ва мен фуқароларинг ҳузурида сени Миср фиръавни деб эълон қиламан.

Мен тахтга чиқиб ўтирдим¹, тепамда маъбуда Маат² қанотларини кенг ёйиб, соя ташлаб турарди, оёқларимни мармар сфинкс кўринишидаги курсичага қўйдим. Отам яна менга қўшалок тожни кийдирди, елкамга шоҳона чопон ташлади ва қўлимга ойболтача билан қамчи тутқазди.

— Муқаддас Ҳур Моҳ! — хитоб қилди у. — Ўшбу нишонлар ва тимсоллар билан мен, Абидосдаги Ра-Ман-Маат³ эҳромининг бош қоҳини сени шоҳлик маснади билан сарафроз этгаймен. Шу аснодан бошлаб сен — Юқори ва Қуйи Миср фиръавнисен. Шоҳлик вазифасини адо этишга кириш ва равнақ топ, эй Кеметнинг умид ниҳоли!

— Шоҳлик вазифангни адо этишга кириш ва равнақ топ, эй фиръавн! — бир овоздан такрорлади аъёнлар, рўпарамда чуқур таъзим бажо айлаб.

Кейин ҳаммалари бирин-кетин менга содиқликлари ҳақида онт ича бошладилар. Сўнгги қасамёд садо берганда, отам қўлимдан тутди ва тантанали маросим бошчилигида биз Ра-Ман-Маат эҳромининг барча етти ибодатхонасини айланиб чиқдик, ҳар бирида мен меҳробга садақалар қўйдим, қоҳиндан лозим бўлганидек, хушбўй тутатқилар тутатиб, литургия тоат-ибодатини адо этдим. Шоҳона байрам либосида Ҳур, Исида, Осирис, Амон-Ра, Хор-Эм-Ахат⁴, Птах ибодатхоналарида меҳробларга садақа инъом қилдим. Охири фиръавн оромгоҳида жойлашган ибодатхонага кириб келдик.

Бу ерда қоҳин менга, ўз илоҳий фиръавнларига муборак садақа инъом этди ва мени ёлғиз қолдириб кетишди. Мен, яъни Миср салтанатига ҳукмронлик қилиш учун тож кийган шоҳ бўлатуриб чар-

¹ Қадимги Мисрда шоҳнинг тахти оддийроқ ва пастроқ эди. Қадимги Эронда ҳашаматли, баланд тахтлар пайдо бўлди.

² Маат, Исида маъбуда қанотли тасвирланган.

³ Фиръавн Сети I нинг шоҳлик номи Ра-Ман-Маат эди.

⁴ Хор-Эм-Ахат — ризодаги катта сфинкснинг номи; Абидосда ҳам шундай сфинкс бўлган.

чоқдан ҳолсизланган эдим.

Шу билан дастлабки энг кичик папирус ўрами тугайди.
ИККИНЧИ КИТОБ

ҲУР МОҲ РАШК ҚУРБОНИ

І б о б

Ушбуда Аменемхетнинг Ҳур Моҳ билан хайрлашуви, унинг Искандарияга келиши, Сепанинг огоҳлантириши ҳақида; Клеопатра Исида либосида шаҳар кўчаларидан юриб ўтгани ва Ҳур Моҳнинг машҳур гладиатор устидан ғалаба қозонгани ҳақида ривоят қилинади.

Шундай қилиб, узоқ муддатли синов амаллари тугаб, энди ишга киришиш вақти етиб келганди. Мен бағишловнинг барча поғоналаридан ўтдим, шоҳлик тожини кийдим, гарчи авомуннос.... мени билмас, Абад шаҳар (Абидос) аҳолиси учун Исида ибодатхонасининг оддий кочини эдим. Аммо билган мисрликлар мени фиръавн сифатида чин юракдан хурмату иззат қилар эдилар. Ҳа, эврилишлар вақти яқинлашиб келарди, мен сабрсизликдан ўзимни қўйгани жой тополмасдим. Тезроқ босқинчи мустабидни суриб ташлаб, Мисрни озод қилсам, қонуний жиҳатдан ҳаққим бўлган тахтга ўтирсам, маъбудларимнинг эҳромларини тезроқ ифлосликлардан тозаласам дердим. Мен кураш иштиёқида ёнардим ва бунда ғалаба қозонишимга заррача шубҳа қилмасдим. Мен ойнага қараб, мана бу — музаффар шаҳаншоҳнинг юзи дердим, келажакда шон-шухрат чўққисида қуёшдай чарақлаган илоҳий онам Исида билан суҳбатлашардим; юрагимнинг туб-тубига кириб бориш учун оромгоҳимда узоқ-узоқ ўтириб қолардим; хаёлан янги мухташам эҳромлар қурдирардим; халқимга дориломонлик келтирувчи буюк қонунлар ҳақида ўйлардим; қулогимда ўз сулоласининг қадимги тахтини қўлга киритган голиб фиръавнни олқишлаётган миннатдор оломоннинг ҳаяжонли ҳайқириқлари янграб эди.

Шундай бўлса-да, мен ҳали Абад шаҳрида истиқомат қилардим, Коҳинлар Кенгаши қарор қилганидек, тож кийиш учун, олиб ташланган, қарға қанотидай тим-қора сочим яна етарли ўсишини кутар эдим. Вақтни беҳуда ўтказмаслик учун эса эркакларнинг кучи ва чаққонлигини чиниқтирувчи барча машқларни кунт билан бажариб борардим. Яна, қурол-яроғларнинг турфа хилларини ишлатиш санъатимни такомиллаштирар эдим. Бундан ташқари Миср сеҳржодуларининг қадимги сирлари ҳақидаги билимларимни чуқурлаштирардим, бунинг не мақсадда қилиниши кейинроқ маълум бўлади, — ва илми ҳолнинг сўнгги ютуқларини билишга ҳаракат қилардим, ҳолбуки менсиз ҳам бу фанларни беш қўлдай биладиганлар кўп эди, мен улардан баландроқ билишим керак эди.

Биз мана бундай режа тузиб олган эдик:

Амаким Сепа соғлиғи ёмонлигини баҳона қилиб, вақтинча Анодаги эҳромни қўйиб, Искандарияга кўчиб ўтди, у ерда кишиларга тушунтирганидек, денгиз ҳавоси шифо бўлар деган умидда уй сотиб олди, бутун дунёга донғи кетган машҳур Музейоннинг¹ мўъжизалари ва Клеопатра саройининг ҳашамати уни қайғули ўй-хаёллардан чалғитади. Мен айни ўша Искандарияга бораман, чунки махфий йиғиннинг мар-

¹ М у с е й о н — Искандариянинг машҳур Маданият саройи, унинг кутубхонаси Искандар замонида, кейинроқ Птолемей III даврида оламга машҳур эди.

кази ўша жойда эди. Ниҳоят Септа амаким менинг келишимга ҳамма нарса шай, деб хабар юборди ва мен йўлга чиқиш олдидан тезгина тараддуд кўра бошладим, фотиҳа олгани отамнинг қошига бордим. У ўз даргоҳида хонтахтада мен арслонни ўлдирган ва енгилтаклик қилганим учун танбеҳ берган оқшомдаги ҳолатда ўтирарди, унинг узун оппоқ соқоли хонтахта четига тушиб турарди, қўлида эса муборак калималар битилган папирус ўрамларини ушлаб олганди. Менга кўзи тушиши билан ўрнидан туриб: “Ассалому алайкум, эй фиръавн!” — деди ва тиз чўкмоқчи бўлди, бироқ мен уни кўлидан ушлаб қолдим.

— Бу сизга ярашмайди, ота, ўғлингиз қошида тиз чўкишингиз яхши эмас, — дедим мен.

— Йўқ, ярашади, — эътироз билдирди отам, — ўз ҳукмдоримнинг ҳурматини жойига қўйишим керак, аммо сен буни истамас экансан, майли, сен хоҳлаганча бўла қолсин. Шундай қилиб, Ҳур Моҳ, сен кетаётибсан. Оталарча дуоларим сенга ёр бўлсин, болам. Мен маъбудларга умр бўйи хизмат қилдим, энди маъбудлар сени тахтга ўлтиришингни кўриш бахтига муяссар этгайлар. Келажакда нималар бўлишини уқиб олиш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилдим, сени нималар кутиб турганини билмоқчи бўлдим, аммо барча доноликларим сирлар пардасини ёриб ўтишга ожизлик қилди. Кароматлар сира тутқич бермади, гоҳо бундан қаттиқ маъюс тортаман. Аммо сен шу нарсани билишинг керакки, йўлингда бир шум хатар бор, бу хатар — аёл. Бу менга жуда олдин аён бўлган эди ва шу боисдан ҳам барча меҳр-муруватлар соҳибаси Исидага кўпроқ ибодат қилишинг керак эди, у ўз қоҳинларининг фикр-ўйларини аёлларнинг сеҳр-жодусидан соқит қилади ва то бу тақиқни олиб ташлаш фурсати етмагунча каромат ўз кучини сақлаб қолаверади. Эҳ, ўғлим, нима учун бу қадар кўркам, бу қадар паҳлавон ва бу қадар хушқомат бўлиб дунёга келмасанг, бутун Мисрда сенга тенг келадиган азамат йўқ, ҳа, сен чинакам шоҳликка муносибсан, айнан шу қувватинг ва ҳусни таважжухинг сени аёл макри тузоғига илинтиргай. Шу боис исқандариялик гўзалларнинг нозу карашмаларидан эҳтиёт бўл, улардан битта-яримтаси илоҳий юрагингга ўрмалаб киради-да, сирингни билиб олади.

— Ташвиш қилманг бу ёғидан, отажон, — дедим мен энсам қотгандай, — лаъл лаблар ва фаттон кўзларни мен уч пулга олмайман, мен учун асосий нарса — муқаддас бурчим.

— Мардона жавоб, — деди отам. — Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолгин илойим. Энди эса, хайр. Истагим рўёбга чиқадиган ва кейинги кўришганимизда тахтда ўтирганингни ўз кўзим билан кўрар кунга ўзи етказсин. Юқори Мисрнинг барча қоҳинлари билан биргаликда ўша қувончли кунини қонуний фиръавнимизга таъзим бажо этгани келишимни илоҳим насиби рўзий айласин!

Отам билан қучоқлашиб хайрлашдим-да, йўлга чиқдим. Ҳайҳот, тақдир менга қандай қисматни тайёрлаб қўйганини билганимда эди!

Мана, тагин Нилдан қуйи томон сузиб кетмоқдаман — ашқолдашқоллари ғоятда жўн бир сайёҳ. Қизиксиниб кимлигимни сўраганларга “Абад шаҳридаги олий қоҳиннинг асранди ўғлиман, қоҳинлик унвони олишга тайёргарлик кўргандим, бироқ маъбудларга ибодат қилишга ҳушим йўқроқ эканини англадим, энди Искандарияда омадимни синаб кўришга ҳаракат қиламан деб жавоб берардим, иқболимни қарантки, унча-мунча қоҳинлик унвони олганлардан ташқари барча одамлар мени қайвони Атуанинг невараси деб билар экан.

Йўлдош шамол эсарди, ўнинчи куни кечқурун олдинда улугвор Искандария — мингчироқ шаҳри намоён бўлди. Чироқлар узра оқ

мармардан бунёд этилган Фарос маёғи қад кўтариб турарди, у ёруғ оламнинг етти мўъжизасидан бири бўлиб, энг чўққисида шунақанги ёруғлик порлаб турардики, гўё кечаси ҳам куёш бандаргоҳни нурлари билан ёритиб, дарғаларга денгизнинг олис жойларини кўрсатиб тургандай. Кемамиз аста қирғоққа сузиб келди, қоронғи тушиб қолган эди. Соҳилга тушдим-да, осмонўпар биноларни кўриб лол қолган ва турли тиллардаги шовқин-сурондан қулоғим қар бўлган ҳолда бир жойда туриб қолдим. Назаримда, бу ерга дунёнинг барча халқларининг вакиллари тўпланган-у, ҳаммалари ўз тилида овозини баралла қўйиб гаплашаётгандай. Бутунлай саросимага тушиб, жойимда туравердим, бироқ шу топ бир йигитча олдимга келди-да, елкамдан туртиб, Абаддан сузиб келдинг, исминг Хур Моҳ, шундай эмасми, деб сўради. Мен “ҳа” деб жавоб берган эдим, у овозини қулоғимга яқин келтириб, паст овозда сирли сўзни шивирлаб айтди, кейин қўли билан имлаб, иккита қулни чақирди ва менинг нарсаларимни кемадан қирғоққа тушириб қўйишни буюрди. Улар “Хўп, бўлади”, деб, “Нима хизмат, нима хизмат,” дея хизматга шай ҳаммоллар орасидан ўтиб, кўздан ғойиб бўлишди. Мен нуқул шароб дўконлари қуриб ташланган қирғоқ бўйлаб йигитча кетидан боравердим, барча дўконлар турли-туман либосдаги эркакларга тўла эди, улар шаробхўрлик қилар ва фақат уят жойларини беркитиб олган ёки бутунлай яланғоч аёллар рақсини томоша қилар эдилар.

Охири чароғон дўконлар саф тортган соҳил ниҳоясига етди, биз ўнгга бурилдик ва кенг, гранит ётқизилган кўчадан юриб кетдик, олд тарафида тош устунли узун айвонлари бўлган улкан-улкан уйлар орасидан ўтдик — мен бунақасини сира кўрмаган эдим. Яна ўнгга бурилиб, бундан ҳам тинч маҳаллага бориб қолдик, бу ерда кўчалар хувиллаб ётар, фақат аҳён-аҳёнда сайр қилиб юрган бекорчи улфатларгина учраб қоларди. Охири йўлбошловчим оқ тошдан қурилган бир уй олдида тўхтади. Биз дарвозадан ичкарига кирдик, ҳовлини кесиб ўтдик ва шамдонлар чарақлаб турган хонага кириб келдик. Амаким Сепа пешвоз чиқиб, мен томон отилди, менинг омон-эсон етиб келганимдан севинчини ичига сиғдиролмаётганди.

Мен ювиниб-тараниб, овқатланиб бўлганимдан кейин амаким ишлар ҳозирча кўнгилдагидек кетаётганини ва саройда ҳеч ким исён борасида заррача шубҳа қилмаётганини сўзлаб берди. Шундан сўнг яна айтдимки, амаким Клеопатранинг саройида бўлиб келибди. Маликага Искандарияга Ано ибодатхонасининг бош қоҳини Сепа келиб яшаётганини маълум қилишганда, Клеопатра ўша заҳоти унга одам юбориб, ундан кўп нарсаларни сўраб-суриштирибди, аммо бизнинг ўй-мақсадларимиз ҳақида эмас, унинг ҳокимиятига биров кўз олайтириши мумкинлигини малика хаёлига ҳам келтирмаскан, шунчаки унинг қулоғига Ано яқинидаги буюк пирамида ичида гўё хазина яшириб қўйилган деган миш-миш чалинган экан. Чунки у бойликларни шамолга созуришга уста бўлиб, сира пулга тўймасди, ўйлагани пул, пул ва яна пул экан, ҳозир ҳам у пирамидани қандай ўмариш ҳақида ўйлаётган экан. Бироқ амаким Сепа маликанинг гапидан кулиб қўя қолибди. У, эҳром илоҳ Хуфунинг кўмилган жойи, унинг сирларига келсак, бу тўғрида ҳеч нарса билмайман, дебди. Бу сўзларни эшитиб, Клеопатра дарғазаб бўлибди ва тахтини шафе келтириб, пирамиданинг барча тошларини биттама-битта кўчириб олиш ҳақида буйруқ бераман, ўша хазинани топмай қўймайман, деб қасам ичибди. Амаким яна кулибди ва Искандарияда тез-тез тилга олинандиган бир мақол билан: “Шоҳнинг умри ҳисобли, тоғнинг умри аба-

дий”, деб жавоб қайтарибди. Клеопатра жилмайибди, зеро, унга бундай ҳозиржавоблик жуда ёқиб тушибди. Кейин амаким, эртага тонгда мана шу Клеопатра билан тагин кўришаман, чунки эртага унинг туғилган куни (дарвоқе менинг ҳам), у маъбуда Исида либосига чулганиб, Лохиас соҳилидаги ўз кошонасидан Серапеумга тантанали юриб боради, деди. У Серапеум ибодатхонасида ўша сохта маъбудга атаб қурбонлик қилар экан. Маросимни томоша қиламиз, кейин эса сени бир амаллаб саройга олиб кириш чорасини қидириб кўрамиз, сен ҳам Клеопатрани яқиндан кўрасан, — деди амаким.

Жуда чарчаганимдан зўрга оёқда турардим. Ухлаб ол, деб ётқи-зишди. Бироқ ўрганмаган жой, кўчадаги шовқин, эртанги кун ҳақидаги хаёллар уйқумни қочириб юборди. Осмон бўзара бошлаши ҳамон кийиндим-да, зинадан томга чиқиб, тонг отишини кута бошладим. Ниҳоят, уфқ ортидан қуёшнинг илк нурлари тарала бошлади ва оқ мрамор мўъжиза — Фарос маёғини ёритдию ўша заҳоти унинг ёғдуси ўчди ва бамисоли қуёш уни пуфлаб ўчиргандек, кўздан ғойиб бўлди. Сўнг қуёш нури Лохиас соҳилидаги саройлар ичига қуйилиб кирди, у ерда Клеопатра тунаган эди ва сарой бутунлай нурга кўмилди. Бутун сарой худди денгизнинг қоп-қора ва муздек кўксини безаб турган жавоҳиртдай, чарақлаб кетди. Шундан сўнг қуёш нури буюк Искандар Зулқарнайн мангу ухлаб ётган мақбара гумбазини оҳиста ўпиб қўйди-да, кириб ибодатхона ва саройларнинг тошлари ва минораларини ёритди, кўчамиздан сал нарида қад кўтариб турган машҳур Мусейон устун-миноралари орасига бостириб кирди, ибодатхоналарнинг улугвор биносидан ҳатлаб ўтди, у ерда маъбуд Сераписнинг фил суягидан ўйиб ишланган тасвири сақланарди, ва ниҳоят нурлар кучдан қолган каби, улкан ва маъюс Мақбара устига туша бошлади. Кундуз ёруелиги туннинг сўнгги кўлкаларини ҳайдади ва Искандариянинг барча катта-кичик кўчаларини ва тор кўчаларини ёрита бошлади, — ушбу тонг чоғи шаҳар шоҳ ридосидай алвонлашиб кўзга ташланар экан, ўзи ҳам ажиб бир шукуҳга тўлиб, шоҳона улугворлик касб этганди.

Шимол ёқдан шамол эсиб, денгиздаги туманни ҳайдаб кетди ва кўзим бандаргоҳнинг чуқур суви ва унда чайқалиб турган мингларча кемаларга тушди. Улкан Гептастадиум тўғони, айқаш-уйқаш кўчалар ва сонсиз уйлардан иборат шаҳар — дабдабали ва сервиқор Искандария кўз олдимда мана мен деб турарди, у ўз мулклари — баҳри муҳит ва Мариотис кўли ўртасида тахтада савлат тўкиб ўтирган маликани эсла-тиб юборди ва ҳаяжондан юрагим қафасдаги қушдай ўзини ҳар ён ура бошлади. Бу шаҳар, яна бошқа шаҳарлар мамалакатлар энди меники! Нима ҳам дердим, Искандарияни, Мисрни қўлга киритиш учун ҳар қанча курашса арзийди! Бу мўъжизавий, улугвор манзарани тўйиб томоша қилиб бўлгач, мен саховатли Исида шаънига дуолар ўқидим-да, томдан тушдим.

Пастдаги хонада амаким Сепа турарди. Мен унга Искандария узра қуёш қандай кўтарилишини томоша қилганимни сўзлаб бердим.

— Шунақами! — баланд овозда деди амаким ва бароқ қошлари остидан менга синчков қараб қўйди. — Хўш, Искандария сенга ёқдим?

— Ёқдим, дейсизми? Айни шу ерда, худди шу шаҳарда маъбудлар яшашини ўйладим!

— Ҳамма гап шунда! — ғазаб билан деди у. — Топиб айтдинг — бу ерда ёвузлик маъбудлари истиқомат қилади. Шаҳар эмиш! Йўқ, бу ҳамма бузуқлик ва фаҳш ботқоғига ботган пучмоқ, мадда боғлаган

яра, бузуқ ақдан униб чиққан сохта иймон дарахтзори. Оҳ, ундан лоақал бир дона тош ҳам қолмай йўқ бўлсайди, барча бойликларини тубсиз денгиз ютиб юборсайди, шундай кун келармикан деб нақадар интиқ эканимни билсайдинг! Бир замонлар қад кўтариб турган маль-ун ва манфур бу шаҳар вайроналарида чағалайлар қийқириб парвоз қилсин, юнонларнинг чиркин нафасидан заҳарланган шамол баҳри муҳит ва Мариотис кўли оралиғидан бутун бепоён кенгликда унинг вайроналари узра бемалол эса берсин! Эй шоҳ Хур Моҳ! Искандариянинг ҳашамати ва гўзаллиги қалбингни яралашига йўл қўйма, бу ҳашамат ва гўзалликдан чак-чак томиб турган заҳар чинакам иймонни барбод қилади, қадимги динимизнинг илоҳий қанотлари баланд парвоз қилишига йўл бермайди. Вақти-соати келиб, сен мамлакатни бошқарганинда бу лаънати шаҳарнинг кулини кўкка совурасан, Хур Моҳ, тахтингни ўз аждоларинг замонида турган жой – Мемфиснинг оқ деворлари оралиғига кўчирасан. Ҳеч қачон эсингдан чиқмасин: Искандария – бу Мисрнинг тобути олиб кириладиган муҳташам дарвоза. Токи у бор экан, у бутун дунё учун ланг очик – хоҳлаганлар кириб-чиқади, хоҳлаганлар талайди, ҳа, ҳар қанақанги сохта дин уругини сочаберади, Миср маъбудларини тепкилаб янчаберади!

Мен унга нима ҳам дердим? У ҳақ эди. Барибир шаҳар менга эртакдагидай гўзал туюларди! Биз нонушта қилдик, кейин амаким, энди борайлик, кўрайлик-чи, Клеопатра тантанали маросим билан Серапис эҳромига қандай қилиб борар экан? Малика ҳадеганда ичкаридан чиқиб келавермади, соат ўнларда чиқиб келса ҳам катта гап, искандариялик бекорхўжалар томоша деса ўзларини томдан ташлашдан ҳам қайтмайдилар, агар тезроқ бормасак, тўпланган қалин оломонни ёриб ўтиш амри маҳол бўлиб қоларди, одамлар аллақачон малика ўтадиган кўчаларда тўпланиб бўлганди. Биз ёғоч кўтарма устида жой эгаллаш учун йўлга тушдик, бутун шаҳарни Канон дарвозасигача кесиб ўтувчи кенг кўча ёқалаб ана шундай кўтарма ясалганди. Амаким ўша жойдан бизга олдиндан чипта сотиб олиб қўйган эди, чипта нархини арзон деб бўлмасди.

Халқ кўчаларни тўлдирганидан ёғоч кўтармага етиб олиш учун тирсақларимиз билан одамларни у ёқ-бу ёққа туртавериш, озмунча меҳнат қилмадик. Кўтарманинг томига бўз ёпилган, атрофи алвон-ёрқин газламалар билан ўраб чиқилганди. Биз ёғоч ўриндиқларга жойлашдик ва говур-гувур қилаётган, қўшиқ айтаётган ва турли тилларда баланд овозда гаплашаётган кўпмингкишилик оломонни томоша қила бошладик. Ҳаммаёқ гавжум, нина ташласанг ерга тушмасди. Бир неча соат ўтди. Ниҳоят, Рим легионларига ўхшаб зирх кийган аскарлар пайдо бўлди ва йўлни оча бошлашди. Уларнинг ортидан жарчилар чиқиб келди ва халқни тинчлантиришга чақирди, жавобан оломон баттар гувиллади, қўшиқ айтаётганлар эса қулоқларни қоматга келтириб, малика Клеопатра келмоқда, деб эълон қилишди.

Кейин кўчадан тантанали одимлар билан минг нафар Сицилия камончилари юриб ўтди, унинг ортидан минг нафар фракияликлар, минг нафар муқдонияликлар, минг нафар галлар ўтди. Барчалари ўз мамлакатларидаги жангчилар киядиган жанговар совут-зирхларда бўлиб, шунга яраша қуролланиб олишганди. Улардан кейин беш юз суворий чиқиб келди – булар қурол таъсир этмайдиганлар деб аталарди, чунки фақат одамлари эмас, балки отлари ҳам зирх ва совут билан қопланган эди. Қурол таъсир этмайдиганлар ўрнини ҳилпираган башанг кийим кийган, олтин чамбар таққан йигитлар ва қизлар

эгаллади — улар кун, тонг, оқшом, тун, ер ва осмонни тасвирлар эдилар. Шундан кейин кўплаб соҳибжамол аёллар изма-из чиқиб келди, улар ерга хушбўй мойлар тўкиб келар ва қийғос очилган гуллар сочиб, кўчани гиламдай қоплаб бормоқда эдилар. Бирдан оломон “Клеопатра! Клеопатра!” деб ҳайқирди барчанинг нафаси ичига тушиб кетди ва мен Исида либосини кийишга журъат этган аёлни кўриш учун олдинга интилдим.

Оломон гувилларди, одамлар бир-бирларини итариб, тобора зичлашиб борар ва мени кўчадан бутунлай тўсиб қўйганди. Энди бу ёғига бардош беролмасдим, кўтарма деворлардан сакраб ўтдим-да, оломон орасини ёриб, энг биринчи қаторга бориб олдим — айни пайтдаги куч-қувватим ва эпчиллигим туфайли бу мен учун қийин эмас эди. Шу аснода кўчадан печакгул чамбарли нубиялик қуллар чопиб келаятганига ва зилдай тўқмоқлари билан халқни уйларга қисиб олиб бориб қўяётганига кўзим тушди. Улардан биттаси дарров диққатимни тортди: гавдаси нақ филдай келади, кучини сурбетларча намойиш этарди, у ҳеч нарсага қарамасдан ўннга ва чапга зарбалар соларди — тўсатдан амал тегиб қолган пасткаш, олчоқ эмасми? Ёнгинамда боласини кўлида кўтариб олган, ташқи кўринишига қараганда мисрлик аёл турарди, нубиялик қарасаки, бир заифа ва кимсасиз бир хотин, сўйили билан унинг бошига айлангириб солиб қолди-ку. Хотин гуп этиб йўлга йиқилди. Халқ “оҳ!” деб юборди. Мен эса азбаройи қоним қайнаганидан ақлимни йўқотдим. Кўлимда зайтун ёғочидан қилинган таёқ бор эди, ҳалиги қора барзанги ерда оғриқдан гужанак бўлиб ётиб олган аёл ва унинг бағиллаб йиғлаётган боласи устидан қаҳ-қаҳ уриб қулганини кўрдим-у, таёғимни баланд кўтариб, унинг орқасига зарба бердим. Бор ғазабим билан зарба берганимдан қаттиқ ёғоч ҳам дош беролмай синиб кетди, барзангининг елкасидаги жароҳатдан қон отилди, чамбар япроқлари бирдан қизил тусга кирди. Ҳам оғриқ, ҳам ғазабдан ўкириб, — бўлмаса-чи, азоб берувчиларнинг ўзлари азобни кўтаролмайдилар, — у менга қараб ташланди. Халқ чекинди, фақат ҳалиги хотин ерда ётарди ва атрофимизда кичикроқ очиқ майдон ҳосил бўлганди. Нубиялик ваҳшийларча менга отилди, бироқ мен куч билан чўяндек муштимни унинг нақ қаншарига туширдим, — бундан бошқа қурол йўқ эди менда, — ва у чайқалиб кетди, қоҳин болта билан дастлабки зарбани берганда, қурбонлик ҳўкизи ана шундай ҳолга тушади. Оломон мени қўллаб-қувватлаб ҳайқира бошлади, улар муштлашувни томоша қилишни яхши кўришарди-да, нубиялик эса машҳур гладиатор эди, у ҳар доим ҳаммани энгиб келар экан. Ярамас бор кучини тўплади-да, оғзидан боди кирибшоди чиқиб, сўйилини боши узра ўйнаган ҳолда яна бостириб кела бошлади, у чаққон ҳаракат қилиб, шунақанги шиддат билан айлангириб солдики, агар мушукдай эпчиллик кўрсатиб бир четга сакраманимда, у миямнинг қатигини чиқариши тайин эди. Бироқ зарбнинг бор кучи ерга келиб тушди ва сўйил синиб, парча-парча бўлиб кетди. Оломон ҳайқириб юборди. Барзанги бўлса яна менга ташланди, қонга ташналигидан у қутуриб кетганди ва ҳеч нимани англамасди, иложи борича душманини тезроқ бир ёқлик қилса, ўлдирса, парча-буриш қилса — унга фақат шу керак эди. Бироқ мен “Хап, сеними” дедим-да, шартта томоғидан тутдим, — у шунақанги кучли эдики, мендан ўн баравар бақувват, фақат шу йўл билангина унга бас келиш мумкин эди, — бўғзидан жоним борича қиса бошладим. У катта-катта муштлири билан мени дўппослай кетди, мен эсам унинг гирибонидан тобора қаттиқроқ қисар, бошмалдоғимни кекирдагига чуқурроқ ботирар эдим. У майдонда гир айланарди, кейин бир амаллаб ўзини мендан ажратиш мақсадида

ерга йиқилди. Биз думалаб кетдик, аммо мен ҳамон унинг гирибонидан маҳкам тутиб турардим ва охири у бўғилиб хириллай бошлади-да, хушидан кетди. У пастда, тагимда ётарди, мен эса тиззам билан унинг кўкрагига тирандим-да, бир ёқлик қилишга ҳозирландим, бироқ амаким ва яна бир қанча одам мени нубияликдан ажратиб олишди-да, у ердан олиб кетишди.

Бу вақтда малика аравада биз томон яқинлашиб келаётганини пайқамаганимга ажабланмаса бўлади, олдимда фил одимлаб келарди, орқамдан арслонларни етаклаб олишганди. Муштлашувдан келиб чиққан олатасирдан маросим тўхташга мажбур бўлди. Мен бошимни кўтардим ва муштлашувдан қизишиб кетиб, базўр нафасимни ростладим, бошдан-оёқ қонга чапланиб кетгандим, зеро, нубиялик паҳлавоннинг бурни ва оғзидан оққан қон оппоқ кийимларимни бўяб ташлаганди. Шунда мен ҳақиқий Клеопатрани ўз кўзим билан кўрдим. Маликанинг араваси соф олтиндан ясалганди, уни сутдай оппоқ филлар тортиб келарди. Аравада Клеопатранинг ёнида юнон кўйлагига икки ғоят гўзал қиз тик турарди, бири ўнг томонда, иккинчиси эса чап томонда, улар ялтироқ елпигичлар билан маликани аста-секин елпир эдилар. Клеопатра бошига Исиданинг Ойнуسخа тожони кийиб олганди — эгри тилла шохлар ва улар оралигида Осириснинг тахти шаклидаги йирик тўлин Ой кўндирилганди, чарх билан икки бор айлантириб чиқилган. Булар бари кўк сиркори лочин қанотли олтин қалпоққа маҳкамланганди. Лочиннинг кўзлари қимматбаҳо тошлардан ясалган, қалпоқ тагидан эса маликанинг узун тим-қора сочлари тақимига тушиб турарди. Нафис, бежирим бўйни атрофидан елкасини зумуррад ва гавҳар қадалган кенг тилла маржон қошлаб олган. Панжаси ва тирсагидан юқорида — тилла билагузуклар, улар ҳам зумуррад ва лаъл маржондан, бир кўлида ҳаётнинг муборак тай деган калиди — тоза тоғ биллуридан таёқча. Яланг сийнасининг пастки қисмини илон тангачаларидек ялт-юлт қилувчи мато ўраб турарди, унга ҳам бошдан-оёқ жавоҳирлар қадаб чиқилган. У Кос оролида тикилган шойи кўйлак кийиб олган бўлиб, унинг ҳам ипи зардан йиғирилган, бўртиқ-бўртиқ бурмалар билан кўйлак йирик дур боғичли кафш кийган оёқларига тушиб турарди.

Булар барчасини бир қарашдаёқ илғаб олдим. Кейин маликанинг юзига кўз ташладим — шу чеҳра Юлий Цезарни мафтун қилган, Мисрни ерга кўмган эди ва келажакда Октавианни жаҳонгирлик рутбасига кўтариши керак эди. Қаршимда ҳамма томондан тўкис соҳибжамол юнон қизи турарди: ияги дум-думалоқ, лўпшигина, дудоқлари қиймоч учидеккина, бурни ғоятда нозик, қулоқларини мукамал шаклдаги чиганоқ дейсиз; ясси манглайи кенг, парилар сочидай силлик, тўлқин-тўлқин осилиб тушган ва қуёшда товланган жингалак сочлари тим қора эди. Камондек қошларию эгма киприклари бир-бирига ғоят муносиб. Уни мен гўзаллиги ва улуғворлиги гул-гул яшнаган, айна баркамол вақтида кўриб турардим. Унинг қир бинафшасидек ҳайратомуз даражада фаттон кўзлари ақлимни шошириб қўйди, бу кўзларда гўё сирларга тўла туннинг ўзи ухлаб ётарди. Бу кўзларни бепоён саҳрога ҳам ўхшатса бўлади, аммо улар тирик ва тийрак эди. Бир қорайиб, бир ёришиб, яна бир қарасанг, бирданига юлдуз тўла осмон қаърида дунёга келган порлоқ нурдай яшнаб кетувчи тунни ҳам эсга соларди. Ҳа, мен бу мўъжизани кўриб турардим, ҳолбуки уни эплаб тасвирлай олмас эдим.

Уша аснода дарҳол англаган нарсам шу бўлдики, бу аёл хуснининг қудрати унинг беқийёс гўзаллигидагина эмасди. Унда шундай бир сирли мафтункорлик, шундай бир жозиба бор эдики, улар маликанинг

тийиқсиз жозиба, эҳтирос тўла нури қалбидан отилиб чиқиб, тўғри сизнинг юрагингизга келиб санчилгандай бўларди. Зеро, бу аёл – бутун борлиги билан иштиёқ ва оташдан иборат бўлиб, бунақаси етти иқлимда олдин ҳам бўлмаган ва бундан кейин ҳам бўлмайди. Ҳатто у маъюс ўйга толганида ҳам жўшқин қалбидаги олов унинг чеҳрасига нур сочиб турарди. Аммо дилидаги ғамгинлик ариди дегунча унинг кўзлари кўшалок қуёшдай чарақлаб кетар, овози нозик, сирли мусиқадай шўх-шан жаранглаб чиқарди – бундай дақиқаларда Клеопатра қанақа бўлиб кетишини тасвирлаб бера оладиган инсон ёруғ дунёда топи-лармикан? Табиат унга эркак зотини илк дафъадаёқ ўзига тортиб оладиган энгилмас латофат инъом этганди, унга табиат эркак зотини ақлдан оздириш учун ҳам ҳусн, ҳам теран ақл ато этган эди. Қиз қалбида шу мафтункорлик билан, шу ақл билан ёнма-ён ёвузлик ҳам вояга етиб келар, бу чинакам иблисона қўрқувни билмас эди. Бу малика одамлар яратган қонунлар устидан кулар экан, эрмак учун салтанатларни босиб оларди ва қон дарёларининг тўлиб-тошиб оқишини табассум билан томоша қиларди. Булар барчаси унинг қалбида бир-бири билан чапишиб, биронта ҳам эркак забт ётолмайдиган Клеопатрани дунёга келтирганди. Момақалдироқдек раъдвор, йилдиримдек учкур, вабодек бешафқат, аммо сийнаси ичида аёл қалби уриб турган маликага бир бора нигоҳи тушган эркак уни бир умр унутолмасди. Унинг қўлидан не ишлар келишини ҳамма биларди. Мана шундай тавқи лаънатга яна гирифтор бўладиган дунёнинг ҳолига юз вой, минг войдир!

Оломон нега безовта бўлаётибди деб, Клеопатра лоқайдгина бошини буриб қаради ва ўша лаҳзада кўзларимиз бир-бири билан тўқнашди. Унинг кўзлари тим-қора эди ва гўё у, ҳаммасини кўриб турибман-у, аммо нима бўлганини тушунолмадим, деган маънода ҳайрон қолаётгандек эди. Кейин унинг кўзлари бирдан чақнаб кетди, ҳатто шамол турганда денгиз ранги ўзгаргандек, унинг кўзлари ранги ҳам ўзгарди. Аввалига газабдан бир ёнди бу кўзлар, кейин газаб ўрнини паришон қизиқиш эгаллади; мен ўлдирмоқчи бўлган девқомат нубияликнинг ерда чўзилиб ётган танасига кўзи тушганда ўзининг ўша энгилмас гладиаторини таниб қолди ва кўзида ҳайратга ўхшаш бир нима пайдо бўлди. Гарчи юз-андомида бошқа ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмаса-да, барибир малика бир оз юмшади. Бироқ Клеопатранинг фикрларини ўқимоқчи бўлган одам унинг кўзларига қарасин, чунки унинг чеҳрасида қандайдир ифодани илғаб олиш амримаҳол эди. У бурилиб, танқўриқчиларга бир нималар деди. Танқўриқчилар олдинга чиқишди ва мени маликанинг рўпарасига олиб боришди. Ҳозир мени қатл этишади деб, халқ пашша учса эшитилгудек сукут ичида кутар эди.

Мен қўлларимни кўксимда чалиштирганча малика рўпарасида турардим. Ҳа, мен унинг бемисл гўзаллигидан лол қолган эдим, аммо юрагимда унга, мана шу Худонинг бир аёл бандасига, маъбуда Исида либосини кийишга журъат қилган аёлга, менинг тахтимни тортиб олган зўравон шоҳга, Миср бойликларини олтин аравалару хушбўй мойларга совурувчи энгилтак аёлга нисбатан нафрат жўш урарди.

У менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, кемет тилида кўнғироқдек овозда сўради:

– Кимсан, ҳой мисрлик? – у барча лагий батламуслар ичида кемет тилини муқаммал биладиган ягона юнон эди. – Ҳа, сен мисрликсан, кўриб турибман, аммо шаҳрим кўчаларида менга йўл очиб берадиган қулимни калтаклашга қандай ҳаддинг сиғди?

– Менми? Исмин Хур Моҳ, – дангал жавоб бердим мен. – Мен мунажжимман, Сети эҳромининг бош қоҳини ва Абад шаҳар ҳукмдорининг асранди ўғлиман, тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолдим. Қулингизни калтаклаганим сабаби, эй малика, у ҳеч бир гуноҳ қилмаган мана бу хотинни сўйил билан урди. Агар гапларимда заррача ёлғон бўлса, марҳамат, халқдан сўранг.

– Хур Моҳ... – ўйчан овозда такрорлади Клеопатра. – Исминг табаррук исмлардан экан, афт-ангорингу хатти-ҳаракатларинг ҳам зодагонларга ўхшаб кетаяпти. – Кейин бўлган воқеаларни кураш посбонига мурожаат қилиб, ҳаммасини гапириб беришни амр этди.

Посбон ҳақиқатни яшириб ўтирмади, зеро, муштлашувда нубияликни енгганимда у менга хайрихоҳ бўлиб қолган эди. Посбоннинг сўзини тинглаб, Клеопатра ёнида турган елпиғичли қизга бир нима деди, қиз ниҳоятда гўзал эди, жингалак сочлари қалин ва ибоби кўзлари сим-сиёҳ. Қиз жавобан аллақандай сўзларни шивирлаб айтди. Шунда Клеопатра қулни яқинроқ олиб келишни буюрди. Посбонлар ҳушига келган нубияликни ўрнидан турғизишди ва у калтак билан уриб ерга йиқитган хотин иккаласини малика олдига олиб келишди.

– Итдан тарқаган, кўрқоқ! – ўшқирди у ўша-ўша кўнғироқдай овозда. – Кучим кўп деб мақтанасан-у, заифа хотинни урасан, аммо мана бу йигитча сендан кучлироқ экан, шундан енгилиб ўтирибсан, ифлос. Бўпти, ҳозир яхшигина сабоқ оласан. Энди яна аёл кишини уришни кўнглинг тусаб қолса, фақат чап қўлинг билан ура оласан. Ҳой посбон, бу қораялоқнинг ўнг қўлини чопиб ташла.

Шундай буйруқни бериб, малика аравадаги ўриндиққа ўзини ташлади, гўё яна уйқуга кетгандай кўзлари юмилди. Барзанги дод солиб, раҳм қилинг, деб ёлборар эди, аммо посбонлар уни тутишди-да, биз турган кўтарма супадаги тахта устига қўлини қўйиб, қилич билан чопиб ташлашди, сўнг чинқириб оҳ-воҳ қилаётган нубияликни у ердан олиб кетишди.

Тантанали юриш яна давом этди. Аравада бораётган малика ёнидаги елпиғичли қиз мен томон бурилиб қаради, кўзимиз кўзимизга тўқнаш келганда у гўё бир нимадан суюнгандай жилмайиб, бош ирғади, бу эса мени анча-мунча ўйлантириб қўйди.

Атрофда одамлар қувноқ шовқин солар, ҳамма мени табрикларди, энди сени саройга чақиришади-да, сарой мунажжими қилиб тайинлашади, деб ҳазиллашар эдилар.

Бироқ амаким иккаламиз фурсатни ганимат билиб, жуфтакни ростлаб қолишга ҳаракат қилдик ва уйга йўл олдик. Йўл бўйи амаким менинг аҳмоқлигимдан фиғони фалакка чиқиб келди, бироқ уйга келгач, мени кучоқлади-да, нақадар бахтиёрлигини, мен билан фахрланишини, анови паҳлавон нубияликни осонгина ер тишла-тиб, уйга омон-эсон қайтиб келганимдан хурсандлигини тан олди.

И б о б

Ушбуда Хармиананинг келиши ва Сепанинг газаби ҳақида ривоят қилинади.

Ўша кунни кечқурун кечки овқатни еяётганимизда уйимиз эшиги тақиллади. Эшикни очишди ва хонага бошдан-оёқ қора ёпинчикқа бурканган бир аёл кириб келди, ҳатто юзи ҳам кўринмасди.

Амаким ўрнидан турди ва аёл ўша заҳоти сирли сўзни айтди.

— Барибир келдим, — деди қиз мулойим оҳангда, — саройда бунақа тантана бўлиб турганда, кўпчиликни ташлаб қочиб келиш, ўлай агар, осон иш эмас экан. Лекин мен маликани бир амаллаб кўндирдим, иссиқ ва кўчадаги шовқин-сурондан бошим тарс ёрилай деяпти, деб баҳона қилдим, охири кетишимга рухсат берди.

— Бўпти, сиз иш қилибсан, — жавоб берди амаким. — Ёпинчиқни олиб ташла устингдан, бу ер хавфсиз.

Аёл ҳорғингина «ух» тортиб қўйди-да, боғични ечиб, ёпинчиқни эғнидан сириб олди, шунда кўз олдимида Клеопатранинг ёнида аравада уни елпиб турган ҳалиги соҳибжамол қиз пайдо бўлди. Ҳа, у ҳайратомуз даражада ҳусндор эди, эғнидаги мурсаги унинг нозик, сарвдек қомати ва ёш сийнасига ёпишиб турарди. Тилла чамбари тагидан осилиб чиқиб турган гажаклари қалин жингалак сочлари билан чатишиб кетганди, кафшларидаги тўғачалар ҳам тилладан эди. Нақш олмадек кулгичли чеҳраси янги очилган нилуфардек ерга қадалган эди, бироқ лабларида енгил табассум ўйнар, ҳар лаҳзада хондон ташлаб кулиб юборишга тайёрдек туюларди.

Унинг кийинишини кўриб, амаким хўмрайди.

— Нега бу ерга нафис кийимда келдинг, Хармиана? — совуқ оҳангда сўради у. — Онанг кийган либослар сенга ярашмайдими? Аёллигинга бориб, эркаланма, замона нозик. Сен бу ерга эркаклар юрагини забт этгани эмас, буйруқни бажаргани келгансан.

— Оҳ, отажон, нега газаб қиласиз? — муғомбирона ёзғириб деди қиз. — Ахир ўзингиз биласиз-ку, мен чўрилик қиладиган саройда анави малика бизни мисрча кийингани қўймайди, биз янгича урфда кийинишимиз керак экан. Агар сиз айтгандай кийинганимда, шубҳаланишлари мумкин эди, бунинг устига шошиб тургандим, — унинг оғзи гапда-ю, ўзи дам-бадам зимдан узун, қалин, хиёл юмуқ киприклари остидан менга қараб-қараб қўярди.

— Ҳа-ҳа, доим шунақа, — чертиб-чертиб гапирди амаким, қизнинг юзига ўткир нигоҳини қадаб, — албатта, сен ҳақсан, Хармиана. Ҳаётимнинг ҳар бир дақиқасида ичган онтингни эслаб туришинг керак, ўзингни бахш этган ишинг учун ҳам. Талабим шу: ортиқча ҳамма нарсани унут, тақдир сенга тавқи лаънат қилиб ато этган гўзаллигингни ҳам унут. Аммо борди-ю, тирноқча хиёнат қилгудек бўлсанг, бошингга тушадиган қасос ҳақида унутма — халқ ва Холиқнинг қасоси ҳақида! Сен адо этмоқ учун туғилган буюк вазифангни унутма, — амакимнинг кучли овози мўъжазгина хонада қулоғимизни батанг қилгудек гумбурлаб, газаби ич-ичидан тошиб чиқмоқда эди, — сенга ҳамма нарсага ўргатишдан, енгилтак Маликанинг ишончини қозонишинг учун ҳозир хизмат қилиб турган ўрнингга жойлаштиришдан ва (одамларнинг айтишларича), сен уни ҳурмат қилишингдан мақсад нима эканини ва бу мақсаднинг нечоғли муҳим эканини унутма. Бир лаҳза бўлса ҳам унутма! Шоҳ саройидаги ҳашаматлар сени маҳлиё қилмасин, Харимана, пок қалбингга губор қўнмасин, сени ўз вазифангдан чалғитмасин. — Амакимнинг кўзлари чақнар, жиккак ва нимжон одам гўё бирданига ўсиб, девдай бўлиб кетганга ўхшарди, дилимда унга эҳтиром ҳисси жўш урди.

— Тан оламан, Хармиана, — давом этди у, қизга яқинроқ бориб ва дўқ билан унга бармоғини нуқиб, — тан оламанки, гоҳо сендан шубҳаланиб қоламан. Икки кун бурун туш кўрибман: сен саҳро ўртасида турибсан, қўллариңгни осмонга қўтаргансан, нуқул куласан, осмондан эса қонли ёмғир ёғмоқда; кейин осмон Кемет мам-

лакати устига тушиб келди ва уни кафандай ўраб олди. Нима учун бунақа туш кўрдим, қизим, бу нимани англатади? Ҳозирча сен ҳеч қандай бемаъни иш қилганинг йўқ, аммо эҳтиёт бўл, борди-ю бирон нима сезиб қолгудек бўлсам, сен менинг жияним эканингни ҳам, буюк меҳримни ҳам унутама — ўша заҳоти ўласан ва сен бу қадар мағрурланиб юрганинг мана бу мафтункор рухсорингни, мана бу гўзал жисмингни қузғунлар чўқиб, шоқоллар тилка-пора қилгай, жонингни эса маъбудлар энг даҳшатли азобларга дучор этгайлар! Дафн этилмасдан ер устида шундоқ қолиб кетгайсан ва у дунёдаги сўроқ фаришталари қаҳрига учрайдиган жонинг ҳеч қачон жисминг билан қўшилмагай, бинобарин, Аменти оламида абадул-абад саргардонликка гирифтор бўлгайсан! Абадул-абад!

Амаким жим бўлиб қолди, унинг қўққисдан хуруж қилган газаби сўнди. Аммо бу хуруж у ирод қилган сўзлар ва кўрсатган хатти-ҳаракатлардан кўра менга шу нарсани яққолроқ исбот этдики, ташқаридан қараганда соддадил ва ҳазилкаш бу одамнинг қалби замирида буюк мақсадни кўзловчи теран эҳтирослар яширин экан ва у ўз мақсади сари телбаларча иштиёқ билан интиларкан. Қиз эса даҳшат ичиди ундан узоқлашди-да, ойдек юзини қўллари билан яшириб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Унақа деманг, отажон, менга раҳмингиз келсин! — Ёлворди қиз, томоғига ёш тикилиб. — Менинг гуноҳим нима? Ёмон тушлар кўрган бўлсангиз, уларни сизга мен юборибманми? Мен башоратгўй эмасман, тушингиз таъбирини билмайман. Буйруқларингизни жоним билан адо этаётirman. Бир лаҳза бўлса ҳам бу даҳшатли онтимни унутдимми? — Қиз титраб кетди. — Саройда айғоқчи вазифасини ўтамаяпманми ва ҳамма гапни миридан-сиригача сизга етказиб турмаяпманми? Ёш маликанинг меҳрини қозона олмадимми, у мени ўз синглицдай яхши кўрмайдими, нима десам, айтганимни қилмайдими? Буниси ҳам майли, унинг эркатойига айланиб улгурмадимми? Нимага мени кўрқитасиз, бундай жазолар билан дўқ қиласиз? — шундай дея у яна ҳўнграб юборди, йиғлаганида у янада гўзалроқ кўриниб кетди.

— Вой-бў, бас қил энди, — қизнинг сўзини бўлди амаким, — нима қилаётганимни ўзим биламан ва сени огоҳлантириб чакки қилганим йўқ. Бундан кейин фақат фоҳишаларга ярашадиган мана бу кўйлакни кийиб келиб, пок қизларимизни ҳақорат қилма. Сенинг силлиқ қўлчаларингни кўриб, завқланайликми? Биз киммиз ўзи — Мисрни қайтариб олишга азму қарор қилган ва ўзларини ҳақиқий Худони ҳурмат қилишга бағишлаган одамлармиз-ку! Хармиана, қаршингда сенинг яқин қариндошинг, оғанг ва шоҳинг турибди!

Қиз йиғидан тўхтади, хитонининг бари билан кўзларини артди ва улар яна ҳам мулоиймлашгандек бўлиб кўринди менга.

— Назаримда, эй шоҳ Хур Моҳ, суюкли оғам, — деди қиз, қаршимда таъзим қилиб. — Назаримда, биз бир-биримизни кўрганмиз.

— Ҳа, кўришгандик, синглим, — жавоб бердим мен хижолатдан шолғомдай қизариб, зеро, ҳеч қачон бу қадар гўзал қиз билан суҳбатлашмаган эдим. — Мен бугун нубиялик билан муштлашганимда, Клеопатранинг аравасида турган қиз сен эмасмидинг?

— Ҳа, мен эдим, — тасдиқлади қиз жилмайиб, унинг кўзлари чақнаб кетди, — бу жуда зўр олишув бўлди, анови қора алвастини фақат жуда кучли ва жасур жангчигина енгиши мумкин эди. Сизларнинг олишаётганингизни кўриб тургандим, гарчи сизни ҳали

танамасам-да, бу қадар мардонавор одам учун қўрққанимдан юрагим тўхтаб қолаёзди. Аммо бу қўрқув учун нубиялик билан ҳисобкитоб қилдим — Клеопатра посбонларга унинг қўлини чошиб ташлашга буйруқ бериши менинг маслаҳатим билан бўлган эди-да. Бу сиз эканингизни билганимда, унинг бошини олдираар эдим. — У менга бир қараб қўйди-да, яна жилмайди.

— Бўлди, кўп чўзманглар, — гапимизни бўлди амаким, — вақт тигиз. Қани, Хармиана, айтадиган гапингни тезроқ айтгин-да, саройга қайт.

Қизнинг юзи бирдан ўзгарди, у итоаткорона қўлларини олдинга қилиб жуфтлаштирди-да, бутунлай бошқача оҳангда сўзлай кетди:

— Фиръавн ҳазратларидан ўз чўриси гапларига қулоқ солишни ўтинаман. Мен отангизнинг марҳум укаси — амакингизнинг қизиман, эй фиръавн, шу боис менинг ҳам томирларимда шоҳ қони оқади. Мен ҳам Мисрнинг қадимги маъбудларини севаман ва юнонларни ёмон кўраман; сизни тахтда кўриш — менинг эзгу орзум, неча йиллардан буён шу орзумни қалбимда ардоқлаб келаман. Орзум рўёбга чиқиши учун, мен Хармиана, ўз насл-насабимнинг олийлигини ҳам унутиб, Клеопатранинг хизматига кирдим, зеро, тахтга ўлтириш онингиз келганида сиз босиб чиқадиган зинани шай қилиб қўйишимиз керак. Бу зина шай қилиб қўйилди, эй шоҳ.

— Энди биз қандай йўлларни ўйлаб қўйганимизни эшитинг, шоҳ акажоним. Сиз сарой одамига айланиб қолган бўлишингиз, у ерда тўқиладиган барча игвою фитналар, барча сир-асрорларга дохил бўлмоғингиз керак ва агар керак бўлса, бир неча ахта ва посбон бошлиқларини сотиб олишга ҳам тўғри келади — мен бир қанчасини ўз томонимга оғдириб ҳам олдим. Одамларингиз тайёр бўлганда, сиз Клеопатрани ўлдирасиз ва одамларнинг тўс-тўполонларидан фойдаланиб, дарвозага югуриб келасиз, мен ва ёрдамчиларим сизни яширамиз ва бизни олдиндан кузатиб турган одамларни ушлаб турасиз, биз томонга ўтишни хоҳламаган аскарларни қириб ташлайсиз ва Бруцеумни эгаллайсиз. Кўпи билан икки кундан кейин бу енгилтақлар макони Искандария сизнинг қўлингизда бўлади. Айни вақтда сизга содиқ бўлишга онт ичганлар бутун Миср бўйлаб қўлларидан қурол билан римликларга қарши оёққа турадилар ва Клеопатра ўлгандан ўн кун ўтгач, сиз ҳақиқий фиръавн бўласиз. Биз энг майда икир-чикирларгача муҳокама қилдик ва гарчи амакингиз мени кўп гуноҳлар қилгансан, деб шубҳаланса-да, ўзингиз кўриб турибсиз, шоҳ оғажоним, мен ўз ролимни яхшигина ёдлаб олганман, ёдлабгина қолмай, балки ижро ҳам этдим.

— Ҳа, сингилжон, кўриб турибман, — жавоб бердим мен, мана шу муштдеккина қиз — у эндигина йигирмага кирган эди, — бу қадар дадил режа тузганидан ҳайратда қотиб, зеро, фитнани бошқа ҳеч ким эмас, айнан у тузганди. Бироқ ўша кунлари мен Хармиана-ни яхши билмасдим. — Бўпти, давом эт. Клеопатра саройининг ишончли одами бўлиб қолиш учун нима қилишим керак?

— Эҳ оғажоним-а, бундан осони бор эканми? Мана, қулоқ солинг. Клеопатра хушрўй эркакларга ишқибоз аёл, сиз эса, — бу гапларим учун мени маъзур тутгайсиз, — ҳар жиҳатдан Худо тўқис қилиб яратган жонон йигитсиз. У бугун сизни пайқаб қолибди ва икки марта нолиш қилди: «Афсус, анави мунажжим йигитни қаердан топиш мумкинлигини билмаймиз, чунки нубиялик гладиаторни қуролсиз қўллари билан ўлдира оладиган мунажжим, албатта, буюк олим бўлади ва юлдузларни ўз кўнглидагидай қилиб жойлаш-

тиради», деди. Унга сизни қандай топишларини айтдим. Гапларимни яхшилаб эшитиб, қулогингизга қуйиб олинг, шоҳи жаҳоним Ҳур Моҳ. Кундузи Клеопатра ўз оромгоҳида ухлаб дам олади. У ердан бандаргоҳ устидаги боққа чиқилади. Туш чоғи сиз сарой дарвозасига бориб, менга Хармиана хонимни чақириб беринглар, деб талаб қиласиз, мен олдингизга чиқаман. Клеопатрага сизни топганимни айтаман, ва шундан кейин, у уйғонганда, Ҳур Моҳ, ўзингиз ҳаракат қиласиз. У нуқул тасаввуф, гайб сирлари мағзини чақмоқчи бўлади, бу унга севимли эрмак бўлиб қолган ва тунлари субҳи содиққача томда ўтириб, худди бир нарсани биладигандай юлдузларни кузатади. Яқинда у сарой табиби Диоскоридни ҳайдаб юборди, чунки шўрлик табиб юлдузларнинг ҳолати Кассий билан жангда Марк Антонийнинг мағлубиятидан дарак бермоқда, деб айтганди. Клеопатра ўша заҳоти бош саркарда Аллиенга яна бир қанча легионни Антоний жанг қилаётган Шомга жўнатишга буйруқ берди. Диоскориднинг башоратига кўра, юлдузлар ҳолатига мувофиқ, Антоний жангни бой бериши керак эди. Аммо бари бунинг акси бўлиб чиқди: Антоний аввал Кассийни, кейин Брутни тор-мор келтирди, Диоскорид эса саройни тарк этишга мажбур бўлди. Энди у очликдан ўлмаклик учун Мусейонда шифобахш гиёҳларнинг хоссалари ҳақида маърузалар ўқияпти, энди у ҳатто “юлдуз” сўзини эшитгани ҳам тоқати йўқмиш. Сарой мунажжимининг ўрни бўш турибди, уни сиз эгаллайсиз ва биз шоҳ тахти соясида паноҳ топиб, хуфия иш олиб борамиз. Пишган мевани кемириб еб-еб, қурт унинг юрагига етиб боргандайин, сиз ҳам юнон қизининг тахту тожи остига сув қуйиб борасиз, тахт қулаганда, уни тор-мор келтирган лочин яширинишга мажбур бўлган қуртлик ниқобини ечиб ташлайди ва Миср узра, кейин эса бошқа мамлакатлар узра ўзининг шоҳона қанотларини мағрур ёяжак.

Мен сеҳрланган каби бу ғалати қизга қараб қолдим, зеро, у мени лол қолдирганди — унинг чехраси тўлинойдай порлаб турар эди, гўзалликнинг бундай тимсолини ҳеч қачон кўрган эмасман.

— Худого шукр, — деди амаким, у ҳам қиздан кўзини узмай қараб қолганди, — Худого шукр, мен сени энди танидим, энди сен ўша Хармианасан, мен меҳр билан парвариш қилган Хармианасан, Қимматбаҳо шойи-атласларга бурканган ва хушбўй мойлар суртиб олган сарой фоҳишаси эмас. Садоқатинг барқарору бардавом бўлсин, Хармиана, юрагингда алангаланиб турган музаффар ва ғолиб Ватанга севги ўти асло сўнмасин, тақдир ўзи сени ёрлақагай. Энди эса чодрани мана бу фаҳш ҳиди анқиб турган кўйлагинг устидан ташла-да, йўлга туш, вақт кеч бўлиб қолди. Эртага туш чоғи Ҳур Моҳ сарой дарвозаси олдига келади, уни кутиб ол. Хайр, Хармиана.

Хармиана Сеп амаким ҳурматига бош эгиб қўйди-да, қора чодрасига чулғанди. Кейин менинг қўлимдан тутди ва ўпиб қўйди, сўнг бир оғиз ҳам сўз айтмай, кўздан ғойиб бўлди.

— Ғалати қиз! — деди амаким у кетгач, — жуда ғалати, нима дейишини, нима иш қилишини ҳеч қачон билмайсан.

— Назаримда, амаки, — дедим, — сиз унга жуда кўпол муомала қилдингиз.

— Ҳа, тўғри, кўпол муомала қилдим, — хўрсинди у, — аммо бунга унинг ўзи сабабчи. Қулоқ сол, сенга бир гап айтаман, Ҳур Моҳ: Хармианага қаттиқ ишониб юборма. У ҳаддан ташқари ўзбилармон қиз, мен унинг беқарорлигидан кўрқаман. У аёл, миясидан товонигача аёл, асов отни жиловлаб олса бўлади, аммо буни жиловлашнинг иложи йўқ. Ҳа, у ақлли ва дангалчи, у Мисрни ажна-

бий зўравонлар зулмидан халос этишга муштоқ, аммо мен Худога ёлбораманки, унинг бу буюк ишига бўлган ихлоси унинг ҳойу-ҳаваслари орасида қолиб кетмасин. Зеро, у бирон нимани қўнгли тусаб қолса, бошқа ҳамма нарса аҳамиятсиз бўлиб қолади, қандай қилиб бўлмасин, мақсадига эришмай қўймайди. Ҳозир уни бир оз чўчитиб қўйганим яхши бўлди, ҳозирча у менинг ҳукмим остида: борди-ю, бир кун келиб у бирдан саркашлик қилиб қолса, мен бунга тайёрман. Ўзинг ўйлаб кўр, бу қиз қанчалаб одамларнинг ҳаётини қўлида ушлаб турибди, борди-ю, у бизга хиёнат қилса-чи, унда нима бўлади? Афсус, кунимиз бир аёлга қолгудек бўлса, шўримиз қурибди-ку. Аммо у бизга ёрдам берди, бошқа йўли ҳам йўқ эди-да. Барибир ҳам қўнглимга гулгула тушди. Худога ёлбораман, ўйлаган ниятларимиз ўнгидан келсин-да. Аммо туриб-туриб, жияним Хармианадан хавотирга тушаман — у ҳаддан ташқари сулув, ҳаддан ташқари ёш, томирларида оқиб турган қон эса ҳаддан ташқари қайноқ.

Ҳайф ул меъморларгаким, аёл садоқати пойдевори устида бино кургайлар; аёл севиб турганида вафодор, севмай қўйдими — вафоси ҳам хиёнатга айланади. Эркак киши мардроқ, дўстларни ташвишга қўймайди, хиёнат қилмайди, аёл эса — ўзгарувчан хилқат, у денгизнинг ўзгинаси — ҳозир у тинч ва мулойим, кечга бориб эса бўрон қўзғолади, тўлқинлар кўкка сапчийди ва кемалар тубсизликка тушиб кетади. Хармианага қаттиқ ишониб қолма, Ҳур Моҳ, у Баҳри муҳит тўлқинига ўхшайди, кемангни қадрдон соҳилга суриб келиши ҳам мумкин ва ҳалиги тўлқинлар каби уни мажақлаб, одамлари билан чўктириб юбориши ҳам мумкин. Худо асрасин, одамлар билан биргаликда Мисрнинг сўнгги умиди ҳам фарқ бўлмасайди!

Ш 6 0 6

Ушбуда Ҳур Моҳнинг шоҳ саройига келгани; Павелни мажбур қилиб дарвозадан киргани; ухлаб ётган Клеопатрани кўргани ва унга ўзининг фолбинлик санъатини намойиш этгани ҳақида ривоят қилинади,

Эртаси куни Хармиана тузган режани бажаришга тайёрланар эканман, сеҳргарлар ва мунажжимлар киядиган кенг ва узун ридони эгнимга илдим, юлдузлар билан кашталанган бўркни бошимга қўндирдим, камаримга эса мирзанинг қаламдони ва бошдан-оёқ диний рамзлар ва битиклар билан қопланган папирус ўрамини қистирдим. Қўлимда учи фил суягидан ясалган обнус таёқчасини ушлаб олгандим — булар қоҳин ва бахшининг зарурий ашёлари эди. Дарвоқе, фолбинлик санъатида мен зўр маҳоратга эришгандим, гарчи амалда сира қўллаб кўрмаган бўлсам ҳам, Анода яшаганимда қадимги билимларнинг сир-асрори тагига етган эдим. Шундай қилиб, уятдан хижолат чекиб (чунки сохта қилиқлар билан муғомбирона томоша кўрсатувчилар нафратимни кўзғатарди ва дайди башоратчиларнинг маъносиз амалларини қилишни ўзимга нисбатан ҳақорат деб билардим) амаким ҳамроҳлигида Лохиас соҳилидаги шоҳ саройига йўл олдим. Биз шаҳар маркази Бруцеумдан, кейин Абу Ҳавл — Сфинкслар хиёбонидан юриб ўтдик, ниҳоят, рўпарадан мрамор девор ва мис дарвоза кўзга ташлан-

ди. Дарвоза ортида посбонларнинг хужралари бор эди. Сеп амаким мени шу ерда қолдирди, маъбудалардан мени ўз паноҳида асрашларини ва омад бахш этишларини тилади. Бироқ дарвоза томон дадил яқинлашиб бораётган эдимки, йўлимни ўша заҳоти посбон олмонлар тўсиб чиқишди ва исмимни сўрашди, нима иш қилишимни ва кимнинг олдига келганимни айтишимни талаб қилишди. Мен, исмим Хур Моҳ, касбим мунажжимлик эканини, маликанинг маҳрамларидан Хармиана хонимда ишим борлигини айтдим. Шу сўзлардан кейин посбонлар мени ичкарига қўйиб юбормоқчи бўлишганди, бироқ уларнинг бошлиғи, Павел деган римлик олдинга чиқди-да, “Бунақаси кетмайди, уни ичкарига киритиш асло мумкин эмас!” деб туриб олди. Павел баланд бўйли ва қориндор одам бўлиб, башараси хотинчалиш эди, ичкиликдан қўллари қалтираб турарди. Афтидан, у мени таниб қолганди.

– Йўқ, ўзинг бир қарасанг-чи, – қичқирди у ўзининг она тилиси лотинда ёнидаги ошнасига, – бу кеча нубиялик гладиаторни сал бўлмаса бўғиб ўлдириб қўяёзган йигитнинг ўзи; нубиялик ҳалигача деразам тагида вой-войлайди – ахир унинг қўлини чопиб ташлашди. Итдай ўлиб кетмайдами бу қораялоқ! Мен унинг жангига пул тиккан эдим, у Кай билан олишиши керак эди. Энди эса тамом, у ҳеч қачон майдонга чиқолмайди, ақчаларим йиғлаб кетди, ҳаммаси мана шу мунажжимни деб бўлди. Нима деганинг боя— Хармиана хонимда ишим бор деганимнинг? Ҳе, йўқ, аввал қўйсам ҳам энди қўймайман сени ичкарига. Саройга киришни хаёлингга ҳам, келтирма, оғайни. Ахир мен Хармиана хонимни қаттиқ севаман, биз ҳаммамиз уни севиб қолганмиз, лекин афсуслар бўлсинки, у севгимизни бир пулга олмайди, эрмак қилади, холос. Сен ҳали бизни шундай рақиб – мунажжимни ўз даврасига қўшади деб ўйладингми? Тагин фариштадай хушсуврат, бунинг устига паҳлавон йигитчани-я? Бохус ҳаққи, қасам ичаманки, сени ҳеч қачон ошиқлар сафига қўшмаймиз! Саройга киришингга йўл қўймаймиз, борди-ю, учрашувга келишган бўлсаларинг, унинг ўзи чиқсин олдинга.

– Эй, муҳтарам жаноб, – дедим мен ҳурмат ила, аммо мағрурлик билан, – илтимос, Хармиана хонимга одам юбор, зеро, менинг ишим бир дақиқа ҳам кечиктириб бўлмайдиган иш.

– Эй қодир Худо! – қаҳ-қаҳ урди нодон посбон. – Кутолмайдиган ким бўлибсан ўзи? Кийимини ўзгартирган рум қайсарими? Қани, қорангни ўчир-чи, тез бўл, акс ҳолда найзам ортингдан кириб, олдингдан тешиб чиқади.

– Шошма, – тўхтатди уни бошқа посбонлар бошлиғи, – у мунажжим экан, қани мунажжим бўлса, қисматимизни билиб берсин-чи, қандай найранг кўрсатар экан?

– Ҳа, тўғри, – шовқин солишди энди тўпланиб, бутун бир оломонга айланган посбонлар, – келинлар кўрайлик-чи, нималарга қодир экан? Агар у афсунгар бўлса, дарвозадан киради ва ҳеч қанақа Павел-Мавел унга чўт бўлмай қолади.

– Жоним билан фол кўраман, муҳтарам жаноблар, – жавоб бердим мен, зеро, дарвозадан кириб олишим учун бундан бошқа усулни кўрмаётган эдим, – ичингизда энг ёши ва ҳурматлиси сендирсан, оғайни, – мурожаат қилдим Павелнинг шеригига. – Кўзингга шундоқ тикилиб қарасам майлими? Балки кўзингга нималар ёзилганини ўқисам, ажаб эмас.

– Қарасанг қарайвер, нима бўпти, – жавоб берди йигитча, – лекин мен башоратчи ролига Хармиана хонимни маъқул кўрган бўлардим. Худо ҳаққи, бир тўйиб томоша қилиб олардим.

Мен унинг қўлидан тутдим-да, нигоҳимни унинг кўзларига қададим.

— Жанг майдонини кўраяпман, — дедим, — тун, ҳамма ёқда мурдалар, улар орасидаги битта мурданинг томоғидан ёлдор бўри ғажияпти. Муҳтарам жаноб, бир йил ўтар-ўтмас, қиличдан ўлар экансан.

— Бохус ҳаққи, бунақа башоратчиларнинг юзини тескари қилсин Худо! — қичқириб деди йигитча, бир оқариб, бир кўкариб ва ўша заҳоти қорасини ўчирди. Нафсиламрини айтганда, кўп ўтмай башоратим тўғри чиқди. Уни жанг қилгани Қибрисга жўнатишибди ва ўша ерда жанг майдонида ҳалок бўлибди.

— Энди сенинг навбатинг, эй шавкатли бошлиқ! — дедим мен Павелга мурожат этиб. — Мен сенга рухсатингсиз ҳам мана бу дарвозадан қандай кириб олишни кўрсатаман, бунинг устига сен ҳам кирасан, аммо менинг ортимдан юриб кирасан. Малол келмаса, шоҳона нигоҳларини таёқчанинг мана бу учига тикиб олсинлар, — шундай дея мен таёқчамни кўтардим.

Шерикларимнинг бўл-бўли билан у истамайгина айтганимни қилди ва мен то унинг кўзлари бойўғли кўзларидай бир нуқтада қотиб қолмагунча таёқчанинг оппоқ учига тикилиб туришга мажбур этдим. Шунда мен таёқчани кескин туширдим-да, кўзларимни унинг кўзларига тўқнаштирдим, нигоҳим билан иродамни ҳам унинг кўзига қададим ва аста-аста бурилиб, уни ортимдан етаклаб кетдим, бу орада римликнинг қотиб қолган кибрли юзи юзимга теккудай яқин келиб қолганди. Мен ўшандай аста-аста одимлай бошладим ва ҳамон уни ўзимга эргаштирганча дарвозадан кириб олдим, кейин эса бошимни кескин бир четга олдим. У гуп этиб ерга қулади. Бир оз ётди ва манглайини артганча ўрнидан тура бошлади; кўриниши ҳаддан ташқари аҳмоқона эди.

— Хўш, кўнглинг тўлдими, посбонларнинг аълоси? — сўрадим. — Кўрдингми, биз дарвозадан кириб олдик. Хўш, муҳтарам жаноблардан яна ким санъатимни намоиш этишимни истайди?

— Йўқ, момақалди роқ маъбуди Таранис ва кўшимчасига барча Олимп маъбудлари ҳаққи қасам ичаман! — деб қичқирди Бренн деган кекса галл-центурион. — Менга қара, мунажжим, сен менга ёқмаяпсан. Фақат нигоҳ кучи билан мана шу дарвозадан Павелимизни етаклаб олиб ўтган одамдан нарироқ туриш керак. Ахир бу Павел шу пайтгача ҳеч кимнинг гапига кирган эмас, ўжар эди, хўш, аслида-чи, мана, кўриб турибсизлар! У фақат ёруғ дунёда икки нарсага бўйсунади — шаробга ва аёлга. Сен эса, кўз очиб-юмгунча уни сеҳрлаб қўйдинг.

У жим бўлиб қолди, чунки мрамор йўлакда қуролланган қули ҳамроҳлигида Хармиана кўринди. У сайр қилиб юргандек, қўлларини орқасига қилиб ва ўз ўйи билан банддек, шошмай одимлаб келарди. Айнан мана шундай дақиқаларда, ўзини паришонхотир бир ҳолатга солганида, Хармиана энг майда икир-чикирларгача пайқар эди. У яқинлашиб келди ва посбонларнинг бошлиқлари унга пешвоз чиқиб, таъзим бажо келтирдилар, зеро, бу қиз Клеопатранинг энг яқин ва ишонган маҳрами бўлиб, саройда унинг айтгани айтган, дегани деган экан.

— Нима шовқин, Бренн? — мурожат қилди у центурионга, мени кўрмаганга олиб. — Наҳотки худди шу паллада малика ухлашини ёдингдан чиқарган бўлсанг, Худо кўрсатмасин, агар уни уйғотиб юборсанг борми, аввал сен жазога тортилсан, жуда қаттиқ жазога!

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, эй маликам, — итоаткорона деди галл-центурион, — ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман. Дарвозага бир афсунгар келди, — у бармоғи билан мен томонни кўрсатди, —

ўтакетган сурбет экан, э, кечирасиз, ўз касбига устаси фаранг экан, демоқчи эдим, зеро, у ҳозиргина кўзларини муҳтарам Павелнинг кўзларига тикиб, уни эргаштириб кетди, биласизми, худди шу Павелни шундай қилди, бошқа бировни эмас, у билан дарвозадан ичкарига кириб олди, бўлмаса Павел ўлсам ўламанки, бу афсунгарни ичкарига қўймайман, деб онт ичган эди. Шу билан тугай қолса майли эди-я, хоним, бу афсунгар эса сизда иши борлигини айтди, шундан кейин менга жуда алам қилиб кетди, баттар ташвишга тушдим.

Хармиана бошини буриб, беихтиёр менга қаради.

— Э-ҳа, эсим қурсин, — бепарво оҳангда деди у, — мен унга ростдан ҳам кел деган эдим, балки у ўзининг илму амали билан маликамизнинг кўнглини чоғлар; модомики, афсунгар ширакайф посбоннинг бурнидан ип ўтказиб, у қўриқлаши лозим бўлган дарвозадан киришга қодир экан ва бор-йўқ ҳунари шунга ўхшаш бўлса, унда унинг саройимизда қиладиган иши йўқ деб билмоқ керак. Шундай бўлса ҳам, майли, кўрайлик. Қани, юр ортимдан, жаноб афсунгар; сен эса, Бренн, анови бақироқларни тинчит, шовқин солишмасин. Сенга эса, аслзода Павел, маслаҳатим шу: тезроқ хушингни йиғ ва гапларимни қулофинга қуйиб ол — борди-ю, битта-яримта одам дарвозага яқин келса ва мени сўраса, галга солмай, дарҳол хузуримга олиб кир, — дея Хармиана амирона бош ирғаб қўйди, орқага ўгирилди ва саройга қайтди, мен ва қуролли қул одоб билан унга эргашдик.

Биз боғ бўйлаб чувалиб кетган ва ҳар иккала томони маъбуд ва маъбудаларнинг мармар ҳайкаллари билан безатилган мармар сўқмоқлардан одимлаб борардик, зеро, лагийлар бу мажусийлик санамлари билан Миср шоҳининг қароргоҳини ҳақоратлашдан андиша қилишмаганди. Ниҳоят, нақшин устунлар қад кўтарган маҳобатли айвонга яқинлашдик — бу энди юнон меъморчилиги дурдоналари эди. Айвонда яна бир нечта посбон бор эди, аммо барчалари Хармиана хоним олдида эҳтиром билан орқага сурилиб, йўл очишди. Айвондан ўтиб, мармар атриумга кириб келдик, унинг ўртасида оҳиста шилдираб фаввора отилиб турарди, атриумдан пастак эшик орқали навбатдаги боргоҳга ўтдик, у Ганчкори Танобий деб аталар ва эртақлардагидай гўзал эди. Унинг шифтини қора мармардан қилинган енгил устунлар кўтариб турарди, аммо барча деворлари ялтироқ оқ ганч билан ороланганди, уларга эса юнон афсоналаридан манзаралар тасвирланганди, сербўёқ мухташам қуроқ тасвирда Психеяга ва юнонларнинг ишқ маъбуди Эротга бағишланган манзаралар чекилганди; танобий ичида фил суяги ва олтиндан ясалган оромкурсилар териб қўйилганди.

Хармиана қуролли қулга шу боргоҳ эшиги тагида қолишини амр этди ва биз икковимиз ичкарига кирдик, агар тушириб қўйилган парда олдидаги чекка девор тагида қиличларини яланғочлаб турган икки ахта қулни ҳисобга олмаганда, боргоҳ бўм-бўш эди.

— Дарвоза олдида сизни бу қадар камситишларидан, жуда хафа бўлиб кетаяпман, — ийманиб ва овозини хиёл чиқариб шивирлади Хармиана. — Гап шундаки, посбонлар икки муддат туришди, мен сарой муҳофазаси бошлиғига уларни алмаштиришни буюрдим. Бу рим центурионлари ўлгудек сурбет бўлишади, ўзларини худди бизга хизмат қилаётгандек тутишади, ҳолбуки Миср уларнинг қўлида ўйинчоқ эканини яхши билишади. Лекин улар билан тўқнашганимиз бир ҳисобдан яхши ҳам бўлди, чунки бу жоҳиллар ўтакетган бидъатчи, энди сиздан юрак олдириб қўйишди. Сиз шу ерда тура туринг, мен эса Клеопатранинг оромгоҳига ўтиб келаман. Маликамни яқинда

қўшиқ айтиб, аллалаб ухлатгандим, агар уйғонган бўлса, сизни унинг ҳузурига олиб кираман, зеро, у сизнинг келишингизни бетоқатлик билан кутаётибди. — Шундан сўнг бир оғиз ҳам гапирмай, Хармиана унсиз одимлаб кетди.

Бир оздан сўнг у қайтиб келди ва шивирлаб деди:

— Дунёдаги энг гўзал аёлни ухлаб ётганида кўришни истайсизми? Унда, юринг ортимдан. Қўрқманг: мабодо уйғониб кетса, у фақат хурсанд бўлади, чунки келган заҳотингиз сизни ҳузуримга олиб кир, деб буюрган эди, ҳатто ухлаб ётган бўлса ҳам. Мана, кўринг, унинг муҳри менда.

Биз муҳғашам танобийни кесиб ўтдик ва парда олдида қиличларини яланғочлаб турган ахтақуллар олдида бордик, соқчилар ўша заҳоти йўлимни тўсишди. Бироқ Хармиана қошини чимириб, сийнасига яширган муҳрни чиқариб, уларга кўрсатди. Улар муҳрдаги ёзувни ўқишди, Хармиана олдида бошларини эгиб, қиличларини туширишди, оғир, зардўзи пардани суриб очишди ва биз Клеопатра ухлаб ётган хобгоҳга кириб бордик. Хобгоҳнинг гўзаллигини тасвирлашим қийин эди — турфа рангдаги мраммар, олтин, фил суяги, жавоҳирот, гуллар — чинакам санъат ижоди ҳисобланган, фақат орзу қилиш мумкин бўлган ҳамма аъло нарсалар шу ерда эди. Бу ердаги сувратлар ҳаммаси жонли ишланган, қушлар рассом мўйқалами яратган меваларни ана чўқийман, мана чўқийман деб турибди; бу ерда аёлларнинг ноёб гўзал хатти-ҳаракатлари мраммарга абадий муҳрланиб қолган; бу ердаги мовутлар шойидай нафис ва мулойим, аммо кундал билан тўқилган; бу ерда тахтиравонлар ва гиламлар бўлиб, бунақасини мен ҳеч қачон кўрган эмасман. Ҳавода енгил хушбўйлик анқийди, очиқ деразадан узоқдаги денгиз шовқини келиб турибди. Хобгоҳнинг қарши томондаги тўрида жойлашган, энг нафис шойи парда билан тўсилган тўшақда Клеопатра маст уйқуда ётибди. Қачонлардир эркаклар кўзи тушган аёллар ичида энг соҳибжамоли, орзудек гўзал Клеопатра тўлқин-тўлқин тимқора сочлари ёйилиб ётарди, оппоқ ва силлиқ бир билагини боши тагида, иккинчи қўли эса пастга осилиб тушган. Дўмбоқ дудоқлари енгил табассумдан хиёл очиқ, улар ичидан худди фил суягидан ясалгандай текис ва оппоқ тишлари йилтиллаб кўринадди, ухлаганда кийиб оладиган хильвати устидан жавоҳирот қадалган камар таққан, кўйлагини Кос оролидан келтирилган шунақанги нафис шойидан тикилган эдики, унинг ичидан оқ-пушти бадани яққол кўриниб турарди. Мен ҳангу манг бўлиб туриб қолдим ва гарчи хаёлларим аёллардан узоқ бўлса-да, маликанинг ҳусни тароватидан ҳушим оғиб қолди, бир лаҳза жамолининг қудратига тан бериб, ҳамма нарсани унутдим, бу тариқа мафтункор хилқатни ўлдиришим кераклигини ўйлаб, юрагимни нимадир тилиб ўтгандай бўлди.

Клеопатрадан кескин юз ўгириб, Хармиана ўзининг зийрак кўзларини менга қаттиқ тикиб, тўғри юрагимга кириб олмоқчидай бўлиб турганини кўрдим. Тўғри, кўнглимдаги гаплар юзимда акс этгани ҳақиқат эди ва у бунини уқиб турарди. У қулоғимга шивирлаб деди:

— Ишингиз жуда қийин, тўғрими? Ҳур Моҳ, сиз бор-йўғи эркак-сиз, сизнинг мардоналигингизни қўллаб-қувватлашим ва сиз ўйлаган нарсани амалга ошириш учун ўз сирли билимларингизни бор қудрати билан ишга солишингиз зарур бўлмасмикан деб кўрқаман!

Мен қошимни чимирдим, аммо жавобан ҳеч нарса айтишга улгурмадим, зеро, у қўлини аста қўлимга текизди ва маликани кўрсатди. Клеопатрага нимадир бўлди, қўллари мушт бўлиб тугилди, уйқудан ловиллаган юзи кўрқувдан тундлашди, нафаси қисилди, у зарбадан

химоялангандек қўлини олдига ташлади, сўнг бўғиқ «оҳ» тортиб, туриб ўтирди-да, қўлдай теран кўзини очди. Кўзлари тимқора эди; бироқ уларга ёғду кириб борди ва улар кўкимтир тус олди – тонгги осмондек мовийлашди.

– Цезарион! – қичқирди Клеопатра. – Қани ўғлим, қани Цезарион? Худога шукрки, булар тушимда бўлган экан! Туш кўраётган эканман, Юлий, аллақачон ўлиб кетган Юлий Цезар қон сачраган кийимда олдимга келди, ўглини бағрига олди-да, кўтариб олиб кетди. Кейин яна туш кўрдим, тушимда ўлаётганмишман, қонга беланиб, азоб билан жон бераётганмишман, кўзга кўринмас кимдир эса устимдан қулаётган эмиш... Эй маъбудлар, бу эркак ким бўлди?

– Тинчланинг, маликам, тинчланинг! – деди Хармиана. – Бу бор-йўғи мунажжим Хур Моҳ, уйғонганимда уни ҳузуримга олиб кел, деб ўзингиз амр этгандингиз-ку.

– Ҳа, мунажжим, гладиаторни енгган ҳалиги Хур Моҳми? Энди эсимга тушди. Келганингдан хурсандман. Қани айт-чи, мунажжим, афсункор кўзгуда тушимнинг таъбирини кўра оласанми? Туш дегани ҳам жуда ажиб нарса бўлади-да, у зехнимизни зулмат тўри билан чирмайди-да, ўзига қаттиқ бўйсундириб олади. Бу кўрқинчли тушлар қардан келаркин-а, нима учун улар кундузги осмонда кўққисдан пайдо бўлган Ойдаи, қалбимиз уфқидан бош кўтариб чиқадилар? Хотирамиз қаърида бу тимсолларни қандай кучлар чақириб оларкин, уларга ким бу қадар муқаррар ҳаёт бахш этади ва улар бизга нақадар азоб-уқубатлар беради, ўтмиш билан ҳозирни бақамти қилади? Начора, бундан чиқди, улар даракчилар экан-да? Бундан чиқди, биз уйқу деб атайдиган чала ўлик вақтимизда улар шууримизга кириб оларкан-да, бир вақтлар тақдирнинг узилган ришталарини боғлар экан-да? Тушимда кўрганим Цезарнинг ўзи эди, ишончим комил, аммо ридосига ўраниб ёнимда турган, эсимда қолмаган мудҳиш сўзларни гўлдираб айтган одам кимлигини билмайман. Менга шу жумбоқни ечиб бер, Миср сфинкси ва мен сенга юлдузлар ҳам бермайдиган бахт ва бойлик йўлини кўрсатгайман. Сен менга каромат олиб келдинг, энди уни ўзинг тушунтириб бер.

– Ҳузурингизга вақтида келдим, эй маликаи улё, – жавоб бердим мен, – билсангиз, мен тушнинг баъзи сирларини англаб етдим, уйқу эса, сиз тўғри топиб айтганингиздек, гоҳо қалбимизга чироқ ёқиб, Осирис васлига восил бўлганлар воситасида гоҳо бизга сирни ошкор қилади ва улар рамзий ишоралар биланми, ё сўзлар биланми, Ҳақиқат Салтанатида янграган сўзларнинг акс садосини қулоғимизга еткази, оқил ва огоҳ бандалар бу аломатлар сирини англай оладилар. Ҳа, уйқу – бу зинапоя бўлиб, ундан Худонинг даргоҳига борилади. Худо суйган бандалари руҳига турли-туман либос ва қиёфаларда кўриқчи фаришталарини юбориб, хавф-хатардан огоҳ этади. Сирларни очувчи калит соҳиблари телба тушларимиздаги ёрқин маънони кўра биладилар ва улар ҳақиқий тушлар тилини кундалик ҳаётимиз ҳикмати ва воқеалари тилидан кўра яхшироқ тушунадилар. Тушингизга қон сачраган либосдаги буюк Цезар кирибди, у шаҳзода Цезарионни бағрига олиб, сиздан нарига кетибди. Тушингизнинг таъбирини мен айтмай, сиз эшитинг. Ҳа, сиз Цезарни туш кўрдингиз, у ҳузурингизга Аментидан ўзининг энгил-бошида келган, бу ерда хато қилиш мумкин эмас. У ўғли Цезарионни бағрига олганида, ўз улуглиги ва меҳрини фақат унга ҳавола этганини кўрсатмоқчи бўлган. Сиз Цезар уни нарига олиб кетганини туш кўрибсиз, бу шуни англатадики, у жигарбандини Мисрдан Римга олиб кетади, у ерда Капитолийда унга тож кийдиришади ва у Рим салтанатининг ҳукмдори бўлади. Тушингизнинг қолган қисми таъбирини очиш-

га ожизман. Қолгани мен учун қоронғу.

Гарчи маликанинг тушида бошқача, мудҳиш маънони кўриб турган бўлсам-да, уни ана шу тариқа таъбир қилиб бердим. Аммо шоҳларга ёмон нарсани каромат қилиб бўлмайди.

Бу орада Клеопатра ўрнидан турди ва маҳфили докасани очиб, тўшак чеккасига ўтириб олди; кўзлари мени диққат билан ўрганар, бармоқлари жавоҳирга тўла белбоғининг учларини ўйнар эди.

— Дарҳақиқат, сен кароматгўйлар ичида энг доноси экансан! — деди у. — Сен юрагимдагини ўқир экансан ва бир қарашда бехосият аломатдек бўлиб туюлган нарсани яхшиликка йўяр экансан.

— Сиз ҳақсиз, эй малика, — деди шу ерда турган Хармиана кўзларини ерга олиб, унинг овозидаги нозик оҳангларда менга нохуш маъно эшитилгандай бўлди. — Бундан кейин қулоғингизга чалинган ёмон аломатлар сизни ҳақорат қилмагай, барча ёмонликлар сиз учун яхшилик бўлиб қайтсин, айтадилар-ку, аслида тушнинг акси бўлгай деб.

Клеопатра қўлларини боши орқасига чалиштириб олди ва ўзини орқага ташлаб, ярим юмуқ кўзлари билан менга қаради.

— Бўпти, мисрлик, энди бизга ўз санъатингни кўрсат, — деди у. — Кўча ҳали иссиқ, бугун яҳудий элчилари Ирод ва Байтул-Қуддус ҳақидаги суҳбатлари билан кўнглимни оздирдилар. Ирод деса кўнглим айнийди, гарчи яҳудий тилида гапиришдан қочмасам-да, бугун элчиларни қабул қилмайман. Хўш, нималар келади қўлингдан? Балки, бизни қандайдир янги кўзбойлоғич ўйинлари билан кўнглимизни очарсан? Серапис ҳаққи, онг ичаман, агар сен башоратгўйлигинг каби сеҳр-жоду борасида ҳам маҳорат кўрсатсанг, сенга саройда жой, яхшигина маош ва совғалар тайин қиламан, башарти-ки, сенинг олижаноб қалбинг совғалар ҳақидаги фикрлардан дарғазаб бўлмаса.

— Янги ўйинлар ўйлаб топганимча йўқ, — жавоб бердим мен, — аммо афсунгарликнинг шундай усуллари борки, уларни жуда кам ва гоят эҳтиёткорлик билан қўллайдилар, булар сизга ҳам янгилик бўлиши мумкин. Сеҳр-жодудан қўрқмайсизми?

— Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман, чақиравер энг даҳшатли кучларингни. Бу ёққа кел, Хармиана, ёнимга ўтир. Бошла.

— Йўқ, уларни чақирманг, — маликани тўхтатдим, — одамлар кўп бўлса, сеҳрлар яхши таъсир этмайди. Шундай қилиб, қаранглар!

Мен иккала аёлга қараганча ерга таёқчани ташладим. Бир дақиқача таёқча ҳаракатсиз ётди, кейин аста биланглай бошлади. Сўнг эгилиб ҳалқа бўлди, ўрнидан кўтарилди ва чайқала бошлади. Ана, унинг учиде қалпоқча пайдо бўлди — у илонга айланди ва қаттиқ вишиллаганча ўрмалаб кетди.

— Қойил, гап йўқ! — масхараомуз нидо солди Клеопатра. — Сен ҳам шуни сеҳр-жоду деб юрибсанми? Бу томошани дунё бино бўлгандан бери ўйнаб келишади, уни кўчадаги кўзбойлоғичлар ҳам уддалашади. Бунақасини юз марталаб кўрганман.

— Шошманг, маликам, — жавоб бердим мен, — бу ҳали бошламаси. — Шу топ илон бир неча бўлакка бўлинди ва ҳар бир бўлаги узун илон бўлиб чўзилди. Бу илонлар ҳам кўплаб майда бўлақларга бўлиниб, катта илонларга айланди, улар яна бўлакланиб кетди, охири ҳаял ўтмаёқ ҳайратда қолган аёллар кўз ўнгида хобгоҳ ичи бамисоли мавжли тўлқинчаларга тўлди — бу қалин тўшалган илонлар қатламининг гивир-гивир қилиши эди, улар бир-бирининг устига ўрмалаб чиқар, вишилар, кулча бўларди. Мен бир ишора қилган эдим, барча илонлар мен томон интилди, оёқларим, қўлларимга аста чир-

маша бошлашди, охири бошимдан то оёғимгача қалин илонлар қобиги қоплаб олди, фақат юзим очиқ қолди.

— Вой, қўрқиб кетяпман, қўрқиб кетяпман! — деб қичқириб юборди Хармиана ва юзини Клеопатранинг қўйлагига тикди.

— Етар, сеҳргар, бас! — амр қилди Клеопатра. — Жодуларинг бизни ҳайратга солди.

Мен илонлар осилиб турган қўлимни бир силтаган эдим, барча илонлар ғойиб бўлди. Оёғим остида фил суягидан уч кўндирилган обнус қора таёқчаси ётарди ва шундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Аёллар бир-бирига қаради-да, ҳайратдан “воҳ” деб юборди. Мен эса ердан таёқчамни олдим-да, қўлларимни кўксимга қўйганча уларнинг рўпарасида туравердим.

— Менинг ғарибона томошамдан кўнглингиз тўлдими, маликам? — одоб билан сўрадим мен.

— Нимасини айтай, мисрлик, қойил! Бунақа санъатни умрим бино бўлиб кўрмаганман. Бугундан бошлаб сен — менинг сарой мунажжимимсан, сенга малика хобгоҳига кириб-чиқиб туриш ҳуқуқини тақдим этдим. Бисотингда яна ул-бул нарсаларинг борми?

— Бор, маликам. Хобгоҳини бироз қоронгилаштиришни амр этсинлар, мен сизга яна бир томошани кўрсатаман.

— Юрагимни ваҳима босиб кетяпти, — деди Клеопатра, — аммо майли; Хармиана, Хур Моҳ айтгандай пардаларни тушириб қўй.

Пардалар туширилди, хобгоҳ худди кеч тушаётгандай нимқоронғи бўлди. Мен бир одим ташлаб, Клеопатра билан ёнма-ён турдим.

— У ёққа қаранг! — қатъий оҳангда дедим мен, таёқчам билан аввал турган жойимни кўрсатиб. — У ёққа қаранг, хаёлингиздан нималар кечаётган бўлса, шуни кўрасиз.

Чуқур сукунат ичида ҳар иккала аёл юзларида қўрқув билан бўшлиққа тикилиб қараб турдилар.

Улар қараб турган жойда қуюқ булут парчаси пайдо бўлди. Булут аста чўзилди ва турли шаклларга кира бошлади — улар эркак кишиларнинг қиёфалари эди, хобгоҳдаги ғира-ширада улар жудаям хира кўринарди, улар бир тиниқлашарди-да, яна эриб кетгандек бўларди.

Мен нидо солдим:

— Кўланка, сени сеҳрляпман, мужассам топ!

Мен нидо солганим ҳамон хира кўланка бирдан одамга айланди — у кўзга яққол ташланиб турарди. Қаршимизда олий ҳокимиятга эга бўлган Цезар турарди, бошига тож кўндирган, эгнидаги қўйлаги сонсиз жароҳатлардан қонга беланган. У бир дақиқача турди, кейин мен қўлимни силтадим ва у ғойиб бўлди.

Мен бурилиб, тўшакда ўтирган аёлларга қарадим, Клеопатранинг гўзал чехраси даҳшатдан буришиб кетганди. Лаблари кулдай кўкранг, катта-катта очилган кўзлари қотиб қолган, ўзи дағ-дағ титрар эди.

— Эй, маъбудлар! — овози бўғилиб чинқирди у. — Эй, маъбудлар, ёрдам беринглар! Кимсан? Марҳумларни ерга чақиришнинг улдасидан чиқувчи сен кимсан?

— Мен — маликанинг мунажжимимен, афсунгаримен, қулимен — ўзлари шулардан қай бирини маъқулласа — ўшамен, — жавоб бердим мен кулиб. — Бундан чиқди, маликам кўнгилларида нимани ўйлаган бўлсалар, шуни намоён этибман-да?

У менга ҳеч нима деб жавоб бермади, аммо ўрнидан турди ва бошқа эшик орқали хобгоҳдан чиқиб кетди.

Сўнг Хармиана ҳам ўрнидан турди ва қўлларини юзидан олди, зеро, қаттиқ қўрқув унинг ҳам эсхонасини чиқариб юборган эди.

— Буни қандай қиласиз, шоҳим Ҳур Моҳ? — сўради у. — Сирини айтинг. Тўгрисини айтайми сизга: мен сиздан қўрқаман.

— Қўрқма, — жавоб бердим мен. — Балки сен фақат менинг тасаввуримда бўлган нарсанигина кўргандирсан. Дунёда кўланкалардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Уларнинг табиатини сен қасқдан ҳам билардинг? Кўявер, ундан кўра айт, ҳаммаси қандай ўтди? Эсингда бўлсин, Хармиана, бу ўйинни биз охиригача етказишимиз керак.

— Ҳаммаси зўр бўлди, — жавоб берди қиз. — Эртага эрталаб бутун Искандарияда дув-дув гап бўлади, дарвозадаги воқеалар, бу ердаги хангомаларни эшитган ҳар бир одам бир титраб тушади. Энди эса ҳазрати олийлардан илтимос қиламан, ортимдан юрсинлар.

IV б о б

Ушбуда Ҳур Моҳнинг қилиқларидан ҳайратга тушгани ва уни қандай ишқ маъбуди деб эълон этилиши ҳақида ривоят қилинади.

Эртасига ёзма хабарнома олдим, унга кўра мен маликанинг мунажжими ва бош кароматгўйи этиб тайинлангандим, бу лавозимда мен оладиган маошлару имтиёзлар ҳам бирма-бир санаб ўтилганди, маош ва имтиёзларим анча баланд эди. Менга яна саройда хоналар ҳам ажратилганди. Энди камина тунлари расадхонанинг баланд минорасига кўтарилардим-да, юлдузларни кузатардим. Уларнинг жойлашуви нимадан дарак беришини хабар қилардим. Айни шу кунларда Клеопатрани сиёсий ишлар ҳаддан ташқари ташвишга солиб қўйганди ва Римдаги қудратли гуруҳлар ўртасидаги қаттиқ кураш нима билан тугагини билмаса-да, аммо кучли томонга қўшилишни истар эди, шу ҳақда мен билан маслаҳатлашар ва юлдузлар нимани башорат қиляпти, деб сўрар эди. Мен ўзимни бахшида этган ишнинг олий манфаатларига қараб иш тутган ҳолда унга башоратларни таъбирлаб берардим. Рим триумвири Антоний ҳозир Кичик Осиёда жанг қиларди. Миш-мишларга қараганда, у Клеопатрага ҳаддан ташқари кек сақларкан, чунки унга хабар беришларига қараганда, Клеопатра гўё триумвиратга, улар иттифоқига қарши чиқмоқда эмиш ва маликанинг ҳарбий саркардаси Серапион ҳатто Кассий томонида туриб жанг қилаётган эмиш.

Бизнинг режаларимизга боғлиқ ишлар эса ўнгидан келмоқда эди, зеро, Клеопатра ва унинг маслаҳатчилари Мисрдан ташқарида содир бўлаётган воқеалар билан қаттиқ банд эдилар ва Мисрнинг ўзи ҳам оёққа туриши мумкинлиги улардан биронтасининг хаёлига келмасди. Кундан-кун мамлакатнинг барча шаҳарларида, ҳатто Искандарияда бизнинг тарафдорларимиз кўпайиб борди, Искандарияда эса (Миср бу мамлакатни ўз шаҳри деб билмасди) ҳамма бизга шу қадар ёт ва адоватда эди. Ҳар куни барча иккиланаётганлар бизга келиб қўшилмоқда ва ишимизга хизмат қилиш учун муқаддас қасамёд қилишарди. Биз гоъларимиз пойдевори мустаҳкамлигини ич-ичимиздан ҳис этар эдик. Ҳафтасига бир неча бор саройдан чиқиб, ишлар қандай кетаётганини муҳокама қилгани Сеп амакимникига борардим, Кеметни озод этишга интиқ амалдорлар ва олий қоҳинлар билан учрашардим.

Мен малика Клеопатра билан тез-тез кўришиб турардим ва ҳаргал унинг ноёб ақлининг теранлиги ва кенглигидан янгидан ҳайрат-

га тушардим — унинг ақли битмас-тугунмас даражада бой бўлиб, жавоҳирот қадаб тикилган тилла кийимдай чарақлар, нур каби тошиб, унинг гўзал чеҳрасини янада мунаввар қилар эди. У мендан бироз ҳайиқарди ва шу боис олдиндан дўстлигимни писанда қилиб қўйишни канда этмасди, мен билан илми нужум ва башоратгўйликка тариқча алоқаси бўлмаган гоят турфа мавзуларни муҳокама қиларди. Кўп вақтимни мен Хармиана хоним жамоасида ҳам ўтказардим, — тўғрироғи, у қарийб ҳар доим ёнимда бўларди ва ҳатто мен унинг қачон гойиб бўлганию қачон пайдо бўлганини пайқамай қолардим. У оёқ учида энгил одимлар билан менга жуда яқин келарди, мен ўгирилиб қарардим ва у орқамда узун киприклари орасидан менга қараб турганини кўрардим. Хожатбарорликда унга тенг келадигани йўқ эди, нима хизмат буюрсангиз, кўз очиб-юмгунча бажо этарди; кундузи ҳам, тунда ҳам буюк мақсадимиз йўлида у меҳнат қилиб чарчамасди.

Бироқ садоқати учун ташаккур билдирганимда ва унга чинакам шоҳлардай миннатдорлик билдириб, тақдирлайман деганимда, у оёқчалари билан ер тепиб, инжиқ боладай лунжини осилтириб оларди ва буюк олимсиз-у, оддий нарсаларни билмайсиз — севги мукофот талаб этмайди, унинг ўзи бахт, дея эътироз билдирарди. Севги кўчасидан ўтмаган, аёлларни билмайдиган ва пайқамайдиган мен нодон бўлсам, у Кеметга бўлган муҳаббат ҳақида гапиряпти ва уни озод этиш ишига хизмат қилишни бахт деб ҳисобляпти, деб ўйлар эдим. Унинг Ватанга садоқатидан ўз ҳаяжонимни ифода этганимда, у азбаройи ғазабланганидан йиғлаб юборарди-да, қочиб кетарди, мен ҳеч нарсани тушунмай, бошим қотиб қолаверардим. Унинг юрагида кечаётган изтиробларни билмасдим-да. Ўзим истамаган ҳолда чинакам севги қанақа бўлишини унинг қулоғига қуйганим-қуйган, мана шу севги уни қийнамоқда, юрагини пора-пора қилмоқда эди, худди ўнлаб пайкон келиб санчилгандай. Унинг севгиси ҳақида тирноқча нарса билсам ўлай агар, қандоқ ҳам билардим, ахир мен учун у бизнинг умумий муқаддас ишимизда бор-йўғи бир дастёр эди-да. Унинг гўзаллиги мени ҳаяжонга солмасди, ҳатто у менга эгилганида ва нафаси сочларимга келиб урилганида ҳам унда аёлни ҳис этмас эдим, эркак киши гўзал аёл ҳайкалидан қандай завқланса, мен ҳам ундан шундай завқланардим. Ердаги муҳаббат севинчининг менга бир чақалик қиммати йўқ эди, чунки мен ўзимни Исидага ва Мисрдек мамлакатимни озод этиш ишига бағишлаганман-да! Буюк маъбудлар, менинг толесизлигимга нима сабабчи бўлган, Кеметимиз қисматига бу мусибатни ким сотиб олган бўлса ҳам бунда менинг айбим йўқлигини ўзингиз айтинг!

Ғоятда ажиб бир ҳол — аёл севгиси энди туғилганида нақадар нозик бўлса, ривожланиб, кучга тўлганида шу қадар даҳшатли тус олади! Унинг бошланиши тоғ қаъридан кўз ёриб чиққан турнакўз чашмани эслатади. Ўша чашма охири бориб нимага айланади? Чашма айқирган дарёга айланади, унда бой кема карвонлари сузади, сувлари тупроққа ҳасёт бағишлайди ва унга севинч ва бахт инъом этади. Бироқ кўққисдан дарё тошади ва умид билан ерга қадалган барча уруғу экинларни ювиб кетади, уйларимизни қулатиб, вайронага айлантиради, бахтимиз кошоналарини ер билан яксон қилади, поклик ва иймон эҳромларини кунфаякун этади. Зеро, англаб бўлмас Зот борлиқни яратганида, унга аёл муҳаббати уруғини жойлаган эди ва унинг шиддатли ривожланишидан дунё тартиботидаги мувозанат юзага келган. Муҳаббат арзимаган инсонларни ҳокимиятнинг беқийс юксаклигига чиқариб қўяди, буюкларни ерга уриб, тупроққа қоради.

Токи табиатнинг бу сирли хилқати яшар экан, Аёл, Яхшилик ва Ёмонлик ҳам бир-бири билан пайваст яшайверади. Севгидан кўзи камашганича аёл турибди ва шу туришида ҳаёт ришталаримизни йигиради, у тотли шаробни бир пиёла аччиқ зардобга қуяди, хоҳишлари оғуси билан соғлом ҳаёт нафасини заҳарлайди. Қасққа бош олиб кетма, у ҳамма жойда қаршингдан чиқади. Унинг заифлиги — сенинг қудратинг, унинг қудрати — сенинг ўлиминг. У сени туққан, сен унга мубталосан. У сенинг чўринг-у, барибир сени асирликда сақлайди, уни деб ор-номусни ҳам унутасан; у тўғонда дам бўлиб турган дарё, озгина очдингми, у отилиб чиқади-да, йўлидаги барча тўсиқларни учуриб юборади. У баҳри муҳитдай беканор, у осмон каби ўзгарувчан, Ҳой, эркак, Аёлдан ва унинг муҳаббатидан қочиб қутуламан деб хомтама бўлма, зеро, қаерга бориб яширинма, у — сенинг қисматинг ва нимаики ижод қилсанг, унинг учун ижод қиласан.

Тақдир ўйинини қаранг, менким, фикру ўйи ҳамини аёл ва унинг муҳаббатидан минг чақирим узоқда бўлган Хур Моҳ, тақдир тақозоси билан ўзим жуда ёмон кўрган нарсамнинг қурбонига айландим. Хармиана мени севиб қолганди — нега у келиб-келиб мени севади, бу ёғи менга қоронғу, аммо бўлар иш бўлган эди ва мен унинг севгиси қандай оқибатларга олиб келганини айтиб бераман. Ҳозирча мен бошқа ҳеч нимани хаёлимга келтирмай, унда фақат сингилни кўрар эдим ва назаримда, умумий мақсадимиз сари қўл ушлашиб борардик.

Вақт сувдай оқарди ва ниҳоят, биз ҳаммасини шай қилдик.

Эртага тунда зарба берилади, бугун оқшом эса саройда қувноқ байрам уюштирилган. Кундузи амаким ва беш юз жангчи қўмондони билан учрашдим, жангчилар эртага тунда мен малика Клеопатрага ханжар санчганимдан кейин ярим тунда саройга бостириб кирадилар ва Рим ва Галл легионерларини қириб ташлайдилар. Бундан олдин мен посбонлар бошлиғи Павел билан келишиб олгандим — бу ўша, уни дарвозадан киришга мажбур қилганимдан кейин нақ оёғимни ўпгудек бўлган Павелнинг ўзи. Аввалига дўқ қилиб, кейин бошингдан зар тўкаман деб, уни эртага тунда менинг ишорам билан саройнинг шарқий томонидаги ён дарвозани очиб беришга кўндирдим, зеро, айнан у ўз посбонлари билан навбатчиликда туриши керак эди.

Шундай қилиб, ҳаммаси тайёр бўлди, яна бир неча кун ўтади-да, йигирма беш йил муқаддам ўтқазилган ва дарахтга айланган кўчат, ниҳоят, ўз мевасини беради. Мисрнинг барча шаҳарларида қуролланган ҳарбий дасталар тўпланди, деворлардан соқчилар ари-масди, улар Клеопатра ўлдирилди ва тахтни қадимги ҳақиқий Миср фиръавнларининг меросхўри Хур Моҳ эгаллади, деган хабар келишига маҳтал эдилар.

Ҳа, барча тайёргарликлар кўриб бўлинди, ҳокимият бамисоли пишган мевадай, мени узиб ол, деб турибди. Мен шоҳона зиёфатда ўтирардим, бироқ юрагим бир тутам эди, кўнглим бир ноҳушликни сезгандай, хаёлимда шарпалар чарх урарди. Мен тўрда, қуёшдай чарақлаган Клеопатра билан ёнма-ён ўтирардим, жавоҳиротга кўмилган, сочига гуллар таққан меҳмонлар қаторига кўз югуртирар эканман, кимларни ўлдиришим кераклигини хомчўт қилардим. Рўпарамда илоҳий гўзаллигини намойиш қилганча Клеопатра ёнбошлаб олган, унга кўзи тушган ҳар қандай кишининг ҳуши бошидан учмай қолмайди, ярим тунда ногаҳоний бирон шовқинни эшитган ёки қутурган денгизни кўрган одам шундай аҳволга тушади, одатда. Мен ундан кўзимни олмасдим: ана, у қадаҳни оғзига олиб борди, бармоқлари билан чамба-ридаги атиргулни силаб қўйди, ўзим эса бу пайтда унинг сийнасига

санчишга онт ичган ва кийимим қатига яшириб қўйган ханжар ҳақида ўйлардим. Мен ҳамон унга қараб турарканман, юрагимда унга нисбатан нафрат ўтини ёқишга, у ўлгандан кейинги тантана ҳисси билан тўлдиришга ҳаракат қилардим, аммо ўзимда на нафратни ва на тантанани тополмаётгандим. Ҳар доимгидай узун киприклари орасидан дам-бадам менга қараб қўяётган нозанин Хармиана хоним ҳам шу ерда, малика билан ёнма-ён ёнбошлаб ўтирибди. Унинг болалардек тиниқ чеҳрасидан завқ олган одам у жондан севувчи маликаси тушиши керак бўлган ва у ерда итдай ўлиб кетадиган тузоқни айнан у ўрнатганига ишонадими? Бокира бу сийнада бу қадар қонли ният яширингани кишининг хаёлига келади дейсизми? Мен Хармианага тикилиб қарадим ва тахтни қонга белаш ва ёвузлик билан мамлакатни озод этиш фикрининг ўзи қанчалик жирканч эканини ҳис этдим. Шу дақиқада ҳатто ўзимга ачиниб кетдим: нима учун оддий деҳқон бўлиб туғилмадим, экин палласи келганда буғдойимни сепиб, ҳосил ўрим-йиғими келганда олтин бошоқларни янчиб, дон қилиб бемалол юрган бўлардим. Афсус, мен экишим керак бўлган уруф ҳокимият уруғи эди ва ҳозир қилган меҳнатларимнинг қонли ҳосилидан баҳраманд бўлишим керак эди.

— Сенга нима бўлди, Хур Моҳ? Қандайдир ташвишли кўринасан? — сўради Клеопатра, ўзининг нозии табассуми билан жилмайиб. — Наҳотки юлдузларнинг заррин каштаси башоратлари шу қадар чалкашиб кетган бўлса? Айт, эй, фалакшуносим! Ёки биронта янги кўзбойлогич ўйинини ўйлаётибсанми? Нима гап ўзи, нима учун ўйин-кулгларимизга қўшилмаяпсан? Биласанми, агар дуч келгандан сўраб-суриштириб, бу қадар нотавон ва заиф хилқат бўлмиш биз шўрлик аёллар лоақал сенинг эътиборингни тортишга журъат этолмаслигимизнинг асл сабабини билмасам ҳам майлийди, зеро, сен бу қадар тубан кетмайсан, аммо сени Эротнинг пайкони ярадор қилганига шубҳам йўқ, Хур Моҳ!

— Э, йўқ, маликам, мен Эротдан кўрқмайман, — жавоб бердим мен. — Икки кўзи юлдузларда бўлган одам улардан кўра камроқ чарқловчи аёл кўзларини пайқармиди, шунинг учун ҳам у бахтлидир!

Клеопатра мен томон эгилди-да, кўзларимга ғалати тарзда шу қадар узоқ қарадики, юрагим ўйнаб кетди, ҳатто бор иродамни ишга солиб, ўзимни тутишимга тўғри келди.

— Катта кетма, такаббур мисрлик, — Клеопатра шу қадар паст овозда гапирардики, унинг сўзларини фақат мен ва Хармиана эшитардик, холос, — катта кетма, афсунгар, акс ҳолда бирданига сеҳрларимни сенда синаб кўриш истаги пайдо бўлиб қолади. Бундай нафратга бардос берадиган аёл дунёда бормикан? Бу нафрат бутун аёл зотини ҳақоратлайди ва табиатнинг ўзига зиддир! — деб у тахтиравонга ўзини ташлади-да, ғоят ёқимли, ғоят жарангдор овозда хандон ташлаб кулди. Бироқ мен кўзимни кўтариб қараган эдим, Хармиана лабини тишлаб, жаҳлдан қошини чимириб турганини кўрдим.

— Мени кечиринг, Миср маликаси, — жавоб бердим қуруққина қилиб, аммо кучим етганча ғоят назокат билан, — Тун Маликаси олдида ҳатто юлдузлар ҳам хира тортади! Мен албатта, Буюк Она — Ой рамзи ҳақида гапирётган эдим, ўзини ерга нозил бўлган Исида деб атаб, Клеопатра у билан рақобатлашишга журъат этганди.

— Жавобинг чакки эмас! — деди малика ва оппоқ қўлчалари билан чапак чалиб қўйди. — Ҳа, фалакшуносимни ўтқир ақл эгаси деб юрсак, бунинг устига суҳандонлик борасида ҳам тенги йўқ моҳир экан! Йўқ, у турган-битгани мўъжиза, биз унинг ҳурматини жойига

қўйишимиз керак, акс ҳолда маъбудлар газабланадилар. Хармиана, бошимдан манови чамбарни ол-да, уни донолар доноси Ҳур Моҳнинг толели бошига кийдир. У истайдими, йўқми, биз унга тож кийдирамиз ва унга “Ишқ маъбуди” деган унвон тақдим этамиз.

Хармиана Клеопатра бошини безаб турган атиргул чамбарини олди ва менинг олдимга олиб келди, ҳали илиқ ва малика сочларининг хуш бўйи сақланиб турган чамбарни табассум билан бошимга қўндирди, — дарвоқе, Хармиана уни қўндирмади, бостириб кийгазиб қўйди, азбаройи кўпол ҳаракат қилганидан гулнинг тикони пешонамни шилиб юборди. У газабдан ўзини қўйгани жой тополмаётгани, ҳолбуки лабларидан табассум аримасди ва шу табассум билан қулоғимга: “Бу тақдиринг даракчисидир, шоҳи жаҳоним Ҳур Моҳ”, деб шивирлаб қўйди. Зеро, Хармиана кап-катта қиз бўлсада, рашк қилганида ё газабланганида маъсум чақалоққа айланарди-қоларди.

Шундай қилиб, чамбарни бошимга бостириб кийгазиб қўйди-да, у қаршимда чуқур таъзим қилди ва ғоят мулоим овозда заҳархандалик билан юнончалаб хиргойи қилди: “Ишқ маъбуди Ҳур Моҳга шарафлар бўлсин”. Клеопатра кулиб юборди ва “Ишқ маъбуди” учун қадаҳ кўтарилсин, деб эълон қилди, барча меҳмонлар жуда топиб қўйдингиз унвон номини дея Клеопатранинг ҳазилкашлик борасидаги зукколигига тасаннолар айтишди. Искандарияда эса дарвешона ҳаёт кечириб, аёллардан ўзини олиб қочадиганларни одам ўрнида санашмасди ҳам.

Жилмайиб ўтирибман-у, ичимни ит таталар эди. Клеопатра саройидаги мана бу беодоб ва енгилтак сарой хонимчалари мени, Мисрнинг ҳақиқий ҳукмдорини калака қилиб ўтиришса-я! Бунинг ўйлашнинг ўзига чидаб бўлмасди. Ҳаммадан ҳам Хармианани ёмон кўриб кетмоқда эдим, чунки у ҳаммадан баландроқ куларди, мен эса жароҳатли юрак кулги ва заҳархандалик билан кўпинча ўз дардини одамлардан яширишга ҳаракат қилишини билмас эдим. Мана бу атиргул чамбарини у менинг толеим даракчиси деб атади ва эй маъбудлар, у ҳақ бўлиб чиқди. Зеро, мен Юқори ва Қуйи Мисрнинг қўшалок тожини эҳтирос атиргулларидан тўқилган, тўла очилиб улгурмаёқ сўлиган чамбарга, фил суягидан ясалган шоҳона тахтни бевафо аёлнинг тўшагига алмашган эдим.

— Ишқ маъбуди! Атиргул тожи кийдирилган ишқ маъбудига шарафлар бўлсин! — деб қичқирар эдилар меҳмонлар, кула-кула қадаҳ кўтаришар экан. Атиргул тожи кийдирилган маъбуд? Йўқ, менга шармандалик тожи кийдирилди. Ва мен, қон ҳукуқи бўйича Мисрнинг қонуний фиръавни, салтанат ҳукмдори мана шу муаттар, аммо шармандалик чамбарида минг йилдан бери бир гишти кўчмаган Абад шаҳри ҳақида ва бириси қуни тонгда бўлиб ўтадиган бошқа бир тож кийдириш маросими ҳақида ўйлар эдим.

Ҳамон ўшандай жилмайганча барча билан биргаликда мен ҳам қадаҳимни кўтардим ва қанақадир ҳазил билан жавоб қайтардим. Сўнг ўрнимдан турдим ва Клеопатра қаршисида таъзим қилиб, базмни тарк этишга изн беришини илтимос қилдим.

— Зухро чиқиб келяпти, — дедим мен, зеро, улар бизда Доно деб аталадиган сайёрани Венера дейишади, у кечқурун чиққанида шундай дейилади, эрталаб чиққанини Бону номи билан аташади. — Мен ҳозиргина ишқ маъбуди деб эълон қилиндим, бориб маликаи олиядан суюнчи олай. — Бу жоҳиллар Венерани Ишқ маъбуди деб аташади.

Шу тариқа улар кула-кула мени кузатиб қолишди, мен расадхо-

надаги жойимга қайтдим, шармандали чамбарни фалакшунослик ускуналарим устига улоқтирдим ва юлдузлар ҳаракатини кузатаётган киши бўлиб, кута бошладим. Хармиананинг йўлига қарай-қарай кўп нарсалар ҳақида ўйладим, у қатл этишга қарор қилинганларнинг узул-кесил рўйхатини, шунингдек, амакимдан хабарни олиб келиши керак эди, зеро, Хармиана амаким билан тушдан кейин кўришган эди.

Ниҳоят, эшик аста очилди ва Хармиана унсиз кириб келди, у худди зиёфатдагидек жавоҳиротга кўмилган оқ кўйлақда эди.

Ҳ б о б

Ушбуда Клеопатранинг расадхонага, Ҳур Моҳ ҳузурига келгани: Ҳур Моҳ минорадан Хармиананинг дуррачасини ташлаб юборгани; Клеопатрага юлдузлар ҳақида гапириб бергани ва маликанинг ўз мулозимини Ҳур Моҳга дўстлик ваъда қилгани тўғрисида ривоят қилинади.

— Бунча ҳаялдамасанг, Хармиана, — дедим мен. — Кутавериб тоқатим тоқ бўлиб кетди.

— Бир қошиқ қонимдан ўтинг, хоҷам, аммо Клеопатра қани энди мени кўйиб юбора қолса. Бугун у ўзини жуда галати тутяпти. Билмадим, бу бизга қандай оқибат келтираркин. Миясига бирдан шундай ўй-хаёллар, галати ишлар келадик, тавба дейсан, у ёзги денгизнинг ўзи, шамолнинг ўзгаришига қараб бир қарасанг, булут босиб, қоп-қора тусга киради, бир қарасанг, қуёш чарақлаб, ҳамма ёқни ёритиб туради. Ҳозир нималарни ўйлаётган экан, билмадим.

— Нима ишимиз бор, нима ўйлаши билан. Бўлди, Клеопатрани ўз ҳолига кўяйлик. Яхшиси айт менга, амаким Сепани кўрдингми?

— Ҳа, шоҳим Ҳур Моҳ, кўрдим.

— Рўйхатни олиб келдингми?

— Мана улар. — Шундай деб у кўйлаги ўмизидан папирусларни чиқарди, — бу ерда малика ўлимидан кейин зудлик билан қатл этилиши керак бўлганларнинг исмлари бор. Улар орасида қария галл Бренн ҳам бор. Бреннга ачинаман, биз у билан дўстлармиз; аммо у ҳалок бўлади. Бу ерда кўплари ўлимга маҳкум этилганлар.

— Ҳа, сен ҳақсан, — жавоб бердим мен, папирусга кўз югуртирар эканман, — одамлар ўз душманлари ҳақида ўйлай бошлаганда, улар ҳаммани эслайдилар — биттасини ҳам қолдирмайдилар, бизда эса душман дегани тўлиб-тошиб ётибди. Аммо бўладиган нарса бўлмай қолмайди. Менга бошқа рўйхатларни ҳам бер-чи.

— Бу ерда биз шафқат қилганлар рўйхати бор, зеро, улар биз билан бирга ҳаракат қилишган, нима бўлганда ҳам, бизга қарши эмас; мана бунда эса Клеопатра ўлди деган хабар етиши билан оёққа турадиган шаҳарлар санаб ўтилган.

— Яхши. Энди эса... — мен бироз жим қолдим, — энди Клеопатра қандай ўлдирилиши кераклигини муҳокама қиламиз. Нима дейсан, у албатта менинг кўлимда ўлиши керакми?

— Ҳа, хоҷам, — жавоб берди Хармиана, унинг овозида яна заҳархандалик оҳангини ҳис этдим. — Мамлакатимизни тахтдаги мустабид ва фоҳишадан ўз кўли билан халос қилиб ва бир зарб билан Мисрни бўғиб ётган занжирни чилпарчин этиб, фиръавн ўзини бахтиёр ҳис қилишига аминдурмен.

— Ундай дема, Хармиана, — жавоб бердим мен, — ахир ўзинг

яхши биласан, қотилликдан нафрат қиламан, ҳеч ҳам иложи қолмаганида ва ичган онтимни адо этган чоғимдагина содир этаман. Ахир уни заҳарлаб ўлдириш ҳам мумкин-ку. Ёки ахталардан бирини сотиб олайлик, ўша ўлдирсин. Шу қон тўкишни ўйласам, нафратим кўзиб, кўнглим айнийди. Ҳа, Клеопатра кўплаб мудҳиш жиноятлар содир этган, аммо мен шу нарсадан қаттиқ таажжубдаманки, сени бу қадар яхши кўрган аёлни қотилларча ўлдиришдан сира тап тортмаётирсан!

— Негадир фиръавнимиз жудаям раҳмдил бўлиб кетяптиларми, у афтидан, қандай муҳим палла етиб келганини унутган, чоғи? Мамлакат тақдири ва минглаб одамлар ҳаёти Клеопатра ҳаёти риштасини узувчи ханжарнинг бу зарбига боғлиқ экани-чи? Қулоқ солинг гапимга, Хур Моҳ: уни сиз ўлдиришингиз керак, ҳа, фақат сиз! Агар билагимнинг кучи етганида эди, ўша ханжарни ўзим санчган бўлардим, аммо афсуски, қўлларим жуда нозик. Уни заҳарлаб бўлмайди, зеро, у ейдиган ва ичадиган ҳамма нарсани қаттиқ текширадилар ва учта ишончли одам татиб кўради, улар эса сотилмайдилар. Маликани кўриқлайдиган ахталарга ҳам ишониб бўлмайди. Тўғри, улардан иккитаси биз томонда, аммо учинчиси Клеопатра учун жонини беришга тайёр. Уни кейинроқ ўлдиришга тўғри келади; ҳозир қон дарё бўлиб оқиб турганда аллақандай арзимаган ахтани аяб ўтирилармиди? Демак, битта сиз қолдингиз. Эртага оқшом чоғи, тун ярмига уч соат қолди деганда ҳарбий ҳаракатларга оид сўнги қароматларни айтиш учун юлдузларни қузатгани борасиз. Кейин сиз тушиб келасиз-да, мен билан бирга маликанинг хобгоҳига борасиз. Билиб қўйинг: эртага тонгда Искандариядан Клеопатра легионларига ҳаракат режаларини олиб борадиган кема сузиб кетади. Сиз Клеопатра билан ёлғиз қоласиз, зеро у қандай буйруқ беришини биронта тирик жон билмаслигини хоҳлайди ва унга юлдузлар буржлари ҳақидаги маълумотларни берасиз. У папирус устига энгашиганида сиз унинг орқасига ханжар санчиб ўлдирасиз, илоё қўл ва иродангизга маъбудлар ўзлари қувват берсин. Ўлдиргач, ишонаверинг, бу жуда осон кечади, сиз муҳрни оласиз ва ахтанинг олдига чиқасиз, чунки нариги иккаласи у ерда бўлмайди. Борди-ю, ахта бир нарсани пайқаб қолса, бу албатта, истисно, чунки у маликанинг ички хобгоҳига киришга ботинолмайди, қичқириқлар эса шунча хоналардан ўтиб унчага етиб бормаслиги аниқ, ҳар эҳтимолга қарши сиз уни ҳам ўлдирасиз. Кейинги танобийда мен сизни учратаман ва биз биргаликда Павелнинг олдига борамиз, унинг ҳушёр бўлиб, ўз сўзидан қайтмаслиги гамини мен ўзим ейман, бунга қандай эришишни ўйлаб қўйганман. У ва унинг посбонлари дарвозани очишади, Сепа яқинида кутиб турганлар ва беш юз сара жангчилар саройга бостириб киришади ва ухлаб ётган легионерларни битта қолмай қириб ташлашади. Ишонинг, булар барчаси осон ва оддий ишлар, шу боис ўзингизни босинг ва ярамас қўрқувнинг юрагингизга ўрмалаб киришига зинҳор йўл қўйманг, ахир сиз хотин киши эмассиз-ку. Ханжар билан биргина зарб бериш сиз учун нима деган гап ахир? Бит ўлдиришдан ҳам осон. Миср ва бутун дунё тақдири эса шунга боғлиқ.

— Жим! — унинг гапини бўлдим мен. — Нима бу? Қанақадир товуш қулоғимга чалингандай бўлди.

Хармиана эшикка отилди ва пастга, узун қоронғи зинага қараб, қулоқ сола бошлади. Бир дақиқадан кейин у олдимга чиқиб келди ва бармогини лабига қўйиб, шошиб шивирлади:

— Бу малика! Малика зинадан бир ўзи чиқиб келяпти. Унинг Ирадани қандай қўйиб юборганини аниқ эшитдим. Бундай бемаҳалда

мени бу ерда кўриши мумкин эмас, у ҳайрон бўлади ва бир гап бор деб шубҳаланиши мумкин. Бу ерда унга нима керак бўлиб қолди экан? Мен қаерга яшириндим энди?

Мен хонага кўз югуртирдим. Тўрда бир оғир парда осиглиқ эди, у девордаги тахмонни ёпиб турарди. У ерда мен асбоб-анжомларим ва папирус ўрамларини сақлар эдим.

— Тез, у ёққа, — кўрсатдим мен ва Хармиана парда ортига суқилди, у парда гижимларини тўғрилаган эди, одам бор-йўқлиги умуман билинмай қолди. Мен эса ўлимга маҳкум этилганларнинг машъум рўйхатини кўкрагимга яширдим ва ўзимнинг сирли жадвалларим устига энгашдим. Салдан кейин қулогимга аёл кўйлагининг шитирлаши чалинди, эшик оҳиста тақиллади.

— Ким бўлсангиз ҳам кираверинг, — дедим мен.

Лўкидон кўтарилди, остонадан башанг кийинган Клеопатра ҳатлаб ўтди, ёйиқ сочлари ергача тушиб турар, манглайида шоҳ ҳокимияти тимсоли — тилла қош ялтиллари.

— Ростини айтсам, сенга қойилман, Ҳур Моҳ, — деди у, нафасини ростлаб ўриндиққа чўкаркан, — осмонга кўтарилишнинг ўзи бўладими. Шундай чарчадимки, қани бу зина қурмагурлар тугай қолса. Аммо қандай меҳнат қилишингни бир кўргим келиб қолди-да, фалакшунос мунажжимим.

— Бу жуда катта шараф, маликам! — жавоб бердим мен, унинг қаршисида чуқур таъзим қилиб.

— Рост айтяпсанми? Аммо юзингда севинч кўринмаяпти, нимадандир хафадайсан. Сен тинкани қуритадиган илм билан шуғулланиш учун ҳаддан ташқари ёшлик қиласан, Ҳур Моҳ, бунинг устига хушсувратсан. Эй маъбудлар, нимани кўряпман — менинг атиргул чамбарим сенинг занглаган ускуналаринг орасида ётибдими? О, Ҳур Моҳ, энг қимматбаҳо тождан ҳам ортиқ билиб, бу чамбарни умр бўйи кўз қорачигидай сақловчи не-не шоҳларни биламан! Сен бўлсанг уни бир тутам хасдай ташлаб юборибсан. Жуда галати одам экансан! Шошма-шошма, бу нима? Исида ҳаққи қасам ичаман, рўмол-ку! Кўнглиннга олмагин-у, Ҳур Моҳ, ростини айт, у бу ерга қандай келиб қолди? Демак, бизларнинг бечора рўмолларимиз ҳам сенинг осмоний илмингга хизмат қиладиган асбоб-анжомларинг сирасига кирар экан-да? Шундай қилиб, мана, ахийри ўз сирингни ўзинг фош қилдинг! Бундан чиқди, сен менга фириб бериб келар экансан-да?

— Йўқ, маликалар аълоси, минг бора йўқ! — ростмана ўтиниб дедим мен, Хармиана тушириб қолдирган рўмол ҳақиқатан ҳам шундай шубҳалар келтириб чиқариши мумкинлигини англаган ҳолда. — Қасам ичаман сизга, бу дидсиз, бир чақага қиммат буюм бу ерга қандай келиб қолганидан беҳабарман. Балки хонани йиғиштиргани келиб турадиган хотинлардан биронтаси эсидан чиқариб қолдиргандир.

— Э-ҳа, эсим қурсин, шунга ҳам ақлим етмайди, — совуқ оҳангда деди малика, қиқирлаб кулиб. — Бўлмаса-чи, хоналарни супуриб-сидирадиган чўриларда нафис шойидан тикилган, нархи икки баравар оғирликдаги олтинга тенг турадиган, фақат зар ипларда кашталанган бунақа латта-путталар Худо уриб ётибди. Бундай рўмолни ўрашга менинг ҳам ҳавасим келиб кетяпти. Тўғрисини айтсам, назаримда мен уни кимнингдир елкасида кўргандайман. — Шундай деб у рўмолни ўз елкасига ташлади ва оппоқ кўли билан учларини тўғрилади. — Нима қиляпман ўзи? Севгилинг рўмолини ярамас кўкрагимга ташлаб, кўз олдинда шаккоклик қилганим рост. Ол уни, Ҳур Моҳ; олиб, кўкрагинг ичига, юрагингнинг ёнгинасига яшириб қўй!

Мен лаънати латтани қўлимга олдим, ёзишга журъат этмайдиган сўзларни ўзимча пичирлаб гапирган қўйи очиқ майдонча томон одимладим, юлдузларни кузатадиган майдонча осмони фалакка чиқиб кетганга ўхшарди. У ерда рўмолни думалоқладим, уни пастга қараб улоқтирдим ва шамол уни учуриб кетди.

Буни кўриб, соҳибжамол малика яна кулиб юборди.

— Нега ундай қилдинг? — деди у. — Муҳаббати гаровини бу қадар хурматсизлик билан улоқтирганингни кўрса, хониминг нима деган бўларди? Балки, Ҳур Моҳ, менинг чамбарим қисмати ҳам шундай аянчли тугар? Қара, гуллари сўлиб бўлибди, ма, ташлаб юбор буни ҳам. — У эгилиб чамбарни олди-да, менга узатди.

Азбаройи жаҳлим чиққанидан қасдма-қасдига шартга чамбарни олиб, рўмолнинг орқасидан буни ҳам улоқтирсамми дедим, бироқ ўзимни тийдим.

— Йўқ, — жавоб бердим мен мулойимлик билан, — бу чамбар — маликамнинг совғаси, уни асраб қўяман. — Шу аснода парда чайқалиб кетганини кўрдим. Охирида бошимга бало бўлган бу куруқ такаллуф сўзларини айтганимдан кейинчалик неча мартабала пушаймон бўлдим.

— Бу қадар улуғ марҳамат учун ишқ маъбудига қандай миннатдорлик билдирай? — деди Клеопатра, менга галати қараб. — Бўлди, ҳазилни йиғиштирайлик, анови майдончага чиқайлик, сен сирли юлдузларинг ҳақида ҳикоя қилиб берсанг, дилимдаги иш бўларди. Мен ҳар доим юлдузларни севиб яшайман, улар шунчалик соф, ёрқин, совуқки, бизнинг телбалигимиз ва куйди-пишди ташвишларимиз улар учун мутлақо ёт. Мен болалигимдан улар томон интилардим. Уларнинг орасида яшасам деб орзу қилардим, тунлари ўзининг қоп-қоронғи сийна-сига ётқизиб, мени аллаласа, маъсум кўзларимни пирпиратиб унинг жамолини, умр бўйи тўймай томоша қилаверсам-да, охири бепоён коинот ичига сингиб кетсам, дердим. Балки, ким билади дейсан, Ҳур Моҳ, балки юлдузлар биз яралган модддан яралгандир, биз билан табиатнинг кўринмас ришталари ила боғланиб, уларга ато этилган йўл тугаганда, ростдан ҳам бизни ўзларига эргаштириб олиб кетарлар? Юлдузга айланган одам ҳақидаги юнон афсонаси эсингдами? Балки, бу ростданам бўлган нарсадир? Балки бу миттигина учкунлар одамларнинг жонларидир? Фақат покланган, нурга тўлдирилган ва фароғатли осудалик салтанатига етишган жонлардир? Ўша ердан туриб улар она-заминларидаги майда эҳтирослар қайновини ёритиб турарлар? Ёки булар осмон гумбазининг чўққисида осилиб турган шамлармикан? Қанотларини ёйиб, ер юзидан тун чўкканида қайсидир илоҳ ўзининг мангу ўчмас чироғини олиб келганида ёрқин нур таратиб ёнармикан? Ўз ҳикматларининг мен билан ҳам ўртоқлаш, сирларининг оч, содиқ кулим, зеро, мен ғирт авомман. Аммо ақлим билимга ташна, мен онгимни илм билан тўлдирмоқ истаيمان, менинг кўп нарсага фаҳм-фаросатим этади деб ўйлайман, аммо менга мураббий керак.

Чоҳдан қаттиқ ерга чиқиб олдик, деб суюниб ва юксак фикру хаёлотлар Клеопатрага ёт эмаслигидан таажжубланиб, мен ҳикоя қила кетдим ва завқ-шавқ ила мумкин бўлган нарсалардан воқиф этдим. Мен унга тушунтирдимки, осмон — бу суюқ борлиқ, у ер атрофига қуйиб тўлдирилган бўлиб, ҳавонинг юмшоқ ёстиғи устида ором олиб ётади, унинг нарёғида самовий Баҳри Муҳит — Нут жойлашган ва унда худди кема-ларга ўхшаб, ўз нурафшон меҳварлари бўйлаб сайёралар сузиб юрадилар. Маликага жуда кўп нарсалар ҳақида сўзладим, жумладан, ёритқичларнинг ҳеч қачон тўхтамайдиган ҳаракати шарофати билан биз Доно деб атаган Венера сайёраси тонг юлдузи бўлиб осмонда порлаб турганда, гўзал

ва мунаввар Бону оқшом юлдузига айланиши ҳақида ҳикоя қилдим. Мен юлдузларга қараганча гапирар эканман, малика тиззасини қўллари билан кучоқлаб ўтирар ва кўзини менинг юзимдан олмас эди.

— Таажжуб! — охири гапимни бўлди у. — Демак, Венерани ҳам тонгги, ҳам кечки осмонда кўриш мумкин экан. Начора, шундай бўлиши ҳам керак: гарчи тунни ҳаммасидан яхши кўрсам ҳам у бўлмаган жойнинг ўзи йўқ. Лекин ҳузурингда юлдузларни римликлар берган ном билан атаб гапирадиган бўлсам, сен буни ёқтирмайсан. Бўпти, қадимги Кемет тилида гаплашганимиз бўлсин, мен бу тилни яхши биламан: билиб қўй, барча Лагийлар ичидан уни биринчи бўлиб мен ўрганганман. Энди эса, — давом этди у менинг она тилимда; бироқ унда учрайдиган унча-мунча сакталиклар унинг нутқига янада латифроқ жаранг бағишлар эди, — юлдузларни ўз ҳолига қўяйлик, чунки улар маккор хилқатлардир, балки айни дамда, шу дақиқада сенга қарши ё менга қарши, ё бўлмаса ҳар иккаламизга қарши нохуш нарсани ўйлаётгандир. Бироқ улар ҳақида сен гапирганингда жон қулоғим билан тинглагим келади, чунки бу вақтда сенинг юзингдан тунд ўйчанлик ниқоби сирилиб тушади-да, унда жонли ва инсоний ифодалар барқ уради. Ҳур Моҳ, сен жуда ҳам ёшсан, сен бундай юксак илм билан шуғулланишинг керак эмас. Менимча, сен ўзингга қувноқроқ машғулот топишинг лозим. Ёшлик ўтади-кетди; нега энди уни мана бунақа оғир мушоҳадаларга сарфлаш керак? Ҳаракатдан қолганимизда мулоҳаза қилиш вақти келади. Менга айт-чи, Ҳур Моҳ, нечага кирдинг?

— Йигирма олтига кирдим, маликам, — жавоб бердим мен, — шаму фаслининг биринчи ойида, ёзда, ой бошланишидан учинчи кунда туғилганман.

— Ия, бундан чиқди, биз сен билан фақат бир ой ва бир йилда эмас, балки бир кунда ҳам туғилган эканмиз, — деди у жонланиб, — ахир мен ҳам йигирма олтидаман, шаму фасли биринчи ойининг учинчи кунда туғилганман. Нима қипти, бизга ҳаёт берганларнинг юзини ерга қаратмадик, дейишга ҳаққимиз бор. Зеро, мени айтсак — Мисрда энг гўзал аёлман, сени айтсак, Ҳур Моҳ, Кеметнинг барча эркаклари ичида энг хушрўйи ва энг кучлиси сенсан, бунинг устига ўқимишлисан. Биз бир кунда туғилганмиз — биласанми, менимча, тақдир бекорга бизни учраштирамаган ва биз бирга бўлишимиз керак: мен — малика, сен эса, Ҳур Моҳ, балки тахтимнинг энг мустаҳкам таянчидирсан, биз бир-биримизга бахт келтиражамиз.

— Балки қайғу келтирармиз, — жавоб бердим мен ва тескари ўгирилдим, чунки унинг фусункор нутқи юрагимни ларзага солиб, юзим ловуллаб ёнмоқда эди ва мен бу ҳолатимни унга кўрсатмоқчи эмас эдим.

— Йўқ, йўқ, қайғудан гапирма. Ёнимга келиб ўтир, Ҳур Моҳ, кел, малика ва унинг фуқароси бўлиб эмас, икки дўст бўлиб гаплашайлик. Бугун зиёфатда мана бу чамбарни кийдириб қўйишни амр этганимда сенинг жаҳлинг чиққан эди, мени калака қиляпти деб ўйлаган эдинг, тўғрими? Эҳ, Ҳур Моҳ, у бор-йўғи бир ҳазил эди. Шоҳлар хизмати шунчалар оғир, уларнинг вазифалари шу қадар зерикарлики, қўяверасан! Борди-ю, буни сен билганингда, беғубор ҳазил билан кўнгил очишга ҳаракат қилганимдан бунчалар ёниб-тутақиб кетмаган бўлардинг. Бу шаҳзодалар ва зодагонлар, бу худпараст каландимоғ римликлардай номи улуғ, супраси қуруқ одамлар дунёда йўқ. Кўрар кўзга улар қулдай таъзим бажо келтирадилар, орқаваротдан эса устингдан бошлаб куладилар, мен уларнинг салтанати олдида, уларнинг республикаси олдида бош эгармишман — тақдир

чархпалаги айланаверади, унга маҳкамроқ ёпишиб олганлар юксакка кўтарилдилар ва ҳокимлик мансабига эга бўладилар. Мени қуршаб олганлар орасида битта ҳам чинакам эркак йўқ — сатта нодонлар, қўғирчоқлар, қўрқоқлар тўпланиб олган, Цезар ҳалокатидан сўнг улар орасида биронта ҳам эътиборга лойиқ мардни учратмадим, бутун дунё енголмаган ботирни эса улар хиёнаткорларча ханжар санчиб ўлдирдилар. Мен Мисрнинг ўшалар қўлига тушишига йўл қўёлмайман ва шу боисдан уларни бир-бирларига гиж-гижлатишга мажбурман, балки шу нарса бизни қутқарар? Хўш, мукофоти қанақа бўлади? Мени ҳар қадамда маломат қилишади, фуқароларим мени ёмон кўришади, мен буни биламан, мана менинг мукофотим! Шу нарсага иймоним комилки, гарчи хотин киши бўлсам-да, улар мени аллақачон ўлдиришлари мумкин эди, фақат сира қўлларидан келмапти, холос!

У жим бўлиб қолди ва қўли билан кўзларини ёпди, — шундай қилгани менга жуда қулай бўлди, чунки унинг сўзларидан баданим муздек бўлиб кетгани ва мен бир четга сурилдим.

— Одамлар ёмон кўришади мени, биламан; мени суюқоёқ дейишади, мен эса қоқилдим, ҳаётимда бир мартагина қоқилдим, дунёдаги энг буюк инсонни севиб қолган эдим, унга бўлган севгим вужудимда енгиб бўлмас эҳтирос оловини ёқди, аммо бу эҳтирос табаррук эҳтирос эди. Искандариянинг беҳаё бўҳтончилари мени акаси Птолемейни заҳарлаган деб айблашмоқда, уни рим Сенати барча умумбашарий қонунларга хилоф тарзда зўрлик билан менга эр қилиб қўйди — менга, унинг бир қориндан талашиб тушган синглисига! Аммо бу барча айбловлар — бўҳтон: Птолемей безгакка чалиниб, ўлиб кетди. Лекин шу билан тугаб қўя қолгани йўқ, миш-мишларга қараганда, гўё мен синглим Арсинояни ўлдирмоқчи эмишман. Ухлаганда мени ўлдиришга чоғланганини туш кўрган ўша Арсинояни-я! Қандай жирканч тухмат! Арсиноянинг мени кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ, мен эса, мен уни бор меҳрим билан севаман. Ҳа, гарчи бирон-бир ножўя иш қилмаган бўлсам-да, ҳамма мени ёмонлагани-ёмонлаган. Ҳатто сен ҳам, Ҳур Моҳ, мени ёмонлайсан. Аммо ёмонлашдан олдин, Ҳур Моҳ, эсингда тут, ҳасад деганлари қанақа бало бўлишини! Ҳасад — бу оғир касаллик, у юракни кемириб адо қилади, ақлни ўтмаслаштиради, кўзни хиралаштиради ва яхшиликнинг ёрқин, очиқ чехрасида сен Жиноятни кўрасан, бегуноҳ қизнинг тиниқ ўй-хаёллари сенга Иллат бўлиб туюлади. Ўзинг бир ўйлаб кўр, Ҳур Моҳ, тақдир қизиқувчан ва беномус қора халқ устидан сарбаланд қилиб қўйган одам ўзини қандай ҳис этади? Қора халқ сени катта бойлигинг ва ўткир ақлинг учун ёмон кўради, газабдан тишларини гичирлатади ва ўз бадбинлигини хаспўшлаш учун сенга бўҳтон пайконларини ёғдиради, бу қанотсиз ўлаксахўрлар учишга қодир эмаслар, улар барча юксак ва табаррук нарсаларнинг ер билан яксон бўлишини, ўзлари каби тубанликка маҳв этилишини муштоқлик билан кутадилар. Шу боис ҳокимият соҳибларини ёмонлашга шошилма, зеро, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ортидан миллионлаб адоватли кўзлар кузатиб туради, улар айтган ҳар бир сўзни миллионлаб динг бўлган қулоқлар илғаб олади, уларнинг энг бир жўн хатосини ҳам ўша заҳоти бутун ёруғ олам бўйлаб ёяди, улар жиноятга йўл қўйдилар деб ичиқоралик билан чапак чалиб ва қичқириб овоза қилади. Дабдурустдан: “Улар ҳақ, албатта, улар ҳақ”, деб айтма, яхшиси: “Улар ҳақмикан ўзи? Аслида ҳаммаси шундай бўлган эдими? У ўз хоҳиши билан шундай қилдимикан?” деб сўра. Сенинг

ўрнингда бўлганимда мен қандай мулоҳаза қиладиган бўлсам, Ҳур Моҳ, сен ҳам ана шундай ҳаққоний ва мурувватпешалик билан мулоҳаза юрит. Маликанинг ихтиёри ўзида эмаслигини эсингдан чиқарма. У — сиёсий кучларнинг қўлида ўйинчоқ ва қурол, улар тарихни яратадилар ва унинг воқеаларини темир зарварақларга ёзиб қўядилар. Эй, Ҳур Моҳ, менга дўст бўл, дўст ва маслаҳатчи бўл, токи мен унга тўла ишонай, зеро, бу ерда, мана шу одамлар гужгон ўйнаган саройда ҳеч ким менчалик ёлғиз эмас. Аммо мен сенга ишонаман: сенинг осуда боқувчи кўзларингга садоқатни кўраман ва сени олий мартабаларга кўтаришга эришаман. Оҳ, руҳий ёлғизлигим менга шунчалар азоб берадики, мен айтмай, сен эшитма; мен хиёнат қилишидан хавотирланмай гаплаша оладиган одамни топишим керак, токи унга ўз фикрларимни очиқ айта олай. Менинг камчиликларим тўлиб ётибди, буни ўзим ҳам биламан, аммо сенинг садоқатингга у айтганчалик номуносиб эмасман, зеро, қалбимдаги зарарли нарсалар ичида яхши уруғлар ҳам бор. Айт-чи, Ҳур Моҳ, менинг бу қадар ёлғизлигим учун юрагингга ҳайрихоҳлик, ҳамдардлик ҳиссини туясанми? Ихтиёрида сонсиз мухлислар, сарой аъёнлари, мулозимлар, қуллар (уларни санаб адоғига етиб бўлмайди) бўлган, аммо битта ҳам дўсти бўлмаган аёлни ўз дўстлигинг билан қўллаб-қувватлайсанми? — Шундай дея у менга яқин келди, елкасини оҳишта теккизиб, ажойиб гунафшаранг кўзлари билан юзимга тикилди.

Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Мен эртага тунда нима бўлиши кераклигини эсладим ва юрагим санчиб, уятдан ерга кириб кетаёздим. Келиб-келиб дўстликка мени танлаяптими? Қўйнига қотилнинг ханжарини яширган мени-я? Мен бошимни солинтирдим ва юрагимдан “оҳ”гами, ингроққами ўхшаган бир нарса отилиб чиқди.

Бироқ у мени қутилмаганда кўрсатган марҳаматидан таъсирланиб кетди деб ўйлади, шекилли, мулоийим жилмайиб деди:

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди; эртага тунда менга қароматларинг олиб келганингда, биз яна гаплашамиз, дўстим Ҳур Моҳ, жавобингни ўшанда айтасан. — У менга қўлини узатди ва мен уни ўпиб қўйдим. Ўпишга ўпдим-у, нима қилаётганимни ўзим билмасдим, малика эса ўша аснодаёқ ғойиб бўлди.

Мен эса, худди сеҳрлангандай, турган жойимда унинг ортидан қараб қолдим.



Амир ФАЙЗУЛЛА ва
Маҳкам МАҲМУД таржимаси

Карел ЧАПЕК

Апокрифлар



Забардаст чех адиби Карел Чапек (1890-1938) асарларида ўз даврининг долзарб ижтимоий ва фалсафий муаммоларини чуқур акс эттирган мутафаккир-санъаткор сифатида XX аср маданиятидан мустақкам ўрин олди. Гарчи у Томас Манн, Герберт Уэллс, Ромен Роллан каби буюк ёзувчиларнинг кичик замондоши бўлса-да, аммо Европада улардан кам бўлмаган даражада машҳурлик топди. Ҳаётдан эрта қўз юмган Карел Чапекнинг ўлими тўғрисида эшитган 82 ёшли Бернард Шоу чуқур афсусланиб, шундай деган эди: "Нега унинг ўрнига мен ўлмадим! Карел Чапекдай кучли истеъдодли адибнинг эрта ўлим топгани нақадар ачинарли! Бу оғир йўқотишни нафақат мен, унинг яқин дўсти, нафақат Чехословакия, балки бутун дунё қайғу билан ҳис этиб турибди. Ахир бу ёруғ оламга ўз китоблари ва пьесалари билан у қанчалар қувонч ва завқ бағишлаб келаётган эди".

Чапекни фан-техника қудратли даражада ривож топа бошлаган XX асрдаги инсоният тақдири жуда ташвишлантиради. "Робот" деган сўз айнан Чапекнинг асарлари орқали оммалашганини унутмайлик. 1920 йилдаги "Р.И.Р" номли ижтимоий-фантастик пьесасида адиб илм-фан яратган одам-машинани замоннинг жуда кўп долзарб маъноларини ўзида мужассам этган мажозий образ даражасига кўтарали ва уни "Робот" деб атайди. Чапек инсониятни биринчи марта "роботлар исёни" тўғрисида ўйлашга мажбур этади. Унинг "Абсолютлар қорхонаси" (1922), "Крокати" (1924) номли романлари илм-фан ва амалиётда кўтарила бошланган атом энергиясидан фойдаланиш масаласига бағишланган. Бу асарларда илмий зиялилларнинг тирик борлиқ ва инсоният келажаги олдидаги масъулияти фалсафий-драматик руҳда бадиий талқин этилади. Чапек техника тараққиётига қарши эмас, лекин у ўз асарларида ташвишланиб ёзганидек, одамзот ўз фикри ва гоёларининг қурбонига айланмаслиги керак.

Адиб "Саламандрлар билан жанн" (1936) номли фантастик романида, "Оқ дард" (1937), "Она" (1938) каби пьесаларида фашизмга хос ирқий назарининг гайриинсоний мазмунини ўткир ҳажв остига олади. "Гордубал" (1933), "Метеор" (1934), "Ижтимоий ҳаёт" (1935), "Бастакор Фолтиннинг ҳаёти ва ижоди" (1936) романлари фалсафий-психологик тетрологияни ташкил этиб, уларда воқеликдаги чин ва сохта ҳақиқатлар ҳамда уларнинг ўзаро муносабати масаласи чуқур очилади.

К. Чапекнинг "Италиядан мактублар" (1922), "Англиядан мактуб" (1924), "Испания бўйлаб саёҳат" (1930), "Голландия манзаралари" (1932), "Шимолга сафар" (1936) каби саёҳатнома-лари ҳам ўз даврида бутун европапаликларнинг сеvimли китобларига айланган эди. Бутун дунё болалари К. Чапекнинг "Дашенка ёки бир итнинг қисмат тарихи" (1933) асарини ҳамда замонамиз мазмунини эртақлар тилида очадиган "Тўққиз эртақ" (1931) китобини ҳамон катта қизиқиш билан ўқийдилар.

Карел Чапек ҳикоя жанрининг кучли истеъдодли намоёндаларидан бири сифатида ҳам машҳурдир. Айниқса, ёзувчининг "Унг ҳамёндан олинган ҳикоялар" ва "Чап ҳамёндан олинган ҳикоялар" (1929) номли тўлама-лари жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилинган ва қайта-қайта нашр этилмоқда. Улар жаҳон бадиий тафаккурида саргузашт жанрини юксак даражага кўтарган кичик ва нодир асарлардир.

Бу машҳур адиб ижодида "Апокрифлар" деб аталган жанрдаги кичик асарларнинг йирик бир туркуми мавжуд. Апокрифлар митти адабий шаклда насроний динига оид қадимги ривоятлар, афсонавий, тарихий ва адабий сюжетларни янгича талқин этувчи бир жанрдир. Вольтер, Анатолий Франс, Бернард Шоу каби улуг адиблар апокрифларнинг нодир намуналарини яратганлар. К. Чапек апокрифлари ўткир ҳажвий руҳияти ва бетакрор замонавий маънолари билан алоҳида ўрин тутади. Адибнинг сиз азиз муштарийларга тақдим этилаётган бир неча апокрифлари айнан худди шундай хусусиятлари билан диққатга сазовор ва мафтункордир.

ПРОМЕТЕЙ ГУНОҶИ

Алламаҳалгача чўзилган, зерикарли суд муҳокамасидан кейин сенаторлар узун-қисқа йўталишиб ва томоқ қиришиб, фавқулодда кенгаш ўтказиш мақсадида муқаддас зайтун дарахти соясида тўпланишди.

— Шундай қилиб, жаноблар, — деди ҳомуза тортишдан ўзини тўхтата олмаган сенат раиси Гипометей, — лаънати муҳокама бу қадар аччиқ ичакка айланмаса! Унга қандай хотима ясаш масаласида ўзим ҳам бир қарорга келолмадим, лекин беҳуда таъналарга қолмай деб... Хуллас, айбдор Прометей, маҳаллий фуқаро, оловни, чиндан ҳам, йўқ ердан топганлиги сабаб, суд жавобгарлигига тортилди ва шу тариқа, қандайдир маънода... ихм-ихм... мавжуд тартиб-қоида бузди. Аввало, оловни кашф этганлигини ўзи ошқора айтиб, айбига иқрор бўлди, кейин эса, исталган пайтда тошни тошга уриб, ўт чиқара олишини маълум қилди, учинчидан, мазкур жинояткорона ихтиросини ҳеч кимдан пинҳон тутиб ўтирмади ва бу тўғрида тегишли ҳукумат идораларига хабар ҳам етказмади, буни биз сўроққа чақирган гувоҳлар ҳам яқдил тасдиқлашди — оловни ўз ихтиёри билан авом одамлар қўлига қўшқўллаб тутқазди ёки бошқачасига айтганда, фойдаланишлари учун уларга эҳсон этди... Менинг ўйлашимча, Прометейни айблаш ҳамда жазолаш учун мана шу айтиб ўтилганларнинг ўзи мутлақо етарли ва биз бу масалани дарҳол овозга қўйиб, ҳукми эълон қилишимиз мумкин.

— Мени маъзур тутгайсиз, жаноб раис, — дея унга эътироз билдирди кенгаш аъзоси Апометей, — фавқулодда кенгашнинг бениҳоят жиддий эканлигини назарда тутиб, балким, масалани таг-томиригача етадиган даражада, атрофлича муҳокама чиғиригидан ўтказганимиздан кейин бирон аниқ қарорга келиш мақсадга мувофиқмикин, деб ўйлайман.

— Ихтиёр сизларда, жаноблар, — овозига тантанавор тус берди Гипометей. — Гарчи масала аниқ эса-да, шунга қарамасдан, яна кимдадир бирон қўшимча фикр бўлса, марҳамат, эшитамиз.

— Мен сизларга шу нарсани эслатишни хоҳлар эдимки, — деди музокарага қўшилиб маслаҳатчи Аметей ва овозини ростлаш учун астойдил йўталиб олди, — фикримча, умуман, бу ишдаги бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Мен масаланинг диний томонини назарда тутяпман, жаноблар! Қани, айтинг-чи, бу ўт деганининг ўзи нима? Тошдан чиқариладиган учкун нима ўзи? Прометейнинг тан олиб айтишига қараганда, у баайни чақмоқнинг ўзи экан. Чақмоқ эса, барчамизга маълумки, момақалди роқ маъбудининг мулки. Марҳамат қилиб айтинг-чи, аллақандай Прометей нечун маъбудларнинг мулкига дахл қилди? Бундай табаррук оташга қўл узатишга қандай журъат этди? Бу оташни топишга, умуман, қандай қилиб эришди? Прометей шунчаки, оловни кашф этдим, деб бизни ишонтирмоқчи бўляпти, бу бориб турган бёманилик, албатта: агар шунчалик осон бўлса, масалан, нега бизнинг орамиздагилардан биронтаси уни кашф эта олмади? Шунга аминманки, жаноблар, Прометей бу ўтни маъбудлар бисотидан ўғирлаган. Унинг ҳақиқатдан тониши ва ҳийла-найранглари бизга ўтмайди. Мен ушбу жиноятни, очиги, шунчаки оддий бир киссавурлик деб билсам, бошқа жиҳатдан, уни табаррук қадриятларни таҳқирлаш, деб баҳолаган бўлардим. Прометей эса бунақа шаккоклиги учун энг шафқатсиз жазо билан жазоланиб, шу йўсинда, бизнинг маъбудларимизга тааллуқли

ноёбликларни кўз қорачигидай асраб-авайлаб ҳимоя қилинишининг тарафдориман. Сизларга айтмоқчи бўлган гапларим мана шулардан иборат эди, — дея маърузасини мағрурона якунлади Аметей ва бурнини қоқиб хламидасининг ўнгирига артди.

— Ўринли мулоҳазалар, — деди Гипометей воизни қўллаб-қувватлаб. — Кимда яна қандай фикр бор?

— Мени кечиргайсиз, — деб қолди Апометей, — муҳтарам ҳамкасбимнинг хулосаларига кўшила олмайман. Бу ерда номи тилга олинган Прометей оловни қандай ҳосил қилганлигини, мана мен, ўз кўзим билан кўрганман. Ва шу нарсани очиқ-ошқора айта оламанки, жаноблар, — лекин гап орамизда қолиши керак, албатта, — бу зинҳор қийин иш эмас. Оловни ҳосил қилиш ҳар бир танбал, ишёқмас ва эчкибоқарнинг қўлидан бемалол келади; биз олов билан шунинг учун шуғулланмадикки, биз сингари мартабали одамларда, табиийки, қандайдир тошчақарликка умуман фурсат ҳам, истак ҳам йўқ. Мен ҳамкасбим Аметейни ишонтириб айтаманки, бу ниҳоятда оддий табиий бир ҳодиса ва биздақа тафаккур соҳибларига бу эрмак мутлақо муносиб эмас, айниқса, бундай арзимас эрмак маъбудлар шуғулланадиган иш эмас. Олов — беҳад жўн нарса бўлиб, унинг қадриятларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Бироқ мен муҳтарам ҳамкасбларимнинг диққатини масаланинг бошқа жиҳатига қаратмоқчи эдим. Масала шундан иборатки, олов, афтидан, анча хатарли ва ҳатто зиёнзаҳматли ҳодисалар сирасига киради. Сиз гувоҳларнинг эътирофларини эшитдингиз: улар Прометейнинг болакайларга хос кашфиётини шахсан ўзлари синаб кўришиб, оғир куюнди жароҳатларни орттириб олишган, бу ҳам етмагандай, баъзи бировларининг хонадонларига ўт кетган. Жаноблар, Прометейнинг айби билан кашф этилган оловдан фойдаланиш кенг тарқаладиган бўлса, — бунинг олдини олишнинг эса энди иложи йўқ, — ҳеч биримиз ўз ҳаётимиз ва ҳатто мол-мулкимизнинг дахлсизлигига ишона олмаймиз. Агар кўйиб берилса, жаноблар, бутун тамаддуният ёниб тугайди. Кичик бир эҳтиётсизликнинг ўзи етарли ва бўйсунмас бу табиий офатни нима ва ким тўхтата олади? Прометей, жаноблар, ҳар қандай жазога лойиқ бир енгилтаклик билан хатарли ҳодисани ҳаётга олиб кирди. Мен уни ўз ортидан қутилмаган касофатларни етаклаб келадиган ва жамиятни таҳлика остида қолдирадиган мудҳиш жиноятни содир этган кимса сифатида қатъий айблаган бўлар эдим. Юқорида айтилганларни назарда тутиб, камина Прометейнинг озодликдан абадий маҳрум этилишини, бунга кўшимча равишда, жазони қатъий тартибда ва кишанда ўташи кераклигини таклиф этаман.

— Сиз мутлақо ҳақсиз, ҳамкасб, — пишиллаб сўзлади Гипометей. — Ростини айтганда ҳам, алақандай олов дегани бизга нима учун керак, ўзи? Ахир ажодларимиз ўтсиз ҳам яшаганлар-ку?! Бу борада бирон нарсани таклиф қилиш — демак, асрлар мобайнида қарор топган тартиб-тамойилга ҳурматсизликнинг нақ ўзидир. Бу, ихм... демак, бориб турган кўпорувчилик билан шуғулланиш, деганидир. Энди бизга ўт билан ўйнашиш етишмай турувди! Яна шунинг назардан қочирмаслик керакки, жаноблар, бунинг ҳаммаси нимага олиб келади: одамлар олов билан иноқлашсалар ўта "тегманозик" бўлиб кетишади, жанг қилиш ва шунга ўхшаш юмушларни бажариш ўрнига олов атрофида нақ ёнбошлаб ётиб олишади... Оқибатда ахлоқ-одоб инқирозга юз тутади ва, ихм... тартибсизлик, боқибегамлик, яна шунга ўхшаш талай кўнгилсизликлар юз беради. Қисқасини айтганда, шу каби номатлуб ҳодисаларга қарши қандайдир чораларни кўриш пайти келди, жа-

ноблар. Замон қалтис, нафсиламбирини айтганда, мана, мен нима-лар демоқчи эдим...

— Ҳаққи рост гаплар, — деярли хитоб оҳангида деди Антиметей. — Биз барчамиз муҳтарам раисимизнинг фикрларига қўшиламиз, Прометей олови одам боласи кутмаган оқибатларни келтириб чиқариши ҳеч гапмас. Жаноблар, ўз-ўзимизни алдамайлик, олов ғоятда муҳим нарса. Утга эга бўлганлар қаршисида қандай янги имкониятлар очи-лиши мумкин-а! Масалан, айтайлик: ғаразли одам сен пешона те-рингни тўкиб етиштирган ҳосилнинг кулини кўкка созуриши мум-кин ёки тунда зайтунзоринга ўт қўйилса ҳам ажаб эмас ва ҳоказо-лар. Олов, жаноблар, биз — одамларга янги куч ва янги қуролни ато этади; оловнинг ёрдамида биз ўзимизни нақ маъбудларга тенг чоғ-лаймиз, — деди Антиметей деярли шивирлаган оҳангда ва бирдан қичқириб сўзлай бошлади: — Мен Прометейни мана шу илоҳий ва ҳамлакор табиий қудратли кучни чўпонларга, қулларга ва бошқа дуч келган кимсаларга ишониб топширганлиги учун айблайман; у олов-ни тагли-тугли, уни давлат захирасида сақлай оладиган ва масъулия-тини ҳис қиладиган зотлар қўлига топширмаганлиги учун айблай-ман. Ахир бу сир-асрор фақат давлат тепасида турганларга тааллуқли бўлиши керак эди. Прометейни шунинг учун айблайманки, — дея тобора тутақа бошлади Антиметей, — у ажнабийларни ҳам оловдан фойдаланишга ўргатди: яъни олов душманларимизнинг ҳам қўлида! Прометейни давлатга хоинликда айблайман! Уни оммавий тартиб-қоидаларни оёқости қилганликда айблайман, — Антиметей тўхтов-сиз қичқиравергани боис, бирдан қаттиқ йўтал тутиб қолди, — унинг ўлим жазосига ҳукм қилинишини таклиф этаман, — деди ниҳоят йўтал орасидаги хотиржам бир лаҳзадан фойдаланиб.

— Хуллас, — деди ҳорғинлашган овозда Гипометей, — яна ким сўзлашни хоҳлайди? У ҳолда, суд фикрига кўра, айбдор Прометей биринчидан, илоҳий қадриятларни таҳқирлагани учун, иккинчидан, топган олови одамларга огир тан жароҳатлари етказгани ва ўзгалар мулкани барбод қилаётгани, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таҳ-лика остида қолдиргани учун, учинчидан, давлатга хоинлик қилга-ни учун ашаддий жиноятчи деб топилади. Жаноблар, уни умрбод озодликдан маҳрум этишни, бу жазо қатъий тартибда ва кишанда ўтказилишини ёки ўлим жазосига ҳукм қилинишини таклиф этаман. Ихм...

— Ёки жазонинг ҳар иккала тури бирваракайига қўшиб ижро этилса, қани эди... ҳар икки нуқтаи назар ҳам бирдай қониқтирилар эди, — ўз дил орзусини изҳор этди Аметей.

— Қандай қилиб? Икки хил жазо қай йўсинда бирга қўшилади? — масалага аниқлик киритишни сўради раис.

— Мен айнан шу тўғрида ўйлаяпман, — деди минғирлаган оҳангда Аметей. — Балким шундай йўл топармиз: Прометейни абадий зан-жирбанд этамиз ва... майлига, бургутлар унинг маъбудсиз, бетавфиқ жигарини чўқилаб еб тугатишсин. Тушунарлими, жаноблар?

— Жуда оқилона таклиф, — мамнуният билан деди Гипометей. — Жаноблар, муҳокамамиздаги мудҳиш жинойи фаолият учун... ихм... бу энг одилона жазо чораси, афтидан. Кимда эътироз бор? Шундай қилиб, ҳукм масаласи ҳал бўлди...

— Ота, бу Прометей дегани нима сабабдан ўлимга ҳукм этилди? — сўраб қолди ўғли Эпитемей тушлик устида Гипометейдан.

— Бу сенинг ақлинг етадиган иш эмас, — қовоқ солди Гипометей қовурилган қўй этини суякдан иштаҳа билан тозалар экан, — қову-

рилган қўй гўшти... хоми билан қиёсланганда, қанчалар мазали! Мана, олов нимага яраши керак? Биз, ахир жамоатчилик фикрини инобатга олдик, тушунаёпсанми? Ким кўринган ялангоёқ кимса, ҳе йўқ, бе йўқ, жазосиз, қандайдир улуғ янгиликларни қилаверса, бунинг оқибати нима бўлади? Нега ўзбошимчаликларга йўл очиб қўйишимиз керак?.. Бу қовурмага нимадир етишмаяпти, чамамда? Э-ҳа тушундим! — овози жонланди отанинг. — Қовурилган қўй гўштига бироз туз сепиш ва унга саримсоқ пиёзни суртишим лозим. Мана, ҳикмат қаерда! Буям бир кашфиёт, болакай! Ҳа! Бундай кашфиёт эса, Прометейнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди.

ХУЛҚ-АТВОР ИНҚИРОЗИ

Гор оғзидаги атроф-муҳит сукунат оғушида. Эркаклар найзаларини ўйнатиб, эрта тонгдаёқ охулар тўдасини таъқиб этиш учун узоқ овлоқликларга йўл олишди; хотинлар бу пайтда кўзиқорин териб келиш ниятида ўрмонга жўнашди. Уша томондан уларнинг қий-чув овози ва беҳаё сўзлар аралаш ади-бади айтишувлари қулоққа чалиниб турибди; болалар, ҳойнаҳой, тепалик орқасидаги дарёчада оқар сувни чапиллатиб чўмилишаётгандир — бу қоқвош, ўйинқароқ, митти безориларни бағрингда ушлаб ўтириб бўпсан! Ибтидоий замонлардан қолган қоқшол отахон Яничек эса гор ёнида октябрь куёшининг майин шуълалари танасига хуш ёқиб мудрамоқда, аниқроғи, хуррак отганида, бурнидан бир маромдаги чийиллаган товуш таралади, лекин чолнинг сир бой бергиси йўқ, ўзини ўта сергак кишидай қилиб кўрсатишга, гўё қабиласининг горини ҳар лаҳзада хушёр кўриқлаб ва кекса қабила сардорларига хос равишда атрофга ҳукмини ўтказиб тургандай тутишга уринмоқда эди.

Кампири, қария аёл Янечкова, кўлида учи ўткир тош билан яқинда ошланган айиқ терисини кунт билан силлиқламоқда. "Бу ишни астойдил, қаричма-қарич, ҳафсала билан бажариш керак, эпсиз ёш келинимиз сингари — қўл учиди эмас", — деган фикр кечди унинг хаёлидан. — Бу ҳафсаласиз келинчак нуқул шимарилган билан билангина терини силлиқлайди, бунинг устига, ишни чала қолдириб гўдагининг тагини тозаллагани югургани-югурган. "Бундай қўл учиди ишланган тери, — ўйлайди кампир, — пишиқ-пухта бўлиш у ёқда турсин, аксинча, кўп ўтмай илма-тешик бўлиб, титилиб кетади! — Э-э, бу ишга нега ҳадеб мен аралашаверишим керак экан, бошида ўғлим бор-ку, у эса хотинига "миқ" этмайди, — ҳасрати кучайиб боради кампирнинг. Келини рўзғорда борининг қадрига сира етмайди. — Эҳ, отагинам-а, бу терининг тешилган жойи бор экан-ку, тагин нақ елкасида-я! Эҳ, шоввозларим, — кўнгли ғашланди кекса момонинг, — қандай бу уқувсиз овчики, айиқнинг елкасини камондан нишонга олипти? Энди бу терини сонга келтириб бўлармиди! Йўқ, менинг эркагим зинҳор бундай ов қилмасди, — таассуфдан ичи ёнарди кампирнинг, — чолим, ҳайвоннинг нақ бўғзини мўлжалга оларди..."

— Апшу-в, — чучкириб юборди шу пайтда қария Яничек уйқусираган кўзларини уқалаб. — Ҳали қайтишмадимми, бизникилар?

— Танчага чўғ келтиргани кетишгани йўқ-ку? — вайсақилиги тутди кампирнинг. — Кўнглингиз нималарни тусамайди сиз чолнинг?

— Оҳ, оҳ, оҳ, — ихради чол, уйқучан кўзларини юмиб-очиб, — ҳозиргилар ҳеч нарсани эплаша олмайди. Э-э, бўлганича бўлар. Аёллар қаерда?

— Мен уларни қоровуллаб ўтиришим керакми? — зардаси қайнади яна кампирнинг. — Аллақаерларда дайдиб юришгандир-да.

— А-а-а-а, — эсноғи тутди қария Яничекнинг. — Дайдиб юришгандир. Шунақа гаплар...

Яна сукунат чўкди, фақат Янечкованинг дили ғашли ўйлардан ўзига келолмай, ҳайвон терисини қиртишлашни давом эттира бошлади.

— Мен сенга айтсам, — чол Яничек орқа курагини қашлаб, ҳоргин гап бошлади, — мана, кўрасан: бизникилар тагин куппа-куруқ қўл билан қайтиб келишади. Бошқа нима ҳам қила олишарди, суякдан ясалган мўрт найзалар билан улар ҳеч нарсага эриша олмайди... Ўғлимга вайсаб чарчадим: тушунгин, қанчалик мустаҳкам, бақувват бўлмасин, суяк, барибир, суяк-да. У найзанинг тигини ўткир қила олмайди, дедим. Мана, сен, хотин киши бўлсанг ҳам фаҳминг етади: суякда, ҳайвон шохида... зарба кучи айтарли эмас-ку? Ўлжага найза урасан ахир, суяк билан суякли баданни тешиб бўладими? Бу кундай равшан-ку! Тош учли найза — бу, энди бошқа гап... Тўғри, қирра тош учли найзани тайёрлашнинг ташвиши етарли, лекин тайёрлаганингдан кейин қуролмасан, киройи қуролга эга бўласан. Э-эҳ, буни ҳеч уқтира олмадим-да, ўғлим тушмагурга.

— Ҳаммаси тушунарли, — эрининг ҳасратига шерик бўлди Янечкова. — Бу замонда ҳеч кимга буйруқ бера олмайсан.

— Мен ҳеч кимга буйруқ бермоқчи эмасман, — диққати ошди чолнинг. — Шунчаки, фойдали маслаҳатингга қулоқ тутишмайди-ку! Мана, кун кеча — ҳув анови қоя тагидан бичими келишган ялпоқ қайроқтош бўлагини топиб олдим. Уни бироз тарашласанг, бас, найза учига тиг тап-тайёр, бундан-да ўткирроқ тигни топиб бўлсан! Хўш, уни уйга келтирдим, "Қарагин, тошмисан-тош-а?" — дедим ўғлимга. "Ёмонмас, — деди хўмрайиб, — фақат, бобой, буни нима қиламиз?" "Балки найза учига яраб қолар", дедим. "Нима деяпсиз, отам. Энди шуни эрмак қилиб ўтиришим етмай турувди", деди шумтака. "Форимизда бунақа чиқитнинг бир уюми ётибди-ку? Қилчалик фойдаси йўқ", деди яна. "Қанча уриниб-чиранмайлик, уни ёғочга мустаҳкам қилиб ўрнатиб бўлмайди. Шундай экан, бу тошни бошимга урамани?" деди. Танбаллар! — алам билан сўзлади қария. — Ҳозиргилар атиги битта тош бўлагини ўхшатиб йўниб-силлиқлашга ўзларида ҳафсала топиша олмайди. Мана, гап қаерда! Ўта ялқов бўлиб кетишяпти болалар. Тўғри, суякдан найза тигини кўз очиб-юмгунча ясаш мумкин, лекин у шунчалик тез синиб адо ҳам бўлади-ку! "Нима бўпти, — дейди ўғлим, — янгисини зум ўтмай ясаймиз, гап тамом!" Эвоҳ, қандай кунларга етиб келдик, ўзи! Бўш вақт топилди дегунча янги найза ясашади! Қани, айт-чи, кампир, шуям иш бўлдими? Тошдан найза тигини яасанг, у хизматингга йиллаб ярайди-ку! Ишонавер, кампир, кўрасан, бари мен айтганимдай бўлади: ортга албатта қайтишади, қайтганда ҳам жон-жон деб қайтишади, ҳали бизнинг қадимги шонли тош қуролларимизга! Мен топганимни асраб-авайлаб, эҳтиётлаб йиғавераман: камон ўқининг эски-туски учлари, тош болғалар, тош пичоқлар... У бўлса бунинг барчасини "чиқит" дегани-деган.

Аламли ва аччиқ ўйлар кекса сардорнинг дилини тобора кемирмоқда эди.

— Мен ҳам шуни айтаман-да, — кампир чолини ғам-андуҳли ўйлардан чалғитиш учун унга ён бериб сўзлади: — Мана, ҳайвон терисига уларнинг муносабатини айтмайсизми? "Онажон, — дейди

келиним менга, — нега уларни шу қадар эзмаланиб тарашлаб ўтириш керак экан? Ўзингизга раҳмингиз келмайдими? Унга қўл билан ишлов беринг-қўйинг-да, бадбўй ҳид тарқатмайдиган бўлади?" "Менга ўргатмай қўяқол! — кампир шу тобда қаршисида пешвоз ўтирмаган келинига хаёлан хуруж қилади. — Ўзим яхши биламан нима қилиш кераклигини. Қайси замонлардан буён терини тош билан тарашлаб, ишлов бериб келишади, теримисан-тери бўлади. Эринчоқлигинг тутяптими, индамай ўтиравер... Меҳнатдан қочиб, акиллай-веради! Бекорчиликдан ҳар хил нарсаларни ўйлаб топишгани-топишган... Терини кул сепиб силлиқлаш керак эмиш! Шуям иш бўлди-ю...

— Буларга ҳеч ақл кирмайди, — дея чол оғзини катта очиб ҳомуза тортди. — Ҳеч нарсани менсишмайди-я, бизнинг эски одатларимиз уларга тўғри келмас эмиш! Айтишларича, эски тош қуроллар қўпол ва ўнғайсиз экан. Буни нотўғри деб бўлмайди, албатта, лекин биз ҳадеганда қулайликни ўйлаб ўтирмасдик, энди гилар эса жонининг ҳузурини ўйлагани-ўйлаган! Қани, кампир, ўзинг айт-чи, бу аҳволда яшаб бўладими? Масалан, мана бу чурвақа болакайларни олиб қарайлик... "Уларни ўз ҳолига қўйинг, ота, мириқиб ўйнаб-кулишсин", дейди келиним. Майли, ўйнаб-кулишсин, кейин нима бўлади?

— Атрофингизда тўполон қилиб бошингизни қотиришмаганига шукур қилмайсизми? — ёзғирди кампир невараларидан. — Нимани кўриб турган бўлсангиз, барчаси рост, булар ўзини тутишни ҳам билишмайди.

— Мана, сенга ҳозирги тарбия, — таънаомуз гап қилди Яничек. — Гоҳида бирон нима дейдиган бўлсам, эшитган жавобим қўйидагича: "Сиз, бобой, буни тушунмайсиз, замон бошқача, бошқа давр... Суякдан қилинган қурол ҳам ҳали охирги гап эмас: қачонлардир одамлар бошқа хом ашёлардан яна нималарнидир ўйлаб топишади", дейди. Энди буниси ҳаммасидан ошиб тушяпти: тошдан, дарахтдан, боринги, суякдан ҳам мустаҳкамроқ ашё топилармикин? Сен, мана, лақмароқ кампир бўлсанг-да, бир нарсани тан олишинг лозим: энди бундай... энди бундай фикрлар ҳеч бир қуюшқонга сиғмайди-да.

Янечкова момо қўлларини тиззасига туширди.

— Ҳой, чол — деди кампир. — Мана шундай тайинсиз хаёллар буларнинг қовоқ бошига қаердан келиб қолар экан-а?..

— Буни ҳозирги кунда "мода" дейишади, — тишсиз оғзини чалпиллатди қария Яничек. — Ҳов анови томонга бир қара, яёв юрган одам тўрт кунда етиб борадиган манзилда аллақандай дайди бир қабила макон тутибди, дашт кўйнида елда думалаб юрадиган гуваракка ўхшашади; эшитишимча, ёшларимиз ҳамма телбаликларни ўшалардан ўрганиб келишяпти. Суякли найзани ҳам, бошқа нарсаларни ҳам. Ҳатто буларнинг барчасини ўша саёқ қабиладан сотиб олишяпти, — ғазабланди чол. — Шу арзимас матоҳларни деб не азоб билан қўлга киритилган қимматбаҳо териларни бериб юборишяпти-я. Қачон ўзгалар сенга яхшиликни раво кўришган? Ҳеч қачон? Ким кўринган ялангоёқлар билан олди-берди қилавериш лозимми? Бу ёғини айтадиган бўлсам, ота-боболаримиз бизга ўз ибратли васиятларини қолдиришган: ҳар қандай келгиндига дарҳол ҳамла қилиш ва уларни ажодларининг олдига кечиктирмасдан равона қилиш керак! Асрлардан буён шу ўгит сақланиб келяпти: гапни чўзиб ўтирмасдан беғоналарни асфаласофилинга жўнат, қўй! "Бу нима деганингиз, ота, — дейди ўғлим. — Ҳозирги замон тамомила бошқача, ахир. Товар алмашиш замони". "Товар алмашиш" эмиш... Менга қолса, бундай-

ларни гирибонидан хиппа бўғиб ўлдириб, мол-мулкини тортиб олардим. "Қандай ноҳақлик, ота, — дейди ўғлим, — товарга хун билан товон тўлаш керак". Кўряпсанми, ўзга бировнинг ҳаёти азиз, ачинарли экан... Мана сенга бугунги дунёқараш! — кайфияти бузилиб, гудранди кекса сардор. — Бу кўрқоқликдан бошқа нарса эмас! Кимдир ўлса, ачинарли эмиш. Ҳой кампир, сен саволимга жавоб бер: бундай ачиниш билан яшаб бўладими, одамлар бир-бирини ўлдиришдан тийилишлари керакми? Бугун ўрмонда кийикларнинг сони борган сари камайиб кетяпти. Улар эса ортиқча томоқни ўйлайди. Анъаналарни ўйлашмайди, ўз аждодларини, қариндош-уруғларини ҳурмат қилишмайди... Нималар бўляпти ўзи! — хитоб қилди чол. — Бир куни қарасам, бир зумраша қўлига бўр олиб, горнинг деворига тўнғизнинг расмини чизяпти. Унинг кетига бошлаб туширдим, ўғлим бўлса, орага тушиб нима деди, дегин: "Болани тинч қўйинг, қаранг, расмда тўнғиз худди тирикдай жонланиб турибди!" Қобилиятли эмиш... Э-э, ўргилдим сендай, қандайдир "қобилият" ҳомийсидан! Одамлар бунақа бемаъни яшашни қачон бас қилишади? Қиладиган ишларинг бўлмаса, лоақал бирон тош нимтани олиб, тарашлаб, қиррасини ўткирлаштир! Найза яса!..

Кампир Янечкова лабини қаттиқ тишлади.

— Сиз тўнғизни гапирасиз... — дея пўнғиллади бирпасдан кейин.

— Нима қипти гапирсам? — деди чол.

— Айтяпман-да, — унга эътироз билдирди кампир. — Шу топда гапиришга тилим ҳам бормаяпти... Биласизми, чол, — ниҳоят дилидагини айтишга журъат қилди у, — бугун эрталаб... горга кириб... суякдан ишланган мамонт ҳайкалининг синиқ бир бўлагига кўзим тушди. У худди яланғоч аёл шаклида. Кўкраги... ва бошқа жойлари ҳам, тушундингми?

— Йўғ-е, нима деяпсан? — довдираб қолди чол. — Ким буни ишлапти?

Янечкова энсаси қотиб, елкасини учирди:

— Ким билади дейсиз? Кўриниб турибди, бу ёшлардан биронтасининг иши. Уни оловга ташлаб юбордим, бироқ... кўкраги биласизми, қанақа, мана шундай. Туф-э...

— Айниб бўлишди, — уятдан ерга қараб деди бобо Яничек. — Бу ахир ўтакетган шармандалик-ку! Очигини айтганда, ҳамма бало — суякдан дуч келган нарсаларни яшашни ўрганишаётганида! Бундай беҳаёликлар бизнинг хаёлимизга ҳам келмасди. Мана, янги замон нималарга олиб келяпти одамларни! Мана, нималарни ўйлаб топишяпти бугунгилар. Шундай давом этаверса, ерда ҳаёт тугайди! Йўқ, — ибтидоий Яничек бобо донишмандона нидо қилди, — бу йўсинда узоққа бориб бўлмайди...

АРХИМЕДНИНГ ЎЛИМИ

Бу воқеани, ростини айтганда, дарслик китобларда ёзилганидай рўй берган, деб бўлмайди. Ҳа, бор гап: Архимед Сиракуз римликлар томонидан эгалланган пайтда ҳалок бўлган. Бироқ унинг хонадонига Рим аскарлари бостириб кириб, асир олишга урингани ва геометрик шакллар чизмасига берилиб кетган Архимед унга газабнок ҳолатда: "Менинг чизган доираларимни бузишга қандай журъат этдинг!" деб бақиргани... бор гап эмас.

Энг аввало, Архимедни ўз атрофида юз бераётган воқеаларга ниҳоятда бефарқ, фаромушхотир профессорга чиқариб қўйишнинг ўзи

бўлмаган гап: аксинча, у ўз табиатига кўра, туғма жангчидай хушёр эди ва Сиракузни ҳимоялаш учун гоёта зарур ҳарбий машиналарни ихтиро қилган. Бунинг устига, хонадонига бостириб кирган жангчи зинҳор-базинҳор, аллақандай маст-аласт талончи кимса эмасди: у чинакамига тарбия кўрган, гурур-ҳамияти жойида центурион, Люций исмли йигит эди. Люций бевосита штабда хизмат қилган ҳамда Архимед ҳузурида экан, ким билан учрашиб турганлигини яхши фаҳмлаган инсон эди. У Архимедни асир олишни, умуман, хаёлига ҳам келтирган эмас; Люций эшик олдида тўхтаб, ҳарбийчасига қўлини чаккасига қўйиб, тантанавор оҳангда:

— Архимедга саломларим бўлсин! - деган.

Мумланган тахтачага нималарнидир чизаётган олим бошини кўтариб, жангчидан:

— Нима гап? — деб сўрайди.

— Гапимни эшит, Архимед, — дейди унга Люций. — Биз яхши биламиз, сенинг машиналарингсиз Сиракуз ақалли бир ойга ҳам ўзини ҳимоя қилолмас эди. Бизлар эса уни эгаллаймиз, деб икки йил мобайнида уриндик. Ишонтириб айтаман, биз, жангчилар, буни жуда яхши тушунамиз. Ихтиро қилган машиналаринг ажойиб! Сени бу муваффақиятинг билан фақат табриклашимиз мумкин.

Архимед унинг мақтовини ланж бир кайфиятда тинглади:

— Бас қил, маъбуд хайрингни берсин, бу тўғрида гапирма. Одатдаги тошотар мослама, ўйинчоқ, бошқа ҳеч нарса эмас. Бирон илмий қиммати ҳам йўқ.

— Жудаям ҳарбий қимматга эга-да, — эътироз билдирди Люций. — Қисқаси, Архимед, келишимдан муддао, биз билан ҳамкорликда ишлашни сенга таклиф қилишдир.

— Биз билан деганинг нимаси?

— Римликлар билан! Ўзинг сезиб турибсан, Карфаген инқирозга юз тутяпти. Унинг нимасига мадаккор бўлмоқчисан? Карфагенга қарши қанақа ўйинларни бошлаётганимизни энди ўз кўзинг билан кўрасан. Ростини айтганда, сиз — сиракузликлар, можаронинг бошланишидаёқ бизга қўшилишларинг керак эди.

— Нега шундай деб ўйлайсан? — гайирлиги тутди Архимеднинг. — Асли келиб чиқишимиз юнонлардан бўлсак. Хўш, нега римликларга қўшилишимиз керак экан?

— Чунки сизлар Сицилияда яшайсизлар. Сицилия эса бизга керак.

— Нега керак?

— Чунки биз бутун Ўрта Ер денгизини эгалламоқчимиз.

— Э-ҳа! — ўйчан нидо қилди Архимед ва тахтачасига кўз ташлади. — Бунинг сизларга нима кераги бор?

— Кимки Ўрта Ер денгизини эгалласа, у бутун дунёни эгаллайди. Афтидан, бу тушунарлидир.

— Сизлар, албатта, дунёни эгаллашингиз шартми?

— Ҳа! Римнинг бурчи — дунёни забт этиш! Ва у, сўзсиз, оламнинг ҳукмдори бўлади, бунга ишонишинг мумкин.

— Сен билан гап талашмоқчи эмасман, — деди Архимед ва мумли тахтача сиртида битилган ниманидир ўчирди. — Бироқ сизларга буни маслаҳат бермасдим. Биласанми, дунёни бошқариш анча заҳматли иш. Зое кетган умрларингга ачиниш қолишларинг мумкин.

— Буниси муҳим эмас. Муҳими, биз буюк салтанатни барпо эта-миз.

— Буюк салтанатни! — гаши келиб такрорлади Архимед. — Мен кичик доирани чизаманми ёки каттасиними — барибир, у доирали-

гича қолади. Ва унинг албатта чегараси бўлади, чегарасиз эса сизлар ҳам, барибир, яшай олмайсизлар... Ёки сен катта доирани кичигидан мукамалроқ деб ўйлайсанми? Ва сен имкон қадар каттароқ доирани чизсанг, ўзингни янада буюкроқ геометр деб ҳис этасанми?

— Сиз, юнонлар, сўз ўйинига устасизлар, — деди жавобан Люций. — Биз эса ўз кучларимизни бошқача исбот этамиз.

— Қандай қилиб?

— Иш, амал билан. Масалан, сизнинг Сиракузангизни эгалладик; пировардида, Сиракуз энди бизники. Бу кучимизнинг аниқ исботи эмасми?

— Тўғри, — деди Архимед ва учи ўткир таёқча билан бошини қашилади, бу таёқча тахтачага ёзув битиш қуроли эди. — Тўғри, сизлар Сиракузни эгалладингиз. Фақат энди бу — шу пайтгача мавжуд бўлган Сиракуз эмас. Сиракуз энди бошқа бўлмайди. У улуг ва шаарафли шаҳар эди, энди унга улугвор шаҳар бўлиш насиб этмайди.

— Бироқ Рим буюк шаҳарлигича қолади. У дунёдаги энг қудратли шаҳарга айланади.

— Нега шундай бўлиши керак?

— Ўзини ҳимоя қила олиши учун. Биз қанча кучайиб борсак, душманларимиз шу қадар кўпайиб боради. Шу боисдан, ҳаммадан кучли бўлишга мажбурмиз.

— Гап куч тўғрисида бораётган экан, — тўнгилади Архимед, — билиб қўй, Люций, мен физикани бироз тушунаман. Ва сенга айтмоқчиманки, куч — боғлаб қўяди.

— Бу нима деганинг?

— Биласанми, шундай қонун бор. Ҳаракатдаги куч ўз-ўзини боғлайди. Сизлар кучайиб борганингиз сайин, бунга янада каттароқ куч талаб қилинади. Ва охир-оқибатда, шундай лаҳза етиб келадики...

— Ҳўш, нима демоқчисан?

— Йўқ, ҳеч нарса демоқчимасман. Мен пайгамбар эмасман, бор-йўғи, физикман. Фақат шуни биламанки, кучга боғланиб қолиш мумкин. Бошқа ҳеч нарсани билмайман.

— Эшит, Архимед, нега биз билан ишлагинг келмаяпти? Сен ҳатто тасаввур ҳам эта олмаяпсан. Римда қаршингда шундай имкониятлар очилардики... Ер юзидаги энг қудратли машиналарни ихтиро қилган бўлардинг...

— Мени, маъзур тутасан, Люций. Ёшим бир жойга бориб қолган одамман, бор вақтимдан фойдаланиб, миямдаги кўпдан-кўп режаларимдан баъзи бирларини бўлса-да, амалга оширмақчиман. Мана кўриб турибсан, шу топда ҳам лойиҳалар билан бандман.

— Наҳотки, Архимед, сенда биз билан ҳамкорликда дунёни эгаллаш истаги бўлмаса?.. Нега жимсан?

— Кечирасан, — деди Архимед тахтача устига эгилганича. — Нима дединг?

— Сендай инсон, дунёни эгаллашимиздек бизнинг буюк ишимизга иштирок этсанг бўларди, деяпман.

— Ҳм, дунёга ҳукмронлик... — ўйланиб қолди Архимед. — Сен хафа бўлма, ишларим бошимдан ошиб-тошиб ётибди. Сен айтганингдан кўра, муҳимроқ ишлар. Яъни, сен билан биздан узоқроқ яшаб қолдиган ишлар.

— Қандай иш?

— Эҳтиётроқ бўл, чизган доираларимни ва ҳисобларимни ўчириб юбормагин, тагин. Бу ҳисоблар доиранинг исталган сектори сиртини ҳисоблаш усуллари...

* * *

Орадан бироз муддат ўтиб, таниқли олим Архимеднинг бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳалок бўлганлиги расман эълон қилинди...

ДОН ХУАННИНГ ТАВБАСИ

Бахти қаро Эльвиранинг ўлимига яраша қасос олинди: дон Хуан Тенорио "Посада-де-лас-Реинас" меҳмонхонасида кўкрагидан оғир жароҳат олган, у ўлим билан олишмоқда.

— Ўпка эмфиземаси, — деди маҳаллий табиб қуруққина қилиб. — Балким бошқа одам бу дардга бардош берар, лекин дон Хуандай, танаси илма-тешик кавальере... Мушкул иш, Лепорелло; очиги, унинг юрак уриши менга ёқмаяпти. Бу тушунарли, албатта, бетанафбус ишқий савдолардан кейин... юрак адои тамом бўлмай нима бўларди, жаноблар. Мен сенинг ўрнингда бўлсам, Лепорелло, ҳойнаҳой, вақт борида унинг ҳузурига руҳонийни таклиф этган бўлардим; эҳтимол хўжайининг қайта ҳушига келар, лекин тиббиётнинг ҳозирги даражасида... бир нарса деб бўлмайди. Таъзимимни қабул қилгайсизлар, кавальерос...

Падре Хасинто ярадор дон Хуаннинг оёқ тарафига тиз чўкди ва унинг кўз очишини пойлай бошлади; ўзи эса тийиқсиз осий бандасининг гуноҳларини маъзур тутишини Худодан ўтиниб сўраб, калима қайтара бошлади. "Оҳ, қани энди бу, қулоғигача гуноҳга ботган банданинг руҳиятини поклаш менинг қўлимдан келса, — қўйинарди оқкўнгил руҳоний. — Унинг бошлаб адабини беришибди; балким, шундай жазо ўзлигини унутган бандани инсофга қайтарар ва ҳис-туйғуларини тавба-тазарруга мойил этар".

Бутун элга ўтакетган фоҳишабозлиги билан машҳур одамнинг сўнгги тавбасини қабул қилишга шайланган руҳонийга ҳам осон тутиб бўлмайди. Ҳа, биродари азизлар, бундай антиқа ҳодисага ҳатто епископ Бургосский ҳам дуч келмагандир. Одамларга эса эрмак топилди, улар ҳар бурчақда шивирлашиб: "Ана, қаранглар, Хасинто ота келяпти, ҳа, янглишмадингиз, ўша, хотинбозлиги билан машҳур дон Хуаннинг қалб гуноҳларини Худодан ўтиниб сўраган руҳоний шу одам-да", дейишгани-дейишган.

Падренинг вужуди қалтиради ва чўқинди: бир томондан, у калондимоғликнинг шайтоний васвасасидан қутулишга уринар, иккинчи томондан, ўлаётган дон Хуаннинг кўзлари ўзига қадалганлигини кўриб турарди.

— Менинг ишқ йўлидаги телба ўғлим, — деди муҳтарам отахон имкони борича юмшоқ гапиришга уриниб, — сен ўляпсан, тез орада ёруғ дунёдаги разолатли ҳаётинг давомида қилган барча оғир-енгил гуноҳларинг учун Олий Ҳакамнинг тахти қаршисида туриб, жавоб берасан. Сендан сўрайман, муруватли Парвардигор ҳаққи, ҳали фурсатинг борида барча гуноҳларинг учун тавба-тазарру қил; у дунёга ердаги қабих қилмишларинг ахлатига ботиб, иллатларингни ортмоқлаб, нопок ҳолатда бориш ярамайди.

— Майли, — деди дон Хуан, — костюмимни яна бир бор алмаштирсам бўлади. Падре, мен доимо вазиятга қараб кийинишга ўрганганман.

— Кўрқаманки, — диққати ошди отахоннинг, — мени тушунмадинг, бўтам. Сенга руҳиятингдаги кир-чирлар тўғрисида гапиряпман, улар учун Яратган Эгам қаршисида тиз чўкиб, узр сўраш ва тавба-тазарру қилиш пайти келди, деяпман.

— Демак, ўзимни обдон келиштириб қоралашим керак... Эҳ, ҳазрат ота, сиз хаёлингизга ҳам келтирмайсиз бу ишим хотин-қизларга қандай таъсир этишини!

— Хуан, — қовоғи уюлди руҳонийнинг, — бу дунё ташвишларини хаёлингдан ситиб ташла: ёдингда тут — сен Худойим билан савол-жавоб олдида турибсан.

— Билиб турибман... — эҳтиром чегарасидан чиқмай, ҳансираб эътироз билдиради унга дон Хуан. — Яна шуни биламанки, урф-одат... инсоннинг насронийларга хос равишда... ҳаётдан кўз юмишини талаб қилади. Мен эса одоб-ахлоқ талабларига сидқидилдан амал қилишга доимо интидим... имкон қадар, албатта. Номусимни ўртага қўйиб онт ичаман, мен ҳеч бир ортиқча гап-сўзсиз дилимда борини айтаман. Чунки, биринчидан, ҳозир ниҳоятда... заиф ҳолатдаман, узундан-узун сўзлашга кучим етмайди, иккинчидан эса, ўзим ҳаётда ҳар доим, ҳар бир мақсадимга тўппа-тўғри... қисқа йўлдан боришга кўникканман.

— Лаёқатинга тўла тан бераман, — деди отахон. — Бироқ, энг аввало, ишқ йўлида савдойи ўғлим, руҳан ўзингни қўлга ол, виждон, имонингни сўроққа тут, бадбин қилмишларингдан чуқур таассуфланишга ўзингни ҳозирла. Мен эсам сендан узоқлашмай пойлаб тураман.

Шундан кейин ярадор дон Хуан кўзларини юмди ва хаёлан виждонини титкилашга киришди; отахон эса Худойи Таолодан унга мадад йўллашини ва имонини тилга киритишини сўраб, четда шивирлаб калима қайтарарди.

— Мен тайёрман, бузруквор ота, — деди бир зумдан кейин дон Хуан ва тавба-тазарруни бошлади.

Падре Хасинто мамнун бўлиб бош чайқади: тавба-тазарру, унинг назарида, сидқидилдан, самимий ва тўла-тўқис бажарилгандай эди; беморнинг ўз ёлғончиликлари ва қилган муттаҳамликлари, қотилликлари ва қасамхўрликлари, такаббурликка берилишлар, алдов ва қинғирликлари эътирофи шу қадар саргузаштли эдики. уларни ўлим олдидаги бир осий банда учун асло кам деб бўлмасди... Дон Хуан, чиндан ҳам, бор вужуди ила гуноҳга ботган бир осий кимса эди. Лекин у негадир жим бўлиб қолди, дон Хуан хаёл уммонига ботиб кўзларини қайтадан юмиб олган эди.

— Бирпас тин ол, гуноҳкор банда, — сабр-тоқат билан унга таскин берди руҳоний, — кейин қолганини эшитаман.

— Мен тугатдим, отахон, — деди совуқ бир қатъият билан дон Хуан. — Агар бирон нимани унутиб қолдирган бўлсам, демак, улар арзимас майда-чуйдалардир, Худойим мурувватли, бу хатоларимни кечиради...

— Қандай қилиб?! — ногаҳонда бақириб юборди Хасинто ота. — Унутганларингни ҳали "арзимас майда-чуйдалар" деб айтяпсанми? Бутун ҳаётинг давомида ҳар қадамда қилган ишқий илиқишларинг, сен йўлдан урган аёллар, тийиқсиз эҳтиросларинг... булар, ҳали "арзимас нарсалар" бўлиб қолдими? Йўқ, биродар, тавба-тазарруни талаб қилинганидай адо этасан: Худойим олдида, эй, бадхулқ жувонбоз, тубан қилмишларингдан биронтаси ҳам сир бўлиб қолмаслиги керак. Яхшиси, жамики разолатларинг учун тавба қил ва гуноҳкор қалбингни енгиллаштир!

Дон Хуаннинг афти бурушди ва бетоқат бўла бошлади.

— Мен сизга борини айтдим, дедим-ку, — қайсарлик билан деди у. — Онт ичаман, отахон, тавба қилиб айтадиган бошқа ҳеч бир гапим қолмади.

Шу топда "Посада-де-лас-Реинас" меҳмонхонаси нозирининг қулогига ярадорнинг хонасидан бақир-чақирлар эшитила бошлади.

— Худойим, ўзинг асра! — дея хавотирланиб чўқинди у. — Афтидан, ота Хасинто шўрлик синьордан иблисларни ҳайдаяптими, дейман. Менинг меҳмонхонамда бундай кори ҳолларнинг рўй бериши кўнглимга ҳеч ўтиришмаяпти.

Машғум хонадан қичқариқ овозлари аллавақтгача эшитилиб турди. Шунча пайтки, бу вақт орасида бемалол ловия шўрва қайнатишга улгуриш мумкин эди; вақти-вақти билан бақирқиқлар паст овоздаги қатъий даъват сўзлари билан алмашилиб турар ва яна қайтадан бақирқиқ-чақирқиқлар атрофга тарала бошларди; кейин ярадорнинг хонасидан ота Хасинто ўқдай отилиб чиқди, юзи курка товуқнинг бўйнидай қизариб кетганди, кейин ҳансираб, Биби Марямнинг руҳини ёрдамга чақирганича черковга қараб югурди. Меҳмонхона яна сукунат оғушига чўмди, чарчаб, толиққан Лепорелло ўз хўжасининг хонасига мўралади, ярадор хўжайини кўзини юмганича тўшакда инграб ётарди.

Тушлик пайтидан кейин шаҳарга Исавия жамиятининг аъзоси, ота Ильдефонсо етиб келди, у эшақда Мадриддан Бургос томон йўлга тушган эди. Кун тандирдай қизиб кетганлиги сабабли отахон Ильдефонсо шаҳарга киргач, руҳонийнинг уйига тушиб, Хасинто отадан ҳол-аҳвол сўради. Ота Ильдефонсонинг афти-ангори тарки дунёчиларникидай заҳил, тик ва қотма киши эди. Малла ранг бароқ қошлари ўсиб, кўзларини босиб турарди. Дастурхонга қўйилган муздай қатиқни симириб ичиб бўлгач, у Хасинто отанинг авзоини синчковлик билан кузатди. Ота Хасинто нимадандир безовта, аммо буни сездирмасликка уринар эди. Орага шундай сукунат чўкдики, киши қулогига чивиннинг гингиллаши момақалдироқ гумбурлашидай бўлиб эшитилар эди.

— Дунёда нима гаплар, дерсиз, — тилга кирди ниҳоят, изтиробда ўтирган отахон Хасинто. — Бу ерда, бизда ўтакетган баттол осий бир банда бор, унинг жони ана-мана узилай деб турибди. Биласизми, дон Ильдефонсо, мен сизга шармандали бир тарзда элга номи чиққан дон Хуан Тенорио хусусида гапиряпман. Бу ерда, унинг аралашувида бир жанжал чиққан, яккама-якка қиличбозликка киришган бўлишса ҳам, ажаб эмас. Ҳозир ўлим олдида. Хуллас, мен шу бандаи бетавфиқнинг тавба-тазаррусини қабул қилгани бордим. Аввал иш хамирдан қил сургундай силлиқ кўчаётган эди. Жудаям берилиб бажарди тавба-тазаррусини. Гап бўлиши мумкин эмас! Бироқ иш олтинчи қоидага бориб етганида, тилини тишлаб қолди, натижада, ундан қониқарли сўзни эшита олмадим. Бу маънода унинг афсус қиладиган бирон гуноҳи йўқ эмиш. Аслида, шу қадар жирканч одамки, Биби Марямнинг ўзи кечирсин! Ўйлашимча, Кастилиянинг ҳар икки худудида ҳам фаҳшга бу қадар берилган кимсани топиб бўлмайди... на Валенсияда ва на Кадикедда бу маънода унга тенг келадигани йўқ. Айтишларича, кейинги бир неча йил ичида у олти юз тўқсон етти нафар етилган қиз ва аёлларни йўлдан урган; улардан бир юз ўттиз нафари монастирга кетишга мажбур бўлишган; элликка яқинини оталари ва эрлари ғазаб устида ўлдириб қўйишган; тахминан яна шунчасининг қалби ғам-андуҳдан вайрон бўлган. Мана, шундай гаплар, дон Ильдефонсо, бу ўтакетган хотинбоз, ҳозир ўлим чангалида ётса-да, менинг кўзимга бақрайиб қараб туриб, "Ишқий хиёнаткорлик" моддасига келганда: "Бу масалада афсус қиладиган тайинли айбим йўқ", деб оёқ тираяпти. Энди бунисига нима дейсиз?

— Нима ҳам дердим, — хотиржам бир оҳангда сўзлади Иезуит ота. — Сиз унинг гуноҳларидан ўтишни рад этдингизми?

— Албатта-да, — қатъий гапирди ота Хасинто. — Барча уринишларим беҳуда бўлди. Шундай сўзларни унга айтдимки, уларни эшитса, ҳатто тош ҳам тилга кириб, тавба-газарруни бошлаб юборар эди. Аммо бу Худодан қайтган телбага сираям гапим ўтмади. "Ғуноҳкорман, отахон, ғурурим ён бермаяпти, — дейди у менга, — қасамимни ҳам бузганман, яна нималар қилмадим; лекин сиз сўраган масалада... бу тўғрида, айтадиган ҳеч бир гапим йўқ", деб туриб оляпти.

— Биласизми, масаланинг илдизи қаерда, дон Ильдефонсо? — ногаҳонда дилидагини ошкор қилди отахон Хасинто ва шошилинич чўқиниб олди. — Ўйлашимча, уни иблис йўлдан урмоқда. Ана, шунинг учун энг оғир айбларини эслаб афсусланишдан бош тортяпти! Иблис руҳи унинг қон-қонига сингиб кетган, Дон Хуан дўзах ҳукми билан аёлларни алдаб, йўлдан оздириб келди, — Хасинто ота титраб кетди. — Сиз унга бир разм солсангиз бўларди, муҳтарам ота. Мен айтган иблисона ҳолат унинг кўзидаёқ яшнаб турибди.

Дон Ильдефонсо, Исавия жамиятининг бу мўътабар аъзоси, сукут оғушида ўйга берилди.

— Майли, — деди ниҳоят ўзини ўнглаб. — Мен уни бир кўздан кечирсам бўлади.

Ильдефонсо ота хонага жимгина кириб келиб хизматкор Лепорелло-ни қўл ишораси билан чиқариб юборганида, дон Хуан мудраганича ётарди; Иезуит ота тўшакнинг бош тарафига қўйилган стулга ўтириб, ҳаёт шаъми сўниб бораётган, кўзлари юмуқ ярадорнинг киртайган чеҳрасига диққат билан тикилди.

Узоқ жимликдан кейин мажруҳ банда ингради ва кўзини очди.

— Дон Хуан, — юмшоқ оҳангда деди Иезуит ота. — Гапиришга қийналяпсиз...

Дон Хуан мажолсиз бош қимирлатди.

— Ҳечқиси йўқ, — давом этди руҳоний. — Сизнинг тавба-газарруйингиз, синор Хуан, бир молдада бироз туманли бўлиб турибди экан. Менинг ҳеч бир саволим йўқ, лекин... сиз тўғрингизда ўзим сўзламоқчиман, фақат гапларим маъқул ёки маъқул эмаслигини тасдиқлай оласизми?

Тўшакдаги ярадор ўгирилиб, роҳибнинг ҳаракатсиз юзига қўрқув билан мажолсиз тикилди.

— Дон Хуан, — ота Ильдефонсо зиёлиларга хос хотиржамлик билан сўз бошлади. — Мен сиз тўғрингизда анча-мунча гапларни эшитганман ва доимо бир масала устида ўйланаман, — у ярадорга маъноли назар ташлади. — Нега сиз бир хотиндан иккинчисига, бир севгидан — бошқасига ошиққанингиз ошиққан; нима учун биз, кўпчилик одамлар "бахт" деб атайдиган роҳат-фароғатли ва бир маромдаги, осойишта турмуш муҳитида сиз узоқ яшай олмайсиз, аниқроғи, қола билмайсиз...

Дон Хуан қайгули бир ҳолатда ижирғаниб, тишларининг оқини кўрсатди.

— Бир севгидан бошқасига, — хотиржам давом этди Ильдефонсо. — Гўё сиз яна ва яна кимнидир, — билишимча, ўзингизни, бир масалада астойдил ишонтирмоқчи бўласиз. Бу шундан иборатки, гўё сиз муҳаббатга лойиқ кишисиз, сиз айнан аёллар ҳуш кўрадиган ўша эркаксиз. Ҳа, шундай ўйлайсиз. Лекин сиз бахтсиз одамсиз, дон Хуан!

Ярадорнинг лаблари қимтинди; афтидан, у отанинг сўнгги сўзларини шивирлаб такрорлаётгандай эди.

— Аслида эса, — дўстона оҳангда давом этди роҳиб, — сиз ҳеч қачон эркак бўлмагансиз, фақат руҳиятингизда эркакона руҳ мавжуд бўлган, табиат бошқалардан сизни кам қилиб яратганини, ҳар

бир тирик жонда бор бу имконият, жаноб, сизда йўқлигини умр бўйи ҳаммадан яширишга интилиб келдингиз... Сиз руҳан камситилиб яшадингиз.

Ярадорнинг тўшагидан болаларча ҳиқиллаган йиғи товуши эшитилди.

— Мана, нима учун, дон Хуан, ўсмирлик пайтингиздан буён эркак ролини ўйнашга ҳаракат қилиб келдингиз; сиз ўта жасоратли ва таваккалчи эдингиз, такаббур эдингиз ва ҳар бир қадамингизни намойишкорона босишга уриндингиз ва бунинг ҳаммаси бир нарсага йўналтирилган эди — нега бошқалар мендан яхши, нега улар бусбутун эркак, деган ўйни шу йўсинда хаёлингиздан ҳайдашга ҳарчанд уриндингиз; шу-шу, эркаклигингизни амалда исботловчи далилларни имкон қадар кўпайтиришга киришиб кетдингиз. Бу борада сиз, чиндан ҳам, тенгсиз эдингиз, лекин бунинг барчаси юзаки, намойишкорона эди. Сизда эркаклик йўқ эди ва сиз қанча хотинларни беҳуда аврадингиз, дон Хуан! Сиз муҳаббатнинг нималигини ҳеч қачон билмагансиз, фақат мафтункор ва олийжаноб қалбли аёллар билан ҳар галги учрашувингизда ўз руҳиятингиз, рицарлигингиз, "менда бор" деб ўзингизни ишонтириб келган эҳтиросларингиз билан уларнинг бошини айлантиришга ҳар доим, жазавага тушиб интилингиз; буларнинг барчасини қойилмақом бир даражада удаладингиз. Сиз умрбод роль ўйнадингиз. Лекин, сиз қўрқиб, қочиб юрган аянчли лаҳза, барибир етиб келди: аёллар, аслида, кимлигингизни билиб қолишиб, уларнинг сиздан ҳафсаласи пир бўлди, о-о, бу дамлар энди сиз учун дўзахга айланди, дон Хуан... Ҳа, бу дўзах эди! Чунки сиз бу лаҳзаларда бемаъни, бахтсиз гурурингиз ер билан битта бўлганлигини ҳис этдингиз — сиз учун хўрланишдек қўрқинчли давр бошланди. Сизга, бутун хаёлингизни тикиб эришганларингиз оламини тарк этиш ва қочиш, бахти қаро Хуан, ақлу ҳушингизни ўғирлаган хотинлардан қочиш, бунинг устига, ҳамиша голиб бўлиб келган тилларингиз яна аллақандай ёлғонларни айтатуриб, қочишингизга тўғри келди. Бу, афтидан, нақ дўзахнинг ўзи эди, сиз учун, дон Хуан.

Ярадор деворга юз буриб ётаркан, елкалари силкиниб, адоий тамом бўлиб, йиғлай бошлади.

Дон Ильдефонсо ўрнидан турди.

— Бечора, — деди у. — Сиз ўз айбингизга ҳатто сўнги тавбатазарру дамларида ҳам иқрор бўлишга уяляпсиз. Хуллас, мана, кўрдингиз — бари тугади, лекин мен ота Хасинтони ичида чуқур надомат чекаётган гуноҳкор банда афсусларини қабул қилишдан маҳрум қилмоқчи эмасман.

Ва у руҳонийга одам юборди; Хасинто ота етиб келганида эса дон Ильдефонсо унга:

— Сизга айтмоқчиманки, отахон, у бор айбини тўла бўйнига олди ва йиғлашдан орланмади. Ишончим комилки, унинг афсусланишларида Парвардигор иродасига итоат сезилиб турибди. Афтидан, биз унинг гуноҳларини кечирсак бўлади, — деди.

РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА

Навқирон инглиз дворянини Оливер Мендевилль ўқиш мақсадида Италияни кезиб юриб, Флоренцияга ташриф этганида падари бузруквори, сэр Уильям оламдан ўтгани тўғрисида унга совуқ хабар етиб келди. Ниҳоят, мана, сэр Оливер чуқур қайғули ҳолатда, кўз ёшларини тия олмай, синъора Маддалена билан хайр-хўшлашиб ва имкон

қадар тезроқ қайтиб келишини унга ваъда қилганича, хизматкори ҳам-роҳлигида Генуя бўйлаб Ватани сари йўлга тушди.

Сафарларининг учинчи кунда улар қандайдир бир қишлоққа кириб келишганида, кучли жала бошланди. Сэр Оливер отидан тушмай, ўзини кекса қайрағоч панасига олди.

— Паоло, — юзланди у хизматкорига, — қараб кўр-чи, шу яқин атрофда бирон қаҳвахона бўлса, ёмғир ўтиб кетишини пойлаб турардик.

— Агар хизматкорингиз ва отингиз учун бошпана зарур бўлса, — қоронғуликда, сэр Оливернинг шундоқ боши устида бир кишининг овози эшитилди, — қаҳвахона шундоқ йўл бурчагида жойлашган, сиз эса, кавальере, менинг камтарона хонадонимни ўзингизга қароргоҳ қилсангиз, бошим кўкка етарди.

Сэр Оливер гардишлари кенг шляпасини бошидан олди-да, юқорига, чироқ ёруғи чарақлаб турган деразага кўз ташлади, у ёқда йўғон гавдали кекса отахон очиқ чеҳра билан кулиб турарди.

— Ҳазрати олийлари, — унинг ҳимматига эҳтиромли муносабатда бўлди инглиз йигит, — саховатли қалбини очиб, сидқидилдан меҳмондорчиликлар кўрсатган гоятда мафтункор мамлакатингизни тарк этаётган бир ажнабийга бу қадар карамли бўлмасангиз.

— Яхши, сертакалуф йигит, — деди унга жавобан руҳоний, — бироқ нутқингизни бунақа давом эттирадиган бўлсангиз, ёмғирда ивиб қоласиз. Отдан тушсангиз бўларди, қани, бундай туришни бас қилинг, қаранг, ёмғир челақлаб қуйгандай ёғяпти.

Муҳтарам черков намояндаси айвонга чиқиб келганида, сэр Оливер ўзини ажабланишдан тўхтата олмади: бунақа пакана отахонни ҳеч қачон учратмаган эди ва унинг қаршисида шу қадар тиз чўкишга тўғри келдики, юзига қон тепиб, қизариб кетди.

— Оҳ-оҳ, бас қилинг бу одатингизни, — деди руҳоний. — Мен бор-йўғи бир францисколикман, кавальере. Исминми ота Ипполито дейишади. Ҳой, Мариэтта, бизга вино билан колбаса келтир-чи! Марҳамат қилинг, жаноб, бу ер ниҳоятда қоронғу. Сиз, ахир, инглизсиз-ку? Қаранг, сиз, инглизлар муқаддас Рим черковидан ажралиб чиққанингиздан буён Италияда деярли кўриниб-кўринмай қоляпсизлар. Мени тўғри тушунарсиз, жаноб. Утмишни қўмсаепман. Бу ёққа бир қаранг, Мариэтта, бу жаноб "инглезе" экан! Бечора, жудаям ёш. Қани, гўштдан кесиб олинг-чи. Сиз вероналикларнинг таомидан ҳеч қачон юз ўгирманг ва шўрданаги ҳам кўп яхши нарса, севикли ўғлим. Веронада ҳали бўлмаганмисиз? Яхши эмас! Илоҳий Веронезе худди мана шу шаҳарда туғилган. Мен ҳам вероналикман, асли. Анча доврўқли шаҳар, жаноб. Уни, скалигерлар шаҳри ҳам дейишади. Вино сизга ёқяптими?

— Миннатдорман, отахон, — сўзлади сэр Оливер. — Лекин бизда, Англияда Веронани, Жульетта шаҳри, деб билишади.

— Анавини қаранг! — таажжубини яширмади отахон Ипполито. — Нега энди? Мен, негадир, княгина Жульетта деганини эшитмаган эканман. Очиғини айтганда, мен Веронада бўлмаганимга ҳам қирқ йилдан ошди. Сиз қайси Жульетта тўғрисида гапиряпсиз?

— Жульетта Капулетти тўғрисида, — тушунтириш берди сэр Оливер. — Бизда, биласизми, шундай пьеса бор... Шекспир деган ёзувчининг асари. Ажойиб пьеса! Сиз уни биласизми, отахон?

— Йўқ, ҳа, айтмоқчи, Жульетта Капулетти, Жульетта Капулетти... — гудраниб қолди отахон Ипполито, — уни мен билишим керак эди. Мен Капулеттиларникига Лоренцо ота билан бориб турардим.

— Сиз роҳиб Лоренцони билармидингиз? — бетоқатланиб сўради сэр Оливер.

— Билганда қандоқ! Ахир мен, жаноб, унинг ҳузурида министронт бўлиб хизмат қилганман. Шошманг, Жульетта деганингиз, бу ҳалиги, граф Парисга турмушга чиққан қиз эмасми? Бўлди, уни мен танир эдим. Ута художўй ва ажойиб хоним эди, графиня Жульетта. Ўзи Капулеттилар уруғидан... ҳалиги, бахмалфуруш йирик савдогар эди, Капулетти.

— Сиз айтганингиз бошқа Жульетта, чамамда, — деди бироз шашти қайтиб сэр Оливер. — Мен айтган ҳақиқий Жульетта қиз болалигида ўлган, ўлганда ҳам, жуда ачинарли ўлим топган. Бундай ўлимни фақат тасаввур қилиш мумкин.

— Эҳ, шундайми? — ҳамдардлик билан гапирди отахон. — Демак, у мен билган Жульетта эмас экан, у хоним граф Парисга турмушга чиқиб, ундан саккизта фарзанд кўрган. Ҳоятда ибратли ва оққўнгил аёл эди у, жаноб. Сизга ҳам Парвардигор шундай бекани буюрсин. Тўғри, тарқалган бир миш-мишга кўра, аллақандай такасалтанг унинг эс-ҳушини ўғирлаган экан. Эҳ, жаноб, одамлар нималарни гапирмайди, дейсиз. Ёш йигитлар узоқ фикрлаб ўтиришмайди, ҳамма нарсани қизиққонлик устида қилишади. Айтмоқчи, айтинг-чи, инглизлар ҳам ёш бўлишадими?

— Бўлишади, — нафасини ростлаб деди сэр Оливер. — Нимасини айтасиз, муҳтарам отахон, бизни ҳам навқирон Ромеога хос аланганинг оташи ўз доимига тортяпти.

— Ромео? — ичимликдан бир ютим сипқорган отахон гапни илиб кетди. — Мен уни билишим керак эди. Айтмоқчи, анави, эси паст эмасми у? Мен олифта, ишққмас Монтеккини айтаяпман. Граф Парисни яралаган эди-ку! Айтишларича, улар Жульеттани таллашиб, жанжаллашишган. Ҳа, менимча, худди ўшанинг ўзи-ёв? Жульетта граф Парисга хотин бўлиши керак эди, улар кироий жуфтлик, жаноб. Парис давлатманд ва анча тавозели ёш жаноб эди, лекин анави Ромео ҳам ўзини Жульеттага муносиб чоғласа бўладими? Бу нақадар эси пастлик, — қони қайнади отахоннинг. — Ахир, аслзода Капулеттилар оиласи Монтеккилардай тешик тоғора ёнида ўтирган, ному насабсиз кимсаларга қиз берадими? Бунинг устига, Монтекки монтуяликларни қўллаб-қувватлаб келарди. Капулеттилар эса Милан герцоги тарафдор эди. Йўқ, йўқ. Ўйлашимча, бу Парисга қарши уюштирилган суиқасд, кўриниб турган сиёсий маънодаги суиқасд эди. Бугун ҳамма нарса сиёсат ва фақат сиёсат, ўғлим. Табиийки, бундай безориликдан кейин ўша, Ромео деганингиз Монтуяга қочиб кетди ва қайтиб Веронада қорасини кўрсатмади.

— Бу нотўғри! — ҳаяжонга берилди сэр Оливер. — Мени маъзур тутинг, отахон, ҳаммаси бошқача рўй берган. Жульетта Ромеони севган, бироқ ота-оналари уни мажбуран, Парисга узатмоқчи бўлишган...

— Бироқ улар нима қилишаётганини яхши билишган, — Капулеттиларни ёқлаб гапирди кекса патер. — Ромео аблаҳ одам эди ва у Монтуя шаҳрини аҳдида қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

— Аммо Парис билан тўйи арафасида Лоренцо ота Жульеттага уйқу дори ичирган, дори таъсирида Жульет эътирозини давом эттирди сэр Оливер.

— Ҳечам ундай бўлмаган! — қизишиб унинг гапини бўлди отахон Ипполито. — Лоренцо ота ҳеч қачон бундай ишни қилиши мумкин эмас. Ҳақиқат, аслида, мана шундай бўлган: ўша Ромео кўчада Парисга ташланган ва уни жароҳатлаган. Ромео ширакайф бўлса ҳам, ажаб эмас.

— Кечирасиз, мухтарам зот, бунинг ҳаммаси бошқача юз берган, — қизишди сэр Оливер ҳам. — Аслида, воқеа бундай бўлган: Жульеттани дафн этишган, Ромео эса қабр бошида Парисга қилич санчган...

— Шошманг, — унинг гапини бўлди руҳоний. — Биринчидан, қиличбозлик қабр устида эмас, балким кўчада рўй берган эди, яъни Скалигер ҳайкалининг яқин атрофида. Иккинчидан, Ромео Парисга қилич санчган эмас, балки елкасига сезилар-сезилмай лат етказган. Қиличдан ҳамиша одам ўлавермайди. Буни бир синовдан ўтказиб кўрмаймизми?

— Маъзур тутасиз мени, — деди эътироз оҳангида сэр Оливер, — мен ахир бунинг ҳаммасини саҳнада ўз кўзим билан кўрганман. Граф Парис яккама-якка қиличбозликда кўкрагидан ярадор бўлиб, воқеа жойида ҳалок бўлади. Ромео эса, Жульеттани ростдан ҳам ўлган деб ўйлаб, унинг тобути бошида заҳар ичган. Ҳамма воқеа мана шу йўсинда содир бўлган, ҳазрат ота.

— Ҳечам бундай эмас, — тўнғиллади отахон Ипполито. — Ромео ҳеч қачон заҳар ичмаган. Аксинча, Монтуяга жуфтакни ростлаб қолган эди, дўстим.

— Нима деяпсиз, отахон, — ўз гапида туриб олди сэр Оливер. — Мен бунинг барчасини ўз кўзим билан саҳнада кўрганман, деяпман-ку? Ахир театрдa биринчи қаторда ўтирган эдим. Ромео заҳар ичиб ўлди. Шу онда Жульетта кўзини очди ва севгилиси Ромеони ўлик ҳолатда кўриб, қиз бечоранинг ўзи ҳам заҳар ичиб, ҳамманинг кўз ўнгида ҳаётдан кўз юмди.

— Бу ёш бошингизга нималар келмайди, — жаҳли чиқди отахоннинг. — Таажжуб, ким тарқатди экан бу миш-мишларни... Аслида, Ромео жазодан қочиб Монтуяга қўённи сурди. Тўғри, шўрлик Жульетта ғам-андуҳда бир неча кун ўзига келолмай юрди. Бироқ ораларида ҳеч вақо юз бермаган, жаноб. Шунчаки, болаларча қизиққонлик; бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, ахир Жульетта атиги ўн беш ёшда эди-да. Мен буларнинг барчасини ҳазрат Лоренцодан эшитганман, ёш жаноб дўстим! Мен ҳам у пайтларда мана шундоқ болакай эдим, — соддадил отахон қўли билан ердан тўрт-беш қарич баландликни кўрсатиб, ўша болаликдаги бўйини тахминий ифода этди. — Шундан кейин Жульеттани бироз ўзига келсин деб, Безенцанодаги холасиникига жўнатиб юборишади. Кейин ўша қишлоққа граф Парис йўл олади, жароҳатланган қўли ҳамон дока билан ўраб-чирмалган эди. Бундай ҳолатларда нималар юз бермайди, дейсиз: уларнинг ўртасида қизгин муҳаббат уйғонди. Орадан уч ой ўтиб, никоҳ тўйлари нишонлашди. Мана шундай гаплар, жаноб, ҳаётда нималар бўлмайди...

Сэр Оливер бўшашганча, паришон ҳолда ўтирарди.

— Мени тўғри тушунинг, мухтарам отахон, — деди ниҳоят, — бироқ англизлар пьесасида бу воқеа минг марта гўзалроқ эди.

Отахон Ипполито "уф" тортди.

— Гўзалроқ эмиш! Ҳайронман, икки ёш инсон ҳаётларининг авжида ҳалокатга юз тутса, бунинг нимаси гўзал экан?! Аттанг, қандай кўнгилчанмиз, ёш жаноб дўстим. Мен сизга айтганимдай, Жульетта турмушга чиқди ва саккиз нафар фарзанд туғди — мана бу қанчалар гўзал! Болаларини айтмайсизми, бири-биридан кўркам. Кўғирчоқлардай, кўзни яйратади!

Сэр Оливер бош чайқади.

— Бу энди бошқа гап, мухтарам отахон! Сиз буюк севги-муҳаббат нималигини ҳис этмаяпсиз.

Гирдигум отахон кўзларини ўйчан юмиб, тез очди.

— Буюк севги? Менинг билишимча, бу — бир жуфт инсон ўртасида боғланган оилавий ҳаётнинг ўзаро, ҳеч бир хиёнатсиз, ҳурмат-эҳтиромда, пок, бегидир яшаб ўтилишидан иборатдир. Жульетта ажойиб хоним эди, жаноб. У саккизта фарзандни тарбиялаб, оёққа турғизди ва токи ўлимига қадар эрига садоқатли бўлди... Дарвоқе, Англияда Веронани, Жульетта шаҳри, деб билишади дедингизми? Инглизлар нақадар илтифотли халқ. Жульетта хоним, чиндан ҳам, ҳар маънода латофатли аёл эди. Яратган Эгам, хонимнинг руҳларини абадий шод айлаган бўлсин!

Навқирон сэр Оливер түзгиб кетган хаёлини зўрға бир ерга тўплади.

— Ромеонинг қисмати, охир-оқибатда, қандай бўлди, ҳазрат ота?

— Буни сўраяпсизми? Анигини билмайман. Унинг тўғрисида ҳар хил гапларни гапириб юришарди... Эшитишимча, у Монтуяда аллақандай маркизнинг қизига хуштор бўлиб қолибди. Исми нима эди? Монфальконемиди ё Монтефалькомиди — ҳарқалай, шуларга ўхшаш эди. Эҳ, жаноб, сиз мана шуни буюк севги деб атаяпсизми? Эшитишимча, у ана шу қизни ўғирлаб қочган ва ҳаётида яна аллампалолар юз берган. Қисқаси, анча саргузашт маъноли тарих, фақат тафсилоти ёдимда қолмаган. Ахир, нимаси ёдда қоларди, бу саргузаштларни Ромео Монтуеда бошидан кечирган бўлса? Бироқ анча антиқа эҳтиросли саргузаштлар билан яшаган, дейишади. Ҳойнаҳой, менинг билганларим шу, холос. Ана, ташқарида ёмғир ҳам тиниб қолди...

Ҳамон паришонхотирлик оғушида ўтирган Оливер ўрнидан туриб, қаддини бор бўйича ростлади.

— Менга катта марҳамат кўрсатдингиз, отахон. Бунинг учун самимий ташаккуримни қабул қилинг. Сизнинг камтарона кулбангизга менинг ҳам бирон нарса қолдиришимга ижозат этгайсиз, — деди бироз тараддуланиб ва тақсимча тагига бир ҳовуч цехина — тангани бостирди.

— Ҳай-ҳай, нима кераги бор эди? — гўё кўрқиб кетгандай икки қўлини силкий бошлади отахон. — Атиги бир бўлак колбаса учун шунча тангами?

— Бу тўловда менга айтиб берган ҳикоянгизни ҳам ҳаққи бор, — шошқалоқлик билан сўзлай бошлади Оливер. — Бу ҳикоя... жудаям... э-э-э... у жуда-жуда... билмадим, буни қандай тушунтирсам экан... Чин юракдан сиздан миннатдорман!

Ташқари қуёш шуъласидан аста ёришиб борарди.

Рус тилидан
Михли САФАРОВ
таржималари

Ёш таржимонлар ижодидан

Ким Ю ЖОН

1908 йили 11 январда Чунсон уездининг Чунни қишлоғида туғилган. Сзулда "Хвамун" ўрта мактабини тугатгач, "Ёнхи" университетининг адабий факультетига ўқишга кирган. 1929 йили эса университетдаги ўқишни тўхтатиб қўйган. 1935 йили унинг "Жала" ҳамда "Кутилмаган омад" ҳикоялари "Чосон ильбо" ва "Чосон чуан ильбо" газеталари уюштирган адабий танловларда мукофотланган. Бироқ икки йилдан сўнг, 1937 йил 29 мартда ёзувчи сил касаллиги тўғрисида вафот этади.

Ёзувчининг 29 та қисса ва ҳикоялари, учта очерки чоп этилган.

Занжабил гули

Мана бугун ҳам хўрозимизни чўқиб ташлашди. Шундоқ кўз олдимда-я! Тушликдан кейин ўрмонга ўтин тергани отлангандим. Энди адирдан кўтарила бошлаган ҳам эдимки, ортимдан хўрозимизнинг аянчли қичқириғи, икки қанотини аёвсиз патирлатгани эшитилди. Қайрилиб қарадиму хўрозимиз кўшни хўроз билан уришиб, яна абгор ҳолга тушганини кўрдим.

Кўшнимизнинг ёвуз, бўрсиқниқига ўхшаш катта бошли хўрозига бизнинг ориқ, кичкина хўрозимиз қандай бас келсин?! Бунинг устига уришишни ҳам билмайди, бироқ ҳаддан ташқари ўжар — чекинмасдан, тап тортмай жангга кираверади. Кўшнимиз тошбағир Чом Суннинг хўрози эгасига ўхшаб, жуда маккор — аввал қанотларини қоқиб қўяди-да, кейин бир сакраб, хўрозимнинг тожига чунона тепадики... Сўнг эгилиб, қанотини патирлатиб, яна ўша зарбани қайтармоқчи бўлади, бироқ бу сафар сакрамайди — жиғилдонини мўлжалга олиб, бўйнига зарба беради. Шу йўсин бу иблис хўроз фақат куч билан эмас, маккорлик билан хўрозимизни чарчатади. Бечора хўроз фақат бўғилиб қийқирганча тумшуғи билан ерга мук тушади ва ҳар сафар унинг қичқириғи кутилгандек дағдағали эмас, аксинча, жуда аянчли чиқади: "Қҳийқ...қҳийқ!". Хўрозимизнинг кетма-кет зарбага учраган тожи тезда қоп-қора қонга бўялиб, қон теварак-атрофга ҳам сачради. Бунни кўришга ортиқ тоқатим қолмади. Бу сафар нафратдан кўз олдим қоронғилашиб кетди, хўрознинг эмас, гўё менинг бошимдан шариллаб қон оқаётгандек эди. Шиддат билан ортга югурдим, кўшнимиз Чом Суннинг бўрсиқбошли махлуқини уриб, абжағини чиқармоқчи бўлдим, бироқ вақтида эсимни йиғдим унга бор-йўғи арқоннинг калавасини ўқталиб қўя қолдим.

Албатта, бу сафар ҳам Чом Сун хўрозини бизнинг хўрозимизга гижгижлаган. Бунни у жўрттага, менинг жаҳлимни чиқариш учун қилади. Бу қиз мени ёмон кўради, жиғимга тегади, тегажоглик қилади, доимо мента ёмонлик қилишни, зарар келгиришни ўйлайди.

Тўрт кун бурун, айтайлик, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ шунақаям жонимга тегдики, ҳанузгача ўзимга келолмайман. Ейишга ярайдиган ўт-ўлан йиғиб келгани тепаликка кетаётган экан, тинчгина йўлингдан кетавермайсанми?! Йўқ, у бирдан менинг ортимда тўхтаб қолди — мен четан деворимизни тузатаётган эдим — тўхтади-ю, ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни валақлай бошлади.

— Нима, сен бир ўзинг ишлайсанми? — деб сўради.

Вой, ярамас-ей, сенинг нима ишинг бор? Кечагина бир-биримиз билан саломлашмасдик, оғиз-бурун ўпишмасдик, тайинли оиланинг одобли болаларидек гаплашмасдик, бугун эса, қараб турсам, мени аҳмоқона саволларга тутмоқда!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

— Ҳа, бир ўзим, — кескин жавоб бердим, — ўзим ишлайман. Нима, ёним-да бир тўда одамни кўраяпсанми?

— Ишинг ўзингга ёқадими? — яна савол берди у.

Ё, тавба! Мендан унга нима керак ўзи? Сезиб турибман, нимадандир жаҳли чиққан. Ҳаттоки, нима деб жавоб беришни ҳам билмайман. У эса савол беришни бас қилмайди:

— Бу ишни ёзининг охирига қолдириш ҳам мумкин. Сен бўлсанг, баҳорда бошлаб юборибсан.

Миқ этмадим, ҳўрозга ўхшаб қу-қуламадим ҳам, қоққан қозикдай тура-вердим — қандай қилиб кавушини тўғрилаб қўйсам экан, деган фикр миямни эговлай бошлади, у эса турган жойида кўзини лўқ қилиб, менга бақрайиб қарайди, одамни калака қилаётганини ҳеч ким кўрмаслиги, эшитмаслиги учун озини очмасдан ҳингир-ҳингир кулади. Вой, аблаҳ-ей, бу ерда кулгили нима-ни кўрибди? Бирдан олмаҳондек тез атрофга аланглаб олди-да, пешбанди орасидан ўнг қўлини чиқарди, қандайдир бир нарсани тўғри менинг бурнимга тутди. Бу ширин батата картошкасидан пиширилган учта печенье эди, тушунмадим, буни у тонг сахарлаб қандай қилиб пиширишга улгурган? Картошкадан таралаётган илиқ, хуш бўй димоқни қитиқларди.

— Уйингда бунақа нарса йўқ, — деди у такаббурлик билан. — Шунинг учун тезроқ еб ол, биров кўриб қолмасин. Ол, шу ернинг ўзида егин, бошқа ёққа олиб бориб юрма. Бу жуда мазали, ширин картошка, эртанги навидан — дея қўшиб қўйди.

Майли, — деб картошкани олдим, бироқ шу заҳоти кўполлик билан қайта ўзининг қўлига тутқаздим-да гижиниб: — Картошқаларингни ўзинг балоий нафсинга ур! Мен картошка емайман! — дедим зарда билан.

Мен қизнинг башарасига қиё ҳам боқмасдан, тупроқ юқи қўлимдаги учта печенье унинг оппоқ қўлларига тутқазиб қўйдим. Шунда унинг нафратдан пишиллашини ва тез-тез нафас олаётганини эшитдим. Унга кўзим тушганда эса қандайдир ғаройиботнинг гувоҳи бўлдим...

Бундан уч йил бурун ота-онам шу қишлоққа кўчиб келиб, Чом Суннинг ота-онасидан ижарага ер участкаси олишди. Буни қарангки, мана шу ўтган уч йил мобайнида мен унинг юзлари шунчалар қизарганини кўрмагандим! Унинг тўладан келган, лўпши, дўмбоқ юзлари редиска сингари тўқ қизил рангга кирди! Мени куйдириб, кул қилишга тайёр кўзлари ловуллаб ёнар, бу кўзлардаги аламли ёшлар чарсиллаб чор-атрофга сачрагудек эди. Ердан саватини олди-ю, шолিপоя томонга қоқилиб-суқилиб, йиқилгудек бўлиб югуриб кетди.

Катталарнинг одатга кўра: "Эй, қизча, эрга тегадиган вақтинг бўлди!" деган ҳазилига дадиллик билан: "Менинг ташвишимни қилмай қўя қолинг! Эрсиз қолиб кетмайман!" деб жавоб берарди Чом Сун. У шунақа журъатли қиз эди. Назаримда, ҳеч кимдан кўрқмасди, ўзини ҳеч кимга хафа қилдириб қўймасди... Мана, ҳозир ҳам қочишдан олдин бўш саватини айлантириб туриб, беллимга шунақаям туширдик...

Уша воқеадан кейин менга кун бермай қўйди. Ҳар сафар тўқнаш келганим-да нима биландир жиғимга тегишга ҳаракат қиларди. Хуллас, ўтсам ўроғимга, кетсам кетмонимга чанг соларди. Аламини ичига ютиб юрган экан. Ушанда мен картошқасини жон деб олган бўлардим, бироқ ҳингирлаб айтган гапини қаранг: "Сенинг уйингда бу нарса йўқ эмиш". Ўзининг бойлигини, биз уларга қарам эканимизни қайта-қайта таъна қилишнинг нима кераги бор? Унинг отаси помешчиклар қишлоғининг бошқарувчиси, биз эса ундан ижарага ер олганмиз, улар учун меҳнат қиламиз. Оиламиз билан бу ерга кўчиб келганимизда, жуда ҳам муҳтожликда кун кўрардик, ҳатто бошпанамиз ҳам йўқ эди. Шунда хўжайинлар бизга ер ажратишди, бошпана қуриб олишимизга ёрдам беришди. Янги ҳосилгача йиққан-терганларимиз тугаб қолса, қарзга озиқ-овқат беришди. Шу тахлит яхши қўшничилик муносабатларида яшай бошладик, ота-онам валинеъматимиз — бошқарувчи жаноблари оиласи ҳақида фақат яхши гаплар айтишарди. Бутун округда бошқа бундай оила йўқ эмиш. Онагим: мен ҳам, Чом Сун ҳам ўн етти ёшда эканимизни, бир-биримиз билан тенгқурлигимизни айтиб, одамлар орасида сираям бирга кўринмаслигимиз ёки

Худо кўрсатмасин, пичир-пичир қилиб, биргаликда бурчак-бурчакка беркиниб, оғиз-бурун ўпишиб юрмаслигимиз кераклигини ниҳоятда жиддий тарзда уқтирди. Агар қишлоқда миш-мишлар тарқалса ёки Чом Сунга бирон кор-ҳол рўй берсаю бунга мен сабаб бўлсам, бизни еримиз ва бошпанамиздан маҳрум қилиб, қишлоқдан улоқтириб ташлашлари мумкинлигини айтди.

Мен буни яхши тушуниб олдим, ҳатто уларнинг томонига қарамасликка ҳаракат қилардим, бироқ бу қиз мени жонимдан тўйдирди, ҳойнаҳой яқин орада ўзимни осиб қўйсам керак.

Ўша кўзлари ёшга тўлиб, менинг олдимдан қочиб кетганидан кейин кечки пайт бир боғлам шох-шаббани елкамга ортмоқлаб қайтаётган эдим. Бирдан гўё товукни бўғизлагандек қаттиқ қичқирди кулогимга чалинди: ярим кечада кимникида товук сўйишаётган экан, деган хаёлга бордим. Бироқ Чом Суннинг уйига яқинлашганимда, шундай ҳолнинг гувоҳи бўлдимки, кўзларим қинидан чиқиб кетай деди. У ҳовлида, тупроқлари зичлаб текисланган ерда ўтирганча бизнинг тухум қиладиган товугимизни маҳкам ушлаб олиб, бор кучи билан дўппосларди. Бунинг устига товукнинг танасига эмас, айнан ўша тухум чиқадиغان жойига муштларди... Товук жон аччиғида қичқирар, қиз эса бунга парво қилмай, вайсар эди: "Ҳа, жонинг чиққур, ярамас! Ҳали қараб тур, терингни докадек шилиб олмасамми?!" У товукни шунақаям аямай урардики, чамамда, бундан кейин тухум қилишга ярамай қолиши учун уни майиб қилмоқчи эди. Нафратдан кўз олдим қоронғилашиб кетди, шартта ўтинларни ерга улоқтирдим, оёқ-қўлларим худди тутқаноқ тутгандек қалтирар эди. Теварак-атрофга аланглаб, бизни бирорта бегона одам кўрмаслигига амин бўлдим. Шох-шаббалар орасидан битта йўғон таёқни тортиб олиб, аламимдан таёқ билан яқинда ўзим тузатиб берган деворни ура кетдим. Ҳазабдан чир айланиб осмонга кўтарилдим ва бақира бошладим: "Эй, аҳмоқ! Жинни! Нима қилаяпсан? Товугимизни тухумдан қолдирмоқчимисан?!" Бироқ Чом Суннинг қиёфасида ҳеч қанақа ўзгариш сезилмади, товугимизни аввалгидек: "Ху, жонинг чиққур, харом қотгур!" дея муштлайверди. Шуниси аниқки, у товукни тутиб олгану айни менинг тоғдан қайтадиган пайтимни пойлаб турган, мана энди дилимни оғриғиш, жонимни ачитиш учун товукни калтаклапти.

Нима бўлганда ҳам қўшнинг четан деворидан сакраб ўтиб хўжайинининг қизи билан ёқа бўғишиб ўтирмайман-ку! Бу қанақа аҳмоқлик бўлди! Ахир товукнинг нима айби бор? Уни қийнашга не ҳожат! Менинг алам билан деворни бузишдан, ҳар сафар Чом Суннинг муштумчаси товугимизга навбатдаги зарбани берганда деворнинг "пўстагини қоқиш"дан бошқа чорам қолмагани. Деворни таёқ билан ҳар бир урганимда яқинда ўзим тўғрилаб-тузатиб берган тўсиқлардаги шох-шаббалар синиб, сочилиб кетарди. Хуллас, мен ҳар томонлама аҳмоқ бўлиб қолавердим, нафратимни босишга ҳеч бир чора йўқ эди.

— Ҳой, енгилтак қиз! Аҳмоқ! Бировнинг товугини нобуд қилмоқчимисан?

Чом Сун ўрнидан турди-да, шошмайгина девор яқинига келиб, чалаўлик товукни бошимга қараб улоқтириб қолса бўладими!

— Ма, ола қол! Ҳе яғри курсин... — Қиз башарасини бужмайтирди. — Ҳаммаёғимни расво қилди!

— Ким айтди сенга товукни ур деб? — бақирдим мен. — Расво аслида товук эмас, сен ўзингсан!

Мен энди чинакамига жаҳл отига миндим, қизни бўғиб ташлашга тайёр эдим. Ундан қанчалар нафратланаётганимни билдириш учун шартта орқамга ўгирилиб, деворга тескари туриб олдим. Чом Сун ҳиринглаб кулди ва фақат мен эшитадиган қилиб:

— Сен ўзинг расвосан. Қара, бошингдан нимадир оқаяпти, — деди секин писмиқона овозда.

Бечора товук бошимга "тап" этиб келиб текканда кўрқувдан бошимни булгаб қўйганини, ахлат юзимдан оқиб тушаётганини назарда тутмоқда эди у. Товук ваҳимали бир қу-қулаб, ерга "шалоп" этиб тушди, базўр оёққа туриб, девор атрофида бир томонга оғиб, чўлоқланиб юра бошлади. Шунга қарамай:

— Вой, аҳмоқ махлуқ-ей! Яқинда шундай бўлиб қолдингми ёки туғма чўлоқмисан? — дея менга шама қилиб, масхаралашда давом этди Чом Сун.

Шунинг ўзи бўлса майли эдику-я!

— Ҳой, бола! Айтишларича, сенинг отангни ахта қилишган экан, шу рост-ми? — Навбатдаги ҳақоратли луқмани отди у.

— Нима дединг? Отамни... ахта?... — Азбаройи ғазабдан ўзимни деворга олдим, деворни тўсинлар билан бирга қулатиб юборишимга сал қолди. Лекин шумтака қиз бир зумда ғойиб бўлди. Ерга кирдим, осмонга чиқдим, йўқ. Бироқ бегона ҳовлидан чиқиб кетиш учун чоғланган ҳам эдимки, бекиниб олган жойидан унинг кулгиси эшитилиб, яна устимга ҳар хил ҳақоратлар, қарғишлар ёғила бошлади. Қўлимдан ҳеч бало келмаслигини жуда яхши билди-да. Буни мен ҳам тушунаман. Алаимдан кўзларим жиққа ёшга тўлди.

Чом Суннинг макру хийлалари бу билан тугамади. У яширинча, катталарга билдирмай, хўрозларни бир-бирига гиж-гижлаб, уриштиришни одат қилиб олди. Секин ҳалиги жангари хўрозини кўтариб олиб келади-да, тўғри бизнинг хўрозимиз олдига улоқтириб юборади. Унинг баландга сакраш учун қанотларини қаттиқ-қаттиқ қоқиб, ҳушумга ташланадиган, дакан хўрози бизнинг бир сиқим патдан иборат жиккаккина хўрозимизни бир чўқишда қочиришини жуда яхши билди. Шунинг учун тожидан тепкиланавериб шўрлик хўрозим жанг охирида қора қонга беланди. Агар хўрозимиз тенгсиз жангдан қочиб, ҳовлидан чиқишни хоҳламаса, қизалоғи қурмагур йўлкага дон сочиб, алдаб олиб келади.

Шундан кейин мен ҳам ҳаракатга тушиб қолдим. Агар хўрозни ачиқ соя қайласи билан боқилса, унинг кучи ёввойи буқаникидек қўпаяр экан, деган гапни эшитгандим. Кунлардан бир кун жўжахўрозимни тутиб олдим-да, қазноққа олиб кириб, соя қайласига тўйдирмоқчи бўлдим. Соя қайласи тўла кўзадан заранг товоққа кўйдим ва хўрози ёнбошлаб ушлаб, товоқни унинг олдига қўйдим. Бироқ қақажон қайлага қарагиси йўқ, мен қайладан озгина олиб, юмалоқлаб, унинг тумшугига тика бошладим. Хўш, нима бўлди, деб сўрасиз? У мазасини тотиб кўрди-да, ёқиб қолди, шекилли, ўзи тумшуги билан чўқилашга тушди. Товоқдаги соянинг қоқ ярмини биринчи галнинг ўзидаёқ паққос туширди.

Шундан кейин хўрозимни товуқхонага олиб бориб дам олиш учун қўндоққа қўндириб қўйдим. Ўзимча, у дарров куч бермаса ҳам, тез фурсат ичида кучга тўлади, деб ўйладим ишонч билан.

Кейин бироз уй ишлари билан банд бўлдим, обкашда икки сават гўнгни полизга олиб бориб ташладим. Полизга яна бир бориб келдим-да, бироз дам олмоқчи бўлдим. Товуқхонадан хўрозимни олиб, қўлтигимга қисдим ва тор кўчага чиқдим. Кўчада ҳеч зог кўринмасди. Чом Сун ўзларининг ҳовлисида ўтирар ва нима биландир машғул эди. Ҳойнаҳой эски матоларни сўкиш ёки пахта титиш ишлари билан овора бўлса керак.

Товуқлар қуршовида айланиб юрган қўшни хўроз олдига яқин бордим-да, хўрозимни қўйиб юбордим. Қани, бу ёғи қандоқ бўларкин, деб қараб турдим. Айтарли ҳеч қандай ўзгариш бўлмади - гўё мен хўрозимни соя қайласи билан боқмагандек. У ҳар доимгидек тепкилар остида қолиб кетди ва кўз очиб-юмгунча қора қонга бўялди, сакраб зарба бермоқчи бўлгандек қанотларини ерга тираб турарди-да, бироқ бир марта бўлса ҳам сакрай демасди. Хулласи калом, яна шармандалик...

Бир вақт нима бўлди-ю, бирдан аканг қарағайнинг хўрози жонланиб қолди. У ўзини қўлга олди-да, қаддини ғоз тутиб, чунонам сакрадики, ўткир пихлари душманнинг лунжига санчилиди, қайтиб тушаётганда эса, бўрсиқбошнинг сўлоқмондек тожига куч билан тепки ҳам туширди. Шунда катта, семиз хўроз кайфи учиб, ортага тисарилди. Бизнинг жиккаккина, ориқ хўрозимиз рақибнинг ўнгла-ниб олишига имкон бермай, усти-устига ҳужум қилаверди, тумшуги ва пихларини қурол қилиб, унинг тожини қора қонга белди.

Демак, соя қайласи тасир қилибди-да! Бекорга унинг ҳиди димоқни ёрадиган, ўзи эса захри-қотил эмасакан! Кичкинтойим, энди бизнинг ишларимиз жойида бўлади! Хурсандчиликдан ўзимни тутиб туrolмадим, тор кўчада рақсага тушиб кетишимга сал қолди. Бу пайтда ҳайратдан дол қолган Чом Сун четан девори ортидан урушаётган хўрозларга қовоғини уйиб қараб турарди. Унинг юзлари ҳозиргина лимон еган одамнинг юзидай буришиб кетганди.

Мен эса, севинчдан иккала қўлимни юмшоқ жойимга шапиллатиб урар, ўйин тушар, бор овозим билан қичқирар эдим:

— Ҳа, бўш келма! Яхшилаб теп! Кўрсатиб қўй унга! Яшшавор!

Бироқ ярим дақиқадан кейин вазият юз фоизга ўзгарди. Гарвзим қўлтигимдан тушди десаям бўлади. Қўшинининг ҳайбатли хўрози ўзига келиб, менинг хўрозимнинг бошига чунонам зарба бердики, шўрлик гандираклар, қандайдир ғалати ҳирқироқ овоз чиқара бошлади.

Мана энди Чом Суннинг менинг устимдан кулишини кўрсангиз! Шунақаям бақриб, хандон ташлаб, қотиб-қотиб кулдики, назаримда, унинг кулгисини бутун қишлоқ эшитди. Бундай ҳолга чидашга ортиқ кучим қолмади, ерда тарвақайлаб ётган чалаўлик хўрози кўлимга олдим-да, уйга қараб югуриб кетдим.

Бекорга шошдим, уни соя билан боқишга кўпроқ вақт ажратиш керак эди! Хўрозлар жангини бироз кечиктириш, унга кўпроқ соя бериш керак эди. Хўш, энди нима қилиш керак? Товоққа кўзадаги соя қайласидан қуйдим-да, хўрознинг олдига қўйдим. Бироқ у товоққа қиё ҳам боққани йўқ. Бўлиб ўтган воқеадан сира ўзига келолмасди. Тумшугини катта-катта очганча, тез-тез нафас оларди. У қай аҳволдалигини, нега овқатга қарамай қўйганини билиш қийин эмас. Уни ерга чалқанча ётқизиб, тумшугига папироснинг узун найчасини тиқиб, аралаштириб, суюқ ҳолга келтирилган соя қайласини мис найчадан авайлаб оғзига қуйишдан бошқа чорам қолмади. Хўроз бир неча марта пишқирди, тиқилиб қолиб, худди аксирганга ўхшаш товуш чиқарди, чалқанча ётиш ноқулай туюлди шекилли, ўрнидан туришга, озодликка интилди. Мен ҳар куни бошдан кечирадиган шармандаларча абгор бўлиш олдида бу қийноқлар ҳеч нарса эмас, деб ҳисоблардим. Шунинг учун зўр бериб қайлани унинг тумшугидан қуйишни давом эттирдим.

Мен хўрозимнинг жигилдонига суюқ соя қайласидан икки товоқ тўлдириб қуйдим, бироқ унинг ўзини тутишини кўриб, кайфиятим яна бузилди. Тетиклашиш ўрнига қанотларини ерга шалпайтириб ташлаб, бошини силтаб-силтаб, кўзларини юмиб олди — муғомбир! Ўзини ўладиган касал ҳолига солди-я, ҳозиргина соппа-соғ эди! Отам хўрози не қўйга солганимни кўриб, адабимни бермасайди, деб кўрқдим, товуқхонага олиб бориб, кўндоққа кўндириб қўйдим-да, ўзим ўтин тергани тепаликка чиқиб кетдим.

Бироқ, ўтин териш билан овора бўлиб юрганымда, бу ярамас Чом Сун товуқхонадан хўрозимни олиб чиқиб, яна ўзининг бўрсиқбош газандаси билан урушишга мажбур қилибди! Менинг бечорагина хўрозчам девор тагида ётар, унинг ўлик-тириклиги ҳам билинмасди, кўзларим жиққа ёшга тўлди, хўрозимни қадрдон кўндоғига олиб бориб қўйдим.

Аммо мен яна ўтин тергани боришим керак — ахир товуқхона олдида ўтириб, қоровуллик қилолмайман-ку! Қарағай дарахтларининг қуруқ шох-шаббаларини йиғар эканман, бу жин чалган қизнинг қандай адабини бериш ҳақида чуқур ўйлаб қолдим. Унинг ақлини яхшилаб киргазиб қўйиш керак, бошқа гап йўқ. Анчагача эсидан чиқмайдиган қилиб, йўғон таёққа ўхшаш бирор қаттиқ нарса билан оч биқинига кўндаланг қилиб туширсаммикан... Ўзимга далда берувчи шу фикр билан шошиб тепаликдан тушиб, уйга яқинлашар эканман, қўрқув ичида беихтиёр қулоқ тутдим: хўрозимнинг аянчли қичқириви эшитилмаяптмикан?

Бироқ уйга элтувчи ёлғизоёқ йўлнинг сўнгги бурилишида бутунлай бошқача товушлар қулоғимга чалинди. Бу — тол новдасидан ясалган сибизганинг сокин оҳанглари эди. Ҳайратдан тўхтаб қолдим, атрофга кўз югуртирдим. Кўкимтир улкан тоғ харсангтошлари орасида тилларанг занжабил гуллари қийғос гулга кирибди. Гуллар тупининг остидаги пастаккина тош устида Чом Сун ўтирар ва бегуноҳ фаришта мисоли қишлоқнинг тўпори созида ниманидир дириглатар, ўзича қандайдир ғамгин мушиқани чалишга уринарди. Бу жуда ҳайратланарли манзара эди! Бироқ янаям ҳайратланарлиси шунда эдики, унинг рўбарўсидаги майсалар устида қанотларини патирлатиб, сакраб-ирғишлаб, бўйнидаги патларини ҳурпайтириб хўрозлар уришарди! Қаранг-а! Яна товуқхонадан хўрози ўғирлаб чиқибди, уни ўзининг қароқчисига гижгижлабди — хўрозлар жангини айнан мен уйга қайтадиган йўл устида — бу йўлни у билади — уюштирибди. Энди эса беғам, парвойи фалак ҳуштагини чалиб ўтирибди!

Шу заҳоти елкамга ортмоқлаган шох-шаббаларни ерга улоқтирдим-да, тоғдан суяниб тушадиган калтагим билан унга ташландим. Қақажоним яна қонга булғаниб ётарди. У жон бераётган эди, видолашгандек мен томонга аянчли қараб қўйди. Қиз яна хўрозимни ўғирлаб чиққани учун эмас, бечора хўрозчам жон

бераётган пайтда тепасида сибизга чалиб тургани учун нафрат ва ғазабдан вужудим титраб кетди.

Албатга, хўрозимга ичим ачиди, бироқ қизнинг тош устида бепарво ўтирганча сибизга чалишига чидаб туrolмадим. Бу ҳам етмагандай кўзлари тулки- никидек ялт-ялт ёнарди, қишлоқ аҳли ҳақ экан: ростданам у жуда ёқимтой ва ҳаттоки чиройли, иблис эди! Қишлоқда уни айёр тулкига ўхшатишарди. Яна уни фақат қувноққина эмас, сергайрат қиз дейишарди!..

Бироқ нима бўлганда ҳам яхшилаб унинг таъзирини беришим керак! Жангта кирган дарғазаб аскар каби таёғимни қулочкашлаб, бор кучим билан қўшнимиз хўрозининг бошига чунонам туширдимки... Бечора қочишга ҳам улгурмади — таппа ерга йиқилди-ю, жон берди. Ҳатто оёғини силкишга ҳам мадори етмади.

Чом Суннинг афт-ангорига қараб бўлмасди: кўзлари бақрайган, лаблари чўччайган — менга ҳамла қила бошлади. Кутилмаган ҳужумдан ўзимни йўқотиб қўйдим, орқага тисарилдим, тошга қоқилиб, чалқанчасига йиқилдим.

— Вой, ярамас, махлуқ-ей! Ҳайвон! Хўрозни ўлдиришга қандай ҳаддинг сиғди?!

— Нима қипти? — дедим мен, ўрнимдан турарканман.

— Нима дединг? Бу кимнинг хўрози эканлигини биласанми ўзи? — шундай дея елкамдан итариб юборди, мен яна ерга йиқилдим. Ётган жойимда ўзимга келиб, энди бу ёғи нима бўлади, деб ўйладим... Бир томондан уялдим, иккинчи томондан эса юрагимни ваҳм босди.

— Нима қипти? — дедим мен, иккинчи марта йиқилган жойимдан турарканман.

— Ўлдириш керак эди, ўлдирдим.

— Кимнинг хўрозини ўлдирганингни биласанми? Айт, биласанми?

У сапчиб келиб яна елкамдан итариб юборган эди, гурсиллаб чалқанчасига ерга ағанаб тушдим. Ерда ётганимча бирдан даҳшат билан ўйлай бошладим, мана шу хўрозни деб менинг оилам ердан махрум бўлади, хўжайинлар бизни уйимиздан кўчага ҳайдайди. Зўрга оёққа турдим. Қўрқув ва хўрлик ёмон эзиб ташлади, кўзим тиниб, енгим билан юз-кўзларимни беркитганча ёш боладек хўнграб йиғлаб юбордим.

Шунда Чом Сун мен томон қадам ташлади. У бармоқларимни кафтига олганини ҳис этдим.

— Хўш! Бошқа бундай қилмайсанми? — деб сўради у.

Тушундим, демак, кутулибман. Муштумим билан тезда кўз ёшларимни артдим-да, жавоб бердим:

— Бошқа қилмайман.

— Агар яна бир марта шундай қилсанг, ўзингдан кўр! Тушундингми?

— Айтдим-ку сенга, бошқа қилмайман деб.

— Ўлган хўроз учун қўрқма, ҳеч кимга айтмайман.

Шу топ кимдир қизни куч билан мен томон итариб, ихтиёримга ташлагандек бўлди — у кўксимга урилиб, елкаларимдан кучоқлаб олди ва тийиқсиз куч билан мени ўз ортидан пастга, ерга йиқилишга мажбур қилди. Мен дош беролмадим, вужудларимиз бирлашиб, занжабилнинг тилларанг гуллари уммонига бориб тушдию иккимиз бу уммонга гарқ бўлдик. Занжабилнинг хушбўй ифоридан тўйиб-тўйиб сипқордим — эндигина гуллаб, чечак очган навқирон тилларанг Чом Суннинг хушбўйидан маст-аласт бўлдим. Мен бутунлай эс-хушимни йўқотиб қўйгандим...

— Ҳеч кимга айтма, тушундингми?

— Айтмайман.

Ҳудди шу дақиқада олисдан келган аёл қичқириви биз тушиб қолган мўъжизали оламни бузиб юборди.

— Чом Сун! Ҳой, Чом Сун! Ишларингни ташлаб, қаёққа гумдон бўлдинг?..

Ҳойнаҳой, онаси қизидан хавотир олаётган эди. Чом Сун қути учиб, сергак торти ва худди чинакам тулкилардек чаққонлик билан ўзини бир чеккага — занжабил гуллари ортига олди, ҳаял ўтмай унинг узоқдан, тепалик ёнбағридан тушиб бораётгани элас-элас кўзга чалинди. Мен ҳам овоз чиқармай улкан қоятошлар ёнидан эмаклаб ўтиб, сўқмоқ йўлга тушиб олдим — физиллаб тепага чиқдим у салқин ўрмонзор ичига кириб кетдим.

Корейс тилидан
Муҳлиса ФАЙЗ таржимаси

Жон Мильтон ва Абдулла Қодирий: “Ареопагитика”дан “Диёри бакр”га қадар



Хуршид
Дўстмуҳаммад

Қизиқ, милоддан аввалги 436-338 йилларда яшаган юнон адиби Исокрот, 1608-1674 йилларда ҳаёт кечирган инглиз шоири, олими ва публицисти Жон Мильтон, қисқагина умри 1894-1937 йилларга тўғри келган ўзбек адиби ва публицисти Абдулла Қодирий ўрталарида қандай яқинлик, ўхшашлик бўлиши мумкин?

Бу саволга жавоб топиш учун сўзни анча олисдан бошлашга тўғри келади.

Жон Мильтон Лондонда, ўзига тўқ нотариус оиласида таваллуд топди. Ўз даврининг илғор мактабларида ўқиди, 16 ёшида Кембридж университетига ўқишга кириб, санъат магистри даражасига эришди.

Жон Мильтондан роса 186 йил кейин Англиядан ҳам жугрофий, ҳам тараққиёти жиҳатидан жуда олисдаги Туркистонда-Тошкентда, серфарзанд боғбон оиласида дунёга келган Абдулла Қодирийнинг болалиги, адиб сўзи билан айтганда, “қорни ошга тўймай, усти тузукроқ кийим кўрмай” кечди. Инглиз адиби етти йиллик олий таълим ниҳоясида магистрликка етишгач ҳам бир неча йил мобайнида мустақил таҳсил олди, диний-дунёвий билимини оширди, фалсафани, мумтоз адабиёт тарихини, тарих фанини ўқиди, қатор хориж тилларини мукамал ўзлаштирди. Айниқса, унинг лотин, француз ва итальян тилларини моҳирона эгаллагани келгусида Кромвель ҳукмронлиги кезларида хизматга олинишида қўл келди. Ўзбек адиби эса ўзи таърифлаганидек, тўққиз-ўн ёшларда мактабга борган, бироқ, “Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида замон шароити ва мажбурияти остидаги чала-чулпа гаплар эди”. Қодирий бир бой хизматига ёллангач, ўша бойнинг даъвати билан ўрисча ёзув-чизувни ўрганиш мақсадида рус-тузем мактабига борган. ХУI асрда Англия таълим дастурида Европа минтақаси мамлакатлари бўйлаб саёҳат уюштириш белгиланган, асрлар мобайнида амалда бўлган ва кейинчалик “Катта саёҳат” номини олган ушбу анъанага кўра йўлга отланган Мильтон икки йил мобайнида Франция ва Италияда яшайди, ватанига олам-олам таассуротлар билан қайтади. Қодирий ўзидаги савод билан узоққа боролмаслигини ҳис қилиб, уч-тўрт йиллик мўлжал билан 1925 йилнинг ёзида ўқиш мақсадида Москвага йўл олади, бироқ ушбу мўлжал ҳам ниҳоясига етмай, саводни чуқурлаштириш орзуси чала қолади.

Юқорида баён этилган икки ҳолатдаги — ўқишга, билим олишга, хориж тилларини мукамал эгаллашга ва дунё кезишга бўлган имкониятларни таққослаш қийин албатта, лекин ўхшатиб бўлмас шароитлар ўртасидаги ўхшашлик шунда эдики, Ж.Мильтон ўзига қадар бўлган инглиз адабиёти тарихида бирорта шоир-ёзувчи эришолмаган, яъни шоирлик ва олимлик мақомларига кўтарилган бўлса, худди шу нуқтаи назарлардан А.Қодирий ўз даври адабий-ижтимоий муҳитига қисси йўқ ижодкор зиёли шахс сифатида кириб келди, Матёқуб Қўшжонов тўғри таърифлаганидек, “...ўз даврининг маданий кишиси”га айланди.

Ж.Мильтон хориж сафаридан қайтганида мамлакат осмонини инглиз инқилоби булутлари қоплаган эди. Билимли, дунё кўрган, теварак-атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида шахсий нуқтаи назари шаклланган зиёли инсон сифатида у бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан четда қолиши мумкин эмасди. У

ўзининг қалами, фикрлари, қарашлари билан инқилобнинг фаол аъзоларидан бирига айланди. Инсон, жамият ва давлат ҳақидаги, ана шу уч субъект ўртасидаги адолатли муносабатларни қарор топтириш ҳақидаги ҳароратли публицистик чиқишлари билан жамоатчилик назарига тушди. Ёшлик чоғларидан бошланган бадиий ижод ўрнини матбуотдаги долзарб мавзуда чиқишлар эгаллади.

А.Қодирийнинг ижтимоий-сиёсий воқеликка мухбир сифатида аралашуви матбуотдан, аниқроғи, 1914 йилнинг 1 апрелида "Садойи Туркистон" газетасида босилган "Янги масжид ва мактаб" сарлавҳали ихчамгина хабаридан бошланди. Бу пайтда адиб эндигина 20 ёшга чиққан, адабий жамоатчилик деярли шаклланмаган, адибнинг ўғли Ҳабибулло Қодирий ҳақли равишда таърифлаганидек, "Асосли маълумот, устод кўрмаган ёш ёзувчи ўз илк ижодини қоронғида йўл қидирган каби, шундай кичик-кичик мақола-хабарлар ёзишдан бошлайди". Табиий, А.Қодирийнинг мухбирлик фаолияти осонлик билан бошланмаган. "Шу миёналарда бозор воситаси билан татарлардан чиқадирган газеталарни ўқуб, дунёда газета деган гап борлигига имон келтурдим. 1913-йилда ўзбекча "Садойи Туркистон", "Самарқанд", "Ойна" газеталари чиқа бошлагач, менда шуларга гап ёзуб юриш фикри уйғонди.

Идорадагилар билан танишлиғим бўлмагани учунми ёки ёзган гапларим маъносиз бўлгани учунми, кўпинча "Идорадан жавоб" билан мени мамнун қилар эдилар".

Матбуотга мўлжаллаб ёзганларини камтарлик билан "маъносиз бўлгани учунми" дея таърифлаган Қодирий айни ўша кезларда дастлабки — "Бахтсиз кўёв", "Жувонбоз", "Улоқда" сингари асарларини яратди.

Октябрь тўнғариши юз берди. Биз энди-энди ана ўша воқеани "тўнғариш" деб ўз номи билан аташга кўникмоқдамиз, Ватанимиз мустақиллигига қадар эса у "Улуғ Октябрь революцияси" дея таърифланган, қадрланган, кўқларга кўтарилган, унинг шарафига беҳисоб ҳамду санолар тўқилган. Шу ўринда фаразомуз савол туғилади: эҳтимол, инқилоб юз бермаганида Қодирий публицистикадан кўра бадиий ижодга кўпроқ куч сарфлаган бўлармиди?..

Мутахассисларнинг ёзишларига қараганда, XVII асрга қадар инглиз адабиёти тарихида бирорта шоир ёки адиб Мильтон даражасида адабиётшунослик илмини эгаллаган эмас. Талабалик кезлариданоқ унинг номи шоир ва драматург сифатида танилган. Мана шундай ижодкор хориждан қайтиб инқилобий жараёнларга жадал аралашиб кетгани сингари А.Қодирий Октябрь воқеалари туфайли бошланган долғали ҳаёт ўзгаришларига кўшилиб кетди. Бу — қаерда бўлади — Лондондами, Тошкентдами, инглиз ё ўзбекми, қатъи назар, зиёли инсоннинг қисмати эди! Ватанида, ўзи яшаб турган жамиятда, ўз халқи ҳаётида ҳаётбахш эврилишлар, янгиланишлар рўй беришини дил-дилидан орзу қилиб юрган, рўшноликка эришиш умидидаги инсон учун жуда-жуда оддий ва табиий ҳолат эди!

Мильтон ҳам, Қодирий ҳам бадиий ижод "дастгоҳи"ни четга суриб қўйиб, кундалик ижтимоий ҳаёт пўртанасига "шўнғиб" кетишганининг туб сабабларидан бири ҳам шунда эди!

Мильтон пуританлар сафида қалам сураётган экан, қироллик тузумидаги мутлақ ҳукмронлик — яккаҳоқимлик адолатли жамият барпо этилишига йўл бермайди деб ҳисоблайди, шу қарашлари билан у қирол Карл Стюартнинг тахтдан четлатилиши, ўрнига республика тизими қарор топиши зарурлиги гоёсини олға сурган кўшлаб мақолалар эълон қилади. Унинг публицистик чиқишлари, серзарда ва ўтли сўзлари мўлжалга тегмай қолмасди. Матбуотда эълон қилинган аччиқ танқидлари амалга ошиб, лордлар палатаси таркибидан епископлар чиқариб юборилган. Адиб қаламига мансуб "Қирол ва ҳукмроннинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари" деб номланган асари ҳамда "Ашаддий бутпараст" памфлетининг "кас офати" ўлароқ қирол Карл Стюарт судланган ва намойишкорона қатл этилган. Мана шундай оташин қарашлари, нуқтаи назарлари билан Ж.Мильтон лорд-генерал (барча ҳарбий кучлар бош кўмондони) Кромвель сиёсати учун айни муддао эди. Нафақат Мильтоннинг, балки енгилмас саркарда, темир иродали ва шижоатли раҳбар сифатида Оливер Кромвель халқнинг, қолаверса Парламентнинг ишончи-эътирофини қозонади. Мильтон шахсан Кромвелга, 1649 йил мартада эълон қилинган Кромвель бошчилигидаги республикачилар ҳукуматига ишонган. Шоирнинг публицистик қаламини чархлаган, сўзларига оташин руҳ бахш этган куч-қудрат ҳам ана шу ишончда эди.

"Қодирий Октябргача бир ҳаваскор ёзувчигина бўлиб келган бўлса, — деб ёзади Х.Қодирий, — инқилобдан сўнг кенг ҳуқуқ, гайрат, жасорат, сўз эркинлиги олади". Ҳақиқатдан ҳам "Қизил байроқ" газетасининг 1922 йил 1 июль сонида босилган "Жасорат — айб эмас" мақоласида Қодирийга Октябрь инқилоби "тортиқ" қилган жасорат бетизгин эҳтирослар тўлқинида изҳор этилган. Яъни, Қодирий инқилобга ҳам, "жасорат шўролар ҳуқуматининг негизи — асоси" эканлигига ҳам ишонган. Омма онгини ўзгартириш, халқнинг яшаш тарзига тубдан янгиликлар киритиш йўлларини излаётган, шунинг кўйида яшаётган адиб бутун умидини ана шу жасорат, ана шу ишончга боғлаган, айниқса ўй-ниятларини матбуот орқали очиқ-ошкора кенг омма эътиборига ҳавола этиш имкони туғилгани ўша жасорат ва ўша ишонччи ўн қарра алангалатган.

Абдулла Қодирийнинг фавқулодда уйғоқ шахси, ноёб адиблик ва публицистлик маҳорати ҳамда Октябрь инқилобига, ундан кейин жамиятда бошланиб кетган янгилашниш жараёнларига, айниқса матбуот сўзига бўлган муносабатларини синчковлик билан ва изчил ўрганиш, тадқиқ этиш тарихимизда ҳамон маъмулмигича қолиб келаётган кўплаб саҳифаларга ойдинлик киритишдан ташқари, шахс, жамият, давлат ва матбуот муносабатлари юзасидан теран фалсафий хулосалар чиқариш имконини ҳам беради.

А.Қодирий инқилобдан кейинги дастлабки йилларда қанча мақола ёзгани, қандай тахаллуслар остида, қайси жанрларда ёзгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. "Диёри бакр" китобини адибнинг публицистик меросига доир маълумотлар нисбатан тугал ва батафсил жамланган ягона манба деб айтиш мумкин. Адибнинг 1919-1935 йиллар мобайнида матбуотда эълон қилинган асарлари мавзуси, ифодаси, шакл ранг-баранглиги, воқеликка муносабати, куюнчақлиги, жонбозлиги, самимияти билан ўзини ва ижодини халқ учун сафарбар этган чинакам публицист жамиятнинг юраги, қалби бўлиб қолиши, ҳеч муболагасиз, ижтимоий ҳаётнинг марказий сиймосига айланиб кетиши мумкинлигини кўрсатади. Буни Мильтон ва Қодирий ҳаёти ҳар жиҳатдан тасдиқлайди.

Англия парламенти 1643 йилнинг 14 июнида китоб нашр этишни назорат остига олиш ҳақида қонун қабул қилади, орадан бир ярим йил ўтар-ўтмас, аниқроғи, 1644 йилнинг ноябрь ойида матбуотда Ж.Мильтоннинг "Ареопагитика" асари чоп этилади. Асар умуман фуқаро эркинлиги мавзусида бўлиб, уч қисмдан иборат: биринчиси — никоҳ, иккинчиси — болалар тарбияси ва учинчиси — матбуот эркинлиги мавзусига бағишланган.

Муаллифнинг мазкур асар учун танлаган услуби, оҳанги қутилмаганда жамоатчилик эътиборини тортади. Буни Мильтоннинг ўзи очиқ тан олади. У баён этилаётган мулоҳаза ва қарашлари ҳақидаги танқидий нуқтаи назарини ёрқин ифода этиш учун милотдан бурун яшаган Исоқрат (милотдан ав. 436-338 йиллар) услубига хос эҳтиросларга бой оҳанг қўл келганини таъкидлайди. Исоқрат эса ўз даврида айни шундай услуби — оташин нотиклиги билан катта нуфузга эга бўлган, ҳатто Сукротдек аллома назарига тушган эди.

Асарнинг номланиши ҳам Мильтон танлаган услубдан келиб чиққанини сезиш қийин эмас, зеро, Ареопаг — "Арея тепалиги" Афинада, машҳур Акрополнинг гарбидаги тепалик номи бўлиб, у ерда даставвал фавқулодда ҳолатлар учун, кейинчалик эса ҳаёт ва ўлим, дин ва умумий цензурага доир масалалар кўриладиган суд маҳкамаси жойлашган. Мильтон бамисоли "Ареопагитика" минбаридан туриб, Парламент аъзоларига қарата оташин нутқ ирод этаётгандек оҳангда сўзлайди.

Мильтон Парламент аъзоларини адолатга чақиради. "Мен заррача иккиланмай-нетмай шунга аминдирманки, сизлар "бирорта ҳам китоб, рисола ёхуд варақа аввалдан кўриб чиқилмасдан ва тасдиқдан ўтмай туриб чоп қилиш ман этилиши" таъкидланган Қонунни яна бир қарра кўздан кечирганингиздан кейин ўзингизга олий даражада хос бўлган адолатга муҳаббат туйғуларингиз жўш уражагига ишонман".

Мильтоннинг фикрича, мазкур Қонундан кўзда тутилган асосий мақсад — ҳақоратлар, дағдағалар ва ахлоқсизликлар тарғиб қилинган асарлар пайдо бўлишига йўл кўймаслик учун хизмат қилмайди, аксинча, у илму маърифат йўлини тўсади ва адолат овозини ўчиради.

"Инкор қилмайман, — деб давом этади Мильтон, — китобларнинг одоб-ахлоқи

худди одамларда бўлгани каби черков ва давлат томонидан қаттиқ гамхўрлик ила назорат — цензура остига олинмоғи керак ва шундан келиб чиққан ҳолда улар худди жиноятчилар қаторида авахтага ташланмоғи, сурғуну бадарга қилинмоғи керак: чунки китобни жонсиз буюм деб ҳисобламаслик зарур, зеро китоб уни яратган даҳонинг салоҳиятига тенг равишда ҳаётий куч-қудратга эгадир...” (Бу сўзлар мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрлидир”) деган лутфини эслатади, Александр Генис бошқачароқ айтади: “Биз ёзувчи асарини унинг ўзидан кўра муҳимроқ деб ҳисоблаймиз, чунки у умридаги энг яхши дақиқаларни асарига бағишлаган”.

Кўринадики, қарашларини енгил ва беозор киноялар билан баён қила бошлаган адиб аста-секин аччиқ пичинг йўлига ўтади. Пичинг захарханда тусини олади: “Китоблар афсонавий аждаҳонинг тишлари сингари ҳаётбахш ва қўпаювчилик қудратига эга эканликларини биламан, мабодо улар ерга экилса борми, улардан жангчилар ўсиб чиқишлари муқаррардир”.

“Аччиқлашаётган” сўзлар ва оҳанг ўрнини вазмин мушоҳада эгаллайди: “Бошқа томондан, мулоҳазаларда гоётада эҳтиёткор бўлмоқлик керак, чунки яхши китобни ўлдириш қарийб инсонни ўлдириш билан тенг; инсоннинг жонига қасд қилган одам онгли мавжудотни, тангри таоло тажаллисини ўлдирган ҳисобланади; илло яхши китобни маҳв этаётган одам идрокни ўлдиради, илоҳий машғалани сўндиради”.

Шундан сўнг Мильтон инсон ақл-идроки, тафаккурининг маҳсули бўлмиш китоб ва унга муносабатлар тарихидан, чамаси, эллик-олтмишга яқин мисоллар келтиради. Замон, макон ва жуғрофий нуқтаи назардан хилма-хил бўлган мисоллар таҳлили ва шарҳи муаллифнинг ҳақиқатан ҳам зукко олим ва ҳассос тадқиқотчи эканлигидан далолат беради. “Шундай қилиб, — деб ёзади Мильтон, — биз китоб цензурасининг келиб чиқишини кашф этдик ва ҳар қандай насл-насаб ва шажара ўрганилгани сингари унинг ихтирочиларини изчил равишда кўздан кечирдик”.

Шундан сўнг Мильтон ҳар қандай китоб мутолаасидан олиниши эҳтимоли бўлган фойда ва зарар ҳақида сўз очади.

Тақводорлиги ва донолиги учун черков томонидан ҳурмат-иззатга сазовор бўлган Александр шаҳри епископи Дионисий (247-265) бидъатчиларга қарши фаол курашар экан, уларга мансуб манбаларни синчиклаб ўқиб-ўрганади, шунда ўз хушёрлигини намойиш қилмоқчи бўлган тақводорлардан бири Дионисийни даҳрий адабиётларни мутолаа қилганликда айблаб, унинг эътиқодини шубҳа остига қўяди. Оғир вазиятда омон қолиш чорасини излаган донишманд худо томонидан, қўлингта тушган ҳар қандай китобни ўқи, зеро шунда сен ҳар нарса юзасидан тўғри ҳукмухулоса чиқара оласан, деган изн берилганлигини айтади. Шунингдек у, “Ҳар нарсадан баҳраманд бўлингу, эзгуликни унутманг”, “Ўзи тозага — дунё тоза” сингари ҳикматларни далолат сифатида келтиради.

Бу ўринда китобхоннинг ақл-идрокига, қарашларининг соғломлигига ва инсоний сабот-матонатга ургу берилмоқда. Билим олиш, демак, китоб мутолааси виждони тоза ва иродаси букилмас одамни асло йўлдан оздирилмаслиги таъкидланмоқда.

Мильтон қуйидаги қутилмаган қиёс ёрдамида ўз қарашларини ўртага ташлашда давом этади: “Касал ошқозон ёқимсиз таомни ҳам, тотли таомни ҳам ҳазм қилолмайди; бузуқ тафаккур ҳар қандай яхши китобни ҳам ёмон мақсадларда талқин қилиши мумкин. Яроқсиз масаллиқлардан ҳарчанд уринганинг билан, хуштаъм таом тайёрлай олмайсан, яроқсиз китоблар эса оқил, доно ва мулоҳазакор китобхонга кўп нарсаларни билиб олиш, инкор этиш, огоҳ бўлиш ва ойдинлик қиритиш имконини беради”.

Донишманднинг қуйидаги фикрлари ҳам жасорат намунаси: “Менинг фикримча, худолар одамларга ҳар қандай таомни истеъмол қилишга изн бераётиб, меъёрни унутмаслик зарурлигини таъкидлаганидек, ҳар қандай ёши улуг инсон учун комиллик сари интилишида ақл-идрок озукасини эркин танлаш эркини ҳам берган. Бу эркинлик бутун инсоният ҳаётида нақадар мислсиз аҳамият касб этиб келмоқда! — ахир худо ҳар бир эс-хушли одам учун ҳеч бир Қонун ёки Кўратма билан чекланмаган ҳолда китоб неъматидан мутлақо эмин-эркин фойдаланиш ҳурлигини ато этгандир.

Ақлли, оқил одам энг бемаъни китобдан ҳам дур-гавҳар топиши мумкин, энг яхши, фойдали китоб ҳам нодон одамни доно қилиб қўя олмайди, шундай экан, нима учун оқил одамни бундай машғулотдан бенасиб қолдирмоғимиз керак?! Нодон одам Муқаддас Битикдан ҳам фойдали гап тополмайди, ахир”.

Хуллас, Мильтоннинг фикри қатъий, яъни, "...бу қонун ундан кўзда тутилган мақсадга хизмат қилолмайди”.

Адиб гап келганда Афлотунни ҳам танқид қилишдан тоймайди. Унинг фикрича, Афлотун катта иззаг-хурмагларга сазоворлигидан фойдаланиб “Қонунлар тўғрисидаги” китобида хаёлга ҳаддан ташқари эрк берган ва ҳукмдорлар учун қўл келадиган қарорлар ишлаб чиққан, лекин уларнинг бирортаси ҳеч бир республикада жорий этилмаган. Унга қолса, ҳатто бирорта Шоир Ҳакамлар ва Қонун пешволари томонидан изн берилмагунча қадар ўз асарини бировларга ўқиб бериши мумкин эмас. Очиқ-равшан кўриниб турибдики, Афлотун бу қонунни ўз тасавуридаги Республикага учун мослаб яратган. Ваҳоланки, унинг ўзи ҳам ўзи яратган қонун талабларига риоя қилмаган.

Шу тариқа Ж.Мильтон очикдан-очиқ мамлакат Парламенти “панжаси”га панжа уради. У матбуот саҳифаларидан айтилажак сўзнинг қудратига, мўлжалга аниқ бориб тегишига ва албатта самара беришига қаттиқ ишонади.

А.Қодирий ҳам матбуот зиммасида мана шундай вазифа бор, унинг саҳифаларидан тарқатилган очик-ошкора ҳақ сўз муқаррар ўз амалий ижросини топмоғи керак деб ҳисоблаган, бу эътиқодга қаттиқ ишонган. Ушбу ишончдан келиб чиқиб, "...маним хизматларим матбуот билан равшандир” деган, “ҳақиқат майдонда” деб билган. Унинг 1922 йили “Қизил байроқ”да чоп этилган мақолаларидан бири “Ҳақиқат — очиб сўзлашдадир” деб номланган, 1919 йилда “Иштрокиюн” газетасида “Бизда театру ишининг бориши” саврлавҳали мақоласида муаммоли масалалар вақтида ҳал этилмаслигига “матбуотсизлик” ва “ўша муаммоларни “матбуот элагиндан ўтқузилмас”лиги сабабчи эканлигини очик айтади. Бундай сўзларни матбуот қудратига ишончи ниҳоятда юксак бўлган инсонгина ёзиши мумкин.

Қодирий публицистикасида мавзунинг катта-кичиги йўқ. У бирор мавзуга шунчаки, қўл учидан-тил учидан қалам урмайди, балки очик-ошкора баён этаётган камчиликлар, иллатларни халқимиз ҳаётидан буткул йўқолиб кетишини, шу орқали ҳаётда, яшаш тарзида том маънодаги янгиланишлар юз беражagini орзу қилади. Адиб Ойбек ёзганидек, сиртдан қараганда босиқ, камгап кўринадиган, ҳар бир сўзини тарозига солиб кўрадиган, оғзига келган ҳар бир сўзни айтавермайдиган Қодирийнинг тилини қалампирдек аччиқлаштирган, киноя, пичинг, зардаю зардоблар сувига қондириб, сертикан қамчин янглиғ одамнинг этини ўйиб туширадиган қилиб кўйган нарса ҳам адиб қалбидаги ўша эзгу ва бениҳоя улкан орзу олови, алангаси эди!

Қодирий “ҳар нарсага танқидий назар билан қарар” эди. Шу боис ҳам у ҳажвга зўр берди, деярли барча ҳажвий жанрлардан унумли фойдаланди. “Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис эткан, аммо ифода қилаолмаган масалаларига таржимондир” деб изоҳлайди адибнинг ўзи. “Бир кўп кулги асарларида Абдулла Қодирий халқ аскиячилигига яқин бир равишда услуб яратади. Халқ сўзлари, ифодалари, чапани таъбирлар, қочирма гапларни кўп ишлатади”, — деб ёзади Ойбек. У танқидга зўр берди, лекин “Танқиднинг маъноий луғавийси саралаш, арайишини олмоқ деган сўздир. Наинки ер билан яксон этмак!” деб билди. Бироқ, тан олиш керак — адибнинг танқид қалами танқид этилувчиларни ер билан яксон этадиган даражада шафқатсиз эди. “Чунки шу кунгача маним мезоним виждоним бўлуб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида” дейди Қодирий.

Адиб матбуотчи сифатида зинҳор мураса йўлига йўламади, жиловини, яъни қаламини виждон қўлига тутқазди. Биз бу ҳодиса том маънодаги маънавий жасорат эканлигини энди-энди англаб етмоқдамиз, бироқ ўша даврдаги муҳит, шароит, жамоатчилик, муносабатлар исканжасини кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қилиб кўрсак-чи?! Қай аҳволда, қай ўй — қай руҳий исканжаларда юрди экан Қодирий?! Зулмат ичра машғала кўтариб бораётган инсон кимгадир, нимагадир ишонмоғи, суянмоғи — умид боғламоғи керакмасми эди?!

“Яхши билиш керакми, қалам ўқлоғи ва матбуот кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирга келган ҳар бир сўздан жумталар тўқимоқ фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган гишт бўлсин, кўпчилик хумдондан

пишиб чиқгач янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!” деган, ҳар қандай замон ва макон матбуоти ва журналистикаси учун шиор вазифасини ўташга арзирли ўлмас ҳикматни ирод этган ҳам бизнинг Абдулла Қодирий эди!

“Шу билан бирга, — деб ёзади атоқли адабиётшунос олим Иззат Султон, — бу каби приёмларнинг (пичинг сингари фольклор приёмлари ҳақида сўз бормоқда. — Х.Д.) Абдулла Қодирий ижодидаги ўрнини эътиборга олмаган ўқувчи ҳам унинг сатирасининг гоёвий йўналишини, социал аҳамияти ва бадиий қувватини тўла тушуниб, етарлича қадрлай олмайди”.

Назаримизда Қодирий публицистикасидаги муаллиф шахсини, нуқтаи назарини тўла тушуниб етмаслик ва муносиб қадрланмагани домла И.Султон таърифлаганидан-да кўра чуқурроқ, нозикроқ ва қалтисроқ сабабларга бориб тақалади.

Бундай қисмат сэр Жон Мильтоннинг бошига тушган эди. У ҳам матбуотнинг, матбуот сўзининг қудратига ҳаддан ташқари ишонган, бинобарин, ҳатто мамлакат Парламенти шаънига қаратилган “нутқ”ларини аччиқ-аччиқ киноялар, пичинглар, кесатиқлар билан безаган.

Эшикни ёпиб олиш билан китоб чоп этишда учрайдиган зарарли таъсирлардан холи қолишнинг иложи йўқ деб ҳисоблайди у. Ахир бошқа тўйнуқлар очик-ку! Агар китоб нашр этишни тартибга солиш йўли билан қарашларни, хулқ-атворларни тўғри йўлга солишни истар эканмиз, бошқа барча кўнгилочар ўйинларни, одамларнинг ҳордиқ чиқарадиган ҳамма эрмакларни қайта кўриб чиқиш керак бўлади. У ҳолда тантанали ва ҳарбийлардан бошқа мусиқаларни тинглаш, кўшиқларни куйлаш таъқиқланади. У ҳолда, келинлар, рақса ҳам цензура кўййлик, ёшларимиз номақбул деб топилган қилиқларни, имо-ишораларни зинҳор қила кўрмасинлар. Афлотун шуну истамоқда-ку. Шунда ўнлаб цензорлар хизматига эҳтиёж ортади, улар ҳар бир хонадонга бош суқиб лют, скрипка ва гитараларда қандай нағмалар чалинаётганини назорат қилиб туришларига тўғри келади. Бироқ нимани чалиш мумкинлигини аниқлаб олиш керак. Бу ҳолда хиргойи қилиб ижро этиладиган, холи жойда айтиладиган ариялар, мадригалларни текшириш қандай амалга оширилади? Дераза ва балконлар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак: ахир улар ҳам ҳавфли китоблар ҳисобланади.

Қишлоқларда аҳвол нима кечади? Овлоқ жойларда ўгириб олиб нағма чаладиган скрипкачининг хиргойилари назардан четда қоладими? Яна бир миллий касаллик — Европада маълуму машҳур ичкиликбозликлар ва суллоҳлигимиз нима бўлади? Ичкиликлар сотиладиган муассасаларга танда кўйган оломонимизга ким тўсқинлик қилади? Энгил-бошимизни тартибга солиш учун ҳам аллақандай тикувчи керак бўлар? Йигит-қизларимизнинг висол онларида нималар ҳақида суҳбатлашишларига ким йўл-йўриқ кўрсатади?

Тарчи давлат ўзининг доно гамхўрлиги остида мазкур иллатларнинг зарар ва асоратларини камайтиришга мумкин қадар уринган тақдирда ҳам санаб ўтилган иллатларни йўқотишнинг мутлақо иложи йўқ. Шу боис турли хаёлпарастликларга берилмай, Аллоҳ инъом этган ёруғ дунёда оқиллик билан соғлом қолишга эришмоқ керак. Ва бу ўринда Афлотуннинг китобий цензураси иш бермайди, унинг қонунлари шу қадар яна кўплаб ман этиш ва таъқиқларни келтириб чиқарадики, уларга риюя қиламан деб кулгига қоламиз ва ҳеч нарсага эришмаймиз. Уларнинг ўрнига ёзилмаган қонунлар бор — қонун формулалари билан исканжага олинмаган маърифат, диний ва фуқаровий таълим-тарбия самара беради. Афлотун буларни давлатнинг бирлаштирувчи томирлари деб, ҳар қандай ёзилган низомнинг таянчи ва суянчи деб атайди. Ҳар қандай цензура ожиз бўлган жойда ана шулардан келиб чиқмоқ керак. Ҳушига келган ишни қилиш ва жавобгарликни унутиш, муқаррар, жамиятни парчалаб ташлайди. Лекин жамият қачон қонун билан иш кўриш ва қачон оддийгина панд-насиҳат йўли билан масалани ҳал этиш лаёқатига эга бўлмоғи даркор.

Худо Одам Атога идрок ато этиб, унга танлаш қобилиятини берди: зеро, идрок — танлаш қобилияти, лаёқатидир.

Оташин публицистнинг жунбиши ана шундай “таърифлу тавсифлар” билан ҳам босилмайди. Унинг бундай саъй-ҳаракати худди ургочи арслоннинг якка ўзи бутун ўрмон йиртқичлари устига ташланишига ўхшаб кетади. У тинимсиз равишда мисол устига мисол, далил устига далил ёғдиради Китобларни цензура текширувидан ўтказиш жорий этилгудек бўлса, хориждан келадиган асарларнинг тарқа-

лиши қай аҳволга тушади? Уларнинг ҳар бирини кўздан кечириш ва шундан сўнггина аҳоли қўлма-қўл қилиб ўқиши учун рухсат бериш тизимини йўлга қўйиш озмунча сафарбарликни тақозо этадими?! Бунинг учун Италия ва Испания бошидан кечирган инквизиция жазоларини қўллашга тўғри келади, бундай қатагонга эса, парламентнинг мухтарам лорд ва депутатлари, сизлар асло рози бўлмай-сизлар. Зеро, ўша икки мамлакатдаги китобларнинг қувғинга учратилганлиги давлатни бир баҳягина бўлса-да, яхшироқ, одилроқ, донороқ, эҳтиромлироқ қилиб қўймади.

... Ҳақиқат ва соғлом фикрни ёрликлар ёпиштириб, ваколатлар билан таъминлаб ва қоидалар ўрнатган ҳолда эгаллаб олиш ва сотиш мумкин эмас. Башарти кимда-ким берилган эркинлик ва ишончни суиистеъмол қилиб ёлгон гапларни ёзар экан, ундай кишини жазога мустаҳаб қилишдан орланмаслик керак. Бироқ бундай жазоларга нолойиқ одамларни текширув ва шубҳа остига олишга зинҳор йўл қўйиб бўлмайди. Ўғри-каззоблар истаган жойларида қўриқчисиз-назоратчисиз санғиб юрсалару, шўрлик китоблар дағдағали посбонларсиз бир қадам ташлай олмасликларини изоҳлаш қийин. Қолаверса, бундай ишончсизлик кенг омма учун ҳам ҳақорат ҳисобланади. Сизлар амалга оширмакчи бўлаётган қонунни жорий этишни донолик дея олмаймиз, зеро бу йўл билан эҳтимол тутилаётган биттагина суиистеъмолликнинг олди олинади, холос ва ушбу қонун воситаси-ла барҳам берилган бузуқчиликлар биз ёпишнинг иложини тополмайдиган бошқа қўллаб эшиклардан ёпирилиб кириб кела бошлайди.

Ж.Мильтон матбуот саҳифаларида пешма-пеш эълон қилинган мана шундай оташин чиқишлари орқали жамиятнинг илгор ва фаол кишисига айланди (“Ареопагитика” ҳозирга қадар мутбуот эркинлиги ҳимояси учун дастлабки тарихий манба сифатида тилга олинади, қадрланади, ўрганилади). Танқидда мўлжални гоётда аниқ олиши, иллатларни илмга таяниб, рўйи-рост ва астар-аврасини ағдариб фош қилиши туфайли у Кромвель назарига тушди. Республикачилар ҳокимияти қароргоҳига хизматга таклиф этилди.

У маълум даражада ниятига етган эди, Мамлакат бошқаруви яккаҳокимлик мақомидан халос бўлиб, парламент бошқаруви тизимига ўтди. Адиб мазкур ўзгариш туфайли ўзи жамиятда адолат ўрнатилишига астойдил ишонади. Шу боисдан ҳам у Кромвель ҳокимияти қароргоҳи Уайтхоллда тўрт йил сидқидилдан хизмат қилди. Ва шунда... протекторат йил сайин ҳарбийлаша бориб, Кромвелнинг ўзи эса мутлақ ҳоким-ҳукмрон тўнини кийиб олди. Республика мақомидаги давлатда мохиятан монархия аломатлари яққол кўзга ташлана бошлайди. Кромвель парламентни тарқатиб юборади, якка ўзи ҳарбий диктатура режими — протекторат ўрнатади, ўзини қарийб қирол деб эълон қилади. Мильтон бир неча йил муқаддам “Ареопагитика” билан китоб цензурасига қақшатқич зарба бергани унутилиб, у қаттиқ ишонган ва эътиқод қўйган Кромвель 1655 йили цензурани тиклайди, ўғли Ричард Кромвелни мерос деб эълон қилади.

Бу — мамлакат яна диктатура оғушида қолганидан далолат эди. Мильтоннинг барча орзу умидлари чиппакка чиққан, ишончлари поймол бўлган, саройда ва мамлакатда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кўришга тоқати тоқ бўлганди... У шунча йиллик саъй-ҳаракатлари зое кетганини, йўлдан адашган, тахт ва салтанат талтайтирган ҳукмрон инсонни йўлга солишнинг иложи қолмаганини, унга сўз ўқдириш беҳудалигини англаб етади... Кўзи хира тортади, сарой хизматидан кетади, ёзолмай қолади...

Тақдир ўзбек адибининг бошига ҳам ана шундай оғир кунларни солади. А.Қодирий 1926 йилнинг 8 март куни қамоққа олинади. Судланади. Бу адибга оғир руҳий зарба эди. Ўша руҳий зарба ҳолатини устоз Умарали Норматов қуйидагича тасвирлайди: “Қамоқда инсонлик шаъни, номуси топталиб, ўзини маънавий ўлган ҳисоблаган адиб ҳақиқат тантана қилиб, озодликка чиққач, кўп ўтмай яна ўзига кела бошлайди. Аммо... 1926 йил мижозасидан сўнг у матбуотдан, ижтимоий ишлардан кетади, етти-саккиз йил давом этган жўшқин журналистик-публицистик фаолият энг авжида бирдан узилиб қолади”.

Айрим манбаларда Мильтон кўзи кўрмай қолгани сабабли мақолалар ёзмай қўйган деган тахминлар билдирилган, бошқа манбаларда эса бу фикр асосли равишда инкор этилади. Зеро, шоир саройни тарк этгач, икки-уч йил ўтмай О.Кромвель вафот этади, тахтни унинг ўғли бошқара бошлайди, бироқ аллақач-

чон салтанат тизгини издан чиққан, галаёнлар, исёнлар, беҳуда ва бесамар қон тўкишлар авж олганди. Ҳокимиятга Стюартлар сулоласи вакили Карл I қайтади. Шу кезларда Мильтон яна шиддат билан ёзишга киришади, унинг оташин публицистикаси матбуот саҳифаларида яна кўрина бошлади. Афсуски, энди мамлакатда бошқа сиёсий иқлим шабадалари кезаётган, унинг давлат бошқаруви, ҳукмрон шахс масъулияти ва адолати мавзуидаги чиқишлари ўз аҳамиятини, таъсир кучини йўқотганди: икки йил муқаддам вафот этган Кромвеллнинг жасади қабрдан қазиб олинди, у қайта осиб “ўлдирилади”, Мильтоннинг Кромвелл даврида кўкларга кўтарилган мақолалари, памфлетлари намойишкорона ўтга ташланади, адибнинг ўзи таъқиб остида қолади. Ҳатто Парламентда Жон Мильтонни ҳибсга олиш, сўнг ўлимга маҳкум этиш масаласи кўрилади.

А.Қодирийнинг 1926 йили ҳибсга олиншини, иш судга довур етиб борганини кўпроқ “Муштум”да чоп этилган “Йиғинди гаплар” мақоласига боғлашади. Бу бир жиҳатдангина тўғри, масалага кенгроқ ва чуқурроқ қаралса, адибнинг устидан иш очилиши унинг 10-12 йиллик қизгин публицистик фаолиятининг “мева-си” — ўзига хос якуний бир босқичи эди. Ахир Қодирийнинг шу йилларда ибтидоий хабарнависликдан бошланган журналистикаси том маънода фельетон қироллига айланиш даражасига қалар кўтарилди. Ҳақиқат майдонда деб билган адиб замонавий ўзбек журналистикасининг, айниқса ҳажвий-танқидий миллий журналистиканинг тамал тошини қўйишда, уни шакллантиришда ниҳоятда оғир юкни зиммасига олди. У инқилобий давр руҳини чуқур ва теран ҳис қилгани ҳолда ўз замонаси матбуотини яратди. У танқидга лойиқ бирор иллатни аяб-хаспўшлаб ўтирмади, ижодий фаолияти давомида манфур кимсаларнинг асл башарасини очиб ташлади, давр, жамият ва инқилоб душманларини “эл-халқ олдида шармандаю шармсор қилиш, уларга “кун бермаслик” йўлини тутди”. “Маним, — деб ўз феълени тасвирлайди Қодирий, “Масков хатлари”да, — кўндоқда теккан дейсизми ёки онадан туғма дейсизми, ишқилиб бир адабсиз — ярамас қилигим бор. Яъни пайрави келганда риоя, андиша деган гапларни эсимдан чиқариб чўрттаки бўламан-қоламан...”.

“Қодирий катта ақл-заковат, юксак истеъдод эгаси бўлса ҳам, барибир, ўз даврининг фарзанди эди. Инқилоб йилларининг фидойи инқилобчиларига хос муайян бетоқатлик унга ҳам ёт эмас эди. Маълум муддат ўша йиллари мамлакатда авж олдирилган “синфий кураш”, “динга қарши юриш” кампанияси таъсирида адибнинг бойлар, эшонлар, уламолар фақат бой, эшон, уламо бўлгани учунгина уларни синфий душман санаб, уларга қарши матбуотда жиҳоди акбар эълон этиб, аёвсиз кураш олиб бориши, синфий-мафкуравий рақибларни танқид қилиш, фош этишда хийла жангарилик, қизиққонлик кўрсатиши, баҳслар пайтида гоҳо одоб доирасидан чиқиб, ҳамкасбларини ҳақоратлаш томон ўтиб кетиши, уларнинг ўтмишини титқилаш, гоъвий айблар тақаш билан банд бўлиши — шу хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли адиб айтганидай, ўзига қарши ҳар бир бурчакдан тескаричи душманлар қаторлаштирилди”.

Инқилобчи шоир Ҳамза янги турмушни тузиш йўлида “Бизга кимлар қарши турса, шартта-шартта отамиз!” деб чиқди. Бундай кайфият қисман Қодирийда, унинг публицистик чиқишларида ҳам кўринди. Энг ёмони, инқилобий жангарилик, бетоқатлик туфайли одамлар орасидаги оддий инсоний муносабатлар, Шарқ халқларига, айниқса зиёлларига хос юксак ахлоқ, одоб-андиша дарз кета бошлади, кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатини гоъвий-синфий мезонлар билан ўлчаш, бир-биридан айб, гоъвий хато қидириш, бир-бирларининг устидан тегишли идораларга донос — гап етказиш одат тусини олди, ҳатто бу ҳол 20-йилларнинг ўрталарига келиб даврнинг ахлоқ меъёри, давлат, партия сиёсати даражасига кўтарилди”. “Шу тариқа адиб инқилобга, шўролар ҳокимиятига ҳаддан зиёд катта умид боғлади. Замондоши Вали Қаюмхон ўша кезлари Абдулла Қодирий “қизиллашиб кетди” деганида, аҳтимол, шуни назарда тутибандир”.

“Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, — деб ёзади адабиётшунос олим Баҳодир Карим, — 20-йиллар матбуоти учун мақолаларни деярли редакция таҳрирсиз, муаллифнинг ўз услубича эълон қилиш ва тортишувларда “рақиб”нинг шахсиятини бир оз сўкиш, ўринсиз иборалар кўллаб, баҳс-мунозара этикасини бузиб, жиндак одоб-ахлоқ чегарасидан чиқиш табиий ҳолга ўхшайди”.

А.Қодирий билан Ғози Юнуснинг ўзаро баҳсларидаги киноя, аччиқ пичинг-

лар ҳақида тўхталган адиб Тоҳир Малик ҳам “ўша давр матбуотининг услуби шундай эди”, деб таъкидлайди.

Келтирилган иқтибосларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий ўзи яшаган ва фаолият юритган даврнинг — матбуот сиёсати етарли даражада шаклланмаган, йўналиши мўътадил бир изга тушмаган давр матбуоти услубининг қурбонига айланди. Зулмат, залолат ҳукм сурган бир муҳитда ўз танлаган йўли, маслаги ва ақидаларидан қайтмасликдек маънавий жасорат... жисмоний ҳалокаат билан ниҳоя топди.

Ҳабибулло Қодирийнинг “Отам ҳақида” китобидаги қуйидаги лавҳага эътибор қаратамиз:

“Ҳозир олтмиш ёшларга кирган боғ кўшнимиз Хадича опа ҳикоя қилади:

— Бола чоқларимизда Абдулла акамни ҳамма “Абдулла Жулкун, Абдулла Муштум” деб аташарди. Мен бу гаплар маъносига тушунмай “ёмон одам бўлса керак-да” деб чўчиб кўяр эдим... Богингиз этагида кичкина жарликда қалин ўрикзор, дўла-назорларингиз бўларди. Абдулла акам шу тинч, салқин ерни текислаб ўзларига жой қилиб олган эдилар. Иссиқ ёз кунлари улар куни билан шу жарликда ўтириб хат битганлари-битган эди. Баъзан бизлар аста деворданми, дарахтданми мўралаб “хат битвогги” деб бир-биримизга шивирлар эдик...”.

Бу оддий уй бекасининг шунчаки хотираси эмас, у — кишиларимизнинг, қолаверса, оми авом нари турсин, ҳатто энг тушунган-нетган кишиларимизнинг қўлида қалами бор одамга, ёзувчига бўлган муносабати. Матбуотчига, журналистга муносабати. Абдулла Қодирий ва унга ўхшаш замонасининг илғор зиёлилари қанақанги савобли мақсадлар билан яшаганлар, улар виждон амри ила фаолият юритганларига қарамай аксари омма — авом назарида “ёмон одам”лар бўлиб кўринганлар, ундайларни қўлларини бигиз қилиб, “хат битадиган одам” деб бир-бирларига кўрсатиб шивирлаганлар. Шивирлабгина қолмай, уларни бадном қилишга, обрўсизлантиришга, қасд олишга... эпини топсалар, жисмонан маҳв этиш учун пайт пойлаганлар. 1937 йилнинг ўзида матбуотда Абдулла Қодирийдек инсонни ер билан яқсон этишга қаратилган эликдан ортиқ (!) мақола босилганининг ўзиёқ фикримизга очиқ-ойдин далил бўла олади. Шу маънода адабимиз ҳақиқатда фард, яъни “алвир-шалвир ўзбек маданияти” майдонида юксак орзу-ҳавасларни кўзлаган ҳолда тиниб-тинчимаёй ишлаётган ёлғиз одам эди. У маслагидега собит эди, унинг учун виждони мезон эди, шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмай, “Мен тўғрилик орқасида бош кетса, “эҳ” дейдирган йигит эмасман” дея баралла айтди. Бу ҳайқиреқ Мильтоннинг, “Менинг руҳим ҳамиша танамдан қудратлироқдир” деган сўзига ўхшаб кетади, уни эслатади.

Жон Мильтон қариган чоғида Лондоннинг чеккасидаги кимсасиз овлоқ гўшада (у кезларда 50 ёшли одам кекса ҳисобланган) кўзлари кўрмас, хасталик азобларидан абгор ҳолатда, муҳтожликда умрини поёнига етказди. Абдулла Қодирий эса...

У ўзи яшаб турган жамиятнинг ҳеч бир долзарб масала-муаммосига, она халқни тақдирига, янада фаровон, янада адолатли жамият барпо этиш масалаларига бефарқ-беътибор қолмаган, чинакам фидойи, чинакам зиёли фуқаро сифатида ўз қарашлари, нуқтаи назарини очиқ-ойдин, ошқора матбуотда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этган. Шоирона ташбеҳ қўлланадиган бўлса, у ўз жамияти ва ўз даврининг қалбига, юрагига айланган ва ана шуларнинг “ажри — мукофоти” сифатида эса...

Мазкур таърифни ҳеч иккиланмай мақоламиз қаҳрамонлари бўлмиш ҳар иккала сиймо шахсига нисбат беришимиз мумкин. Бу таъриф бир-биридан ҳар жиҳатдан йироқ бўлган инглиз Мильтон билан ўзбек Қодирий — ИЖОДКОР ЗИЁЛИ ИНСОНЛАР ҳаёти ва қисматидаги яқинликни, ўхшашликни, айнанликни намоён этаётганини кўриш мумкин...

Р.С. Яна бир қизиқ ўхшашлик: Жон Мильтондан “Бой берилган жаннат”, “Қайтарилган жаннат” поэмалари ва “Самсон-полвон” трагедияси, Абдулла Қодирийдан эса “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ва “Обид кетмон” қисса-си боқий адабий мерос бўлиб қолди...

“Устози муаззам”

Туғилдим мен Овчикўйда,
Минг саккиз юз эллик бирда.
Маконимдир Боғчасарой,
Мозорим, ким билар, қайда?
Исмоил Гаспринский



**Зайнобидин
Абдирашидов**
Ўзбекистон
Миллий
университети
катта ўқитувчиси

Исмоил Гаспринский XX аср бошларида фақат Россия мусулмонлари орасида эмас, балки, бутун Шарқда номи чиққан машхур шахслардан биридир. XIX аср охири ва XX аср бошларида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг марказида бўлган Гаспринский ҳаётлик вақтидаёқ “миллат отаси” деган ном олган эди. Россия империяси ҳудудида яшовчи туркий халқлар орасида миллий матбуот, янги адабиёт ва адабий тилнинг шаклланишига буюк ҳисса қўшган сиймо сифатида айниқса анча машхур.

Беҳбудийнинг таъбири билан айтганда, “миллатни уйғотиш, дунёдан, сиёсат оламидан, маданий миллатлар ҳолидан хабардор қилиш учун 35 йил меҳнат қилган, ҳар ерда мусулмонларни замонавий маданият, илм-фан, саноат, тижорат ишларига ва маданиятга тарғиб қилган” шахс ҳам “Россиядаги минглаб янги усул мактабларининг муаллим ва ўқувчилари, собиқан нашр бўлган ва ҳозирда нашр бўлаётган мусулмон газета ва журналларининг муҳаррир ва мудирлари”нинг “устози муаззам”и эди.

Гаспринскийнинг ҳаёт йўли, оиласи борасида ўнлаб асарлар, тадқиқотлар яратилган. Шунга қарамай, бу борада айрим фактик чалкашликлар учраб туради. Исмоил Гаспринскийнинг отаси Мустафо 1810 йилда Қримнинг Гаспра қишлоғида дунёга келган. Исмоилбей отаси туғилган жойга нисбат бериб Гаспринский тахаллусини олгани ҳам шундан. Шу ўринда бу масалага бироз тўхталиб ўтиш лозим. Ўз вақтида унинг муҳлис ва издошларини ҳам шу савол безовта қилган эди. Исмоилбей бу саволга “Таржимон” газетасида шундай ёзади: “Қримда Гаспра номида бир қишлоқ бор; муҳаррирнинг отаси мана шу қишлоқдан. Шунинг учун ҳам қримча Гаспдали, сибирча Гаспрингий, сартча Гаспдалик, арабча ал-Гасфрий, русча ё Гаспров ё Гаспринский дейилса жоиз. Масаланинг жавоби мана шу”. Ҳозирги тадқиқотларда ҳам унинг исми турлича, Туркия ва Қримда Гаспдали, Америка, Европада ва хусусан бизда ҳам Гаспринский номи қўлланиб келинмоқда.

Гаспринскийнинг кобоси Али Гаспра қишлоғи улуғларидан бўлган. Шу сабабли ҳам унинг Кавказ генерал-губернатори княз Воронцов-Дашков билан муносабати анча илиқ бўлган. Княз Воронцов Алининг ўғли Мустафони ўз ҳимоясига олиб, Одессадаги лицейга ўқишга жойлашишига кўмак беради. Мустафо ўқишни тамомлагандан сўнг княз Воронцов девонхонасида таржимон бўлиб ишлай бошлайди. Кейинчалик унинг қилган хизматлари инобатга олиниб, унга “дворян” мартабаси берилади. Аммо у дворян бўлишига қарамай, моддий жиҳатдан анча қашшоқ яшаган. Мустафобей

икки марта уйланади. Биринчи турмуш ўртоғи 1849 йили вафот этади ва шу йили у Кримнинг машҳур Қайтазовлар оиласига мансуб Фатма хоним билан турмуш қуради. Бу оиладан икки ўғил ва тўрт қиз дунёга келади.

Исмоилбей оиладаги иккинчи ўғил бўлиб, 1851 йилнинг 21 мартда Овчикўй қишлоғида туғилди. У тўрт ёшга тўлганида оиласи Боғчасарой шаҳрига кўчиб ўтиб, шу ерда жойлашиб қолади. Ёш Исмоил илк саводини Боғчасаройда, Зинжирли мадрасасида Ҳожи Исмоил деган муаллим қўлида чиқаради. Бу таҳсил 10 ёшга тўлгунча қадар давом этади. Айрим тадқиқотларда мадрасада 7 йил ўқигани таъкидланса, баъзиларида Исмоилбейнинг мадрасада жуда оз бўлиб, ҳатто она тилидан ҳам яхши савод олмагани айтилади. Лекин она тилини (қрим-татар тили) яхши билмаслиги мумкин эмас эди. Турк профессори Явуз Акпинар Гаспринскийнинг усмонли турк маъмурлари билан муносабатларини таҳлил қилар экан, "она тилини яхши билмайди" ибораси "классик усмонли тили"га тегишли эканлигини таъкидлайди.

Исмоилбей 10 ёшга тўлганида отаси уни Симферополдаги ҳарбий мактабга беради. Бу мактабда икки йил таҳсилдан кейин у Воронеж ҳарбий мактабида ва Москва ҳарбий билим юртида ўқишни давом эттиради. Москва шаҳрида ёш Исмоил "Московские ведомости" газетасининг бош муҳаррири профессор Иван Катков оиласида истиқомат қилади. И.Катков ўз даврининг машҳур шахсларидан бири бўлиб, уйига кўзга кўринган ижодкорлар тез-тез келиб турган. Ана шундай суҳбатлар Исмоилбейнинг дунёқараши шаклланишига катта таъсир кўрсатган эди.

1868 йилда Гаспринский Москвадаги ўқишини ташлаб, Боғчасаройга қайтади ва бу ердаги машҳур Зинжирли мадрасасида рус тилидан дарс бера бошлайди. Исмоилбей ўқитувчилик даврида шаҳар полицияси бошлиғи Шестовнинг шахсий кутубхонасидан кўп фойдаланганлиги айрим манбаларда қайд этилади. Шестовнинг бой кутубхонасида айрим таъқиқланган китоблар ҳам сақланар эди. Бу китоблар ва даврий матбуотни доимий мутолаа қилган Гаспринскийнинг фикр доираси ва дунёқараши анча кенгайди. Гаспринский ижоди ҳақида асар битган Жаъфар Саидахмад Киримернинг ёзишича, Исмоилбей 1869 йили Ялтанинг Дерекўй қишлоғидаги мактабга муаллим этиб тайинланади ва Зинжирли мадрасасидаги фаолияти учун махсус ёрлик билан тақдирланади. У 1871 йили яна Зинжирли мадрасасидаги фаолиятини давом эттиради. Киримернинг таъкидлашича, Гаспринский Зинжирли мадрасасида талабаларга бошқа фанлардан сабоқ ҳам бериши, эскича ўқув усулларини ўзгартиришга ҳаракат қилиши ва рус тили дарсларини кўпайтиришга интилгани сабабли қолоқ мударрислар таъқибига учрайди. Унга ҳатто ўлим билан таҳдид қилганларидан сўнг Гаспринский мадрасадан кетишга мажбур бўлади.

Таъқиқлардан зўрға қутулган Гаспринский чала қолган ўқишини тамомлаш ва француз тилини мукамал ўрганиш мақсадида 1871 йили Вена, Мюнхен ва Штутгарт шаҳарлари орқали Парижга келади. Унинг Европадаги таҳсили борасида маълумот кам. Лекин бу саёҳат кейинчалик эълон қилинган "Дорул-роҳат мусулмонлари", "Фарангистон мактублари", "Европа маданиятига бир назари мувозана" каби асарларида жуда кенг акс этган.

Америкалик олим Александр Бенингсеннинг таъкидлашича, Гаспринский 1871 йили Парижда француз либерал сиёсатчилари ва социалистлари билан яқиндан танишган ҳамда социализм тўғрисида танқидий асар ёзган илк мусулмон сиёсатчиси сифатида шаклланди.

1874 йили Гаспринский Париждан Истанбулга келади ва у ерда амакисининг уйида бир йил яшайди. Гаспринскийнинг матбуотда чиқиши айнан Истанбулда бошланган. У Москва ва Петербургда нашр бўладиган айрим рус газеталарига Истанбул ва Усмонли давлати ҳаёти ҳақида "ярим хаёлий мактублар" юбориб турган. Рус олими Л.Климович эса Гаспринский Парижда эканлиги вақтида ҳам айрим рус газеталарининг муҳбири бўлганли-

гини ёзади ва Франциядан Жазоир, Тунис, Миср ва Греция орқали Қримга қайтиб келганини таъкидлайди. Лекин шу вақтга қадар Гаспринский қайси рус газеталари учун мақолалар юборгани ҳамда уларнинг мазмуни бора-сида тадқиқотлар олиб борилмаган ва ҳеч бир маълумот йўқ. Шу ўринда Гаспринскийнинг амакиси Халил афанди "Жаридаи Аскаррия" газетасида таржимон бўлиб хизмат қилган. Исмоилбейнинг Истанбулга келишдан асосий мақсади Усмонли армияси хизматига кириш эди. Унинг энг яқин сафдошларидан бири бўлган Юсуф Оқчуранинг ёзишига қараганда, Гаспринский Истанбулдаги ҳарбий мактабга рус тили ўқитувчиси бўлиб жойлашишга ҳаракат қилади. Заки Валидий Тўғоннинг аниқлашича, бу ишдан хабар топган Россия элчиси Игнатъев турк ҳукуматини бунга йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантиради.

Гаспринский 1875 йили Қримга қайтгандан сўнг икки йил давомида Ялтадаги кичик бир мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Бу орада у уйланади. Қизи Шафиқа Гаспринская бу ҳақда шундай эслайди: "Отам Ялтада муаллимлик қилар экан, у ердаги бир савдогар қизи бўлган Самур хонимга уйланади. Замолага мувофиқ таҳсил кўрмаган, ташқи дунёдан беҳабар, уй ичида улғайган бир қиз экан. Отам у билан икки йил турмуш қуриб Ҳадича исмли бир қиз кўрган (ҳозирда ҳаётми, йўқми, билмайман, аммо бутун оиласи билан Туркистонга сургун қилинганлар орасида эканлигидан хабаримиз бор). Холаларимнинг айтишларига қараганда, у уйимизнинг шароитига яхши кўника олмаган экан".

1880 йили Гаспринский Литвага боради. Литвада унга Москва ҳарбий мактабида бирга ўқиган, асли литвалик татарлардан бўлган Мустафо Давидович ҳамроҳлик қилган. У кейинчалик Гаспринскийнинг яқин ҳаммаслақларидан бирига айланади, ҳатто узоқ муддат Боғчасарой шаҳар ҳокими бўлиб ҳам ишлайди. Гаспринскийнинг Литвага сафари ижодий фаолиятига катта таъсир ўтказган деб айтиш мумкин. Бунинг натижаси "Русия мусулмонлиги" асарида яққол кўзга ташланади. Исмоилбей бу ерда "замонавийлашган" Литва мусулмонларининг ҳаёти билан яқиндан танишади ва кўп сонли бошқа мусулмонлар ҳам шу тарзда "замонавийлашса", улар ҳам тараққий этган миллатлар орасидан муносиб ўрин эгаллаши мумкинлигини ёзади. Литва татарлари орасида аёлга нисбатан бўлган муносабат, айниқса, Гаспринскийнинг диққатини тортган эди. Уларнинг истаган ерларида таҳсил олишлари, динга муносабатлари, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги унга қаттиқ таъсир кўрсатади. Литвалик тадқиқотчи Адам Якубаскаснинг аниқлашича, Гаспринский татарлар орасидан етишиб чиққан генерал Матсей Аҳматовичнинг қизи Мария Аҳметовигувнага кўнгил кўяди ва унга уйланиш истагини билдиради. Мариянинг отаси ёш Гаспринскийнинг бу истагини қабул қилмайди, чунки у қизини ўз қўл остида хизмат қилаётган ҳарбий зобит Константин Кричинскийга узатиш ниятида эди. Исмоилбей уйланиш масаласига ўта жиддий қарар эди. А.Якубаскаснинг таъкидлашича, Кричинскийнинг оила архивида сақланаётган Куръони қарим қўлёзмаси бунга ёрқин далил. Бу Куръон Исмоилбейга онасининг совғаси эди. Гаспринский ўзи учун кадрли бўлган бу муқаддас қўлёзмани Марияга ҳадя қилади. Яна Кричинскийлар оила архивида Исмоилбейнинг Марияга ёзган уч мактуби ҳам топилган. Мактубларнинг икkitаси русча, бири эса французча ёзилган. Улардан бирида 1881 йил 13 январь санаси қўйилган.

1880-1881 йиллар орасида қозонлик машҳур фабрикант Исфандиёр Оқчуриннинг қизи Зухра хоним тоғаси билан саёҳат қилиш ва ҳаво алмаштириш мақсадида Қримга келади. Шафиқа Гаспринскаянинг хотирлашича, онаси Зухра хоним ўша йили Петербургдаги аёллар мактабини битирган экан. Тақдир тақозоси билан Исмоилбей Зухра хоним билан Ялта шаҳрида тасодифан танишиб қолади. Ризоиддин Фаҳриддин уларнинг танишишларига сабаб бўлган муқаддимани куйидагича англатади: "Зухра хоним қизлик вақтида ҳам туркийча, ҳам русча жуда яхши таҳсил

кўрган. 1881 йили "Таржимон" газетасининг учкунлари сифатида Боғчасаройда нашр қилинган бир неча варақаларни ўқиган Зухра хоним уларнинг муҳаррири Гаспринскийга ғойибона муҳаббат қўйган эди". Гаспринский янги танишлари — тоға-жиян Оқчуринларни Боғчасаройдаги уйига меҳмонга чақиради. Исмоилбейнинг оила аъзолари Зухра хонимни ёқтириб қолишади. Бу воқеадан сўнг икки ёш орасида яширинча ёзишма бошланади. Ш.Гаспринскаянинг ёзишча, Исмоилбей аввалида Зухра хонимга мактуб йўллаган ва ўз муддаосини англатган. Кўп ўтмай уларнинг тўйи бўлиб ўтади. Жаъфар Саидахмад Киример Шафиқа Гаспринскаянинг хотираларига таяниб қуйидагиларни ёзади: "Бобом онамга етарли миқдорда сандиқлар ва тақинчоқлар берган. Биз уйимиздан кетишга мажбур бўлган вақтда онам сепини олиб келган 7 сандиқ ўша ерда қолди. Отам газета ва матбаа ташкил қилган вақтда ишига яраган тақинчоқлар мен билан синглим Нигорда қолган эди. Акам Рифъат уйланганда келинимизга ҳам ана шу тақинчоқлардан бир қисмини ҳадя қилгандик. Қолганини эса Қрим ва Озарбайжоннинг большевиклар тарафидан истилоси ҳамда Истанбулга кўчиб ўтиш еб тугатди".

Исмоилбейнинг газетачилик, матбаачилик фаолиятида Зухра хонимнинг хизмати жуда катта бўлди. "Таржимон" нашр этила бошланган илк йилларда почта, газета тарқатилиши, ҳисоб китоб ва улар билан боғлиқ барча ишларни Зухра хоним Исмоилбейнинг ёнида туриб амалга оширди. Ш.Гаспринскаянинг хотираларида қуйидаги сўзларни кўриш мумкин: "Газета нашри йўлга тушиб кетган йиллари онам бир неча фарзанд онаси бўла туриб ҳам уларнинг тарбияси, ҳам газета ишлари билан шуғулланишга вақт топа олди. Отам билан 20 йил турмуш қурган бўлса, бирор марта ўзи учун қимматбаҳо нарса ёки кийим-бош олинишига рози бўлмади, ҳатто болалар тарбиясини ҳам бошқа ҳеч кимсага ишонмади. Газета саҳифаларида бирор марта ҳам номи кўринмаган бўлса-да, беминнат хизмати ва маориф йўлидаги ғайрати жуда кўпчиликка маълум эди. Шу сабабли ҳам вафот этганда турли вилоятлардан таъзия билдирилган 300 га яқин мактуб келди". Хуллас, Жаъфар Саидахмад Киримернинг сўзлари билан айтадиган бўлсак, "Исмоилбейнинг Зухра хонимга уйланиши ҳаётининг энг бахтли бир воқеаси бўлганди".

Зухра хоним 1903 йилнинг 13 апрелида 41 ёшида вафот этади; Боғчасаройда Қримнинг машҳур хонларидан бўлган Менгли Гирайхоннинг турбаси қаршисига дафн этилади. Исмоилбей орадан бир неча йил ўтиб Зухра хонимнинг синглиси Хуршид хонимга уйланади. Аммо унинг бу турмуши ҳам узоқ чўзилмади. Уйланганидан икки йил ўтиб Хуршид хоним касалланиб, вафот этади.

Исмоилбей билан Зухра хоним саккиз фарзанд кўришади: Рифъат, Шафиқа, Баҳия, Лайло, Дониёл, Нигор, Мансур ва Ҳайдар. Лайло кичиклигида вафот этади. Тўнғич ўғли Рифъат 1914 йилда Исмоилбей вафотидан сўнг "Таржимон" газетасига ва матбаа ишларига бош бўлади; 1924 йили Қримда вафот этади. Шафиқа, Нигор, Мансур ва Ҳайдар 1917 йилги тўнтаришдан сўнг Туркияга кўчиб кетадилар. Шафиқа Қримдалиги вақтида кейинчалик Озарбайжон Республикасининг биринчи бош вазири бўлган Насиббей Юсуфбейлига турмушга чиқади. Қрим миллий ҳаракати ва Россиядаги туркий халқлар аёллари ҳаракатида катта рол ўйнаган Шафиқа Гаспринская 1975 йил 31 августда Истанбулда вафот этади.

Исмоил Гаспринский газета ва матбаачилиқдан ташқари тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Умрининг охириги йилида "Исмоил Мирза Гаспринский ва ўғли ширкати"ни тузиб, нефть савдоси билан шуғулланишини эълон қилган эди. Аммо Биринчи жаҳон уруши сабабли ширкат ишлари тўхтаб қолади.

* * *

1876 йили Гаспринский ўз номзодини Боғчасарой шаҳар Думаси депутатлигига кўрсатади. Сайловда овозлар сони бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. У вақтдаги қонунлар юқори натижа олган, аммо сайланмаган номзодга катта имтиёз берар эди. Шу сабабдан ҳам, у 1878 йили март ойида вафот этган бир депутат ўрнига шаҳар Думаси депутатлигига сайланади. Орадан бир ой вақт ўтиб Гаспринский ўз номзодини шаҳар ҳокими сайловига кўяди. Сайловда Гаспринский овозлар бўйича тўртинчи ўринни эгаллади. 1878 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган шаҳар ҳокими ўринбосари сайловида Гаспринский голиб чиқади ва шаҳар ҳокимлигининг Ёзув ишлари-ни бошқариш ва кузатиш бўлимига бошлиқ этиб тайинланади. Шаҳар ҳокими ўзининг савдо ишлари билан банд бўлиб, давлат ишларига кўп вақт ажрата олмаганлиги сабабли 1879 йил феврал ойида қайта сайлов ўтказилади ва Исмоил Гаспринский Боғчасарой шаҳар ҳокими этиб сайланади. Бу лавозимда у 1884 йил март ойига қадар фаолият олиб боради.

— 1879 йил ноябрь бошларида, — деб ёзади В.Ганкевич Гаспринский вилоят губернаторига нусха кўчириш ускунасини сотиб олишга рухсат сўраб мурожаат қилади ва рухсат олади. Гаспринский ўз аризасида бу ускуна ёрдамида "турли эълонлар, иш қоғозлари, таклифномалар, кичик ёрликлар ва шунга ўхшаш кичик ҳажмдаги" полиграфик маҳсулот чиқариш истагини билдиради. Орадан кўп ўтмай, яъни 1897 йил ноябрь ойининг охирида Гаспринский вилоят губернаторига янги ариза билан мурожаат қилади ва бу сафар олим тўлақонли типографик ускуна сотиб олиш истаги билан чиқади. Исмоилбей ушбу истагини қуйидагича ифодалайди: "Татар ёзувида нашр қиладиган босмахона ускуналар фақат Қозон ва Петербург шаҳарларида бўлганлиги сабабли мен бир неча татарча китобларни чоп қилишга қийналмоқдаман. У шаҳарларга менинг китобларим ва таржималаримни чоп этишга юбориш жуда ноқулай ва қиммат". Гаспринскийнинг бу галги аризасини кўриб чиқилиши анча вақтга сурилади. Чунки ҳокимият Гаспринский борасида барча маълумотларни йиғиб, уни сиёсий жиҳатдан тўғри келиш ёки келмаслигини ўрганиб чиқиши керак эди.

Айни вақтда Гаспринский Тифлисида, ака-ука Унсизодалар чиқараётган "Зиёи Кафказия" газетасида Россия ҳудудида яшовчи муслмонлар ўз муаммоларини муҳокама қилишлари учун миллий матбуотга эга бўлиши кераклиги ҳақида мақола беради. Гаспринский матбуотни "миллатнинг тили" деб таърифлайди ва "ўз матбуоти ва адабиётига эга бўлмаган миллат кўр ва соқов одамга ўхшайди", деб ёзади.

Исмоил Гаспринский 1879 йилдан бошлаб мустақил газета ташкил қилиш ҳаракатига тушди. Лекин унинг барча сўровномалари давлат идоралари тарафидан жавобсиз қолдирилди ёки рад этилди. Туркистон вилоятининг сўнгги генерал-губернатори А.Н.Куропаткин (1848-1925) 1917 йилда ўз хотираномасида ёзганидек, "сўнгги 50 йил давомида биз (руслар) маҳаллий халқларни тараққиёт, мактаб ва рус ҳаётидан узоқроқ тутдик". Шу сиёсат доирасида улар маҳаллий тилларда газеталар, ҳатто улар давлат сиёсатини қўллаб-қувватловчи дастур асосида бўлса ҳам нашр қилинишига ижозат бермади.

Гаспринский 1879 йил 20 ноябрда Россия Ички ишлар вазири Л.Маков (1830-1883) номига татар тилида ҳафталик "Файдали Эгленже" ("Фойдали Маълумот") номида газета ёки журнал чиқариш учун рухсат сўраб мактуб йўллайди. У ёзган мактубида "Зиёи Кафказия" газетасидаги мақоласида билдирилган фикрларни янада кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу талабнома вазир тарафидан рад этилди. Шундан сўнг Гаспринский "Мактаб" номида бир газета чиқаришга уриниб кўрди. Бу таклиф ҳам вазирлик тарафидан салбий қарши олинди. Орадан 15 йил ўтгандан кейингина "Мактаб" газетаси 1897 йилдан бошлаб "Таржимон"га илова сифатида нашр этиладиган бўлди. "Мактаб" газетаси ўқувчиларни

содда ва ихчам илмий маълумот ва кичик ҳикоялар билан таништириб борди. Ушбу маълумотлар кейинчалик Гаспринскийнинг усули жадид мактаблари учун мўлжалланган "Ҳожаи Сибён" дарслик китобига кирилган. 1880 йилнинг охирларида Гаспринский Ички ишлар вазирига яна бошқа бир ариза билан мурожаат қилиб, "Қонун" номида ахборот ва адабий варақа чиқариш учун рухсат сўради. Бу сафар вазирлик амалдорлари варақани назорат қилиш учун Симферополда цензура ходими йўқлигини вақ қилиб, уни чиқаришга рухсат бермади.

1882 йилнинг ўрталаридан бошлаб Гаспринский доимий равишда нашр этиладиган газета учун рухсат олишга жиддий уринади. Айни вақтнинг ўзида у икки ёзма асар — "Солномаи Туркий" ва "Миръоти Жадид"ни нашрдан чиқарди. Гаспринский ушбу асарларни ёзишда рус, турк ва француз тилларида чиққан турли статистик, географик асарлардан, алманахлардан фойдаланди. "Солномаи Туркий"нинг мундарижаси кенг қамровли бўлиб, тарих, география, замонавий ҳаёт ва воқеалар, турли давлатлардаги таълим тизими, матбуот ва бошқа мавзуларни ўз ичига олди. "Миръоти Жадид" эса кичик ҳажмли китобча бўлиб, ҳайвонот дунёси, ҳаж зиёратига бориладиган йўл, чой етиштирилиши, қисқача Истанбул тарихи ҳақида маълумотлар ва уларга боғлиқ бўлган расмлардан иборат.

Бир йил давом этган ҳаракат натижасида Исмоил Гаспринский 1883 йил 10 апрелда "Таржимон" газетасининг биринчи сонини босмадан чиқарди. Адиб яна уч йил давомида газетанинг мундарижаси ва рунқларини кенгайтириш ва тўлдириш мақсадида ҳукумат идораларига 7 марта мурожаат қилади ва ҳар сафар ижобий жавоб олади.

"Таржимон" газетаси 20 йил давомида Россия империясидаги ягона муслмон нашри бўлиб қолди. Газета ҳафтасига 1-2 марта кичик ҳажмда чоп этилар эди. Лекин бу кичик газета туркий миллатлар орасида жуда кенг ёйилди. Бевосита унинг таъсирида муслмонлар тарафидан кўп сонли янги (жадид) мактаблари очилди, кўплаб хайрия жамиятлари ташкил этилди ва янги адабиёт шаклланди. Гаспринский моҳир сўз устаси эди. У мақолаларида фикрни содда, қисқа ва лўнда ифодаловчи услуб кўллади; бутун туркий миллатларни "ягона адабий тил остида бирлаштиришни орзу қилди. Умрининг охирига қадар "Тилда, фикрда ва ишда бирлик" учун курашди.

Гаспринский газета саҳифаларида инглизларнинг XIX асрдаги босқинчилик сиёсатини танқид қилар экан, русларнинг ҳам бу соҳадаги фаолиятига ишора қилади. "Таржимон"нинг 1887 йилги сонларидан бошлаб эълон қилинган "Фарангистон мактублари" ва "Судан мактублари" романларида Гаспринский тошкентлик мадраса талабаси, сайёҳ Мулла Аббос номидан ўз сиёсий қарашларини илгари суради. Мулла Аббос Парижда экан, "инглизларнинг Миср билан на диний ва на қардошлик боғлиқлиги бор. Уларнинг бу мамлакатга келишлари фақат босқинчилик натижасидир. Бунга ҳеч тоқат қилиб бўлмайди", — деган сўзларни айтади. Кўрииб турибдики, Гаспринский Мулла Аббос тилидан ўзининг сиёсий қарашлари ва позициясини очик баён қилади.

Гаспринскийнинг фантастик сюжетлар билан сиёсий унсурлар қоришиб кетган адабий асарларидаги даврий чегара тасодифий эмас. Бу романлардаги воқеалар даврнинг сиёсий қарама-қаршиликлари ўта кучайган, бир томондан рус-француз иттифоқи, иккинчи тарафдан инглиз ва французларнинг Африка қитъасидаги мустамлакачилик курашлари авжига чиққан даврга тўғри келади. Гаспринский мустамлака халқларининг озодлик курашлари ва ҳаракатларини матбуотда очик ёритишда анча тўсиқларга дуч келган. Шунга қарамай, бу романлардаги ижобий образлар қаторида Африка қитъасидаги фидойи курашчилар — Шарқий Судан озодлик учун ҳаракатининг бошлиғи маҳди Муҳаммад Аҳмад (1848-1885) ҳамда Жазоир халқининг француз мустамлакачиларига қарши ку-

рашига бошчилик қилган "шарафли йўлбошчи ва шайх" Абдулқодир (1808-1883)нинг номлари тилга олиниши кўп нарсани англатади. Рус олими Л.Климович таъкидлаганидек, Гаспринский адабий асарларида сиёсий қарашларини усталик билан баён этади. У кураш майдонини бошқа мамлакатларга кўчириш воситасида, у ердаги озодлик ҳаракатларига хайрихоҳлигини аниқ билдириш воситасида ўзи ҳам бундай курашга тайёр эканлигига алоҳида урғу беради.

* * *

Исмоил Гаспринский "Таржимон" да Туркистон учун алоҳида эътибор қаратди. Газетанинг илк сонларида фақат расмий хабарлар ва уларга ўзи ёзган шарҳлар билан чегараланган бўлса, кейинчалик бу ишга бевожита туркистонликларни жалб қила бошлади. 1885 йилги сонларида эса Туркистон ҳарбий кампаниясида иштирок этган генерал А.Куропаткиннинг ўлкани забт этилиши билан боғлиқ хотираларини чоп этди, сўнг уни алоҳида китобча шаклида ҳам нашрдан чиқарди. Кейинчалик, 1906 йилда бу хотираларга нисбатан ўз қарашларини очиқ билдирган ҳолда "Тарихи жадиди Туркистон" номли туркум мақолаларини эълон қилди. У газета саҳифаларида, Туркистон хонликларининг Россия билан муносабатларини ёритишга катта эътибор қаратди. Бу борада унинг Бухоро-Россия алоқаларида доир қарашлари ва саъий-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади. У кўпроқ Бухоро мадрасаларидаги ҳаёт билан қизиқар эди. Адиб умрининг охирига қадар "Европа цивилизацияси таъсир қилмаган" ушбу мадрасаларга маърифатчилик ғояларини кенг ёйиш истаги билан яшади. Мана шу сабаблар уни Туркистонга етаклади.

Гаспринский Туркистонга сафар қилишдан олдин "Таржимон" да ўлка ҳаёти, тарихи ва географиясига оид туркум мақолалар эълон қилади. Айниқса унинг Бухоро амирлиги ҳақидаги мақолалари турфа маълумотларга бой эди. Муаллиф Бухоронинг буюк ўтмиши, мадрасалари ва ҳукмдорлари борасида қизиқарли фактларни келтиради. 1893 йилнинг февраль ойида Бухоро амири Абдулаҳадхон (1859-1910) Петербург сафаридан қайтишда Боғчасаройга келади. Юксак меҳмонни кутиб олувчилар қаторида Гаспринский ҳам бор эди. Бу икки шахс 1883 йилдан эътиборан ғойибона таниш эдилар. Шу пайтда валиаҳд бўлган Абдулаҳадхон Гаспринскийга "Таржимон"га обуна бўлиш истаги битилган телеграмма юборган эди. Орадан 10 йилдан сўнг улар кўришишга муваффақ бўлишди. Бу учрашув натижасида Абдулаҳадхон Гаспринскийни расман Бухорога таклиф қилади. Кейинчалик Исмоилбей бу таклиф ана шу сафарга катта туртки берганини ёзади.

Гаспринский Туркистонга биринчи марта 1893 йил май ойида боради. Бу сафардан кўзланган мақсад, Гаспринскийнинг ёзишича, Туркистоннинг ҳақиқий тарихи ва ўша даврдаги аҳволи билан яқиндан танишиш эди. Гаспринский сафар давомида маҳаллий мусулмон зиёлилари билан учрашиш ҳамда улар орасидан маслакдошлар топишни; "Таржимон"ни ўлкада кенг тарғиб қилиш ва янги обуначиларга эга бўлишни; янги усул мактаблари очишни режалаштиради. Америкалик олим Лаззерини Гаспринскийнинг Туркистонга сафаридан кўзланган асосий мақсади рус ва маҳаллий амалдорларни янги усул мактаби ишига жалб қилиш бўлган, деб қайд этган эди.

Бухорода Гаспринский мактаб ва мадрасаларга бориб, у ердаги ҳаёт билан танишади. Ўқувчи ва талабалар билан суҳбат қилади. Бухорода 4 кун бўлгач, Гаспринский Самарқандга қараб йўл олади. Самарқандда ҳам у биринчи навбатда рус маъмуриятига учрайди. Уни Самарқанд ҳарбий губернатори граф Ростовцев қабул қилади. Гаспринский губернатор билан бўлган ярим соатлик суҳбат давомида ўзини қизиқтирган барча масалалар: газетадан мактабгача суҳбатлашиб улгуради. Суҳбатдан таъ-

сирланган губернатор "Таржимон"га обуна бўлиш истагини билдиради ва Гаспринскийга мактаблар борасида батафсил маълумот олиш учун шаҳардаги рус-тузем мактаби ўқитувчиси билан учрашишни маслаҳат беради. Афсуски, мактабларда ёзги таътил бўлганлиги сабабли Гаспринский губернатор айтган муаллимни топа олмайди. Самарқанддаги 4 кун ташриф давомида Гаспринский шаҳарнинг рус ва маҳаллий қисмлари билан батафсил танишиб чиқади. Исмоилбей Самарқандда сафардан кўзланган асосий мақсадлардан бири — янги мактаб очишга муваффақ бўлади. Мактаб норасмий тарзда очилишига қарамай, халқ орасида тез шухрат қозонди.

Самарқанддан сўнг Гаспринский Туркистоннинг бош шаҳри — Тошкентга келди. Бухоро ва Самарқанддан фарқли ўлароқ, у шаҳарга келиши биланок рус маъмурлари ҳузурига бормади. Тошкент маҳаллий зиёлилари уни кутаётган эдилар. Гаспринскийни Тошкентнинг машҳур қозиларидан Муҳиддинхўжа кутиб олади ва уни ўз уйига таклиф қилади. Уша куни Муҳиддинхўжа уйига Тошкентдаги барча кўзга кўринган мусулмон зиёлилари йиғилади ва Гаспринский шарафига катта зиёфат берилади. Гаспринский Тошкентда шундай зиёли жамоани кўргач, Туркистон ҳақидаги тасаввурлари тубдан ўзгаради. Исмоилбей рус матбуотида туркистонликларнинг "саводсиз ва жоҳил" лиги ҳақида бонг ураётган хабар ва маълумотлар асоссиз эканлигига амин бўлади. Шу сабабдан бўлса керак, у Тошкентда олти кун қолиб кетади.

Тошкентда Гаспринский Туркистон генерал-губернатори барон А.Вревский (1834-1910) ҳамда ўлка таълим тизимига масъул бўлган шахслардан бири Н.Остроумов (1846-1930) билан ҳам кўришади. Мазкур учрашувлар тафсилотлари бизга номаълум. Шундай бўлса-да, Гаспринский биринчи навбатда 1892 йили Туркистон генерал-губернаторига таълим соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган ислохотлар ҳақида фикр билдириб ёзган мактуби тақдири билан қизиққанлигига шубҳа йўқ. Бу масала Н.Остроумов билан муҳокама этилган бўлса керак. Гаспринский Остроумовни 1880 йиллардан буён анча яхши танир ва ўлка таълим тизимига катта таъсир ўтказувчи шахс сифатида билар эди. Исмоилбей Остроумов билан янги усул мактаблари борасида суҳбатлашади ва Самарқандда очилган мактабни расман рўйхатдан ўтишига кўмаклашишини илтимос қилади. Лекин Остроумов берган ваъдаларини бажармайди.

Тошкентдан Самарқандга қайтган Гаспринский таниқли педагог, боқулик Мажид Фанизода (1866-1937) билан бирга Шаҳрисабзда бўлган амир Абдулаҳадхон ҳузурига йўл олади. Аммо Бухоро амири билан учрашувлар кутилган натижани бермайди. Амир уламолар тазйиқидан ҳадиксираб, янги мактаблар очиш таклифини қабул қилмайди.

Абдулаҳадхоннинг журъатсизлиги ва қатъиятсизлигидан ранжиган Исмоилбей учрашувнинг эртасигаёқ Кримга жўнаб кетади. Лекин, шунга қарамай, унинг амирга бўлган муносабати ўзгармайди. Улар 1910 йилгача, яъни Абдулаҳадхоннинг вафотига қадар деярли ҳар йили Боғчасарой ва Ялтада кўришиб туришган. Амир йилда бир марта дам олиш ва даволаниш учун Кримдаги қароргоҳига борар эди.

Гаспринский Туркистонга иккинчи марта 1908 йилда саёҳат қилди. Бу галги сафар мақсадга кўра олдингисидан бутунлай фарқ қилади. Масаланинг моҳиятини яхшироқ англаш учун мавзудан биров четлашишга тўғри келади. 1905 йил октябрда подшоҳ эълон қилган Манифестдан сўнг Россиядаги мусулмон жамияти бутунлай бошқа йўлга ўтди. Янги йўлбошчилар, янги ғоялар ва оқимлар пайдо бўлди. Айни шу вақтда либерал позицияда турган Гаспринскийнинг мавқеи биров эътибордан туша бошлади. Чунки янги йўлбошчилар чор ҳукумати олдига аниқ сиёсий талаблар қўйиш, Манифестда кўзда тутилган эркинликлардан кўпроқ фойдаланишга даъват қила бошладилар. Гаспринский бундай тезкор ҳаракатларни умуман маъқулламади. У бирдан катта сиёсий талаблар билан чиқишга қарши эди. Бундай

муроса йўли унинг сиёсий мавқеига таъсир этмай қолмади. Абдурашид Иброҳимов (1857-1944) бошчилигидаги федералистлар мусулмонлар яшайдиган ҳудудларга мухторият мақоми берилишини ёқлаб майдонга чиқдилар. Гаспринский ва Иброҳимов орасида катта сиёсий келишмовчиликлар пайдо бўлади. Мусулмон жамоаси орасида сиёсий бўлиниш юз беради.

1908 йилнинг бошларида Гаспринский янгидан, 1905-1907 йиллар орасида бўлиб ўтган сиёсий жараёнлардан кескин фарқ қиладиган сиёсий ҳаракат бошлаш тараддудига тушди. Айни шу вақтда у узоқ йиллар давом этган педагогик фаолияти тугаганлигини ва ҳаётининг иккинчи, янада шиддатли, кучли сиёсий даври бошланганлигини эълон қилади. Гаспринский янги сиёсий фаолиятга киришар экан, "Таржимон"ни ҳам соф сиёсий дастакка айлантириш фикрига келади.

Орадан оз вақт ўтиб, Гаспринский мусулмонларга иккинчи очиқ мактуб билан мурожаат қилади. Бу сафар у тўла сиёсат ишига берилаётгани ва "Таржимон"ни Петербургда кўчириб, Давлат Думасидаги Мусулмон фракциясининг сиёсий органига айлантириш истагида эканлигини билдиради.

Гаспринский юқоридаги ишларни амалга ошириш учун ўзига мадад қидиради ва Россиянинг мусулмонлар яшайдиган ҳудудларига икки ойлик сафар уюштиришни режалаштиради. Унинг 1908 йилги Туркистон саёҳати ҳам ана шу мақсадга қаратилган эди.

Гаспринский иккинчи саёҳатномаси кундаликларида Туркистондаги сиёсий муаммоларга кўпроқ эътибор қаратади: русларнинг туркманларга қарши уруши, шаҳарлар қурилиши, шаҳарларнинг мусулмонлар яшайдиган қисмларидаги аҳвол, рус муҳожирларининг ўлкага кўчириб келиниши, татарларнинг Туркистонда мол-мулк ололмаслиги ва ҳоказо. Гаспринский бу сафар пайтида Самарқандга боришни ҳам мўлжаллаган эди. Бу шаҳарда унинг Туркистондаги энг яқин маслақдоши Маҳмудхўжа Беҳбудий истиқомат қиларди.

Гаспринскийнинг Бухоро амири билан янги учрашуви жуда қисқа бўлиб, расмиятчиликдан нарига ўтмайди. Бу вақтда Гаспринский Абдулахадхондан ҳеч нарса чиқмаслигига аниқ ишонган. Ўз хотираларида у Бухоро ҳукуматининг ички сиёсатини қаттиқ танқид остига олади. "Агар иш шу тариқа давом этса, — деб ёзади у, — шак-шубҳасиз Бухоро яқин орада Туркистон генерал-губернаторлигининг бир вилоятига айлантирилади."

Гаспринский Самарқандга келиши билан Беҳбудий ҳомийлик қилаётган Абдулқодир Шақурийнинг янги усул мактабига боради. Гаспринский шаҳарда бир ҳафта туради. Унинг Беҳбудий билан қилган узоқ суҳбатлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Гаспринский жўнаб кетганидан кейин Беҳбудий Тошкент ва Фарғона водийсига сафар қилади. Бу сафар ҳақида ҳам бирор-бир маълумот учратмаймиз. Мазкур сафарини Исмоилбей билан бўлган "музокара"ларнинг самараси, деб қараш мумкин. Гаспринский тузган янги дастурнинг Туркистондаги ижрочиси Беҳбудий бўлиб, у бошқа мусулмон зиёлиларига мазкур дастурни етказишни зиммасига олган кўринади.

Гаспринский Самарқандда турган вақтида Бухородан икки киши келиб ундан Қози калон билан янги усул мактаби очиш борасида яна бир бор гаплашиб кўришини илтимос қиладилар. Қози калон билан учрашув бесамар бўлмади. У янги мактаб очилишига розилик беради. Гаспринскийнинг бухоро зиёлилари билан суҳбатидан кейин мажлисдагилар шаҳарда икки йилдан бери фаолият олиб бораётган татар мактабини кенгайтириш ва унга маҳаллий аҳоли болаларини ҳам қабул қилиниши ҳақида келишиб оладилар.

Гаспринскийнинг 1908 йилги Туркистон саёҳати қисқа давом этди. Чунки у Россия бўйлаб режалаштирган икки ойлик иш саёҳатини вақтида тугаллашга шошилмоқда эди. Исмоилбей 15 йил оралиғида Туркистонга қилган икки саёҳатидан кўзлаган мақсадларига эришди. Бу саёҳатлар унинг учун ҳам, туркистонлик издошлари учун ҳам фойдадан холи бўлмади.

Яннис МАРИС

Нафақадаги хусусий изқувар

Роман

9. АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ

Ақл гимнастикаси? Оддий ўйин? Бу гап Бекасга ёқмади – масала одам ҳаёти ҳақида бораётган бир пайтда қанақа ўйин бўлиши мумкин?

– Буларнинг ҳаммаси асоссиз хаёллар, – деб дўстининг сўзини бўлди у. – Чуқурроқ ўйлаб кўр, ахир Женни ўзининг қачон ўлдирилишини олдиндан билган бўлиши мумкин эмас-ку, бундан чиқди, у айнан эрини қотилликда айбашлари учун жўрттага шу найрангни ўйлаб топибди-да? Қуруқ сафсата бу!

– Ҳа, сафсата. Агарда... – деб гўлдирди Макрис.

– Агарда... нима?

– Агарда бошқа кимдир бу аёлни, шундай қиласан, деб мажбурламаган бўлса.

– У ким бўлиши мумкин?

– Ҳақиқий қотил, – деди журналист.

Баъзи пайтларда ўйлаган фикрларимиз мутлақо кутилмаган ҳолатда ўзгариб кетади. Мана, Макрис ҳам тахмин ва фаразларга бериларкан, улардан жуда аломат хулоса келиб чиқишини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эди.

– Шошма, – деди у бирдан. – Агар бу ўйин бўлмаса-чи? Агар шу гап рост бўлса-чи?

Бекас жавоб бермади.

– Агар рост бўлса, яхши бўларди, – деган сўзлар беихтиёр Макриснинг оғзидан чиқиб кетди.

– Нимаси яхши бўларди? – аччиғи чиққан кекса полициячи дўстининг гапини бўлди.

– Бундай янгилик...

Макрис тугилиб қолди. Дарҳақиқат, нега у Марина айтган гап рост чиқишини хоҳлаяпти? Нима, қизалоқ Розину ўзининг ёқимтойлиги билан ҳали уни ҳам ўзига мойил қилдими, дейман?

– Бундай янгилик катта шов-шув бўлади ва газетамнинг обрўси бирданига кўтарилиб кетади.

Макрис айтган гапига ўзи ҳам ишонмасди, албатта. Аммо Бекас, кутилмаганда, дўсти айтган бу гапни ўйлаб қолди, ўйлади-ю оқибатда ўзидан-ўзи аччиғлана бошлади. Макриснинг тахминлари ҳеч қандай далилга асосланмагани, улар кўпроқ биронта саргузашт роман мав-

Охири. Боши ўтган сонларда.

зуига муносиб можаролар эди. Ие, бўлмаса, нега у дўстининг гапи ҳақида бош қотирмоқда? Ахир у қатъиян рад этиши керак эди-ку Макриснинг гапини! Бунга балки Марина Розинунинг мафтункорона ёқимтойлигидан ўзининг ҳам кескин юз ўгира олмаётгани сабабдир? Лекин сабаб шугина эмас. Бу воқеада яна қандайдир бир ишқаллик мавжуд. Содир бўлган ҳолатларнинг ҳаммаси ниҳоятда оддий — ана шу оддийлик уни шубҳага соларди. Уйлаб қаралса, Дендринос гўё айбдор фақат ўзи эканлигига ҳеч кимда шубҳа қолдирмасликка ҳаракат қилганга ўхшарди. Ўзи?.. Борди-ю бу қотилликни унинг ўрнига бошқа кимдир бажарган бўлса-чи? Бекас шуни ўйлаб туриб дабдурустдан сўради:

— Бугун мени Марина билан учраштира оласанми?

— Ие, бу қиз роса жонимга тегди, деб айтдинг-ку ўзинг, — жилмайди журналист.

— Майли, яна бир марта тегақолсин жонимга, — мунгли оҳангда деди кекса полициячи.

Улар Марина билан шу кунни кечқуруноқ театр олдида учрашишди. Вақт ярим кечага яқинлашган эди. Одамлар гала-гала бўлишиб театрдан чиқа бошлашди, Христос Ладас кўчасида одамлар деярли қолмаганида артистлар ҳам чиқиб келишди. Марина Розину ёлғиз ўзи чиқиб, такси тўхтатмоқчи бўлди.

— Ана у, — деди Макрис ва қиз томон йўл олди.

Бекас жойида турганча уларни кузатарди. Макрис Маринага нимадир деди ва уни қўлтиқлаб, Бекас турган ерга кузатиб кела бошлади. Собиқ полициячи бу қизнинг кўзларида умидворлик билан омухта бўлган ҳаяжон туйғусини ҳис этди.

— Сизларни таништириш шарт эмас, — деди Макрис шўх оҳангда. — Илгари танишгансизлар. Юринглар, бирон жойга бориб кечлик қилайлик.

— Фақат тинч жой бўлсин, — деди одатий гижиниш билан Бекас.

У ҳис-туйғуларга эрк бермасликка қатъий аҳд қилган эди, сабабки, ундай ҳиссиётлар Бекасининг ўйлашича, ҳозир олиб бораётгани ишга фақат халақит бериши мумкин эди.

Улар Патисион кўчасига келиб уланган тор кўчалардан биридаги мўъжазгина сокин ресторанда кечлик қилишаётганида Бекас деярли гунг бўлиб ўтирди. Журналист совуқ вазиятни қизитишга уриниб кўрди, лекин фойдаси бўлмади. Фақат кечлик қилиб бўлганларидан кейингина Бекас тўнғиллаб, ёш актрисадан сўради:

— Сиз ўтган гал менга айтган гапларингизни ҳали ҳам тўғри деб таъкидлайсизми?

— Тўғрилигига қасам ичаман.

Қиз Бекасга шундай нигоҳ ташладики, бу нигоҳи ўзининг яшаши ё ўлиши фақат шу одам қўлида эканлигини билдирарди.

— Охирги марта Дендринос билан Сунионга борганингизда, бу сафар сабабини у сизга қандай изоҳлаган эди?

— Хотини қўнғироқ қилиб, у билан учрашмоқчи бўлганини айтибди.

— Бу гапни сизга у қачон айтганди?

— Мени олгани театрда келганида.

— Нима, сиз, Женни Дендрину ўз эрини тунги соат иккида уйига таклиф қилган, деб мени ишонтирмоқчи бўляпсизми шу гапингиз билан?

— Ахир, аслида воқеа шундай бўлган-да, — деди ёш актриса ноумид бир оҳангда. — Тушунаман, одатда бундай бўлиши мумкин эмас, бунга

ишониш қийин, лекин ҳамма воқеа мен айтганимдай бўлган эди.

Макрис суҳбатга аралашмасди, лекин қизалоқнинг айтганларини инкор этиш ниятида янгидан-янги далиллар ахтаришга уринаётган Бекасни шундай мамнуният билан кузатардики, бу яхшилик аломати эди. Кекса полициячи, агарда қизнинг гаплари ёлғонлигига қатъий ишонганида эди, бу суҳбатни чўзиб ўтирмасди. Зеро, Макрис дўстининг феълени жуда яхши ўрганган эди.

— Демак, у хотини билан кечаси соат иккида учрашмоқчи бўлган экан-да?

— Ҳа, менга ҳам жуда галати туйилди бу бемаврид вақт. Лекин Женнининг ўзи шу вақтни тайинлабди-да.

— Бу таклифини Женни нима деб изоҳлабди?

— У Ангелосга қандайдир танишларини виллага таклиф қилганини айтиб, улар сени кўрмаганлари маъқул, ҳаммалари кечаси соат иккига қолмай жўнаб кетишади, дебди.

“Айтган гаплари худди ростдай бўлиб кўриняпти, — деб ўйлади Бекас. — Қизалоқ ё рост гапиряпти, ёки бу суҳбатга у жуда пухта тайёрланган”.

— Нега сиз у билан бирга бордингиз?

— Ангелос таклиф қилди мени, — деди қиз ва чўғдай қизариб кетиб кўшиб қўйди: — Тунни бекор ўтказмаслик учун.

У, худди ёрдам кутгандай, Макрисга қараган эди, Макрис унга жилмайиб қўйди. Лекин Бекасининг чеҳраси бепарволигича қолди.

— У билан борганингизга сабаб фақат шуми?

— Ҳа. Мен машинада қолиб унинг қайтишини кутдим. У тез қайтиб келди.

— Хўш, нима деди у қайтиб келиб? Шунини унутмангки, сизни тергов қиларканман, бу билан, айтган гапингизга ишондим, демоқчи эмасман.

Қиз Бекасга илтижо ила боқди.

— Нима қилишим керак гапимга ишонишингиз учун?

— Ростини гапиринг.

— Фақат рост гапни айтяпман-ку, ахир. Ангелос жаҳли чиқиб қайтиб келди. Мен нима бўлди, деб сўрадим. У бўлса менга бундай деди: “Ҳеч ким эшикни очмади, бутун уйда чироқлар ўчирилган. Эшикни ўзимнинг калитим билан очдим, зим-зиё хоналарда тентираб юриб, кейин чиқиб кетдим. Жин урсин, ахир шундай бемаҳалда келишимни хотинимнинг ўзи мендан илтимос қилган эди-ку!”

— Буни Ангелоснинг ўзи қандай тушунтирди сизга?

— У ҳеч нимага тушунмабди.

— Ахир бу ҳолатни у нима деб бўлса ҳам изоҳлаши керак эди-ку.

— Балки мени камситиш учун у жўрттага шунақа бемаҳалда чақиргандир, — деди Ангелос.

— Унинг ўзи шундай дедими сизга?

— Ҳа. Женни ўзи жуда бадфеъл аёл экан. Ангелос, мен билан учрашмаган тақдирда ҳам, барибир, бу хотинини ташлаб кетмоқчи бўлиб юрган экан.

— Шу гапини ҳам у сизга айтганмиди? — деб сўради Бекас киноя билан, лекин гамга ботган Марина кинояни пайқамади.

— Ҳа. У эрини кўп қийнар экан. Ҳадеб унинг камбағаллигини юзига соларкан, нуқул рашк қилавериб, кун бермас экан.

— Рашк қилиши балки бежиз эмасдир? — деди Бекас совуққина қилиб.

— Биласизми, Женни уни нафақат аёллардан қизганарди. Агар ик-

ковлари бирон ерга боргудек бўлишса, ҳамма Ангелосга маҳлиё бўлиб қараркан. Уй ходимлари “хўжайин”ни яхши кўришаркан, “бегойим” — дан эса кўрқишаркан. Бу эр-хотиннинг ёр-дўстлари, танишлари фақат Ангелосни яхши кўришаркан, Женнини эмас. — Маринанинг кўзига филт-филт ёш қалқди. — У саховатли, диёнатли, олийжаноб инсон. Женни эрига ҳасад қилган доим.

У шоша-пиша сумкасидан дастрўмолини олиб, йиғлагани учун гўё уялгандай кўзини артди.

“Ҳа, бу қизнинг қайғуси жуда таъсирли, — ўйлади Бекас. — Ким билсин, балки у олдиндан пухта репетиция қилиб олгандир?”

— Кечиринг мени, — деди ёш актриса.

Макрис ўтирган ўрнида гимирлай бошлади ва: “Ахир биз қизалоқни қийнагани чақирганимиз йўқ-ку бу ерга” демоқчи бўлгандай, Бекасга хўмрайиб қараб қўйди.

Бекас унинг хўмрайганини кўриб кўрмасликка олди. Шунда унинг гапириш оҳанги янада қуруқроқ эшитила бошлади (лекин аслида у бу қилиғи билан ўзини Маринанинг латофати, назокати, таровати таъсирига мойил бўлишдан ўзини ҳимоя қилишга уринарди).

— Дўстингиз кўнғироқ қилган, ҳеч ким унга эшикни очмаган, кейин у орқасига қайтиб кетган. Шундай бўлганмиди?

— Ҳа.

— Дарров-а?

— Йўқ! — деди қиз. — Олдин у бутун уй атрофини айланиб чиққан. Ҳеч бўлмаса, уй ходимасининг деразасида чироқ ёқиқдир, деб ўйлаган.

Бу қиз ё жуда содда, ё бўлмаса, уччига чиққан фирибгар. Дендриноснинг ўзини тутишини ҳам Апостолис худди шундай таърифлаган эди.

— Суншондан сизникига қайтиб келдингларми?

— Ҳа. — деди-ю, қиз яна қизариб кетди.

— Дўстингиз сизникидан эрталаб чиқиб кетдими?

Макрис Бекасга яна таъна билан қараб қўйди.

— У ўзи яшаб турган меҳмонхонага кетди.

— Нега у меҳмонхонада туради?

— Негаки, хотини билан муносабати бутунлай узилганди. Фақат қўйди-чиқди аҳдини расмийлаштириш қолган эди, холос.

Марина янги савол берилишини кутиб, жим қолди. Лекин Бекас сўроқни тугатган эди. У жўрттага имиллаб ҳаракат қилиб, чўнтагидан сигарета қутисини олди ва чека бошлади. Ўртада ноқулай бир сукунат ҳукм сурарди. Журналист гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, лекин Бекас эпчиллик қилди.

— Гапингизга ишонган ҳам бўлардим, лекин Женни Дендринунинг менга ўз оғзи билан айтишича, унинг эри ҳам, сиз ўзингиз ҳам, учрашув ҳақида ундан илтимос қилган экансизлар, мана, унинг гапи ҳақ эканлигига ўлими гувоҳлик беряпти.

У Маринанинг аччиқ ёш тўла кўзларига қараб, жим бўлиб қолди.

— Қасам ичиб айтаман, гапим рост! — деб чинқириб юбораёзди қиз.

— Ҳатто гапингизга ишонганим тақдирда ҳам, бу ишончим жаноб Дендриносга ҳеч қандай наф келтиролмайди.

Марина ҳеч нимага тушунмаётгандай унга қаради.

— Майли, гапингиз рост деб фараз қилайлик, лекин унда фақат биттагина хулоса қолади...

— Қандай хулоса? — сўради Макрис.

— Яъни, Дендринос нафақат терговчига ёлғон сўзлаган, шунингдек, мадемуазел Розинуни ҳам чалғитган бўлиб чиқади.

Қиз қўл силтаб эътироз билдирмоқчи бўлди. Журналист унинг қўлидан ушлаб гапиртирмади.

– Нима сабабдан у Маринага ёлгон гапириши керак экан?

– Сабаб ўша. Бўлғуси қурбони ҳузурига нима сабабдан ташриф бурганини оқлаш.

“Қурбон” сўзи ўз вазифасини бажарди – стол атрофида ўтирганлар теран сукутга толдилар.

– Мени кечирасан-у, – деди ниҳоят Макрис. – Лекин бу тахмининг менга унча ёқинқирамаяпти.

Бекасининг ўзига ҳам ёқмаётган эди бу гап. Лекин у енгилганини дилдан ҳис қилаётган бўлса ҳам, ўзини ҳимоя қилишни бурчи деб ҳисобларди.

– Сўрасам бўладими: хўш нима учун? – деди у тажанг бўлиб.

– Иккидан бири: ё сен Маринани, – у далда бермоқчи бўлгандай актрисага қараб қўйди, – жиноятга қатнашган деб ҳисоблаяпсан, ёки унинг гапларига ишоняпсан. Агар гапи рост бўлса, унда Дендринос ҳам рост гапирган.

– Сен сабабини айтмадинг.

– Сабаби шуки, агар Дендринос чиндан ҳам хотинини ўлдирмоқчи бўлганида, бу ишни бажаргани ёлғиз ўзи борарди, Маринасиз. Ҳеч бир қотил ёнида гувоҳ бўлишини хоҳламайди, гувоҳни яқин йўлатмасликка ҳаракат қилади.

– Агар гувоҳ ўз яқин кишиси бўлса-чи?

– Яқин кишиси бўлса ҳам, – деди журналист.

Қиз Макрисга илтифотли нигоҳ ташлади.

Бу суҳбат пайтида Бекас ўзини ўжар ҳолатда тутди, дўсти унинг бу феълени мамнуният ила қайд этди. Кекса полициячи агар бирон нарсага қатъий ишонса, ўзини бутунлай хотиржам ва мўмин одамдай тутарди, бу ҳолати, мен ютдим, деб барвақт қувона бошлаган рақибни алдаб қўярди – Макрис дўстининг бу одатини яхши биларди. Лекин агар Бекас ўзи қўзлаган жумбоқнинг учини топа олмаса, кўрс бўлиб кетар, ҳатто ҳужумга ҳам ўтиши мумкин эди.

Макрис Маринага кўз қисиб қўйди. Қиз жуда ҳам юрак олдириб қўйган эди.

– Демак, хоним, нима қилиб бўлса ҳам, бизни дўстининг қотил эмаслигига ишонтирмоқчи, шундайми?

– Гапнинг рости ҳам шу-да, жаноб Бекас.

– Жуда соз. Унда, қотилнинг кимлигини сен айтарсан?

Макрис жилмайиб қўйди. Бекас қизни “сен”лай бошлаган эди – бундай ўзгариш жуда кўп нарсаларнинг унга ҳали ҳам ойдин эмаслигини ва шу боис терговни давом эттиришга аҳд қилганлигини билдирарди.

– Йўқ, билмайман!

– Ҳа-а, билмайман, дегин! – Бекасининг овозида адоват бордек эди. – Балки битта-яримтадан гумонинг бордир?

– Йўқ.

– Дендринос ўз хотини ҳақида сенга гапирганмиди?

Бекасининг дағаллиги ёш актрисани бутунлай довдиратиб қўйган эди. Макрис стол остидан қўл узатиб, қизнинг қўлини секингина сиқиб қўйди.

– Ҳа... Баъзида.

– Нима деган эди?

– Айтдим-ку сизга. Хотини уни рашк қиларкан, қийнаркан.

– Яна нима? У Женнини касал деб айтмаганмиди?

– Йўқ.

– Демак, соғлом экан-да?

– Ҳар ҳолда, Ангелос шундай деб ўйларди.

Қизалоқ ҳеч кимга доғ туширишни ҳатто ўйламасди ҳам. Буни қандай тушиниш керак — диёнатми ё моҳирона тадбирми?

– Бошқа ҳеч нима демовдими? Масалан, хотинининг қандайдир ғайриоддий хулқи, қилиқлари...

Марина ўйлаб қолди.

– Йўқ, шекилли... Айтгандай... лекин буни ишга даҳли борми, билмадим... Хотинининг баъзи бир аломат қилиқлари бор экан.

– Қанақа қилиқлари?

– У кейинги пайтда соғлом одамларни кўрса ғижинадиган бўлиб қолибди.

Бекаснинг кўзларидаги муз бўлиб қотган гумон бир зумда эриб, таажжубга айланди.

– Соғлом одамларни кўрса? Қай маънода?

– Ҳм, масалан, икки юзи анордай қип-қизил бирон қизни кўриб қолса, қони қайнаб, итдай қутира бошлар экан.

– Лекин бу руҳий касаллик аломатига ўхшайди, — гап қистирди Макрис ишонқирамай.

– Ангелоснинг айтишича, Женнининг уругида руҳий касалликка чалинган иккита одам бўлган экан. Асосан, фақат шу туфайли, улар фарзанд кўришни хоҳлашмабди.

Бекас сўроқни тўхтатди. У ўйга толди. Унинг чеҳрасидаги адоватли кўриниш ғойиб бўлган эди.

– У Женни Дендринунинг бирон бир одам билан яқин муносабатда бўлгани ҳақида гапирмаганмиди?

Бекас Маринанинг кўзларида салбий жавобни ўқиб, ўз саволини тушунтиришга шошилди:

– Мен ишқий муносабатни назарда тутаётганим йўқ. Балки унинг яқин дўсти бўлгандир?

– Ҳа, бўлган экан, — деди актриса. — Бир куни Ангелос, хотинининг ўз адвокатига жуда ҳам ишониши ҳақида гапирган экан.

– Димитриадисгами?

– Ҳа. Исми шунақа эди, шекилли.

Ана шунда — қизиқ, одам миясига баъзан қандай фикрлар келди-я, — Бекас, эртагаёқ Апостолисга Димитриадисни кузатишни буюражаги ҳақида ўйлаб қўйди.

Бекас ҳамма билмоқчи бўлган гапларини миридан-сиригача ёш актрисадан сўраб-суриштириб бўлганидан кейингина улар ресторандан чиқишди. Макрис билан икковлари Маринани уйигача кузатиб қўйишди. Бекас қиз билан хайрлашаркан, унга қўлини узатди.

– Сиз ишондингизми гапимга? — сўради Марина.

– Ҳм... билмайман, ўйлаб кўришим керак. Яхши қолинг.

У қизни яна “сиз”лай бошлади, чунки энди кўнгли таскин топгандай эди. Макрис Маринага яна кўз қисиб қўйди.

– Бироз айланайлик, — деб таклиф қилди у дўстига Марина уйига кириб эшиги ёпилгандан кейин.

– Майли.

Тун совуқ, осмон тўла юлдуз. Улар анча вақтгача қўлларини чўнтакларига тиқиб сукутда юрдилар.

– Биласанми, мен ишоняпман қизалоқнинг гапига, — деди бирдан Макрис ва дўстининг эътироз билдиришга шошилмаётганини кўриб

мамнун бўлди.

– Сен-чи? – деб сўради у Бекадан.

– Мен ҳам унинг гапи рост бўлса керак, деб ўйлаяпман.

Улар яна жим бўлиб қолишди. Бекас ўз мулоҳазалари билан банд бўлганидан ёнида кетаётган дўстини гўё унутгандай эди.

– Сен яна кимдир бор, деб ўйлаяпсанми? – сўради Макрис.

– Тушунмадим.

– Айтмоқчиманки, балки бошқа бир одам Женни Дендринуни мажбурлаб эрининг устидан тухмат қилдириб, кейин ўзи уни ўлдиргандир.

– Билмайман. Хулоса чиқаришга ҳали эрта, – деди кекса полициячи ва кутилмаганда сўраб қолди: – Сен танийсанми Димитриадисни?

– Дендринунинг адвокатиними?

– Ҳа. Қанақа шахс ўзи у?

– Ўзинг у билан танишибсан-ку.

– Сен у тўғрида нималарни биласан?

– Ақлли. Жуда ақлли одам. Асосан, фақат қўйди-чиқди билан шуғулланади. Мижозлари фақат бадавлат кишилар. Жуда катта пул топади ва бойвуччалардек кун кечиради.

– Яна нима биласан у ҳақда?

– Қандайдир бир нопок ишга аралашиб қолганини эшитгандим, назаримда у дипломатик мақомда бўлган контрабандага алоқадор иш эди шекилли... Лекин ҳеч айб тополмаганлар. Нега уни сўраб қолдинг? Ўшандан гумонсираяпсанми?

– Йўқ, албатта. Ундан кейин, “яна кимдир бўлган” деб ҳали ҳеч ким менга далил кўрсатгани йўқ. Сен қизалоқ айтган гапни эсла: барча уй ходимлари Дендриносни яхши кўришаркан, бунга Женнининг гаши келаркан...

Макрис ҳайрон бўлиб қолди. Бу мутлақо кутилмаган гап эди. Уй ходимларининг нима алоқаси бор экан бунга?

– Дендринос – ё бўлмаса, олайлик, бошқа бир одам, – Женнини ўлдирган кечаси уйда битта ҳам ходим ё ходима бўлмаганлиги сени ажаблантирмаяптими?

Макрис Бекада катта ўзгариш содир бўлганини ўзича кўнглидан ўтказди. Шу пайтгача у фақат бир одамни – Дендриносни қотил деб фараз қилаётган эди, энди бўлса, қотил бошқа одам бўлиши ҳам мумкин, деган хаёлга ҳам бориб қолганди.

– Женнининг қанақа ходимлари бор?

– Уй ходимаси билан боғбон.

– Тергов пайтида улар нималарни гапиришди?

– Айтишларича, ўша куни кечқурун бегойимлари уларни уйларига жўнатиб юборибди.

– Ўзлари ижозат сўрашибдими ё бу уй бекаси Женнининг ташаббуси бўлганми?

– Эсимда йўқ, тергов пайтида бу масала кўтарилмаган эди, назаримда.

“Шу ходимларни албатта кўришим керак”, ўйлаб қўйди Бекас.

Улар ҳамон тунги шаҳар кўчаларида айланиб юрардилар. Сукутга толган шаҳар қандайдир бегона юртдек бўлиб туюларди.

– Сен қандай ўйлаёсан, – деди Макрис дўстига ўгирилиб, – хоним руҳий касалга чалинган эмасмикин?

– Ҳар битта одамда ҳам қандайдир қуср бўлади.

– Қизалоқнинг гапини ҳеч унутолмаяпман.

– Қайси гапини?
 – Женнининг соғлом одамлардан ҳазар қилишини. Сен ҳеч кўрган-мисан шунақа гайримеъёрий ҳолатни?
 – Кўрганман, дарди жуда оғир бўлган одамларда, – деди хаёли паришон кекса полициячи.
 Ҳозир унинг бутун хаёли адвокат Димитриадис ҳамда қотиллик содир бўлган кечаси уйда бўлмаган уй ходимлари билан банд эди. Мана, у соатига қаради.

– Етар шунча юрганимиз. Такси олайлик.

Макрис ҳали уйига қайтмоқчи эмасди. Ҳозир у “Вакх”да улфатларини топиши мумкин эди. Шунинг учун, у Бекасни уйига элтиб қўйиб, ўзи Плаку кўчасидаги “Вакх” қаҳвахонасига йўл олди.

10. ЖАНОБ ИКС КИМ?

Эрталаб Бекас биринчи навбатда Апостолисга адвокат орқасидан кузатишни буюрди. Узи эса Дендриносларникига йўл олди. Эшикни унга уй ходимаси очди.

– Нима керак сизга? Уй соҳиблари йўқ.

У эшикни ёпмоқчи бўлганди, лекин Бекас оёғини бўсагага қўйиб, эшикни ёпишга йўл қўймади.

– Менга соҳибларинг керакмас. Сен билан гаплашгани келдим.

Уй ходимаси яна эшикни ёпиб олмоқчи бўлди, лекин ёполмади.

Бекас, бундай дейишга энди ҳаққи йўқлигини билса ҳам:

– Полициядан, – деди.

Уй ходимаси кўрқиб кетиб, орқасига тисарилди. Бекас кириб, бамайлихотир эшикни ёпди.

– Уйда яна бошқа одам борми?

– Ҳеч ким йўқ. Бегойим гўрда, худо раҳматига олсин уни, хўжайин қамоқда.

Оқсоч қиз кўрққанидан дағ-дағ титради. Бекас уни юпатмоқчи бўлиб деди:

– Сен ҳеч кўрқма: мен ҳозир кетаман, фақат икки-учта савол бераман, холос.

У ходимага далда бермоқчи бўлгандай жилмайиб туриб сўради:

– Ўтирсам майлими?

– Марҳамат, жаноб, ўтиринг.

– Ёшинг нечада?

– Йигирмада.

– Қизимга тенгдош экансан. У турмушга чиқяпти.

Оқсоч қиз, ўзга қизнинг турмушга чиқиши уни гўё ваҳимага солгандай, йиғлаб юборди. Бекас унга рўмолча узатди. У индамай олди.

– Сен бу ерлик бўлмасанг керак-а?

– Миконослан келганман.

– Яхши қиз экансан. Қанчадан бери хизмат қиласан Дендриносларникида?

– Икки йил бўлди.

– Оҳ-о! Нега турибсан, ўтир.

Ходима стулнинг четига омонатгина ўтириб, кафтларини тиззаларига қўйди.

“Бу қиз ҳеч нимани яширмай, ҳамма гапни айтиб беради”, деб ўйлади Бекас.

– Бегойинг Сунионга кўчиб ўтганида у сени бу ерда қолдирувдими ё ўзи билан олиб кетганмиди? – Бекас буни ўзи билса ҳам, фақат

суҳбатга киришиш учунгина бу ҳақда гап очди.

– Ўзи билан олиб кетувди.

– Лекин қотиллик юз берган кечаси сен у ерда бўлмагансан, тўғрими?

– Бўлмаганман. Менга ҳам, Манолисга ҳам дам олгани рухсат берилганди.

“Демак, боғбоннинг исми Манолис экан”, эслаб қолди Бекас.

– Кейин қаёққа кетдинглар?

– Мен опамникига келдим, у эри билан бу ерда, Афинада туради. Манолис қаёққа кетган – буни билмайман.

– Ўзинглар рухсат сўрадингларми?

– Ҳа, ўзимиз.

– Бу гапингдан сен айнан ўша куни кечқурун опангни кўрмоқчи бўлибсан-да?

– Йўқ. Сунионга кетмасимиздан олдин мен опамникига боришга бегойимдан рухсат сўрагандим. Ўша куни кечқурун у, майли, бора-қол, деб айтди.

Демак, Женни Дендрину уйда ёлғиз қолмоқчи бўлган. Тўғри, бунинг ҳеч ажабланидиган ери йўқ. Балки у ходимларидан сир тутмоқчи бўлгандир эрининг ташрифини.

– Бегойинга, у Суниондалигида, кимдир қўнғироқ қилдими?

– Бўлмасам-чи.

– Унинг ўзи ҳам қўнғироқ қилгандир.

– Ҳа.

– Сенинг олдингдами?

Қиз Бекасга ҳайрон бўлиб қаради. Нега бунақа саволлар берилаётганини у ҳеч тушунолмасди.

– Баъзида менинг олдимда ҳам гаплашаварарди. Бегойим менга ишонарди.

– Эслолмайсанми, бегойинг кимга қўнғироқ қилган эди?

– Жаноб Бекасга.

Бекас кулиб юборишдан ўзини зўрға тийди. Бу қизни танлаб, у адашмабди, назарида.

– Яна кимга?

– Ўзининг адвокати жаноб Димитриадисга.

– Яна кимга?

– Бошқаси эсимда йўқ.

Яна битта энг муҳим саволини у ҳеч шошмасдан, бироз ўйланиб туриб берди:

– Хўжайинингга-чи? — деди.

Оқсоч қиз ўйланиб қолди.

– Сен хўжайинингни яхши кўрасанми? — деб гапни буриб юборди Бекас.

Қизнинг чеҳраси ёришиб кетди.

– У бирам яхшики!

– Эслаб кўр, бегойинг унга қўнғироқ қилганмиди?

– Ҳа, — деди оқсоч қиз бироз ўйланиб туриб — Унинг хўжайин билан телефонда гаплашаётганини эшитувдим.

Бекас зўр бериб қалбида қандай ҳиссиётлар уйғона бошлаганини сездирмасликка ҳаракат қилди.

– Бекангнинг ўзи эрига қўнғироқ қилганмиди ё хўжайининг беканггами?

Қиз Бекасга шубҳали назар ташлади. Ва у саволни такрорлашга мажбур бўлди.

– Сиз ким кимга қўнғироқ қилганини сўраяпсизми? Хўжайин бегойимгами ё бегойим хўжайингами – шуни билмоқчимисиз?

– Ҳа, ҳа!

– Буни билмайман.

Кекса полициячи сал бўлмаса ўзини йўқотиб қўяёзди: қиз айтиши керак бўлган бу жавоб жуда кўп нарсани ойдинлаштирарди.

– Нега билмайсан? Ўзинг айтдинг-ку, эшитдим деб...

– Тўғри... лекин кирганимда бегойим гаплашаётган экан-да. У менга, чиқиб кет, деди. Мен чиқиб кетдим.

– Ундай бўлса, бегойингнинг айнан хўжайининг билан гаплашаётганини сен қаёқдан билдинг?

– Эшитдим.

– Ахир ҳозир ўзинг, бегойинг сени уйдан чиқариб юборганини айтдинг-ку.

– Олдинига, хонага кирганимни у пайқамади, шунда мен унинг хўжайин билан гаплашаётганини фаҳмладим.

– Қандай фаҳмладинг?

– Қандай? – Оқсоч қиз бир лаҳза ўйланиб турди. – Билмайман. Лекин фаҳмладим.

– У хўжайинингнинг исмини айтдимиз? “Ангелос!” дедимиз?

– Йўқ, лекин... Бегойиннинг гапи... У эри билан фақат шунақа оҳанг-да гаплашарди.

– Хўш, нима деди у эрига?

– Ахир хонадан чиқиб кетдим-ку.

– Ҳеч бўлмаса, бегойингнинг овозини эшитгандирсан?

Оқсоч қиз ўйга толиб, жим бўлиб қолди. Бунақа ақлий мулоҳаза юритишга унинг қурби етмаслиги сезилиб турарди.

– Эслолмайман, – деди у ниҳоят.

– Сен яхшилаб ўйлаб кўр, яна ўйла.

Бекасинг овози илтижоли эди. Қизнинг бир сониягина жимиб қолиши ҳеч тугамайдигандек чўзилиб кетди.

– Тахминимча... – деди оқсоч қиз ниҳоят, – тахминимча, бегойим хўжайинга бундай девди: “Йўқ, кейин. Улар сени кўрмасликлари керак”.

– Ким – улар?

– Буни билмайман. Худди шу маҳал бегойим мени кўриб, жим бўлиб қолди. То хонадан чиқиб кетгунимча у телефонда гаплашмади...

Бекас худди тез югуриб келган одамдай, ахири нафасини ростлаб олди. Тўғри, мутлақо ишонч ҳосил қилиб бўлмасди ҳали бу гапларга. Лекин шунинг ўзи ҳам – ҳарна йўқдан кўра. У эшитганини ўзича такрорлади: “Йўқ, кейин. Улар сени кўрмасликлари керак”. Ангелос Дендринос ҳам, унинг ўйнаши ҳам Женнининг ўзи, учрашайлик, деб эридан илтимос қилгани ҳақида гувоҳлик беришди. Оқсоч қизнинг гаплари буни тасдиқлаяпти. Яна, Женнининг, меҳмонлар сени кўрмаслиги керак, деб учрашув пайтини тунги соат иккига тайинлагани ҳақидаги далил ҳам тўғри чиқди. Мабодо, Дендринос бу ҳақда ёлғон сўзламаган бўлса, демак, унинг терговда айтган гаплари тўғри бўлиб чиқади.

– Бегойинг худди шундай дедимиз? Аниқ ишонасанми?

– Ҳа, энди аниқ эсладим, – деди оқсоч қиз.

– Бегойинг Суниондалигида меҳмонларни кутиб олганмиди?

– Йўқ. Бир марта ҳам.

– Бегойингнинг телефонда гаплашганини қачон эшитган эдинг –

яхшилаб ўйлаб кўр. Сен хўжайинингни яхши кўрасан-ку, тўғрими? Агар сен ҳамма бўлган гапни аниқ эсласанг, хўжайинингга шундай ёрдам қилган бўлардингки, буни сен ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан.

– Бегойим бизни уйимизга жўнатиб юборган куни.

– Яъни қотиллик юз берган куни, а?

– Ҳа.

– Яна битта савол: бегойинг ҳеч ўз соғлигидан шикоят қилганми?

– Нуқул зорлангани-зорланган эди. Бойвучча хонимларнинг ҳаммаси шунақа. Ҳеч қаерлари огримасаям, ҳадеб ҳасрат қилаверадилар.

– Уни ким даволарди – биласанми?

– Вой, бўлмасам-чи! Оқсоч қиз бегойисининг докторини яхши биларди. Бу – жаноб Даперголас, уйи Патриарз Иоаким кўчасида.

Апостолис, келишилган шартга кўра, адвокат ҳақида тўплаган ҳисоботи билан Антониадиснинг қаҳвахонасига келди. Адвокатнинг хатти-ҳаракатида ҳеч қандай гайриоддий ҳолат бўлмаган. У эрталаб идорасига борибди, “Флока” ресторанида тушлик қилибди, кейин Лукиану кўчасидаги ўз уйига қайтиб келибди ва кечкурун яна идорасига кетатуриб, йўл-йўлакай Патриарх Иоаким кўчасига кириб чиқибди.

– Бу ерда у бир докторнинг уйига чиқди.

– Даперголасникигами? – сўради Бекас.

Апостолис бошлиғига бақрайиб қараб қолди. У буни қаёқдан билдйкин?

– Ҳа, Даперголасникига.

– Яхши. Давом эт.

Апостолис кетди. Бекас мамнун кайфиятда унинг орқасидан кузатиб қолди. Женни: “Йўқ, кейин. Улар сени кўрмасликлари керак...” – дебди. У яна оқсоч қизнинг ҳам гапини эслади: “У эри билан фақат шунақа оҳангда гаплашарди”.

Синтагма майдони қиш кўёши нурида чўмилиб ҳузур қиларди, Бекас Женни Дендрину биринчи марта унинг уйига келган кундан бери мана энди ўзини руҳан енгил ҳис қила бошлади. Женни Дендрину уни алдагани аниқ эди, аммо бунинг сабабини у ҳали ҳам билолмаётган эди.

Женни ўзи ўладиган кун қандайдир бир жанобга кўнғироқ қилганини ва ундан виллага кечаси келишни сўраганини (“сени кўрмасликлари керак”) Бекастан яширибди. Ким бўлди ўша жаноб ва нима сабадан уни уйидагилар кўрмасликлари керак экан?

– Официант!

Бекасининг таниши кекса официант унинг олдида келди.

Бекас узо¹ буюрди. У гайрати жўш уриб, кучига куч кўшилаётганини ҳис этди. Тўғри, бошқа фараз ҳам бор: Ким билсин, балки, фақат оқсоч қизга бегойими телефонда эри билан гаплашаётгандай бўлиб эшитилгандир, аслида эса, у бошқа одам билан гаплашгандир.

Кўчадан ўтиб кетаётган бир полициячи Бекасга честь берди. Бекас бунга жавобан у билан чин дилдан саломлашди, полициячи бундан ҳайрон қолди. Ҳа, бугун Бекасининг кайфияти чоғ эди. Ниҳоят, у ўзини қийнаётган мубҳамлик азобидан қутилган ва энди ҳаракат қилишга, курашишга тайёр деб ҳисобларди ўзини.

Кекса официант узо олиб келди. Бекас у билан ўз қувончини баҳам кўрмоқчи бўлди.

– Бугун ҳаво қандай яхши-я, Йўрданис.

¹ У з о – Анис (арпабодиён) ўсимлигининг хушбўй уруғи солинган ароқ.

– Яхши. Лекин кунлар ҳалиям анча совуқ...

Демак, жаноб Икс... Женнининг эрими ё бошқа одамми? Агар у эри бўлса, барча далиллар чаппасига кетади. Унда, Женни Дендрину эрига, меҳмонлар сени кўрмасликлари керак, деб ёлғон сўзлаган бўлиб чиқади. Лекин агар оқсоч қизнинг гапи тўғри бўлса, Женни Дендрину Сунионда ҳеч қанақа меҳмонларни кутиб олмаган. Унда нега у ёлғон сўзладийкин? Эрини шундай бемаҳалда виллага мажбурлаб келтириш учун. Нега ахир? Майли, кейин аниқлаймиз бунни. Агар жаноб Иксни Ангелос Дендринос деб ҳисобласак, унда ошиқ-маъшуқлар ҳамма бўлган воқеани асл ҳолида ифодалаганлар. Борди-ю қотил бошқа одам бўлса-чи?

Бекас хаёлга толиб, узони оз-оздан хўплаб ўтирарди.

Агар қотил бошқа одам бўлган бўлса, унда, “Сени улар кўрмасликлари керак”, деган гап оқсоч қиз билан боғбонга айтилган бўлиши керак... Лекин уларни Женни ўша кунни уйларига жўнатиб юборган-ку!

Бекас стакандаги узони ичиб тугатди, тақсимчага пул ташлаб ўридан турди. Ҳозир у куёшли қиш кунда бекорчиликдан шаҳар кўчаларини айланиб юрган одамга ўхшарди. У оқсоч қиз билан бўлган суҳбатни миясида қайта ва қайта ҳар томонлама мулоҳаза қила бошлади — энг майда икир-чикир тафсилотларни ҳам сўзма-сўз такрорлаб чуқур таҳлил қилар эдики, бу унинг қўп йиллар давомида пухта ўзлаштирган иш усули эди. Шу чоғ бирдан — баъзи пайтларда биз бир фикрдан иккинчи фикрга нақадар енгил сакраб ўтамыз-а, — Бекасининг хаёлига Марина Розину билан қилган кечаги суҳбати келди. “Кейинги пайтда у соғлом одамларни кўрса гижинадиган бўлиб қолибди”. “Соғлом одамларни кўрса? Қай маънода?” — “Ҳм... масалан, икки юзи анордай қип-қизил бирон қизни кўриб қолса, қаҳри кўзиб итдай қутира бошларкан...” Кейин яна: “Ангелоснинг айтишича, Женнининг уруғида руҳий касалликка чалинган иккита одам бўлган экан”. Бекас соатига қаради. Агар такси олса, кечикмай етиб бориши мумкин.

Дапเปอร์голас Женни Дендринунинг шифокори бўлган ва Женнининг адвокати Димитриадис кеча кечқурун айнан шу докторникига кирган эди.

Маълум бўлишича, Дапเปอร์голас яна шифохона раҳбари ҳам экан, шунинг учун, қатнаб даволанувчиларни фақат кечқурун уйда қабул қилар экан. Бекас уйига қайтиб кетди. Хотини бир қарашдаёқ, эрининг кайфиятида катта ўзгариш юз берганини пайқайди.

– Яхшиликми? — сўради у.

– Қаёқдан олдинг бу гапни?

– Билмайман-у, лекин бугун кайфиятинг чоғ кўриняпти.

– Сени қара-ю... аксинча, жаҳлим чиққан, — деди Бекас, жаҳли чиққан одамга сира ўхшамаса ҳам.

– Унда ким жаҳлингни чиқарди?

– Ҳали ўзим ҳам билмайман. Лекин, сезиб турибман, кимдир мени гел қилмоқчи бўлган. Хўш, нима билан боқмоқчисан бугун мени?

– Фақат қайнатма овқатлар, — деди хотини жиддий тарзда. — Ахир шифокорлар сенга, парҳез қилинг, дейишган-ку, унутдингми?

– Шифокорларнинг иши яхши одамларни қийнашдан иборат, — деди Бекас қувноқ оҳангда.

Балки у бекорга қувонаётгандир? Борди-ю кимдир Маринани кўгирчоқ қилиб ўйнатиб, Бекасни лақиллатаётган бўлса-чи?

Дапเปอร์голас соат бешдан еттигача қабул қилар экан. Соат тўртда Бе-

кас шифокорнинг қабулхонасига кириб борди. Ярим соатдан кейин бу ерга ўнтача бемор йиғилди. Мана, шифокор кабинет эшигини очди.

– Марҳамат. Кимнинг навбати?

Бекас ўрнидан туриб, кабинетга кирди ва эшикни ёпди.

– Сизни бу ерда биринчи марта кўриб турибман, – деди шифокор.

Бир қарашнинг ўзидаёқ Даперголаснинг фақат оқсуякларни даволловчи номи улуғ шифокорлардан бири эканлигини билиб олса бўларди.

– Қаерингиз оғрийди?

– Кечирасиз, мен касал эмасман.

Шифокор унга ҳам таажжуб билан, ҳам гаши келгандай қаради.

– Сизни безовта қилганим учун узр сўрайман. Мен сиз билан собиқ мижозингиздан бири – Женни Дендрину ҳақида гаплашиб олишим керак.

Докторнинг газаби орта бошлагани унинг юзи-кўзидан яққол акс эта бошлади.

– Женни Дендрину денг?

– Ҳа. Агар янглишмасам, сиз унинг шифокори бўлгансиз, тўғри-ми?

– Хўш, нима бўпти?

– Мен унинг соғлиғи ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлмоқчиман.

– Айтинг-чи, ким билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўляпман мен? – совуқ оҳангда сўради Даперголас.

Бекасининг тасавурида, бу савол ортиқча эди, чунки шифокор ўз қаршисида ким турганини сўрамай ҳам билиши аниқ эди. Шу сабабли Бекас докторнинг саволига жавоб қайтаришга шошилмади. Даперголас эса, сабри чидамай ўзи сўради:

– Сиз полициячимисиз?

– Шунақароқ, – деб жавоб қилди Бекас ва шундай самимият билан жилмайдики, буни кўрган одам ичидаги бор гапни тўкиб солмай тура олмасди.

Лекин Бекасининг бу табассуми шифокорга заррача ҳам кор қилмади.

– “Шунақароқ” деганингизни қандоқ тушуниш керак?

– Биласизми, берган саволим, чиндан ҳам, полиция олиб бораётган терговга даҳлдор, аммо ўзим энди полициячи эмасман. Нафақага чиққанман.

– Гапингизга тушунмадим, – деди Даперголас гижиниб.

У Бекасга ўтиргани жой ҳам таклиф қилмади, зеро, бу одамни тезроқ кабинетдан чиқариб юборишга чоғланаётгани унинг юзида аниқ акс этиб турарди.

– Сиз даволаётган Женни Дендрину ўлими олдидан ўзини хавфхатардан асраш вазифасини менга юклаган эди.

– Мени кечирасиз-у, яна тушунолмадим гапингизга.

Агар Бекас биронта кўзлаган муҳим мақсадга албатта эришишни кўзлаб, сабр-қаноат қилгудек бўлса, бундай сабр-қаноат захираси унда уммон каби бемисл бўларди. Ҳозир ҳам унинг чеҳрасида мулойим табассум акс этиб турарди.

– Тушунаман, вазият анча мураккаб. Лекин, биласизми, марҳума уни ўлдириб қўйишларидан хавотирда эди.

– Аслида ҳам уни ўлдириб кетишди. – Даперголас бу гапини айнан Бекасни қотил деб ҳисоблаётгандек оҳангда гапирди.

– Тўғри айтдингиз, – деб тасдиқлади Бекас унинг гапини. – Мен

бўлсам бу қотилликнинг олдини ололмадим.

– Яхшики, қотил топилди.

– Ҳа, яхши, – деб бош ирғади Бекас, сўнг дабдурустан савол берди: — Жаноб Дендринос ҳам сизнинг хизматингиздан фойдаланармиди?

– Нима дедингиз?

– Айтмоқчиманки, сиз уларнинг оилавий шифокори бўлган бўлсангиз керак? Яъни эр-хотин икковини даволаганмисиз?

– Йўқ. Жаноб Дендринос менинг мижозим эмас эди.

– А-а! – деди Бекас худди тентак одамдай тиржайиб.

– Бечора Женнини мен у ҳали жаноб Дендриноста турмушга чиқмасидан олдин даволай бошлаганман.

Бекас бу сўзларнинг қандай оҳангда айтилганига эътибор берди. Чамаси, фақат аслзода оқсуякларнигина одам ўрнида ҳисобловчи Даперголас Ангелос Дендриносни ўз тоифасидаги кишилар хилидан эмас деб ҳисобласа керак.

– Ундай бўлса, сиз Женни Дендринуни яхши билсангиз керак.

– Биз дўст эдик.

– Эшитишимча, унинг уруғида руҳий касалликка чалинган иккита одам бўлган экан.

– Тўғри.

– Унинг ўзи...

– Йўқ, – деди шифокор чўрт кесиб. – Женни Дендрину мутлақо ақли расо аёл эди.

Бу охирги жумлани у таҳқирона оҳангда гапирди.

– Сиз Женни билан унинг ўлими олдидан учрашганмидингиз?

– Ҳа.

– Шифокор сифатидами ё дўст сифатидами?

– Иккаласи сифатда.

– У соғлом эдимиз?

Шифокор соатига қараб қўйди.

– Мени кечирасиз, беморлар кутиб қолишди. Боя сиз полициячи бўлганингизни айтувдингиз. – У худди жирканаётгандай оҳангда гапирди. – Агар полициячи бўлганингиз рост бўлса, шифокорларда “касб сири” деган нарса бўлишини сиз билишингиз керак. Бинобарин, менинг марҳума дугонам бирон бир дардга чалинганида ҳам, мен, билингки, дуч келган одам билан бу тўғрида мулоҳаза қилмаган бўлардим. Қисқаси, сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайман.

Бекас, гарчи хуноби ошгандан оша бошлаган бўлса ҳам, бу ҳолат унинг чеҳрасида заррача ҳам акс этмади.

– Илтимос, яна бир савол.

Даперголас бу одамнинг бамайлихотир туришини кўриб, биров додираб қолди: бундай совуқ муомаладан кейин бу бақалоқ пакана одам кабинетдан ўқдай отилиб чиқиб кетади, деб ўйлаган эди у.

– Қандай савол?

– Женнининг адвокати бўлмиш жаноб Димитриадис мабодо ўз соғлиғи ҳақида шикоят қилмайдими сизга?

Бу савол шифокорни баттар гангитиб қўйди.

– Димитриадисми?

– Ҳа. Агар янглишмасам, кеча кечқурун у сизникига келувди чоғи?

Даперголас – унинг матонатига қойил қолиш керак, – дарров ўзини қўлга олди.

– Йўқ, – деб совуққина жавоб қилди у. – Димитриадис соппа-соғ. Бекас миннатдорлик билдирди ва чиқиб кетди.

11. КИЧИК БИР ТАФСИЛОТ, КЎРИЛАЁТГАН ИШНИ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРИШИ МУМКИН

Шифокор унга ошкора адоват билан қаради. Бекас кўчага чиққанида, унинг совуқ муомаласи ҳақида ўйлай бошлади; Бекасининг фикрича, бу гаразли муомаланинг сабаби учта бўлиши мумкин эди: ё у чиндан ҳам касб сирини пухта сақлапти, ё киборлар жамоасига мансуб одам бўлгани сабабли аллақандай бир собиқ полициячини назар-писанд қилмади... яна, ким билсин, Женни Дендринунинг сирини айтмаслик учун бу шифокорда бошқа жуда муҳим сабаб бўлгандир – агар ҳақиқатан ҳам ўша сир бор бўлса...

Демак, адвокат Димитриадис Даперголас билан унинг уйида учрашган. Балки бу оддий бир тасодифдир ва кўрилаётган ишга ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Лекин, шуниси қизиқки, Женни Дендринунинг адвокати айнан Бекас уникида бўлганидан кейин шифокорникига ташриф буюрибди.

Кекса полициячи шулар тўғрисида мулоҳаза қилиб, Колонанига етиб келди. Қуёш ботган, “Эллинико” ва “Ликовриси” қаҳвахоналари олдига қўйилган столчалар одамлардан бўшаб қолган эди.

Қотиллик содир бўлган кунни Женнининг телефонда айтган гапини оқсоч қиз эшитган: “Йўқ, кейин. Улар сени кўрмасликлари керак”. Ҳеч ким кўрмаслиги керак бўлган одам ким бўлди? Дендриносми ё бошқа бир одамми? Агар у бошқа одам бўлса, унинг ташрифини Женни нега сир сақламоқчи бўлган?

Шу хаёлларга берилган Бекас бирдан Дендринос билан учрашишим керак, деган қарорга келди. Бу учрашув эҳтимол унга ниманидир ойдинлаштириб берар. Агар Дендринос у билан юрак ёзиб очик гаплашса, албатта.

Кечқурун Апостолис кўнғироқ қилди. У адвокат ҳақида ҳеч қандай янги гап айтмади.

– Ҳозирча тинч қўй уни, – деди Бекас.

– Унда нима қилай?

– Бориб кино кўр.

Ҳозир Бекас Дендринос билан учрашишдан ўзга ҳеч нима ҳақида ўйлай олмасди.

Эрталаб у тўғри “Авероф” қамоқхонасига йўл олди. Қамоқхона бошлиғи Бекас билан кўпдан бери таниш эди, уни кўриб чеҳраси ёришиб кетди. Кекса полициячи дарров мақсадга ўтди.

– Мен битта маҳбусни кўрмоқчийдим. Мумкинми?

– Бажонидил. Кимни?

– Дендринос деган одамни. У ҳали суд қилинмаган.

– Анави хотинини ўлдирганими?

– Ҳа.

– Нима, сен ишонмаяпсанми ўлдирганига?

– Йўғ-е, айтдим-қўйдим-да...

Қамоқхона бошлиғи соқчини чақириб, маҳбус Дендриносни кабинетига бошлаб келишни буюрди.

– Кўринишидан қотилга ўхшамайди, – деди у соқчи чиқиб кетганидан кейин.

– Қотиллар, умуман, қотилга ўхшамайдилар, – деди Бекас.

Лекин ўзининг кўнгли нега бунчалик безовта бўлаётганига ҳайрон эди. Хўш, нимани эшитмоқчи ўзи бу маҳбусдан? Сир нимада экани-

ни билмоқчими? Дендриноснинг ёнини оладиган ҳақиқатни аниқламоқчими?.. Қамоқхона бошлиғи ундан нафақада ўтаётган ҳозирги тинч-осуда ҳаёти ҳақида сўради. Бекас хоотири паришон бўлиб жавоб берди. Ниҳоят, соқчи Дендриносни қўриқлаб олиб кирди.

– Мана, бу жаноб сиз билан гаплашмоқчи, – деди қамоқхона бошлиғи.

Маҳбус Бекасга қайрилиб қаради. Бу одамни у қаердадир кўргандай эди, лекин қаердалигини эслай олмади.

– Мени кечирасан, камераларни айланиб чиқишим керак, – деди қамоқхона бошлиғи Бекасга. Сўнг соқчига, қани, кетдик, дегандай имо қилиб, кабинетдан чиқди ва эшикни зич қилиб ёпди.

Бу ерда икковлари қолгач, Бекас ўз қаршисида турган одамни синчковлик билан кўздан кечирди. Дендринос қамоқхона кийимида эмас, сочи ҳам устарада олинмаган эди. Лекин эгнидаги кулранг костюми анча гижимланган, ўзи эса жуда толиққан ва ранги докадай оқариб кетган, худди бирданига ўн ёшга қаригандек кўринарди.

– Назаримда, сиз билан қаердадир учрашганмиз, – деди у аслзода кишиларнинг сўзлашиш оҳангига тақлид қилмоқчи бўлиб, лекин бу беўхшов тақлид гарибона қамоқхона шароитига сира ҳам қовушмасди.

– Ҳа, дастлабки сўроқ пайтида, – деб эслатди Бекас ва Дендриносга жой кўрсатди. – Утирайлик.

У ўтиргач, Бекаснинг ўзи ҳам бошлиқнинг ёзув столи ортига ўтирди.

– Ҳа-а, эсимга тушди, – деб гўлдиради Дендринос. – Сиз полициячисиз.

– Илгари бўлганман.

Маҳбус унга яна ажабланиб қаради.

– Келинг, жаноб Дендринос, очикчасига гаплашиб олайлик. Хотинингиз менга мурожаат қилиб, унга ёрдам беришимни сўраган эди.

Дендринос жим ўтириб эшитди. У гапнинг давомини кутарди.

– Хотинингиз, уни ўлдириб қўйишларидан қўрқаркан, шунинг учун, уни ҳимоя қилишимни сўраганди мендан.

– Уни ўлдириб қўйишларидан қўрқаркан?

– Ҳа. Яна шуниси ҳам борки, у, мени эрим ўлдирмоқчи, деб қўрққан эди. У сизнинг Марина Розину билан телефонда гаплашаётганингизни тасодифан эшитиб қолибди. Ҳарҳолда, менга шундай деган эди хотинингиз. Унинг гапига қараганда, сиз хотинингиздан қутулмоқчи бўлганингизни айтганмишсиз ўйнашингизга.

– Фирт бемаънилик! Мен унга ҳеч қачон ёмонлик қилмоқчи бўлмаганман ва турган гапки, телефонда бунақа гап бўлмаган.

– Балки шундайдир, – Бекас Дендриносга қаттиқ тикилиб қаради. – Лекин хотинингизнинг ўз ўлими олдидан менга айтишича, Марина Розину у билан “Корали” ресторанида учрашмоқчи бўлибди, сиз бўлсангиз ундан, мени қабул қил, гаплашиб олайлик, деб илтимос қилибсиз, аммо хотинингиз рози бўлмабди, хулоса шуки, бу маълумотлар сизнинг шаънингизга доғ туширяпти.

– Ахир ҳамма гап аксинча бўлган эди-ку. Унинг ўзи...

– Ҳа, буни айтдингиз. Мадемуазел Розину ҳам айтганларингизни тасдиқлади.

– Унда, яна нимани билмоқчисиз мендан?

– Икковингиздан қай бирингиз – сизми ё хотинингиз, ёлгон сўзлаганини аниқламоқчиман.

– Ахир ҳеч ким айтган гапимга ишонмаса, қандай қилиб рост гапирганлигимга ишонттира оламан сизни? – деди Дендринос жиғибийрон бўлиб.

– Билишимча, бунинг фақат битта йўли бор, – деди Бекас хотиржам оҳангда.

Деразадан тушиб турган кўёш шуъласи стол устига қўйганча бир-бирини маҳкам сиққан Бекасининг қўлларини ёритди.

– Биласизми, – кекса полициячи тўсатдан жаҳл билан гапира бошлади, – мени аҳмоқ деб ўйлашларини ёқтирмайман. Сезиб турибман, кейинги пайтларда кимдир мен билан майнавозчилик қилмоқчи бўляпти.

Дендринос ҳеч нарсага тушунмай Бекасга тикилиб қолди.

– Агар сиз рост гапирган бўлсангиз, унда кимдир мени аҳмоқ қилмоқчи бўляпти. Бу нарса ҳали қотиллик юз бермасдан олдин бошланган эди.

– Қасам ичиб айтаман, фақат рост гапирдим.

– Қасамингизнинг ўзи кифоя эмас. Шахсан ўзим бунга ишонч ҳосил қилишим лозим.

– Ишонч ҳосил қилганингиздан кейин-чи?

– Кейин мени мазах қилмоқчи бўлган ҳазилкашнинг додини бераман, – деди Бекас газаби ортиб. – Лекин сизнинг бегуноҳ эканингизни таъкидловчи далил йўқ ҳали менда.

– Айтинг, нима қилишим керак мендан гумонсирамасликлари учун?

– Ҳамма бўлган воқеаларни аниқ эслашга ҳаракат қилинг, – деди Бекас. – Ҳозир мен сиздан баъзи нарсаларни сўрайман – хотирангизни тикланг. Муфассал, сўзма-сўз. Ҳозир тақдирингиз хотирангизнинг тийраклигига боғлиқ.

Дендриноснинг нигоҳида ҳали ҳам шубҳа акс этиб турарди, лекин у Бекасининг сўнгги талабидан умидвор бўлди шекилли, деди:

– Нимани эслашим керак?

– Фақат телефонда бир марта айтган гапларингизни. Боя сизга айтдим – ҳар битта сўзни мукамал аниқ эсланг.

Дендриноснинг бетоқат бўлаётгани юзида акс этиб турарди. Бекас бўлса, худди қайсарлиги тутгандай, қошларини чимириб олди. Лекин аслида, бу кекса полициячи ҳам ўз суҳбатдоши сингари қаттиқ ҳаяжонда эди. Фақат сир бой бермасди. Чунки ҳамма ишни фақат Дендриноснинг ҳозир айтадиган жавоби бир ёқли қилиши мумкин эди.

– Гапингизга қараганда, – деди Бекас, – хотинингиз телефон қилиб, сиз билан қотиллик юз берган ўша тунда учрашмоқчи бўлганини айтган.

– Тўғри.

– У сизга соат нечада телефон қилган эди?

Дендринос ўйлай бошлади.

– Эргалаб. Соат чоракам ўн бирда. У идорамга кўнғироқ қилди, лекин, афсуски, у ерда ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Гувоҳлар мени қизиқтирмайди. Хотинингиз нима деган эди сизга?

– Мен билан кўйди-чиқди масаласида гаплашиб олмоқчи экан.

– Унинг ўзи таклиф қилдими сизни шунақа бемаҳалда боришга?

– Ҳа.

– Нима учун?

– Кечқурун уйда меҳмонлари бўларкан, улар мени кўрмасликлари

керак экан.

Бекас стол устига қўйган қўллари шундай маҳкам сиқдики, бармоқларидан қон қочиб, оқариб кетди. Оқсоч қиз ҳам эшитган бегойимининг гапини эслади: “Йўқ, кейин. Улар сени кўрмасликлари керак”. Бекас бутун умидини шу жумлага боғламоқчи бўлди. Бу жумла Дендриноснинг қанчалик рост сўзлаганлигини аниқлаб бериши керак.

– Унинг ўша гапини сўзма-сўз аниқ такрорланг.

– Хуллас, у мендан кечаси соат иккиларда келишни таклиф қилди, унгача меҳмонлар тарқаб кетишаркан.

Бекас бадани терлай бошлаганини ҳис этди, ваҳоланки хона анча салқин эди.

– Йўқ, тушунсангиз-чи. Ўша жумлани сўзма-сўз такрорланг. Гапингизга ишониш ё ишонмаслигим фақат шунга боғлиқ.

Дендринос жавоб беришга чоғланган эди, лекин Бекас уни тўхтатди.

– Шошилманг, яхшилаб ўйлаб кўринг. Хотинингиз сиздан кечаси соат иккида келишни сўраган. Меҳмонларни кутаётганини айтган. Сиз унинг ҳар битта сўзини аниқ тиклашга уриниб кўринг.

Дендринос ўйлаб қолди, Бекасининг пешонасида чуқур ажин пайдо бўлди – гўё у ҳам Женни айтган гапини эслашга қийналаётгандай эди.

– Эсимга тушди, – деди ниҳоят Дендринос. У бундай деган эди: “Йўқ, кейин. Улар сени кўрмасликлари керак”.

– Кейин-чи? Кейин нима бўлди?

Оқсоч қизнинг гапи: “У менга, чиқиб кет, деди. Мен чиқиб кетдим. То хонадан чиқиб кетгунимча у телефонда гаплашмади”. Агар Женни Дендрину оқсоч қизнинг хонадан чиқиб кетишини кутиб, бирдан жим бўлиб қолган бўлса, гап орасида юзага келган бундай бесабаб сукутни Дендринос албатта эслаб қолган бўлиши керак.

– Билмайман. Бироз вақт алоқа узилиб қолгандек туюлди менга.

– Нима учун сизга шундай туюлди? – Бекас зўр бериб ўзини вазмин тутишга ҳаракат қиларди.

– Чунки шу сўзлардан кейин бирданига унинг овози эшитилмай қолди.

– Нима бўлган экан? Телефонда алоқа узилиб қолдими?

– Йўқ. Шунчаки у бир оз муддат сукут сақлаган экан. Кейин сабабини айтди: яна нафаси сиқилибди. Баъзи-баъзида шунақа бўлиб турарди унда. Бу асабдан эди. Кейин у яна дедики...

– Бас! Мени бошқа ҳеч нима қизиқтирмайди, – деб унинг сўзини бўлди Бекас ва ўрнидан турди. Унинг чеҳраси ёришиб кетган эди. – Мана энди гапингиз рост экани менга маълум.

Дендринос унга яна ҳайрат билан боқди.

– Энди фақат бир нарса, – хотинингизнинг нима учун ёлғон гапирганини аниқлаш қолди. Сизга сўз бериб айтаманки, албатта ҳақиқатни аниқлайман.

Шубҳа-гумонлар ғойиб бўлди. Оқсоч қизнинг айтганлари Дендриноснинг терговда берган гувоҳлиги билан бир хил бўлиб чиқди. Бекас нотаниш кимса кимлигини аниқлади. Жаноб Икс – Ангелос Дендринос, уни кўрмасликлари керак бўлган одамлар эса, Женни Дендрину ўйлаб топган ёлғондакам меҳмонлар. Женнининг ўзи учрашув пайтини Дендриносга тунги соат иккига тайинлаган ва мана, ниҳоят, Бе-

кас бу хонимнинг ёлгон сўзлаганини аниқлади — лекин у ўлганидан кейин. Дендринос бўлса, энди Бекаснинг шеригига айланди. Ёш актриса ҳақ: ҳамонки Женни бир марта ёлгон сўзлаган экан, қолган ҳамма гаплари ҳам ёлгон бўлиши мумкин.

— Гап бундай, Ангелос, хотининг сени қотилликда айблашлари учун ҳамма чораларни кўрган, — энди Бекас Дендриносни ўз дўстидай билиб мурожаат қила бошлаган эди. — Лекин бу ерда қандайдир бир жумбоқ мавжуд. Женни гўё ўзининг ўлишини жуда аниқ билгандай ҳаракат қилган. Бундан ташқари — у ҳатто қотиллик қай чоғда юз беришини ҳам билган-у аммо жон сақлаб қолиш учун заррача ҳаракат қилмаган. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: хотинингнинг яқкаю ягона хоҳиши — сени қамоққа тиқиш бўлган. Шундай бўлиши мумкинми? Ахир одам бошқа бир одамни қотилликда айблаш учун ўзини ўлимга маҳкум қилиши мумкинми?

— Йўқ, бу мумкин эмас... Хусусан, Женни асло бундай қилмаган бўларди. — Бекаснинг бу қутилмаган ёрдамидан анча тетиклашган Дендринос ўзининг ҳақ эканига ишона бошлаганини ҳис қилди. Ахир Женни ўтакетган худбин эди-да, у ўзини ҳаддан ташқари яхши кўрарди.

— Унда бундай хулосага келиш мумкин: кимдир бу найрангни хотинингга ўргатган. Кейин ўзи жиноятни содир этган. Гапимга тушуняпсанми?

— Йўқ.

— Кел, хотинингни бирон бир кимсанинг таъсирида бўлган, деб фараз қилайлик. Унинг кўрқиб хавотирда яшаши ҳам, меникига ёрдам сўраб бориши ҳам, сенинг ярим кечада Сунионга ташрифинг ҳам — ҳамма-ҳаммаси ўша одам томонидан хотинингга уқтирилган, сени қотил деб айбдор қилиш мақсадида.

— Бу қилмиши билан у одам нимага эришиши мумкин?

— Ахир нега тушунмаяпсан? Қотилликда сени айблашади, у бўлса сувдан қуруқ чиқади.

— Ҳа, яхши, лекин у нима манфаат кўради бундан? — деб сўради тамомила гангиб қолган Дендринос.

— Буни аниқлаш керак, — жавоб қилди Бекас.

У ўрнидан туриб, торгина кабинетда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кейин келиб Дендриноснинг қаршисида тўхтади.

— Хотинингнинг ўлиmidан ким манфаатдор бўлиши мумкин? Унинг қариндошлари йўқ экан-ку, тўғрими?

— Билишимча, мендан олдинги иккита эридан бошқа ҳеч бир қариндоши йўқ... агар улар қариндош ҳисоблансалар.

— Қонун уларни қариндош ҳисобламайди.

— Унда Женнининг ўлиmidан ким манфаат кўришини тасаввур қилиш қийин. Ҳамма бўлган воқеа худди сиз айтгандек юз берганига ўзингиз ишонасизми?

— Йўқ ҳали, — деди Бекас. — Лекин ҳозирча миямга шундан бошқа ҳеч қандай фикр келмаяпти. Фақат агар хотининг ўз жонига қасд қилган демасак.

— Бу мумкин эмас.

Ниҳоят, Бекас боядан бери уни тинч қўймаётган саволни беришга журъат этди:

— Хотинингнинг адвокат Димитриадис билан муносабати қандай эди?

Ҳали вақт эрта эди. Бунақа пайтда дўсти Макриснинг иши қалашиб кетган бўлади ва ташриф буюрганларни қабул қилмайди. Шундай бўлса

ҳам, қамоқхонадан чиққан Бекас тўғри “Проини” газетаси таҳририя-тига йўл олди. Бекас ўйлаганидай, муҳаррир уни совуққина кутиб олди.

– Муҳим янгилик бор, – деди Бекас эшикдан кирасолиб.

– Яхши, айтақол.

– Дўстинг Дендринос...

– У менинг дўстим эмас.

– Ким бўлганида ҳам, у бейб.

Макрис шу заҳоти қилаётган ишини унутди.

– Гап бундай, йигитлар, – деди у атрофига тўпланган муҳаррир ва журналистларга, – кейинроқ гаплашамиз. – Сўнг ҳамма хонадан чиқиб кетгунича кутиб туриб, сўради: – Ҳазиллашяпсанми?

– Сира ҳам.

– Унинг айби йўқлиги маълум бўлдимми?

– Менга маълум.

Бекасининг ўзини тутиши чиндан ҳам жуда жиддий эди.

– Хўш, фикрингни бунчалик кескин ўзгартиришга ким сени мажбур қилди.

– Микноздан келган қизалоқ ва Дендриноснинг тиниқ хотирлаши. Ҳозир унинг олдида келяпман.

– Нима, унинг айби йўқлигига қамоқхонада ишонч ҳосил қилдингми?

– Ҳа, – деди Бекас ва ҳамма бўлган гапни журналистга бирма-бир сўзлаб берди.

Унинг айтганлари Макрисга мантиқан тўғридек бўлиб кўринди. Ҳақиқий қотил Женни Дендринуни шундай ҳийла ишлатишга мажбур қилган – фақат Дендриносни қотилликда айблаш мақсадида.

– Лекин ўша одам ким бўлиши мумкин?

– Кел, унинг барча ҳаракатини изма-из кузатиб кўрайлик. У Женнига ўзини гўё ўлимдан кўрқаётгандай қилиб кўрсатишни буюрган. Олдиндан ишончли гувоҳга эга бўлиши учун уни менга юборган. Кейин у Женнига Марина Розину билан учрашиш учун жой ва вақт тайинлашни буюрган. Шу йўл билан у, Дендринос хотинини ўлдириш учун уни йўлда пойлаб турган, деган таассурот уйғотмоқчи бўлган. Кейин фожиали тун келади, бу тунда Женни эрини виллага бемаҳалда таклиф қилади, қотил эса ўз режасини амалга оширади. Назаримда, у Дендриноснинг вилладан чиқиб кетишини кутиб турган-да, сўнг бошлаган қотиллигини.

– Лекин сенинг ёрдамчинг у одамнинг виллага кираётганини кўриши керак эди-ку, – деб эътироз билдирди Макрис.

– Бу ҳол қотилнинг Дендринос келмасидан олдин уйга кириб олганини исботлайди.

– Кечаси билан мутгасил уйни кузатиб турган полициячи ҳам кўрмабди-да уни?

– Бу муаммо эмас. Қотил Женни билан телефонда гаплашиб, орқа йўл эшигини очиб кўйишни сўраган бўлиши мумкин.

– Бўлса бордир.

– Кетганида ҳам яна ўша йўлдан чиқиб кетган албатта. Лекин кетиш олдида ўз бокалидаги бармоқ изларини ўчиришни унутмаган.

– Ким бўлиши мумкин бу иблис қавмидан бўлган шахс? – сўради Макрис. – Бирон кишидан шубҳанг борми?

– Ҳа.

– Ким у?

Бекас жавоб беришга шошилмади.

– Женни Дендринунинг қалин дўсти. Анави адвокат Димитриадис.

– Қандай далилинг бор?
 – Ҳеч қандай.
 – Унда қандай қилиб?..
 – Далил топишга ҳаракат қиламан.
 – Ўша Димитриадис Женни Дендринуни ўлдириб ва унинг эрини қотилликда айблаб, нима манфаат кўриши мумкин?

– Агар Дендринос судланиб қамалса, адвокатнинг ниятига гов бўлолмайди.

– Қандай ниятига?
 – Мархуманинг мулкига яқинлашиш учун имкон туғилади унда.
 – Ахир энди Женни ўлган-ку!.. Ўлганидан кейин у кимга қандай наф келтириши мумкин?

– Буни ҳали аниқлаш лозим.

Булар иккови йигирма йилдан бери дўст эдилар, неча марталаб бир-галикда ишлаганлар ва баъзида бир-бирлари билан келишолмаган пайтлар ҳам бўлган. Лекин бундай келишмовчилик, одатда, фақат айрим тафсилотлардагина бўлган. Макрис дўстининг амалий ишда гоят омилкорлигига, унинг сезгирлигига қаттиқ ишонарди. Лекин бу гал у Бекаснинг фикрича, унча қўшилмади. Унинг фарази Макрисни қаноатлантирмади.

– Менимча, бу гапларингнинг ҳаммаси фақат асоссиз гумон, – деди у. – Ахир сен бу фаразингни нима биландир асослашинг керак-ку.

– Дендриноснинг айтганлари асос бўлади.

– Бу кам.

– Димитриадиснинг ўзини тутиши менга ёқмади.

– У одамни ёқтирмаслигинг ҳеч нима бермайди сенга.

– Қани айт-чи, нима учун у мен билан гаплашганидан кейин дарҳол Женни Дендринунинг шифокори олдига борди?

– Бу тасодиф бўлиши мумкин.

– Энг муҳими, – Бекас журналистнинг фикрига дангал эътибор беришдан ўзини тийиб, гапида давом этди, – Женни Дендринунинг қотиллик юз беришини олдиндан билганлиги ҳақидаги далил, ундан ҳам кўпроқ – ўзининг ўладиган пайтини аниқ билганлиги кўпроқ ўйлантираяпти мени.

– Борди-ю, Женни ўзининг ўлишини чиндан ҳам билган бўлса-чи? – деди Макрис хаёлга берилиб.

Кекса полициячи дўстига “қутурган мушук”дек ўқрайиб қаради.

– Нима, сен қотил ўзи тузган режасини Женни билан келишиб олган, демоқчимисан?

– Ҳа, мен айнан шу фикрдаман, – деди Макрис.

12. БАЪЗИДА ХАТОДАН ҲАҚИҚАТ ТУҒИЛАДИ

Макрис полициячи Бекасинг омилкорлигига қанчалик қатъий ишонса, Бекас ҳам сиртдан қараганда маишатга муккасидан кетган дўстининг мантиқий фикр юритиш лаёқатини ва амалий фаросатини жуда ҳам қадрларди. Энди у баджаҳл мушукка ҳеч ўхшамасди. Ҳозир у дўстининг дилидаги фикрни ўйлаб топишга уринарди.

– Сен Женни Дендринуни қотиллик режаси тафсилотидан хабардор бўлган деб ўйлайсанми?..

– Бунга унча ишонмайман-у, – деб унинг сўзини бўлди Макрис, – лекин шундай бўлиши ҳам мумкин, деб фараз қиламан.

– Агар сени ҳақсан деб ўйласак, унда хулоса фақат битта...

Бекас шундай деб туриб, худди оғзидан чиқиб келаётган сўзларни

айтишдан ўзини зўрға тийгандай жим бўлиб қолди. Макрис дўстига халал бермай, унинг гапиришини кутарди.

— ... хулоса фақат битта, яъни: қотил — Женни Дендринунинг ўзи бўлиши мумкин.

— Тўғри, — деди Макрис.

— Демак, сенингча, бу ўз жонига қасд қилишми?

— Нима бўлганда ҳам, айнан мана шу вазият менга энг ишонарли бўлиб туйиляпти.

— Унда, Женни фақат эридан ўч олиш учун ўзини ўлдирибди-да?

— Бунинг ҳеч ажабланидиган ери йўқ. Ўтган кунни биз бир инглиз олимнинг мақоласини босиб чиқардик; унинг ёзишича, ўз жонига қасд қилган ҳар юзта одамдан етмиштаси кимдандир ўч олиш, кимнидир жазога тортиш истагида ўзини ўзи ўлдираётган экан. Бола, золим отамни жазоласинлар, деб ўзини ўлдирган. Эр, хотиним виждон азобида қийналсин, деб ўз жонига қасд қилган. Лекин Женни Дендрину, менимча, яна ҳам ошириб юборган: эрининг виждон азобида яшашига қониқиш қилмаган, у эридан шафқатсизларча ўч олиш ниятида, уни айбдор деб ҳисоблашларига пухта замин тайёрлаган. Суд буни қотилликда айблайди — мана буни ашаддий интиқом деса бўлади.

— Лекин Женни Дендрину ўзини жуда ҳам қадрлар экан. Фақат эридан қасд олиш учунгина ўзини ўзи ўлдиришга журъат эта олганмикин? — деди Бекас бироз иккиланиб.

— Ўзинг айтдинг-ку, унинг уруғида иккита одам жинни бўлган экан деб, ким билсин, балки Женни ҳам...

Журналист воқеага ҳаддан зиёд берилиб кетганини бирдан сезиб қолди. Ҳаётда шундай ҳам бўлади: мулоҳазага берилган одамни бирдан нига тамомила ҳеч қутилмаган янги гоё ўз оғушига оладики, шунда ўз фикр-мулоҳазаларини бошқара олмай қолади.

— Жуда муболаға қилиб юбордим шекилли, — деди Макрис бироз ўйлаб тургач. — Бу фантазиямга кўп ҳам эътибор берма.

Макрис, бу чекинишим Бекасни қувонтиради, деб ўйлаган эди. Лекин кекса полициячи унга индамай қараб қўйди-да, ўрнидан турди.

— Хайр, ишингга халақит бермай.

Дўстининг айтган гапи Бекасининг дилига жо бўлган эди. Тўғри, у Женни Дендринуни унча яхши билмас эди. Лекин бу тантиқ, нозикойим аёлнинг фақат эридан ўч олиш учун ўз жонига қасд қилишини ҳатто тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Бироқ унга бошқа бир ҳолат қўл келган бўлиши — бошқа бир сабаб туфайли у ўзини ўлдириб, шу йўл билан эрини жазога маҳкум қилган бўлиши мумкин. Бу энди ростга ўхшаяпти.

“Қотил-маслаҳатгўй” ҳақидаги тахмин ҳақиқатга тўғри келмаётганини Бекас илгари ҳам тушунган эди. Бундай жиноят режасини тузиш ва амалга ошириш гоёт даражада мушкул иш. Тасодифлар, ўхшашликлар бундай режани амалга оширишда халақит қилиши мумкин эдики, қотил буни тасаввур ҳам қила олмасди. Бундан ташқари, Апостолисим, тунда соқчилик қилган полициячимиз ёки, айтайлик, биронта ўткинчи одамми унинг уйга кираётганини, деразадаги соясини ё шу яқин орада турган унинг машинасини кўриб қолиши мумкин эди... Йўқ, бундай қотилнинг — ҳатто у иблисининг ўзи бўлганида ҳам — ҳамма икир-чикир тасодифларни ҳисобга олаолмаслигига Бекас тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиларди.

Бу тахминни рад этиш керак. Макриснинг мулоҳазаси ҳақиқатга яқинроқ. Лекин унда ҳам узук-юлуқ жиҳатлар мавжуд.

Бекас яна Марина Розину билан ресторанда кечлик қилиб ўтириш-

ганда қилган суҳбатини эслади. “Кейинги пайтларда у соғлом одамни кўрса гижинадиган бўлиб қолганди...”

Ким билсин, балки ҳамма гап мана шундадир?

Бекас яна адвокат Димитриадиснинг идорасига йўл олди. У идорага кираётганида дўкон олдида туриб газета ва журналларни берилиб ўқиётган Апостолисни кўрди.

“Яхши йигит, — деб кўнглидан ўтказди Бекас, унинг яна оёққа туриб олишига кўмаклашишим керак”.

У адвокатнинг котибасига ўз исмини айтди ва қабул қилишларини кута бошлади. Ҳа, ҳамма уйлар ўз эгаларига ўхшайди. Мана бу ерда ҳам ҳаммаёқда ҳашам ва қуруқ савлат...

Котиба анчадан кейин чиқди. Чамаси, Димитриадис Бекасни қабул қилиш ё қилмаслик ҳақида анча тараддудланган бўлса керак. Мана, ахири қабул қилишга рози бўлибди.

Қабул қилган бўлса ҳам, Бекас билан аввалги сафаргидан-да, совуқроқ муомала қилди. У гўё, сиз билан гаплашадиган ҳеч қандай гапим йўқ, демоқчи бўлгандай тутарди ўзини. Шунга қарамай, Бекас мутлақо мўмин-қобил бўлиб кўринарди.

— Ҳузурингизга яна ёрдам сўраб келдим, жаноб адвокат.

Димитриадис индамай оромкурсига ўтиришни таклиф қилди унга.

— Сиз, — деди Бекас, — оиланинг яқин дўсти сифатида, жаноб Дендриноснинг оқланишини хоҳласангиз керак албатта?

Лекин Бекас адвокатнинг бундай қилмаслигини яхши биларди: у фақат Женнининг дўсти бўлган. “Балки у бир кун келиб Женнининг тўшагида Дендриноснинг ўрнини эгалламоқчи ва шу билан бирга, бу хотиннинг миллионларини ҳам қўлга киритмоқчи бўлгандир”, деб ўйлади у.

— Бир нечта сабабларга кўра, мен Дендриносни беайб деб ҳисобламоқчи бўляпман.

— Шунақа денг!

— Ҳа, — мулойим оҳангда деди Бекас.

— Фоят хурсандман. Бу сабабларингизни суд ҳайъатига изҳор қилгандирсиз, албатта?

— Йўқ ҳали, лекин албатта айтаман, — деди у ҳамон ўзини вазмин тутиб. — Вазиятни тўла тасаввур қилишим учун менга баъзи бир далиллар етишмаяпти.

Адвокат, бу қутилмаган одамдан тезроқ қутилишни ҳам, ё унинг гапини қизиқиб тинглашни ҳам билмай тараддудланаётган бўлса керак. Мана, қизиқиши устун чиқди.

— Демак, ҳали сиз қатъий ишонмаётган экансиз-да? — деб сўради у.

— Ҳа, ишонмаяпман. Шунинг учун ҳам ҳузурингизга ёрдам сўраб келдим.

— Билмадим, сизга қандай...

Бекас унинг сўзини бўлди:

— Айтинг-чи, Дендрину хоним соғлом аёлмиди?

Адвокат яна бепарво одам ниқобини кийиб олди.

— Айтмоқчиманки, у ўзининг соғлиғи борасида шикоят қилмаганми?

— Сиз унинг руҳий касалликка чалинган ё чалинмаганини назарда тутяпсизми?

— Йўғ-е, бу шарт эмас. Шунчаки, сўрадим-да.

Адвокат жавоб беришга шошилмади.

Кекса полициячининг чиниққан кўзи бир назар ташлашдаёқ, адво-

катнинг бор ҳақиқатни айтишга ҳам журъат этмаётган ва айти пайтда, ёлгон сўзлашни ҳам хоҳламаётган одамдек тараддуланиб қолганини пайқади — айтса, кейин жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин эди.

— Билмайман, — деди у ниҳоят қийналиб. — Дендрину хоним бирон бир жиддий касалга чалиниб қийналган, деб ўйлашим учун менда ҳеч қандай асос йўқ.

“Демак, бир гап бор, — деб ўйлади Бекас. — Женни Дендрину соппа-соғ бўлганида, манави нусха гапни чўзиб ўтирмай дарров думимни тугарди”.

— Уни жаноб Даперголас даволаган, шундайми? — яна сўради Бекас.

— Ҳа. Шифокор нима деди сизга?

“Эҳ-ҳа, — тушунди Бекас, — бу икки азамат ўзаро келишиб олишган”.

— Сиз ўзингиз билмайсизми? — сўради Бекас ўзини лақма одамдай тутиб.

Адвокат сирни очиб қўйганини сезиб, гунг бўлиб олди.

— Демак, мижозингизнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ҳеч нима билмайсиз? — деб суриштиришда давом этди Бекас.

— Бунга сизга айтдим. Ундан кейин, нима алоқаси бор мижозим соғлигининг...

— Бевосита алоқаси бор, — деб адвокатнинг сўзини бўлди Бекас. — Хўп, майли, сизни ортиқ безовта қилмай қўя қолай.

Димитриадиснинг ҳамма гапдан хабардор эканлигини Бекас шакшубҳасиз биларди. Макриснинг гапи тўғрироқ: Женни ўзини ўзи ўлдирган. Фақат бунга исботлай олиш керак. Бу ишда марҳуманинг шифокори берадиган гувоҳлик жуда муҳим, лекин у жавоб беришни хоҳламапти — айниқса, Бекасининг саволига.

У кўчада турган эди, бир такси келиб тўхтаб, ундан чиройли бир қиз тушди. Бекас бўшаган машинага дарров чиқиб ўтирди ва шофёрга: — Арсаки у кўчасига ҳайда! — деди.

Прокурор Каридис унинг эски кадрдони эди. Бекас кириб борганида у, ҳар доимгидай, ишга кўмилиб ўтиргани — столи устида қоғозлар уйилиб ётарди. Шундай бўлса ҳам, у эски дўстини кўриб жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Нафақага чиққанмишсанми?

— Уч ой бўлди.

— Хўш, қандай яшайсан жиноятлардан узоқда?

— Унчалик узоқда эмасман, — деди Бекас. — Шу кунларда тақдир мени битта жиноятга яқинлаштириб қўйди.

— Ростданми? У қанақа жиноят экан?

— Женни Дендринунинг ўлдирилган.

— Ие! Бу иш билан мен шуғулланяпман-ку.

— Биламан, — деди Бекас. — Шунинг учун ҳам олдинга келдим.

— Хўш, қандай янгилик олиб келдинг?

— Биласанми, Дендриносни беайб деб ҳисоблашга менда далил бор, Женни ўзини ўзи ўлдирган.

Прокурорнинг очиқ чеҳрасидаги табассум бирдан ғойиб бўлди. Агар бажарган ишининг натижасига ишонқирамай, шубҳа билан қарагудек бўлсалар, турган гапки, сенга ёқмайди бундай шубҳа.

— Лекин Дендриноснинг айбдор экани исботланган-ку.

— Мен ҳам шундай ўйлагандим, — деди Бекас. — Лекин далиллар...

Кекса полициячи, прокурорнинг нафсониятига тегмасликка ури-ниб, унга ҳамма бўлган гапни: Женни Дендрину билан танишгани, Марина билан, кейин Дендринос билан суҳбатлашгани, яна Макрис ҳақида ва энг муҳими — оқсоч қиз берган гувоҳлик ҳақида сўзлаб берди. Прокурор ўйланиб қолди.

— Бу айтганларингнинг ҳаммаси жуда қизиқарли. Лекин қармоққа илиниб қолмаганингга ўзинг аниқ ишонасанми? Дендринос билан оқсоч қиз олдиндан келишиб олган бўлишлари мумкин-ку.

— Йўқ, менимча, ундай бўлмаган. Агар Дендринос оқсоч қизнинг гувоҳлик беришидан умидвор бўлганида эди, тергов пайтида у қизни тилга олган бўларди. Ундан кейин, оқсоч қизнинг ўзи ҳам, унинг айтган гапларига нақадар катта эътибор бераётганимни ҳатто пайқа-мади ҳам — буни ўз кўзим билан кўрдим. Женни Дендрину бўлса, барча бўлган воқеаларни бизга тамомила бошқача қилиб кўрсатишга астойдил уринган.

— Бундан чиқди, у ўз жонига қасд қилиш олдиан бутун айбни эрига тўнкамоччи бўлибди-да?

— Бунга дёш актрисага рашк қилган ва ўзи ўлганидан кейин улар икковининг бахтли ҳаёт кечиришларига монелик қилмоқчи бўлган.

— Сени мен бемаъни одам деб ҳисоблардим. Сен бўлсанг, ўзингни худди... — прокурор дўстини ранжитмайдиган сўз тополмай тўхтаб қолди.

— Худди хусусий изкувардек тутяпманми? — деб Бекас илова қилди.

— Шунақароқ, — деб прокурор ёруғ юз билан жилмайиб кўйди.

Бир пайтлар Бекас ҳам ўзини ўзи можаропарастликда айблаган. Лекин излаб топилган далилларни қанча кўпроқ таҳлил қилиш жараёни-да у ўзининг тўғри йўл тутганлигига кўпроқ ишонч ҳосил қила бошлаганди.

— Мен у аёлни унча яхши билмаган эканман. У энг ашаддий эго-центрик¹ экан, — деди у.

— Лекин эгоцентриklar, одатда, ўзларини ўлдирмайдилар.

— Ўлдирадилар, агар ўлимлари олдиан шафқатсиз азоб-уқубатга мубтало бўлишларини билсалар.

— Яхши. Ўз таъбирингни менга батафсил сўзлаб бер. Қаҳва ичасанми?

— Йўқ, раҳмат.

Прокурор Бекасининг далилларига ишонмаган бўлса ҳам, ҳарҳолда, уларга қизиқиб қолганди.

— Мен Женнининг гайриодатий бир феъли ҳақида эшитганимда бу фикр миямга келган эди: Женни Дендрину соғлом одамни кўрса гижинадиган бўлиб қолибди. Бундай ҳол фақат дарди бедавога мубтало бўлган одамларда учрайди.

Прокурор жим ўтириб тингларди.

— Аввалига бу гапга унча аҳамият бермагандим. Лекин кейин чуқурроқ ўйлаб қарасам, вазият, қотиллик юз берадиган вақтни гўё Женни Дендрину аниқ билгандай қилиб танланган экан. Шунда мен бу икки ҳолатни бир-бирига қиёслаб чиқиб, айнан ўша кунларда Женнига ўзининг оғир касал эканлиги ва ўлиши муқаррарлиги аён бўлган бўлса ажаб эмас, деган қарорга келдим. У ўзини жуда ҳам қадрлаган. Бундай одамлар азоб чекиб яшашлари мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шу боис у ўзини ўзи ўлдиришга жазм қилган. Лекин унда Женнининг бутун бойлигига эри ворис бўлиб олиб, ўйнаши би-

¹ Эгоцентрик — ўтакетган худбин.

лан бахтли ҳаёт кечира бошлайди-ку. Ана шуни ўйлаган аёл уларнинг икковини шу йўсинда жазолаб кетмоқчи бўлган.

– Бу битта романга сигадиған қойилмақом сюжет, – деди прокурор.

– Сен, қари полиция бўриси романтик тахминлар билан бошингни қотирмасанг бўларди.

– Лекин бу тахминни текшириб кўриш мумкин, – деди Бекас.

– Қандай қилиб?

– Женнини даволаган шахсий шифокори бор. Бу шифокорига у астойдил ишонган. Олий табақадаги зотларнигина даволайдиган бу шифокор аслзода кишилар билан яқин алоқада бўлгани ва ўзининг хушмуомалалиги билан катта обрў-эътибор қозонган бўлса керак. Бу – Даперголас деган шифокор. Бутун сирни фақат у биледи.

– Шунақа экан, нега ўзинг ундан сўрамадинг?

– У мен билан бу ҳақда гаплашишни истамеди.

Прокурор жилмайиб қўйди. У ҳали ҳам ўзи ҳибсга олган одамнинг айби йўқлигини тан олгиси келмаётганди.

– Ана, кўрдингми!

– Аниқ биламан, у менга ёлғон гапирди.

– Хўш, мендан нима истайсан?

– Сен сўраб кўр ундан.

– Сенга ёлғон гапирган бўлса, нега энди у менга ростини айтаркан?

– Нафақадаги полициячи бошқа-ю, жамики ваколатлар билан қуролланган прокурор бошқа. Биламан: Даперголас одил суддан ҳақиқатни яширишга журъат этмайди.

– Балки сен ҳақдирсан, – прокурорнинг иккиланаётгани сезилиб турарди.

Бекас унга илтижоли нигоҳ билан мўлтираб қаради.

– Ҳақлигимга ишончим комил.

13. БЕКАС ТАВАККАЛ ҚИЛАДИ

У Одил суд маҳкамасидан ҳеч қандай аниқ бир жавоб ололмай чиқди. Уйда тушлик қилаётганида авзойи анча бузук эди, хотини чидаб туролмай сўради:

– Нима, ишинг чатоқми?

– Яхши эмас, – деб тўнғиллаб қўйди Бекас.

Хотини ўз одатига кўра, ҳеч нимани суриштирмади. Тушлик сукутда ўтди. Кейин кундалик таомил – газета ўқиш бошланди. Хотини қаҳва узатаркан, унинг дам-бадам соатига қараб кўяётганига эътибор берди.

– Бирон ёққа шошиляпсанми?

– Ҳа. Соат бешда бир одамникида бўлишим керак.

Шифокор Даперголас соат бешдан еттигача қабул қиларди.

– Соат бешда? Энди уч бўлди-ю.

Бекасининг ихтиёрида ҳали икки соат вақт бор эди. Шундай бўлса ҳам у ҳеч жойида ўтиролмаётган эди. У уйдан соат тўртда чиқди ва анча вақтгача ўзининг сабрсизлиги билан олишиб тентираб юрди. У соат чоракам бешда қабулхона эшиги олдида эди. Эшикни очган ҳамшира уни кўрди-ю, қовоғи солинди. “Даперголас бу аёлни огоҳлантириб қўйган кўринади”, деб ўйлади Бекас.

Ажаб, бу гал қабулхонада ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Салдан кейин шифокор эшикни очди ва Бекасни кўриб афти бужмайди.

– Яна келдингизми? – деди у совуқ оҳангда.

– Ҳа.

Энди кекса полициячи ўзини ювош кўзичоқ қилиб кўрсатмади. Прокурорга ишонч йўқ эди, шунинг учун, ниятини ўзи амалга оширишга қарор қилди. Бу ўйинда у албатта ғолиб бўлиши керак.

Даперголаснинг орқасида турган ҳамшира Бекасга худди тешиб юборгудек ўқрайиб қарарди. Ҳозир у ҳамшира ролини ижро этаётган Голливуд юлдузига кўпроқ ўхшаб кетарди.

– Нима истайсиз мендан? – ўша-ўша ёвқараш билан сўради шифокор.

– Гаплашиб олишимиз керак.

Энди Даперголаснинг рўпарасида ёлборувчи нафақахўр эмас, ўз бурчини ижро этишга шайланган полициячи турарди.

– Қулоғим сизда.

– Ёлғиз ўзимиз гаплашамиз, – деб Бекас ҳамшира томонга хиёл имо қилиб қўйди.

Ё ҳозир, ё ҳеч қачон! Қаттиқ ҳаяжонланган Бекасининг кўкраги остида санчиқ пайдо бўлди.

Шифокор нима қиларини билмай иккиланиб турарди. Полициячининг дадил гапириши ўз таъсирини кўрсатди.

– Менинг ҳамширадан яширадиган сирим йўқ, – деди шифокор базўр.

“Йўқ бўлганда қандоқ, бу аёл нафақат ҳамшира бўлса керак сенга”, – деб ўйлади Бекас ва қатъий овозда деди:

– Мен сиз билан юзма-юз гаплашишим керак.

Бекас таваккал қилган эди. У бир пайтлар жиноятчиларни сўроқ қилаётганида улардан аниқ бўлган воқеани қандай сўраб, суғуриб олган бўлса, энди Даперголас билан ҳам шундай муносабатда бўла бошлади. Борди-ю, шифокор ҳайиқмай, уни кабинетидан қувиб чиқарсачи?.. Даперголаснинг қатъий бир қарорга келиши учун ўтган сониялар мобайнида Бекас ўзининг қандай руҳий аҳволда эканлигини сездирилмасликка жон-жаҳд билан ҳаракат қилди.

– Илтимос, Мэри, бизни ёлғиз қолдир, – деди Даперголас ҳамширага.

Бекас иши юриша бошлаганини тушунди. Энди бу ёғи енгил кўчади. Даперголас уни хонасига киритди, дилбар ҳамшира эса қабулхонага чиқиб кетди.

Биринчи галабадан кейин Бекасада ўзига ишонч ҳосил бўлди. Кўп йиллар давомида ўзлаштирган тажрибаси туфайли у қайси рақибнинг сўроқ пайтида дарров “синиши”ни, қайси бири тош қотиб тураверишини бир қарашдаёқ пайқаб оларди. Даперголас, гарчи такаббуруна хўмрайиб турган бўлса ҳам “синган” эди.

– Эшитаман...

– Авваламбор сизга шуни айтиб қўйишим керак: бу ерга келишимдан олдин мен прокурор ҳузурида бўлдим. – Сўнг суҳбатдошининг ўзини ўнглаб олишига имкон бермай, гапини давом эттирди: – Сиз бошқа фаолият кишиси бўлганингиз сабабли жинойий ҳуқуқ қоидаларини билишингиз шарт эмас ва шунга кўра, одил суддан ҳақиқатни яширганлар қонун бўйича жавобгарликка тортилишларини, эҳтимол, сиз билмасангиз керак. Агар ана шундай ҳақиқатни сир сақлаш оқибатида тергов иши нотўғри йўналиш олса, турган гапки, айбдорнинг айби янада мураккаблашади.

Шифокорнинг чап қоши сезилар-сезилмас уча бошлади.

- Гапингизга тушунмадим, – деди у.
- “Жуда ҳам яхши тушуниб турибсан, – деди ичида Бекас. – Бўлма-са, шу заҳоти мени хонангдан қувиб чиқарган бўлардинг”.
- Ҳозир тушунтираман. Ўзингиз биласиз, Ангелос Дендринос хотинини ўлдирганликда айбланияпти.
- Нима, тўғри эмасми?
- Унда айб йўқ. Хотини ўзини ўзи ўлдирган. Буни сиз яхши биласиз.
- Янглишяпсиз.
- Яхши, бошқача қилиб айтамыз: Женни Дендринунинг шундай қилишига сабаб бўлган – буни сиз биласиз.
- У гапирмоқчи бўлган Даперголасга яна имкон бермади:
- Ҳар бир хусусий шифокорнинг одатда ўз рентгенологи бўлади. Сиз ким билан ҳамкорлик қиласиз бу масалада?
- Сизга нима кераги бор бунинг?
- Охирги рентген суратлари қандай натижа берганини аниқламоқчиман.
- Даперголаснинг мағлуб бўлгани юзи-кўзидан билиниб турарди. Бекаснинг гумони тўғри чиққанди.
- Кўнғироқ қилсам майлими? – деб сўради Бекас.
- У рухсат берилишини кутмай телефон гўшагини кўтарди ва кўлида гўшак билан шифокорга ўгирилди:
- Саратонми?
- У бош ирғади.
- Даволаб бўлмасмиди?
- Ҳа.
- Қачон ташхис қўйилган эди? Жаноб прокурор, – деди у гўшакка.
- Мен Бекаман. Жаноб Даперголас сўраяпти: қачон борсин ҳузурингизга? Эртага соат ўн бирда? Айтаман унга. Саломат бўлинг. – У гўшакни қўйди. – Ҳўш, қачон ташхис қўйилган эди?
- Улимидан бир неча кун олдин.
- Қайси кунда, эсингиздами?
- Шифокор кунни аниқ айтди. Демак, бу Женни Дендринунинг Бекасникига келишидан бир кун олдин бўлган экан.
- Сиз буни мижозингизга айтдингизми?
- У айтишга мажбур қилди.
- Нима учун сиз бу сирни шу пайтгача яшириб келдингиз?
- Яширганим йўқ. Ҳеч ким бу ҳақда мендан сўрамади.
- Мен сўраган эдим.
- Шифокор ўз мижозининг қандай дардга чалинганини дуч келган одамга айтишга ҳаққи йўқ.
- Эртага соат ўн бирда сўрашади, – деди Бекас энди пўписали оҳангда гапиришни тарк этиб.
- Кекса полициячи мамнун эди. У кўзлаган ниятига эришди, қарангки, бу иш ўзи ўйлаганчалик қийин эмас экан.
- Сўрасам бўладими? – деди Даперголас.
- Албатта.
- Женни Дендринунинг ўлдирилмагани, балки ўз жонига ўзи қасд қилганини сиз қаёқдан билдингиз?
- Бекас жилмайиб қўйди.
- О, бу энди менинг касб сирим.

Ярим соатдан кейин хонага оғзи қулоғида кириб келган Бекасни прокурор койий бошлади.

– Бу қандай бемаънилик? Ахир нега анави шифокорникидан менга қўнғироқ қилдинг? Уни қўрмоқчиман, деб қачон айтувдим сенга?

– У эртага соат ўн бирда ҳузурингга келади.

– Нимага?

– У, мени прокурор чақиртирган, деб ўйлапти.

– Лекин мен, жин чалсин сени, уни ҳеч...

– Унинг сенга айтадиган гаплари бор, – Бекас илжайиб туриб прокурорнинг сўзини бўлди. – Женни Дендрину ўлдирилмаган. У ўзини ўзи ўлдирган.

– У менга шуни айтмоқчими?

– Фақат шунинг ўзи эмас...

Прокурорнинг аччиғи чиқди.

– Нима, ҳали сен мен билан майнавозчилик қилмоқчимисан?

– Йўқ, бу майнавозчилик эмас, – деди Бекас. – Мижози ўзини ўзи ўлдирганини Даперголас билмайди, албатта, билганида ҳам буни айтмаган бўларди. Лекин у Женни Дендринунинг ўз жонига қасд қилишига нима сабаб бўлганини айтади сенга. Бугун эрталаб сенга айнан шу нарса ҳақида гапирган эдим. Женни ўлиши муқаррар эканини билган.

Кейин у Даперголас хонасида бўлган мунозара ҳақида сўзлаб берди. Прокурор унга унча ишонқирамаётган бўлса ҳам, гапларини қизиқсиниб эшитди.

– Эрталаб келганимда сенга айтганларим ҳали фақат фараз эди, энди аниқ далилга айланди улар.

– Лекин бу далилинг, Дендриноснинг ўз хотинини ўлдирмаганлигини исботлай олмайди.

– Ҳа, ёлғиз шунинг ўзи исботлай олмайди. Лекин барча далилларни биргаликда қўллаб қўрилса-чи? Масалан, оқсоч қиз берган гувоҳликни, Женнининг ёлғончилиги, унинг ҳамма бўлган воқеани тескари қилиб кўрсатишга уринганини...

– Буларнинг ҳаммаси фақат ҳимоя учун қимматли материал бўлади.

– Бу гапидан, шунча янги далиллар пайдо бўлганига қарамай, уни суд қилмоқчисан, шекилли?

– Нима, шу айтган гапларинг ишни ёпишим учун кифоя қилади, деб ўйловдингми?

Бекас бахслашмади. Ўзининг хато қилаётганини бир неча дақиқа ичида дабдурустдан тан олиш прокурор учун осон эмаслигини у яхши тушунарди.

– Буёғи сенинг ишинг. Мен қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Ундан кейин...

Бу “ундан кейин” ни у гўё ҳозиргина қутилмаганда миясига янги фикр келгандай оҳангда гапирди. Ваҳоланки, у Одил суд маҳкамасига келаётганида бутун йўл давомида фақат шу тўғрида мулоҳаза қилган эди.

– Ундан кейин, агар ҳаракат қилинса, янада аниқроқ далилни ҳам топиш мумкин.

– Қандай далилни?

– Заҳар масаласи. Суд шифокори унинг қандай заҳардан ўлганини аниқладими?

– Албатта.

– Дендрину заҳарни қаердан олган? Буни аниқлаш менга қийин. Лекин сен фармойиш берсанг кифоя – дарров Афинадаги барча дорихоналарни текшириб чиқишади.

– Буни осон деб ўйлайсанми?

– Йўқ, лекин бажарса бўлади. – деб Бекас ўрnidан турди. – Саломат бўлсинлар, жаноб прокурор.

У голиб чиққанини билаётган эди. Прокурор биринчи галда қаршилик кўрсатди (бу психологик нуқтаи назардан тушунарли ҳолат эди), лекин энди у чуқур мулоҳаза қилиб қўриб, албатта, зарурий қарор қабул қилади. Унинг ўрнидан туриб, Бекасни эшик олдиғача кузатиб қўйиши бежиз эмас эди. Мана, у хайрлашиш учун қўл узатаркан, сўради:

– Анави қизалоқ ҳозир қаерда? Афинадами ё вилладами?

Бекас бу саволдан руҳан қувониб кетган бўлса ҳам, тушунмагандай бўлиб сўради:

– Қанақа қизалоқ?

– Анави оқсоч қизни айтяпман.

Ҳа. Бекас Каридисдан умид қилиб янглишмаган эди. Энди у албатта Даперголасни сўроқ қилиб жамики керакли маълумотларни биттама-битта суғуриб олади ундан ва оқсоч қизни бошқатдан сўроқ қилиб кўради.

Оқсоч қиз берадиган гувоҳлик Бекасининг ўзи берган маълумотлар билан қўшилганида Дендриноснинг айтган гапи, яъни хотинининг ўзи уни чиндан ҳам тунги соат иккида келишга таклиф қилгани тўғри эканлигини тасдиқлашда катта ёрдам беради. Шифокор берадиган маълумотдан эса, Женнининг ўз жонига қасд қилиши сабаби ойдинлашади. Мархуманинг захарни қаердан олгани ҳали топилмаган бўлса ҳам (ўша дорихонанинг ҳадемай топилажигига Бекасининг ишончи комил эди), барибир, Дендриноснинг беайблиги исботланган, деб ҳисоблаш мумкин энди.

Кечқурунги гира-шира паллада Афина осмони бинафша рангга бўялди. Бекас Панепистимиу кўчасидан шахдам кетиб борарди. У ўзини худди биринчи жиноятни очган ёшлик даврига қайтгандек ҳис қиларди. “Қаранг-а, мендек пихини ёрган туллакни лақиллатмоқчи бўлишибди-да? – деб ўйлади у. – Анойи йўқ!”

Унинг бунчалик хурсанд бўлишига нима сабаб? Ўз вазифасини тўла ижро этганими? Ё ўзини алданмаганими? Балки унинг иззат-нафсига текканлари учун ўз аҳдида собит турганлигидир? У йўлка ўртасида таққа тўхтаб қолди.

– Йўқ! – деди у овоз чиқариб.

Илгари, ёш пайтида у шуҳратпараст бўлган ва ўч олишга ҳаракат қилган. Йиллар ўтиши билан Бекас ўзининг бу касбидаги асосий вази-фаси адолатли бўлишга ва ёвузликни жазолашга хизмат қилишдан иборат эканлигини тушунган эди.

“Ҳа, қарияпман...” деб қўйди у ўзича.

Хотини кўпдан бери Бекасни бундай хушнуд кайфиятда кўрмаган эди.

– Вой бў-ў, мунча оғзинг қулоғингда, худди лотереяга катта пул ютган одамдай!

– Тополмадинг.

Бекас кулиб туриб, хотинининг белидан пастроқ ерига шапати уриб қўйди. Унинг бунақа қилиқни ташлаганига камида йигирма йил бўлган эди.

– Вой, жинни бўпсан! – деди хотини.

– Баҳор! – жавоб қилди у.

Ваҳоланки ҳозир ноябрь ойи эди.

Учовлари ўша сокин кичик ресторанда ўтиришарди. Бекас, Макрис

¹ Р е ц и н а в и н о с и – игна баргли дарахт смоласи мазасини берувчи ичимлик.

ва Марина Розину. Бекас қўлига рецина виноси¹ тўлдирилган бокални олди. Тиниқ вино чироқ нуринаи ўзида акс эттириб, заррин рангда товланарди.

— Дўстингизнинг озодликка чиқиши учун ичайлик!

— Сиз бўлмаганингизда... — қизнинг овози қалтираб кетди.

— Йў-ўқ, — деб унинг сўзини бўлди Бекас. — Дендринос энг аввало оқсоч қиздан, ўзининг ўткир хотирасидан ҳамда сиздан миннатдор бўлиши керак.

Қиз, тушунмадим, демоқчи бўлгандай қаради унга.

— Ажабланманг. Бу ишда энг кўп ҳаракат қилган сизсиз. Сиз мени шубҳаланишга мажбур қилдингиз...

Бу ҳақда Бекас қайта-қайта ўйларди. Ҳа, айнан шу қизнинг кўнгли очиқлиги, кўзларида чақнаб турган муҳаббат учқунлари ва яна изоҳлаб бўлмайдиган қандайдир сабаб Бекасни, азда-базда қаршилик қилишига қарамай, унинг гапига ишонишга мажбур этган эди.

— Ундан кейин, дўстимиз Макрис ҳам четда турмади... Ахир биринчи бўлиб у айтди-ку, ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги гапни.

Марина журналистга меҳр тўла нигоҳ ташлади. У бўлса миннатдорлик билдирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган қизнинг гапиришига имкон бермай, Бекаسدан сўради:

— Нима деб ўйлайсан, уни қачон чиқаришаркин?

— Прокурорнинг гапига қараганда, бир неча кундан кейин. Улар заҳар масаласини аниқлашмагунча оёқ тираб туриб олишди. Дорихона сотувчиси берган гувоҳликдан кейингина ишонишга мажбур бўлдилар. Энди фақат расмиятчиликка амал қилиш қолди. — Бекас Марианага ўгирилди. — Сиз бу ҳақда унга айтдингизми?

Бекасининг ҳаракати билан қиз бу мукофотга — маҳбусга биринчи бўлиб қувончли хабарни етказиш бахтига сазовор бўлган эди.

— Ҳа, бугун эрталаб. Ҳали ҳам ҳеч тушунолмаяман, қандай журъат этдийкин бу аёл...

— У ўзини Худо деб биларди. Бу ҳам бир касаллик, — деди Бекас. — У гўдак болалик чоғидан ҳамма хоҳиш-истаклари амалга ошишига одатланиб қолган. Гўзал ҳусни ва миллион-миллион пулларга меросхўр бўлгани уни баттар қутиртириб юборган. Сизга эса у ҳасад қилган, сабабки, сиз ёшсиз ва сиздаги фазилатлар: оққўнгиллик ҳамда севиш лаёқати унда бўлмаган. Нафақат Дендриноснинг сизга бўлган муҳаббати, шу билан бирга сизнинг ҳам уни чин юракдан севишингиз Женнини газабини баттар оширган. Унинг ўзи ҳеч кимни севмаган — бундай лаёқат бўлмаган унда. У сизни ёмон кўра бошлаганида ўзининг оғир дардга чалинганини ҳали билмаган. Лекин бу дарди шахсан унинг ўзигагина хос, яъни совуққонлик билан интиқом олувчи телбалик бўлган. У ўлишга қатъий қарор қилган, чунки азоб чекиб қийналиб яшашдан ўлимни афзал кўрган. Лекин ўлимидан кейин сизларнинг соғ-саломат, бахтиёр ва бир-бирларингизни севиб яшашингизни ўйлаганида қаҳру газаби уни баттар қутиртира бошлаган. Бу аёл, ўз таъбирича, жуда ақлли бўлган.

Шу боис, гаразли режасини зўр маҳорат билан тузган. У ана шу бадният режаси бўйича сизларни чақиртирган ва бу ҳарактарингизни тасдиқловчи гувоҳни қидирган. Унга шунчаки оддий гувоҳ эмас, ўз ишига уста гувоҳ керак бўлган. Ва мени топган. Ҳа, у аёл, ким бўлганида ҳам, барибир, энг мудҳиш балои азим эди.

— У жуда ҳам бахтсиз аёл эди, — деди Марина Розину ва Макрисга ўгирилиб сўради: — Айтинг, гапим тўғрими?

— Нима дедингиз?

Журналист ўзича қандайдир хаёлларга берилиб жилмайиб ўтираркан, ўртада бўлаётган суҳбатнинг бир сўзини ҳам эшитмаган эди.

– Ие, нима бўлди сенга? – сўради Бекас.

– Миямга бир фикр келди.

– Қандай фикр?

– Газетамнинг биринчи саҳифаси учун мўлжалланган жуда зўр бир материал пайдо бўлди миямда.

ХОТИМА

“Ушбу ғайриоддий иш сал бўлмаса бегуноҳ одамни қамоққа маҳкум қилиш билан яқунланарди. Лекин полиция ҳамда суд органларининг жонбозлик кўрсатиб қилган ҳаракатлари натижасида ҳақиқат қарор топди. Афина киборлари даврасида таниқли бўлган Женни Дендрину хоним ўзининг энг даҳшатли дарди бедаъво касалга чалинганлигини билиб, ўзини ўзи ўлдиришга қарор қилган. Мазкур қарорини у қотиллик ниқоби билан шундай моҳирона яширганки, бунинг оқибатида у ўз эрини қотил деб ҳисоблашларини хоҳлаган. Бу ҳол руҳиятда кучли ўзгаришни келтириб чиқарган. Мухбиримиз профессор-руҳшунос жаноб Логотетистга мурожаат қилиб...” – Бекасининг хотини газетани четга суриб қўяркан, Женнининг саҳифа ўртасига туширилган каттагина суратига яна бир марта қараб қўйди-да:

– Саҳибжамол аёл, — деди.

– Жудаям, — деб тасдиқлади Бекас. У, ўз одатига кўра, тушликдан кейин оромкурсида дам олиб ўтирарди.

– У ҳечам жиннига ўхшамаган эди.

– Ҳа. Бунақа одамлар, сиртдан қараганда, ҳамма одамлар каби соппа-соғ кўринадилар, — деди Бекас. — Уларни худбинлик, рашк, нафрат ақлдан оздиради.

– У эрини ёмон кўрарканми?

– Нафақат эрини, ўзидан кейин тирик қолаётган ҳамма одамларни ҳам.

Эгантина хоним хўрсиниб қўйди ва яна газета ўқий бошлади. Лекин салдан кейин уни ерга ташлаб юборди.

– Бу журналистлар шунақанги...

– Ҳа, нима ёмонлик қилди улар сенга?

– Ҳатто исмингни ҳам тилга олишмабди-я!

Бекас оромкурсига қулайроқ жойлашиб ўтирди-да, кўзини юмди.

– Нафақадаги полициячи — марҳум полициячи. Лекин кўнглингни тўқ қил. Вақти-соатим етиб, бутунлай ўлганимда, улар албатта менга бир неча сатр бағишлайдилар. Дўстим Макрис, шахсан ўзим таъзиянома ёзаман, деб ваъда қилди.

– Нафасингни ел олсин. — Хотини столни гурс-гурс уриб қўйди.

“Ҳа, майли, хотиним ёғочни тақиллатиб урди, демак, ўлишга ҳали вақт эрта”, деб ўйлади Бекас ва оромкурсидан турди.

Русчадан
Қодир МИРМУҲАМЕДОВ
таржимаси.

Мўжизалар ҳар кун содир бўлавермайди. Бир буюк санъаткорнинг тугилиши, бир нодир асарнинг пайдо бўлиши учун асрлар керак бўлади.. Муайян даврнинг юксак бадиият ёки санъат ҳодисаси дея эътироф этиладиган асарларнинг яратилиш тарихи, ижодий босқичларнинг ўзи ўша асар сингаи мураккаб ва сирли жараёндир.

Адабиёт ва санъат сирли тасодифлар, кутилмаган ҳодисаларга бой дунё. Баъзан йиллар давомида ёзилиб, кўкларга кўтарилган асарлар замонлар шамолида чирпирак бўлиши, неча йиллар тақиқланган, инсоният мафкураси учун зарарли дея ҳисобланган ёхуд ўз даврида эътирофу эътибордан четда қолган асарлар эса вақт қобиғини парчалаб, кутилмаганда жаҳоний шухрат қозониши мумкин. Қай бир истеъдоднинг лаҳзалик жунбиши оламни оёққа турғизиши, бошқа бир ижодкор эса кичкинагина асаридаёқ асрларга татигулик бадиият бўлоғини яратиши, ўзига олмос ҳайкал қўйиши мумкин. Ҳаммасига вақт дея аталмиш олий ҳакам ўз баҳосини бериб боради.

“Жаҳон адабиёти” журнали ижодий жамоаси мана шундай вақт чиғриғидан ўтган, неча замонлардан бери инсониятнинг маънавий покланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган нодир асарларни мунтазам чоп этиб бориш билан бир қаторда, ушбу сондан бошлаб адабиёт, мусиқа, театр, кино ва тасвирий санъат сламида рўй бераётган турфа ҳодисалар, қизиқарли янгиликлар билан ҳам муштарийларни таништириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

“Жаҳон маданияти ва санъати” деб аталган мазкур бўлимда дунё маданий саҳнида кечаётган турфа, қизиқарли ҳодисалар, халқаро маданий-маърифий тадбирлар, фестивал ва форум хабарлари, омманинг ҳайратига сабаб бўлаётган асарлар, машҳур кишилар ҳаётида юз берган турли воқеалар, улкан санъаткорларнинг таваллуд саналари билан боғлиқ ранг-баранг янгиликлардан бохабар бўлиб борасиз.

ТАРИҲДА ҚОЛГАН САНАЛАР

КИМГАДИР ФОЖИА, КИМГАДИР КУЛГУ...

Чарли Чаплиннинг бир неча авлод томошабинлари лабида табассум уйғотган “Олтин васвасаси” фильмининг премьераси 1925 йил 26 июнда Голливудда бўлиб ўтди. Нафақат овозсиз комедия асосчиларидан бири, балки гениал актёр сифатида кинематография зарварақларига номи битилган Чаплин шундай деган эди: “Қанчалик ғайритабиий бўлмасин, кимнингдир фожеаси бошқа бировнинг кулгисига сабаб бўлиши-ҳақиқатдир. Менимча, кулгу инсоннинг ички зиддиятларини акс эттиради. Аслида биз кулганда табиат, ҳаёт олдидаги ожизлигимиз устидан куламиз.”

Эксцентрик комедиянинг мумтоз намунасига айланган “Олтин васвасаси” фильми ушбу фикрнинг яққол исботидир. 1846 йилда Калифорнияга келган олтин қидирувчилар экспедициясининг аянчли қисмати Фильм воқеаларига асос қилиб олинган. Бойиб кетиш илинжида йўлга чиққан бир гуруҳ муҳожирлар ҳалокатга учрайди. Тирик қолиш учун одамзот нималар қилмайди дейсиз?! Итлар ҳам егулик ўрнига ўтади, чармдан тикилган кийимлар ҳам... Ана шун-




дай даҳшатли вазиятда инсоннинг қандай ҳолатга тушишини кўрсатиб берган фильм томошабинларнинг олқишига, беармон кулгусига сабабдир.

1942 йилда Чаплин картинани қайта монтаж қилиб, уни кадр орти матни ва мусиқа билан бойитади. Дарвоқе, “Олтин васвасаси” Чарли Чаплин бир вақтнинг ўзида энг кўп роль ижро этган комедия... маъюс комедия ҳамдир.

ОММАБОП ГАЗЕТА 157 ЁШДА

The
Sunday Telegraph



Хабар ва маълумотларни ўқувчига энгил шаклда етказиб берувчи нашрларни кимдир танқид қилиши, яна биров назарга илмаслиги мумкин. Лекин айнан шундай газеталарнинг оммабоп тус олишини тан олмасликнинг иложи йўқ.

1855 йил 29 июнда Британияда “The Daily Telegraph” газетасининг биринчи сони

чоп этилганди. Ушбу нашр аслида Кембридж герцогининг хатти-ҳаракатларини танқид остига олувчи минбар сифатида ташкил этилган бўлиб, кўп ўтмай у “The Sunday Times” газетаси таъсисчиси Жозеф Леви томонидан сотиб олинади. Леви мураккаб таҳлил йўлидан воз кечиб, газета саҳифаларини ўқилиши энгил, кўпчилик учун қизиқ бўлган, оммабоп мавзудаги мақолалар ва ахборот билан тўлдиради. Тез орада нашр “Энг катта ва ҳаммабоп газета” сифатида ўзини танитади. “The Daily Telegraph” қисқа фурсатда адади бўйича мамлакатда биринчи ўринга чиқиб олади. Бунинг сабабларидан бири сифатида унинг нархи ҳамёнбоп экани — газета атиги бир пенс туриши ҳам кўрсатилади. Орадан 150 йилдан зиёд вақт ўтиб, 2006 йили нашр рекорд нусхада — 900 минг донада чоп этилиб, яна бир карра муваффақият қозонди. Ха, отахон Леви янглишмаган кўринади. Жиддий, залворли нашрлардан кўра “тоши энгил босадиган” газеталарга бир ярим аср аввал ҳам эҳтиёж катта бўлган, ҳозир ҳам етарли. Демак, ахборот эҳтиёжни белгиловчи омиллардан эканияна исботини топди.

СКАРЛЕТТНИНГ ШАМОЛЛАРДА ҚОЛГАН ҲИСЛАРИ


1936 йил 30 июн. Шу куни Маргарет Митчелнинг “Шамолларда қолган ҳисларим” китобининг биринчи нашри дунё юзини кўрди. Гарчанд Митчел номи тарихда яккаю ягона асар муаллифи сифатида қолган бўлса-да, мазкур китоб ўз даврида бошқа барча нашрларни ортда қолдириб кетди. “Шамолларда қолган ҳисларим” бир кунда 50 минг, бир йилда 1,5 миллионлаб нусхада сотилган пайтлар бўлди. Биринчи йилнинг ўзидаёқ китоб 18 тилга таржима қилинди. Шу номдаги кинофильмнинг катта экранларга чиқарилиши асарнинг янада оммалашувига сабаб бўлди.

Китобда ўтган аср бошларида рўй берган, узоқ ўтмишда қолган воқеалар акс этган. Муҳаббат, эҳтирослар, аёл қалбининг турфа товланишлари, ёқимли маккораликлар, беғараз шумлик, нозу истиғнолар ўзига хос бадийий услуб ва жозиба билан акс этган мазкур роман ҳануз эътиборда ва миллионлаб китобхонлар эътирофида. Ваҳоланки, давр ўзгаради, қиёфалар алмашинди. Бироқ инсон, унинг феъл-атвори ўша-ўша. Бош қахрамон Скарлеттнинг ҳар қандай вазиятда ўзини йўқотмай, умид билан “Эрта бир гап бўлар...” дея айтган ибораси қанот чиқариб, жаҳоннинг турли манзилларидаги минглаб аёлларнинг ва албатта эркакларнинг ҳам умид нишонаси, кўнгил таскини



РЭЙ БРЭДБЕРИ – КЕЛАЖАҚДАН КЕЛГАН МЕХМОН

Дунёга машхур ёзувчи, илмий-фантастик адабиёт асосчиларидан бири Рей Бредбери 92 ёшида оламдан ўтди. Адибнинг ўзи унга фантаст ёзувчи сифатида берилидаган таърифни ёқтирмасди. “Мен илмий-фантастик жанрда ижод қилмайман. Инсон ҳаёти, унинг кечинмаларини қозғашга тушираман, холос. Кўпчилик росмана тўқима деб биладиган асарларимга ҳам аслида реал воқеалар асос бўлган”, деган эди Бредбери.



Рэй Дуглас Бредбери 1920 йил 22 август куни АҚШнинг Уокиган шаҳрида дунёга келган. Рэй болалигиданоқ адабиёт оламига ошурфта эди. У ўрта мактабдан бошқа ҳеч қандай даргоҳда таълим олмаган, ўзини коллеж ўрнига кутубхонани тамомлаган “мутахассис” деб атарди. Соатлаб кутубхоналарда ўтирар, Герберт Уэллс, Жюль Верн, Эдгар По асарларини мириқиб ўқирди. Айниқса, Эдгар Берроуз китоблари Рейни буткул ўзига ром қилганди. 12 ёшида Э.Берроузнинг “Марслик жангчи” асари давомини сотиб олишга қурби етмаган Бредбери унинг давомини ўзи ёзиб қўя қолади. Ёзувчининг китобхонлар эътиборига тушган илк асари - “Марс хроникаси” бўлиб, уни Нью-Йоркдаги адабий агентга олиб бориб бериш учун камхарж Рэй йўлқирага зўра пул тўплайди. Инсон томонидан Марснинг эгаллаб олинishi ҳақида кичик ҳикоялардан тўпланган мазкур китоб илмий фантастика жанрида янгилик бўлди ва шу йўналишдаги асарларнинг кўпайишига туртки берди.

Р.Бредберининг 1953 йилда чоп этилган “Фаренгейт бўйича 451 даража” романи муаллифни бутун дунёга машхур қилди. Унда инсонни фикрга ундовчи китобларни ёқиб, маҳв этишга киришган тоталитар жамият ҳақида сўз боради. Асар дунё юзини кўриши билан катта қизиқиш уйғотди, кўплаб баҳсу мунозараларга сабаб бўлди. Романда адибнинг китобга бўлган шахсий муносабати — уни донишмандлик, маърифат тимсоли, разилликка қарши энг кучли қурол, ақл ва қалбга ҳаловат берувчи восита сифатида қарашни яққол акс этган эди.


Бредбери тамаддун тараққиёти, фан-техника ривожини билан боғлиқ воқеаларни моҳирона тасвирлар, бироқ ўзи бундай пойгада одамзот оддийгина инсоний бахтини йўқотиб қўйиши мумкинлигидан хавотирга тушган эди: “Тараққиёт бизнинг яшашимизга халақит беради, вақтимизни тежамайди, аксинча, ўғирлайди. Одамлар умрининг катта қисмини компьютерга бағишлайдиган бўлиб кетган. Улар бир-бирларини тинглаш, мулоқот қилиш ўрнига ўз-ўзлари билан гаплашаётгандек гўё...”

Плазма экранли телевизор, банкомат, кузатув камералари каби техника мўъжизаларининг пайдо бўлишини ўтган асрнинг ўрталаридаёқ “башорат қилган” ёзувчи ҳаётда энг замонавий техник қулайликларни гажетларни тан олмайдиган, ҳатто улардан чўчидигандек эди. Унинг уйда телевизор ва оддий телефондан бўлак ҳеч қандай техник тараққиёт маҳсули бўлмаганлиги бунинг исботидир...

Бредбери фантастик жанрда 11 та роман, 400 дан ортиқ қисса ва ҳикоя, 21 та пьеса яратди. 1947 йилдан 2007 йилга қадар АҚШнинг ўзида адибнинг 59 та китоби нашр этилди. Унинг асарлари асосида 40 дан ортиқ фильмлар суратган олинган.

Рэй Бредбери О’Генри, Бенжамин Франклин, Америка Академияси, Энн Радклифф, “Гендальф” ва бошқа қатор нуфузли мукофотлар совриндори бўлган. Шунингдек, Рей Бредбери номидаги мукофот ҳам таъсис этилаган бўлиб, ушбу мукофот Небьюл (Америка ёзувчи фантастлари ассоциацияси) танлови доирасида энг яхши фантастик жанрдаги киносценарийлар учун топширилади.

Асарларида келажақдан дарак бериб, мухлислари қалбида умумбашарий қадриятлар куйчиси сифатида жой олган Рэй Бредбери 2012 йилнинг 6 июн куни Лос Анжелесда ҳаёт билан видолашди.



Рэй Брэдбернинг хорижий оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсидан:

— Аксарият асарларингизда вақт машинаси ғоясига мурожаат қиласиз. Вақт ўзи нима дегани? Ахир, вақт молекуласи йўқ-ку!

— Биз ҳаммамиз вақт машинасимиз. Ҳар биримиз турли даврларни кўришимиз мумкин. Айнан шунинг учун мен кексалар билан мулоқот қилишни ёқтираман. Уларнинг “яширин мурватини” бураб, дейлик, 1900 йилга саёҳат қилиш мумкинлигини биламан. Вақт бизнинг миямизда мавжуд бирлик. Вақт бу хотира демакдир.

— Сиз замонавий ёзувчилар орасида энг кўп халқаро ва миллий мукофотлар олган адибсиз. Шон-шухрат, мукофотлар сиз учун нимани англатади?

— Расмий унвонлар мен учун ҳеч нарса эмас. Ҳақиқий мукофот бошқача бўлади. Икки йил муқаддам мени Лос Анжелес мэриясига таклиф этишганди. Мэр шарафимга нутқ сўзлади, қандайдир мукофот топширди, йиғилганлар қарсақ чалишди... Бироқ тадбирдан чиқиб кетаётганимда бир йигитча ёнгимдан ушлаб олди-да, кўзимга тик қараб, “Сиз менинг ҳаётимни ўзгартиргансиз”, деди. Ҳеч бир соврин, шон-шухрат шунақа вазиятларга, бундай эътирофга тенг келолмайди. Мен ўзимни ракеталар ва сайёралар ҳақида ҳикоя тўқувчи чўпчакбоз эмас, балки кимгадир ҳаётдан сабоқ берувчи устоз, кўнгилларни меҳр-муҳаббатта очишни мақсад қилган оддий ўқитувчи деб биламан.

ДАРВОҚЕ...

Р. БРЭДБЕРИ АСАРЛАРИ ЎЗБЕК РЕЖИССЁРИ ТАЛҚИНИДА

1984 йили “Ўзбекфильм” киностудиясида режиссёр Нозим Тўлахўжаев томонидан “Майин ёмғир ёғади” мультфильми Р.Бредбернинг шу номли ҳикояси асосида суратга олинган. Орадан уч йил ўтиб, 1987 йили мазкур режиссёр “Вельд” фильмини суратга олди. Фильм фантаст ёзувчининг бир йўла 5 ҳикояси — “Вельд”, “Қоқигуллардан шароб”, “Пиёда”, “Аждаҳо”, “Кўғирчоқлар корхонаси” асарлари асосида суратга олинган бўлса-да, унда Н.Тўлахўжаевнинг ўзига хос қарашлари акс этган.

Нозим Тўлахўжаев, режиссёр:

— Рей Бредбери замонамизнинг жуда истеъдодли, закий ёзувчиларидан бири эди, деб ҳисоблайман. Унинг асарларини мириқиб мутолаа қилганман. 1983 йили Р.Бредбернинг “Майин ёмғир ёғади” ҳикояси асосида мультипликацион фильм яратишга муваффақ бўлдик. Ушбу мультфильм қатор мукофотлар билан тақдирланди. Жумладан, 1985 йили Лейпциг халқаро кинофестивалининг бош мукофоти “Олтин кабутар”, худди шу йили Минск кинофестивалининг биринчи мукофоти, 1986 йили эса Бильбаодаги халқаро кинофестивалининг “Қумуш аждаҳо” мукофотини кўлга киритган. Мультфильм Англия, Америка каби хорижий давлатларда ҳам намойиш этилган.

Азиза ИЛҲОМОВА

АЙТМАТОВ ХОТИРАСИ

10 июн кuni дунё тан олган, жумладан, ўзбек китобхонларининг ҳам меҳрига сазовор бўлган адиб Чингиз Айтматовнинг оламдан ўтганига тўрт йил бўлди.

Чингиз Тўрақулович Айтматов 1928 йил 12 декабрда Қирғизистоннинг Шекер қишлоғида туғилди.

1956 йилда унинг “Юзма-юз” ҳикояси чоп этилди. Шу йилнинг ўзида Айтматовни дунёга танитган “Жамила” қиссаси ҳам нашрдан чиқди. Буюк француз адиби Луи Арагон мазкур асарга “дунёдаги энг гўзал муҳаббат қиссаси” дея таъриф бериб, уни фаранг тилига таржима қилгач, ўттиз ёшлардаги навқирон ёзувчи жаҳоний шухрат топди. Қиссада адиб прозасининг илк даврларидаёқ яққол кўринган асосий хусусияти - қаҳрамонлар феъл-атвори ва воқеалар ривожига драматизм, хар бир ҳолатни психологик



далиллаш ҳамда умуминсоний қадрият ва миллий тушунчалар, қарашлар, урф-одатлар уйғунлиги намоён бўлди. “Алвидо, Гулсара”, “Оқ кема” (1970) қиссалари Айтматов бадиий услубининг тадрижий такомилда яна бир босқич бўлди. 1980 йили “Асрга татиғулик кун” номли (иккинчи номи “Бўронли қўналға”) биринчи романи эълон қилди. Асар катта эътиборга, эътирофга сазовор бўлди. Ҳазрат Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Бехбудий асарларида тилга олинган “маркук” тушунчаси ушбу романда “манкурт” шаклида қўлланиб, адабий-бадиий ҳодисага — аждодлари, азалий қадриятларини, демакки, ўзлигини йўқотган, хотирасизликка маҳкум кимсаларнинг бадиий рамзига айланди. Адибнинг кейинги “Қиёмат” (1986) романи ҳам бадиий фалсафий прозанинг янада юксакрок намунаси бўлиб, XX аср жаҳон адабиёти тарихига кирди.

Миллий образлар орқали умуминсоний масалаларни моҳирона акс эттирган Чингиз Айтматов асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Миллионлаб нусхаларда чоп этилган. Буюк адиб жаҳоннинг турли мамлакатларидаги муҳлислари унинг саксон йиллик таваллуд санасини нишонлашга тараддуд кўраётганларида, қутлуг тадбирларга етолмай вафот этди.



РУС ШЕЪРИЯТИ ҚУЁШИ

Янги рус адабиётининг асосчиси Александр Сергеевич Пушкин 1799 йил 6 июнда Москвада таваллуд топди. Унинг отаси Сергей Львович рус аслзодалари авлодидан, онаси Надежда Осиповна эса Пётр Биринчининг қўлида тарбия кўрган ҳабаш Иброҳим Ҳанбалнинг набираси эди.

Александр энагаси Арина Родионовнанинг таъсирида эртақларга, шеъриятга, адабиётга ҳавас билан улғайди. 1811-1817 йиллари ўша даврда Россиядаги энг нуфузли таълим даргоҳларидан бири бўлган Царское Село лицейида таҳсил олди. У илк шеър ва дostonларини ҳам лицейда ўқиб юрган кезлари ёзганди. Дастанлиқ ижод намуналари 1813 йилда матбуот юзини кўради.

Пушкиннинг битирув оқшомида ўқиган шеърини ўша ерда ҳозир бўлган машҳур рус адаби Державин ҳам тинглаган, унинг катта шоир бўлиб шухрат

“Руслан ва Людмила” қозонишини башорат қилганди. Пушкиннинг дастанлиқ йирик асари “Босилиб чиққанида у 21 ёшли ўспирин эди.

Пушкин шеърларидаги исёнкорлик, жасорат, қатъият, эрксеварлик чор ҳукуматининг эътиборини тортмай қўймади. 1819 йилда Пушкинни “Яшил чирок” адабий тўғарагидаги иштироки учун Екатеринославга сургун қилишади. Пушкин у ердан Кавказга, кейин Қримга йўл олади. Ана шу мусофирлик йилларида у “Кавказ асири”, “Ака-ука қароқчилар”, “Боқчасарой фонтани”, “Лўлилар” сингари дostonларини яратди.

1824 йилда Пушкин яна тазйиққа учради. Бу гал у Михайловское қишлоғига бадарға қилинди. Бу ерда жуда катта руҳий изтиробларни бошдан кечирди. Шунда ҳам у тушкунликка берилмасдан, ижодни давом эттиради. “Борис Годунов” трагедияси, “Евгений Онегин” шеърини романи айнан ўша даврда яратилди.

Пушкин қисқа давр мобайнида адабиётнинг кўплаб йўналишларида қалам тебратиб, турли жанрларда бетақдор асарлар яратди. У шеърини ҳам, насрда ҳам, драматургияда ҳам баракали, сермахсул ижод қилди. Рус халқ оғзаки ижодини пухта ўрганиб, “Шоҳ Салтан ҳақида эртақ”, “Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртақ”, “Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ” сингари асарлари билан болалар адабиётида бетақдор ўрин эгаллади.

Ҳар қандай жамиятдаги ҳасад, кўролмаслик иллати аксарият буюк шахслар ҳаётига замин бўлади. Пушкиннинг фавқуллодда истеъдоди ва шону шухрати унинг душманларига тинчлик бермасди. Қарши кучлар бўҳтонлар уюштириб, зимдан пайт пойлаб юрардилар... Шоир 1937 йили зобит Ж. Дантес билан уюштирилган дуэль натижасида ҳалок бўлди.

Пушкин ижоди рус адабиётида икки асрдан бери жуда кенг ўрганиб келинмоқда. Шоирнинг ўлмас асарлари дунёдаги юзлаб тилларига таржима қилинган. Жумладан ўзбек уқувчилари ҳам алақачон атоқли ўзбек шоир, адиблари Чўлпон, Ойбек, Миртемир, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳорлар ва яна бошқа қатор ижодкорлар таржимасида Пушкин асарларини ўз маънавий бисотига айлантирган.

Ҳар йили июнь ойи бутун дунёдаги шеърини муҳлислари, айниқса, Россия халқи, адабиёт ва санъат аҳли учун “Пушкинхонлик” байрами сифатида турли адабий-маънавий

тадбирлар билан қизгин ўтади.

Айни кунларда ҳам Москвада 1912 йил 13 июн куни фаолият бошлаган А.С.Пушкин номидаги давлат тасвирий санъат музейининг 100 йиллиги доирасида қатор маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

СУҚРОТ

Антик давр юнон фалсафасининг етук дарғаларидан бири бўлган Суқрот тахминларга кўра милоддан аввалги 469 йилнинг 4 июн куни Афинада ҳайкалтарош Софринкс ва доя Фенаретта оиласида таваллуд топган. У болалигидан фалсафа, тарих, адабиёт ва бошқа фанларни пухта ўзлаштириб, ўз таълимотини яратган ва атрофида кўплаб истеъдодли талабаларни тўплаган. У ўз қарашларини шогирдларига фақат оғзаки баён қилгани учун, ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган.

Суқрот мактаби аъзоларининг бир қисми Афина демократиясига қарши кайфиятда бўлган. Шу боис Суқротни ҳам демократияга нисбатан душманликда айблашган. Суқрот эса умуман адолатсизликка асосланган ҳар қандай жамиятга қарши эканини баён қилганди. Унинг таълимотидаги танқидий руҳ Афина ҳукуматини хавотирга солиб қўяди. Шу боис Суқротни “дахрийлик, ёшлар онги ва фуқаролик меъёрларини бузиш”да айблаб суд қиладилар. Милоддан аввалги 399 йилда мазкур суд ҳукмига кўра Суқрот заҳар ичириш йўли билан қатл қилинади.

Ривоятларга кўра, Суқрот қатл этилишидан аввал яқинлари кўргани боришганда, файласуф китоб мутолаасига берилган экан. “Нега шу пайтда китоб ўқиб ўтирибсан, ахир эртага сени қатл этишади-ку?!” дея ажабланиб сўраганларга “Бугун ўқимасам, қачон ўқийман?!” дея жавоб берган экан.

Суқрот таълимотида адолат, тенглик, илм-маърифат, ахлоқ сингари инсоний қадриятлар улуғланади. Буюк олимнинг фалсафий қарашлари унинг шогирдлари Ксенофонт, Афлотун, кейинроқ Арасту томонидан ёзиб қолдирилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида тилга олинган бир тарихий воқеани эслаш ўринли: “Маълумки, Платон бутун умрини илму маърифатга бағишлаган улуғ донишманд – Сократнинг муносиб шогирди эди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сократнинг ўлиmidан кейин юнон фалсафаси хавф остида қолади.

Фақатгина Платоннинг фидойилиги ва беқиёс хизматлари эвазига бу фан янгича босқичга кўтарилади. Унинг қанчадан-қанча қийинчилик, сарсон-саргардонликдан сўнг бор мол-мулкни сарфлаб, Афина шаҳри яқинидан махсус ер сотиб олиб, олимлар тўпланиб, баҳс-мунозара олиб борадиган жой – академия ташкил этиши чинакам маънавий жасорат намунаси эди. Платон асос солган бу илмий маскан минг йил давомида нафақат юнон, балки бутун Шарқу Фарб оламининг ривожига кучли таъсир ўтказди, инсоният тафаккур тараққиётининг истиқболини белгилаб беради.”

БУ ҚИЗИҚ!

Грецияда қадимги юнон файласуфи Суқротнинг иши юзасидан қайта суд мажлиси ўтказилди ва у ўлиmidан сўнг 2500 йил ўтгач оқланди.

Суқрот устидан қайта олиб борилган судда Буюк Британия, Франция, АҚШ,

Швейцария, Грециядан ўн нафар машҳур ҳуқуқшунос ва 866 нафар томошабин иштирок этишди. Суд ҳакамларининг фикрлари тенг иккига бўлинди, томошабинлардан эса 584 киши файласуфни айбсиз, 282 нафари айбдор деб топди. Шу тариқа, умумий келишувга кўра, Суқрот ўлиmidан 2500 йил ўтгач оқланди.

Рустам ЖАББОРОВ



ФЕДЕРИКО ГАРСИА ЛОРКА

Федерико Гарсиа Лорка нафақат испан, балки дунё шеърятининг забардаст вакилларида саналади. Лорка 1898 йил 5 июнда Испаниянинг Гранада вилоятига қарашли Фуэнте-Ракерос шаҳарчасида туғилди. У ўқувчилик давридаёқ юксак истеъдоди билан ажралиб турарди. 1910 йилдан Федерико вилоятдаги адабий муҳитга кириб боради. Адабий анжуманларда фаол иштирок эта бошлайди.

1914 йилда Гранада университетига ўқишга киради. Ҳуқуқ, фалсафа ва адабиётни чуқур ўрганишга киришади. 1918 йилда унинг илк лирик тўплами “Тасвир ва таассурот” дунё юзини кўради.

1919 йилда Федерико Мадридга келади. Бу ерда ўз даврининг етуқ олимлари, адиб ва рассомлари билан танишади. “Эслава” театри раҳбари Грегорио Мартинес Сьерранинг илтимосига биноан “Капалак сеҳри” пьесасини ёзади. 1928 йилгача у Мадрид университетиде таҳсил олади. Худди шу йили унинг яна бир тўплами “Лўли романслари” чоп этилади.

Бир йил ўтиб Лорка Нью-Йоркка келиб жойлашади. Бу ерда ҳам у баракали ижод қилиб, янги шеърлар, дoston ва пьесалар яратади. Шоирнинг она Ватанига қайтиши Испаниядаги сиёсий беқарор йилларга тўғри келди. 1931 йилда Лоркани La Barraca талабалар театрига раҳбар қилиб тайинлашади. Театрга раҳбарлик йилларида у “Қонли тўй”, “Ерма”, “Бернард Албанинг уйи” сингари сахна асарларини яратади.

Испанияда фуқаролар уруши бошланиши арафасида у Мадриддан Гранадага қайтади. Айна пайтда бу ерда ички низолар авж олганди. 1936 йил 18 августиде Лоркани айирмачи кучлар қўлга олишади, эртаси куни эса уни республикачи душман сифатида отиб ташлашади.

Айрим маълумотларга кўра, ярадор шоирни яқин дўстлари кутқариб қолиб, яширин равишда Аргентинага жўнатишган, оғир жароҳат туфайли хотирасидан айрилган шоир умрининг охирига қадар бу мамлакатнинг чекка ҳудудида оддий ва фақирона кун кечирган, деган тахминлар ҳам бор.

Гарсиа Лорка асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима этилган. Жумладан журналистик саҳифаларида ҳам унинг бир туркум шеърлари эълон қилинган. Ҳассос шоир Шавкат Раҳмон томонидан испан тилидан маҳорат ва меҳр билан ўгирилган Лорка мисралари ўзбек поэтик таржимачилигининг ёрқин намуналаридан бўлиб қолди.



ТОМАС МАНН

Машҳур немис адиби Пауль Томас Манн 1875 йилнинг 6 июнь кунини Любек шаҳрида, шаҳар сенатори лавозимини адо этувчи бадавлат савдогар Томас Йоханн Генрих Манн оиласида таваллуд топган. Томаснинг оиласи фаровон яшарди, унинг болалик ҳаёти ўз даври учун хавас қилгулик даражада ўтган, дейиш мумкин.

1891 йили отаси қазо қилгандан сўнг оила Мюнхенга кўчиб ўтади. Любекда яшаётган давридаёқ Манн адабиёт оламига шўнғиган, “Баҳор момақалдироғи” адабий-фалсафий журналининг асосчиси ва муаллифи бўлганди. Кейинчалик эса акаси нашр этадиган “XX аср” журнали учун мақолалар ёза бошлайди.

Аммо 1901 йилдагина, яъни “Будденброклар” романи дунё юзини кўргач, Манн ҳақиқий машҳурликка эришди. Тарихий воқеалар асос қилиб олинган бу романда Манн Любекдаги савдогарлар сулоласининг

синиши ва яна қайта қад ростлашини тасвирлайди. 1929 йили “Будденброклар” асари Нобель мукофотига сазовор бўлди.

1933 йилда адиб Германиядан Цюрихга кўчиб кетади. 1936 йили, нацистлар ҳукумати Манни Германияга қайтишга кўндира олмаганидан сўнг, уни немис фуқаролигидан маҳрум этади. Адиб 1938 йилда АҚШга кўчиб ўтади ва Принстон университетига дарс беради.

1942 йили у Пасифик-Палисейдз шаҳрига кўчиб ўтиб, немис тингловчилари учун фашистик голяларни қораловчи эшиттиришлар олиб боради. 1947 йили унинг “Доктор Фаустус” номли романи нашрдан чиқади. Гарчи асар воқеалари XX асрда юз берса-да, унинг бош қаҳрамони кўп жиҳатдан Фаустга ўхшаб кетади.

Ҳаётининг сўнги йилларида Манн сермахсул ижод қилди: 1951 йилда “Сайланган” романи, 1954 йили “Қора оққуш” новелласи нашр этилди. Бундан ташқари, Манн биринчи жаҳон урушидан аввал ёза бошлаган “Фирибгар Феликс Крулнинг иқрорлари” романи устида иш олиб борди. Афсуски, асар ниҳоясига етмади. Иқтидорли, ақлли ва келишган бўлишига қарамай, товламачилик йўлини тутган ва шубҳали йўтлар билан юқори поғоналарга кўтарилиши оқибатида инсоний қиёфасини йўқотиб, маҳлуққа айлана борган шахс ҳақидаги мазкур роман тугалланмаган ҳолда чоп этилган.

Томас Манн ўз асарларида ўлим, ажалнинг совуқ нафаси, қабр орти ҳаёти билан боғлиқ даҳшатли мавзуларга тез-тез мурожаат қилиб турган (“Венециядаги ўлим”, “Сехрли тоғ”, “Доктор Фаустус”). Адибни жамиятда ўз ўрнини тополмаган ёхуд дунё ҳақидаги тасавури чилпарчин бўлган инсон тақдири уйлантиради. Кўпинча бундай мавзулар қаҳрамонларнинг мудҳиш муҳаббат қиссалари билан қоришиб кетади.

Томас Манн 1955 йили 12 августда Цюрихда вафот этган.

ЭЖЕН АНРИ ПОЛЬ ГОГЕН



Буюк француз постимпрессионистларидан бири бўлган Эжен Анри Поль Гоген 1848 йил 7 июнда Париж шаҳрида, журналист оиласида дунёга келган. Унинг онаси Перулик бадавлат хонадоннинг қизи бўлган. Поль бир ёшга кирганида, унинг ота-онаси Перуга кўчиб кетишга қарор қилади. Аммо сафар чоғида бўлғуси мусаввирнинг отаси вафот этади.

1855 йили Поль онаси билан Францияга қайтади. Етмишинчи йилларда Поль суратларни коллекция қила бошлайди, шу билан бирга ўзини тасвирий санъатда синаб кўради. Тўғри, у болалигидан сурат чизишга қизиқар, аммо профессионал рассомлардан сабоқ олмагани туфайли ўз техникаси, услубига эга эмасди.

70-йилларнинг иккинчи ярмида Гоген ўша даврдаги энг таниқли импрессионистлардан бири бўлган Камиль Писарро билан дўстлашиб қолади, кейинчалик санъатнинг ушбу оқими бошқа вакиллари билан ҳам танишади. У ўз ўрнини топгандек бўлади, маҳоратини оширишга уринади. 80-йилларнинг бошларида чизган суратлари билан бир нечта кўргазмаларда иштирок этади, аммо бу унга шўхрат келтирмайди.

1884 йилда Гоген оиласи билан Колонгагенга кўчиб ўтади. Гарчи бу ерда брокер бўлиб ишласа-да, кўпроқ вақтини тасвирий санъатга бағишлайди. Орадан бир йил ўтгач, Поль хотини ва болаларини Данияда қолдириб, Францияга кўчиб кетади. Мақсади бу ердаги санъат муҳитига кириш эди. Гоген биржадаги фаолиятини тўхтатади, аммо тасвирий санъат орқали нон топа олмайди, шу туфайли моддий қийин аҳволга тушиб қолади. Айни шу даврларда у “Сарик Исо”, “Хутбадан кейинги рўёлар” каби асарларини яратади.

1887 йили Гоген Мартиника оролига жўнайди. Бу ердаги ажойиб табиат, денгиз билан боғлиқ гўзал манзаралар унинг ижодига ўз таъсирини ўтказди. Кейин у Арлега қайтиб, Ван Гогнинг уйда яшай бошлайди, лекин кўп ўтмай икки рассом ўртасида келишмовчилик пайдо бўлади.

1891 йили мусаввир Таити оролига сафар қилади ва қисқа вақт ичида саксондан ортиқ суратлар чизишга муваффақ бўлади. У Францияга қайтиб, асарларини сотишни, шунинг

орқасидан бойиб кетишни кўзлаганди. Афсуски, номи чиқмаган мусаввирнинг “ердаги жаннат”ни тасвирловчи суратлари на томошабинлар, на танқидчилар эътиборига тушмайди. Соғлиғини йўқотган ғариб Гоген ўзини тан олмагани, ижодини тушунмагани учун Европани бир умрга тарк этади. Унинг ўша йилларда чизган суратлари ичида “Манао Тупапау — марҳумни кузатувчи рух”, “Таити чўпонлари ҳаёти” каби асарлари кейинчалик катта шуҳрат қозонди.

1895 йили Гогенга омад кулиб боқади — унга узоқ ҳариндоши унча катта бўлмаган мерос қолдиради. У яна Таитига боришга муваффақ бўлади. Техура исмли маҳаллий қизга уйланади, қамиш ва хашакдан бино этилган чайлада яшаб, Океаниянинг гўзал манзаралари ва одамлари тасвирини қоғозга тушира бошлайди. Бу даврдаги энг машҳур асарлари “Қиролнинг хотини”, “Ҳосил йиғими” ва бошқалар буюқларининг ёрқинлиги билан эътиборни тортади.

Узоқ давом этган касаллик 1903 йили 8 майда тушкунликдан заифлашиб қолган мусаввирни енгди, унинг юраги дардни кўтаролмади...

Орадан уч йил ўтиб, 1906 йили Польнинг орзулари амалга ошди — Париждаги кўрғазмада унинг икки юздан ошиқ картинаси намойиш этилди. Бу асарлар самимийлиги Мухаббат **ЙУЛДОШЕВА**

ОЙНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

БЕЛЛА АХМАДУЛИНА ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН МУКОФОТ

*Билмам не чорламиш уни бу томон —
Ҳавасми, муҳтожлик ё бир дипрабо?
Русияни макон этмиш бу замон
Ўша шарманкачи итальян бобо.*

XX аср иккинчи ярми рус адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири, шоира, таржимон Белла Ахмадулина қаламига мансуб ушбу мисралар “Менинг шажарам” автобиографик дostonидан ўрин олган. “Лермонтов ва Пастернак лирикаси издоши” дея таърифланган, шеъриятида ўйчанлик, туйғулар домига ғарқ бўлишдек ҳолатлар устувор Белла (Изабелла) Ахатовна Ахмадулинанинг келиб чиқиши татар ҳамда итальян илдизларига бориб тақалади. Шоира хотирасига бағишлаб таъсис этилган янги мукофотда нафақат унинг ижодига бўлган ҳурмат, балки ажодларига эътибор ҳам акс этган.

“Мазкур мукофотни рус ва итальян тилларидаги шеърий асарлар учун бериш кўзда тутилган. Россиялик шоира Белла



Ахмадулинанинг асл насли итальянларга бориб тақалишини кўпчилик билмаса керак. Аммо бунинг исботини адабанинг асарларида кўриш мумкин. Мукофотга берилган “Белла” номи ҳам соф итальянча жаранглайди”, дея таъкидлайди мукофот ташкилотчиларидан бири Татьяна Юрлова.

Миқдори 3 минг еврони ташкил этадиган мукофотга сазовор бўлиш учун 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган россиялик ва италиялик ёш шоирлар ўз асарлари билан иштирок этишлари мумкин. Танловга иккала мамлакатдан мутахассислар ҳакамлик қилишади.

Мукофот топшириш маросимини ҳар йили апрель ойида — шоира таваллуд топган куни Россия ва Италияда ўтказиш режалаштирилмоқда.

ЛОНДОНДА ШЕКСПИР ТЕАТРИНИНГ ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ



1613 йил, июль. Лондон. Саҳнада «Генрих VIII» спектакли намойиш этилмоқда. Томоша пайтида отилиши керак бўлган замбарак ўқи кутилмаганда ўз йўналишини ўзгартириб, сомон тўла томга бориб тушди. Аланга саҳна устунлари, ундан томошабинлар ўтирган зални қуршаб олди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

“Глобус” театри труппаси яна бошпанасиз қолди. Ундан аввал театр ижарага олинган майдонда қурилган бўлиб, ер эгаси ижара ҳаққини кескин ошириб юборгани боис санъаткорлар ўзга макон излашга мажбур бўлишганди. 1599 йилда жамоанинг бир неча актёри, хусусан Шекспир, ака-ука Бёрбежлар, Августин Филипс ва бошқалар шахсий маблағлари эвазига янги театрни барпо этишга аҳд қилишди. Табиийки, қурилишда ўша даврга хос бўлган ёғочдан фойдаланилганди...

2012 йил, май. Лондон. Шаҳарнинг шарқий қисмидаги энг гавжум туманлардан бирида археологлар XVII асрда вайронага айланган “The Curtain” театри қолдиқларига

дуч келишди. Орадан ўтган вақт театрининг ёғоч сахнасига деярли дахл қилмаган, яхши ҳолатда сақланиб қолган экан. Тахминларга кўра “Ромео ва Жульетта” спектаклининг илк премьераси айнан шу сахнада бўлиб ўтган. Англия Археология музейи мутахассислари театр вайроналарини қайта тиклаш мумкинлигига ишонч билдиришмоқда.

Олимлар “The Curtain”ни Лондондаги машҳур “Глобус” театрининг “бобокало-ни” деб ҳисоблашади. Бундан тўрт аср муқаддам нафақат Шекспир пьесалари мухлислари, балки барча санъат ихлосмандларини жамлаган тарихий даргоҳни эндиликда сайёҳлар ҳам томоша қилишлари мумкин.

ПОЛ МАККАРТНИ 70 ЁШДА

Гарчи Буюк Британиянинг “The Beatles” гуруҳи тарқаб кетганига қирқ йилдан ошган бўлса-да, у ҳамон муסיқа тарихидаги энг обрўли жамоа сифатида тан олинади. Гуруҳ асосчиларидан бири Жеймс Пол Маккартни эса жаҳоннинг энг омадли поп-қўшиқчилардан бири бўлиб келмоқда.

Машҳур муסיқачи, хонанда, бастакор, созанда ва продюсер Пол Маккартни ўз фаолияти давомида ўн беш марта “Грэмми” мукофоти соҳиби бўлган, 1965 йилда Британия империяси ордени (МБЕ) билан тақдирланган. 2011 йилда “Rolling Stone” журнали ўтказган сўровномага кўра Маккартни барча даврларнинг энг яхши бас-гитарачиси дея эътироф этилаган.

Жон Леннон ва Пол Маккартни дуэти замонавий муסיқа тарихидаги энг муваффақиятли ижодий ҳамкорлик ҳисобланади. Пол Маккартни машҳур муסיқачи ва бастакор сифатида бир неча марта Гиннес рекордлар Китобига киритилган: унинг 60 та диски “олтин” мавқега эга,



синглларининг умумий адади 100 миллиондан ошган, “Yesterday” қўшиғига ёзилган талқинлар сони бўйича (3700 дан ошиқ) биринчиликни сақлаб келмоқда.

2012 йил 9 февралда Голливуднинг Шуҳрат хиёбонида етмишни қоралаб қўйган машҳур муסיқачи ўз юлдузига эга бўлди.



ФРАНЦИЯДА МУСИҚА БАЙРАМИ

21 июнь куни санъат ихлосмандлари дунёнинг турли чеккаларидан Францияга тўпланади. Афсонавий мумтоз муסיқаси ва замонавий қўшиқчилиги билан танилган Францияда ҳар йили ўтказиладиган ушбу фестиваль мамлакатнинг энг асосий ва романтик байрам тадбирларидан ҳисобланади. 1982 йилдан асос солинган бу анъана миллионлаб французларга ва четдан ташриф буюрувчи сайёҳларга жуда маъқул келган.

Байрам кунлари Франциянинг ҳар бир шаҳрида, кўчалару концерт залларида, меҳмонхоналару оддий хонадонларда ҳам муסיқа садолари янграйди. Одамлар рақсга тушиб, қўшиққа жўр бўлишади. Турли давлатлардан ташриф буюрган муסיқачилар бепул концертлар бериб, майдонлар, хиёбонлар, ресторан ва қаҳвахоналарда ўз маҳоратларини намойиш этишади. Табиийки, фестиваль куни Франция кўчаларида одатдаги шовкин- сурон кулоққа чагинмайди.

Нодира ҲОШИМОВА

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

206

ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАН ЭДИЛАР...

1 ИЮНЬ

1804 йил — Михаил Иванович Глинка, рус бастакори, рус мумтоз мусиқаси асосчиларидан бири. “Иван Сусанин”, “Руслан ва Людмила” каби мусиқий асарлар муаллифи.

1926 йил — Мэрилин Монро (асли исми шарифи Норма Джин Мортенсен), америкалик актриса. “Джазда фақат қизлар” кинофильмидаги роли орқали кенг томошабинлар оммасига танилган.

8 ИЮНЬ


1810 йил — Роберт Шуман (нем. Robert Schumann), немис бастакори, дирижёр, мусиқашунос танқидчи, педагог.

10 ИЮНЬ

1920 йил — Саид Аҳмад (Хусанхўжаев), Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. XX аср ўзбек насрининг пешқадам арбобларидан бири, қатор романлари, кўплаб қисса ва ҳикоялари, драматик асарлари билан адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшган. “Уфқ” трилогияси, “Жимжитлик” романи, «Қорақўз мажнун» тўплами муаллифи бўлган Саид Аҳмад қатағон даврининг иккинчи тўлкинига дучор бўлган, айрилиқ дарди, туҳмат беллоси, қамоқ азобларини бошидан ўтказган ижодкордир. Ҳаётида йўқотган ва топганлари унинг асарларида акс этган. Бироқ аксарият мухлислар уни кўпроқ кувноқ ҳажвиялар, айникса, “Келинлар кўзғолони” комедияси муаллифи сифатида хотирлашади. Мазкур комедия асосида сахналаштирилган спектакл ва бадиий фильм кўп йиллардан бери нафақат юртимиз театрларида, балки хорижда ҳам намоиш этиб келинмоқда.

11 ИЮНЬ

1912 йил — Мухтор Ашрафий, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор, дирижёр, ўзбек операси асосчиси. “Дилором” операси, “Севги тумори” балетига ёзган мусиқалар билан машҳур.



1910 йил — Жак Ив Кусто (фр. Jacques-Yves Cousteau), сув ости, океан тадқиқотчиси, фотосураткаш, режиссёр, акваланг ихтирочиси, кўплаб фильм ва китоблар муаллифи.

15 ИЮНЬ

1313 йил — Жованни Боккаччо (Giovanni Boccaccio), италиялик шоир ва ёзувчи. Машҳур “Декамерон” романи муаллифи.

18 ИЮНЬ

1812 йил — Иван Александрович Гончаров, рус ёзувчиси. «Обломов», «Жарлик» романлари муаллифи.

20 ИЮНЬ

1927 йил — Вячеслав Михайлович Котёночкин, россиялик режиссёр, рассом ва аниматор. «Сеними, шошмай тур!» мультипликацион фильми ижодкори.

22 ИЮНЬ

1898 йил — Эрих Ремарк (Erich Paul Remark) немис ёзувчиси, “Уч оғайни”, “Зафар дарвозаси” асарлари муаллифи.

23 ИЮНЬ

1889 йил — Анна Андреевна Ахматова (Горенко), рус шоираси. “Марсия” поэмаси, “Оқшом”, “Тасбеҳ” тўплamlари муаллифи.

28 ИЮНЬ

1712 йил — Жан Жак Руссо, (фр. Jean-Jacques Rousseau) француз ёзувчиси ва мутафаккири, бастакор. “Тазарру”, “Янги Элоиза”, “Ижтимоий шартнома” асарлари муаллифи.

29 ИЮНЬ

1900 йил — Антуан де Сент-Экзюпери (фр. Antoine Marie Jean-Baptiste Roger de Saint-Exupéry), француз ёзувчиси, шоир, профессионал учувчи. “Кичик шаҳзода”, “Одамлар сайёраси”, “Тунги парвоз” асарлари муаллифи.

SUMMARY

The poems of A.S. Pushkin, the founder of the Russian literature, were translated skillfully by prominent Uzbek poets of different times. The Uzbek translations of the writer's selective works have been published in this edition of the magazine.

The novel entitled "A Sad Story", which was written by the great Russian author Viktor Astafiev between 1982 and 1985, reflects in detail daily lives and behavioral features of the people of that time living in Veisk Town situated in western part of Russia. The translation of this work by Jura Fozil is pending its publication.

This issue includes the story of "The Moon on the Water" by Yasunari Kawabata, the Japanese narrator. This work is valuable because it contains the magnanimous ideas such as humanism, love towards the life and value of a man.

The story of "Camellia" by the South Korean writer Kim Yoo Jeong was published in May edition in 1936 and in 1938 it was included into the collection of his stories under this title. A young translator Muhlisa Faiz has rendered this story from Korean into Uzbek for publishing in this magazine.

Karel Chapek is considered to be one of the gifted representatives of the story writing based genre. The works of this prominent writer include a huge cycle of small stories making up the genre "Apocryphal Tales". These apocryphal works play a specific role with their sharp humorous spirit and unique up-to-date sense in the world of apocrypha.

In new section of the journal — Culture and Art, there will be articles about significant events in the world of literature, theatre, music, cinema, fine arts and others, there will be mentioned historical dates, interesting facts about the life and works of great figures, who have made a significant contribution to the world culture, art and literature.

РЕЗЮМЕ

Стихи основоположника русской литературы А.С.Пушкина, чей день рождения отмечается в июне месяце поклонниками таланта поэта со всего мира, переводились выдающимися узбекскими поэтами в различные периоды. В текущем номере журнала публикуется ряд избранных произведений поэта, переведённых на узбекский язык.

В романе крупнейшего современного русского писателя Виктора Астафьева "Печальный детектив" художественно описываются бытовые, моральные аспекты жизни жителей небольшого российского городка Вейск. Роман публикуется в переводе Журы Фозила.

В данном номере публикуются рассказ "Отраженная Луна" японского писателя, лауреата Нобелевской премии Ясунари Кавабаты. В работах Кавабаты, глубоко укорененных в национальной художественной традиции Японии, но в то же время свободно использующих приёмы современной литературы, большое значение придаётся подтексту, недосказанности...

Рассказ южно-корейского писателя Ким Юджона "Камелии" был опубликован в 1936 году, а в 1938 году был включен в одноименный сборник рассказов. В произведении в своеобразной форме, присущей корейским традициям описывается неосознанное чувство первой любви. Данный рассказ переведен с корейского на узбекский язык молодым специалистом Мухлисой Файз.

Карел Чапек считается одним из талантливых мастеров жанра художественного рассказа. В творчестве известного писателя имеется крупная серия кратких произведений под названием "Апокрифы". Произведения Чапека заняли особое место в мире апокрифов, благодаря острому сатирическому духу и злобдnevному содержанию.

В новом разделе журнала "Культура и искусство" идёт речь о значимых событиях в мире литературы, театра, музыки, кино, изобразительного искусства и др., упоминаются исторические даты, интересные факты из жизни и творчества великих деятелей, внёсших весомый вклад в мировую культуру, искусство, литературу.

ТАШКЕНТ ИЛИ МИКРОЯГАР А. ЧИНОВ

ТАШКЕНТ ИЛИ МИКРОЯГАР А. ЧИНОВ

Мирзо Азиз

Бунакар муқаббат

КА

